

ОЛОВЛИ ИЗЛАР

ҲАРБИЙ ОЧЕРҚЛАР,
ПУБЛИЦИСТИКА

20.10.00

Сафаров Н.

Оловли излар. Ҳарбий очерклар, публицистика. Т., Ада-
биёт ва санъат нашриёти, 1976.
496 б.

Ҳамза мукофоти лауреати Назир Сафаровнинг ушбу китобига унинг
Улўғ Ватан уруши даврида ва тинч меҳнат қурилиши йилларида ёзган
жанговар очерклари киритилди. Шунингдек турли даврларда ёзилган пуб-
лицистик мақолалар ҳам шу китобдан жой олди.

Сафаров Н. Огненные следы. Военные очерки, публицистика.

Уз2

70303-142
352 (06)-76

11 16

ҲАРБИЙ ОЧЕРКЛАР



Бу гал ҳам бўлган, кўрган-кечирган воқеаларимни ёзаётирман.

Олтмиш бешинчи йилнинг 10 октябрь куни телефон жиринглаб қолди.

— Салом, Назир ака.

— Салом.

— Союздап, Асқадман.

— Саломатмисиз, Асқаджон?

— Шукур, ўзингиздан сўрасам.

— Хизмат?

— Молдаванли ҳамкасб ўртоқларимизнинг съезди бўлар экан. Меҳмон бўлиб бориб келсангиз, деган илтимосимиз бор.

Асқад Мухторнинг бу илтимоси аллақачонлардан бери менга тинчлик бермай келаётган бир дардимни яна янгилади.

...Ўзбекистон Коммунистлар партияси Марказий Комитетининг мажлислар залида Ўзбекистон Ёзувчиларининг учинчи қурултойи давом этарди. Ўзбек совет ёзувчилари бу улкан анжуманларига ўнлаб роман, қиссалар, қатор-қатор поэмалар, драма, ҳамда сценарияларини мамлакатга кўрмана қилиб, оқсоқол ёзувчилар ўз кўз қорачиғларидек ардоқлаб, вояга етказган ўнлаб талантли шогирдларини ҳам эргаштириб келгандилар. Нотиқлар навбатма-навбат минбарга кўтарилар, ўз жонажон адабиёт ва санъатларининг истиқболи тўғрисида жон куйдириб гапиришарди... Маҳорат талантнинг қайроғидир. Маҳоратни ошириш устида олиб борилган ижодий изланишлар бадий баркамол асарларнинг вужудга келишига омил бўлди.

Қардош республикалардан меҳмон бўлиб келган қаламкаш биродарларимиз ўз ютуқ ва қувончларини биз билан баҳам кўришарди. Дўстлик, ижодий ҳамкорлик,

тажриба алмашиш, адабиёт воситаси билан қардошлик муносабатлари қуюқлаша борарди.

Нотиқлар орасида эски дардимни янгилаган Молдаван ёзувчиси шоир Павил Петрович Боцу бўлди. Урта бўйли, кулча юзли, кўзи-қоши қоп-қора, ўзбекка жуда ўхшаб кетадиган бу йигит бир жиҳатдан ҳамманинг юрагига яқин сўз айтган эди. Улуғ Ватан уруши йилларида кўп жиҳатдан ғалабамизнинг боиси бўлган халқлар дўстлиги тўғрисида тўлқинланиб гапирди. Дарҳақиқат халқларимиз манфаатлари йўлидаги муштараклик фашизмни тор-мор қилган эди. Улуғ Ватан уруши фронтларида Бўрон қуши сингари ўт-аланга довуллини ёриб ўтган совет шунқорлари сафида менга ҳали таниш бўлмаган Нарзи Ражапов сиймоси кўз ўнгимда қад кўтарди, назаримда гўё у қурултой минбарига чиқиб бонг урарди:

— Нарзи ўлган деманглар. Халқ эрки, озодлиги деб ҳалок бўлганлар ўлмайди, номи йўқолмайди! Унинг иши, жангномаси одамлар тилида, дилида яшайди. Мен йигирма йилгина умр кўрдим... неча минглаб ватандошларини фашист қуллигидан, ўлим камераларидан қутқазиб, тенгсиз жангда ҳалок бўлган кишини ўлган деб бўладими?

Бу Нарзининг нидоси эди. Бу нидо шу қадар қудратли жарангладики, назаримда зал ларзага келди, акс садо деворларга урилди, тўлқинлар яшин сингари одамлар кўксини ёриб юракларга жойлашиб қолди.

Нарзи бетоқат. Нарзи ҳаяжонда! У киши руҳининг инженерлари даврасида номи тилга олиншидан ғоят мамнуи ва бахтиёр кўринарди, менинг тасаввуримда.

Яна гап бўлинди. Залдан нидо эшитилди:

— Ўзим Сизлардан, Ўзбекистондан узоқда, фронтларда душманга қирғин солиб юрган чоғларимда ҳам кўпгилми Сизларда бўларди, азиз ёзувчиларим! Йигирма ёшлик қиз-йигитнинг юрак сирлари шоир илҳомининг булоғи бўлиб келгани сир эмас, у менга шавқ-завқ бағишлар эди... Борди-ю юрак амрингиз билан йигирманчи баҳоримда рўй берган фожиамни қаламингизга аритадиган бўлсангиз, илтимос, Сизнинг лирик мисраларингизни ўқиган чоқларида, менинг тенгдошларим эниҳор-эниҳор кўз ёш тўкмайдиган бўлсин!.. Аксинча, севги-ҳижрон изтиробида ошиқ-маъшуқининг кўйли нечоғлиқ ўртанса, она ерга, эл-юртга, ватанга бўлган му-

ҳаббат ундаи кўра ошиб тушсин. Чин севишнинг илоҳий кучларини лирик сатрларингизда шарҳлар экансиз, у тинчлик — тенглик, бахт ва саодат байроқларининг музаффар номалари бўлиб қолсин!..

Мен ҳаёл қанотида ўтириб олиб гўё шундай нидо эшитган эдим. Бу нидо менинг тинчлигимни бузди. Нарзиннинг изига тушгим келаверди. Унинг хок пойини топиб кўзимга суртсам. Унинг жангномасини ёзсам...

Шу мақсад мени сафарга отлантирди. Бироқ, ўзимга боғлиқ бўлмаган бир сабаб йўлимни «тўсадиган» бўлиб қолди.

Врач Мукамбархонимни яқиндан билганлар мени тез тушунадилар; ҳар гал ҳам узоқроқ сафарга отланмоқчи бўлгудек бўлсам:

— Ёшингизни унутманг! Сизнинг ёшингиздаги одам ўзига эҳтиёт бўлмаса бирида бўлмаса, бирида панд еб қолади!— дер эди врачим.— Ўтган йилги буйрак приступингизни унутдингизми?.. Ўшанда ҳам командировкадан қайтган кунингиз приступ тутган эди! Эсингиздан чиқдими?

— Йўқ.

— Шунин билсангиз, ўйлаб кўринг. Олди қиш, юриштуриш, иссиқ-совуқ, еб-ичиш, ҳамма-ҳаммаси меъёри, ўлчови билан бўлиши керак! Тинчгина уйда ўтириб ёзувчизувингизни қилганингиз яхши эмасми? Энди яна қайта ёш бўлмайсиз...

Мукамбархоним менинг рафиқам бўлиш билан врач ҳам-да. Ишингиз, тирикчилигингиз доктор билан бўлгач, унинг билан ҳисоблашмасдан бўладими, ахир? Баъзан йўл ҳам қиламан, албатта тирик жонга сув-ҳаво нечоғлик керак бўлса, ёзувчининг ҳар доим халқ билан бирга, ҳаёт билан ҳамнафас бўлиши зарур эканлигини пеш қиламан. Шунда докторим бир оз ён бериб:

— Зинҳор, зинҳор эсингизда бўлсин, Молдавия тўғрисидаги фильмларни кўп кўрганман. Бизнинг қишлоқ хўжалигимизда пахта асосий ўрин тутса, Молдавия винонинг макони... Саломатлигингиз учун деб қадаҳ тутсалар, «худо берди» деб кўтараверманг, яна!— деб уқтира кетди.

— Саломатлик учун эмиш! Спиртли ичимлик саломатликнинг заволи-ку! Яна уни саломатлик учун ичармишлар... ўзим ичкиликни унча хуш кўрмайман, ичкилик муҳлисларини ҳам жиним сўймайди... Лекин ўрни

келиб қолганда дўстлар ҳурмати учун бирон рюмка су-
хой қилинса ҳеч гап бўлмас, ахир..

— Сизга бирон рюмка тугул, бир қултум ҳам зарар
қилади! Тушундингизми?

— Тушундим, хоним. Тушундим.

— Хайр, ой бориб, омон қайтинг. Дўстларга салом
айтинг. Ўзим ҳар ердан, аммо кўнглим...

Тошкент — Москва маршрути билан «ИЛ-18» само-
лётда осмонга кўтарилдик. Бу гал Молдавияга само-
лётда учиб боряпман. Атиги етти соатнинг нари-бериси-
да Кишинёвда бўламан. Бундан йигирма бир йил бурун
ҳам Молдавияда бўлган эдим. Бу сафаримдаги сингари
меҳмон бўлиб эмас, гитлерчи босқинчилар билан жанг
қилгани, Молдавияни фашистлар асоратидан озод қи-
лишга бел боғлаганлар сафида борган эдим. У галги
сафаримнинг масофаси узун, машаққати беқиёс оғир
бўлган эди. У чоқда ёшим ўттиз еттида бўлса, ҳозир олти-
миш бирга қараб кетди. Орадан ўтган икки ўн йил ичи-
да замон аллақанча ўзгариб кетди. Бу ўзгаришларни
бирон нарсага таққос қилиш қийин. Эллар-юртлар,
одамлар ўзгарди. Совет кишилари ҳаётида беқиёс сифат
ўзгаришлари юз берди. Бу одамлар фан-техникани инсон
кўзи кўрмаган, қулоқ эшитмаган босқичларга олиб чиқ-
ди. Мана, мен билан бирга юзга яқин одам самолётда
ўтириб олиб, осмон қўйнида сузмоқда. Ой эса, нигоҳим-
га қармоқ ташлаб қўяди. Лекин ҳозирча менга ойдан ер
яқин. Ер мени едириб, кийдириб келмоқда. Шунинг учун
ҳам ўзим осмонда-ю, ҳаёлим она ерда. Кўзларимни жав-
диратиб самолёт ойнасидан ерга боқаман. Ўзбекисто-
нимдан сира кўнгил узолмайман. Жаннат макон қуёшли
юртимнинг фасллари бир-бирдан гўзал. Боғлари бўстон.
Тупроғи зар. Ош-нонга бой. Биз билан дўстлашган қар-
дош халқлар ўзбекларнинг меҳмондўст, олий ҳимматлик
фазилатидан мамнун бўлиб мақташадилар. Халқимнинг
олижаноб бу фазили билан мен ҳам фахрланаман.
Одамлари шу қадар дилкаш бўлган мамлакатнинг баҳо-
ри қандай бўлар экан, деб ўйларсиз? Баҳори ҳам худди
халқи шекилли. Дилбар қиздек фусункор, латофати дил-
шикасталарга даво... Дала-дашлари ўт-ўланга маъмур.
Бинафша, лолалардан гилам тўшалган тоғ-қирларини
кезиб поёнига етолмайсиз. Поччаота, Арслонбоп, Ҳамза-
обод сингари оромбахш сайилгоҳлар осмонга бўй чўзиб
гўё менга, ҳамсафарларимга бахтли йўл тилаётгандек.

Тоғ этакларида гавжум қишлоқлар. Олтин кузнинг ҳосилидан одамлари фаровон. Боғларда нок-нашвати, олма-анор, писта-бодом, анжир-узумнинг шира-шарбатидан эл дастурхони обод...

Ҳамсафарларимнинг қўлларида даста-даста гул. Бу гулларни ўстирган хонадонлар сингари, самолётимиздан мушк-анбар анқирди. Гулларни кўрдиму гул парвонаси асал арилар эсимга тушди. Асал ари сингари ўзбек пахтакори тиним нима билмайди. Асал ари боғ-роғлар кезиб гул қидиради. Гулдан гулга учиб-қўниб асалбоп масаллиқ излайди. Гул бағрига кириб олиб чевар панжалари билан чаноқларни ковлашади. Қўллари-қўллари тегмай энг тансиқ шифобахш заррачалардан тонна-тонна асал хирмонларини бунёдга келтирадилар.

Самолётдан ерга боқар эканман, уфқ билан улашиб кетган водийлар унинг зарёп кишиларидан кўнгил узолмасдим. Ғўзал Фарғонам, заршунослар макони жон Андижоним, шира-шарбат маскани Наманганим, санъат обидалари билан бутун дунё кўзини ўзига қаратган қадимий, лекин бугун навқирон бўлиб олган Самарқандим, мўъжизакор, ҳикматларга бой Бухором, «оқ олтин», олтин бошоқ, бўрдоқи туёқ соҳибкорлари Қашқадарё, Сурхондарёимнинг мард-майдонлари, аллома-олимлари, жаҳоншумул обидалари, пахтадан юқори ҳосил етиштиришда рекордчилар жиловдори — машҳури жаҳон Хоразм, «Оч дала»ни боғ-бўстонга айлантираётган Сирдарё чўлқуварлари... Асал арилар зарралардан тонна-тонна асал яратганидек, ўзбек деҳқонлари ҳам граммлардан «оқ олтин» хирмони яратмоқчилар. Пахтакорнинг бу йилги заҳмати, айниқса, оғир бўлди. Сув танқислиги — ҳосилнинг заволи эди. Борини баҳам кўриб, тақдирга тан бергудек бўлсалар, мўлжалдаги ҳосил бўлмасди, ваъдага вафосизлик гуноҳ! Нима қилиш керак? Йўқни йўндириб бўладими? Ҳа, йўқни йўндирса бўлар экан. Ўзбек пахтакори бу мушкул ишнинг уддасидан чиқди. Сув танқислиги бошланганда ер бағрини сиқиб ундан сув олди. Неча минглаб насослар қурди, уларни ишга солди. Мўъжизакор техника бу ерда ҳам инсонга асқатди. Ҳар қултум сув тежаб-тергаб сарфланди. Ўзбек деҳқонининг кўп йиллик тажрибаси, олимларимизнинг илм-билими, халқимизнинг ақл-идроки, мардлик ва жасорати, партиямиз раҳнамолиги, ҳукуматнинг ёрдами, ҳамма-ҳаммамиз ҳосилни сақлаб қолишга ўзимизни сафарбар қилган эдик.

Азимкор халқнинг ҳамласи даҳшатли офатнинг дамини кесди. Ёўзалар шоналарини тутиб қолди. Шоналар гулга, гуллар кўсақларга айлана бошлади...

Зумрад тусли ёўза пайкаллари бугун ўз рангларини ўзгартирган, ҳад-ҳисобсиз чаноқларда очилиб ётган оппоқ пахталар, юлдузлари чарақлаб ётган мовий осмон сомон йўлга жуда ўхшаб кетарди.

Замонлар ўтиб, замонлар келиб меҳнат инсонга бу қадар шон-шараф келтирар экан, Ўзбекистонда боғроғлар яратган менинг бободехқонларим, дунё шу деб ўтиб кетаверган эканларда-а! Ажабо менинг замонамда, замондошларимнинг бу қадар зўр парвози, жаҳонга таралган шухрати, гигант ишлари, туганмас ғайрат ва шижоатларининг сир-асрори нимада экан? — деб баъзан ўз-ўзимга савол ҳам бериб қўяман. Бунга жавоб бериш қийин эмас, албатта. Тўртинчи синфда ўқиб юрган бола ҳам ҳатто бу саволга иккиланмасдан: — замонамиз яхшилигидан, — деб жавоб бера олади. Мен ҳам бундай жавобга қўшилиб, ўзим мана бу гапларни қўшимча қилгим келди:

— Халқимизнинг ғайратига-ғайрат, бойликларимизга бойликлар қўшилиб, йиллар ўтиши билан чўққилардан-чўққиларга кўтарилиб боришимизнинг бош сабаб ва сирларидан бири — беминнат ҳалол меҳнатидан бахт яратиб, ўзи ҳам бахтиёр бўлаётган халқ шукрининг самараси, қолаверса, порлоқ келажакка ишончининг комиллиги... Агар ўзбек деҳқони социализмга ихлосманд бўлиб унга ишонмаганда, колхоз тузуми аллақачонлар барбод бўлган бўларди. Қаранг, унинг кечаги камқувват, тортув кучи эшак-ҳўкиздан иборат бўлган колхоз, бу кунга етиб қандақа қудратли хўжаликка айланиб кетди. Зиёли ва ишчилар яратиб берган техникалар унинг роҳатинжони бўлиб қолди. Унинг оғирини енгил, турмушини фаровон қилаётган нарсаси — социализм йўлининг бошқа «изм-изм»лар йўлидан афзаллиги, ҳаётбахшлиги бўлди. Одамлардаги ўзгариш, мўъжизалар яратилишининг сирини, мана, нимада!

— Ҳурматли пассажирлар! Қайишни белларингизга боғлаб олинглар. Самолёт Москвага қўнишга...

Йўловчиларга хизмат қилиб келаётган истараси иссиқ, хушқомат қизнинг овози ҳаёлимни бўлди... Самолёт ойнаси томон эгилиб ташқарига қарадим. Менга таниш ўрмонзорларни оппоқ қор босиб ётарди. Ўзбекистонда

олтин куз, Москвада қиш... Биринчи қор тушиши бўлса керак. Рафиқам Мукамбархоннинг тadbиркорлиги бу ўринда ҳам жонимга ора кирди. Мен Молдавияга Москва орқали йўл олаётганимни унутиб, енгил пальто кийиб олгандим. Мукамбархоним енгил пальтони зўрлаб ечиб олди-да, елкамга қишлик пальто солган эди. Иссиқ самолётдан қор-изғиринли аэропортга чиқишим биланоқ, Мукамбархонимнинг «каромати» эсга тушди: «Керакли тошнинг огирлиги йўқ!.. Ёз ёпинчиғингни қўйма, қишда ўзинг биласан» деган мақолни унутманг, деган эди у.

Мана, Москвага ҳам келиб етдик. Ҳаммаси бўлиб ҳавода тўрт ярим соат учибмиз. Гўё тахтиравонда ўтиргандек беозор, ҳузур-жон.

Салом, Москва! Муқаддас шаҳар. Ватанимнинг юраги!..

ҚУРОЛДОШЛАРИМНИ ЭСЛАЙМАН

Москва билан хайрлашиб, Кишинёв самолётига миндим. Пўлат қуш тумшуғини чўза-чўза осмонга кўтарилди. Бу йўллар менга она юртимдек таниш. Ўзим самолётда, кўзим эса ерда. Қўнғлим безовта. Хаёлим учар қушдан тез... ҳаммасини кўргим, ҳаммасини эслагим келди. Мен урушда жанг билан босиб ўтган йўллар, сузиб ўтган дарёлар, немислар ёндириб, чекинган шаҳарлар, вайрон қилинган қишлоқларнинг бугунги қиёфасини кўрсам, одамлари билан мириқиб суҳбат қилсам дейман. Лекин самолёт тобора баландга кўтарилмоқда. Саккиз минг метр баланддан ердаги шаҳар, дарёлар, денгиз, қўллар аранг кўзга чалинади. Ҳаво қуюқ туманлигидан биз булутдан баландда, устма-уст қалашиб ётган паға-паға оппоқ булутлар устида учиб бормоқдамиз.

Кундалик ён дафтарим эсимга тушиб қолди. Молдавия сафарига ҳозирланаётганимда мен уни атайлаб чўнтакка солиб қўйгандим. Дарҳол дафтарчани олиб варақлай бошладим. Дафтарда бу сафаримга алоқадор ёки алоқасиз кўп нарсалар ёзилган. 1943 йилининг 14 ва 24 ноябрь кунлари хотира дафтарчамга ёзилган бир эсдаликни яна қоғозга туширгим келди.

Тим қоронғи кеча. Ҳаво у даражада совуқ эмас. Бир группа офицерлар Шимолий Кавказ фронти сиёсий бошқармасининг ихтиёрида, резервда фармон кутиб ётардик. Бу вақт ҳали Кавказ босқинчи немислар қўлида эди.

Миш-мишларга қараганда бизникилар Қерчга десант тушириш тайёргарлигида. Биз Кубаннинг бир вайрона қишлоғида чироқсиз, печ-полсиз сичқонхона бир уйда ўн бешга яқин офицер кун-тунларимизни «бекорчилик-да» ўтказардик.

— Бу «бекорчилик» жонга тегди. Нега бизни ипсиз боғлаб қўйдилар-а?— деб бўғиларди Ҳайитмурод Эргашев. Бунни эса Агапов қувватларди. Ҳар каллада ҳар хил хаёл, тўшагимиз жўхори поя, бошимизга юк халта-мизни ёстиқ қилиб қоронғи уйда жунжикишиб ётардик. Кимнингдир оғзи гапдан тинмасди, кимдир жимгина ётиб гап тингларди.

Эшик тарақлаб очилди.— Младший лейтенант Ҳайитмурод Эргашев!— деган овоз эшитилиши билан «мен» деб ўрнидан ирғиб турди Эргашев.— Старший лейтенант Агапов! Такрор қичқирди, қўлидаги жинчиноқ билан иккинчи қўлидаги қоғозни ёритиб старшина:— офицер Агапов, офицер Эргашев! Кадрлар бўлимига!.. Кетдик!— деди команда берган оҳангда старшина.

— Мустафоевни чақирмадимми?

— Алексеев йўқми, рўйхатингизда?

— Йўқ экан. Бўлса чақираман. Уйқуларингизни бузганим учун узр. Яхши туш кўриб ётинглар,— деб жавоб қилди старшина. Шунда кимдир:

— Яхши тилагингиз учун раҳмат. Бу уруғингга қирғин келгур сичқон, фашистан ҳам хира келди. Мана кўзимни юмдим. Зора хотиним тушимга кирса,— деб ҳаммамизни кулдирди.

Орадан бирон соат ўтгач, олдин Эргашев, сўнг Агапов кириб келди.

Ҳамма ўрнидан туриб уларни ўраб, саволга тута бошлади.

— Қаёққа бўларди. Айни муддао, орзум ушалди, оғайнилар. Ўзим урушга кирмагунча гитлерчилар бош эгмайдиганга ўхшайди! Ғалаба билан кўришайлик. Хайр, ўртоқлар,— дея халтасини елкасига осди Ҳайитмурод Эргашев.

Ҳамма улар билан хайрлашди. Эргашев мени бағрига маҳкам босиб:

— Ўртоқ Сафаров! Биргалашиб жангга кирармиз деб ўйлардим. Фронт шароити ўз деганини қилар экан. Ёзувчисиз. Бирга ўтган дамларимизни дафтарингизнинг бир чеккасига ёзиб қўйинг,— деб тайинлаган эди.

Худди шу куни тонг отар чоғида бошқа офицерлар ҳам сиёсий бошқармага чақирилди, уларга ҳам йўлланмалар берилди. Мен билан суҳбат қилган ўрта яшар, узун бўйли, озғин, кўк кўз, хушмуомала майор анкетамни синчиклаб кўргач, мулойим жилмайиб сўради:

— Зерикмаяпсизми, старший лейтенант?

— Жуда зерикдим, ўртоқ майор.

— Яна бир оз сабр қилолмайсизми?

— Йўқ, сабр қилмайман, ўртоқ майор.

— Нега?

— Бир томондан бекорчилик... Бунинг устига — Кубаннинг сичқони жонга тегди. Шу қадар безбет, хира сичқонларки, на одамдан ҳайиқади, на мушукни писанд қилади.

— Безбет денг?

— Безбет бўлганда ҳам унча-мунча эмас, ўртоқ майор. На юзи бор, на кўзи бор.

— Йўғ-эй.

— Мен жиддий гапиряпман, ўртоқ майор. Ишонасизми, хонамизда бутун кечаси билан сичқонлар базми... Уйқу бермайди.

• — Хоналарингизда мушук йўқми?

— Неча минглаб сичқонга битта мушук. У ҳам сичқонни кўрса кўзини юмади, бўлмаса мушук сичқоннинг кушандаси-я! Кўп, сон-саноқсиз кўп. Бир боғ жўхори пояни кўтарсангиз остидан юзлаб сичқон боласи ўрмалайди. Худди қумурсқанинг ўзи. Кундузи-ку, унча ташвиш қилмаймиз. Кечасидаги ташвишни асло сўраманг, бирон минут кишига тинчлик бермайди.

Кун ботиб, тун қора чимматига ўралаётганда бизни ғам босаверади. Сичқонлар бургадек сакрашиб юзимизда, енгимизда, кўйлагимиз ичида бемалол ўз уйидек сайр этишади. Улар шу қадар «бефаҳм»ки, ҳатто бурнингизнинг қавагига тумшуғини тиқиб исканади, баъзан бурнингизни тишлаб тортганда «додлаб» уйғонасиз... Бу дарди-бедавонинг бирдан-бир чораси уйқуга кетиш олдидан юзимизни рўмол билан беркитиб, енгларимизни ип билан маҳкам боғлаб, халтани ёстиқ қилиб бош қўядиган бўлдик.

Майор сичқон устидаги менинг «шикоятимни» тинглаб бўлгач, қовоғини уюб, яна бир оз чидайсиз, деб қўйди.

— Яна неча кун?

— Керчга десант туширяпмиз. Операция муваффақиятли тамом бўлгач, Сизни эҳтимол, шу ёққа жўнатармиз. Келишдикми?

— Келишдик,— дедим ҳеч бериб майорга. Чунки бошқа гап учун ўрни қолмаган эди.

— Дам олинг.

— Раҳмат.

Орадан икки кун ўтган Агапов, Эргашевлар тушган парохоннинг ҳалокати тўғрисида қайғули хабар эшитдим. Ҳайитмурод Эргашевни қайтиб бошқа кўролмадим.

СССР Мудофаа Халқ Комиссарлиги буйруғига кўра мен ва бир неча офицер Шимолий Кавказ фронтининг сиёсий бошқармаси ихтиёридан биринчи Украина fronti ихтиёрига жўнадик... Немис босқинчиларидан яқинда озод қилинган қишлоқ, шаҳар, темир йўл станцияларига уруш даҳшатининг мудҳиш тамгалари босилган... Станциялардаги изларда ёниб, темир-терсак бўлиб қолган вагон ва паровозлар, бутунлай вайрон қилинган вокзаллар, ҳаводан уриб туширилган фашист тамғали самолётлар, пачоқланиб ташланган енгил ва юк машиналар тўда-тўда бўлиб қалашиб ётарди.

ТАБАРРУК ОДАМ

Ҳаво туман. Ер бетида юпқа музлаган кўлмак сувлар ойнадай ялтирайди. Биз қизил вагонлар тиркалган поездда ғарб томон борардик. Йўлимиз баъзан униб, баъзан унмасди. Дала-даштларда туриб қолардик. Ярим кечада Воронковск бекатида поездимиз анча тўхтаб қолди. Қуюқ туман. Осмонда тўлғин ой аранг кўринади, гўё ер юзидаги мусибатни кўришдан безиб, юзига чиммат тутиб олгандек.

Воронковскда кечаси ҳам тинимсиз иш борарди. Темпрйўлчилар бузилган жойларни тузатишар, куйиб «суяги» қолган вагонлардан изларни тозалашарди. Паровозлар пишиллаши, болгаларнинг «тақ-туқ»и кеча сукунатини бузиб турарди. Проекторчилар булутлар орасидан ҳаво «қароқчи»ларини излашарди...

Вокзалнинг ғарб томонида ҳарбий эшелон турарди. Мен перронда юриб:

— Ўртоқ қизил аскарлар! Ораларипгизда ўрта осиеликлардан борми?— дсб сўрардим.

— Бор. Сизга ким керак?

— Ўзингиз қаерлик бўласиз?

— Қозоғистондан. Дусенбаев.

— Мен тожикистонлик Додхудоев Шоҳимардонман.

— Ораларингизда ўзбеклардан ким бор?

Орқа томондан «бор» деган овоз эшитилди. Қайрилиб қарадим. Бир қизил аскар йигит ҳарбийчасига салом бериб:

— Бизда ака-ука Ражабовлар хизмат қилишади,— деди грузинча оҳангда.

— Холмат Ражабовми?

— Ҳа, кимингиз бўлади улар?

— Ҳамқишлоқмиз. Қалай, улар яхши жанг қияптиларми?

— Холмат Ражабов алоқа взводининг командири, акаси ошпаз.


— Иноқмиз денг?

— Худди шундай, ўртоқ старший лейтенант... Холмат Ражабовнинг бизда ҳурмати зўр. Гражданлар урушининг қатнашчиси, табаррук одам. Ҳатто бизнинг Кавказда ҳам оқ гвардиячиларга қарши жанг қилган экан. Ҳозир ҳам бир йигитча кучи бор. Ўйинга тушиб олса борми, манаман деган йигитни қочиради. Хушчақчақ одам.

Грузин йигит жуда тўлқинланиб сўзлар, ҳамқишлоғимни эъозлаб ҳар гапида «отакхонимиз» деб қўярди.

Бу мақтовларнинг жони бор эди, албатта. Холмат акани мен жуда ёшликдан биламан. Инқилобнинг дастлабки йилларида Жиззах уездида ташкил топган отряд фаолияти хотирамда ўчмас из қолдирган. Ташналикдан жони ҳалқумига келган одам бир қултум сувга нечоғлик зор бўлса, чоризм замонида зулм тифи суяк-суякларига бориб қадалган, адолат-озодлик ташнаси бўлган Туркистон меҳнаткашлари, айниқса минг тўққиз юз ўн олтинчи йил халқ қўзғолошида хонавайрон бўлган ҳамқишлоқларим инқилобга, унинг эзилган халқларга берадиган эрк-озодлигига шу қадар ташна эдилар. Улуғ Ленин имзолаган Декрет эрк чанқоқларига мисли оби ҳаёт бўлган эди. Озодлик ташналари бу оби ҳаёт чашмасидан биринчи бор мириқишганди.

Грузин йигит Холмат Ражабов тўғрисида фахрланиб сўзлаганда, Улуғ Ватан уруши фронтларида жанг қилиб юрган минг-минглаб Холмат Ражабовлар сиймоси кўз ўнгимдан бир-бир ўтганди.



Мен ёшлик чоғимда қизил гвардиячи Холмат Ражабовни қандай қиёфада кўрган бўлсам, Воронковск станциясида ҳам унинг кўзлари ёниб, узоқ-узоқларга парвоз қилишга қодир тоғ бургути каби туришини кўргим келарди. У граждaнлар уруши йилларида улуг саркарда Фрунзенинг лашкарлари сафида жанг қилган: Кўр Шермату Мадаминбек, Колчагу Дутов шайкаларини тор-мор қилишда қатнашган.

Мен бу доворак кишини тоғ бургутига ўхшатдим. Бу таърифда муболаға йўқ деса бўлади. Граждaнлар уруши йилларидаги сиймоси ҳали-ҳали кўз ўнгимда. Афсуски, сураткаш эмасман. Сўз билан киши қиёфасини, унинг ички дунёсини тасвирлаш нақадар қийин. Бунинг учун Лев Толстой сингари санъаткор бўлиш керак. Бундай санъат ҳар кимга ҳам муяссар бўлавермас экан. Мулла билганича ўқийди, бўзчи билганича тўқийди. Начора...

Қизил гвардияга кўнгилли бўлиб ёзилганда Холмат йигирманинг нари-берисида эди. У ёш бўлса-да, катталардан кам иш қилмасди. Совет ҳукумати энди тўрт-беш ёшга кирган пайт. Ички-ташқи душманларимиз қутурган йиллар. Оч-яланғочлик устига, терлама касали халқнинг тинка-мадорини қуритган. Ана шу йилларда Холмат Ражабов Қизил Армия сафида туриб, душманларга кўкрагини қалқон қилганлардан.

Қоракўл папағи ҳаво ранг шинелига айнан вобаста. Папағига қадалган жажжи қизил юлдуз кенг манглайи устида машъалдек ёниб турарди. Мен унга ҳавас билан боқардим. Белида сербар камар, кумуш сопли қилич, тўппонча, қўл бомба, қайишга маржондек тизиб ташланган ўқлар бургутсимон бу йигитга ажиб салобат бағишлаган. Айниқса қора хром этигига ўрнатган шпор билан отда елиш унга жуда ярашарди. Қуrolдош ўртоқлари ҳарчанд тақлид қилсалар ҳам, ўзларини сира Холматга ўхшата олмасдилар. Холмат отида қуйиб қўйгандек ўтирарди. Шуниси қизиқки, ҳеч кимнинг оти Холматникига ўхшамас, юриш-туриши, эгар-жабдуғи, эгасига содиқ, вафодорлиги жиҳатидан ҳам мутлақо ўхшашлиги йўқ эди. Оқ тўқали қизил қайиш юган жониворнинг бир ҳуснига ўн ҳусн қўшган, қулоғи ҳар қачон динг, икки кўзи бургутники сингари ёнар, сергаклик унинг йўлдоши эди. Ўхшатмай учратмас дегандек, от ҳам эгасига мос тушганди. Қиз ҳуснига жило бериб турган хол сингари қоқ пешанасидаги уч бурчак туморсимон қашқаси яна яраш-

ганди. Тўла сағриси балиқ сиртидек силлиқ ялтирарди. Холматнинг оти чинакам чопгудек бўлса, шамолдан ҳам ўзади, деб мақташарди одамлар.

Кунлардан бирида Оренбург фронтида иккала томон бир-бирига от қўйиб, «Урҳо-ур!.. Қирҳо-қир!» авжига чиққан бир жангда, Холмат иккита отлиқ ёвга дуч келиб қолади. Улар от суришиб, қилич солишади. Отлар пиш-қирар, жиловдорга бўйин бермай суриб кетарди. Суворийлар отни қайтариб, бир-бирларининг бўйинларини мўлжаллаб қилич уришарди... Қарапгки, Холмат маҳорат ишлатиб бир эмас, душманнинг икки бор қилган ҳамласига чап берди, ўзини отнинг ён бошига ташлаб омон қолди. Фурсатдан фойдаланиб Холмат рақибини қувиб етди-да, орқа томондан қилич уриб, қулатди. Иккинчи рақибининг кўкрагига қилич санчди, бироқ ўзи ҳам бошидан яраланди. Эгасиз қолган отлар шаталоқ отиб қочди.

Холматнинг бошидан қон оқиб, кўз ўнги қоронғилашди. Бундай вақтда ваҳима душманга кўмакдошлигини яхши билган Холмат ўзини қўлга олди, атрофига назар ташлади. Нима қилиш керак? Қиличли душманни қилич билан қарши олиш лозим!.. Вақт танг. Шунда Ғўрўғлининг ўғли ярадор Авазхон жанги эсига тушди. Отининг бўйнидан маҳкам қучиб, шпори билан унинг биқинига ниқтади. Жонивор шамолдек учди кетди. Душман отлари ҳориб, бедовга етолмади. От вафоси тўғрисидаги оталар нақли ана шунда синалди. Вафодор от эгасини душманга тутқазмай ўз тўдасига етказди...

Холмат Ражабовнинг Кавказ фронтидан қишлоғимизга кириб келишини сира унутмайман. Маълум бўлишича, у ўз эскадрони сафида Ашхобод фронтидан Кавказ фронтига ўтади. Инглиз интервентларига қарши жанг қилади. Душманлар томонидан қатл этилган Боку комиссарларининг дафн маросимида қатнашади. Оқ гвардиячи ва интервентлар шайкалари тор-мор қилинган, ғалаба билан она шахри Жиззахга отпусага келди.

Бозор куни эди. Кўчаларда одам серқатнов. Мен мактабдан эндигина қайтгандим. Эшигимиз ёнбошидаги чойхона лиқ тўла. Даврада ҳарбий кийимлик бир йигит кавказча оёқ ўйинига тушмоқда. Одамлар завқ-шавқ билан қарсақ чалар: «Соғ бўл!.. Соғ бўл!» деб қичқиришарди. Мен зўрга орага суқилдим. Ўйин тушаётган йигит юқо-

рида мен тасвир қилганим Холмат партизан экан. Ёйигит оёғининг учида қушдек учар, ўз санъати билан даврадагиларни сеҳрлаб қўйганди.

Ўйигит хушовоз бўлганидан партизанлар қўшигини ҳам дўндириб айтарди.

Базм қизиб турган пайтда отлиқ милиционерлар чоёхона олдида тўхтади. Халойиқ уларга парво қилмай қарсак чалар, раққоснинг асири бўлиб қолганди. Милиционерлардан бири от устида туриб:

— Холмат!.. Ражабов!— деб қичқирди. Одамларнинг хаёли бўлиниб, қарсак сусайиб қолди.

— Ражабов! Сенга айтяпман, ўйинни бас қил!— деди ҳалиги отлиқ яна.

Холмат ўйиндан тўхтаб, кўк мовут шнми чўнтагидан рўмолчасини олди-да, пешана ва юз-кўзидаги терларни артди. Сўнг битта-битта қадам ташлаб отлиқлар томон юрди.

— Салом, оғайнплар. Нега отдан тушмай турибсизлар?— деди Ражабов. Унинг ширакайф эканлиги билиниб қолди.

— Гап кейин бўлади! Қурулларингни топшир! Олдимизга туш!

— Нима!— деди ҳушёр тортиб Холмат. У камарида осилиб турган бомбанинг дастасидан маҳкам ушлади:— Қурулларимни кимга топширар эканман? Зоти олийларининг номлари ким, билсак бўладими?

Отлиқлар бир-бирларига қараб, нималарнидир имлашар, негадир бирон қарорга келишолмасди.

— Ҳа, оғайнилар! Тезроқ йўталиг! Қулоғим сизларда!— деди Холмат қаттиқроқ қилиб.

Отлиқлардан бири:—«Бўйруқ ижроқўмнинг»,— деб қўйди.

— Ижроқўмларинг ким, ҳалиги шайтон аравадан ағанаган семиз кишими?

— Шайтон аравадан қулаганини кўрганимиз йўқ. Лекин ҳалигина шайтон аравада Бешқувурдан қайтди.

— Шайтон аравани эплаган минади!.. Ҳай майли, қани ижроқўмнинг буйруғини бу ёққа чўзиб қўйсинларчи!— Холмат отлиқларга қўл чўзди.

— Бўйруқ шу: қурулларингни бизга берасан! Ўзинг олдимизга тушасан! Тушунарлими?

— Тушунмасдан ўлибманми? — деди Холмат бомба-

сининг дастасига ҳалқага ўхшаган бир нарсани «шилқ» этиб солиб.

Отлиқлар талвасада қолишди. Улардан бири:— «Ҳой, эсингни ема» деса, иккинчиси:— «Запални чиқар!.. Атроф тўла одам-а!» — дерди.

— У маст-ку! Қайфи баланд. Уни тинч қўйинглар!— деган овозлар эшитила бошлади.

— Мусулмонлар! Қочинглар! Бомба ёрилиб, ҳозир, ҳамманг қирилсан!— деб бир киши ўзини пастга отди. Бир вақимачининг қутқуси билан одамлар тўзиб кетди. Холмат теварак-атрофга олазарак бўлиб турди-да, гўё портлагандек бирданига гапга тушиб кетди.

— Оғайнилар!.. Ҳамқишлоқ дўстларим!.. Қаёққа го-йиб бўлдинглар? Мен сизларни жуда соғинганман, атай-лаб Кавказ фронтдан келдим-а. Озарбайжоннинг юраги Бокуни душманлардан озод қилдик. Боку комиссарларни-нинг қотиллари бўлган Озарбайжон мусоватчилари, Анг-лия интервентларини тор-мор қилдик. Вақтим жуда зиқ. Ҳаммаси бўлиб беш кунга келганман. Қаранг-а, булар эса мени қуролсизлаптириб, ҳайдаб кетишмоқчи. Яна кимни денг? Холматнинг отаси Раҷамат мойчи золим Николай подшоҳга мингбоши бўлгани йўқ! Отамнинг соч-соқоли бир умр кун тушмаган ертўлада жувоз ҳай-даб оқарган. Унинг чувур оти, ёғи чиққан дўпписи, пах-талиқ жомакоридан бошқа давлати бўлган эмас! Ража-матнинг ўғли Холматнинг бор-йўқ давлати мана шу қўл бомба билан тўппончаси, қилич билан милтиғи. Булар, ёлғиз менинг давлатим эмас, сизларга ўхшаш бир тўни икки бўлмай келган қўли қадоқларнинг давлати! Бу дав-латни менга мингбоши ёки Жнззах исёнчилари уриб ўлдирган уезд ҳокими Рукин берган эмас! Инқилоб, ревком, чека берган! Инқилоб аскарлари ҳеч қачон инқи-лобга хиёнат қилмайди! Кимки инқилобга, менга қилич кўтаргудек бўлса, қилич билан жавоб олади. Тушунар-лими?

— Тушунарли,— деди ола-була чавқар от минган мўйловли милиционер. Қуролдош ўртоғининг юрак сўз-лари унга ҳам бориб етгандай кўринарди. Улар отларга қамчи босиб, гойиб бўлдилар.

Чойхўрлар яна тўпланишди. «Улма, Холмат!.. Қотир-динг! Ана, сени ҳақиқий партизан деса бўлади»,— деган овозлар эшитилди. Ҳамқишлоқларнинг «Холмат, акаси, ўзи нима гап, бизга ҳам тушунтирсанг бўларди?»— деган

илтимосларига Холмат кула-кула жавоб бера бошлади. Билсак, воқеа бундай бўлган экан. Урушда жанговар хизматни дўндириб бажарган аскар йигитлар қаторида Холмат Ражабовга ҳам командири беш кунлик отпускаи берибди. Холмат кечқурун Самарқанддан чиқиб, кун найза бўйи кўтарилганда Темур дарвозасидан ўтади. Соат ўнлар чамаси от ўйнатиб, партизанлар қўшиғини ванг қўйиб Жиззахга кириб келади. Эски шаҳар йўлида велосипед миниб келаётган одамга дуч келади. От ҳуркиб велосипедга урилади. Ижроқўм раиси ағанайди. Холмат отдан ирғиб тушади. Раисдан узр сўраб, яна йўлига равопа бўлади. Партизан гарчи атайлаб қилмаган бўлса-да, бу раиснинг иззат-нафсига тегади. У «безори» партизанини қуролсизлантириб, қамоққа олишга фармон беради...

Ҳамқишлоғим Холмат Ражабовни орадан қарийб йигирма уч йил ўтгандан кейин Улуғ Ватан уруши фронтида учратдим. Вақт ярим кечадан оғиб қолган. Грузин солдат усти ёпиқ қизил вагонга тирмашди-да:

— Ўртоқ Ражабов! Ўртоқ Ражабов! Ҳамқишлоғингиз, ўртоқ старший лейтенант сизни кўрмоқчи,— деди.

Вагон ичидан қандайдир мунгли ва дардманд овоз эшитилди.

— Ҳа, ҳамқишлоғингиз... Фамилияларими?— энгашиб савол назари билан менга қаради грузин йигит.

Мен баланд овозда:— Сафаров!— дедим. Қизил аскар олдин, мен кейин вагон ичига кирдик. Ҳамқишлоғим гужанак бўлиб ётарди. Уни суяб ўтқаздим, кўнгил сўрадим, тасалли бердим. У: «Назиржон, Назиржон...»— дерди, холос.

Бехосдан ҳаво тревогаси эшитилди. Зенит тўплари гумбурлай бошлади. Грузин солдат безовта бўлиб: «Мен борай, ўртоқ старший лейтенант»,— деди-да, жавобимни кутмасданоқ ғойиб бўлди. Прожекторларимиз бир эмас, икки ҳаво қароқчисини ўз нур ҳалқасига тушириб олгани вагондан яққол кўриниб турарди. Электр нури салхатларнинг кўз очишига имкон бермасди. Душман самолёти ҳалқа ичида гир айланар, мисли кўршапалакдай, йўлини йўқотиб қўйганди.

Қаердадир бомба портлади. Кўзим осмонда. Бир самолётдан бурқсиб тутун чиқа бошлади, сўнг бирдан аланга олди. Шунда мен:

— Фашистга ўт кетди! Ўз аланганга ўзинг қоврил, лаънати!— деб бақириб юбордим.

— Холмат ака! Гвардиячи йилларингизни эсланг!

— Хайр, укажон!.. Омон бўл! Тузалиб кетарман. Яна урушга кираман...

Фашист газандалар, сўнгра эса япон самурайларини тавбасига таянтириб, минг тўққиз юз қирқ олтинчи йилда ака-ука Ражабовлар ўз қишлоқларига қайтдилар. Гражданлар ва Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, кекса коммунист Холмат Ражабов яқинда етмишга кирди. Ҳали бардам. Ҳозир пилла агрономи бўлиб ишлайди. Биринчи бўлиб паранжи ташлаган, мингларча ўзбек аёлларини ёруғликка чиқарган ҳаёт йўлдоши, кекса коммунист Адолат опа ҳам ундан орқада қолмаяпти. Олий маълумотли қизлари Тамара, Гулсара бола-чақали бўлишди. Гулсара онаси Адолат опа изидан бориб, Жиззах район партия комитетида хотин-қизлар бўлимининг мудири бўлиб ишламоқда.

Холмат ака кексалик гаштини сурмоқда. Инқилобимизнинг қатнашчиси бўлган ажойиб замондошимизнинг дostonи узун. Вақти билан унга яна қайтармиз...

ЯМОҚЧИ ҲИҚОЯСИ

Улуғ Ватан уруши даврининг ҳар бир икир-чикири унутилмасдир. Афсуски, уларнинг ҳаммасини ҳам қоғозга тушириш имкондан узоқ. 28 ноябрь кундуз соат иккиларда Кавказдан жўнаб, бутунлай вайрон қилинган Ростовга кириб бордим. Фашистлар зулмини бошларидан кечирган аҳолининг юз-кўзидан, турмуш-шароитида уруш тамғасини босиб қолдиргани яққол кўзга ташланиб турарди. Тинчлик йилларида меҳнат ва осойишта ҳаёт қучоғи бўлган гўзал Ростов хок-тўдага айланган. Уйи куйиб, рўзғори таланган, ярим оч, ярим яланғоч бошпанасиз қолган аёллар, ёш гўдақларини совуқда дилдирайтиб, юракни эзувчи аллақандай нола, йиғи-сиғи билан кўча-кўйда юрардилар.

Кун совуқ. Устимда астарсиз, юпқа шинель. Оёғимдаги енгил этикни биргина юпқа пайпоқ билан кийиб олганман. Совуқ жон-жонимдан ўтиб борарди. Аксига олгандай шундай бир пайтда этигимнинг чарми панжасидан сўкилиб кетди, йиртиғидан лой аралаш қор кириб,

панжам музлаб қолаёзди. Кўрингандан ямоқчи сўроқлаб, Павел исмли бир чолнинг кулбасига кириб бордим.

Чол мени очиқ чехра билан қарши олди:— «Қира қол!.. Эшикни қаттиқ ёп. Ташқарини-ку билмайман, яна ичкаридаги совуқ ташқарига чиқиб йўловчиларни музлатиб қўймасин», деб мийиғида кулимсираб қўйди.

Мен хийла майнавоз чолга ўхшайди, деб кўнглимдан ўтказдим. Чол кичик хоначанинг бир четига темир каравот қўйиб, яна бир каравотча бўшлиқда ўзи, йиртиқ-ямоқ оёқ кийимлар, парча-буруш чарм, қайиш қийиндилари жойлашган эди.

Чол озиб-тўзиб кетишига қарамай, бир вақтлар, зува-ласи анча пишиқ бўлган кўринади. Унинг серажин бетини қоплаб олган қуюқ оқ соқоли, осилиб тушган ўсиқ қоши тагидаги нурсиз кўзи ўта меҳрибон кўринарди. Сочи бўйнига тўзиб тушган бу чол кўзойнаги устидан менга нигоҳ ташлаб арз-ҳолимни эшитди. Сўнг тикиб ўтирган ишини ёнига олиб қўйиб, мендан олган бир пой этикни у ёқ-бу ёғига боқди-да:

— Иш жиддий... тушунаман-тушунаман,— дер эди совуққа қотган оёқ панжамни уқалаб иситишимга ачингандек термилиб чол.

Мен, чолнинг «иш жиддий...» дейишидан — ноинсоф ямоқчига дуч келиб қолдим чамаси, арзимаган ишга отасининг хунини сўраб, икки ўртада хижолатпазлик бўлиб ўтирмаса яхши эди,— деган хаёлга бориб: «Ота-хон, ишингизнинг музи қанча бўлади?»— деб сўрадим.

— От билан туя бўлармиди, ўғлим. Аввал тикиб ўз ҳунаримни сенга маъқул қилайчи,— деб ишни бошлаб юборди. Унинг қўли ишда бўлса-да, оғзи тинмас эди. Ганга уста, кўпни кўрган чолга ўхшайди.

— Немис аблаҳ, энди қайтиб келмасмикин, бўтам?

— Қайтиб келадиган ҳоли қолгани йўқ немиснинг, отахоп.

— Ростдан ҳам,— деди миҳчанинг учини тили билан ўўллаб, этикнинг тагчармига қоқар экан чол,— қайтиб келиб нима қиларди, олганини олиб, қилганини қилиб кетди-ку! Ўзинг қайси халқнинг фарзанди бўласан?.. Тилинг кавказликларга ўхшамайди.

— Ўзбекман. Тошкентни эшитганмисиз?

— Эшитганман. Немис босиб келишдан бурун келишим, невараларим мамлакат ичкарисига кўчириб олиб кетилган эди. Эшитишимга кўра улар Тошкентда

бўлсалар керак... ўғлим фронтда. На у ёқдан ва на бу ёқдан хат-хабар бор. Немисдан кўрган таҳқиримиз, ғам-алам мени кемириб адо қилди, бўтам. Ҳали сен немиснинг қайтиб келадиган ҳоли йўқ дединг. Балким бу гап тўғридир. Лекин ҳали у илоннинг боши мажақлангани йўқ. Фақат думи ёки оёғининг бирон панжаси қирққилди холос. Ҳа, иш жиддий...

— Гитлерчиларнинг бошларини, албатта мажақлаймиз, отахон, қолганлари ўлдими, инсофга келмаса?

— Инсофга келармикин?

— Инсофга келар, деган умиддамиз.

Чол бошини чайқаб қўйди. У қайрилиб қолган миҳчани омбур билан сугургач, юрак-юрагидан чуқур оҳ тортди-да:

— Инсофга келар дейсан... йўқ, иш жиддий... Қизил аскарга худонинг ўзи ёр бўлсин. Ит сути эмган гитлербаччалар кўнглига келган барча номаъқулчиликларни қилиб кетди! Сен, ўғлим, йиртқич ҳайвонни инсофга келтирмоқчи бўласан. Мен бунга ишонмайман. Бундай дейишга менинг асосларим бор! Биринчи жаҳон урушида мен улар билан озгина олишганим йўқ. Зўравонлик немисга йўрғакда теккан касалга ўхшайди.

Биринчи учрашувда мулоҳим ва меҳрибон кўришган бу чолнинг энди нурсиз кўзлари чақмоқдек ёниб кетди. Вужудини қаҳр-ғазаб қуршаб олди. У ортиқ ҳаяжонланганидан қўли титрарди. Чармга қоқаётган миҳчалари қайрилиб қолар, қалтироқ қўллари билан миҳчани омбурда сиқиб тортар, бир миҳча қоқиб учун не машаққатлар тортаётганини кўриб, бахтсиз чолга ичим туздек ачир эди.

— Ҳа, бу гапни айтнинг асосларим бор! Сен немиснинг кимлигини билмас экансан! Инсофга келар эмиш-а! Мен унинг гуноҳини ҳеч қачон кечиролмайман! Унинг қилган ёвузликларини урушлар тарихи кўрмагандир деб ўйлайман! Бир Ростов ер юзидан йўқотилса, уни қайтадан яратиш, балки мумкин бўларди. Гитлерчилар Германиядан Москванинг бўсагасигача босиб олган барча шаҳар-қишлоқларни пайхон қилгани кимга маълум эмас? Тўғри, Москва остонасига етганда, у ердан боплаб шатта еди, малъун!.. Ёвуз ниятига етолмаганидан алам қилган бўлса керак, энди чекина бориб, қолган-қутган шаҳар-қишлоқларимизга ўт қўйиб, бойўғлихонага айлантириб кетмоқда! Сен бўлсанг, у заҳарли илоннинг

битта қолдирмай бошини янчиб ташлаш ўрнига, инсофга келтирмоқчисан!

Мен «инсофга» деган иборамни изоҳлаб бериш мақсадида, у жабрдийда чолнинг бир неча бор сўзини бўлмоқчи бўлдим. Лекин ўрмонга кетган ўт сингари чол ловиллаб ёнар, уни на ўчириш ва на тўхтатиш мутлақо амри-маҳол эди. Чол култепа бўлиб ётган ичкарини кўрсатиб:

— Мапа шу ҳовлида отам туғилиб ўсган, биз бунёдга келганмиз. Оч эмас, тўқ, тинчгина яшар эдик. Гўё биз оч эканмизу немис бизни очликдан қутқариш учун уруш очганмиш. Тавба-тавба! Қулгинг қистайди, бу гапга! Оч баччағардан қоч баччағар, дегандек, ўзинг оч баччағар экансан-у, бизни тўйдиармидинг. Бор-йўғимизни талаб олдинг. От, сигир, ҳўкизларимизни Германияга ҳайдадинг!.. Қушимиз сенга қоладиган бўлса, устакарим жонимизни олгани маъқул!.. Хайрият, ҳар қалай касофат даф бўляпти, қизил аскарга минг раҳмат. Энди биргина армоним қолди. Ўғлим, келиним, невараларимни кўриб ўлсам майли эди.

— Кўрасиз. Албатта кўрасиз, отахон!.. Кампирингиз қаердалар?— Шошиб сўрадим мен.

— Кампирми...

Сўрамасам бўлар экан, чол юрагининг ярасига тегиб кетдими, у аллақандай ўзгариб, қути ўчди, кўзи яна ҳам нурсизланиб калласи қалтирай бошлади.

— Оҳ, кампирим шўрликкинам. Эслаган сарим ақлдап озаман, бўталоғим. Дардим яна янгиланди!

Чолнинг кўзи жиққа ёшга тўлди. Эр кишининг кўзида ёш!..

Чолнинг қалтироғи зўрайди. У оғир-оғир нафас олиб, ранги оқара бошлади. Мен қўрқиб кетдим. Бундай ҳолатда сув ичириш одати эсимга келди. Сув қидира бошладим. Сув йўқ. Фақат чолнинг олдида, эски-туски оёқ кийимлари орасида консерва банкада озгина сув бор. Шошганимдан банкани олиб чолнинг оғзига тутдим. «..Зарари йўқ, ўзи шундай... ўтиб кетади...» дея ҳавосираб оғзини каппа-каппа очар, нафас олиб ҳавога тўймас эди...

— Кампиримдан... гап очилса... шундай аҳволга тушадиган бўлиб қолдим.

— Ҳар қалай, ўзингизни эҳтиёт қилинг, уруш ҳам тугайди. Ўғлингиз фронтдан, кўкраги тўла орденлар би-

лан душманингиз устидан ғалаба қилиб қайтади. Келин, невараларингиз Ўзбекистонда бўлсалар, ўз уйларида эканлар, тездан улар ҳам бағрингизда бўладилар... Ёмон кунлар, албатта, яхши бўлади. Бизнинг ҳам кўчамизда бўладиган байрам кун сайин яқинлашмоқда, отахон...

— Тасаллоий дил. Сен менга тасалли бермоқчисан. Умумхалқ бошидаги кулфатни айтасан. Менинг кулфатим мана қаерда!— Қўкрагига муштлади чол. Унинг ажин босган юзи жилғаларидан ёш оқарди.— Қариб қолдим. Дард кўп, дармон йўқ! Қасос олишга кучим келмайди.

— Қасос олишга кучимиз етади. Қаторда норларимиз бор. Юкимиз ерда қолмайди.

Чол юзимга боқиб турди-да, «тушунарли» деб қўйди.

Ота этигимни михлаб берди. Мен унга раҳмат айтиб, беш сўм пул узатдим.

— Мен сендан бунни кутмаган эдим. Чўнтакка солиб қўй! Сенинг онанг мени Оксанамни иссиқ қучоғига олсин, мен сендан пул олай!.. Эсингни йигиб ол, бўтам! Пул топилади. Одам... одамгарчилик... ана шуни унутма!

Мен кампир тўғрисида бирон тафсилот билгим келса-да, яна қайтиб савол беришга журъат қилолмадим. Лекин чолнинг ўзи яна ёрилди:

— Менинг ёшим кетиб қолди. Бугун бор, эртага йўқ одамман. Ўзбек экансан, ким билади, замоннинг зайли билан менинг болаларим билан, балким учрашиб қоларсан. Балким ўғлим билан фронтда кўришарсан.

— Бўлиши мумкин. Ҳаётда кутилмаган воқеалар кўп бўлади, отахон.

— Шуни билсанг қулоғингда бўлсин. Эшит!— деди ота ва хотини фожиасини муфассал ҳикоя қилиб берди.

Маълум бўлишича, немислар чекинишидан бир кун илгари шаҳарга ўт қўя бошлаганлар. Кун ботиш чоғида ҳарбий кийимда икки немис ва граждандар кийимида бир киши эшикларни тақир-туқур қилиб кириб келишади. Кампир билан чолни уйдан ҳовли юзига ҳайдаб чиқаришади. Бир вақт уй ичидан бурқсиб тутун, сўнг аланга чиқади. Кампир дод солиб немисларга ташланади. Немис кампирни шу заҳотиёқ отиб, жасадини ёниб турган уй ичига ташлайди. Даҳшат. Ўта ёввойилик, кечириб бўлмайдиган қабиҳ гуноҳ! Украиналик ямоқчи Павел отанинг бу аянч саргузашти, минг-минг совет кишилари уруш туфайли кўрган фожиали саргузаштларининг ўзгинаси.

Қўлинг дард кўрмагур Павел ота этигимни ямаб, мени совуқ азобидан қутқазди. Ҳаммадан қимматлиси — одамгарчиликдан, душманга шафқатсиз бўлишдан сабоқ берди.

«УҚ УТМАС БОТИР»

Уэр... ҳурматли ўқувчим. Мен ўтмишни ўйлаб хаёл дарёсида сузиб, ҳатто самолётда учиб бораётганимни унутаёзиман. Улуғ Ватан уруши йиллари халоскор қизил қўшин сафида бориб, босиб ўтган йўлларим — шаҳар-қишлоқлар осмонида учиб ўтаётирман. Самолёт узоқ йўлни минутлар ўтган сари қисқартириб, яшин тезлигида Молдавия ери бўйлаб парвоз қилмоқда... эҳ-ҳа, бу тупроқда кўрган-кечирганларимнинг қайси бирини мен ҳикоя қилиб тугата олардим.

Мен у пайтларда Учинчи Украина Фронтининг газетаси «Совет жангчиси»да ҳарбий мухбир бўлиб ишлардим. Вазифа маълум, фронтда жанг қилиб, қон кечиб юрган ватандошларим орасида бўлиш, ҳарбий мухбирнинг мана бу эсдалигига эътиборингизни тортгим келди.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони Бонс Эргашев ҳақида очерк ёзиш ниятида ҳамон уни қидириб юардим. Эргашев артиллерия разведкачиси бўлгани учун уни исталган вақтда учратиш қийин.

Мана, Алексеевка қишлоғига келдим. Бу ерда олтмишинчи хўжалик турарди. «Вперед к победе!» газетасига кирдим. Бу газетанинг редактори майор Кулушин билан танишдим.

Майор ўзи редакторлик қилаётган, «Вперед к победе!» газетасида босилган материаллар билан мени таништирди. Ўзбек, тожик, қozoқ, қирғиз, туркман халқларининг талай фарзандлари бу хўжаликда хизмат қилар экан. Уларнинг жанговар ишлари тўғрисида кўплаб қизиқарли материаллар босилган...

«Уқ ўтмас ботир»... бу йигит ким?— сўрадим.

— Ўзбек. Пулемёт расчётининг командири. Старший сержант Синдор Ҳасанов.

— Шу йигитни кўрсам бўладими?

— Бу йигит полковник Артамонов хўжалигида. Қани бўлмаса кетдик,— деди газеталарни йиғиштириб майор. Йўлга тушдик. Ҳаво бузулди. Ёнгир томчидай бошладик.

Баҳор. Атроф кўм-кўк. Ўт-ўлан, аллақандай хуштаъм ҳаво ҳиди думоққа урилади. Онда-сонда милтиқ, пулемёт товуши эшитилиб қолади. Биз сой ичида, окопларни ёнлаб шимолга томон борардик. Бу ерларда бир вақтлар немислар турганга ўхшайди. Синиқ арава, пачоқланган дала ошхонаси, ёниб қуруқ «суяги қолган» ўзюрар немис тўпи, йиртиқ ботинка, бош кийимлар ҳар қарерда увин-тўда бўлиб ётарди.

Полковник Артамонов хўжалиги шу сойнинг нариги томонидаги қишлоқда экан. Қишлоқ ичидаги уйларнинг кўпчилиги бўм-бўш! Қисмларимизнинг бир қисми ўрмон ичида, бир қисми ўрмон билан туташ тепанинг ён бағрига жойлашган.

Блиндажда бизни рота командири Саурбоев қарши олди. Қорачадан келгап, ўрта бўй, қирғиз қовоқ бу офицернинг боши дока билан боғланган. Қўкрагидаги Қизил юлдуз, I-даража Ватан уруши ордени, «Жасурлик учун» медали, «гвардиячи» нишони унинг уруш кўрган, немис босқинчилари устидан қозонаётган ғалабаларимизга ўз ҳиссасини қўшган командир эканлигининг шоҳиди бўлиб турар эди.

Редактор майор Кулушин ажойиб тадбиркор йигит чиқди. Мен Саурбоев билан суҳбатга киришиб кетдим. Кулушин бўлса аллақачон тўрт томонга алоқачи чопарлар жўнатган экан, бирин-кетин ўзбек, қozoқ, тожик йигитлари кела бошлади. Миномёт расчётининг командири Ниезбек Ўтарбоев, пулемёт взводининг командири гвардиячи старший сержант Синдор Ҳасановлар етиб келишди.

— Уртоқ капитан! Қўшни батальондан батальон комсорги Самадов, полк гвардиячиси Умаровлар ҳам ҳозир етиб келишади,— деб қўйди, камтаринлик билан гўё менга рапорт берган бўлиб майор Кулушин.

Блиндаж жангчилар билан лиқ тўлиб-тошди. Ташқарига кенгроқ жойга чиқишнинг иложи йўқ. Ёмғир шиббалаб ёғиб турибди. Уқни писанд қилмайдиган жангчилар учун қор-ёмғир писанд эмаску-я, бироқ, немис мудофаа марраси бир-икки чақиримга етар-етмас, сал эҳтиётсизлик кўрсатилгудек бўлса кўзи тўрт, қулоғи динг снайперларга ем бўлиб қолиш ҳеч гап эмас! Ертўлага туташ окопда ўн чоғлиқ жангчилар тикка туриб гурун-га қатнашмоқда. Уларнинг қўлларида автомат, устлари-

Минут-секундлари жанговар ҳолатда бўлган бу қора кўзларнинг ҳар қайсисини бир дунё орзу-ҳаваси, дард-алами бор. Улар билан яккама-якка суҳбат қилгим, юрак сўзларини эшитиб, орзу-армонларини билиб олгим келарди. Шундай дилкашлик ва дардлашувга чанқоқлик, уларнинг кўз қарашларидан сезилиб турарди.

— Ҳаммамиз бир қориндан талашиб тушган ини-оғалардек иноқ бир оилада яшаймиз.— деб гап бошлади старший лейтенант Саурбоев.— Ҳозир ишғол қилиб турган ўрнимиз бундан бир ойлар бурун немис-фашистларнинг қўлида эди. Ҳар қалай биз уриб-суриб у баччағарларни бу ердан ҳайдаб чиқардик. Гитлерчи деган аблаҳ, оч канага ўхшаган худонинг бир махлуқи бўлар экан! Еримизга ёпишиб олган, сира ажралгиси йўқ. Ажралмас-ажралмас. Еримиз кенг. Ҳар қайсига бир-бир бўйралик жой ажратганимиз бўлсин!

Жангчилар гуриллашиб кулишдилар. Саурбоев давом этди:

— Ҳар қалай буйруққа маътал бўлиб шайланиб турибмиз. Бир зарб билан шу ердан ҳам уни кўчира олсак, марра бизники. Нариги ёгининг яна бир ҳисоби бўлар! Ҳар қалай тинкасини қуришиб қўйдик. Шу кеча-кундузда уни қўзғатиб олишдан кўра муҳим ва зарур вазифамиз йўқ. Шундай эмасми, йигитлар?

— Шундай, ўртоқ старший лейтенант,— дейишди жангчилар.

— Бу ҳамшаҳарларингиз тўғрисида шуни айтаман,— деб менга уқдирган бўлди командир,— шербаччаларнинг ҳар бири бир эмас, бир неча марталаб тегирмондан бутун чиққанлардан. Гап шундаки, ҳар ким қўлидан келадиган ишни бажарса, бу шунчаки бир гап бўлади. Ҳеч ким қилолмайдиган ёки ҳаммани қойил қолдирадиган ишни бажариш, ёлғиз жангчининг ўзига эмас, уруғ-аймоғига, эл-юртига, қолаверса, унга ишониб қурол берган она-Ватанига шон-шуҳрат келтиради. Бизда ана шундақа йигитлар оз эмас. Анови йигит билан яхшилаб танишиб олинг. Газетангизни безашга етаб-ортадиган хизматлари бор,— деди автоматини тиззасига қўйиб, жимгина ўтирган манглайи кенг, шер бичим навқирон йигитни кўрсатиб Саурбоев.— Унинг ўтиришини қаранг, гўё қўй оғзидан чўп олмаган беозор...

Командирнинг бу таърифига жангчилар қаҳ-қаҳ уришиб кулишди.

— Сизлар куласиз. Немислар бўлса бу «беозор» йигит дастидан зор-зор йиғлашади. Пулемёт тилга кирганда жонларини яширгани жой топишолмай, турган ерларида марғилон таррагидек қотиб қолаверадилар. Сиз дуч келиб қолган бирон жангчидан:— Синдор Ҳасанов ким бўлади?— деб сўрасангиз, у билмаслиги мумкин. Аммо, Сиз бу ҳўжаликда «ўқ ўтмас ботир», ким бўлади, уни кўрсам бўладими?— деб дуч келган жангчига мурожаат қилиб кўринг-а, у сизни тўппа-тўғри гвардиячи капитан Нестеренкоинг пулемёт ротасига олиб боради, қаршигизда ўтирган ана шу «беозор» йигит билан Сизни та-ништиради.

Командирнинг бу гапидан таъсирланган жангчилар ўз қуролдош ўртоқларини қарсак чалиб олқишладилар. Қўй оғзидан чўп олмаган «беозор» йигит бу мақтовлардан уялиб бўлса керак, лоладек қизариб-бўзариб ўлтирар эди.

Мен Синдор Ҳасанов билан қаттиқ қўл сиқишиб қайта бошдан танишдим.

Мен, ахир Боис Эргашевни қидириб топишим керак эди-ку! Бироқ, киши бир нарсага жазм қилса, ҳаёт иккинчи бир нарсани келтириб чиқарар экан.

«Ўқ ўтмас ботир!..» Бу номни бирон киши атайлаб ўйлаб чиқармаган, албатта. Борди-ю, ўйлаб чиқарилган бўлганда, бу ҳикматли пом жангчилар орасида иззат-ҳурматга эмас, масхарага боис бўлган бўлар эди.

Қани, унинг жанговар йўли ҳикоясига жиндек қулоқ бериб кўрайликчи-а...

Гвардиячи капитан Нестеренко ўз муовини гвардиячи капитан Беспалов, пулемёт взводининг командири гвардиячи старший сержант Синдор Ҳасанов, гвардиячи қизил аскар Бобоҳон Аҳмедов, Отажонов, Куншинлар билан биргаликда энг муҳим, энг мураккаб жанговар топшириқни бажариш учун иш бошлаганда кеча бениҳоят қоронғи, биров-бироннинг бурнига чертиб кетса ҳам кўриш мумкин эмас эди. Душманин гафлатда қолдириш учун бундай қоронғи тунлар кўп ҳолларда ҳарбийларга иш берарди. Бироқ ҳар қаандай аскарнинг ҳам ўлгиси, гафлатда қолиб душманиннинг қўлига тушгиси келмайди, албатта. Сен душманингни алдай олмасанг, душманингни сени алдаб қўяди! Сен душманингни раҳм қилсанг, душманингни сени ўлдиради!— деган қоида ҳарбий кишининг жанг майдонидаги ақидаси!

Нестеренколар қайиқларда ўтириб олиб, зим-зиё тунда дарёда душман жойлашиб олган ўнг қирғоқ томон сузиб эшкак тортиб борардилар. Душман ҳам анойи эмас! Нестеренколар буни яхши тушунадилар. Ўлим панжаси уларнинг ҳам ёқаларида. На чора! Ватан буйруғи. Буни бажармаслик. ёки қўрқоқлик кўрсатиб душманга ён бериш хойнликнинг ўзгинаси! Ҳар қандай оғир ва мушкул шароитда ҳам душмандан устун келиш, уни енгиш, ғалаба қозониш керак. Нестеренко ва унинг жангчилари буни яхши тушунадилар.

Дарҳақиқат, шу тунда худди шундай мушкул воқеага дуч келдилар. Немислар мушак отиб дарёни ёритиб юборди. Мушак зиёси гўё тун қоронғисини ютди-қўйди. Сокин оқаётган дарё юзида қайиқлар тугул, ҳатто чўппи ҳам кўриш мумкин бўлиб қолди. Нима қилиш керак? Теп-текис дарё оқими. Сув. Ниқобланишнинг иложи йўқ. Ҳаракат қилиш, душман эгаллаб турган қирғоққа чиқиб олиб, у билан жанг қилиш керак! Душман пулемёти ўқи остида шоввозларимиз эсон-омон ўнг қирғоққа чиқиб олишди. Ўқ чиқармасдан ўрмалай-ўрмалай душман окопига яқинлаша бордилар...

Нестеренко, Ҳасанов, Беспалов, Отажонов, Қуншин ва юзлаб «тегирмонга тушиб бутун чиққан» бу йигитларга ўхшаганларнинг қиссалари худди афсонага ўхшаб кетади. Уларнинг қўли, ақли-иродаси билан бажарилган жанговар юмушлар, бундоқ қараганда одам боласи қиллолмайдиган ишдек кўринади. Дарҳақиқат ўзингиз ўйлаб бир тасаввур қилиб қаранг-а...

...Дарё ўнг қирғоғига ин қазиб, у ерга тўп, пулемёт, миномёт ўрнатиб, қор-ёмғир, шамол-изғиринини писанд қилмай кеча-кундуз мнжжа қоқмасдан ўз рақиби йўлини пойлаб ётган айёр душманга пайд бериш, унинг рўпарасидан қурол кўтариб бораётган кишининг жонини омон қолади, ғалаба унга ёр бўлади дейилса, ким ҳам бунга ишона оларди?.. Борди-ю, шундай қалтис ишга журъат қилган киши топилгудек бўлса, ўн жони бўлган тақдирда ҳам омон қолгани мумкин эмаслигини билмасмикми?

Ҳа, дунёда шундай одамлар ҳам бўлар экан. Улар на ўлимни эслар ва на ўлимдан қўрқар эканлар. Улар учун дунёда яшашнинг маъноси бус-бутун бичқача. Улар зарур бўлиб қолса, ёниб турган жаҳаннам оташига ўзларини ташлаб, ундан бутун ҳам чиқа олар эканлар. Улар ўй-

лар эканларки, агар бу жаҳоннам олови жаҳонга ёйилиб кетмасдан бурун ўчирилмаса, дунё сўнги нчида қолади, одамзод яратган маданият қуйиб кул бўлади! Демак, ўтин мен ўчиришим керак! Бир минут ҳам кечиктирмасдан ўчириш керак, дер эканлар ва ёниб турган оловга ўзларини отар эканлар.

Бу гап қанчалик муболаға бўлмасин, бу айти ҳақиқатининг ўзгичаси! Нестеренко, Ҳасанов, Ҳасанов ва буларнинг қуролдош ўртоқлари ана шундай одамлар эди.

Нестеренко, Ҳасанов ўз шериклари билан кеча қоронғилигидан фойдаланиб дарёга тушдилар. Ўқ, граната, пулемёт ортган қайиқларида эшак тортишиб ўша пайтда ажалнинг коми бўлиб қолган ўнг қирғоққа томон сузардилар. Душман вақти-вақти билан мушак отар, қоронғи тунни ёритиб кенг дарё сатҳидан ўз қушандаларини қидирибдилар. Пулемёт, миномётлар какирлай бошлади. Начора! Биримизни ўлдиргудек бўлса бошқа бировимиз қирғоққа чиқиб олармиз-ку! Урушни тўп, танк, самолёт эмас, оқибатда одам ҳал қилади деган эътиқодга амал қилишарди улар.

Ҳа, худди улар ўйлаганларидек бўлиб чиқди. Пулемёт, автоматлар тишимсиз сайраб турдилар. Немислар отаётган мушаклар кечани кундузга айлантириб қўярди.

Бир бошга бир ўлим. Фашист ўлимтик! Фашист йиртқиш! Халқлар бахтига чанг солган дажжол! Немис-фашист қотил! Босқинчи! Уни ўлдириш, қуролсизлантириш керак! Унинг қўлида қурол бўлар экан, дунёда тинчлик йўқ! Халқлар боши кулфатдан чиқмайди!

Нестеренко — Ҳасановлар ўнг қирғоққа ўтиб олиб, шердек жанг қилардилар. Душман сони кўп. Улар қулай панада туриб олиб шерзодларимизни ўққа тутарди. Рота командири, гвардиячи капитан Нестеренко огир ярадор бўлди. Ҳасанов расчётининг пулемётчилари Отажонов, Аҳмедовлар ҳам яраланиб сафдан чиқдилар. Ҳасановнинг ўзи ҳам чап қўлидан енгил яраланди... лекин у пулемётдан ўт очиб рақибларининг бош кўтаришига имкон бермади. Аҳволи жуда тапг бўлиб қолган бир маҳалда қудратли «ура!» овози эшитилди. Бу овоз уни шерлантириб юборди. Булар Беспалов бошлаб келган автоматчилар эди.

Рус «ура!»си пайдо бўлган ерда, душман ўтакаси ёриларди. Жанг майдонининг голиби ҳам, ғозиси ҳам қизил аскарнинг ўзи бўлиб қолаверди.

Нестеренко — Ҳасановлар бошлаб берган ўнг қиргоқ-даги жанг ҳам шундай ғалаба билан тугалланганди. Ўнг қиргоқни бой берган немиснинг омади кетиб, ҳужумкорлик шаштидан қайтиб, шарқдан юз ўғриб ғарбга томон юзланиб олган эди.

«Ўқ ўтмас ботир» Ҳасанов тўғрисидаги бу қиссани Саурбоев жуда дўндириб ҳикоя қилар, мен бўлсам шонилмасдан блокнотимга ёзиб ўтирар эдим.

Жангчилардан кимдир бирови орага гап суқди.

— Ўртоқ старший лейтенант! Старшина уйидан хат олган. Жуда ажойиб хат. Сўраймиз, ўқиб эшиттирсин! Хуфня эмас-ку! Қизиқ хат...

Ҳасанов эътироз билдирди. Лекин мен хатни ундан сўраб олиб, ичимда ўқидим:

«Акажон!

Украинали биродарларимиз юртида немис босқинчиларга қарши мардона жанг қилиб юрган жонажон, меҳрибон акамга бениҳоят соғинчли салом!

Акажоним! Ёзган хатингизни олиб ўқидим. Хатингизда икки марта ярадор бўлдим, ҳозир яна жанг майдонига қайтиб фрицларни қираётирман дебсиз. Оғир ярадор бўлиб, ҳозиргача госпиталда ётган бўлманг, акажон! Бизлар қачон дийдор кўришамиз? Менинг жондан азиз акам душманни тезроқ енгиб келса эди деб, Сизнинг келишингизга ва тўйингизга атаб қўй-эчки боқиб юрибман.

Жангда Сизнинг қаҳрамонлик кўрсатиб, орден олгангиз ҳақида «Қизил Ўзбекистон» газетасида босилиб чиққан хабарни ўқиб, жуда хурсанд бўлдик. Акажон! Душманга омон берманг! Етти қат осмонда бўлса ҳам, ернинг тагига кириб кетган бўлса ҳам, топиб олиб, ер билан яксон қилинг!

Мен ҳозир колхозда секретарь бўлиб ишлаб турибман. Эркак-аёл, ёш-қари колхозчилар меҳнат фронтида жадаллик билан ишлаб, Қизил Армияга ёрдам бермоқдалар. Бундан хотиржам бўлинг.

Бахтимизга соғ-саломат, дунё тўла ғалабалар билан келинг. Хатни опамнинг уйида ёздим. Бувимлардан, опамлардан, ҳамма қариндошларимиздан Сизга кўпдан-кўп салом! Йўлингизда кўзлари нигорон бўлиб, интизорлик билан кутиб ўтирган синглингиз Шаҳрибону Ҳасанова.

Қорадарё район, 20 май, 1944 йил».

Мен бу мактубни илтимос қилиб Ҳасановдан сўраб олдим. «Ўқ ўтмас ботир» сарлавҳали очерк ёзиб, Шаҳрибону мактубини унга илова қилдим. Очерк «Совет жангчиси» газетасида босилиб чиқди.

Кичик изоҳга эҳтиёж туғилиб қолди. Улуғ Ватан уруши галабасининг йигирма йиллигини байрам қилишга тайёргарлик кўраётган кезларимизда бирмунча қуролдош дўстларимни хотирлаб радиода сўзлаган эдим. Шундан сўнг жуда кўп мактублар олдим. «Ўқ ўтмас ботир» очеркимнинг қаҳрамони Синдор Ҳасанов менга йўллаган мактубида бундай сўзларни ўқидим:

«... 1965 йилнинг 2 апрель кунда бизнинг оиламизга радио қувончли хабар келтирди. Ватан урушида озми-кўпми қилган хизматларимизни унутмасдан, радио орқали эшитдирганингиз учун бола-чақаларимиз билан шодландик. Бундай шодлик инсон тарихида камдан-кам учрайди. Бунинг учун Сиздан чексиз миннатдормиз.

Мен 1946 йил фронтдан қайтдим. Менга зафар тилаб колхозда меҳнат қилиб юрган Бувихонга уйландим. Иккимиз «Фрунзе» номли колхозда ҳалол меҳнат қилиб келмоқдамиз. Шукур, олти фарзанднинг ота-онаси бўлиб қолдик. Уч ўғил, уч қизимиз бор. Улар ўқиб, ўйнаб бахтиёр ўсмоқдалар. Синглим Шаҳрибону ҳам турмушга чиқиб олти фарзанд кўрди... урушда бекор қон тўкмаётганимизни билардим. Шу бахтиёр дамларда орқамизда қолиб кетган машаққатли кунларимизни эслаб яхши иш қилибсиз, ҳурматли Назиржон ака...»

Ҳа, «Ўқ ўтмас ботир» — Синдор Ҳасанов ҳақ. Улар нима учун қон тўкиб, жанг қилаётганларини яхши билардилар.

БОИС БОТИР

— Батареяга сизни старшина элтиб қўяди,— де-ди майор кўчма ошхона атрофида ўралишиб юрган кишини кўрсатиб. У кўчма ошхонанинг қопқоғини текшириб, қутисига нонни жойлаб, чўмични солди.

— Қани кетдикми?— деб сўради старшина, гўё батареяга жўнаш учун мендан ижозат сўрагандек.

Мен бошимни қимирлатдим. Ақлли от аравани тортиб кетди, фақат нотекис ердагина араванинг гижирлаши эшитиларди.

«Қидириб юрган кншнмшн старшинадан сўрасам қандай бўларкин»,— деб ўйлаб:

— Бонс Эргашев деган жангчини танийсизми?— дедим.

— Бу айтаётган жангчингиз қаҳрамон эмасми?

— Ҳа, ҳа... Гвардиячи старшина Эргашев-да, тўғри айтасиз, Совет Иттифоқи Қаҳрамони.

— Биламан. Бизнинг батареямиздагилар уни танийди. Бироқ, мен ҳалигача у йигитни кўролмадим. Сизга ҳамшаҳар эмасми?

— Бир областданмиз. Самарқанддан.

— Қаҳрамонингиз урушгача ўз юртида нима иш қилар эди?

Бонс Эргашев тўғрисида мен жуда кам нарса билар эдим. Шунинг учун Эргашев ёш эканлиги, техникумни битириб Самарқанд область театрида хизмат қилганини, қаҳрамоннинг катта акаси ҳам фронтда жанг қилаётганини, кнчиклари ўқишда эканини, ҳаммаси бўлиб булар онадан тўққиз бола эканини сўзлаб бердим.

— Артист денг-а!— деб қўйди.

Биз гап билан бўлиб, отга қарамай қўйибмиз, от очиқликдан ўтиб, тепалик тагига бориб тўхтаб турибди.

— Мана, етиб ҳам келдик,— деди старшина хурсанд бўлиб.

Биз бориб тўхтаган ерда ҳеч ким кўринмас эди. Мен жангчилар қасрдалигини билишга ҳаракат қилсам-да, билолмадим. Фақат тепа тагида ғор қорайиб кўринарди. Орадан беш-ўн минут ўтгач, ғор ичидан идиш кўтарган солдатлар чиқиб келаверди.

Старшина чўмични қўлга олиб овқат тарқата бошлади.

Мен тўпдан ўн беш метрча нарида батарея командирини кўрдим:

— Батарея командирини Статюх,— деб ҳарбийча салом берди лейтенант. У безовта кўринар, ўрмон ва тепаликлардан кўз узмай сўзлашарди. Теварак-атроф жимжит, ниничилар бир-бирини қувлаб учар, чигирткалар бир зайлда чирқиллар эди.

— Бизнинг участка тўпга тутилиб турилиши сизга маълумми?— деди жиддий бир оҳангда Статюх.

— Ҳа.

— Ҳўш, нима тўғрида сўзлашамиз?— деди менга лейтенант.

Мен батареянинг ҳаёти билан танишиб, Совет Итти-

фоқи Қаҳрамони Боис Эргашевни кўришим кераклигини айтдим.

— Батарея тўғрисида гапирадиган гаплар бор. Аммо вақт бир оз...— деб ниманидир ўйлаб қолди командир.— Эргашев тўғрисида шунини айтиш мумкин, у оғир жангда яраланган эди, ҳозир санбатда даволаниб ётибди.

Санбат, дивизия штабининг орқасида, қишлоққа яқин ерда эди, мен у қишлоқ ёнидан ҳозиргина ўтиб келган эдим.

— Эргашев билан бўладиган гапимиз санбатда бўлар экан,— дедим,— бўлмаса тўпчиларингизнинг жанговар ҳаётлари тўғрисида гапиринг. Лейтенант бошини қимирлатиб гап бошлади. У атайлаб бўлса керак, умуман батарея тўғрисида гапирмасдан Боис Эргашев хизмат қилаётган взвод ва унинг командири Шилин тўғрисида сўзлади.

Донецкда бўлиб ўтган сентябрдаги бир воқеа унутилмасдир. Шилин ўз артиллерияси разведкачилари билан бутун кечани траншея қазиш билан ўтказди. Траншея тўпчиларнинг ўқ олмас қўрғони.

Мана тонг ҳам ёришиб қоляпти. Командир дурбин билан атрофни, ўрмон этакларини кузата бошлади. Гитлерчилар ниқобланишга уста бўлганидан улардан нишон сезилмайди.

Тонг отди, қуёш нуридан олам мунаввар эди. Энди стереотруба ойнасида ўрмон шу қадар яқин ва яққол кўринадики, ҳатто қайси дарахт қайин, қайси дарахт қарағайлигини билиш мумкин эди. Шунга қарамай душман траншеяси, ертўласини аниқлаш қийин эди. Ёш офицер Шилин биринчи жаҳон урушининг ветерани бўлган ўз отасининг немислар ниқобланишга уста бўладилар, ўғлим, дегани ҳозир эсига тушиб, унга асқотганди. Совет жангчилари ҳам яхши ниқобланадиган бўлиб қолгандилар.

Ёш офицер Шилин душман билан рўбарў бўлиб, уларни тўпдан ўққа тутишни орзу қиларди. Мана у икки ойдан бери фронтда, биринчи жангга тайёрланарди. Шилин командирлик қилаётган артиллерия разведка взводидан душман ярим километр нарида. Шилин стереотруба ёрдамида душманни кўриб турар, душман эса Шилинни кўрмас эди. Шилин взводи жуда масъулиятли вазифани — душман кучларини қириб ташлаш, ўз қў-

шилари ҳужуми ва ҳимоясига ёрдам бериш вазифасини бажарарди. Шундай ҳолни кўз олдингизга келтиринг: душман батареяси бизнинг позициямизни тўпга тутмоқда. Дарҳол душман қаерда туриб бизни ўққа тутаётгани ҳақида дивизия штабига хабар қилиш керак. Шилин бундай жавобга доим тайёр туриш керак. Билолмадим, аниқлай олмадим, душманга зарба беришга ҳали тайёр эмас эдим, дейишга Шилиннинг ҳақи борми? Йўқ! Шунинг учун Шилин кундузги соатларда стереотруба ёнидан бир қарич ҳам нари кетмас эди.

Мана шу қийин кунларда ўз командирларига яқиндан жон-дили билан ёрдам берган разведкачилар Морозов, Березкин, пастдаргомлик Исроил Шаропов, Боис Эргашевлар эди. Бу тажрибали разведкачилар билан маслаҳатлашув ёш офицер лейтенант Шилин учун сув билан ҳаводек зарур эди. Шилиннинг ўзи разведкачи жангчиларга суяниб иш қиларди.

Шилин взводининг разведкачилари Березкин, Шаропов, Эргашев, Морозовлар коммунист бўлиб, булар взводнинг кўзи, қулоғи эдилар. Бу кучларга суяниб иш кўрадиган командир жойи келганда булардан ўрғинарди.

Ана шундай ажойиб совет кишилари билан бирга Афанасий Шилин гитлерчиларга қарши жанг қиларди.

Офицер Шилин кузатишлари билан душман позицияси аниқланиб, ўтга тутилгач, Донецк операцияси бошланиб кетган эди. Шилиннинг бу жанговар хизматлари тақдирланди. «Ватан уруши» ордени билан мукофотланган бу офицерни дивизия командири подполковник Клименков табриклаб, ҳаёт-мамот учун олиб борилаётган шу муқаддас жангда унга, унинг расчётидаги қуролдошларига янгидан-янги галаба ва музаффарият тилаган эди. Лейтенант Статюх батареясининг шахсий состави ҳарбий-сиёсий тайёрлиги яхши, кўпчилиги уруш оловида ишган йигитлар эди. Тўп командирлари орасида жангларда маҳорат кўрсатиб орденлар билан мукофотланганлар оз эмас эди. Лейтенант уларнинг фамилияларини айтиб берди, мен ўз блокнотимга ёзиб турдим. Статюх ҳар бир жангчига қисқа, лекин жуда равшан характеристика беради. У ҳаддан ташқари ҳарфинлигига қарамай, ҳар бир жангчининг исми, фамилиясини хотирлар эди. Доим душманининг ўт позициясига яқин турган бу ажойиб одам, ҳар бир солдат тақдири ҳақида ғам чекиб,

юррак уришини сезиб тургани унинг кўз қарашларидан кўриниб турарди. У сўзлаб турса-да, блиндаждан олис-да бўлаётган ҳодисаларни англаётгандек ва батареяда нима бўлаётганини сезиб тургандек эди. Унинг уйқусизликдан толиққан кўзи киртайиб қолган бўлса-да, узоқларни кўришга қодир ва тетик эди. Унинг пешонасидаги қалин ажин лейтенант чеҳрасини яна ҳам жиддийроқ кўрсатарди. Ўз тўпчиларининг жасорати тўғрисида сўзлагандагина Статюхининг юзидаги жиддийлик йўқолиб, чеҳраси бир қадар очила бошлар эди. Мана ҳозир худди шундай бўлди. У Ёқубов билан Борис Эргашевнинг жасорати, маҳорати тўғрисида ҳаяжонланиб, завқланиб сўзларди.

Днепр учун ҳаёт-мамот жанги борарди. Сўл қирғоқ ҳар қачонгидек қоронгилик қучоғида пинҳон.

Пиёда аскарлар шовқин-суронсиз қайиқ ва қайиқчаларни келтириб секингина дарёга туширганди. Ҳар қачон ҳадиксираб кун кечираётган душман керакми, керакмасми пулемётлардан ўқ узиб, баъзан қирғоққа тўп отиб турар эди.

Шилин ёнбошида позиция ишгол қилган Березкин бирданга:

— Ўртоқ лейтенант, yarаландим,— деб ёнбошига ағдарилди.

Шилин ёрдам қилмоқчи бўлиб унга қўл чўзган эди, қўлига иссиқ қоп ёпишди. Аттанг, у ҳозир жуда керак эди, начора?.. Шилин сержантга тезда орқага қайтишни буюрди.

— Мен ҳеч ёққа бормаيمان!— деди Березкин шивирлаб.

— Борасан!— деди Шилин.

«Сувга!» деган команда қулоқдан-қулоққа шивирлаб етказилди. Шилин ўрнидан турди, унинг билан бир вақт-да Ёқубов ҳам турди, аммо радист Соколов қимирламай ётарди.

— Ўртоқ Соколов! Яраландингизми?— деб сўради Шилин. Соколовдан нидо чиқмади.

— Яраландингизми?— деб такрор сўради Шилин.

Соколов қалдироқ овоз билан:

— Ўртоқ лейтенант, ошиқишнинг ҳожати йўқ. Шу ерда туриб ҳам коррективровка қилаверсак бўлади-ку. Қирғоққа тирик етиш қийин. Биз ўлсак пиёдалар алоқачисиз қолади,— деди.

Буйруқни бажаришдан бўйин товлаш — хонинлик. Ярадор сержант Березкин жасорати ҳам бу қўрқоққа ибрат бўлмади. Шилин қаҳр билан яна:

— Тур ўрнингдан! Йўқса ўлигинг шу ерда қолади,— деди ўзини қайиқ томон олпб.

Соколов қайиқ ичига кириб қуёндек писиб олди. Десант қиргоқ томон ҳаракат қила бошлади. Душман ракета отиб дарё юзи ва қирғоқларни ёритар, қуролларнинг барча турларидан муттасил ўқ узарди. Шилин қайиғи кучли ўт остида қиргоқ томон сузиб борарди. Қирғоққа бир неча метр қолганда душман минаси қайиқни ағдариб ташлади. Шилин бошлиқ жангчилар сув билан олишар, қирғоққа чиқиб олиб, душманга зарба бериш учун жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилардилар.

— Қирғоққа!.. Қирғоққа!.. Душманга зарба бериш учун қирғоққа!— деб команда берар эди Шилин.

Булар беҳад азоб ва ўлимни енгиб қирғоққа яқинлашдилар. Энди алоқа зарур бўлиб қолган эди. Бироқ Днепр қўрқоқ Соколовни ўз қаърига тортиб кетган эди.

Шундай мушкул бир фурсатда тажрибали разведкачи Боис Эргашев яна асқотганди, ўзи билан разведкачи Зинани олиб, радиостанцияни қайиққа ортиб, узилиб қолган алоқани тиклаганди.

Плацдарм учун бораётган жанг ҳар иккала томон учун ҳам енгил эмасди. Немис плацдармни сақлаб қолиш учун ҳеч нарсадан қайтмас эди. Шилин командирлик қилаётган артиллерия разведка взводининг жангчилари барча тўсиқ ва қийинчиликларни енгиб, жанговар ҳолатни тиклаб олгандилар. Ҳамма ҳужумга тайёр ҳолда турар эди. Ўқчи қисм командири вақт-вақти билан Шилинга телефон қилиб:

— Аҳвол қандай?— деб сўрарди.

— Аҳвол эскича, шайланиб тураверинг,— деб жавоб қиларди Шилин.

Орадан сал вақт ўтмай яна телефон жиринглади:

— Уруш худоси, ухлаётганинг йўқми?

— Уйқуга барҳам берганмиз, хотиржам бўлаверинг,— дерди Шилин.

Немислар кутилмаган бир пайтда тўплардан ўт очиб қолдилар. Иссиқ шамол кетидан ёмғир келишидек, тўп отиш орқасидан ҳужум бошланиши аниқ эди. Орадан кўп вақт ўтмай, танклар ҳимоясида келаётган немис пиёдалари кўриниб қолди. Қулоқлари доим овда бўлиб

шайланиб турган Шилин тўпчилари ишга киришдилар, снарядлар чийиллаб учиб, немисларни ерга қапиштирарди. Шилин тўпига полк артиллерияси ҳамоҳанг бўлиши билан, ҳужум қилиб келаётган гитлерчиларнинг ҳоллари танг бўлиб қолди. Ерга қапишиб ётган немис пиёдалари Шилин ўтидан жон сақлай олмай саросимага тушиб қолдилар.

Совет тўпчилари ўти остида қолган пиёдаларини қутқазиб олиш учун немислар бизнинг артиллерия позицияларимизни ўтга тутдилар. Днепрнинг у ва бу томони снарядлар ўти остида қолди. Кутганидан бир неча баробар ортиқ калтак еган душман ақл-ҳушидан озаётган эди. Шундай бўлса-да, душман ўз ниятидан қайтмасди. У ўз кучларини тўплаб, нафасини ростлаб, яна ҳужумга ўтиши мумкин эди. Совет қўшинлари ҳужумларидан юрак олдириб қўйган гитлерчиларнинг Днепр қиргоғида мустаҳкам мудофаа истеҳкоми қуриб олишдан мақсадлари, ҳужумга қарши ҳужум қилиб, қурбонлар бериб бўлса ҳам, Днепр орқасида туриб олиш билан бизни ҳужумдан тўхтатиш эди.

Немислар бу гал ҳужумни ўзга бир ердан бошлаб, қурбонлар бериб бўлса ҳам илгари силжий олди. Жуда кўп танклар ҳимоясида гитлерчилар бизнинг траншеяларимизга яқинлашиб қолганди. Бу вақт плацдармда ёлғиз Шилин тўпчиларигина эмасди. Бу ерда батарея командири лейтенант Статюх ва полк бошлиқлари ҳам ҳозир эди. Статюх танкка қарши ўт очиб, Шилин душман пиёдаларини олға силжитмаслик ҳақида буйруқ олдилар. Душман ҳаракати зарра бўлса-да, бўшашмасди, у бизнинг позицияларимизга тобора яқинлашиб келар эди... Энди душманни тўхтатиш чораси тўплардан ўт очиб унинг йўлини тўсиш эди. Шундай ҳам қилинди. Фашистлар писанд қилмай, кетма-кет келаётган кучлари билан траншеяларимизга ёпирилиб, «рус, таслим бўл!» деб бақирардилар. Бизнинг ўқчиларимиз душманни яқинлаштириб, шиддатли ўт очдилар. Гитлерчилар саросимага тушиб, тумтарақай қочдилар, пиёдаларимиз қарши ҳужумга ўтиб, фашистларни ер тишлатиб борардилар...

Фронтда сукунат бошланди. Жанг нақадар қонли бўлмасин, бизникилар плацдармни кепгайтира олмадилар. Душман эгаллаб турган жой ҳар жиҳатдан улар қўлини баланд қилиб турарди. Днепрдан ўтиш жойи

немислар назоратида бўлганидан, биз плацдармга керак вақтда қурул-яроғ, озиқ-овқат ва резервларимизни эркинлик билан етказа олмасдик.

Кушнинг иккинчи ярмида душман яна ҳужумга ўтди. Қаттиқ қаршиликка учрашига қарамай, бу гал гитлерчиларнинг олдинги отряди траншеямизга яқин қолган эди. Тўпларимиздан ўт очиш мумкин бўлмай қолди. Шунинг учун ўқчи қисмларимиз яна қарши атакага ўтдилар.

Шу тахлит мислсиз қаҳрамонлик билан бу гал ҳам душман ҳужуми қайтарилди. Бироқ, бу жанг бизга жуда қимматга тушди, батарея командири яраланди, рота командирини ҳалок бўлди. Командирлар ўринларини взвод командири эгаллаб, взводга эса старшина, сержантлар командирлик қила бошладди.

Плацдармда туриб душман ҳаракатини кузатиш, унга ҳар сафар ҳам биринчи бўлиб зарба бериб турган Шилиннинг вазифаси эндиликда жуда-жуда мураккаблашиб кетди. Жангда сафдан чиққанлар ўрнига янги кучлар келиб қўшиларди. Улар орасида Гитлер босиб олган вақтда кўчиб улгурмасдан қолиб, шаҳар, қишлоқлар озод қилингандан сўнг армия хизматига чақирилганлар ҳам бор эди. Тўғри, улар ичида Ватан учун жон фидо қилишга, гитлерчилардан қасос олишга тайёрлари кўп эди. Лекин беқарорлари ҳам йўқ эмасди. Шилин буларни доим кузатар, ўрганар, алоҳида эътибор билан тарбия қиларди.

Ана шундай мураккаб оғир шароитда душман яна ҳужумга ўтди, бу гал позициямизнинг сўл қанотини ёриб ичкари кира олди. Жангчилар орасида саросималик бошланди. Энди қаршилик кўрсатиш фойдасиз, дегаплар ҳам кўриниб қолди.

Чекинишга жой йўқ, орқамизда Днепр...

Чекиниб дарёдан ўтганимизча душман бизни тутдискўкади, ўлишимиз дарёда қолиб, баллиққа ем бўламиз, дегувчилар кўп эди.

Жуда-жуда оғир вазият вужудга келганди. Солдатлар орасида «ҳар ким ўз жонини қутқарсин», деган сардо эшитилиб қолди. Бу армия сафига янги чақирилганлар тўдасида рўй берган эди. Шулардан бири траншеядан чиқиб Днепр томон йўл олди, унинг орқасидан ўнга яқин солдат эргашди. Бу сотқинлик Шилинни ғазаблантирди. Солдатлар қочиншга юз тутганда Шилин ўз ёни-

да Бонс Эргашев, Солиевларни кўриб жонланиб кетди ва қочиб бораётганлар томон югурди.

— Тўхта! Тўхтанглар!.. Орқага қайтинглар!— деб қичқирарди лейтенант Шилин, бу «касал»ни қандай даволашни билмай, шошиб қолган эди. Қочоқларни қувлаб бораётиб: «Майли, қочиб қаерга борар экан, қирга чопиб, охири ҳолдан тоядилар-ку!» деяр экан, яна ўз ёнида Эргашев билан Солиевни кўриб шерланиб кетди.

— Тўхта, орқага қайт!— Шилиннинг ғазабнок овози янграб кетди.

Командир буйруғи кучи биланми ёки Эргашев, Солиевларнинг солдатлар бошидан ошириб узган автомаг ўқлариданми, ҳарқалай, қочиб бораётган солдатлар бирин-кетин тўхтадилар.

Шилин тўхтаганларни кўздан кечираркан, у «тўхта, қайт» деб команда берган вақтда ҳақорат қилган солдат билан кўзи тўқнашиб қолди. Бу новча, қотмадан келган, сўтак бир солдат бўлиб, бир кун бурун Шилинга автомат тўғрилаган эди. Ўз атрофига беқарор солдатларни тўплаб бузуқчилик қилаётган солдат шу эканлиги энди очиқ маълум бўлиб қолганди. Ўз вақтида қатъий чора кўрмаганлигини командир ҳозир бутун вужуди билан ҳис қилган эди. У, тўппончасига чаққон қўл уриб, тепкисини босиб юборди, кўз юмиб-очгунча хоиннинг мурдор жасади қонига буланиб алданганлар оёғи остида ётарди. Қўрқоқларни қўрқитиб таъсир ўтказиш керак. Эргашев билан Солиев ҳам буни яхши тушунардилар.

Алданганлар Шилин атрофига тўпландилар.

— Менинг орқамдан!.. Олға!— деб команда берди жангчиларни қарши атакага ундаб Афанасий Шилин...

Ҳамоп плацдарм учун қонли жанглар давом этмоқда. Ҳамон ўт чизигида турган Шилин взводи биринчи бўлиб душман ҳаракатини аниқлайди, лозим бўлганда унинг тўпчилари биринчи бўлиб душман зарбасига ўз кўкракларини қалқон қилардилар. Днепрнинг нариги томонида ўрнашиб олган гитлерчиларнинг сўнгги ҳужумлари ниҳоятда даҳшатли бўлган эди. Танк ва узоққа отувчи тўплардан шу қадар кўп снарядлар отдиларки, бизнинг алоҳида участкаларимиздаги траншеялар остин-устун бўлиб, кўмилиб кетганди. Ана шундай тўп отишмаларнинг бирида Шилин йўқолиб қолди, уни қидириш, топиш керак эди. Қўмондон шундай буйруқ бер-

ғанди. Эргашев ўлим тантана қилиб турган ўт ичига кириб Шилинни қидирарди. Шилин топилди. У ўприлиб тушган ертўла оралиғида, тоштупроқ тагида бир оёғи чиқиб ётар эди. Эргашев тупроқни ковлаб, Шилинни кўтариб пана ерга олиб чиқди. Шилин кийган пахтали илма-тешик бўлиб кетган, бадаши куйган, ўзи ҳушсиз эди.

Эргашев шу вазиятда йўқолган командири Афанасий Шилинни топиб келди, разведкачилик бурчини бу ерда ҳам қойил қилиб бажарди. Шилин даволаниб, энди қулоғи эшитиб, тилга кирган пайтда ҳол сўрагани полк командири кириб келди. У Шилинни қучоқлаб ўпар экан, унга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони бериш учун Москвага ҳужжатлар юборганини айтиб, Ватан урушининг ҳақиқий қаҳрамони — бу ажойиб рус йигитини қувонтирган эди.

Ешлик асқотди. Серғайрат йигит бир ҳафтадан кейин оёққа турди-да, плацдармга юборишларини сўраб туриб олди.

Днепр учун бўлган жангларда юз бераётган муваффақиятсизлик совет қўшинлари ҳаракатини сусайтирмаган эди. Днепр учун бўлаётган жанг Улуғ Ватан уруши истиқболини ҳал қилувчи жанг эди. Немис қўмондонлиги бу ерда мустаҳкам истеҳком қуриб, кучларимизни толиқтириш билан урушнинг чўзиш муддаосида эди.

Ноябрь ойида Павлоград дивизияси Хортица плацдармини қолдириб, унинг жануб томонидан — Днепрдан ўтишга тайёргарлик кўрар эди.

Қўққисдан ҳужум қилиш мақсадини кўзда тутиб, артиллерия отишмасисиз Днепрга ўтиш планлаштирилган эди. Айни бир вақтда бутун дивизиянинг Днепрдан ўтишни тўхтовсиз давом эттириб, душман ичига ёриб кириш, тезкорлик билан ҳужум қилиш тўғрисида буйруқ берилган эди.

Бу тахлит ҳужум операциясида артиллерия разведкачиларининг иши яна ҳам мураккаблашарди. Ҳаммадан бурун душман артиллерияси нуқталарини аниқлаш, улар ўт очмасдан олдин ўт очиб уларни яқсон қилиш ҳал қилувчи вазифа эди. Шилин соатма-соат, кунма-кун яна кузатиш пунктида миҳдек қоқилиб ўтирди. Ноябрь ойининг совуқ бўронлари, жонга тегувчи ёмғирлари бу метин иродали йигитнинг чап қирғоқдан кўзини олди-ролмас эди.

Бу гал биринчи бўлиб подполковник Вильховскийнинг полки Днспрдан ўта бошлади. Олдин душман ғафлатда қилиб ҳеч нарса сезмади, фақат десант яқинлашиб олгандагина ўт очган эди. Иккинчи эшелон билан ҳужум қилиб бораётган майор Чайки полки ва капитан Рязанцев батальони билан бирликда Шилин, унинг ажралмас жанговар дўстлари Бонс Эргашев, Ёқубов, Солиевлар плацдармга кириб, маҳкам ўрнашиб, уни кенгайтириб, душманни хийла сиқиб қўйгандилар.

Эрта билан душман газабланиб яна ҳужумга ўтган вақтда Шилин тўпининг ўқи тугаб қолганди. Дивизия ишғол қилган жойларда немислар, оғир тўпларни олиб қочолмай, қулфини олиб, ўзини қолдириб кетгандилар. Шилин шу тўплардан эгаларига ўт очмоқчи бўлди. Лекин тўпларнинг ҳар хил қисмлари олиб ташланган эди. Шилин билан Эргашев оқопларни кезиб затвор ва олиб ташланган қисмларни қидирардилар. Затворнинг турли қисмларини топиб, уч затвордан бир затвор ясадилар. Тўпнинг баъзи бир қисмлари пачоқланган, панорами бутунлай йўқ, ударник, гильзани тортиб чиқариб ташлайдиган вибратор йўқ эди.

Немислар ҳужуми бўнашмасди. Батальон командири мактуб юбориб, тезлик билан душманга ўт оч, деб буйруқ берган эди.

Буйруқни бажариш, душман ҳужумини қайтариш, писта аскарларимизга кўмаклашув керак!.. Нима билан?.. Саржини ўтин синари қалаб қўйилган, немислар қолдириб кетган снарядлар Шилиннинг ичиди ёндирди.

— Қани энди, иложи топилса-ю, немисни ўз снаряди билан зиёфат қилсак,— дерди Эргашевга асабий вазиятда Шилин.

— Милтиқ шомполидан фойдаланиб бўлмасмики?— деди Эргашев командирга.

— Идея!— деб чеҳраси очилиб кетди лейтенантнинг. Дарҳол солдат милтиғидаги шомполини суғуриб, ўша ерда ётган яшикдан бир болғачани олди-да:

— Уқла!— деб буйруқ берди Эргашевга.

105 миллиметрли тўпга узун снарядни солиб, затвори ёнди-да, Шилин бошқаларни узоқроқда туришга чорлаб, ярим ҳазиллашиб:

— Ўлса ҳам бир одам ўлсин-да,— деб болга билан шомполга туширди. Гумбураб ўқ отилиб, душман то-

мон учиб кетди. Тўп ерга мустаҳкамланмагани учун снаряд зарбидан орқага юриб, шомпол чизиллаганича эллик метр узоққа бориб тушди.

Шилин ўзи наводчик бўлди. Эргашев ўқлаб берди, бир солдат «шомпол»чилик қилди, яна бири снаряд узатиб турди, бошқалар чуқур қазиб тўпга позиция тайёрлашди...

Шилин бошлиқ тўпчиларимиз ўз сопини ўзидан чиқазиб, ўз гўштлирини ўзларига едирдилар, ўз тўплари, ўз ўқлари — ўзларининг бошларини еди. Душман атакаси қайтарилиб Разумовка, Ивановка қишлоқлари озод қилинди, кечгача дивизия Днепрдан ғарбга томон беш километр олға силжиган эди.

Батарея командири Статюх тўпчиларининг жанговар ҳаётлари тўғрисида мароқланиб ҳикоя қиларди. У блиндажда ўтирганларга кўз югуртириб чиққач:

— Младший сержант Карим Парпиев «прямой наводка»дан немис танкини уриб мажақлади,— деб қўйди.

Блиндадагилар младший сержантга қарадилар, ҳамшаҳарим, номи тилга олингани учун камтарликданми, ҳарқалай, бошини эгиб, ерга қараб турарди. Демак, батарея баҳодирлари орасида ҳамшаҳарларим кўп, душманга берилаётган зарбада буларнинг ҳам ҳиссалари бор. Мен немис танкини қандай қилиб мажақланганлиги тафсилоти билан қизиқиб қолдим.

Бир куни пемислар уч марта оғир танкларини юбориб, бизнинг мудрофаамизни ёриб ўтишга уринди. Икки марта уларни қувлаб юбордик. Соат тўртлар бор эди. Немислар кўп соили артиллериялардан ўт очиб, айти бир вақтда самолётлардан бомба ёғдириб, кетма-кет «тигр»лар билан ҳужум қилдилар. Кун қизиган пайт эди. «Тигр»лар батарея томон югуриб келарди. Аҳвол танг. Немислар мудрофаа чизигига яқинлашиб қолди. Лекин, улар чизиқни қолдириб, шу ердаги тор бир сой орқали Днестр томондан ёриб, бизнинг орқамизга ўтиб олиш мақсадида эдилар. Худди мана шу кичик сой ичида «тигр» колоннасини бошлаб келувчи «тигр»ни тўпчи младший сержант Карим Парпиев нишонга олди ва биринчи снаряд биланоқ, уни ёндириб юборди. Бошқалари ваҳимага тушиб, тумтарақай қоча бошладди. Шунда батареямизнинг тўпчилари мерганлик билан ўт очиб «тигр»ларни ура бошладди. Немисларнинг

ҳоли танг бўлди. Тўртта «тигр» жанг майдонида қолди, бошқалари ўз ишига кприб кетди. Ҳар ҳолда, немислар бошига биринчи «мушт»ни младший сержант Қарим Парпиев урди.

Лейтенант ҳикоя қилар, мен эса блокнотимга ёзиб борар эдим. Жанг эпизодларини хотирдан қочирмаслик учун барча икир-чикирларини ёзиб олиш муҳим бўлишига қарамай, бунга фурсат йўқ эди, чунки биз ўт ҳалқаси ичида турар эдик. Фурсат топиб младший сержантнинг ўзи билан суҳбатлашиб оларман, деган умидда ўзимга-ўзим тасалли берар эдим.

Мен лейтенантга ташаккур айтиб, эпди младший сержантга мурожаат қилишни ўйлаб турган эдим, ташқаридан юракни эзувчи қандайдир одам қичқириғи эшитилди. Статюх блиндаж йўлаги томон отилди-ю, бирдан яна орқасига чекинди. Блиндаж йўлагидан ичкарига тупроқ билан қўшилиб қандайдир нарса юмалаб тушди.

Бу ўша йигит, блиндаж зинаси қанотида тамаки чекиб ўтирган жангчи Ерофеев эди. Унинг икки оёғини тиззасидан мина узиб ташлаган эди. Жангчи қип-қизил қонига беланган ҳолда огриқ азобидан титраб-қақшаб блиндаж устунига ёпишиб олиб, гўё оёққа турмоқчи бўлар эди. Чунки, у ҳали иккала оёғи узилиб кетганини англаб етган бўлмаса керак.

Ерофеевни санитар билан Статюх кўтариб олиб, қарағай шохларидан қилинган омонат замбилга ётқиздилар.

— Тез-тез!.. Бинт билан боғланг!— деб команда берди лейтенант.— Санбатга! Тез!

Шундай фожа — фронт шароитида ҳар бир қадамда, ҳар қандай одамнинг бошига тушуви эҳтимолдан узоқ бўлмаган оддий бир гапдир.

— Ўртоқ капитан!— деган Статюхнинг овозини эшитдим.— Сиз тезда кетинг!

— Қаёққа?

— Ҳозир биз тўпга тутиламиз. Ҳалқадан чиқиб кетинг!

— Йўқ, мен сизлар билан бирга бўламан,— дедим. Блиндаж яқинида яна мина портлади.

Статюх бетоқатланди.

— Мен сизга буйруқ беришга, албатта, ҳақим йўқ,— деди лейтенант қатъий бир оҳангда,— лекин сиз ме-

нинг участкамдасиз, мен сизнинг ҳаётигиз учун жавобгарман...

— Ҳеч гап бўлмас,— дедим мулойимлик билан.

Лейтенант блиндаждан кўтарилиб юқорига йўл олар экан:

— Майли сизнинг айтганингиз бўлсин; қани чиқамиз,— деди.

Бу гал менга командирнинг уқдириши керак бўлмади, алоқа йўлида энгашиб юриб боравердим, Статюх ғазабланиб, буйруқ оҳангида деди:

— Фурсат танг. Биз сизга, сиз бизга халақит бермайдиган вақт, тезлик билан ҳалқадан чиқиб кетинг!

Бошқа бир шаронгда қўпол ва дилозор туюлиши мумкин бўлган лейтенантнинг бу сўзлари, таажжубки, бу ўринда оддий ва табиий эди. Бу муомалада ўлим билан ёнма-ён турган солдатнинг ростгўйлиги, ҳеч қандай юз-хотирсиз, қатъийлик билан иш тутиши барала кўришиб турарди. Вазият ҳамда вазифа шуни тақозо қилар эди. Жанг бошландими, ҳамма воситалар урушнинг шифқатсиз қонунига бўйин эгиши керак!

— Бизга халақит берманг! Ҳалқадан чиқиб кетинг!— Мана бу ростгўй одамнинг гапи эди.

Статюх тўнчилар олдига чопиб кетди, мен алоқа йўли ичида қолавердим.

Икки-уч мина отилди... Қисқа жимликдан кейин кўпгилни беҳузур қилувчи ёқимсиз чийиллаш эшитилди. Теварак-атрофда: ўнгда, чапда, олдда-орқада портлашлар эшитилди. Немислар бизнинг мудофаа ўчоғимизни гоҳо у, гоҳо бу ерини пишонга олиб миналар ташлар, марраимизнинг у ер ёки бу еридан ўзига йўл очишни кўзлар эди. Улар гарчи отаётган миналарни кутганларидай натижа беришига пишонмасалар ҳам қисман бўлса-да, зарар етар, ҳарна битта душман кам деган шиятда эдилар. Шунинг учун отишма стандарт схема бўйича давом этиб, бир неча минут ер титратиб, тунроқ шопириб, мина парчалари ҳавода, алоқа йўллари ичида чийиллар, танасидан узилган дарахт шохлари, қамини парчалари қуюн гирдобига кириб қолган хасдек учиб юарди. Бирпас жимликдан кейин тўпчилар олдига югурдим. Санитарлар олдидан Ерофеевни олиб ўтиб қолдилар. Мени кўчма ошхонадан батарея команда пунктига кузатиб қўйган кичик солдат қаршимдан чиқиб қолди.

Яна одамлар овози эшитила бошлади, ҳаммадан ҳам Статюхнинг овози баландроқ эшитиларди: у телефонда мина отишмаси тўғрисида кимгадир ахборот берарди.

— Энди қайтсам бўлар,— дедим лейтенантга қўлимни чўзиб,— ана, айтмовдимми, ҳеч гап бўлмас деб.

Статюх аввалгидек ҳорғин, лекин дўстона кўз тикиб:

— Ҳа, мана кўрдингиз-ку!— деб қўя қолди.

— Батареянгиз ҳақида бирон нарса ёзиш ниятим бор...

— Бу сизнинг ихтиёрингизда,— деди лейтенант,— айтарли ҳеч гап бўлгани йўқ. Лекин йигитлар тўғрисида ёзсангиз арзийди. Мард йигитлар... Улар ҳақида ёзсангиз, дoston қилсангиз бўлар.

— Ҳа, албатта,— дедим лейтенантнинг сўзини маъқуллаб, Статюх мени тепа остигача узатиб қўйди. У хайрлаша туриб:

— Эргашевни кўрсангиз батареядагилар сени соғиниб қолишибди дeнг,— деди мулойимлик билан.

Ерофеев учун санитар машинаси келиб турган экан, Статюх замбил кўтараётган жангчиларга қараб гамгин бир тусда:

— Секинроқ йигитлар, секинроқ,— деди.

Мени санбатгача олиб боришларини илтимос қилиб, машинага чиқдим ва доктор билан шофёр ёнидан жой олдим. Машинамиз ўрмонга киришга яқинлашган чоғда орқамга қарадим. Статюх ҳамон тепа остида туриб, бизни кузатарди. У бир неча соат бурун кўрганимдек, ҳозирга қадар, менинг хотирамда: камсухан, камтар, жиддий, ёш бўлса-да, сочларига умр қишининг қировларни қўнган, узоқ ва машаққатли жанг йўлларини босиб ўтган заковатли рус халқининг букилмас, енгилмас, пўлат иродали бу фарзанди кўз олдимда ҳамон ҳайкалдек гавдаланиб туради.

* * *

Эргашевни ўз палатасида тополмадим. У врачлар комиссияси кўригидан ўтаётган экан. Кўп жангчилар даволаниб яна жанговар сафга қайтмоқда эдилар. Мен Эргашевни қабулхона олдида кутиб турар эканман, унинг қўлтиқтаёқда ёки аъзойи бадани бинт билан боғланган ҳолда кўрарман деб ўйлардим, лекин аксинча бўлди. Ёш, қувноқ бир йигит ёқимли жилмайиб мен

томои келаверди. Мен Эргашев билан таниш эмас, уни ҳеч қачон кўрмаган эдим. Шундай бўлса ҳам биз қучоқлашиб кўришдик, ҳамшаҳар-да! Уша унутилмас тарихий кунларда ҳамшаҳарларнинг ўзингизга маълум шароитда топишиб, учрашувлари қандай кўнгилли бўлишини бошидап ўтганларгина ҳис этиши мумкин.

— Самарқанддан чиққанингизга кўп бўлдими?— деб сўради Эргашев.

Мен фақат урушгача Самарқандда бўлганимни айтиб, Самарқанд янгилликларидан сўзлаб, жангини хурсанд қилолмаганимга афсусландим. Шундай бўлса ҳам суҳбатимиз қизиқ, кўр ола бошлади. Эргашев жуда ҳаяжонланиб сўзларди. Мен блокнотимни очиб, кўлимга қалам тутувдимки, унинг руҳи ўзгарди, сўздаги табиийлик йўқолиб, ўйга толиб гапларининг мантиқини йўқотди.

— Мен балки, лақиллаб, керак бўлмаган сўзларни гапирётгандирман?— деди Эргашев ташвишланиб.

— Худди кўнглимдагини гапиряпсиз. Ўзингизга, хизматингизга, оилангизга, қуролдошларингизга тааллуқли бўлган ҳар бир сўз, воқеа мен учун қизиқ,— деб унга далда бердим.

Биз ярадорлар жойлашган ҳовлининг девори тагида ўтириб гаплашдик. Палатадан кимнингдир чинқиргани эшитилиб қолди.

— Ўртоқ капитан, бу ер бўлмади, холироқ жой топсак бўлар экан,— деди Эргашев. Мен розилик бердим. Эргашев Днестрнинг нариги қирғоғини, кўм-кўк қуюқ ўрмонзорни кўрсатди. Ўрмон ичида жойлашган штабни айланиб ўтиб, ёлғиз оёқ йўл билан дарё қирғоғига бориш керак эди. Биз шундай қилдик.

Кун соат бешга яқинлашиб, август кۈёшининг тафти анча пасайган, Днестр салқини сезилиб турар, дарахт сояларни узайиб қолган эди.

Днестр мен кезиб юрган жойдан унча ҳам узоқ эмас экан, бундан бир неча соат бурун мен уни ўрмон орқасидан туриб кўрган эканман, энди у пастда тўлқинланиб оқмоқда. Мен қирғоқдан пастга тушиб, қўлбетимни ювдим. Муздек сув жон роҳати.

— Днестрдан ўтишга рози бўлсангиз,— деди Бонсзон.— Суҳбатини нариги қирғоқда давом эттирардик, у ерда ажойиб боғлар бор.

— Қариш эмасман,— дедим.

Нариги қирғоқдаги жойларни кўришга қизиқар эдим. Эргашев бир неча бор ўтгани учун бу ерларни яхши билса керак. Қирғоқдан ёлғиз оёқ йўл билан бориб, тахта кўприкдан ўтдик. Кўприкдан бошланган йўл тўғри шарқдан ғарбга бориладиган тош йўлга чиқар эди. Нариги қирғоқда ҳам худди бу томондагидек жимлик эди. Агар мажақланган немис машиналари, танклар ислатиб турмаганда бу ерларда шу пайтда урушдан нишон йўқ эди. Йўл ёқасида чапг ўтириб қолган буғдойзор ва боғлар, эгилиб ётган шохлардаги ранг-баранг олмалар киши кўзини қамаштирарди. Ёз меваси тўкин, аммо боғлар, кўча одам зотидан холи эди. Бу дарахтларни ўтқазиб, вояга етказиб, ҳосилга киритган миришкор одамлар қаёқда экан, деган савол беихтиёр киши эсига келар эди. Бирпасдан кейин бу жимликнинг сири маълум бўлиб қолди.

Биз эндигина тош йўлга чиқиб, боғ томон юришимиз билан, шув этиб бир нарса учиб ўтди-ю, кўприкдан нарида тўзон кўтариб портлади.

— Ўртоқ капитан!— деб бақирди Эргашев,— бизни нишонга оляпти! Югуринг!

У энгашиб, илон изи шаклида югурар, мен унга тақлид қилиб чопар эдим.

Иккинчи снаряд бизнинг орқамизда, дарё қирғоғидаги буғдойзор ичидан портлади.

Биз шу ҳолатда ўн минутча югурдик, ётдик, яна югурдик, ётдик, яна югурдик, Эргашев нпма қилса, мен ҳам шуни қилар эдим. Шундай қилмасдан иложим ҳам йўқ эди: чунки, у уруш кўрган, тажрибали жангчи! Немислар нима учун икки кишини нишонга олиб тўпдан ўт очарди? Шу катта тош йўл қатповига халақит бериш мақсадида, тўп отиб турса керак. Бутун фронт бўйлаб иши пачава бўлган немис фашистлари иккимиздан қасос олмоқчидек, тўпдан ўқ узарди. Учинчи снаряд биздан ўтиб, йўлнинг қоқ ўртасида портлади. Бу вақт биз ётиб олган эдик. Снаряд портлаши билан Эргашев яна туриб чопди. Дарахтзоргача ўттиз қадамча масофа қолган эди. Биз иккимиз худди спорт мусобақасида югураётганлар сингари елиб-югуриб мевазор боққа етиб олдик. Ўпкамиз шишиб ҳаллослаб қолдик. Хийла вақтгача ўзимизга кела олмай, чўзилиб ётдик. Нафасимиз ростлашиб ўзимизга келгач, Эргашев ҳазиллашиб:

— Ўртоқ капитан! Чинакамига қочиб берсак, немисни ўзи тугул тўни ҳам етолмас экан. Қойил-э, чопқирликда чемпион бўлсак ҳам бўлар экан,— деб кулди.

— Ҳа, оз бўлмаса маррага етолмай, чемпионликни ҳам оёғи осмондан келарди,— дедим.

— Хайрият ўртоқ капитан, хайрият,— деб қотиб-қотиб кулди Эргашев.

Ҳар ҳолда бу воқеа унча кулгили эмас эди, мен қўрқувимни яширолмас эдим. Эргашев чеҳрасида қўрқув ўрнида табассум кўринарди. Уруш бошлангандан бери ўтган вақтни жангда кечирган, барча қийинчиликларга бардош берган бу жангчи руҳида фронт қўрган кишининг хислатлари бор эдики, у ҳар қандай мушкул бир ҳолатда ҳам йўл топа олар эди. Ҳаёт-мамوت учун бўлаётган жангу жадал кураши, бу йигитни чиниқтириб қўйган эди. Бундай қараганда, гарчи унинг юзи аланга, иссиқ-совуқ самолларда пишган ёки пешонасига бевақт ажин тушган бўлса ҳам ҳеч ким уни йнгрма икки ёшдан ошган демасди. Ҳали, унинг юзидан гўдак сингари табассум аримас, «ўйинда» рақибига панд берган ёш боладай мамнун эди.

Бонсининг техникумини бптириб театрга хизматга кириши отаси Эргаш акага унча маъқул бўлмаган экан. Соқини аламинини Боқидан олди, дегандек Эргаш ака ҳам аламинини хотинини Шафоат холадан олади. Тўққиз болани ўстириб хонадонларидан товуш кўчага чиқмаган бу эр-хотини бир-бирларига гап бермай қолдилар.

— Ҳадеб тўнингизни тескари кияверманг,— дерди Шафоат хола, стол устига қўйилган Ленин ҳайкалинини оқ сурп билан артар экан.

— Ҳақини айтса урарлар, хушомадни севарлар! Бундай ўйлаб гапирсанг-чи! Қанақасига тўнимни тескари кийган эмишман?

Шафоат хола қўлидаги оқ сурпни зарда билан силкиб, столга қўйди-да, рўбарў ўтириб сўзлади:

— Сиздан хушомад талаб қилаётганим йўқ! Мен яна қайтиб ўн саккиз яшар бўлармидим?

— Уни қара! Гапни тескарига бурма!— деди қайнаб Эргаш ака.

— Ўн боланинг онасиман! Биринчи марта бола тарбия қилаётганим йўқ! Ношукур бўлманг, ҳа!

— Ношукур эмасман, шукур,— деди тоқатсизланиб Эргаш ака.

— Бир эмас, тўққиз болани қаторингизга киритиб қўйган бўлсам. Бундан ортиқ яна нима қилай сизга!

— Раҳмат, раҳмат,— деди мулойим тортиб Эргаш ака.— Писанда қилмасанг ҳам биламан.

— Нега писанда қилмас эканман. Бола боқиш осон иш бўптими? Қани, сиз ҳам биттасини катта қилиб қўринг-чи!

— Ҳа, бир камим бола боқиш эди!

— Бўлмаса хотинларга осон тутманг.

— Ҳали хотинларни бошлаб келиб, даъво қилмайсанми?

— Бўлмаса онани ерга урманг!

Эргаш ака аввалги шахдидан тушди. У нимадир демоқчи эди, гапини ютди. Шафоат хола пайтдан фойдаланибми. Ёки «гап келганда отангни аяма!» қабилада иш тутибми:

— Шукур, ўп боламдан тўққизни ҳаёт. Тўнғичимни ёмон тарбия қилдимми? Олий мактабни битирди. Бипойидек каттакои бир идоранинг эгаси эди. Мана Сабоҳатингиз, Малоҳатингиз ҳам олий мактабни битиришди, Тўла, Ҳалимжон, Мамлакат, Эркинларингиз ҳам ўқиб юришибди. Яна мен бола тарбия қилолмайдиган она бўлдимми?

Шафоат хола бу гапларни жуда тутатиб гапирган эди.

Эргаш ака терлаб кетди. У чўнтагидан рўмолчасини олиб юз-кўзини артди. Кун у қадар иссиқ бўлмаса-да, негадир унинг юзи ошган хамирдек қўпчиб, тандир ёнидаги новвойнинг юзидек тер босган эди. Эрини бу ҳолда кўрган Шафоат хола бир оз дамидан тушиб:

— Бир уядан неча алвон қуш учади. Той қоқинмасдан йўл танирмиди. Боисжондан ўпкаланишингиз ўринсиз. Техникумни битириб театрга кирибди, гуноҳ қилтими? Бир йигитга қирқ ҳунар кам. Зора ўғлингиз баҳонаси билан мени ҳам театрга олиб борсангиз...

— Борсанг қўлингни ушлаб турибманми?— деди тўнглик билан Эргаш ака.

Шафоат хола эри Эргаш аканинг ҳолига ачинибми, ёки қизиқчилик қилиб, уни кулдириш учунми, бир оз ён берган бўлиб:

— Йўқ, мен бир ўзим театрга бормайман. Боргудек бўлсам, сиз билан подручка қилишиб бораман,— деди.

— Ана, кўнглинг нималар тусамайди, сени,— деди кулиб Эргаш ака.

Дарҳақиқат, эр-хотин уриши — дока рўмол қурниши,— деб шуни айтар эканлар-да.

Худди ана шу пайт ҳарбий комиссариатдан келган повестканн кўтариб Бонс кириб келган эди.

Бонс Эргашев ҳикояси жуда завқли эди. У энди меининг блокпостингга бепарво қарар, ёзиб улгуриппманми, йўқми, бу билан иши йўқ эди.

* * *

Бонс Эргашев Совет Армияси сафида хизмат қила бошлаган дастлабки ойларидаёқ ўқиб, қисмда старший санинструкторлик вазифасига тайин қилинди.

Сталинград учун бўлган жангларда тор-мор келтирилган немислар Украина ерларида ўрнашиб олишга уринмоқда эди.

1943 йил. Қаҳратон қиш. Ер бети қор билан қопланган, бўрон йиртқич сингари ўкирар, ер ялаб, қор учирар, уюмлар ясаб, тишмай изғир эди. Узоққа чўзилган қишнинг мана шундай кун-тунлари солдат учун ҳаддан ташқари машаққатли эди. Жануб иқлимида вояга етган Эргашев учун бу қиш айниқса оғир эди, у бардош билан булга кўнгикиб борарди. Дарҳақиқат, одамзод ҳар нарсага кўникади. Ватанга, халққа самимий садоқат куч-қувват бериб тургандан кейин бўрон-совуқ писандми ўзи?

Ана шундай қаҳратон қиш кунларининг бирида немислар бизнинг қўшилма позицияларини тўнга тутди ва шу ондаёқ, душман автоматчилари кўриниб қолди.

Эргашев санинструктор Петров билан бирга, ярадор жангчиларга ёрдам қилиб турарди. Қизил аскар Бурхоновни энди жанг майдонидан олиб чиққан эди ҳамки, старший лейтенант Поликарповнинг яралангани тўғрисида окопдан хабар келди. Шундай нозик пайтда командирнинг сафдан чиқиши хавф устига хавф эди. Эргашев буни жуда яхши тушунарди. Мудофаачилар ўз жойларида қимир этмай турардилар. Душман атака қилиб ўзини ураётган ҳар бир ерда жангчиларимиз гўё ўқ ўтмас метиндай турардилар, бу метинга душман боши урилиб пачоқлапарди.

Эргашев билан Петров, старший лейтенантни хавфсиз ерга олиб чиқиб, ярасини боғладилар, сўнг оқонга қайтдилар.

Эргашев турган окопнинг чап томонида Гадаёровнинг пулемёти тинмай какиллаб шу томондан келаётган немис автоматчиларининг бош кўтарнишга имкон бермай, уларни «меҳмон» қилиб турарди.

Гадаёров пулемёти бирдан жим қолди. Ерга қапишиб ётган фашист автоматчилари ўрнларидан туриб ҳужумга ўтдилар.

Эргашев Гадаёров позицияси томон эмаклаб кетди. Унинг орқасидан санитар сумкаси билан, Петров йўл олди. Тез ёрдам зарур эди, бироқ эмаклаб борилса, вақт бой бериларди. Эргашев ўрндан туриб эгилиб, окоп томон чопиб кетди.

Қаттиқ жараланган пулемётчи Гадаёров кўп қон йўқотган эди. Ярадорин ҳозироқ оқондан олиб чиқиш мушкул эди. Немислар яқинлашиб, телбаларча бақиривар эди.

— Ярасини боғла!— деди Эргашев шошилиб Петровга. Ўзи эса пулемётга ташланди. Пулемёт яна какиллаб бошлади. Эргашев кўзларини жавдиратиб, унга қарши келаётган қора сояларга пулемётдан ўқ ёғдираверди. Зангори шинелли немислар қулайверди. Немис фашистлари каламуш сингари қор ковлаб, ер бағрига биқиниб олардилар.

Ҳужум тўхтатилди. Олда инсон қораси кўринмай қолди, шундай бўлса-да, Эргашев ўқтин-ўқтин пулемётдан ўт очиб, қор саҳроси жимлигини бузиб турди. У нафасини ростлаб, нешонасидан оқиб тушаётган терни артиб, енгил нафас олди. Мана энди Эргашевни ҳақиқий солдат деса бўлади!

Н. қишлоғи учун сурункасига давом этган кўп кулик жангда Эргашев ҳам қатнашган эди. Душмanning ўрмон томон чекиниб бориши, у ерда мустаҳкам ўрнашиб олиш ниятида эканлиги маълум бўлиб қолди. Вазифа немисларни ўрмонга етказмасдан очиқ ерда тормор қилиш эди. Қўмондонлик бу операцияни Эргашев хизмат қилаётган эскадронга юклаган эди.

Бир группа отлиқларимиз ўрмонга кириб олиш учун шошилиб чекинаётган немис автоматчиларининг устига от солиб, уларни қира бошлади. Эргашев оти лочиндек учиб, сойдан тепаликка чиқиб олди, у от жилловини тор-

тиб тўхтатди ва атрофни қузата бошлади. Қаердадир пулемёт тириллар, лекин қайси ердан отилаётганини аниқлаш қийин эди. У кенг майдондаги пичан гарамларининг бирида ниқобланган бўлса керак, деб ўйлади. Эргашев от жиловини буриб сойга қараб йўл олмоқчи эди, очиқ майдоннинг нариги томонидан от қўйиб кетаётган икки немисга кўзи тушиб қолди. Эргашев уларга қараб от қўйди. Иккисини ҳам ер тишлатди.

У отнинг бошини қўйиб юбориб, яна тепаликка чиқмоқчи ва ўзимизникиларни топиб олмоқчи бўлди. От бир неча марта сакраб бориб, кети билан ўтириб қолди. От ўрнидан турпш учун бир-икки хезланиб туролмади, ихраб, кучаниб ёнбошлади. Эргашев дарров эгардан тушди. У жангга қизиқиб кетиб, пичан гарамлари томондан ўқ отилаётганини унутиб қўйган эди. Ўқ от оёғини синдириб юборган эди. Эргашев от узангисидан оёғини чиқариши билан сой томон ўрмалаб кетди. Бироқ қалин қорни моладек ёриб эмаклаш оғир эди. Душман кўзидан пана бўлиш учун қўли билан қорни ковлаб, траншея очар, бағрини қорга босиб, изғирин совуқда секин силжиб борарди. Эргашев бу ҳаракати билан бир кунда юз метр ҳам олға боролмаслигига кўзи етди. Бироқ, бош кўтариш ҳам мумкин эмас эди. Немислар майдоннинг ҳар бир қаричини ўққа тутиб турмоқда эди. Шунинг учун Эргашев чуқур ертўла қазиб, қоронги тушгунча қор ичида ётишга аҳд қилди.

Отишмалар секин-аста тинди. Эргашев қор окоп ичида туриб, энгагини тирсагига тираб пастликдан атрофни кузатиб турди. Майдонда тирик одам қораси кўринмас, пичан уюмлари, у ер-бу ерда қор устида одам ўликлари қорайиб кўринарди. Аллақаерда одамлар қорни ғарчиллатиб босиб келаётганга ўхшади. Эргашев ҳушёр тортиб кузатди. Майдонда бир группа немислар пайдо бўлди. Улар қўли боглиқ тўрт совет жангчисини милтиқ қўндоғи билан уриб ҳайдаб келарди. Улардан бири гвардия капитани Колошенко эканлигини Эргашев пайқаб қолди. Капитан бош яланг бўлиб, афти-боши қон эди. Ҳаммадан кўпроқ немислар Колошенкони таҳқирлаб унинг елкаси ва бошига милтиқ қўндоғи билан туртиб келарди.

Асирларни Эргашевдан етмиш метрларча наридаги пичан гарамни олдига олиб келиб, тўхтатдилар. Қош қорайиб қолган. Немислар ивирсиб юрибдилар. Асир-

ларнинг овозидан немислар уларни қийнаб сўроқ қилаётганлари маълум эди. Ғазаби тўлиб-тошган Эргашев ноиложликдан афсусланиб, муштини сиқиб ёғинарди. Узоқдан эшитилаётган кимнингдир инграши Борисжон юрагига ханжардай тегарди. Унинг қуролдош ўртоқлари душман қўлида ҳалок бўлмоқдалар, у эса ночор ва ноилож! Унинг душманга бўлган нафрат ва лаънатлари унсиз лабларидан учиб, ғазаби қонида қайнар эди. Оҳ, мен қасос ололсам эди!.. Қандай қилиб? Нима билан?.. Қасос олиш истаги унинг бутун вужудини қамраб олган эди. Эргашев беихтиёр окопдан кўтарилди, у душмanning биронтасини ер тишлатмоқчи. Лекин нима билан? Автоматда ўқ тугаган!

Кичикроқ бир ғарам ёрилиб, ичида мотор гуриллай бошлади. Бу ғарам орасида ниқобланган душман танки. Нечун Эргашев олдин буни пайқай олмади!.. Ҳалиги бир тўда немислар орқага чекиниб, қўл-оёғи боглаб қўйилган совет жангчилари майдонда қолди. Немис танки олға силжиб совет жангчиларини мажақламоқчи! Совет жангчилари эса ўлимга тик қараб турардилар.

— Яшасин Совет Ватани!— деди Колошенко.

Танк қўзғалди, ўрмалаб келиб, босиб ўтиб кетди...

Эргашев ўз окопига йиқилиб тушди. У қўли билан юзини беркитиб анча вақтгача ҳаракатсиз ётди. Ночор ва ноиложлиги учун ўзидан ўзи хафа бўларди.

* * *

Кунлар, ойлар ўтиб кетди. Гвардиячи старшина Эргашевнинг қуролдош ўртоқлари қони билан бўялган қорли ерлар узоқда қолиб кетди. Шонли Армиямиз ғарб томон ғолибона жанг билан душманини қириб-сўқиб бормоқда. Мана, қиш ўтиб, яна баҳор шабадаси эса бошлади, ер бағирларида ўлан униб, табиат оқ тўнини зумрад чойшаб билан алмаштирди. Лекин уруш ҳамон давом этмоқда. Бизнинг жангчиларимиз улуғ Днепрга жангу жадал билан етиб бордилар. Унинг ҳаётбахш сувини, жилвакор тўлқинини Борис Эргашев мана энди кўрди. Бироқ, унинг суви шоирлар тасвир қилганидек тиниқ ва зилол эмас, ўт-аланга ичида эди. Унинг қирғоқлари тинмай отилаётган тўп ўқларидан титраб, суви портлашлардан вулқон бўлиб отилар эди.

Немислар Днепр қиргоғига оч канадек ёпишиб олдилар. Бу қудратли мудрофаа қалъасини қўлдан бермаслик ниятида Гитлер армиясининг асосий кучлари шу ерга ташланган эди.

Ҳали Донбасс учун жанг қилшаётган вақтдаёқ фашист қўмондонлиги Днепрнинг сўл соҳилини қўлда тутиб қолишига кўзи етмаганидан Днепр ўнг қирғоқларида шошилиб мудрофаа истеҳкомлари қурган эди. Мудофаа учун қулай бўлган ҳар бир аҳоли яшайдиган жой, ҳар бир паст-баланд, қип-қизил ер ўт очини пуқтасига айлантирилган эди. Запорожье шаҳрида немислар икки линиядан иборат қудратли мудрофаа истеҳкоми қуриб, сон-саноқсиз блиндажлар, танк тўсадиган говлар қўйгандилар.

Шонли жангчиларимиз ҳужумини бундай тўсиқлар тўхтатиб қололмас эди. «Совет Иттифоқида душман учун жой йўқ!» деган хитоблар ҳарбий қасамдек янгар, гитлерчилар тор-мор қилинар, мудрофаа истеҳкомларидан уриб-суриб чиқарилар ва ғарбга томон қувилмоқда эди. Тўрт кунга чўзилган шиддатли жанглардан сўнг совет қўшинлари Запорожье шаҳрини штурм билан эгалладилар. Энди жанг Днепр қирғоқларига кўчди.

Душман сафларини ёриб ўтиб, дарёнинг қирғоғига етиб олган қисмимиз, кичик бир плацдармга мустаҳкам жойлашиб олдилар. Немислар бу плацдарм кенгая борса ўз кучларини Днепрнинг ўнг қирғоғига кўчиришга халақит беришини кўзда тутиб қарши ҳужумга ўтдилар ва уч томондан бизни ўрай бошладилар.

Батальон сиёсий раҳбари гвардиячи капитан Елисеевнинг буйруғига кўра Борис Эргашев ўзи билан бирга алоқачи Забиров ҳамда икки жангчини олиб чап қанотга ўтиб олди.

Вазифа масъулиятли, аҳвол эса анча жиддий эди.

— Ўртоқлар!— деди Эргашев.— Энди бу ердан орқага қайтиш йўқ, лозим бўлса энг сўнгги нафасгача!

Ер сатҳининг паст-баланд шароити немислар ҳаракати учун жуда қулай эди. Немислар яқинлашиб келмоқда. Рубцов диска тайёрлаб берар, Эргашев билан Забиров ўт очар эди. Бизникилар олдинда келаётган фашистлар сафдан чиқиши билан, бошқалари чекинар, деб тахмин қилган эди. Бироқ, улар яна ҳам қаттиқроқ куч билан ҳужум бошладилар.

— Мендаги ўқ тугади,— деди Рубцов.

— Батальон командирига бориб маълум қилинг, ўн минут ичида ўқ олиб бу ерга етиб келинг!

Рубцов ўн минут ичида озроқ ўқ олиб келиб, батальон командири ўқни тежаб олишни ва ёрдамчилар етиб келгунча немисларни овора қилиб туришни буюрганини айтди.

— Буйруқ бажарилади,— деди Эргашев қатъий.

Дастлабки уринишлари беҳуда кетган немислар тактикани ўзгартирди, ерга қапишиб олиб, совет жангчилари бекиниб олган тепаликни кўзлаб, ўрмалаб келавердилар.

Ер бағирлаб келаётган фашистларни, энди автомат билаи отиш мумкин эмаслигини Эргашев яхши тушунарди.

— Гранаталар тайёрланг!

— Тайёр!

Дастлаб ирғитилган гранаталар портлашидан чанг ва қуюқ тутун майдонни қоплаб олиб, душман ҳаракатини кўздан яширди, фақат уларнинг дод-войлари эшитилди.

Фашистлар чанг, тутун панасида ўрмалаб келиб Эргашев окопига гранаталар ирғитдилар. Гранаталарнинг портлаши Эргашевни қарахт қилиб қўйди. Унинг кўзида ўт чақнади-ю, устидан тупроқ фонтан бўлиб қуйилди. У қўлидаги гранатани душман томон қандай улоқтирганини ҳам билмай, боши айланиб окопга қулаб тушди.

Эргашев ҳушига келди, юз берган воқеа қанча вақтда ўтганини билмасди. У эс-ҳушини йиғиб олишга уринарди. Унинг қулоғига бир нима эшитилаётгандек эди. Бироқ кўтарилишга мажоли йўқ. Қуёш ботди, атрофни қоронғилик босди. Эргашев қуролдош ўртоқларини хотирлади. Улар окопда эдилар. Эргашев ўртоғига қарамоқчи эди, оёқ товуши эшитилиб қолди, у ўзини ўликка солиб ётди. Икки немис офицери окоп томон юриб, Рубцов ённга келиб тўхтади. Офицернинг бири фонарини ёқиб, шуъласини ярадорнинг юзига тўғрилади. Эргашев хиёл кўз қирини ташлаган эди, ўртоғининг бетида қон кўрди. Рубцов ҳушсиз ётарди. У инграрди, алланима деб ғўлдиарди. Фонарь шуъласи ҳамон унинг юзини ёритиб турар эди. Тўппончадан икки ўқ узилди. Рубцов жим қолди. Сўнгра фонарь шуъласи окоп ичида уча бошлади,

бу ерда нимаки бўлса, офицерлар ёритиб, тегиб кўрарди, ниҳоят, улар Эргашев устига келиб тўхтадилар, бир неча секунд фонарь шуъласи унинг гавдаси, башарасига тушди, фонарь юқори кўтарилди-да, ўчди.

Офицерлар кетди. Эргашев ёнбошига ағдарилиб ётди. Кеча қоронғиси унга асқотди. У, аъзосида оғриқ сезмас, лекин қарахт эди, тўрт кишидан биргина Эргашев тирик қолиб, бошқалари ҳалок бўлган эди.

Эргашев қоронғи окопда, ўликлар ёнида ётар экан, ўзининг тирик қолиши бир тасодиф эканини ўйлар эди. Командир уни мудофаачиларга бош қилиб, позицияни сақлаб туриш учун юборган эди. «Энг сўнгги нафасгача!» деб у ўртоқлари билан бирга онг ичган эди. Улар сўзларининг устидан чиқдилар. Ана улар, Эргашев билан ёнма-ён ётибдилар. Командир буйруғи бажарилмади-ку! Гвардиячи старшина Эргашевга ишониб топширилган позиция душман қўлига ўтиб кетди! Душман шу қурбонлар окопи устида туриб кенгашмоқда, бизнинг қўшинларимизга қандай зарба бериш планини тузмоқда.

— Қандай қилсам буйруқни бажараркинман. Қандай қилсам Ватан олдидаги бурчимни бажарар эканман,— деб ўйлар эди Боис Эргашев.— Борди-ю, позицияни қайтариб олиш мумкин бўлмаган тақдирда ҳам душман билан мардона олишиб совет жангчиси, ўзбек фарзанди шаънига доғ туширмаслик керак. Унинг эсига автомат тушди, ўқ тугаган. Балки, Рубцов автоматида ўқ бордир?

Эргашев ерни пайпаслаб кўрди. Немислар окопга яқин ердалар. Эргашев нафасини ичига олиб қимирламай қолди...

Эргашев яна ўйга толди. Вақт ўтиб боради. Дарё томонда милтиқ овози эшитилиб, осмонда ракета чақнаб кетди.

Уч немис шошилганича пулемётини судраб олиб келди-да, Эргашев окопи ёнидаги тош устига ўрнатди. Баланд бўйли, бўйнига шарф ўраган бир немис шамоллаб қолганидан бўлса керак, дам-бадам чучкирарди. Иккиччи немис бир неча қучоқ хас кўтариб келиб, тепа ёнига босди-да, учала немис хас устида чалқанча ётиб гурунглаша бошлади.

Эргашев немислар гапини тинглар, лекин бирон нарсаси тушуна олмас эди. Ҳар замонда ракета отилиб, осмон, теварак-атрофни ёритиб турарди. Баъзан ракета

атрофии шу қадар ёритиб юборар эдики, ҳатто Эргашев пулемётчиларнинг афт-башараларини кўриб қоларди. Бир ракета пастроқ кўтарилиб окоп яқинидаги бир тўда хасга тушди. Бўйнига шарф ўраган немис бир нарсадан чўчиб ўрнидан туриб, хасни тепкилаб ўчирдида, яна жойига бориб ётиб олди. Хаснинг Эргашев ётган томони тутай бошлади. Аччиқ тутун буралиб-буралиб окоп ичига кирар, Эргашевнинг йўтали қистар, у ўзини зўр билан тутиб турарди, бир йўталиш билан ўзини фош қилиб қўйиши аниқ эди.

Яхши ҳам хас яна аланга олиб, Эргашевнинг нафас олиши енгиллашди. Олов ёниб немис ётган томонга ўтгач, немис ташвишланиб, этиги билан ўтни тепиб ўчирди.

Юзларча ракета отилиб қоронги кечани ёритиб турди. Қўққисдан «ура!» садоси янграб, тобора яқинроқдан эшитилди. Эргашевнинг юраги гурс-гурс урар эди.— Унинг:— Бизникилар! Бизникилар ҳужумга ўтди!— деб бақиргиси келарди. Эргашевда куч пайдо бўлди. «Ура!» садоси унга гайрат бағишлаб, ҳаракат қилишга отлан-тирди.

Немис пулемётчилари ўт оча бошлади. Окопларда автоматлар тирилларди.

«Ура!» овози тинди. Эргашев ҳаяжонланиб ўйларди: «Бизникилар ётиб олишди, пайти билан ҳужумга кўтарилишдан бошқа чора йўқ?.. Аммо улар узоқ ётмаслар. Туришлари керак. Маррага, олға юришлари, менинг маррамга келишлари керак!»

Эргашевнинг ёнгинасида отилаётган немис пулемёти совет жангчиларининг ҳужумини тўхтатиб турарди. Эргашев Рубцов автоматини ўзи томон тортди. Тепкини бир марта босиб семиз немисни, сўнг иккинчисини ағдариб ташлади. Учинчиси ваҳимага тушиб, пулемётни ташлаб, қочиб кетди.

Эргашев иргиб чиқиб, пулемётни душман позициясига буриб, траншеялардаги душманни бош кўтартирмай қўйди.

Яна аввалгидек «ура!» садоси янграб, баҳодир жангчиларимиз олға қараб югурдилар.

Днепр плацдарми яна совет жангчилари қўлига ўтди. Бу плацдармда гвардиячи старшина Боис Эргашев эгаллаган позиция ҳал қилувчи роль ўйпади. Днепр плацдармида юз берган ғалабадан кейин немис-фашист босқинчилари ғарбга томон чекина бошладилар. Қиш

ўтиб, баҳор келди, фашистлар галаларидан озод қилинган шаҳар-қишлоқларимизда рўшнолик барқарор бўлди.

Табиатнинг гул-гул очилган чоғи 5 май куни Афанасий Петрович Шилин, Боис Эргашевларнинг жанговар ҳаётида жуда муҳим тарихий воқеа рўй берди. СССР Олий Совети Президиуми фармони билан Улуғ Ватан урушининг бу иккала довжурак баҳодирига Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилиб, лейтенант Шилин взводининг тўп расчётидаги разведкачи жангчиларга олий мукофотлар топширилди.

Эргашев билан Днестр дарёси қирғоғига яқин мевазор боғда ўтириб узоқ суҳбатлашдим. Боис қуролдош дўстларининг жанговар ҳаётлари ҳақида гапиришдан, мен эса блокнотимга ёзишдан тўхтамас эдим.

Днестр ва унинг бағридаги ўрмонзор тепасига тун қора пардасини ёйиши билан биз ҳам суҳбатни тўхта-тиб, мевазор боғдан чиқдик. Тун қоронғисида Боисжон билан шошилмасдан санбат томон жўнадик.

Теварак-атрофда жимлик, фақат ракеталарнинг шуълалари осмонни ёритиб, ўчиб турарди.

Биз хайрлашдик.

— Яна кўришармиз?— деди Эргашев қўлимни сиқиб хайрлашар экан.

— Албатта кўришамиз. Ўзбекистонда кўришамиз.

Эргашев жилмайиб:

— Уйимизда,— деди.

Эргашев тонг отиши билан ўз батареясига қайтажаниш, қуролдош дўстлари уни кутаётганларини айтиб:

— Олдимизда катта вазифалар турибди,— деб қўйди.

— Хайр, соғ-саломат яна кўришайлик. Ватандошларимга мендан салом айтинг,— дедим.

— Газетадаги ўртоқларга мендан салом айтинг.

Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас Ясси-Қишинёв операцияси бошланиб кетди. Бу гал мен Эргашев билан Шилиннинг Қишинёвга ҳужум бошланган чоғда, Қишинёв темир йўл станцияси аланга олиб ёнаётган вақтда учратдим. Узоққа чўзилган танаффусдан сўнг бошланган бу ҳужум барча ҳужумлардан қудратли ва кенг миқёсда эди. Немис-фашист ҳарбий машинаси чилпарчин қилиниб, гитлерчилар ғарбга томон қочишга юз тутган чоқ худди шу Ясси-Қишинёв операциясидан бошланганди.

Молдавия тупроғига етиб олгунимча қаранг, уруш йиллари саргузаштидан қанча нарсани хотирлаб қўйиш мумкин бўлди. Мана, қадрдон молдаванлар ерига қўпишга шўнғиб бораётирмиз. Самолёт мотори ўкириб, чап қаноти билан ёнбошлаб, пўлат қўш силкина-силкина ер томон сузмоқда. Менга жуда яқиндан таниш молдаван ери! Боғлар, дарё-дашлари кўзимга ўтдек ёниб кўрипмоқда. Бир вақтлар одам қони билан сугорилган ерда бир жаҳон гўзаллик! Зумрад водий, кумуш шалолла! Мен шу онда ҳам ана шу тупроқни босиб ўтган, қон тўккан, ўз азиз жонларини ниёз қилган одамлар тўғрисида хаёл сурмоқдаман. Ахир, мени бу элга бошлаб келаётган мақсад ҳам зотан худди шу унутилмас одамларнинг мардлик иши, ўчмас хотиралари эмасми?

Кишинёв... яна Кишинёвдаман. Кўзим жавдираб атрофга боқаман. Йигирма йил бурун кўрган Кишинёвга таққослайман. Хотираларим... Хотираларим...

Аэродромда бизни қаламкаш ўртоқларимиз кутиб олишди. Гуллар тутқазди. Чехраларда табассум. Куз ҳавоси майин, табиати гўзал.

Салом, қадрдон Кишинёв!

Сафар йўлдошим мунаққид Раҳимжон Муқимов билан машинада ўтириб шаҳарга йўл олдик. Куз ҳавоси. Майин шабада. Дарахтлар ҳали зумрад тусларини йўқотганича йўқ. Серманзара меҳмондўст Кишинёвнинг завқ-шавқи танасига сиғмасди. Унинг бағри кенг. Хушҳол таъзим-тавозелар... фусункор шаҳар бир қарашдаёқ ҳамроҳимни мафтун қилди-қўйди.

— Сиз Ватан урушигача бўлган Кишинёвни кўрмагансиз-да, Раҳимжон,— луқма ташладим мен.

— Йўқ. Биринчи келишим. Биринчи кўришим. Ўзингиз-чи?

— Кишинёвни ўтда куйиб, алангада қоврилиб ётган чоқда кўргандим. Бу тарихий шаҳарда хилма-хил тарихий ёдгорликлар мавжуд бўлиб, бу ёдгорликларда халқ озодлиги йўлида бўлиб ўтган мардонавор жанглари, келажакимиз, янги дунё қуриш учун бошланган улуғ юришларнинг оғир машаққатлари, тўкилган қонларимиз, муваффақиятларимиз мужассамдир. Буни унутиш мумкин бўлмаганидек, эсламаслик ҳам мумкин эмас! Бу тўғрида гап очар эканман, қуролдош ини-оғаларим тўғ-

риёида — Нарзи Ражапов тўғрисида ўйлайман. Унинг жанговар иши, номи ҳеч қачон унутилмаслигини истайман. Бунга ёлғиз мен эмас, барча ватандошларим истайди, босқинчилик урушига қарши тинчлик тарафдорлари истайдилар.

«Молдаван социалист» газетасининг редактор ўринбосари молдаван ёзувчиси, дўстим, Павел Петрович Боцу ҳузурдаман. Қуш тилини қуш билади. Ёзувчи ёзувчи юрагини тез тушунади. Мен Совет Иттифоқи Қаҳрамони Нарзи Ражаповнинг изини излаб келганимни дарҳол тушунди.

— У бизнинг тупроғимизни босиб ўтди,— деб сўз бошлади Павел Петрович.— У фақат изгина қолдириб ўтмади, келажак авлод учун ибрат бўларли мардлик шуҳратини дилларга жойлаб, жаҳонга ёйиб ўтди.

Бу сўздан ҳаяжонланмаслик мумкин эмас. Мен кишилар юрагида қолдирилган из тўғрисида доим ўйлайман, уни қидираман, излайман. Павел Петрович юрагимдагини айтди қўйди. Шундай бўлса ҳам мен унга бундай қўшимча қилдим:

— Нарзи Ражапов ўтиб кетмади. Худди шу тупроқда қолди. Лекин унинг хоки қаерда, изини излаб топа олсам эди... Қаламқаш дўстим Павел Петровичга ҳамшаҳарим туғилиб ўсган қишлоқда бўлганлигимни сўзлаб бергим келди.

Нарзи Бухородан узоқ бўлмаган Хумин қишлоғида туғилган. Нарзи ҳамқишлоқларига кундай равшан, у номус-орни ўз жонидан ортиқ кўрарди. У ҳамқишлоқларининг юзини ерга қаратмади. Нарзи номи билан улар фахрланадилар, унинг ҳақида қўшиқ айтишадилар. Алам қиладиган жойи шундаки, ҳамқишлоқларининг бирортаси ҳам кўкрагида Олтин юлдуз билан Нарзини кўролмади. Ҳа, уруш йўли ҳамма вақт ҳам солдатни ўз туққан қишлоғига олиб боравермайди. Ҳатто урушдан сўнг ҳам ҳамма она ўз нури дийдасини бағрига босиб ўпа олмайди. Урушнинг шафқатсиз қонуни ана шунақа!

— Қишинёв барҳаёт, мен ҳамшаҳримнинг изини топаман.

Менинг ташвишимни Павел Петрович ўзиники билиб ҳаракат қилди. Эстафета юракдан-юракка ўтиб борди. Нарзи Ражапов ҳақида гапирганлар кўп бўлди, аммо у бориб етган ва абадий уйқуга бош қўйган нуқтани кўрсатувчи кимса топилмади. Эстафета Молдавия радиоси-

нинг ходими Григорий Федорович Тарасевичга бориб етди.

— Қаҳрамон қабрини, албатта топамиз. Бир секунд,— деди телефон трубкасини олар экан Григорий Тарасевич...— Салом Иван Константинович... ким бўларди, Тарасевичдан бўлак сизни ким ҳам безовта қилади? Шу минутда ҳузурингизга етсак нима дер эдингиз? Савоб иш бор... ҳа-да, савоб иш қидирадиган одам бўлмаганингизда Сизни у столга ўтқазиб қўярмидик?

Тарасевич қаҳ-қаҳ уриб кулди. Трубкани қўйгач, менга қараб:— Хосияти зўр одам, қани кетдик,— деди.

— Гаплашган кишингиз ким ўзи?— сўрадим мен.

— Гвардиячи полковник Свиридов Иван Константинович... Бутун умрини халқ ишига бағишлаган ҳожатбарор одам. Бундақаси кам. Айниқса, Молдавияни озод қилишга боғлиқ ҳамма воқеадан хабардор киши. Кетдикми?!

Свиридов деган фамилия менга танишдек туюлди. Йўл-йўлакай ўйлаб борардим.

Свиридов Кишинёв шаҳар ДОСААФининг бошлиғи бўлиб ишлар экан. Григорий Тарасевич мени Свиридов олдига олиб кирди. Танишдик. Мақсад-муддао баён қилинди, Иван Константинович менга бир неча савол бериб жавоб олди. Сўнг:

— Йўқ, шахсан мен Кишинёв шаҳрини озод қилишда қурбон бўлганлар иши билан шуғулланаман. Молдавия тупроғини озод қилиш учун курашиб қурбон бўлганлар рўйхатида Нарзи Ражапов борлиги аниқ. Биз уни республика комиссиясидан суриштиришимиз керак,— деди-да, подполковник Красовский деган кишига телефон қилиб мақсадни тушунтирди. Красовский мени кеч соат еттида қабул қиладиган бўлди.

Бу қандай қувончли учрашув бўлганини билсангиз эди. Биз таниш чиқиб қолдик. Кишинёвни фашистлардан озод қилиш учун олиб борилган жанг пайтларида танишган эдик.

Гвардиячи полковник Иван Константинович Свиридов штаб бошлиғи бўлиб ишлаган 295-дивизияда мен бир эмас, бир неча марта бўлганман. Спая, Шерпени қпшлоқларида, Днестр дарёсининг қирғоғида бўлиб ўтган жанг вақтларида унинг штабида бўлганман. Жанг қаҳрамонлари тўғрисида очерк ёзмоқчи бўлганимда полковник Свиридов ва бошқа командирлар менга

озмунча ёрдам қилмаганмидилар? Қирқ тўртинчи йилнинг август ўрталарида Шерпени учун бўлган қонли жанг эсимда. У жангга кириб тирик чиққан, ёки у жангни ўз кўзи билан кўрган ҳар бир одам у аросатни умрбод хотираларидан чиқаза олмаслар!

Ясси-Қишинёв операциясида Шерпени қишлоғи муҳим роль ўйнаганди. Нима қилиб бўлса-да, немисларни Шерпенидан ҳайдаб чиқариш керак. 295-дивизия ўзининг ўнг томондаги қўшниси 60-ўқчи дивизия кучлари билан Шерпени учун ҳужумга кўтарилди. Мақсад «кичик ер» номланиб келаётган жойни текислаб, плацдармни кенгайтириш эди. Ўзоққа отадиган тўплар наъра тортишди. Танкларимиз ўрмалар, пиёдаларимиз танкларни паналаб олға борардилар. Мен кузатиш пунктида, полковник Свиридов қаватида жанг майдонида юз бераётган даҳшатни кўриб турардим. Бизникилар душманни позициясидан уриб чиқиб, у ерни эгаллашлари керак! Қизил аскарлар шердек ҳамла қилар, душман эса ўқроллариининг барча турларидан уларнинг устларига ўқ ёғдириб, рўпарадан пулемётдан ўтга тутардилар. Жанг майдони ўт-алангага бурканиб ётарди.

Бизникилар олға силжиб борарди. Бу жангнинг фожиаси ҳужумимизга, қарши ҳужум бошланиб кетиши бўлди. Майдонда кимни ким ураётганини фарқ қилиб бўлмас, хуллас қиёмат-қоим рўй берган эди. Немиснинг пияти ёмон, у ёлғиз ҳужумимизни қайтариш эмас, балки позицияларимизга бостириб кириб, бизни орқага улоқтириб ташламоқчи! Йўқ, немис бу ниятига ета олмади. Шерзодларимизнинг қаҳр-газабларига дуч келди. Мен ўз очеркимни «Шерлар жанги» деб бекорга атамаган эдим. Ўзингни эр билсанг, ўзгани — яъни рақибингни шер бил. Танқидчилар мени кечирсинлар бу ўхшатиш билан мен душман кучига ортиқ баҳо бериб юбормоқчи эмасман. Аксинча, душман бизнинг шерзодларимиз билан шердек олишганини уқдирмоқчиман. Бизга ёр бўлган бахт — шерзодларимизнинг совет кишилари, коммунист-комсомоллар бўлиши эди. Қизил аскарларнинг маънавий дунёси мустаҳкам, адолатли урушнинг жангчиларни эканлиги эди.

Шерпени жанги ғолиблари орасида Расулов деган тўпчининг номи тилга олиниб қолди. Расулов ўз тўпи билан немис «фердинанд»ини ёндириб юборибди. Расулов ҳам Нарзи Ражапов сингари олға интиларди. Бу

йигитни топишим, суҳбат қилишим зарур эди. Бироқ, Расулов олдидаги маррада. У ерга бориш учун кимнингдир рухсати, ёрдами, «тилсим» йўлларни биладиган йўлчи керак. Ҳар қанча хавф-хатарли бўлса-да, Расулов хизмат қилаётган батареяга бориш учун ижозат олдим. Ҳатто «гадо топмас кўчаларни» беш бармоғидек билувчи тўпчи Раҳмонни менга қўшиб ҳам бердилар. Раҳмон олдин, мен кейин траншея ичида борардик. Немислар биз юриб бораётган траншеядан кўпи билан беш юз метр узоқда. Лаънати фашистлар бизни сезибми ёки «ўйин» қилибми миномётдан ўт очиб берди. Биз траншеяда биқиниб, ўрмалаб чекинишга мажбур бўлдик, ўйин-ўйиндан ўқ чиқар деганларидек, бу ўйин яна ҳужум жангига уланиб, оқибати машҳур Ясси-Кишинёв операцияси билан тугалланган эди...

Шерпени жанги, Ясси-Кишинёв операциясини хотирлаб Иван Константинович билан ўтмишни эслашдик. 1944 йилда кўрган-кечирганларимиз кино лентаси сингари кўз олдимиздан ўтди. Кўп иарсалар аниқланди, улар яна ҳам янги аҳамият кашф этди, қадр-қиммати яна ҳам ортди. Кўп йиллар бурун биз билан учрашган одамлар гўё қайта тирилгандек бўлди, биз ўзимизни улардан нимадир қарздор ҳис қилдик. Замондошларимнинг ҳаммалари тўғрисида гапиролмайман. Афсуски, номлари мардлик ва жасорати унутилган жангчилар оз эмас. Ватанпарвар разведкачи Шербаков, Ковальчук, Клоков, Флейтлар унутилмаслиги керак, худди шулар сингари немис бурни тагидаги мина майдонини тозалаб, ўз қисмига йўл очиб берган сапёр Ябеуццев номини унутиб бўладими? Учинчи ўқчи взвод командири лейтенант Филин яраланиб сафдан чиққан пайтда, ҳўжалик взводининг командири ташаббускор коммунист Деланов ишини унутиб бўладими? Деланов жуда мушкул ҳолатда жангчиларни атакага бошлаб, душман устидан ғалаба қозонишимизга муносиб ҳисса қўшганлардан бири сифатида биз учун қадрлидир. Камтар, енг ичида оламга татийдиган ишларни бажариб қўйган бу камтар одамларнинг номи — мардлиги, жасорати ҳар қандай иззат-ҳурмат ва мақташларга лойиқдир.

Хотираларга берилиб, суҳбатимиз кечгача чўзилди.

Хотиралар... Бу бир оғиз сўз ўз ичига дунё-дунё воқеаларни сиғдира олган. Баъзан киши назарига илмасдан ўтиб кетадиган кичик бир воқеачада жаҳон аҳа-

миятига арзигудек улкан муаммо ётгани бирон сабаб билан сезилиб қолади. Қизиқ суҳбат бориб турганда Иван Константинович бирданига жимиб қолди, у ғайри табиий бир қўл ҳаракати билан бизнинг диққатимизни қандайдир муҳим бир нарсага тортмоқчи бўлди.

— Биласизларми...

Мен ҳеч нарсага тушунмасдан ҳайрон бўлиб боқиб турардим.

— Бир минут...

Иван Константинович ўрнидан турди, пўлат сандиқ ёнига бориб уни очди-да, титкилаб ниманидир қидира бошлади.

— Сизга бир хат кўрсатмоқчиман. Балки Нарзи Ражаповни топишга ёрдам қилар. Бундаги сўзлар Сиз излаб юрган қаҳрамоннинг изига ўхшаб кетади.

У конвертга бириктирилган бир варақ хатни менга узатди. Хат майда ва зич ёзилган. Конверт тепасига: «г. Кишинёв. Директору Мелькомбината тов. Кучмаеву,— конверт пастига эса,— г. Кишинёв, ул. Измайловская, 54, кв. № 2, Зубова Люба»,— деб ёзиб қўйилган эди.

Гарчи бу хат маълум шахс номига юборилган бўлса-да, Иван Константинович қўлига келиб теккан. Демак, Ватан урушига тааллуқлиги бор. Тезгина кўз югуртириб чиқдим. Тахмин тўғрига ўхшаб қолди.

Любовь Зубова Кучмаевнинг радио орқали сўзлаган нутқидан олган таассуроти ҳақида ҳаяжонланиб ёзади. Молдавияни немис босқинчиларидан озод қилиш учун бўлган жангнинг иштирокчиси Кучмаевнинг нутқи Любага жуда маъқул бўлган. Совет Армиясининг кўрсатган маҳорати, қаҳрамонлиги, қардош халқлар фарзандлари, жумладан, грузин ва ўзбеклар, сибирлик ва москвалик дўстларнинг жасорати тўғрисида келтирган мисолларидан ғоят ҳаяжонланиб Кучмаев номига хат ёзади. У ўзини қандайдир ёш солдатлар томонидан қутқазилганини айтиб, уларга чин юракдан миннатдорчилик билдиради.

Иван Константинович менинг ҳамшаҳрим изини топиш ташвишида бу хатни менга берганди. Унинг ўйида жон бор эди, албатта.

Измайловская кўчаси. Бу олис ҳам, яқин ҳам эмас. Тошкент билан Кишинёв оралигидаги масофани босиб ўта олган одам учун Кишинёв кўчалари у қадар олислик қилмас. Кўча ортида кўча. Уй орқасида уй, эрта-

лаб «Қв. 2» табличка ёзилган эшикни қоқдим. Ҳали сир тутилган мақсад билан ёт остонани босиб ўтиш, менда негадир аллақандай андиша ҳиссини туғдирганди. Мен ҳатлаб ўтадиган остонаси шумикин деб ўйлардим. Бу андиша ва ҳаяжонни учинчи мартаба бошдан кечиряпман. Эрталаб ҳам, тушда ҳам қоқилган бу эшикдан ҳеч ким овоз бермади. Иккинчи маротаба келиб, эшикни қоққанимда ҳамсоя аёл:

— Люба ишда,— деб жавоб қилган эди.

Дарҳақиқат шаҳар аҳолисининг ҳаммаси меҳнатда. Кеч соат ўн бир.

Қатта дарвоза йўлагидан ҳовлига кириш билан чап қўлда иккинчи эшик бор. Ярим ойнакор бу эшикдан мўралаб, ичкарига назар ташладим. Чироқ ўчган. Телевизор шуъла сочиб, музика эшитиларди. Коридор эшигини секин қоқдим. Ҳеч ким овоз бермади. Эшикни итардим, очилди. Тор, кичик коридор. Ўйлаб-нетиб турмай кирдим-да, ярим ойнакор иккинчи эшикни қоқдим. Дарҳол телевизор ўчирилди. Ичкаридан «ким?» деб аёл кишининг овози эшитилди. Нима дейишимни билмасдим.

— Мен.

— Сиз ким?

Қоронғи тун диалоги.

Бу хонадонга мени бошлаб келган мақсадни қандай қилиб тушунтира оламан — яна ярим кечада-я!... Аёл киши, ёлғиз бўлса қўрқмаса яхши эди. Кишинёв кўчасида, ярим кечада дайдиб, ўтмишни эслаб, ўз ташвишим билан овора бўлиб юрганимни ким ҳам дарҳол пайқай оларди. Кеч, табиий, бу чоқ кишилар ором огушида.

— Кимсиз ўзингиз?

— Қўрқманг. Ёзувчиман. Ўзбекистондан. Люба Зубовани қидириб юрибман. Унда ишим бор...

Ишонтира олдиммикин?.. Ҳаётини воқеаларни қидириб юриб, баъзан жуда ноқулай аҳволга тушиб қоласан, киши. Сўраймиз, ёлборамиз, ишонмас деб чўчиймиз. Эшик ортида туриб, қоронғида гувоҳнома кўрсатиш қийин-ку, ахир. Ҳа, у ҳали сени қандай қабул қилади, бу ҳали муаммо... Шуларни ўйлаб ўзим-ўзимдан уялиб кетдим. Люба чўчиди чамамда. Миямни ҳар хил хаёллар кемира бошлади.

Йўқ, янглишган эканман. Люба эшикни очди.

— Бир минутга,— деган овоз эшитилди. Ялт этиб

чироқ ёнди. Остона орқасида бир қадар ийманиброқ турган лўппигина, юзи сермағиз, сочлари пахмоқ, юлдузи иссиққина бир аёл кўринди. У менга тикилиб турар экан юз-кўзида таажжуб, ҳаяжони ҳали босилмаган кўринарди. Ҳаётида биринчи маротаба, ҳеч қачон ўйламаган, кутмаган нотаниш бир одам, яна ёзувчи!.. Нима учун? Қандай иш билан? Умрида бирон сатр шеър ёки ҳикоя ёзмаган, ёки наشريётга иши тушмаган, умуман адабиёт дунёсидан узоқ бир одам, қизиқ...

— Ҳар қалай ўйлардим. Шунга ўхшаш бир нарсa содир бўлишини кутардим,— деди сўнг Люба менга,— нима эканлигини билмайману лекин ўйлардим. Бугун бўлар деб ўйламагандим, албатта. Бошдан кечирилган ташвишлар оз эмас, буни кимдир билиши керак эди.

— Кечиринг, марҳамат қилинг.

Аллақандай бир кепатада нотаниш аёл хонасига кирдим. Пиёда йўл босиб терлаб кетгандим. Бир қўлимда пальто билан шляпам, иккинчи қўлимда папкам... Мени кутмаган, айни вақтда кутиб юрган уйга кириб олдим. Мелькомбинат директори номига ёзилган мактубни дарҳол Любага тутқаздим. Биз иккимизнинг учрашишимиз зарур эканлигини кўрсатувчи бир далил-тавсиянома шу тобда кераклигини тушунардим.

— Бу хат қаёқдан Сизнинг қўлингизга тушди?— бир қадар ташвишланган ҳолатда сўради, Люба.

Бу берилган савол узоқ суҳбат учун сабаб бўлди.

— ...Уруш баъзан туш бўлиб кўринади менга,— деди Люба. Қўзлари бир нуқтага тикилиб, негaдиp у жим қолди. Ҳикоясини эндигина бошлади-ю, таажжуб, узоқ сўзлаб ҳоригандек кўринади. Афтидан у сўзни нимадан бошлашни билмайдиган ёки кўрган-кечирганларини эслашга юраги дов бермайними, ҳарқалай анча вақтгача чуқур хаёл суриб жим тураверди... ниҳоят, ўйлагани эсига келиб қолгандек:

— Оҳ, агар Сиз Шерпенини кўрган бўлганингизда, ёшлар кўнгил очиши учун ҳузур-жон қишлоқ эканлигини билардингиз. Дугоналарим билан дарахт соясида одатдагидек қўғирчоқ ўйнаб ўтирардик. Бир вақт осмон гумбурлаб, ер титраб, яна-яна гумбурлади. Момоқалдироқми, деб осмонга қарадик. Қаёқда... Ҳаво очик, осмон мусаффо кўринади-ю, гулдур-гулдур, ерни ларзага келтирувчи портлашлар... Даҳшат. Даҳшатдан гангиб қолдик... Қарасак осмонда самолёт кўринди. Са-

молётлар сон-саноқсиз эди. Одатда самолёт кўрганимизда ўртоқларим билан «самолёт, самолёт, бизга ҳол-ва ташлаб ўт!..» деб қичқиришардик. Бу гал ҳеч ким индамади. Ҳа, осмонда бир нарсa чийиллади. Сўнг кўчада ҳеч қачон эшитилмаган портлаш эшитилди. Ер титраб кетди, уйимиз томонда бир нарсалар жаранг-журинг қилиб ерга тушди. Қарадик, деразаларимиз ойнаси чил-чил синиб ерда ётибди. Қўрққанимиздан додлашардик. Гумбур-гумбур борган сари зўрая борди. Қишлоқни «дод-войлар» қоплаб олди. Шу аснода ранги-қути ўчган дадам билан ойим келиб қолди.

— Гитлер. Лаънати Гитлер!— дер эди газаб билан дадам.

Мен ойимнинг қучогига отилдим. Дадам ойимга ниманидир айтиб кўчага югурди. Орадан сал вақт ўтмай яна қайтиб келди. Ойимга нималарнидир тайинлаб, сўнг мени қучоғига босиб юз-кўзимдан ўпди. Мен у пайтда бу жудоликнинг нима эканлигига тушунмагандим. Отам мангуликка кетган экан, сўнгроқ тушундим. Уруш охирига қадар кутдим. Унинг тўғрисида ўйладим, йиғладим. Умид билан кун-ойларни ўтказдик. Тенгдошларимнинг оталари қайтишди. У қайтмади. Ун йиллар вақт ўтгач, унинг ҳалок бўлгани тўғрисида хабар эшитдим.

Кунлардан бир кун, ҳали кўзим уйқуда экан, немис саркарипинг дарғазаб овози эшитилди.

— Ауф штеен!

— Нима бало, овозинг гўр тагидан келгур, каллайи саҳарлаб қағиллаб қолди!— деб ёстиғидан бошини кўтарди ойим.

Ертўла эшигини тепиб бир офицер кирди. Қўлида электр чироқ. Чироқ нурини оналар юзига югуртириб, қатор ётишган аёлларни кўздан кечирди. Сўнг газаб билан сўкиниб зинадан пастга тушди-да, қўй тўдасига дориган бўридек жойхобда ётганларнинг устларидаги ёпинчиқларни улоқтира бошлади.

— Гераус!— бақирди қўлини эшик томон чўзиб немис.

Аёллар зинадан кўтарила бошлади. Ҳар ким ўз ҳолича йўл-йўлақай кийиниб, рўмол ўраб, болаларига маъюс боқишарди. Дадам билан юз берган жудолик эсимга тушиб додлаб юбордим.

— Ойижон!

— Ивайген!

Таржимасиз ҳам тушунарли, жим бўлишим керак. Лекин йиғини ютиб йиғлаш учун ҳеч ким мени ман қилолмасди.

Ташқарида аёлларни сафга тизиб, ҳайдаб кетди. Қаёққа, на улар ва на биз билмасдик. Биз қўрқиб ертўлага югурдик... Қайтиб чиқишга ботинмадик. Қоронғи тушганда ойимлар қайтишди.

— Ойимнинг юзига кўзим тушди-ю, кўнглим равшан тортиб кетди. Қизиқ, мен ҳам, ойим ҳам, ҳамма-ҳаммамиз ўзимизда йўқ хурсанд эдик.

Немислар кечаси қишлоқдан чиқиб кетганмиш деган гаи оралаб қолди. Шерпени қишлоғида қарийб уч йил даврон сурган, мол-мулк, боғ-роғларимизни ўзиники қилиб, истаган вақтда аёл-эркакларни ғарбга ҳайдаб турган, ўзини енгилмас деб жаҳонга жар солган зўравон немис, қишлоқдан гумдон бўлган бўлса... Бунга ҳамма ҳам ишонавермасди.

Ойим мени бағрига босиб йиғлар, юз-кўзимдан ўпиб, қандайдир хурсандчиликдан хабар бераётгандек туюларди менга. Мен бу кўз ёши ва ўпишларнинг маъносига аниқ тушунмасдим.

— Немислар кетди!— Қимнингдир овози эшитилди.

Ҳамма ертўла эшиги томон югурди. Эшикни итарайтара синдириб, оналаримиз ташқарига чиқишди. Эшик қулаши билан мусаффо ҳаво ва зиё ертўлага оқиб кирди. Ёруғлик, мусаффо ҳаво ва озодликдан ўзида йўқ хурсанд бўлган оналар уйларига қараб югура кетдилар. Бу хурсандчилик шу қадар қисқа бўлшини ҳеч ким ўйламаган бўлса керак.

Қўшнимиз қичқирарди:

— Эҳтиёт бўлинглар!.. Оёқ остида мина бўлмасин, яна!

Ҳеч ким унинг овозига қулоқ солмади. Бу бахт-озодлик ҳамма нарсадан улуғ кўринарди. Қуллик кишанидан оёқ-қўли бўшалган одамни, ким айтади тўхтатиб бўлади деб!

Ўша минутда кечирганларимизни мен кейинроқ фаҳмига ета олдим.

...Буюк тоғ тагида бир моғора. Моғора ичи кенг шаҳар. Шаҳар одамларининг вужуди жун билан қопланган қўтос деса қўтосга, одам деса одамга ўхшамайди, худди ойимнинг чўпчакларидагидек баҳайбат девлар сон-са-

ноқсиз. Улар биз томон келарди. Мен қўрқиб ойимни пинжига кирсам, ойим:— нега қўрқасан?.. улар одамлар билан иши йўқ дерди. Бу тасалли эканини билардим. Ойимнинг ўзи ҳам даҳшатда. Тоғдек бир дев пайдо бўлди-ю, оғзидан қоп-қора тутун пуфлай бошлади. Нафас олай десам ҳаво етмайди. Додлай десам мажолим йўқ, овозим чиқмайди. Шу пайт дев бир наъра тортдида, тоғни кўтариб осмонга отди. Тоғ гумбурлаб ерга тушди. Ер титрарди. Мажолим бўлмаса-да, мен ўзимни тирик ҳис қилардим. Кўзимни очдим. Лекин ҳеч нарсани англамадим. Хайрият, туш кўрибман деган хаёл бошимга келиб ўрнимдан туришга ҳаракат қилдим. Туриш қаёқда, ақалли қимирлашга ҳам ҳолим йўқ... Ақлимни йиғишга ҳаракат қилдим. Атрофимга назар солмоқчи бўлган эдим, кўзимда қаттиқ оғриқ сездим. Яна кўзимни очдим. Осмон юлдузлари ғира-шира кўринди-ю, яна ғойиб бўлди. Ёз кунлари тонг отар пайтларида уйқум қочиб, осмонга қараб ётганимда худди шундай манзарани кўп кўрганман!.. Хаёлимда тонг отгандек ирғиб турмоқчи бўлдим, туролмадим. Қарасам тупроқ орасида ётибман, қўрқиб кетдим, атрофимга аланг-жалаң қарардим. Инграган овоз эшитилди. Одам танаси... «Дод!.. Ёрдам беринглар!» деб қичқира бошладим. Ким эшитсин!.. Ким келсин! Осмонда самолёт гувилларди. Бомба портлаб, ер титраб турибди. Ана шу даҳшат ичида чумолидек жопим билан ёғоч тагида жон бераётган ойимнинг танасини тортқилардим, кучим етмасди. Додлардим. Йиғладим. Уриндим. Бошқасини эслай олмайман.

Ўша даҳшат ичида шундай туш кўргандим... Бу туш бирданига ўнгимга айланди. Тепамда тик турган одам кимнидир чақирарди.

— Скорее, тез-тез, тирикка ўхшайди.

Рус тилини бузиб гапирарди. Сўз оҳанги немисга ўхшамасди. У мени ердан кўтарди, кўтарди эмас, тупроқ орасидан тортиб олди. Мен инградим, йиғладим, додладим. У одам ачиниб, эркалаб, мулоийм сўзларди:

— Қўрқма-қўрқма қизча, бу мен...

У менга тушунарли бўлмаган ва ҳеч қачон эшитмаган номни айтди. Отини эслаб қололмадим. Шундай бўлса ҳам бу солдат менга яқин киши эканлигини ҳис қилдим. Унинг пилоткасидаги юлдузча шундан дарак берарди.

У йиғит мени кўтариб бориб панароқ ерга қўйгани,

сув ичириб, устимга шинель ёпгани эсимда. Мен «Ойи!.. Ойижон!..» деб қичқириб йиғлардим. Ойим қани?.. Ойим!— деб жангчидан сўрардим. Йигит жавоб бериш ўрнига жим туриб мени юпатарди. Бир вақт иккита жангчи етиб келди. Улар ҳам биринчи йигит сингари буғдой ранг, кўзи-қоши қора эди. Улар биринчи йигитга нималар деб гапирди. Мен уларнинг тилларига тушунмадим. Жангчи уҳ тортиб, юзини четга бурди.

Мен ойим ўлганлигини билдим. Ойим ўлибди!.. Ойижон!— деб дод сола бошладим... сўнг яна туш кўрдим. Бу гал узоқ туш кўрдим. Ут-алангалар ичида юрдим. Яна девлар қамалида қолдим...

Кейинчалик айтишларига кўра, солдат мени санбатга олиб борган, врач кўриб тирик қолиш-қолмаслигимни тасдиқлагунча у ёнимда ўтирган. Сўнг кетган. Кетгану кимгадир хат ёзган, мени интернатга жойлашни илтимос қилган.

— Сиз уни топишга ёрдам бера оласизми?

Люба бирданига жонланиб кетди.

— Албатта, албатта.

Бу вақт соат бирдан ўтиб кетганди.

Эртасига тонг билан биз уруш вақтида жанг бўлган тарихий ерларни кўриш учун сафарга отландик. Менга эски ва янги дўстлар ҳамроҳ бўлишди. Иван Константинович Свиридов, Молдавия радиосининг ходими Григорий Тарасевич, Арман ёзувчиси Грунц Қарахонович, Молдавия телевидениесининг оператори Вячеслав Петрович Кулябин, Молдавия ёзувчиси Василюклар менга ҳамроҳ бўлишдилар. Фабрика бош инженери илтимосимни рад қилмади. Токарь Люба Зубовага рухсат берди, биз «Латвия» машинасига ўтириб Шерпени томон йўл олдик.

Бу қанақа йўл-у, қанақа боғлар? Фақат-фақат кишида орзу-ҳавас уйғотадиган боғлар! Куз сахий келибди, олма-нок серҳосиллигидан дарахтларнинг шохлари хам. Олуҳирот-чи! Ҳосил шу қадар мўлки, шохларга меваси сигмайди.

Поёни йўқ токиорда маржон-маржон узум бошлари олисдан ҳам кўриниб турибди. Ҳавас қилишга, фахрланишга лойиқ.

Худди шу водийда Нарзи Ражапов ҳам жанг қилган. Охирги, дунёга доврўғи кетган жангни худди шу водийда қилган. Водийлилар бахтини, ўғирланган озодлигини

тиклаш учун жанг қилган. Қонга-қон, жонга-жон олган. Эй, хуминлик ёш жангчи! Қуролдош биродарим! Сен билан биз қўлимизга автомат тутиб, бу водийда жанг қилганимиз бекор кетмади. Сен билан биз ўт, сув, ўлим тўсиқларидан сакраб ўтиб, душманнынг дзотларини парчаладик, илон бошларини мажақладик. Дўстлик бурчимизни шараф билан оқладик. Сен ҳам кўра олсанг эди, гул-гул очилган бу кунги Молдавияни. Солдат ҳамма вақт ўзига таниш бўлгап йўлдан ўтар экан, у ўтмишга қайрилиб боқмасдан ўтолмади. Мен хотира дафтаримни олиб, варақлай бошладим. Хотира ёзувларим мени яна 1944 йилга қайтарди.

Мириди қишлоғи. Немисларнинг 320-дивизияси худди шу Миридига жойлашган эди. Шерпенидан ҳужумга кўтарилган бизнинг 295-дивизиямизни немис шу ерда туриб тўпларидан ўққа тутган эди. Дивизия штабининг бошлиғи гвардиячи полковник Свиридов суҳбатга аралашиб деди:

— Немис артиллерияси ҳужумга кўтарилган қисмларимизни кўз очиргани қўймасди. Шонли 295-дивизиянинг жангчилари немис мудрофаасини ёриб ўтиб Миридига кириб келди. Вайрон қилинган қишлоққа култепага кириб келгандик.

Биз Шерпени қишлоғига кириб келар эканмиз, тўсатдан:

— Тўхтанг! Тўхтанг!— деди ўтирган жойидан сакраб туриб Люба.

— Мана шу бизнинг уйимиз.

Шерпени. Бу қишлоқ учун минг-минг киши жанг қилган. Қон тўккан. Жон бериб жон олган Шерпени. Ҳовли бутун. Тузилиши оддий бўлса-да, бутун. Девор, дарахт, уй-айвон... Люба машинадан сакраб туша туриб ўз ҳовлисини таниган эди. У югуриб бориб, ер сатҳидан кўтарилиб турган, ер ўйиб туширилиб эшик қурилган ерга борди. Ертўла шу эканини фаҳмладик. Бундан бир неча йил бурун аёллар, гўдаклар истиқомат қилган ертўла. Люба ертўла олдига борди-ю, қотди қолди, кўзи жиққа ёшга тўлди. Одамлар дуч келган кулфатни нақадар мардонавор қарши олган бўлмасин, вақтлар ўтиб йўқотилган бахт унутилган бўлмасин, бари бир, у эсга тушиши билан киши хафа бўлади. Худди шу ерда Люба ўз онасини йўқотганди. Тенгқурларини йўқотган эди. У фожиа қўққисдан рўй берган эди. Люба

на онасининг ўлигини, на қабрини кўра олган, унинг қалбида она сиймоси тирик яшарди. Худди шу ертўлада Люба бор-йўғини, ҳамма-ҳаммасини йўқотгани учун ҳам бу жой унинг кўзига мудҳиш кўринди. Люба ҳаёт қолганини эслаб, уни тупроқдан сугуриб олган, сув бериб устига шинель ёпган солдатни балким эслаётгандир.

Шерпениликлар билан бўлгап учрашувда сўзга чиқдим, Молдавия тупроғида фашистлар билан жанг қилган бир неча қаҳрамонларнинг, шулар жумласидан, Нарзи Ражапов номини тилга олдим. Менинг сўзимни шерпениликлар, айниқса қизиқиб эшитдилар. Бу ерга тўпланганлар Нарзи Ватани тўғрисида кўп нарсани билмасдилар. Нарзи ҳам Шерпени боғларига ўхшаш боғдан чиқиб келган. Унинг отаси ҳам бобо деҳқон боғбоп эди. Олма-анор, нок-нашвати, анжир ва узум кўкартиришга ўч бўлган Нарзининг отаси Ражаб бобо ҳар бир ниҳолни ўз фарзандидек авайлаб, иссиқ-совуқдан қўриқлаб вояга етказиб келган боғбон эди. Мен Молдавия тупроғини шумқадам фашист газандалардан тозалашда жанг қилган қозоқ чўлининг лочинлари, Болтиқбўйи ўрмонзорларининг шерлари, Сибирь жангчилари, рус лашкарининг қаҳрамонлари, Украин баҳодирларининг номларини айтсам-айтмасам улар оламга машҳурлар. Улуғ Совет Иттифоқи оиласига бирлашган барча халқ фарзандлари Молдавия учун жанг қилгандилар.

Менинг Нарзим Молдавияга ўзбек элидан келганди. Мен унинг ҳақида, Нарзини тарбиялаб вояга етказган ўзбек халқи, уларнинг касб-кори ҳақида, шерпениликларга ҳикоя айтдим. Шерпениликлар узумни тарбия қилишга устаси фаранг бўлсалар-да, ипак-пахта тўғрисида аниқ тасаввурга эга эмаслар. Йиғилганларни кўпроқ қизиқтирган нарса, шуҳрати дунёга таралган пахта даласининг қаҳрамонлари, ўзбек адабиёти ва санъатининг юлдузлари, ҳаммасидан ҳам кўра Молдавия ерини озод қилишда қатнашган ўзбек жангчилари тўғрисида бўлди. Ватан уруши иштирокчиларининг бири, ўспирин йигитча, Нарзи ҳақида уларга нима ҳам айта олардим, унинг ҳақида узун ёки қисқа сўз билан кифояланиш ҳам мумкин. Ҳалигача бизнинг бу қаҳрамонимиз тўғрисида бирон киши кундалик ёзганлиги бизга маълум эмас. Йилномада у босиб ўтган йиллар қайд қилинганича йўқ. Ўз қишлоғида энди ўн етти ёшини тўлдирган оддий

бир йигитчанинг бажарган кичикларга хос иши тўғрисида бўладиган гап ҳам одатда оддийгина бўлади. Мана ҳозир Шерпени мактаби саҳнида қулоқларини динг қилиб сўз тинглаётган ёш қиз ва ўғил болалар неча ёшга кирганлар дейсиз? Улар эндигина мактабга кирганлар ва мактабни тугатиш арафасида турган ёш қиз, ўспирин йигитчалардир. Нарзи ҳам ўқир эди. У яхши ўқир эди. Хуминлик Нарзининг ҳамқишлоқлари, ўқитувчилари менга шундай дегандилар. Унда одамийлик характери кучли бўлган. У қунт билан илм кўзини қидирган. У халқ учун ланг очиб қўйилган фан дарвозасига кириш орзусида, китобни ўзига дўст тутган тиришқоқ ёшлардан эди.

Гитлер бандалари Ватанимизга бостириб кирган пайтда Нарзи мактабда ўқирди. Бу даҳшат ёш Нарзининг жангга — жанг майдонига чорлаётгандек, юраги мардликка ундаётгандек ҳис-туйғу билан яшар эди.

Нарзининг ойиси ўғлининг Совет Иттифоқи Қаҳрамони бўлишини хаёлига ҳам келтирмаган. Ҳар бир она сингари Тўқсонбуви ҳам ўз ёлғизини бахтли бўлишини истарди.

Бизнинг Нарзимиз ўзининг йигирманчи баҳорини худди шу Молдавия ерида қарши олганди. Мен шерпенилик ёш ва қарияларга шу ҳақда ҳикоя қилгандим, ҳикояни қовуштириш, мантиққа бўйсундириш осон бўлмади. Бу номи ўчмас йигитнинг босиб ўтган жанговар оловли излари тўғрисида ҳали тўла тасаввурга эга эмасман. Менгина эмас, ҳатто полк мирзолари ҳам ҳар бир аскарнинг мардонавор жангу жадали, мардлиги тарихини тўла аниқ-ойдин баён қилиб берувчи йилнома яратиб қолдирган эмаслар... Ватан буйруғини бажаришда мардлик, жасурлик кўрсатиб тенгсиз жангда душман устидан ғалаба қозонди, деган иборани ҳар бир ғолиб жангчи ҳақида ёзилгани маълум. Ана шу сўзлардан қаҳрамон портретини яратиш учун нима ҳам олиш мумкин. Айниқса Нарзи Ражапов ҳақида, мактаб кундалиги, Люба Зубованинг кичик хотираси. Фараз қилайлик, ўтда ёниб ётган вайрона култепалардан ўтиб, қўлида норасида қизчани кўтариб бораётган солдатни Любанинг ҳикоясидан ҳамқишлоқлар тушуниб ҳам олдилар. Узоқ йўл босиб жанг қилиб толган охириги кучни ишга солиб қизчани ҳалокатдан қутқазган солдатни кўз олдиларига келтирдилар ҳам, сўнг кексалар сўз-

га чиқиб ўрмонларда яшириниб ётган Шерпени аҳолисини қишлоққа олиб келишда ёрдам қилган солдатлар тўғрисидаги ҳикоясини эшитдилар ҳам.

Совет солдатининг портретини тўла чизиш керак. Қўрқинч нимагинин билмас, дилкаш, дўстга мурувати зўр, душманга шафқатсиз, иродаси мустаҳкам кучли совет солдати образини яратиш керак. Бундай солдатларни кўп кўрганман. Нарзи Ражаповни мукофотлаш варақасини ўқиганимда шундай фазилатни кўргандим. Шерпениликлар билан учрашган куним эмас, кейинроқ Кишинёв шаҳридан топиб, ўқиб билгандим. Буни топишда менга ёрдам берган одам — Ватан уруши қатнашчилари изини ҳормай-толмай қидириш билан машғул бўлиб келаётган Евгений Иванович Красовский бўлди. Папкалар орасида Нарзи Ражапов номи кўриниб қолди, ҳамшаҳар изини топиш учун озмунча сўроқлаб қидирмадимми, уни? Мана у! Баҳор ҳавосидек кўнгли мусаффо, полк мирзаси авлодларимизга ёдгор қилиб бу солномани ёзиб қолдирибди. Баъзан биз одам фамилияси ёнига рақам ва бирон маънони англатувчи ҳарфларни ёзиб қолдирган полк мирзаларидан ўпкалаймиз. Ахир, бу рақам ва ҳарфлар ҳам асқатиб қолади-ку! Бу ахир, ҳар ҳолда мукаммал бўлмаса-да, одам қолдирган из-ку! Кишининг хоотири инжиқ, баъзан ноаниқ ҳам бўлади. Бўлиб ўтиб кетган воқеаларни солномачилар бизга қайтаради.

Қўлинг дард кўрмагур солномачи полк мирзаси бизнинг қаҳрамонимиз биографиясига ҳатто жуда муҳим тузатиш ҳам киритибди. Бунгача Нарзи Ражапов — урушгача комсомол аъзоси эди, деган гапни ўз қулоғим билан эшитиб, ҳатто бир рисолачада ҳам ўқигандим. Энди аниқлаб билишимга кўра, у Ленин комсомоли сафига 1943 йилнинг февраль ойида Негурени-Век қишлоғида бўлиб ўтган машҳур жангдан бир йил олдин ўтган экан. Полк мирзасининг солномасида қаҳрамонимиз комсомол билетининг рақами ҳам келтирилган. У 17.691655. Нарзи Ражапов ўқиган мактабнинг ўқитувчи, комсомол ва пионерлари, хуминлик ўртоқлар! Ўз мактабдошларингизнинг комсомол билети рақами: 17.691655 ни мактабингиз пештоқига ёзиб қўйингиз! Яна иккинчи бир муҳим ҳужжат мукофот варақасидир. Мен уни атайлаб кўчирипман. Мана у:

«Немис босқинчиларини тор-мор келтириш учун

олиб борилган курашда маҳорат билан жанг қилиб мардлик ва матонат кўрсатгани учун ўртоқ Ражапов Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган олий унвонга лойиқдир.

818-ўқчи полкининг командири капитан М е н т ю к о в. 9 апрель 1944 йил»

Юқори мартабали бошлиқларнинг хотима фикрлари: «Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони беришга лойиқдир.

Сталинград номли II даражали Богдан-Хмельницкий ордени 31-ўқчи дивизиясининг командири:

Гвардиячи полковник И л ь и ч е в с к и й. 17 апрель 1944 йил»

«Ҳукумат олий мукофоти — Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига лойиқ.

52-Армия қўшинлари қўмондони генерал-лейтенант К о р о т е е в.

Армия ҳарбий совет аъзолари генерал-майор Б о б р о в ва генерал-майор К а б и ч к и н, 26 апрель 1944 йил.»

СССР Олий Совети Президиумининг 1944 йил 13 сентябрь Фармонида мувофиқ ўртоқ Нарзи Ражаповга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилиб, Ленин ордени, «Олтин Юлдуз» медали билан мукофотланган. Узоқ Хумини қишлоқ мактаби остонасидан ёш Нарзи сингари кимда-ким ҳатлаб кирар экан, у ўқувчими, сочига қиров тушган ўқитувчими, мактабга кириб-чиқиб турганларида ҳар доим мукофот варақасига кўзлари тушиб турсин, шонли Ленин комсомолининг баҳодир аъзоси Нарзини эсга олиб, бу муқаддас номни ўз қалбларида, шуурларида сақлаб юрсинлар!

Солномачи Нарзининг матонати ҳақида ҳам ҳикоя қилади. Гарчи мен у кўрсатган мардлик ишига гувоҳ бўлмасам-да, у билан ёнма-ён боргандек, ёш қаҳрамоннинг жангини тасаввур қила оламан.

Улуғ Ватан уруши солномасига назар ташлаган ҳар бир киши Корсунь-Шевченковский номи билан боғлиқ бўлган қонли жанглари тезда эсга ола билади. Узоққа чўзилган қирғин жанглardan сўнг немис қўшинлари

қуршовимизга тушиб қолишди. Биз немисларни таслим бўлишга чақирдик. Қайсар гитлерчилар бош тортди. Шунда бўйин эгмаган фашистларни тор-мор қилишга қарор берилди.

Ҳалқага тушиб қолган душман қуршовининг турли участкаларидан танклар ёрдами билан қарши атакага кўтарилди. Танклар гугурт қутиси сингари ёниб, ўликлар қалашиб қолди. Немислар бор кучини йиғиб учинчи марта яна қарши атакага кўтарилди. Шунда бизнинг ҳолимиз анча-мунча танг бўла бошлаганди. Ўқчиларимиз чекиннишга юз тутдилар. Душман ҳалқани ёриб чиқиб кетишга жон-жаҳди билан уринарди. Душман ўқчилари позицияларимиз томон югура бошлади. Гитлерчи пиёдалар сафн камаяр, бу кемтикни янгилари тўлдириб турарди. Участкани назорат қилиб турувчи батальон командири шошилиш кўмак талаб қилиб қолди. Ёрдам ҳар вақт ҳам кузатилган натижани беравермайди, немислар бу чоқ мудофаамизнинг бириктилини ясини ёриб ўтиб, ўз мақсадига эришиш олдида эди. Ана шу мушкул чоқда, чап тепа тагида пулемёт сайраб қолди. Сайраганда ҳам қандай денг? Душман машинаси паноҳида шиддат билан бораётган автоматчилар сафи сийракланиб, қулаб боришида қатъийлик-жасорат тантанаси кўриниб қолди. Бу душман учун ҳам, батальон командири учун ҳам кутилмаган воқеа эди. Окопда ниқобланиб ётган жангчиларимиз ҳаш-паш дегунча душман танкини ёндириб юбордилар.

Нарзининг пулемёти енгилиш нима билган эмас. Украинна пойтахти Киевни озод қилиш учун бўлган машҳур бир жангга қуролдош ўртоқлари яна бир мардонавор жангнинг шоҳиди бўлгандилар. Бизнинг қўшинларимиз шаҳар остонасида вужудга келтирилган душман мудофаасини парчалаб ташлаганди. 1944 йилнинг 5 март куни Рижановка қишлоғида жанг қизиб кетди. Совет қўшинларининг ҳужумини тўхтатиб қолиш учун немислар барча тадбир ва чораларни кўрарди. Ҳар бир метр масофага силжиб олиш биз учун жуда оғир бўлганди, айниқса, Киев томон олға силжиш қийинлашиб қолганди. Рижановкага етиб тўхтаб олишга тўғри келди. Гитлер мудофааси мустаҳкам бўлиб, душман бу ерга жуда ишонган қисмларини ташлаб, ҳар бир уйни мудофаа қилиш учун ҳозирлик кўра олган, фақат яхши ўйланиб тузилган маневр билангина

Рижановкадаги душман қаршилигини синдира олдик. Бу мушкул вазифани бажаришда бизнинг Нарзи ҳам қатнашарди. Қисмларимиз ҳужумга кўтарилган пайт-ҳарида Ражапов ўз пулемёти билан немис флангидан айланиб ўтиб, душманнинг орқа томонидан уриб қолди. Гитлерчилар уни қуршаб олиш ниятида... Улар шошилар, ўзлари учун мудофаа «истеҳкоми» қура бошладилар. Шу пайт бизнинг пиёдаларимиз душман мудофаасининг биринчи линиясига ҳужум қилиб, қаршиликларни синдириб Рижановкага ёриб ўтдилар, немислар талай кучларини йўқотиб чекинганди.

Полк солномачилари сўзга хасис, ўтакетган хасис! Биз аллақанча йиллар бурун ўтиб кетган ўша баҳор кунларидаги воқеаларни муфассал билгимиз келади. Уруш — бу жангчи ҳаёти демак. Солдат ҳаётини тўла ёритмоқ учун икки вараққа ёзилган солнома кифоя қилмаётир. Яна бунда муддат, рақамлар, шахар ва қишлоқларнинг номи. Босиб ўтган бу йўл ҳам жуда сиқик.

Мана Негурини-Веки қишлоғи томон бормоқдамиз. Молдавия иқлими Ўзбекистонимиз ҳавосига жуда ҳам ўхшаб кетар эди. Кузи майин. Осмони мусаффо. Далаларининг зумрад ранги бизнинг лалмикор бугдойзорларимизни эслатади. Ўт-ўланга бой сой-қирларида этига-эт қўшилиб яйраб юрган қўй-қўзи, мол-йилқиларини айтмайсизми. Ям-яшил даласининг адоғи йўқ, гўё уфқ билан ўпишган, поёнсиз кўринарди. Қирлар бағрида бир-бири билан улашиб кетган олмазорлар олисдан шахмат тахтаси доналарини эслатади. Бунга таажжуб қоладиган ери йўқ, албатта. Бир вақтлар машҳур ўзбек пахтакори наманганлик Маллабой ака чигитни шахмат усулида экиб парвариш қилинса, меҳнат енгиллашади деб, пахтакорликда шахмат усулини жорий қилиб берган эди. Орадан йиллар ўтиб, худди ўша усулни квадрат уялаб экиш номи билан кимдир алмаштирди. Гап унда эмас, мени таажжубга солган нарса бошқа. Молдавияда ҳозир куз-у, олмазорида лола мавсуми?.. Бундай лола мавсуми Ўзбекистонда фақат бир марта бўлиб ўтади. Алвон-алвон гуллар билан безалган Ўзбекистон баҳорининг лола мавсуми ўзига хос латофатга эга. Молдавиядаги ажойиб бу лозазор манзарасининг «сири» тезда маълум бўлиб қолди. Машинамиз қирга— олмазорга бурилди. Олисдан менинг кўзимга лозазор бўлиб кўринган боғлар олмазор бўлиб чиқди. Олма бўл-

ганда ҳам қандақа денг? Шохларга маржондек тизилган қирмизи пиёладек ажойиб фусункор бу олмаларнинг лола ранги санъаткор табиатининг моҳир қўлида шундай жило топганки, бу «илоҳий мўъжиза» табиатнинг ўз райига сола билган Мичурин шогирдларининг кашфиёти бўлиб чиқиши, бизни беҳад хурсанд қилганди.

Меҳмондўст боғбон энг зукка нақш олмаларни шохлардан узиб бизга тутеди. Олманинг ўзига хос таъми, хушбўйи кишига шундай лаззат бағишлар эдики, таърифига қалам лол, тасанно!

Молдавия кузининг нашъаси шу қадар диловар бўлса, баҳори қандай дилбар экан? Нарзи ўзининг йигирманчи баҳорини худди шу водийда тугаллаган эди. Нарзининг дилида дунё-дунё орзу-ҳаваслари йўқ эди деб ким айта олади. Баҳор ўтиб бораверади. Баҳор билан дилкаш ёш йигит йўлдоши умид-орзулари ҳам ўтиб бораверади.

Днепр — Днестрда бошланган пўртана қачон тинар экан, деб хаёл сурурди, Максимкасига парвона бўлиб Нарзи.

Ҳа, уни тезроқ тиндириш керак. Аммо гитлер осонликча бўйин эггуси йўқ. Бу йўғон бўйинни эгиб қўйиш керак! Қанча тез бўлса шунча яхши. Бунга бизнинг қурбимиз келади.

Нарзи бўлажак жанг тўғрисида ўйларди. Айниқса, кеча рота сиёсий раҳбари ўтказган суҳбат қизил аскарларни яна ҳам ҳушёр қилиб қўйган эди. Иккинчи, учинчи Украина фронтлари қўшинлари қаршисида немисларнинг олтинчи, саккизинчи, руминларнинг учинчи ва тўртинчи дала армиялари турганини Нарзи ҳам шу суҳбатдан билиб олган эди. Душман қўшинларининг шу райондаги сони 900 мингдан зиёд. Бу қўшин ихтиёрида 7618 тўп. миномёт, 404 танк, 810 самолёт шайланиб турарди. Мудофаа истеҳкомн 600 километр масофага чўзилганидан хабардор бўлган Нарзи:

— Ҳа, гитлер бўйин эгмаётганича бор экан. Билиб қўйганимиз яхши бўлди. Қаршингдаги душман қандай номаъқулчиликлар қилишга қодир эканини билиб қўйсанг, ғафлатда қолмайсан киши. Бу ёғи бир гап бўлар. Қочиб борадиган ернинг Берлинми? Шошмай тур ҳали! Катта томоша ўша Берлинингда бўлади. Гитлер Геббельсларингни ўша ерда маймун қилиб ўйнатишимизни томоша қиласан! Ҳа, галаба байрами ўша ерда бўлади.

Уруш тугайди. Мен ҳам Хуминга қайтаман. Уйимизда тўй бўлади...

Нарзи баҳорнинг хушбўй ҳавосидан тўйиб нафас олди. Эндигина уйқудан уйғонгандек қулоч ёйиб керишди. У Хуминни эслар экан, қандайдир соғиниш, фироқ юрагини ўртаётгандек ҳис қилди. Кимнидир кўргиси, юрак сирини очгиси келарди. У кўм-кўк мовий осмонга қаради. На ерда, на кўкда типчлик бор эди. Юраги сиқилиб, ўзини нохуш ҳис қилди... У севар эди. Хумин қишлоғида Нарзини кузатиб қолган қизни биров билиб, биров билмасди. Унинг номини Нарзи билан бир қаторга қўйишнинг лозими қолмади. Вақт ўтган... Балким у қиз ўз бахтини топиб кетгандир, ҳеч ким умид-орзусининг охиригача ета олган эмас. Мирикам дунё!

Биз ўзимизни ҳар қанча юпатмайлик Нарзи уни севарди. Урушнинг жуда оғир, айнаи вақтда ҳад-ҳисоби йўқ қимматга тушган сермашаққат йўлни жанглар билан босиб ўтган, бу йўлда ўлган, ўлиб яна тирилганлар ҳам бир нафас бўлсин, курашдан ўзларини четга олмадилар! Одамлар! Киши ақлини ҳайратда қолдириб жаҳон кўзини ўзларига қарата олган марди-майдон совет кишилари! Сизга, мардлингингизга, букилмас метин иродангизга тасанно! Шон-шарафлар бўлсин, сизларга Ватандошларим!

Биз Улуғ Ватан уруши қурбонларини, қатнашчиларини, инқилобларимиз ветеранларининг ишини шарафлаймиз. Нарзини ҳам хуминликлар яхши кўрарди. Уни яқинлари, ўртоқлари, ўқитувчилари яхши кўрарди. Уни қуролдошлари, командирлари севишарди. Мукофот варақасини тўлдирган сўзга ҳасис полк солномачилари ҳам суярди. Озод қилувчи фарзанд сифатида молдаван халқи ҳам Нарзини жон-дили билан севарди.

Шуларни ўйлаб Нарзи хаёл сурарди. Онамни соғ-саломат кўриш насиб бўлармикин менга деб хаёли чувалашиб кетарди, уни... менсиз мушфиқ онамнинг ҳоли нима кечди экан?

Онанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли далада...

— Мен онамни шунча ўйлаяпман-у, онам бечора мени ўйлайвериб касал бўлиб қолмаганмикин? Ёши қайтиб, менга суяниб қолган эди. Энди унинг суянадиган кими бор олдида? Ҳеч ким!.. Кундузлари-ку, колхоз ишига қарашиб кунни кеч қилар-а. Кечалари нима қилади? Онамнинг кўзига уйқу келармикин? У ҳойнаҳой

кечалари ойга кўз тикиб мени ўйлар: эҳтимол, ой-юлдузлар билан суҳбат қилиб узун кечаларни уйқусиз ўтказар?!

Нарзи қоронғи окопдан кўзини олиб эндигина кўтарилиб келаётган ойга боқди. Ой атрофини қуюқ қора булутлар ўраб олган. Ой булутлар қамалидан чиқиш учун югурар. Лекин булутлар ёпирилиб унинг йўлини тўсар, қамалдан чиқиб кета олмас эди.

— Ой — биз, булут — нур душмани,— деди ўзича мушоҳада қилиб Нарзи.— Ой нур сочади, булут нур тўсмоқчи. Бари бир тўсолмайди!—деди ўзича мамнун бўлиб ойнинг қуршовдан чиқиб кетганини кўрган Нарзи. Булут тарқаб ғойиб бўлганди.

Мусаффо осмонда тўлин ой ярқирар, жамолидан бутун ер юзига эппе қуйилганди. Ҳатто Нарзининг қоронғи окопи, кўнгли ёришиб кетди.

Нарзи чўнтагидан газета олиб, уни ойдинга тутиб саҳифаларига кўз югуртирди. Сарлавҳалардан бошқа сатрларни ўқиш қийин бўлди. У кундузи бу газетага кўз югуртириб чиққан бўлса-да, ўқиб чиқишга фурсат топпаганди. Газетада хабар қилишича, ўзбек халқи мамлакатга бир миллион тонна пахта етказиб бериш учун қасамёд қилишган. Шу муносабат билан бир неча комсомол қизлар, жумладан, андижонлик комсомол қиз Эъзозхон Исроилова, Йўлдошевлар звенога бош бўлиб гектаридан эллик центнер пахта етказиш учун сўз берган ва бошқа йигит-қизларни мусобақага чақирган.

Бу хушхабардан Нарзи руҳланиб кетди. «Ҳа, уларнинг ёрдамларисиз фронтдагилар нима ҳам қила оларди. Пахтаю дон, ёғу гўшт, кийим-кечакдан тортиб, ўқдори, танк-самолётгача ҳамма нарсани улар етказиб берадилар. Уларнинг ҳар бир томчи тери — душман тапасига заҳар-заққум бўлиб ёйилмоқда. Енгишимизни тезлатмоқда!..» «Бу қизлар орасида у ҳам бормикин?» деган ўй Нарзининг хаёлини Хумин томон олиб кетди. Дўстларим, қадрдоним Ражаббой ҳам фронтда. Гушна қаерда бўлса экан? Ақлли, аҳдига вафодор қиз у...

Изига бошлаб бораётган йўл охир бўлиб қолди. Нарзи бориб етган ернинг охири Молдавиянинг узоқ қишлоғи экан. Унинг охирги жанги ҳам шу ерда бўлган. Уруш ҳали тамом бўлмаган, бўрон уни ғарбга, Берлин томон олиб кетди. Нарзи шу ерда қолди.

Негурени-Веки тинч-осойишта, гўзал Молдавиянинг қишлоғи. Бу қишлоққа кирган кишининг кўнгли қувониб дили яйрайди. Туш пайти. Қуёш нурида мудраб турган кўкаламзор кўчалар, зич кўркам уйлар, боғ-роғлар. Нарзи жангчи ўртоқлари билан бу қишлоққа йўл олган пайтда Негурени-Веки қандай бўлган, уни кўрган эмасман. Балки у пайт Негурени-Веки уруш алангасида қоврилиб ётгандир. Бироқ Нарзи урушгача бу қишлоқ аҳлининг сокин, хушчақчақ, тинч кун кечириб келганини тасаввур қиларди. Йўқотилган ана шу тинчликни тиклаш, сокин хушчақчақ ҳаётни қайтариш учун бизнинг қўшинларимиз машаққатли узоқ йўлни ўтиб бу ерга келдилар.

Балки Нарзи Негурени-Веки кўчаларига кириб улгура олмагандир. Негурени-Векига унинг пулемёт ўқлари учиб бориб душмани кўксига қадалгандир. Жанг қишлоқ остонасида бошланган эди. Жанг шафқатсиз ва узоққа чўзилди. Қишлоқ учун етти ой жанг борди. Душман белини синдириш учун озмунча қурбон бермадикми бу ерда. Вақти келиб жангчиларимиз қўрқинш нима билмасдан, ўлимдан ҳайиқмасдан душман устига ташлана-ташлана, рақиблари мурдасини пайҳон қилиб маррани эгалладилар. Шундай ҳужум пайтларида кимдир йиқилиб, қайтиб туrolмас, ғалаба «ура» сини эшитолмай қоларди. Бу «ура» ҳар қалай Негурени-Векида янграб кетди.

Кун бўйи Нарзининг пулемёти тинмасдан какиллаб турди. Гоҳо ҳужумга кўтарилган автоматчиларимизга пулемётдан ўт очиб мадад берар, гоҳо қарши атакага кўтарилган немисларни «Максим»и ўқи билан териб олар, гоҳо душман позициясига яқин бориб, мерганликни ишга солиб гитлерчиларни ер тишлатар. Ўлимни писанд қилмас, ёш пулемётчи фашистларнинг кушандаси бўлиб қолганди. Солдатга хос мардлик ва маҳоратни Нарзи йигирма ёшидаёқ тўла эгаллаб олган соҳибқирон эди. У жангда Ғалаба қозониш кўзини биларди.

Негурени-Веки гитлерчилардан озод қилинди. Қизил байроқ яна қайта бошдан бу қишлоқда ҳилпирай бошлади.

Нарзининг пулемёти совиб қолди. Жимиб қолди. Бу қайси кун, қайси соатда рўй берди, полк солномачиси бу тўғрида ҳеч нарса ёзмаган. У ғарбга томон кетдимиз, шу ерда қолдимиз ҳеч нарса айтмаган.

Хуминлик ёш жангчи Нарзи Ражапов полк рўйхатида ортиқ кўринмай қолди. Шу ерда қолган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас.

Биз қишлоқни кезиб чиқдик. Ҳар бир хонадон бизни ўз ини-оғасидек кутиб олди. Улуғ, жуда ҳам улуғ совет оиласи, бунда яшаш беҳад мароқли, яхши. Мен у ерда ўз уйимда, Ўзбекистонимдай ҳис қилдим. Кузи мулоим, боғларида мевалар ҳосили тўкин. Осойишта ҳаёт. Одамлари бировларнинг «бўл-бўл»исиз меҳнат қилишади. Манглайдан тер оқизиб астойдил меҳнат қилмасдан роҳат кўриш мумкин эмаслигини бировларнинг ёрдами-сиз ҳам яхши тушунадилар. Меҳнат келтирган самаралар кўз кўриб қувонадиган тоғ-тоғ олма, узумлар... Оғир юк машиналари мева тўла юк билан Негурени-Беки қишлоғидан ғиз-ғиз ўтиб бормоқда.

Биз юрмаган кўча, кўрмаган уй, суҳбат қилмаган кишимиз қолмади. Боғ ва пайкаллар кездик. Бу савоб ишда менга ҳамроҳ бўлган кишинёвлик дўстларим ҳам, меҳмондўст Негурени-Бекиликлар ҳам толиқиш нима билмасдилар. Улар учун ёш қаҳрамон хотираси ҳамма нарсадан қимматлироқ кўринарди. Шу ерда, Негурени-Бекида Нарзининг номи қайта бошдан тилларда-дилларда такрорланди. Молдавия ерини озод қилиб қурбон бўлган совет жангчиси Нарзи Ражаповни билмаган қишлоқ аҳолиси қолмади. Ўзбекистондан бошлаган йўлини бу ёш йигит Негурени-Бекида тамомлаган эди.

Жанг бу ерда шу даража даҳшат кашф этган эдики, бу вайронада биронта бўлсин граждан аҳоли қолмаганди. Қария ва гўдаклар ўрмон, тоғ-тошларга яшириниб жон сақлагандилар. Улар култепага кириб келган бўлсалар-да, ҳозир ундан асар қолмабди.

Қишлоқ қабристонида бўлдик. Номаълум солдатларнинг қабрларини зиёрат қилдик. Гулдасталар қўйдик. Бу гуллар инсоният бахти учун қурбон бўлган, ҳеч қачон номи ўчмас шоввозларга хотира бўлсин.

Мен «Калинин» колхозининг раҳбарлари Александр Усенко, Федор Григориевич Ганчарукларнинг нутқларини эшитдим. Уларни нуқтлари бизга, Негурени-Беки аҳолисига, қолаверса, тинчликсевар жаҳон халқига қаратилганди.

— Тўкилган қон муқаддасдир. Бу қон оғамиз-ўғлимиз Нарзи Ражапов қонидир. Бу биз учун, болаларимиз учун, башарият саодати учун тўкилган қондир. Бу қон

Молдавия ери гуллаб-яшнасин учун тўкилди. Бу ер ҳозир гуллаб-яшнамоқда. Унинг номини кексалар, ёшлар ҳар вақт ҳурмат билан эслашади. Бу номни умрбод қалбларида сақлашади. У ўлмас! У абадий! У муқаддас!

Мен ҳақиқий қишлоқ оқсоқолларининг сўзини эшитгандим. Менинг учун юрак амри билан айтилган бу сўзлар ҳам қайғу, ҳам тасалли эди. Тасаллининг маъноси шу эдики, менинг ҳамшаҳрим ёш қаҳрамон Нарзи Молдавия халқининг фарзанди бўлиб қолган. Уни тарбиялаб вояга етказган ватани энди ёлғиз Бухоро — Хумингина эмас, Негурени-Веки ҳам. Унинг энди иккинчи ота-онаси бор. У узоқ Хуминдаги ота-онаси каби, бу ердагилар учун ҳам азиз ва қадрли жигарбанддир.

Одамлар қалбида дунё тургунча тур, бизнинг ёш қаҳрамонимиз Нарзи!

1966 йил.

ҚАМОН ИЗЛАРИНИ ИЗЛАЙМАН

Босиб ўтган жанговар йўлида ўчмас из қолдириб кетган Совет Иттифоқи Қаҳрамони Нарзи Ражапов изини, мен биринчи йил қидираётганим йўқ.

Ер юзида турли-туман одамлар яшайди, уларнинг касб-корлари ҳам ҳар хил. Биров меҳнат фронтида жавлон уриб ажойиб хотира қолдирса, биров донишманд сифатида ёдгор қолдиради, биров эса ўз қаҳрамонлиги билан номини шон-шўҳратга буркаб кетади.

Нарзи Ражапов меҳнатда ўзини кўрсатишга улгура олмади, қирқ тўртинчи йили ҳалок бўлди. У чоқ Нарзи йигирма ёшда эди. У, ўспирин чоғида уруш майдонига йўл олди.

Бу ўспирин йигит нақадар менинг меҳр-муҳаббатимни қозонган бўлмасин, унинг дастлабки ҳаракатида алоҳида донишмандлик хусусияти бор эди, деб айта олмайман. Агар унга шундан таъриф берсам рост гапирмаган бўлардим.

Мен ҳақиқий Нарзи ким ва қандай эканлигини одамлар билиб тушуниб олишларини истардим. У ёшини яшаб-ошини ошаб улгурганда, бошқа кексалар сингари даврон сура олганда, шубҳасиз вақти билан ҳаёт мактабидан баҳра олиб, донишманд бўлиши ҳам мумкин бўлармиди. Тақдир тугал умр кўришни унга насиб қилмади.

Бизнинг кунларимизда ёшларимиз, баъзан келажаклари учун йўл танлашади, қайси ёққа қадам ташласак экан, деб жиганак ҳам бўлишадилар: шифокорликками, дастгоҳами, санъат саҳнасигами ёки тўғридан-тўғри космос-самогами? Гўзал, жуда гўзал! Ёшларимизнинг касб танлашдаги ташвиш, истак-орзуларини мен чин юракдан ёқлайман.

Аммо Нарзи Ражапов касб танлашга улгуролмади, бутун совет кишилари сингари ўша пайтда унинг йўлида энг хавфли, энг даҳшатли урушнинг бирдан-бир ўт-олов йўли кўндаланг туриб олганди.

Қамтар, камсуқум, тажрибасиз Бухоро фарзанди Нарзи ана шу хавф-хатарли йўлга қадам ташлади.

Бир неча минг километр масофага чўзилган майдонда, тўплар қаҳқаҳаси, бомбалар портлаши, танк ва самолётлар ўкириши ичида жанг қилиб ётган миллион-миллион қўшин орасидан оддий қизил аскар Нарзи Ражапов ишини — изини қидириб топиш муяссар бўлармикин-а?

Ҳад-ҳисобсиз бу улуғ жанг майдонида ҳатто, баъзан, генерал ном-нишонсиз йўқолиб турганда, менинг қаҳрамоним атиги солдат-ку! Ана шуниси билан у менинг юрагимга яқин-да. Коммунизмнинг асосий қурувчи кучи оддий меҳнаткаш, уруш музаффари — ғолиб ғалабанинг асосий соҳиби ҳам ана шу оддий солдат-да!

Шундай қилиб, мен кўп йиллардан бери Нарзи Ражаповни кўрган-билганларни қидираман. Бахтимдан ўргилай, қаранг худди шу ҳақда «Правда» газетасида бир хабар ёзилиб қолса-я. Бугун Сизга ана шу ҳаққа саҳифасини варақламақчиман.

Биласизлар, мен китоб, пьеса, сценарий ёзаман, қаҳрамонлар ҳаёти, меҳнати тўғрисида очерклар ёзганман. Жумладан, Нарзи Ражапов ҳақида ҳам ёзганман. Фурсат мусоида этган чоқда Улуғ Ватан уруши йилларида Нарзи жанг қилган жойларга ҳам бордим, уни билган одамларни қидирдим. Ватанимизнинг кўп ерларида Нарзини ҳурмат билан хотирлайдилар. Бухорода, Белоруссияда, Украинада, Молдавияда бўлдим. Кезиш, мулоқатлар ёзувчининг «материал тўплаш» босқичидан анча ўзиб кетди. Энди материал тўплашдан ҳам кўра, Улуғ Ватан уруши фронтида ҳалок бўлган одамнинг ўчмас сиймоси менинг қалбимда ўрнашиб қолган. Фарзанди ташвишидан ота боши бўшамаганидек, Нарзи ҳақида

нима билмайин, у мен учун оз, унинг тўғрисида қандай янгилик эшитсам бир дунё қувонч тўлқини қанот бағишлайди менга.

Инженер-полковник Гарибяннинг мактуби мени қандай ҳаяжонга солгани ва тезлик билан у яшаб турган Феодосия шаҳрига йўл олганимни билсангиз эди.

Мана, у мактуб:

«Хурматли ўртоқ Сафаров! «Правда» газетасининг 1968 йил, 3 май сонида Леонид Грунцнинг «Берегите, люди, солнце» сарлавҳали мақоласини ўқидим. Маълум бўлишича, Сиз Совет Иттифоқи Қаҳрамони Нарзи Ражапов тўғрисида китоб ёзаётган бўлсангиз керак. Шу боисдан Сизга шу хат орқали мурожаат қилишни лозим кўрдим.

Мен Нарзи Ражапов билан бир батальонда хизмат қилганман. 1943 йилнинг 15 декабридан бошлаб шу батальонда штаб бошлиғи бўлиб ишладим ва Нарзи Ражаповнинг ҳалок бўлган чоғи 1944 йилнинг август ойида ҳам марҳум билан бирга бўлгандим. Ражаповнинг ўлмас сиймосини абадийлаштириш учун Сиз бошлаган олижаноб ишга бирон нарса билан ёрдам қилиб фойдам тегса бахтиёр бўлган бўлардим.

Салом ва ҳурмат билан инженер-полковник Паргев Мисакович Гарибян.

Мана, мен Феодосияда, Гарибян уйидаман. Мезбон дунё кўрган ҳарбий одам чиқиб қолди: соч-соқолига оралаган оқлар, кўкрагидаги орденлар лентаси шундан гувоҳлик бериб турибди.

Паргев Мисакович Ражапов ҳикоясини бошлаб юборди. Тинчлик тўлқини сукунатида қулоғим динг, бизга яқин турган денгизнинг нафасида ҳад-ҳисобсиз қурбонлар берган башариятнинг ҳансираши эшитилаётгандек, туюларди, менга.

— Левон Амаякович Казарян командирлик қилаётган батальон хизматида келган кунимдан бир ҳафта кейинпоқ, Нарзи Ражапов билан танишиб қолдим. Лавозим ва хизматимиздаги тафовут: мен штаб бошлиғи, Нарзи оддий аскар пулемётчи. Кунлар ўтиши билан бизнинг орамизда ака-укалар сингари яқинлик ҳосил бўла борди. «Тил қалбни-қалбга боғлайди» деган мақоланинг ҳикматини шунда билдим. Мен турк тилини анча мунча билардим. Қора кўз, буғдой ранг, шарқлилар характерини ўзида акс эттирган йигитчани тран-

шеяда учратибоқ, унга сўз қотдим. Қувонганидан кўзларида севинч порлаб кетди. Шундай қилиб, қачон, қаерда учрашмайлик унинг билан она тилисида сўзлашадиган бўлди. Ташқи кўринишда Нарзи унчалик кўзга яқин бўлмаса-да, маъно тўла кўз қарашлари билан дарҳол киши эътиборини ўзига тортарди. У дилкаш, суҳбати ширин йигит эди, ўз она тилисида бирон киши гапириб қолгудек бўлса, луқма ташламасдан ҳузур қилиб жимгина тингларди. Бунинг сири ҳам менга маълум эди, қуролдош дўстлари орасида ўзбек тилида сўзловчи, суҳбат қурувчи камдан-кам учраганидек, айниқса, офицерлар орасида у билан она тилисида сўзлашувчи мендан ўзга ҳеч ким йўқ эди.

Полковник баъзан ҳикоя айтишдан тўхтаб, ўйлаиб қоларди. Ҳар иккимиз учун ҳам бу сукунат чўзилиб, юрак уришларимиз биров-бировимизга эшитилаётгандек. Ражапов билан Гарибян учрашувлари, назаримда, гўё тўлқинлар учрашувига ўхшаб, гоҳ қўшилиб, гоҳ бўлиниб кетарди. Полковник ҳикоясида бўлиниб, қўшилиб турадиган эпизодлар ҳам худди ҳаёт тўлқинига ўхшаб кетарди.

Қирқ тўртинчи йилнинг январи бошларида батальонимиз кўп талафот кўрди. Немислар бўлса янгидан-янгиги кучларни олиб келиб жангга соларди. Соат сайин бизнинг кучларимиз қор сингари эриб, немис кучлари ўсиб борарди. Ана шу оғир минутларда биз фақат солдатларимизнинг мардлиги ва қатъийлиги ҳисобида душманни тутиб турардик. Шу солдатлар орасида яхшиларнинг яхшиларидан бири Нарзи Ражапов эди. Унинг қўлида даҳшатли қурол — пулемёт бор эди. Шу қурол ўти билан ўнлаб душман ҳужумлари қайтарилар, траншеямиз бўсағаларида қалашиб қолган гитлерчиларнинг мурдалари, Нарзи ишининг энг яхши «маҳсулот»лари бўларди. Паргев Мисакович яна ўйлаиб қолди. Ҳа, у январь кунлари мушкулларини мен тасаввур қила оламан. Заҳарли қаҳратон совуқ шамол денгиз тўлқини билан қовушиб кетган. Қора кўз йигитча қуролини ишга солиб ўт очаркан, муздек совуқ пулемёт гўё қизиган темир сингари унинг қўлини куйдирарди.

— Олов юрак Нарзи ёлғиз мудофаа жангларида эмас,— деб ҳикоя қилади Гарибян,— кунларнинг биринда полкимиз душман орқа томонига ўтиб борарди. Маҳаллий аҳолидан икки киши, гитлерчилар қўр тўкиб

ётган жойни мўлжалга олиб, қулай бир ерга бошлаб борди. Биз киши билмас ҳужум маррасини эгалладик. Батальонимиз командири олға чиқиб:

— Ҳа, ўғилларим, қурбонларимиз учун қасос олиш пайти келди. Бургутларим, қани олга!— дея команда бериб ҳужумга ўзи бошлаб борди. Жуда кўп гитлерчилар қирғинга учради. Нарзи қўл жангига ҳам уста экан. Душман қолдиқлари қочишга юз ўғирганларида ўз пулемёти билан фашист галаларини ўриб ташлашга ҳам устаси фаранг чиқди.

Бу жангда бир севикли командиримиздан жудо бўлдик. Бунинг алаmidан ҳамманинг юраги ларзага келганди.

Казарян жанозасига полк командири подполковник Головченко, полк штабининг бошлиғи капитан Ментюков, разведкачилар бошлиғи Перценколар келишганди. Дафн маросимида машҳур пулемётчи Нарзи Ражаповнинг нутқи менинг хотиримда. У ғазабга тўлиб рус тилида гапирарди. Баъзан юрак сўзларини ифода қила олмай сўз қидириб қийналганда гапи бўғзига тикилиб, маржон-маржон кўз ёшлари кўксига тўкилиб турарди. Мен унинг нутқини сўзма-сўз айтиб беролмайман, албатта. Бироқ жаноза маросимини эслар эканман. унинг мотамсаро сўзларининг жаранги қулоғимда эшитилаётгандек. Биз, албатта немис ерига етамиз, командиримизнинг ҳар бир томчи қони учун, унинг хотираси абадий эсда қолсин учун, фашистлардан ўч оламиз, деган эди Нарзи Ражапов.

Ҳа, агар Нарзи ҳалок бўлмаганда севикли командири хотирасини умр бўйи эслаган бўларди. Ҳа, у севикли командирининг жанговар ҳаёти ҳақида ўз фарзанди ва ёр-дўстларига ҳеч шубҳасиз ҳикоялар айтиб берган бўларди. Ким билади дейсиз, шундай ҳол ҳам рўй бериши мумкин эдики, ҳозиргидек биз Нарзининг Ватани Бухородами ўтириб, ундан Левон Амаяковичнинг жангномасини тинглармидик, Казарянга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилганини эслаб мен очерк ёзган бўлармидим.

Уй хўжаси Анна Аркадиевна секин кириб илтифот билан пиёлаларга иссиқ чой қуйиб, оҳиста чиқиб кетди. Паргев Мисакович Корсунь-Шевченковск операцияси ҳақида ҳикоя қила бошлади.

— Нарзи Ражаповнинг Корсунь-Шевченковск жанг-

ларидаги иштироки тўғрисида, сиз «Инсон изи» очеркингида ҳаққоний ёритибсиз. Уқиб хурсанд бўлдим. Мен очеркда кўрсатилган воқеаларда яна бир эпизодни ёритишингизни илтимос қилардим. Кузатиш пунктида биноклдан қараётиб, тасодифан бу манзарага кўзим тушиб қолди. Ўзингизга маълум, бизнинг қўшинларимиз Корсунь-Шевченковск районида фашистлар учун улкан «дашт қозон» ҳозирлаб, ўндан ортиқ дивизиясини қуршаб олганди. Ҳа, қамалдаги душман кучи кичик эмас эди. Нима қилиб бўлса ҳам «Сиртмоқ»дан чиқиб кетиш учун уринарди улар. У кунлар биз учун ҳам енгил эмасди, албатта. Фашистлар ёриб чиқиб кетмоқчи бўлган участкада бизнинг батальон турарди. Гитлерчилар ўлимни писанд қилмасдан ўқдек отилиб ҳамла қилар, биз бўлсак ҳужум орқасидан ҳужумни қайтариб турардик. Жанг боришини муттасил кузатиб турганимда бир танк йўл-йўлакай ўт очиб бизнинг траншея томон ўрмалади. Немис пиёдалари ҳаракатига ҳалақит бериб турган пулемёт нуқтасини мажақлаб ташлаш эди унинг нияти. Бу пулемёт нуқтасида Нарзи Ражапов ўтирганини билардим. Танк шу нуқта томон йўл олар экан, юрагим орқамга тортиб кетди: ажойиб пулемётчимиздан ажраламизми, деб ўйлардим мен. Гигант пўлат машинага қарши нима ҳам қила оларди пулемётчи. У очган ўқ танк брониға тегиб нўхатдек уқаланиб кетади... Ана, биноклда кўрииб турибди. Ражапов пулемётга эгилиб танкни нишонга олмоқда.

Биқина қолса эди, танк мажақлаб кетади-ку!— дея ўйлайман.

Танк яқинлашиб қолганда, Нарзи бир неча марта бўлиб-бўлиб ўт очди, танк йўлини йўқотди, ўрнида айлана-айлана тўхтади.

Маълум бўлишича, Ражапов танк кузатиш ойнасини нишонга олган, кўзини кўр қилиб қўйган. Ҳа, ажойиб пулемётчи эди, у. Кунларнинг бирида немис снайперига панд бериб, тилини чиппа тишлатгани батальонимизда шов-шув бўлиб кетганди.

Қўл жанги, найзабозликка ҳам уста эди, бизнинг Нарзи. У қадар бўйдор бўлмаса-да, ихчам қоматлик бу ўғлон йўлбарсдек чаққон, бургутдек олғир эди. Молдавия учун жанг бориб турганда Нарзининг ўқи тугаб қолади. Буни пайқаган фашистлар тантанавор саф тортишиб траншеяга отиладилар. Мақтаса-мақтагудек чап-

даст эди шунқорча, жангдан сўнг кўрсалар атроф тўла ўлик. Ҳисобласалар ўндан ортиқ гитлерчи қора қонига беланиб ётарди. «Қандай қилиб, бир ўзинг шунча қузғунни-а?»— дер эди, завқланиб қуролдош ўртоқлари. «Билмасам, қандай бўлганини ўзим ҳам билмай қолдим... граната иш берди шекилли, қолганларига ўз автоматини ишлатдим!»

Қўмондонлик Нарзи Ражаповга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони бериш тўғрисида тавсиянома тайёрлаганда, мен яқин қадрдон сифатида, уни хабардор қилиб хурсанд қилмоқчи бўлдим. Қидириб олдинги маррадан топдим уни. Шунда Нарзида рўй берган ҳолат ҳайратда қолдирганди мени. У севиниш ўрнига хафа бўлиб бошини эгиб олди. «Нима бўлди, сенга?»— сўрадим ундан. «Яхши бўлмабди!— деб жавоб қилди Нарзи,— жангчилар нима деб ўйлашади? Оддий пулемётчи— мен — Совет Иттифоқи Қаҳрамони?! Ватан учун жон фидо қилган командиримизга — йўқ?! Ҳақиқий қаҳрамон мен эмас, у!»

Шунда мен: сен ўз хизматларинг билан бу улуг номга лойиқсан, ҳалок бўлган командиримизга ҳам Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони беришга тавсиянома ёзилган деб Нарзини тинчитган бўлдим. У илжайиб:

— Мукофот кўнгилни чоғ қилади, албатта, лекин муқаддас тупрогимиз гитлерчилардан батамом тозаланишини кўрсам эди. Менинг учун энг қувончли, муқаддас ғалаба кун — хурсандчилик ўшанда бўлади,— деб қўйди.

Орадан кўп ўтмай яна Ражапов билан учрашдик. У, «ўртоқ капитан, гап бор», деди. Мен Нарзининг беҳуда гап билан овора қилмаслигини билардим. Ҳа, янглишмаган эканман.— Мен ҳали жуда ёшман ўртоқ капитан, энди кирибман йигирма ёшга. Лекин уруш ёшларни ҳам вақтидан бурун қаритяпти,— деган эди. Мен ҳазил қилиб,— Нарзи уйланишга шошилиб қолганга ўхшайсан,— дедим.— Уйланишга улгурарман бошим омон бўлса. Ундан кўра муҳим ва зарурроқ иш бор,— деди-да, тўрт букланган қоғозни менга узатди.— Ўқиб кўрсангиз, русчаси тўғри чиқдимикин?

Бу Нарзи Ражаповнинг партия сафига ўтиш тўғрисида ёзган аризаси эди. Аризада шундай сўзлар бор: Тез кушларда душман ерига кириб борамиз. Мен у тупроққа коммунист бўлиб кирсам дейман. Яна у: бу улуг номга доғ тегизмасдан бутун кучимни, зарур бўлиб

қолгудек бўлса, Ватан учун жон фидо қилишга тайёрман, деб ёзган эди. Унинг илтимоси оддий, лекин кишини ҳаяжонга солувчи юрак нидоси эди. Мен, унга аризанг инobatга олинаши шубҳасиз,— дегандим, у бўлса — сиз менга кафолат бера оласизми?— деб савол берди. Ноқулай вазиятда қолдим. «Жон-жон деб кафил бўлардим-у, афсуски, ҳали кандидатман-да. Мени ўзим ҳам ҳали сендек кимдандир кафолат сўрашим керак».

— Шундоқ гаплар, ўртоқ ёзувчи,— деб қўйди полковник,— ҳар иккимиз ҳам бир кунда бир мажлисда партияга қабул қилингандик. Нарзи кандидатликка, мен ҳақиқий аъзоликка. Иккаламиз бир кунда партия ҳужжати учун суратга тушиб, 1944 йилнинг 24 март куни ҳар иккаламизга партия билети топширилган эди.

Кутилмаган бу муҳим янгиликни эшитиш биланоқ суҳбатдошимни саволга кўмиб ташладим: ўша куни Нарзининг кайфияти, кийиниши қандоқ эди? Яна шунга ўхшаш кўп нарсалар қизиқтирди мени. Ишонинг: Улуғ Ватан уруши фронтларида жангчининг партияга ўтишдек шарафли ишга гувоҳ бўлган киши билан учрашуви ҳар қандай ёзувчига ҳамма вақт ҳам пасиб қилавермайди. Ҳа, кексалигим ва саломатлигим ҳалақит берса-да, шундай маълумот керак бўлиб қолса, Камчаткага ҳам пиёда борган бўлардим.

Суҳбатдошим ҳамма саволларимга бажонидил жавоб берарди.

— Яна бир муҳим воқеа эсингизга тушганга ўхшайди?— Гарибьяндан сўрадим мен.

— Ҳа, муҳим воқеа бўлганда-чи! Менимча, Нарзида бўлган яна бир фазилат — камтарлик сизга асқатади деб ўйлайман. Зотан, камтарлик инсон учун зийнат-ку, ахир,— деди Паргев Мисакович.— Давлат чегарасига яқинлашиб борардик. Батальон офицерлари орасида уруш ниҳоясига етиб боряпти, энди олтин фондимииз Совет Иттифоқи Қаҳрамонларини эҳтиёт қилсак бўларди, тинчлик йилларида улар жуда катта иш берадиларку, деган гап юриб қолди.

Олий Совет Фармонида «Марҳум»га деб ҳам ёзиларди. Ҳа, кўз олдимиизда ҳалок бўлган қаҳрамонлар оз бўлмади. Ватан қаҳрамони деб номи шарафланган ҳар бир солдат-офицерлар жангнинг олдинги марраларида, ҳаммадан олдда бориши керак. Биз Нарзини эҳтиёт қилиш пайига тушгандик. Сизгир йигитча буни фаҳмлаб

олибди:— Жанг айни қизиб турган пайтларда нима учун командир ҳадеб мени штабга чақираверадилар?! Қадрдон эмасми, яна маслаҳат сўраб менга келибди... «Илтимос қиламан, капитан Маргуновга айтсангиз (Казарян ҳалокатидан сўнг Маргунов батальонга командирлик қиларди), яхшиси жанг бориб турганда ишдан қолдириб мени суҳбатга чақирмасинлар! Уртоқларим олдида уятга қоляпман. Кечирасиз, мен буни сиздан бир жиҳати солдатингиз сифатида илтимос қилсам, коммунист сифатида талаб қиламан!..» Мана, Сизга камтарлигу мана сизга бизнинг Нарзи. «Талаб қиламан!» сўзини топиб ишлатган жойини қаранг-а! Қойил-қойил! Ўзидан мансаби улуғ командирга ҳар ким ҳам бундай сўзни айтишга ботина олармикин?

Полковник чойнакдан чой қуйиб, пиёлани стол устига қўйди. У огир сукунатга ботди.

Гап навбати Нарзининг фожиали ҳалокатига етганга ўхшарди. Буни мен унинг ғамгин овозидан англаб олгандим.

— Қирқ тўртинчи йилнинг куз пайти. Молдаван боғлари, мевазорларининг барглари олтиндек сарғиш.

Биз Унген шаҳрининг бир қисмини озод қилгандик.

Полковникнинг шу сўздан сўнг сукунат яна ҳам огир туюлди. Куз баргининг «чирт-чирт» узилиши денгиз тўлқини овозига қўшилиб киши кўнглида аллақандай заҳа қолдирарди, сукунат гўё «ҳаёт шундақа, шодлигидан талтайиб, қайғусидан умидсизланмаслик керак», деб далда бераётгандек кишига!

— ...Немислар 154,2 тепаликка мустаҳкам ўрнашиб олган. Биз ҳужумга кўтариламиз, у кучли ўт очиб, бизни ётиб олишга мажбур қиларди. Душман пулемёти беблиски ниқобланганидан артиллериямиз овозини ўчиришдан ожиз эди. Батальон командири билан бирга умум сафда қулай фурсат пойлаб ётибмиз. Нима қилиб бўлса ҳам бу лаънати тепаликни эгаллаш керак. Бироқ, душман пулемётчиси бош кўтаришга имкон бермасди. Бир вақт Нарзини ўз пулемёти билан эмаклаб олға бораётганини кўриб қолдим. Шу вақт мени хаёлимга шундай фикр келди. У мумкин қадар илгарироқ бормоқчи, биз ҳужумга кўтарилганимизда, у яқин масофадан ўт очиб, душман пулемётининг овозини ўчирмоқчи. Дарҳақиқат, тахминим тўғри чиқди. Ражапов мақсадини солдатлар ҳам тездан англаб, душман нуқтасини тахминлаб ўққа

тута бошладилар, улар шу йўл билан ўз пулемётчилари Нарзининг илгарироқ силжиб олишига имкон бермоқчи бўлдилар. Нарзи бомбадан ҳосил бўлган воронкага ўрнашиб олди, биз ҳужумга кўтарилдик. Душман пулемёти бирдан жимиб қолди, ўқи тугаган пулемётчи эса қоча бошлади. Ражапов уларни ҳам қулатди. Яқин масофада бўлгани учун душман автоматчиларини беҳато уриб йиқитарди. Биз «Ура! Ура!» қилишиб селдек босиб борардик. Энди ҳеч қандай куч бизни тўхтата олмасди. Олға ҳужум қила бориб, Нарзи эгаллаган нуқтага кўзим тушди. Нарзи ҳалок бўлганди... душман ўқи ўз ишини қилибди. Аммо батальон, ўзининг ажойиб пулемётчиси Нарзи кўрсатган мардлик билан тепаликни эгаллаб олганди. Нарзининг сўнгги жанги Унгенда тугади. Унга олий мукофотни топшириш ҳам насиб қилмади, қаҳрамонлик нишони «Олтин Юлдуз»ни бирон кун бўлса ҳам тақиб юришга муяссар бўлмаган Нарзи фронтда бўлган ой, кун, соатларини қаҳрамонлик билан ўтказган эди...

Биз узоқ вақт сукунат сақлаб ўтирдик. Кун кеч бўлди. Деразадан гўё мотам қуйилаётгандек. Ҳамон денгиз мавжида унинг шарпаси эшитилади. Энди бу шарпа мени тасаввуримда Нарзи қабри устида ҳилпираб турган қизил байроқ шарпаси сингари туюлар эди...

Шу минутда яна мен сукут сақлаётган Ватаним, мендан анча масофа олисда бўлган Ўзбекистоним тўғрисида ўйлаб кетдим. Қадимий одатимизга кўра бизда қария-оқсоқолларга алоҳида иззат-ҳурмат кўрсатилади, вақтлар ўтиб одатлар ҳам ўзгариб бораркан, совет тузуми, унинг олижаноб воқеалари вақти келиб мана ёшлар, ўспиринлар ҳам допишманд оқсоқолларимиз сингари иззат-ҳурмат кўраётирлар. Эндиликда энгакдаги соқолгагина қараб эмас, балки халқнинг учун, Ватанинг саодати учун кўрсатган ишинг, садоқатинг учун иззат-ҳурмат кўрасан. Совет воқелигининг бирдан-бир ўлчови ана шу. Атиги йлгирма йил яшаб, ҳалок бўлган Нарзи ва Нарзипга ўхшаганларга ўлим йўқ. Улар Ватан буйруғини ҳалол бажариб, ўзлари учун абадийликка ҳайкал қўйиб кетдилар. Асрлар оша туғилган ҳар бир янги авлод бу ҳайкаллар олдидан бош эгиб таъзим қилиб ўтажаклар.

ТОМЧИ ҚОН

Биз нонушта қилиш учун катта йўл ёқасидаги чойхонага бордик, тол тагига қўйилган сўрига чиқиб ўтири-

шимиз билан самовар буғ чиқариб, вақир-вуқур қайнай бошлади. Чойхонада биздан бўлак чойхўр ҳали йўқ эди. Мўйлови гажак, чаққон самоварчи чой келтириб биз билан сўрашди. Усти оқ дастурхон билан ёпилган саватда нон олиб кетаётган новвойдан икки дона нон олиб, кўк чой билан мазза қилиб нонушта қилдик.

Қуёш ҳалп тоғ орқасида. Тонг олди мовий ҳаво туси ҳалн ўзгарганча йўқ. Гўзал Фарғонанинг кўм-кўк боғлари мудрашда, шаҳар ҳали батамом уйқудан уйғонганича йўқ. Фақат узоқ-узоқ қишлоқларни шаҳар билан боғлайдиган катта кўчадагина ҳаракат бошланган... Усти чанг билан қопланган қовун-тарвуз ортган аравалар дам-бадам ўтиб турарди. Эшакларга сават-сават узум, анжир, шафтоли, олма, нок, нашвати ортган боғбонлар оёқларини тинмай қимирлатиб, товонлари билан эшакларининг биқинига туртиб, шаҳар томон ўтиб турардилар. Улар кетидан чанг кўтарилиб қоларди.

Бизнинг бу чойхонага келишдан мақсадимиз, нонушта қилишдан ҳам кўра, Шоҳимардонга бориш учун улов топиш эди. Бир минг тўққиз юз ўттиз иккинчи йилда Фарғонадан Шоҳимардонга машина билан боришни хаёл қилиш, осмонга нарвон билан чиқишни орзу қилишдек гап эди. Чунки, у вақтда юк машинаси жуда кам эди. Шунинг учун ҳам йўл устидаги бу чойхонада бирон уловли йўловчи учратармиз, деган мақсад билан эрталаб барвақт келиб ўтирган эдик.

— Ишларингиз ўнгидан келди,— деди кўчага сув сепаётган самоварчи.— Ана шу келаётган арава Шоҳимардонга боради. Ҳамсафарим Ҳамид Олимжон сўридан ирғиб ерга тушди, иккинчи шеригим Шарқийжон чойга пул ташлади.

— Қўзғалманглар,— деди самоварчи,— ҳали аравакаш бу ерда дам олиб, бафуржа жўнайди.

Дарҳақиқат, аравакаш отининг жиловини сарой томон буриб, бостирма ёнига бориб тўхтади. Отни аравадан чиқариб, оғзидан сувлиғини олди. От бутун гавдасини силкиб қоқинди-да, чуқур нафас олиб, ихради. Аравакаш от айилини бўшатиб, охурга беда ташлади, сўри ёнидан ўта туриб, бизга салом берди ва самоварчи билан ҳол-аҳвол сўрашиб, ариқча лабига бориб ювинди.

Биз аравакашни чойга таклиф қилдик. У қўлини кўксига қўйиб, раҳмат деб араваси томон кетди. Шоҳимар-

доплик потапши бу одам таклифимизни рад қилмай, баркаш тўла анжир олиб келиб олдимизга қўйгач:

— Қани энди кўришайлик,— деб бизга қўл чўзди.— Қани марҳамат, эртанги насиба,— деди бизни анжирга таклиф қилиб.

Ким бу неъматдан юз ўғирарди дейсиз. Анжир терисининг нафислиги Фарғона ипагига, мазаси эса тоғ боллига ўхшарди. Фарғона анжирни бутун Ўзбекистонда машхур. Иштаҳа билан анжир ер эканмиз, бу ажойиб неъматни етиштирган Фарғона богбонини мақтар эди Ҳамид Олимжон.

Йўлдан топган янги ошнаимиз Фозил ака бизнинг мақтовларимизга жилмайиб, ҳар замон қора соқолини силаб қўярди. Ҳамқиншлоқ боғдорлар тўғрисидаги бизнинг мақтовларимизни эшитиш унга мароқли эди. Ким билади дейсиз, балки Фарғона Шоҳимардонни боғларига анжир экишни расм қилган қора соч, қора соқол, қўлларига меҳнатнинг ўчмас тамғаси босилиб қолган шу камтар одамнинг бобоси ёки бобокалонидир?

Одатда, чойхонада чой ичиб суҳбат қилиб ўтирганда қандай гаплар гапирилмайди дейсиз? Худди туганмас булоқдек гап-гапга уланади, қарабсизки, бир-бирига сира ўхшамаган ҳикоячалар дунёга келади. Биз нималар тўғрисида гаплашмадик, дейсиз. Фарғона мевалари тўғрисида, ипакчилик усталари, Ҳамза Ҳакимзода Шоҳимардонда тузган биринчи колхоз тўғрисида сўзлашдик. Фозил ака бу колхозда бир неча йилдан бери меҳнат қиларкан, у колхоз қандай шаронда тузилганини, деҳқонлар унга «Ўртоқлар» деб ном берганини фахрланиб гапирди. Ажойиб шоиримизни душманлар ўлдирди. Лекин у бошлаган иш, у тузган колхоз йил сайин камол топиб, мустаҳкамланмоқда. Ҳамза очган мактаблар яшамоқда. Яхшидан ёдгор — яхши ном қолади. Ҳамза бошлаб берган яхши ишига яхши ишлар қўшилиб, яхши одамлар тобора кўпаймоқда.

— Шоҳимардонликлар жуда меҳмондўст бўлади,— деди икки қўлни кўксига қўйиб Фозил ака.— Шоҳимардоннинг суви, ҳавоси ҳар қандай дардга шифо, кўпгил очиш учун аини муддао.

— Бизни Шоҳимардонга олиб кетолмайсизми, Фозил ака?— деб сўрадим.

Фозил ака бошини ирғатиб:

— Жоним билан, лекин аравада уриниб қолмасми-

капсиз? Юк ташийдиган аравада,— деди қўлини арава томон чўзиб.

— Намат тўшалса, бундан яхши арава қаёқдан топилади,— деди Ҳамид Олимжон.

Фозил ака узум, анжири бўшатилган бўш саватларни араванинг орқа томонига боғлаб, олдига намат тўшади, отини аравага қўшиб, бизни таклиф қилди.

Шу зайлда бизнинг Шоҳимардон сафаримиз бошланди. Қуёш анчагина юқори кўтарилган, йўл бўйлаб узун дарахларнинг соялари чўзилиб ётарди. Арава жанубдан шимол томон йўл олди, нотекис йўлда арава тебранади, унинг ёлдираги чуқурга тушар, тошларга урилиб, киши кўнглини беҳузур қиларди. Ердан кўтарилиб арава орқасида қолаётган тўзон иссиқ ҳавода сарғиш туман каби кўринарди. Шимолдан эсиб турган шабада кўнгилга ором берарди. Йўл ёқасидаги ариқда зилол сув мавж уриб оқмоқда. Ариқ лабида, кичик кўлмаклар ичида ўсиб ётган кўкатлар тупроқ гардидан зумрад тусини йўқотиб, шўр босган ерга ўхшаб кўринарди.

Биз босиб бораётган йўл атрофида ажойиботлар кўп. Ўнг ва сўл томондаги боғ-роғларнинг охири кўринмас, орқамизда яшил Фарғона, унинг бағрида қинғир-қийшиқ деворли уйлар. Ана олдимизда Олой тоғининг чўққилари уфқ билан ўпишиб ётибди.

Оқ яктак-лозим кийган Фозил ака эгар устига чўнкайиб, оёғини арава шотисига тираб келмоқда. У ҳар замонда қамчисини кўтариб қўяр, от эса сағрисиغا қамчи тушувини кутмасдан олға интилар, бошини ирғатиб, ёлларини силкита илдам юриб кетарди. Шундай вақтда Фозил ака завқи ошиб: «ҳа, бўйингдан, емингни элаб едирганман-а!»— деб қўяр эди. Фозил аканинг кайфи жуда чоғ кўринарди. Афтидан бу дилкаш одам ҳар қачон шундай шод-хуррам бўлса керак. Дарҳақиқат, ҳалол меҳнат билан кун кечирувчи содда, лекин ақлли одамлар эл-юртни маъмур қилиш учун ер ҳайдаб, дон экиб юртни тўйдирардилар ва бу касбни «корхайр» деб қишин-ёзин тер тўкадилар, мақтов ва баландпарвоз гапларга у қадар учмайдилар, кечираётган кунларидан нолимайдилар, бошини силаган давлатга барқарорлик, юртга тинчлик, соғ-саломатлик тилаб, ўтган кунларига шукур қилаверардилар.

Фозил ака жуда кекса бўлмаса-да, у ўтмишни кўрган-кечирганлардек билади. Шоҳимардон ва унинг атро-

фидаги паст-баланд тоғ-тошлар тўғрисидаги афсоналарни ҳам билади. Табиатда содир бўладиган ажойиб ҳодисалар тўғрисида ҳикоя қилувчи художўй кишилар каби Фозил ака ҳам овозига сунъий оҳанглар бериб, эшитган афсоналарини бирон илоҳий сирни баён қилаётгандек талқин қилади. У ўзи ҳикоя қилаётган афсоналарга содда ва соф кўнгил бўлгани учун ҳам ишонади.

Фозил аканинг ишончига кўра, Шоҳимардон шарқда бирдан-бир муқаддас жой эмиш. Одам қадами етмаган тоғ чўққиларидан, чуқур жар ва сойлардан фақат ҳазрат Алининг қанотли дулдул оти учиб ўта олган эмиш. Ҳазрат Алининг дулдули ва зулфиқори олдида баланд тоғлар ҳам, қирғоқини кўз илғамас дарёлар ҳам тўсиқ бўлолмаган эмиш. У осмон билан ўпишиб турган бу тоғ чўққилари томон ҳамла қилганда, унинг дулдули булутларни чақмоқдек ёриб ўтганда, ақалли, отининг туёқлари чўққи қояларнинг бирор ерига тегмасдан мўлжалга бориб тушган эмиш. Ҳазрат Али бу тоғларни севар экан, шунинг учун ҳам қайнатаси Муҳаммад пайғамбарнинг ризолиги билан бу тоғ оралиғига келиб, умрини шу ерда охир қилган эмиш. Бу тоғ оралиғига Шоҳимардон номи берилишининг тарихи шундан келиб чиққан эмиш. Шоҳимардон бу — «Мардлар шоҳи» деган сўз деб қўйди Фозил ака.

— Ҳозир ҳам зиёратга кўп одам келади-ми?— деб сўради Ҳамид Олимжон.

— Илгари келарди.

— Энди-чи?

Фозил ака ўйланиб қолиб:

— Ҳозир зиёратга қари-қартанглар келади, улар орасида ёшлар кам,— деди.

— Ҳар ҳолда Шоҳимардонга одамлар келиб турар экан-ку, айниқса ёшлар?

— Ҳа, ёшлар кўп келади. Улар Ҳамза мақбарасини кўриш ва сайр-саёҳат учун келишади. Ҳамза Ҳакимзода жуда яхши одам эди.

— Нима учун диндорлар шундай яхши кишини ўлдирдилар?— деб сўрадим.

Фозил ака ноқулай аҳволга тушиб қолди, чунки кўнгилнинг бир четида динга ишонч яшириниб ётар эди. У ўйлар: «Ҳамзага тош отганлар ва уни ўлдирганлар художўй ва диндорлар эди-ку!.. Шайх, эшон, муридлар,

бойлар. Демак, Ҳамзага тош отган художўйлар билан менинг орамда ер билан осмонча фарқ бор».

Оғир сукунатдан кейин Фозил ака:

— Худо шоҳид, одамлар ҳар хил. Яхши ота-онадан ёмон фарзанд ҳам туғилади,— деб қўйди.

Фозил аканинг бу сўзи менга Турсуной тўғрисида Ҳамза ёзган ғамгин сатрларни эслатди. Мен уни айтиб бердим:

Қуримасдан дорга ёйган кўйлагим,
Езмай шимарилган нозик билагим,
Вафосиз ёр экан, қонимни тўқди,
Шул эдими дўстлар, севган тилагим!

Мўлтирадим ҳар ён ёлғиз чоғимда,
Бир меҳрибон кўрмай, мен ҳар ёғимда,
Юрагимда кетди армон ёронлар,
Очилмасдан бир йўл ғунча боғимда.

Менга мотам тутиб қора боғламанг,
Тенгу тўшим нозик бағрин доғламанг!
Турсунойдек ёвуқ севнинг сингиллар,
Тўқис билим кўрмай турмуш чоғламанг!

Фозил акага бу шеър жуда қаттиқ таъсир қилди, унинг юзида ачиниш аломатлари зоҳир бўлиб:

— Бу бечора қиз нима гуноҳ қилган экан?— деди ух тортиб.

Мен Турсунойнинг янги ҳаётга бўлган чексиз садоқатини, ўзбек санъатида мўъжиза яратганини, халқ томонидан севилган ўзбек қизларидан чиққан артистка эканлигини, душман ноғорасига ўйнаган—ўз эри томонидан ваҳшийларча ўлдирилганини сўзлаб бердим.

Фозил ака жунжикди, чеҳрасини ғам босиб, ўйла-ниб қолди. Шу пайт у балки йигирма тўққиз-ўттизинчи йилларда Шоҳимардонда эшон ва қулоқлар фитниси, уларнинг колхоз мулкини талаш, коммунистларни ўлдиришга даъвати, камбағал деҳқонларнинг колхозга кириши, булардан ажралиб қолмаслик учун ҳам колхозга кирганини ўйлагандир. Демак, Фозил ака эшон ва муллалар игвосига учмай, колхозга кириб тўғри иш қилган.

Эшон ва дарвешлар худонинг қаҳр-ғазаби тўғрисида нима тўқиб, нима ўқиган бўлмасин, бари бир Фозил ака

Ҳамзани ҳурмат қиларди. Унга кўпроқ ишонарди. Ҳамза батрак ва деҳқонларни тўплаб суҳбат қилар, тўқ, маданиятли, порлоқ турмуш қуриш учун колхоз тузишга чақирарди. Уша вақтда Шоҳимардонда ташкил қилинган биринчи қизил чойхона мактаб ва колхоз Ҳамзанинг ташаббуси билан тузилмаганимиди? Болалар Ҳамза орқасидан кун-тун эргашиб юрарди. Ҳамза уларга қўшиқ ўргатарди, китоб ўқиб, келажак, порлоқ ҳаёт, коммунизм тўғрисида ҳикоялар айтарди. Кунлардан бир кун Ҳамза деҳқонлардан бир қанчасини тоғ этагига олиб бориб:

— Ёввойи дарахтлар ер шарбатини эмиб ётгандан кўра, мева дарахтлари ўтқазсак яхши бўлмасмикин,— деганди.

Тепаликка кўтарилиб водийда экилмай ётган поёнсиз ерларни кўрсатиб деган эди:

— Қандай ажойиб қўриқ ернинг умри беҳуда ўтганти-я!.. Қани, юрагида ёли бор шерлар бўлса, майдонга чиқсин, кетмонини қайрасин, канал қазиб, қўриқ очамиз. Бу ерлардан шундай ҳосил олайликки, буни ота-боболаримиз тушларида ҳам кўрмаган бўлсинлар!

Ҳамза айтгани бўлди.

Ҳамза фақат болаларнигина эмас, саводсиз қолган катталарни ҳам саводли бўлсинлар, дерди. Шунинг учун ҳам у саводсизликни битириш кечки курси очди. Саводсизлик балосидан қутулган кишилар Ҳамзадан миннатдор бўлдилар ва унга бўлган ҳурматлари яна ҳам ортди.

Ҳамза Ленин тўғрисида жуда кўп ҳикоя қиларди. Ҳамза улуғ доҳийга ҳайкал қўйишни таклиф қилганда, деҳқонлар қуволч билан қабул қилган эдилар.

1929 йил, 8 март. Фозил ака бу кунни ҳеч қачон хотиридан чиқаролмайди. Паранжисини ташлаган йигирма уч аёлнинг юзига биринчи марта баҳор кулиб боққан эди.

Эски дунё хурофотларидан юз ўгириб, деҳқонларни озод ва бахтиёр ҳаётга даъват қилиб турган оташин потиқ қора юраклар қўлида ҳалок бўлади, деб ким ўйлаган эди. Халқ ичига кириб олган нобакор душман Ҳамзани ўлдириш тўғрисидаги жирканч мақсадини бажаришга киришди.

Баҳор эртаси, ёруғ кун, майин шабада эсиб турарди. Тоғ этагида кўм-кўк дарахтлар силкиниб, ўтлар яшнаб

ётарди. Фозил ака мева дарахтлариши кўздан кечириниш учун боғи томон йўл олади. У дарахтлардаги ортиқча шохларини бутар, қушлар сайрашини завқ билан тинглаб, боғ юмушини тамом қилганча йўқ эди, кичик ўғли бақирганча кўчадан югуриб кириб:

— Ҳамза амакимни тош бўрон қилдилар, ёрдам, ёрдам!— деб қичқирарди.

Фозил ака чопачопачо қишлоққа етганда, ёвузлар қора ниятларига етган, Ҳамза ўлдирилган. Шоҳимардон мотамда эди. 8 март музлаган баҳордек совуқ, кишилар қалби тўла ғам, юракларига қил ҳам сизмас эди. Шунда Фозил ака деҳқонлар жон-дилидан севган энг қадрли бир кишидан ажралганини, дили қаттиқ оғриб, ўз гавдаси ўзига огирлик қилганини ҳис қилган эди.

Одамлар бир мақсад билан иш тутишлари мумкин бўлгани ҳолда нима учун бошқа-бошқа, бири иккинчисига зид мақсадда иш тутиб келаётганларни Фозил акани чуқур ўйга солиб қўйди. У ана шу соатдан бошлаб, эшонлар «гуноҳ» деб кўрсатган Ҳамза йўлини маҳкам тутиб олди, ана шу йўлдан ишонч билан юраверди. Ҳақиқат қаерда? Фозил ака колхозда қолнишга, янги боғда меҳнат қилишга, ўз фарзандларининг билимли қилиш учун қаттиқ бел боғлади ва бошқаларни даъват қиладиган бўлиб қолди.

Қун ботиш пайтида Шоҳимардонга бориладиган катта йўл устидаги Водил қишлоғига етиб бордик. Қишлоққа кириб боришда қирга кўтарилар эканмиз, арава гоҳ ўнгга, гоҳ чап ёнбошга оғиб чайқаларди. Биз қишлоқ кўчасига кириш биланоқ, рўпарамизда ботиб бораётган қуёш нурида тоғ тизмаларининг киши кўзини қамаштирувчи шуъласи товланарди.

— Шоҳимардон ҳали хийла олмас,— деди Фозил ака.— Тунаб борсак нима дейсизлар?

— Ихтиёр ўзларида, нимани маъқул кўрсалар биз ёр,— деди Ҳамид.

— Ёмон бўлмас эди, жуда чарчадингиз,— деди шивирлаб иккинчи ҳамроҳим Шарқийжон.

— Бобом, қуёш тўхтаган ерда сен ҳам тўхта дердилар. Мен ҳам бобомнинг маслаҳатларини маъқул кўраман,— деди Фозил ака кулиб.

Фозил ака учун бизнинг розилигимиз жуда ҳам аҳамиятга эга бўлмаса керак, у жавобимизни кутмасданоқ,

аравасини қайтариб, чойхона олдида тўхтатди, эгардан сакраб тушиб:

— Бугунги сафаримиз қариди,— деб қўйди.

Одамлар чойхонада тўпланиб чойхўрлик қилиб ўтирарди. Булар водилликлар бўлиб, диққатлари бизга қаратилган эди.

Чойхонага боришдан бурун биз, ариқда ювиндик. Сув кўм-кўк, ёмғирда ювилган баҳор ҳавоси сингари тиниқ эди. Сув остидаги тошчалар ранг-баранг товланарди. Олой чўққисида эриб, харсангларга урилиб, чопиб келаётган бу муздек сув киши руҳини енгиллаштирарди.

Фозил ака бизнинг Шоҳимардонга бораётганлигимизни аллақачон ҳаммага эълон қилиб чиқибди.

— Зиёратлари қабул бўлғай,— деди чойхоначи гулдор шолча тўшалган сунага бизни таклиф қилиб.— Қани меҳмонлар, марҳамат, ҳордиқ чиқаринглар.

Дарҳақиқат, чарчаганимиздан такаллуфни кутмасдан ўзимизни шолча устига ташлагудек эдик. Чойхоначи жон-ҳолимизга қўймасдан, тагимизга шойи кўрпача тўшади-да, ҳар биримизнинг олдимизга бир чойнакдан чой, биттадан пиёла келтириб қўйди.

Бу меҳмондўстлик нишонаси эди. Водил чойхонасига меҳмонлар тушибди, деган «миш-миш»лар меҳмондўст Водил аҳолисини қўзғатиб қўйибди. Бир хонадондан баркашда узум, пккинчисидан анжир, учинчисидан палов, тўртинчисидан сомса, чучвара, угра ошп, устига гўшт қийма солниган шапалоқ оши, нон, қаймоқ, муздек қатиқ чиқиб қолди. Дастурхон ноз-неъматлар билан, дастурхон атрофи эса мезбонлар билан тўлиб қолди. Биз гурунғ қуриб, чақчақлашиб ўтирган эдик, ўн уч ёшлар чамасидаги бир ўғил бола катта лаганни бошида кўтариб келиб қолди. Лаганда эзлиб пишган анжир, кимхоб рангидек товланиб турган шафтоли, олтиндек сап-сарик туя тини ҳусайини узум бор эди. Бола бошидаги лаганни қўлига олиб, бизга узатди.

— Йигитча, сизнинг совғангизга дастурхонда ўрин ҳам қолмади,— деб жилмайди Ҳамид.

— Ташвини қилманг, меҳмон амаки,— деди бола,— мевалар дастурхонда турсин деб ошкелганим йўқ. Мен лаганни тутиб турай, сизлар олиб-олиб еяверинглар!

Дастурхон атрофидагилар гуриллашиб кулдилар. Боланинг ҳозиржавоблиги бизни ҳайратда қолдирган

эди. Ҳамид болашнинг кулиб турган бугдой ранг кулча юзига, қоп-қора кўзига, чайир қоматига мароқ билан тикилиб туриб сўради:

— Йигитча, отингиз нима?

— Деҳқонбой.

— Отингиз ҳам чиройли экан,— деди мамнуният билан Ҳамид,— бу деҳқонда ҳикмат кўп. Деҳқонбой бўлинг ҳамма камбағал деҳқонлар ҳам давлатманд бўлсинлар, ҳамманинг дастурхони ҳам шу дастурхон ва сизнинг қўлингиздагидек ноз-неъматга тўла, тўкин бўлсин.

Бола мақтовлардан фахрлашибми, ўз ҳаяжонидан уялибми, ҳар қалай кўзларини ерга тикди.

— Келинг, ўтиринг!— дедим Деҳқонбойни дастурхонга таклиф қилиб.— Сиз ҳақиқий йигит экансиз. Келинг, ўзингиз ҳам биз билан ўтиринг!

Деҳқонбой қизариб кетди, лаганин дастурхон ёнига қўйди-да, ўзи югуриб кетди.

Кеч кириб, қоронғи тушди. Чойхонада фонарь ёқилган пайтда, Деҳқонбой яна келиб қолди. У бизнинг олдимизга келиб, шоша-пиша гап бошлади.

— Эшитишимча, Шоҳимардонга борар экансизлар, шу гап ростми?

— Ҳа, Шоҳимардонга бораётганимиз рост.

— Йўқ,— деди чўзиб Деҳқонбой,— Шоҳимардонга эмас...

Деҳқонбой бирон яширин сирни фош қилган кишидек, болаларга хос жилмайиш билан, ҳар биримизга ер тагидан қараб, бош чайқаб гапирди:

— Сизлар Ҳамзаободга боряпсизлар.

Боланинг мақсадига биз энди тушундик. Водилдан Шоҳимардонга бориладиган йўл битта бўлса-да, бу йўлдан борувчилар ҳар хил. Бир хил йўловчилар зиёрат қилиш учун борсалар, бошқалари Ҳамза учун борадилар. Бирининг қалби эски дунё иллатидан ҳали тозаланмаган бўлса, иккинчисининг қалби янги дунё пури билан чароғон, севимли шоир Ҳамзанинг оташин сатрларидек пок. Биз Деҳқонбойдан шоир ҳақида нималар билишини сўрадик. Деҳқонбой Ҳамзанинг шеърларидан ўқиб, қўшиқларини айтиб берди.

— Агар биз Ҳамза бошидаги хатарни билганимизда,— деб афсусланди Фозил ака,— биз уни қутқазган бўлардик...

— Душман айёр, шафқатсиз бўлади,— деди Ҳамид Фозил ака сўзига илова қилиб,— афсуски, душман қораниятига етди, ажойиб шоир, жамоатчи, жангчи Ҳамзамиздан ажралдик.

Орага жимлик чўкди.

Дехқонбой ўрнидан туриб кетишга ижозат сўради. Қайтишда яна меҳмон бўлинглар, деб илтимос қилди-да, биз билан хайрлашди.

Биз Шоҳимардонга, йўғ-э, Ҳамзаободга йўл олар эканмиз, Дехқонбой тўғрисида гаплашиб бордик. Дехқонбойнинг: «Сизлар Ҳамзаободга боряпсизлар», деган сўзи ҳамон қулоқларимиздан кетмас эди.

Халқнинг Шоҳимардонга Ҳамзаобод деб ном бериши бежиз эмасди.

— Тирикчилик-тирриқчилик,— дейди Фозил ака, исгадир ўзига-ўзи. У эгар устига эгри ўтириб арава шотисига қамчисини уриб борарди.

Йўлнинг чап томонда, тоғ этагида Шоҳимардон суви пишқириб оқмоқда. Йўл борган сари бизни тоққа яқинлаштирарди.

Қўққисдан арава тўхтади. Фозил ака бизга жиддий тикилиб: атрофда ҳеч ким кўринмагани ҳолда шивирлаб:

— Қадам жой...— деди.

Биз алаңглаб атрофга қарадик. Қаршимизда баланд қат-қат тоғлар. Унг томонда сурма қоши. Чапда шагал билан қопланган текис майдон. Лекни бизнинг ёнбошимизда, харсанг тошлар ўртасида, сой лабида бир хонали чолдевор турарди. Атрофида ҳаётдан асар йўқ, онда-сонда баҳор памида ўсган ўтларини ҳам қуёш қовжиратиб, ёз ели суғуриб кетган.

Биз ҳамон кўз югуртириб «қадам жой»ни қидирардик. Оқ жома кийиб, оқ салла ўраган бир чол чолдевордан чиқиб, бизга эътибор қилмасдан остона ёнбошидаги тошга ўтириб олди.

— Расм-одат юзасидан биз «қадам жой»ни зиёрат қилмасдан ўтиб кетолмаймиз,— деди Фозил ака.

У шошилмасдан отдан тушди-да, менинг орқамдан келаверинглар,— дегандек ишора қилди.

— «Қадам жой» қанақа бўлар экан,— деган қизиқиш бизни Фозил ака орқасидан эргаштирди. Фозил ака «қадам жой»дан анча берида тўхтаб, қўлини очиб юзига фотиҳа тортди. Тош устида чўнқайган чол ҳамон бепарво ўтирарди.

— У киши шайх бўладилар,— деди Фозил ака эшитилар-эшитилмас.— Худонинг ўзи азалдан буларнинг нонини бутун қилган.

Биз чолга салом бериб «қадам жой»га яқинроқ бордик. Чолнинг соқолида якка-дука қораси бор, бурни қийғир тумшуги сингари қайрилиб тушган эди. Бу бурунга ярашиб тушган бароқ қоши тагида уккиниккига ўхшаш кўзи юмиллиб-очиллиб турарди. Чолнинг ёши олтамишдан кам бўлмаса керак, унинг бўйнидаги томирлари бўртиб чиққан, қўллари саксовулдек қуриб, томирлари жўякдек чўзиқ кўринар эди. У ўрнидан туриб бизнинг истиқболимизга йўл олиш билан, гўё қарилгини унутиб, майда тошларни гачир-гучир босиб, шахдам қадам ташларди. Унинг бир қўлида тери муқовали китоб, иккинчи қўлида ҳасса бор эди.

— Ассалому алайкум,— дедик биз.

— Ваалайкум ассалом,— деди алик олиб чол. У ўзини улуг зот қилиб кўрсатиш учун овозига суъбий оҳанг бериб.

Бизнинг бу ерга киришимиздан мақсадимиз бу одамсиз ҳувиллаб ётган тошлоқ ерда «қадам жой» номи қаёқдан пайдо бўлди-ю, «қадам жой»нинг ўзи нима эканлигини билиш эди.

Чол бошдан оёғимизгача кўз югуртириб чиқиб, «улугвор» ҳолатини бузмасди, саволимизга жавоб берарди:

— «Қадам жой» гуноҳкор бандалар оёғи теккал ерда эмас, авлиёлар оёғининг изи қолган ерда бўлади. Бу ерда шери худо ҳазрат Алининг ўзлари бўлганлар,— деди.

Ҳамсуҳбатига мураккаб ва қатъий саволлар берувчи Ҳамид, лаби пир-пир учган ҳолда, мулойим бир жилмайиш билан чолдан сўради:

— Ҳазрат Алини бу ерда ким кўрган экан?

Шайх гангиб қолмади.

— Мана ҳазратим дулдуллари туёғининг изи,— деди чол уйнинг бурчаги томон эгилиб, ҳаётда сон-саноқсиз учрайдиган кичик харсанг тош устидаги кафтдек бир чуқурчани ҳассасининг учи билан кўрсатиб.

Биз Али дулдулининг изи деб кўрсатилган жойга қизиқиб қарадик. Ҳақиқатдан харсанг тош сатҳида кичик бир чуқурча бор эди, лекин у от туёғи у ёқда тургани туя пай тиши изига ҳам ўхшамас эди.

— Таажжуб, бу от туёғига сира ўхшамайди-ку,— деди елкасини қисиб Ҳамид.

Шайх кўзларини кўкка тикиб, гўё худони кўриб сиғинаётгандек:

— Муқаддас авлиёлар ишига шак келтириш улуғ гуноҳ!— деди.

Шайх саволларга жавоб беришдан бош тортди:

— Бу авлиёлар иши! Буни фақат авлиёларнинг ақллари етади! Буни сурштириш улуғ гуноҳ!— деб одатдаги найрангини бизга ҳам ишлатди.

Агар андак ақл ишлатиб, муҳокама қилиб кўрган киши бу «қадам жой»нинг халқ учун зиён, ҳаромхўр шайхлар учун қорин тўйдириш, давлат орттириш манбаи эканлигини билиб қолади.

Шайх ўз эътиқодини илоҳийлаштириш учун бўлса керак, қўлидаги китобини очиб, ўзича пичирлаб ўқий бошлади. Мен китоб саҳифасига кўз ташлаб, чолга савол бердим:

— Бу ҳам авлиёлар тўғрисидаги китобми?

— «Сўфи Оллоёр», бу зот улуғ сўфилардан...

«Сўфи Оллоёр»нинг шайх қўлида бўлиши таажжубланарли эмас эди. Биз китобдан бирон нарса ўқиб беришни илтимос қилдик.

Шайх «Сўфи Оллоёр» шеърларини юлиб-юлқилаб, бузиб ўқир, шеърга аллақандай сирли маъно бериш учун бўлса керак, товушнинг гоҳ кўтариб, гоҳ пасайтириб ўқиса ҳам бирон маъно тушунини қийин эди.

Биз кулгидан зўрға ўзимизни тўхтатиб, сўфи шеърларини эшитардик. Ҳамид шайхдан китобни сўраб олдида, шайх юлиб-юлқиб ўқий олмаган сатрларни баланд овоз билан шоирона қилиб ўқиб берди.

Шайх ўзини йўқотиб қўйди. Ундаги улуғ зотлик аломатлари бирданига ўчди. Негадир унинг бирдан йўтали тутиб қолди. Ҳамид тобора овозини баланд қўйиб ўқиди, чол эса ўчакишиб, шоир овозини эшитмаслик учун яна ҳам қаттиқроқ йўталар эди.

Ҳамид ўзини тутиб туролмади. У қотиб-қотиб кулар экан:

— Сўфи шеъри изгириндан шайх ота шамоллаб қолдилар,— деб китобни шайхга узатди. Авлиёларга ҳурмат билан қаровчи Фозил ака шайхнинг ноқулай аҳволда қолганини кўриб, хижолат тортди. Эндиликда, Фозил ака қаршисдаги авлиёлар сирини сақловчи

шайх, бир алдоқчи бўлиб чиққани маълум бўлиб қолгандек эди. У шайхдан юз ўгирди-да, этигидаги чангни қоқди.

«Қадам жой» зиёрати тугади. Жўнашимиз керак эди. Биз дулдул туёғининг изи «қадам жой»га яна бир-бир назар ташлаб, ҳазрат Али «қадам жой»ини кўрсатаман деб ўзига ташвиш орттирган чол билан хайрлашар эканмиз, Фозил ака:

— Шайх садақалар билан кун кўради,— деб ҳамёни-ни ковлади...

Шайх ҳам одатдаги гадолар сингари садақани жон деб олар, дарҳол дуога қўл очар деб ўйлаган эдим, мен ўйлагандек бўлмади.

У Фозил ака узатган тангадан жиркангандек қўлини силкиб:

— Ҳазратимга атаганларини «қадам жой»га қўй-синлар,— деди.

Фозил ака чақасини дулдул «изига» ташлади. Шайх қўлини очиб, лабларини пичирлатиб «дуо» қилди-да, юзига қўл тортиб, узун соқолини силаб қўйди.

Биз аравага чиқиб ўтирдик. Арава одатдагидек ғирчиллаб, ғилдираклари тошларга урилиб, тебрана-тебрана юриб борарди. Шайх ҳувиллаган бўшлиқда серрайиб узоқ вақтгача бизнинг қорамизни кузатиб турди. Биз тоғ камарига киришимиз билан чол садақани чўнтакка уриш учун ўзини чолдевор ичига олган эди.

— Фозил ака, шайх авлиёга кўрсатаётган хизмати эвазига кўп пул тополмаса керак, нима дедингиз?— деди кулиб Ҳамид.

Фозил ака жавоб бериш ўрнига хўрсиниб нафас олди. Ким билади, бу кексайиб бораётган деҳқоннинг миёсида бир-бирига қарама-қарши бўлган фикрлар эҳтимол курашаётгандир...

* * *

Замоннинг зайли, фалакнинг гардиши дегандек Деҳқонбойни мен Ватанимиз халқимиздан жуда катта мардлик талаб қилиб турган кунларда — Улуғ Ватан уруши фронтида учратдим.

Жуда кўп совет кишилари сингари Деҳқонбойнинг ҳам эғнида шинель, қўлида милтиқ бор эди. Окоплардан эмаклаб, дарёлардан сузиб, душман танкларини ёнди-

риб, урушнинг мингларча километрини жанг билан босиб ўтганлар сафида бизнинг Деҳқонбой ҳам бор экан.

Подполковник Добровольский билан енгил машинада борардик. Кеча ҳаддан ташқари қоронғи. Фақат тажрибали, фронт шаронтига ўрганган шофергина бундай қоронғи тун қаърида йўлни, манзилни тахминлаб топиб бориши мумкин эди. Шофер машинасини дарё қирғоғига яқин қалии ўрмон ичидаги тор йўлдан ҳайдаб борарди. Бу йўл тоғни тешиб ишлаган тунелни эслатарди. Ўрмон гўё чексиз ва поёни йўқдек туюларди. Биз тўхтовсиз юрардик. Бир вақт қоронғилнк ичида ўт ялтираб қолди. Қайси тилда сўзлашаётгани аниқ бўлмаган одам овози эшитилди. Мен на ўт тўғрисида ва на эшитилаётган одам овози тўғрисида подполковникдан бир нарсасўрамадим. Ўрмоннинг ўзига хос сирлари бор, фронтда эса ҳарбий сир ҳар кимдан ҳам сир тутилиши керак.

Бир қисмга бориб етганимизда жангчиларга «Мардлик» номли кино кўрсатилаётган экан.

— Ишингиз ўнгидан келди, капитан,— деди менга подполковник,— бу ерда ҳамшаҳарларингиз кўп экан.

Мен кино тамом бўлишини кутдим. Гарчи бу фильмни олдин кўрган бўлсам-да, вақтни бекор ўтказмаслик учун яна кўрмоқчи бўлдим.

Томоша тугади. Мендан нарироқда кимдир ўзбек тилида:

— Деҳқонбой, юр кетдик,— деди.

— Кетдик, яна кино кўрсатишмайди-ку,— деб жавоб берди шериги.

«Деҳқонбой! Водилдаги Деҳқонбой бўлмасми, тагин!»— деб ўйлаб Шоҳимардон сафари эсимга тушди.

Мен жангчиларга яқинлашиб бориб:

— Деҳқонбой,— деб чақирдим.

Бир жангчи аланглаб, ҳайрон бўлиб:

— Ҳа, мен,— деди.

Кўришдик, мен унга Водилни эслатдим. Қучоқлашиб кўришдик.

Жангчилар ўз ҳамшаҳарлари ҳарбий мухбирни кўриб қувонсалар, менинг қувончим уларникидан ҳам ортиқ эди. Ўзбек жангчилари сафида эски қадрдоним Деҳқонбойнинг шердек йигит бўлиб жанг қилиб юриши мени, айниқса қувонтирди.

Йиллар ўтиб улғайган Деҳқонбой ўша болалик чоғидагидек шўх, ҳозиржавоб эди. У улғайган, елкалари

кенгайган, айни навқирон пайти. Деҳқонбой ўртоғи Камолжон Исаев билан мени таништирди. Камолжон жиззахлик бўлиб, сапёр батальонида хизмат қилар экан.

Учаламиз палатка томон юриб борардик.

— Бугунги кечки овқат шакарпалак қовун билан чою уй нони,— деди ҳазиломуз Камолжон.

— Водил шакарпалаклари ўзбек қуёши, Фарғона шабнамида «тарс-тарс» ёрилиб ётгандир. Анжир, анжир-шафтолилар-чи!.. Оҳ, сени кўрармиканмиз Фарғонажон!

— Бунга фақат Фарғонани эслатиб қўйсангиз бас. Бутун кечаси билан ухламасдан Фарғонани мақтайди,— деди бошини чайқаб Камолжон. Биз ўрмонда баланд қарағай ва оқ қайин дарахтлари ёнидан борардик. Буларнинг ҳеч бири Фарғона дарахтларига ўхшамас эди.

Камолжон хиргойи қила бошлади:

Сурма қўймай мунча ҳам жоно қародир кўзларинг,
Ҳар бири жон қасдига боққан балодир кўзларинг.

Деҳқонбой қўшиққа қўшилди, лекин унинг овози Камолжон овозига жўр тушмагач, ўзинча бошқа ғазални, бошқа бир куйда куйлаб:

Ошносидан кечиб бегоналарга ёр-ёр,

деб юборди.

Биз қаҳ-қаҳ уриб кулдик.

— Ҳозир қандай яхши; ўрмон ҳавосини қара-я,— деди ниманидир эсига олиб Камолжон.— Бундан уч йил бурун бу ўрмонда биринчи марта қон тўкилганини кўрган эдик.

— Ўтганини эслаб нима қиласан. Кетганлар қайтиб келмайдн-ку,— деди Деҳқонбой.

— Келмасликка-ку, келмайдн-я, лекин уларни эсдан чиқариш ярамайди.

Мен уч йил бурун бу ўрмонда бўлиб ўтган воқеани айтиб беришни илтимос қилдим.

— Худди шундай ёз кечаларининг бири эди,— деб гап бошлади Камолжон,— концерт кўриб қайтган жангчилар, ухлаш учун палаткаларга кириб кетишди. Якшанбага ўтар кечаси одатда жангчилар кўздан уйқу қочиб ўринда ётиб, ўтган-кетганларни эслаб не вақтгача ухламас эдилар. Ўша кеча ҳам шундай бўлган эди.

Камолжон кўзини юмиб ота-онаси, ёш укалари тўғ-
рисида ўйлаб ётарди. У тез кунда ҳарбий хизмат мудда-
тини ўтаб элига қайтмоқчи. У хаёл сурар экан, кўзини
очиб атрофига назар ташлаб қўярди. Жимлик. Осмон
мусаффо. Палаткада қарағай ҳиди анқир, киши нафас
олиб тўймайди... Элга қайтиб, колхозда бинокорлик
ишини давом эттирмоқчи. Янги уй қуриб уйланмоқчи...

Камолжон шу ширин хаёллар билан тонг пайтда кўзи
илинганда, бирдан чўчиб уйғонади. Унинг ёнида ётган
жангчи қаттиқ қичқириб ўрнидан туради-да, чалқанчаси-
га ерга қулайди.

— Сенга нима бўлди?— деб сўрайди таажжуб билан
Камолжон.

— Нима, ёмон туш кўриб босинқираяпсанми?

Жангчи жавоб бермай, ёш боладек йиғлайди.

Камолжон дарҳол уни кўтариб, қучоғига олади-да,
юпата бошлайди. Шунда қўлига иссиқ бир нарса тегиб
хўл бўлганини сезади.

Бу қон эди...

Палаткада ётган жангчилар ҳам бирин-кетин бошла-
рини кўтариб қарайди, лекин нима бўлаётганини билмай-
ди. Жангчи Қиселёв кўкрагини чангаллаб додлайди-да,
жим қолади. Қўшни палаткада тала-тўполон ва қичқи-
ришлар эшитилади. Камолжон югуриб ташқарига чиқа-
ди, гуриллаб мотор овози эшитилади. Фашист самолёт-
лари ўрмон теиасида учар, пулемётлардан ўқ ёғдирар
эди. Бу воқеа бир минг тўққиз юз қирқ биринчи йилнинг
йигирма иккинчи июнь кунини бўлган эди. Гитлерчи га-
лалар муқаддас тупроғимизга хиёнат билан бостириб
кирган эдилар.

Қўшинларимиз ҳар бир қарич еримиз учун жанг қи-
либ, қон тўкиб Львовдан чекинган эдилар. Бизнинг кў-
чамизда ҳам байрам бошланди. Муқаддас тупроғимиз-
дан фашистларни ғарбга томон қувлаб бориб, яна
Львовни озод қилдик. Қизил байроқни унинг пештоқига
тикдик.

Бу улуғ жангда Камолжон билан Деҳқонбой ўз ўртоқ-
ларига намуна бўлдилар. Буларнинг юзларидаги ғам,
кўзларида ёнаётган ғазаб вақт-вақти билан солдатчаси-
га ҳазил, қочириқ гаплар, аскиялар билан алмашиб ту-
рарди. Айниқса, ҳазилкашликда Камолжон бошқалардан
ўзарди. У гап бошлаганда ҳамсуҳбатларининг кулгидан
ичаклари узулгудек бўларди.

— Ўз еримизни деярли озод қилдик, энди фашистлардан Европани тозалашимиз керак,— деди Деҳқонбой.

Мен Деҳқонбойга Водилпи, чойхонани, Ҳамзаободни яна эслатдим. Солдат юзида ғамгинлик пайдо бўлиб:

— Ҳамза улуғ одам эди. Унинг бир томчи қони азиз эди... Биз Ҳамзанинг қони учун, унинг эзгу орзулари учун яна ҳам яхшироқ жанг қилишимиз зарур,— деди.

— Зарбаларимиздан душман беланги бўляпти,— деб қўйди Камолжон.

— Бу тўғри. Аммо эндиликда душман беланги бўлиб-гина қолмай, ўнгарила олмасин! Бундан кейин у бизнинг муқаддас еримизга бостириб кира олмасин!— Деҳқонбой бир оз жим қолиб, ўйчан кўзларини бир нуқтага тикиб:— Бир вақтлар тўкилган қонимизни кўриб кўз ёши тўкканлар ҳам бўлган эди. Эндиликда ҳар бир солдат мард, зарур бўлиб қолса, ўз азиз жонини аямайди. Ҳамза Ҳакимзода ҳам шундай қилган эди-ку!— деди.

Мен бошимни қимирлатиб Деҳқонбой фикрини қувватладим. Менинг кўз олдимда Водилда кўрганам, кўзлари ёниб турган Деҳқонбой яна қайта бошдан намоён бўлди. Вақтлар ўтиши билан унинг кучига куч, ақлига ақл қўшилиб, енгилмас бир баҳодир, донишманд бир солдат бўлиб қолибди.

Мен улар билан кеч тунда хайрлашдим. Биз яқин кунларда, узил-кесил Ғалабадан кейин Ўзбекистонда учрашмоқчи бўлиб хайрлашдик. Дўстларим ғарб томон йўл олиб, мен жанубга ўтаётганим учун ҳам булар билан яна фронтда кўришарман, деб ўйламаган эдим.

Урушда нималар бўлмайди дейсиз. Орадан бир ой ўтар-ўтмас мен ҳамшаҳарларимни яна учратдим. Деҳқонбой хизмат қилаётган рота жангчилари ажойиб қаҳрамонлари тўғрисида жуда кўп мақтовлар эшитдим.

Гвардиячи полковник Совет Иттифоқи Қаҳрамони Н. И. Завялев қўшилмаси Изманл шаҳричи штурм билан эгаллади. Марғилонлик гвардиячи сержант Юсуфжон Қорабоев, жиззахлик гвардиячи ефрейтор Камолжон Исаев, фарғоналик гвардиячи старший сержант И. Зарипов, Қосонсой районлик гвардиячи старший сержант Ш. Қодиров, қўқонлик гвардиячи старшина М. Маматқулов, самарқандлик гвардиячи старший сержант А. Аҳмедов, водиллик гвардиячи ефрейтор А. Мирзаев ва ўзбек халқининг ўнларча бошқа фарзандлари билан бирликда бизнинг Деҳқонбой Сариков ҳам жанг қилар-

ди. Изманл қалъасига биринчи бўлиб ёриб кирганлар орасида пулемёт расчётининг командири Деҳқонбой ҳам бор эди.

Душманнинг Ясси-Кишинёв группировкасини тугатиш учун бўлган жангда станокли пулемёт расчётининг командири гвардиячи младший сержант Деҳқонбой Сариков гитлерчиларнинг чекиниш йўлини «максим»и ўти билан кесиб, неча юзлаб фашистларни қириб ташлади ва кўпларини таслим бўлишга, асир тушишга мажбур қилди. Деҳқонбойнинг жангларда кўрсатган ботирлиги ва маҳорати учун қўмондонлик уни «Қизил Юлдуз» ордени билан мукофотлади.

* * *

Биз яна хайрлашдик. Уруш, жангу жадал давом этарди. Днестрнинг нариги томонида жанг қизиб кетди. Қўшинларимиз ҳужумини тўхтатиш мақсадида душман дарё кўпригини портлатди. Сапёр Камолжон унинг жанговар дўстлари душман ўти остида кўприкини тиклаб, қўшилмани ўтказиб юбордилар. Камолжон ана шу жанговар операцияда дайди ўқнинг қурбони бўлди. Деҳқонбой Сариков ҳалок бўлган дўсти учун ҳам жанг қилди, у етолмаган маррага ҳужум қилиб етди.

Бизнинг қўшинларимиз Белградга яқинлашиб қолган эди. Худди шу шаҳар девори яқинида Деҳқонбой қаҳрамонлик мўъжизасини кўрсатди.

Белград учун бўлган жангда немис фашистлари қутуриб қаршилик кўрсатарди. Белграднинг шарқи жанубий томонида Пожаровец номли унча катта бўлмаган бир шаҳар бор. Гитлерчилар шу жуда қулай плацдармдан туриб, бизнинг маррамыз ва ҳужум қилиб бораётган қўшинларимизни тўп ва пулемёт ўқиға тутмоқда эди.

* * *

Деҳқонбой хизмат қилаётган ротанинг командири гвардиячи старший лейтенант Сухачев Деҳқонбойни олдига чақириб:

— Ўз расчётни билан меннинг ёнимда бирга бўласан!— деб буйруқ берди.

— Буйруғингизни бажараман!— деб жавоб берди Сариков.

Старший лейтенант траншеядан бошини хиёл чиқариб:

— Ана қаранглар-а,— деди дарё қирғоғини кўрса-тиб,— немислар қарши атакага ўтмоқчи, бунинг учун улар кўприкдан фойдаланмоқчи. Уларнинг кўприкка етишига сира имкон бермаслик керак!

Сухачев билан Деҳқонбой ҳали эгилиб ҳам улгурмаган эдилар, немис снарядлари бири-кетини учиб келиб, траншеядан йигирма метрча нарида ерни ларзага келтириб портлай бошлади. Портлаш билан осмонга тупроқ кўтарилар, атрофини қуюндек қуюқ тўзон қоплаб оларди.

— Қани бошладик!— деди қисқа буйруқ бериб Сухачев.

Деҳқонбой командир кўрсатган нуқтага қараб югурди. Унинг орқасидан Еременко, Ҳусайнов ва Лешенколар станокли пулемётни ўрнатиб, ўзлари биқиниб ётдилар.

Немислар тўп ва миномётларни ишга солиб, бизнинг маррамизни ўтга тутиб туришдан фойдаланиб, кўприк томон ҳаракат қила бошлади. Бир взвод немис автоматчилари ерга ёпишиб, кўприк томон ўрмаларди. Немислар кўприк яқинида қизилларнинг ўт позицияси бор деб, хаёлига ҳам келтирмаган эди.

Деҳқонбой душман автоматчилари ҳаракатини кузатиб, Сухачев командасини кутиб турди. Немислар бизнинг траншеяда ҳукм сураётган сукунатдан жони кириб, ҳайиқмай кўприкка томон югурди. Деҳқонбой «Максим»ни сайрата бошлади. Немис автоматчилари кесилган буругдек ерга қулаб туша бошлади, атиги тўрт фашист орқасига қараб қочди. Бироқ Деҳқонбой пулемёти биринчи қадамдаёқ уларни ҳам ер тишлатган эди.

Лаънати душман батареяси бу ўт нуқтасини фаҳмлаб қолди ва бутун тўп ўтини пулемётчилар устига тўка бошлади. Харсанг тош атрофига ёғилаётган снарядлар, дўлдек сачраётган снаряд парчалари Сариков расчётини шошириб қўйган эди.

Гитлерчилар яна атакага ўтди. Деҳқонбой уларни кўприк яқинига келтириб яна «максим» ўқи билан «зиёфат» қилди. Атрофда снаряд ўқи портлар, чанг-тутун қўшилиб, киши нафасини бўғар, қасир-қусур қўлоқни битирарди. Сариковнинг кўзига фақат кўприкнинг шакли аранг кўринар, у пулемёт оғзини кўприкка қаратиб ўт очарди. Деҳқонбойнинг чап оёғи қарахт бўлиб қолди.

— Ҳусайнов, Ҳусайнов,— деди Деҳқонбой диққатини кўприкдан олмай.— Негадир оёғим кесак бўлиб қолди.

Ҳусайнов қайрилиб қаради ва снаряд парчаси титиб юборган Сариков этигига, юлиниб кетган болдирига кўзи тушди. У ўртоғининг қўлидан пулемётни олмоқчи эди, Сариков қўлини пулемётдан олмасдан кўприк томон ўқ узишни давом эттираверди. Яраланиб ҳам жанг қилиб турган Деҳқонбойнинг бошига мина парчаси келиб тегди. У нима бўлганини пайқамай, тишини тишига қаттиқ босиб, бутун кучини қўлига йиғиб «максим» тепкисини босди, лекин бошидан оқаётган қон кўзига қуйилди ва пулемётни қучоқлаганича жим қолди, унинг олов юраги уришдан тўхтади. Баҳодир йигит ҳали совимаган қўли билан пулемёт дастасини маҳкам сиқиб олган эди. Ҳусайнов қийналиб пулемёт дастасини унинг қўлидан олди.

* * *

Меп водиллик қаҳрамон қони тўкилган ерда, унинг жанговар дўстлари Зарипов, Мирзаев, Ҳусайнов, Мадраҳимов, Еременко, Мухторов ва рота командири Сухачевлар билан яна қайта учрашдим. Қаҳрамон қабри ёнида туриб унга бошимни эгдим.

Кеч куз. Сербларнинг кузи ҳам худди бизнинг Ўзбекистон кузига ўхшаш сокин ва ёқимли, серқуёш бўлар экан. Қаҳрамон танасини беркитган тупроқ уюми устини гулчамбарлар қоплаган. Бу гуллар қабр устида ҳамон яшнаб турарди, чунки серб ватанпарварлари нажоткор солдат қабри устига ҳар куни деярли гулдаста қўйиб турардилар. Гул тагидаги катта мармар тошга серб тилида қуйидаги сўзлар ўйиб ёзилган эди:

«Сталинград — Пожаровец. Слава палимимунацина ослободнацима.»

Вақт ўтиши билан одамзод қилган кўп ишлар унутилганидек, вақт ўтиши билан мармар тош ҳам емирилади. Вақт ўтар, қаҳрамон қабри устига қўйилган гуллар сўлар, мармар тошга ўйилиб ёзилган хат ўчиб кетар, лекин халқ иши учун, унинг бахти саодати учун тўкилган қон ҳеч қачон унутилмайди. Унинг ҳар бир томчиси ҳам халқ қонида, унинг юрагида сақланади. Халқдек ўлмас ва унутилмас бўлади.

Кўпни кўрган бир мўйсафиднинг қутлуғ хонасида кечадан бери одам оёғи узилмасди. Тўкин дастурхон. Қўнгил сўраш учун келаётган ёр-биродарлар сийрак тортиб қолди. Биз Совет Армияси хизматини бажариб қайтган тўрт нафар йигит ва мезбон ота билан чақ-чақлашиб, гурунғ қилиб ўтирардик. Буларнинг бири — маросимнинг сабабкори шу қутлуғ хонанинг фарзанди. Углининг армия сафида хизмат қилиб қайтишидан ота гоят хурсанд. У тўлқинланиб гапирар, ҳаяжониданми, ҳар қалай юзидан кулги, кўзидан ёши аримасди. Шодлик билан қайғу айнаи бир вақтда эгизак бўладиган шундай пайтлар ҳам бўлади, биз бунинг сирини, отанинг сўзидан билиб олгандек.

— Бош фарзандим фронтда ҳалок бўлган йили ўртоғингиз туғилган эди,— деди меҳмон йигитчаларга армия хизматини битириб қайтган ўғлини кўрсатаркан ота.— Урушнинг отгинаси ўчсин! Не-не норғул йигитларнинг ёстиғини қуритмади, у касофат Гитлер! Тинчликка нима етсин. Шунисига ҳам шукур қиламан, ўртоғингиз акасининг ўрнини босиб қолди. Баъзи ота-оналарга ҳайронман, ўғли армияга чақирилса қандайдир ташвишга тушиб қолишади. Гапнинг ипдаллосини айтганда, армия ота-онадан ҳам яхши тарбиячи. Сизларни кўрган одамлар курортдан қайтганга ўхшайди, бу йигитлар дейишяпти. Армиямизнинг садағаси бўлсанг арзийди. Уч йил нима деган гап. Ҳар бирингиз бир неча ҳунарнинг эгаси бўлиб қайтибсиз. Ҳунари йўқ кишининг мазаси йўқ, ишининг. Ҳа, кулманглар, бахтлисизлар, чироғларим. Нонларинг ёғ, пичоқларингиз қуйруқ устида бўлади. Хўп деяверинглар. Мен бир нарсани билмасдан сўзламайман.

Ота ҳеч кимга сўз бермас, ёшлар одоб сақлаб унинг гапини тинглаб ўтиришарди.

— Замон-замон кимники, техника билганники-ю, илмни эгаллаганники. Мана бу ўғлим тракторнинг қайси хили бўлмасин, ҳайдайверар экан. Колхоз энди механизаторларники бўлиб қолди. Далада қилинадиган ишнинг ҳаммаси машина кучи билан бажарилгандан сўнгра, кетмончига, теримчига, ҳашарчиларга иш қолармиди.

— Мен ҳам шу машинада пахта терсам, деган ниятдаман.

— Ниятинга ет, ўғлим.

Шу чоқ бир тўда ёш болалар қувалашиб киришди. Улар кўкракларига олтинсимон медаль тақиб олган солдатларга қувонч ва фахр билан тикилиб қолишди. Тийрак бир бола армиядан кеча қайтган йигитнинг ёнига ўтириб медалини томоша қила бошлади. Унга отанинг ҳам назари тушди. Фашизм устидан қозонилган ғалабамизнинг 20 йиллигини нишонлаб чиқарилган бу медаль отага катта ўғлини эслатди.

...1941 йил. Декабрнинг бошлари. Немис босқинчилари Москва оstonасига қадалиб олишган. Оч бўридек қутуриб, мудофаамизни ёриб шум ниятига етмоқчи. Москвага кирмоқчи.

— Йўқ! Йўқ! Мақсадингга етолмайсан! Жонажон Москвамиз оstonасидан ҳатлаб ўтиш сенга насиб бўлмайди! Чучварани хом санабсан, йиртқич!

— Немис-фашист босқинчиларига ўлим! Ўлим! Яна ўлим!

Бу совет халқининг идоси, ҳукми эди. Фронтларда, фронт орқасида ана шу хилдаги кайфият, якдиллик, ҳамжиҳатлик, Ленин партиясига, Советлар ҳокимиятига содиқлик ҳукмрон эди.

Ана шу оғир кунларда ота билан танишгандим. Тошкентга яқин ерда биз ишчи батальон кучи билан янги завод қураддик. Майор Септурин, капитан Бурнашев, лейтенант Маҳмудов, Тўраев ва мен батальонда сиёсий раҳбар бўлиб хизмат қилардик. Қурилиш кеча-кундуз давом этарди. Завод корпуслари ҳали тикланиб битмасдан станоклар қуриб, қуюв цехини ишга солиб юборгандик.

Немис-фашист қузғунларининг Москвага ҳужуми тўхтатилиши билан заводимизда катта митинг ўтказилганди. Шонли Қизил қўшинимиз чекинишни бас қилди, бу хабар халқимизга янги умид ва ғалабага мустаҳкам нишонч тугдирганди.

Ҳа, душман ёвуз ниятига етолмади. Яшин тезлигидаги плани пучга чиқди. Ҳужумкорликдан воз кечиб, мудофаага ўтиб олди.

Заводимизда ўтаётган митинг руҳи баланд. Москва оstonасида ҳужумга тайёрланаётган қўшинларимизга керагича қуруллар етказиб беришга қасамёд қилдик. Ана шу митингда ота ҳам сўзга чиққан эди. Қизил қўшинига зафар тилаб, ғалаба учун қанча қурул-яроғ керак

бўлса етказиб беришга рота номидан қасамёд қилган эди. Икки иш бир вақтда бажариларди. Завод қурилиб, айти вақтда қуруллар тайёрланарди. Уша вақтда отанинг ёши 50 ларга яқинлашган. Ташаббускор, хушфёъл, дилкаш, хушчақчақ одам эди.

Москва остонасида қўшинларимиз ҳужумга кўтарилгандан бир ҳафталар кейин доим хушчақчақ юрадиган отанинг бирданига кайфи бузилиб қолди. Ўртоқлари ташвишда, унинг чеҳрасига тушган ғам соясининг боиси нима эканлигини билолмай доғда эдилар. Ота бўлса ҳеч кимга сир бермасди.

Сиёсий раҳбар, ҳар бир жангчининг аҳвол-руҳидан хабардор, унинг шодлик ва қайғусига ҳамдард бўлиши керак. Мен отанинг кўнглига йўл топиш, ғамгинлик сабабини билиб, керак бўлса ёрдам бериш учун қилмаган илм-амални қолмади. Ниҳоят, ота туморча қилиб букланган учбурчак қоғозни гап-сўзсиз менга узатди.

Ҳайҳот!.. Хатга кўз югуртирдим-у, бошимдан ҳушим учди. Отанинг ўгли Москва остонасида ҳалок бўлибди... Бу ёғини эшитинг; қора хат келган куннинг эртаси ота аёлининг кўзи ёриб, ўғил кўрибди.

Бир вақтда содир бўлган икки воқеанинг зид руҳи мен ҳам эсанкиратиб қўйди. Айти бир вақтда отани табриклашим ва огир қайғусига ҳамдард бўлишим керак. Зийрак отанинг матонатига аша ўшанда қойил қолгандим. Мен унга тасалли беришим керак бўлгани ҳолда у мен юната бошладди:

— Ўртоқ лейтенант! Руҳни тушириш ярамайди. Ўз оти билан уруш! Урушда кимдир ўлади, кимдир... Ҳар ҳолда ўғлим бескорга ўлмабди-ку! Москвага кирмоқчи бўлган қотилнинг йўлини тўсибди. Ўз кўксини душман ўқига қалқон қилиб, Москванинг сақлаб қолинига қопи-жопи билан ҳисса қўшибди-ку! Раҳмат, сенга, ўғлим! Отанг сендан мингдан-минг рози. Сен мен учун ўлганинг йўқ. Сенга ўхшаган фарзандларни ким ўлган деса хато қилади, номларингиз тошга битилган хатдек машгу яшайди.

— Медалини менга беринг-чи, ўғлим,— деди ота.

Йигитча иргиб ўридан турди ва отага медалини берди. Ота медалга узоқ тикилди. Сўнгра секин гапира бошлади:

— Ўн-ўн йигирма. Икки ўн ўртасида Қизил Юлдуз. Фашизм устидан қозонган ғалабамиз йигирма йиллиги-

нинг нишони. Қизил аскар ўртоғинг айтмоқчидай бу медалнинг қадр-қиммати баланд. Уни эъозланг. Москва ҳимоячиларидан панфиловчилар тўғрисида ҳеч нарса эшитганмидинг?

— Эшитгандим,— хомуш жавоб берди ўғли.

— Юртимизнинг юраги Москвани душмандан ҳимоя қилиб, тенгсиз жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлган панфиловчилар қонига ўз акангининг қони ҳам қўшилган. Бу медаль шундай қаҳрамонлардан ёдгорлик.

— Бу медалнинг қадр-қимматини тилло билан ҳам ўлчаб бўлмайди, ўғлим! Москвадан Берлингача чўзилган қонли жанг майдонларида қурбон бўлган миллион-миллион ака-укаларимизнинг унутилмас хизматлари шу ғалаба медалида мужассамлашган!

Ота медални рўмолчаси билан артди. Сўнг йигитнинг кўкрагига тақиб қўйди.

— Бу медаль одамлар бахти деб қурбон бўлган миллионлардан хотира бўлади. Кўз қорачиғингдек эҳтиёт қилиб сақла. Қани, менинг гапимни такрорла-чи!

— Кўз қорачиғимдек эҳтиёт қилиб сақлайман.

СНАЙПЕР

Ёз ойи эди. Старшина Зайбаджонов снайперлар взводига касби шофёр ўспирин йигит Низомиддин Худойбердиев келиб қўшилди.

Бу воқеа унчалик сезилмасдан ўтди. Зайбаджонов взводига кўпинча келиб қўшилган одамлар бу ерда снайперлик санъатидан таълим олиб, қўл ва кўзларини пиши-тиб жангнинг илғор сафига жўнар эдилар.

Бошқа жангчилар қатори Худойбердиев ҳам таълим ола бошлади. Вақт ниҳоятда нозик, узлуксиз жанг давом қилар, бизнинг қўшинларимиз исканжасида қолган душман контратакага ўтар, ҳар бир маррада мустаҳкам жойлашиб олишга ҳаракат қилар эди.

Учинчи кун дегадда Низомиддинни старшина Зайбаджонов ўз олдига чақириб деди:

— Сизнинг кўзингиз ўткир, сержант. Сизга амалий бир топшириқ берсак нима дейсиз?

— Тайёрмам, ўртоқ гвардиячи старшина.

— Сержант Қозлов билан бирга борасиз. Топшириқдан унинг хабари бор.

— Хўп бўлади!

Икки снайпер бутун туни ўзларига хандақ қазидилар. Маълумки, бу осон иш эмасди. Яширинишдан ташқари, ниқобланиш ҳам керак, токи, ҳеч кимса снайперлар борлигини пайқамасин. Эрталаб ҳамма нарса тайёр бўлди.

Осмон ёришиб тонг ота бошлади. Снайперлар яширинган хандақчага яқини тош йўл, унинг нарёғи буғдойзор эди. Кечаси қоронғида кўринмаган бўлса, ҳозир бу бўзариб келаётган тонгда кўзга аниқ кўрина бошлади.

Тонг отиши билан йўлда қатнов ҳам бошланди. Турнақатор бўлиб немис обозлари ўтиб борар, устларига кулранг брезент ёпилган бурни тўмтоқ юк машиналари тарилларди.

Козлов ўспирин снайпер ўзини қандай тутаётганини кузатиб турарди. Ҳамма нарса тайёр бўлганидан кейин Низомиддин ўзи нишонга олиб, снайперлик ишини бажариши керак. Улар биринчи марта, эҳтимол, сўнгги марта бирга бўлсалар керак.

У ерда эса киши ўз ақли билан иш кўриши, ўзингга ўзинг буйруқ бериб, ўзинг бажаришинг керак.

Низомиддин хандақ ичида худди ўликдек қимир этмай ётар, фақат бедор тунларда шамоллаган кўзлари диққат билан йўлга тикилар, бармоқлари ҳаяжон билан милтиқ қўндоғини чангаллаб сиқар эди. У нишонга олиш учун объект қидирарди. Машина шофёрини отиб туширсамки ёки мотоциклчини ер тишлатсамки? Аммо у вақтда тревога кўтарилиб, совет снайперлари ошкор бўлиб қоладилар-ку!

Вақт эса ўтмоқда. Кун чиқинш томон қизариб, кун ёришиб кетди.

Йўлдаги машиналар тезлигини оширди. Бирор минут ичида йўл бутунлай бўшаб қолди, биринчи тўда юк машиналари ўтиб кетди, иккинчи тўдаси ҳали келиб етмаган бўлса керак.

Шу он Низомиддин икки немисни кўриб қолди. Улар йўл бўйида, атрофга аланглаб, шошиб-пишиб борарди. Очиқ жойини ўққа тутиш осон эди.

Зарур тақдирда далаин ҳам, йўлни ҳам ўққа тутиш учун иккала снайпер ҳам автоматларини тайёр ҳолда тунтардилар.

Низомиддиннинг ақли тез ишлар, қандай бўлмасин тезроқ ҳаракат қилиш керак: ҳар секундда йўлда душман машинаси ёки мотоцикли пайдо бўлиб қолиши мумкин.

— Иккитасини ер тишлатаман,— деди шивирлаб Худойбердиев шеригига.— Аввал олдингисини саранжомлайман.

— Кўп шошма,— шеригини тўхтатди Козлов.— Аввал орқадагисини ур, биринчиси қайрилиб унга қараса, сўнгра уни қорага ол. Эплай оласанми?

— Эпларман.

Козлов ҳар эҳтимолга қарши милтигини хандақ четига қўйиб, оптик нишонга қарайди. Лекин унинг эҳтиёткорлиги ортинча эди. Милтиқ қарсиллаб отилди.

Орқада келаётган гитлерчи худди музда сийқангандек сирғалиб кетди-да, қўлини қулочкашлаб, муккаси билан йиқилди. Козлов кутганича олдингиси беихтиёр орқага бурилиб қараган эди, шу он иккинчи ўқ қарсиллади. Немис бир қадамгина ташлай олди. Унинг вазмин гавдаси қулаб, қалин буғдойзор ичига кўмилди.

— Энди бўлди,— деди Козлов операцияга якун ясаб.— Энди ўрмалаб орқага ўзимизникилар олдига қайт...

Старшина Зайбаджонов ёш снайперни мақтади.

— Синов яхши ўтди,— деди сержантга у.— Энди масъулиятли топшириқларни бажараверади. Шунга сиз нима дейсиз ўртоқ Козлов?

— Снайпер чиқади деб ўйлайман.

— Жуда соз. Иш мана бундоқ энди...

Взвод командири Худойбердиев олдига мажақланган танк остига яширинган немис снайперини йўқотиш вазифаси қўйилди.

— Унинг ўша ердалиги номаълум. Аммо немиснинг танк остига яшириниб, ўша ердан туриб ўқ отиши турган гап. Умуман, уни топиб, зарарсиз ҳолга келтириш керак. Операцияни қандай ўтказишни сержант Козлов билан биргаликда ўйлаб кўринглар.

Топшириқни олган снайперлар ертўлага бориб, операцияга тайёрлана бошладилар.

— Ўзинг яхшилаб ўйлаб кўр,— деди Козлов,— мен эса пича дам олволай. Бир қарорга келганингдан сўнг, гаплашамиз.

Инзомиддин ўйга толди.

Унинг чизган режаси содда бўлса-да, лекин анчагина пиншиқ эди. У эски латтадан пилотка ва эски гимнастёркадан қўғирчоқ-жапғич ясади, бу немис снайперни учун бир тузоқ вазифасини ўташи керак эди.

Козлов қўғирчоқни кўрпбоқ кулиб юборди. Жуда ўхшайди-я.

— Солдатнинг ўзгинаси, унга яна бурун ва мўйлов қилинса бас — асл ефрейтор бўлади.

Тунда снайперлар позицияга жўнадилар. Козлов милтиқларни, Худойбердиев эса қўғирчоқни қўлтиғига қистириб кўтариб олди. Белгилапган жойга етгач, улар хандақ ковлаб қўғирчоқни пиқобладилар, кейин эрта-лабгача дам олишга ёнбошладилар.

Эрталаб Низомиддин қўғирчоқни кўтарди, у худди одамга ўхшаб теварак-атрофга аланглади. Аммо Низомиддин уйқусизликдан, қўли толганидан тепалик ортига яширинди.

Барвақт бўлишига қарамай, немис снайпери хушёр эди. У ҳар бир тепалик, ҳар бир бутани диққат билан кўздан кечирарди. Барча жой унга тапиш эди: у танки остида туриб одамларни биринчи кун овлаётгани йўқ.

Мажақланган танк ўқ ўтмас ҳимоячи эди. У ўз қурбонини сабр-тоқат билан пойларди. У снайпер ўқи етadиган чегарада пайдо бўлиши билан немис уни беҳато қулатиб ташларди.

Ўтган кун ва кеча у ҳеч нарса билан тирикчилик қила олмади. Чунки теварак-атроф сув қуйгандек жимжит, жон асари йўқ. Мана, қўққисдан пилотка кийган солдат боши кўриниб қолди. Гитлерчи сергакланди. Немис тепаликка тикилди, солдатнинг ҳаракатини, гоҳо қўли, гоҳо пилоткаси пайдо бўлаётганини пайқади.

Снайпер милтиқ қўндоғига нягини қаттиқ тираб кутди.

Низомиддин қўғирчоқни яна бир кўтариб, дарров хандақ ичига тортиб олди.

— Эҳтиёт бўл,— деди ҳазиллашиб қўғирчоққа.— Немис сенинг пайингда. Нонуштасига яраб қолмагип, тағин.

Козлов кулиб қўйди.

— Интизомсиз жангчи. Интизомни бузгани учун наватдан ташқари икки наряд бериш керак бўлади.

— Менимча ҳам шундоқ,— деди Низомиддин ҳам. Аммо наряд ўрнига отпуск бериш ҳам мумкин, майли дам олсин.

— Қаршилик йўқ,— Козлов яна кулиб, эҳтиёт бўлиб окопдан қаради.— Кўтар уни баландга.

Худойбердиев усталик билан ясалган таёқча билан

қўғирчоқнинг қўлини аста кўтарди. Қўллар хандақнинг қирғоғини ушлаб олгандек бўлди. Кейин бошини, сўнгра елкасини кўтариб, тепаликка чиқди. Бу ерда у дўнгликка қулайроқ ўрнашиб ўтириб олишга уринган бўлди, кейин бамайлихотир теварак-атрофга аланглади. Йироққа қараган одамдек ўнг қўли билан кўзини офтоб нуридан тўсди.

Низомиддин қўғирчоқни «ўйнатаётган» маҳалда Қозлов танкни кузатди. Шубҳали ҳеч нарса пайқамади. Бир ёнбошга қийшайиб қолган танк далада ўликдек ётар эди. Орадан бир-икки минут ўтди. «Наҳотки немис пана жойни ташлаб кетган бўлса? Демак, Худойбердиевнинг бутун уриниши беҳудага кетибди-да,— ўйлади Қозлов ва шу он дўнгликка бошини қўйиб ерга қапишиб олди. Танк остида кўкиш тутун кўриниб, ўқ овози жимликни савалаб ўтди.

Ўқ қўғирчоқнинг кўкрагини тешиб ағдариб кетди.

Худойбердиев билан Қозлов нафасларини ичга ютиб, мажақланган танкдан кўз узмадилар. Улар немис снайперининг панадан чиқишини, ҳеч бўлмаса бош суқиб қарашини пойладилар. Аммо, у ўзини ҳеч билдирмади. Тажрибакор «овчи» яширинган ерида қурбонини кутаверди. У хандақда яна бирор кимса бор-йўқлигини, иккинчи кимса бош чиқариб қолишини билмоқчи эди, шекилли. Аммо ҳеч ким бош чиқариб қарамади.

«Ўлдирилган жангчи» дўнглик устида ёлғиз чўзилиб ётар эди.

Кутавериш тинкалар қуриди. Жазирама иссиқдан ҳамма ёқ дим бўлиб кетган. На шабада ва на соя жой бор. Худойбердиев билан Қозлов хандақни чуқурроқ қазиб навбати билан пойлоқчилик қилишди. Бундай иссиқда қўл беихтиёр сувга чўзилар, муздек сувдан қўлингни узиб олгинг келмасди.

Улар шу куйи қуёш ботгунча ўтирдилар. Немис эса очикликка чиқмади. Салқин танк ости унинг учун қулайга ўхшарди.

— Бу ерда бир ҳафта ўтирсанг ҳам ҳеч нарса чиқмайди,— деди Низомиддин хафа бўлиб.— У базўр папиросини чекиб ухлаб ётгандир. Биз эса офтобда куяяпмиз.

— Снайпернинг ҳаёти шунақа-да ўзи,— далда берди Қозлов дўстига.— Сабр-тоқат қилиб пойлайвер.

Аммо узоқ кутишга тўғри келмади. Дала устини қо-

ронгилик қоплаши билан гитлерчи танк остидан чиқиб, теварак-атрофга назар ташлади, кетмоқчи бўлди. Шунда уни Низомиддиннинг ўқи ер тишлатди.

Ёш снайпернинг иккинчи операцияси ҳам тугади.

Офтоб чиқиши билан кун бошланади, дейдилар, аммо ҳамма кун ҳам бир-бирига ўхшайвермайди. Худойберднинг кунлари шундай бўлди. Икки операция енгил ўтди, учинчиси эса...

Учинчисидан у роса қийналди.

— Олти кеча-кундуздан бери йиртқични қидириб изини ҳам топа олмайман. Айёр тулқига учрадим-да!

Взвод командири старшина Зайбаджонов ўспирин снайпернинг гапини охиригача тинглаб жилмайиб қўйди.

— Қизиққон экансан, сержант. Айёр йиртқич овчининг ҳидини узоқдан сезади. Унга ниҳоятда усталик билан ҳеч овоз чиқармасдан яқинлашиш керак. Тушундингми?

— Тушундим,— Низомиддин маъюс жавоб қилиб, гарданини қашиб қўйди.

Немис корректившиги бизнинг позициямизга яқин ерга ўрнашиб олиб, тўп отиб турарди. Уни зарар етказмайдиган ҳолга келтириш керак эди. Худойбердиев корректившикни олти кун излаб топа олмади. Ниҳоят, взвод командири билан маслаҳатлашиб, уни яна қидириб кетди. Булутли, қоронги еттинчи кеча бошланди.

Низомиддин жой шароитига қараб бетараф зонага, душманга яқин ерга кириб олди. У қирнинг чап томонида ўсиб ётган баланд дарахтга яқинлашмоқчи бўлди. Шу дарахт тепасидан корректившик бизнинг қўшинлар турган ерни кузатаётган ва шу ердан немис команда пунктига сигнал бераётган бўлса керак. Корректившик учун яқин-орада бошқа қулай тепалик йўқ эди.

Низомиддин тепаликни, буталарни айланиб ўрмалаб борди. Мақсади — эрталаб уни яхшилаб кўриб олиш, қалин барглار орасидаги одамни топиш учун иложи борича дарахтга яқинлашиш керак эди. Аммо мақсадга олти юз метрча қолганда тўхтади ва нафасини ичга ютиб қулоқ солди. Душман томондан тун сукунатида зўрға илғападиган товуш эшитилди: ё ўт-ўлан шовиллади, ё тош шарақлади. Снайпер бир-икки минут кутди. Товуш такрорланди. «Яна яқинлашиш эса хатарли,— деб ўйлади Низомиддин,— немис айғоқчисига дуч келиб қолиш мумкин». У чалқанча ётиб, дам олди. Сўнгга ниқоб-

ланиш учун қулай бўлган кпчик бир тепаликда хапдақ қазиди, энди еттинчи кеча бошланган эди.

Тонг ёришмоқда. Эрталабки шабада ўт-ўланлар устида сайр қилар, буталарни эгиб шовиллатар эди. Совуқ авж олар. Бундай пайтда доим солдатга ёпишадиган мудроқни Низомиддин ҳам ўзидан қувмоқда эди. Увишган танасини ёиш ва уйқуни ҳайдаш учун кўзларини ишқалаб, бир печа марта ҳаракат қилди. Тонг маҳални қўлдан бой бериш — барча операцияни барбод бериш демак эди. «Ўзингни қўлга ол! — ўзига-ўзи дўқ урди снайпер. — Ухлаш ҳеч мумкин эмас».

Осмон ёришгандек. Ним қоронғида Низомиддин кузатган дарахт булутли кунда кўзга аниқроқ чалина бошлади. Шундай! Дарахтнинг танасини ушлаб турган шохлар кўриниб қолди. Шохлар шабадада аста чайқаларди.

Низомиддин ғилофдан дурбин олиб дарахтни кўздан кечира бошлади. Танаси сербар, силлиқ, немислар турган ерга қараб тепалик сари авж олиб кетган.

Бу кўм-кўк тўсиқ ортига бир кишигина яширинмайди, коррективрошник эса бемалол ўтиб юра беради, уни ҳеч кимса кўрмайди.

Осмон юзидан яна бир пардасини олиб ташлади. Тонг ғира-ширасида буталар ортидаги тепалик аниқ кўрина бошлади. Энди дарахт Низомиддинга бошдан-оёқ аниқ кўринарди. Дурбин ойнасида аллақандай доғ пайдо бўлди. Бу доғ шабадада чайқалган буталар сингарни дам кўтарилиб, дам пасайиб, у томондан бу томонга бориб келар эди. У дарахтга яқинлашиши билан тошдек қотди.

Низомиддин дурбинни тўғрилаб зўр бериб тикилсада, ҳеч нарса пайқамади. «Бир имиллаб тонг ёришяптики! — хафа бўлиб ўйлади снайпер. — Немис шохлар орасига яшириняпти, кейин уни ўт-ўлан ичига кириб кетган калтакесакдек ахтариб топ!» Низомиддин хира доғнинг коррективрошникнинг плаши экаплигига ишонч ҳосил қилди.

У янгилишмади. Соя аста дарахт танасига ёнишиб чпқа бошлади. Низомиддин милтиқни тепаликка тираб, нишонга олди.

Ўқ товуши тепалик ортидан акс садо бериб янгради. Доғ худди шамолда синиб тушган қуруқ шохдек дарахт остига тушди. Еттинчи кун немис коррективрошники учун фалокатли бўлди. Команда пунктида унинг сигналинини беҳуда кутдилар. Сигнал берилмай қолди.

Совет Армияси гарбга сари йўл олди. Гвардиячи снайпер Низомиддин ҳам гарбга сари йўл олди. Бизнинг танкларимиз душман мудофаасини мажақлар, тўплар душман ўқ отиш нуқталарини яксон қилар, авиация фашистларни пароканда қилиб ташлар, инёдаларимиз душманини тор-мор келтириб, янги ва янги марраларни эгаллаб, олға ҳаракат қилар эди. Бу қудратли куч ичида совет снайперлари ҳам ўз ўринини ишғол этиб борарди. У душман билан яккама-якка олишар, унинг қуроли фақат милтиқгина эмас, бардош, жасорат, қатъият ҳам эди. Низомиддинда шу сифатлар ҳаммаси мавжуд эди. Бу сифатлар ёш снайперга душман найрангини пайқаб олиши, унинг пайдан бўлишга, керак маҳалда унга зарба беришга кўмаклашдилар.

У чарчамас жангчи эди.

Снайпернинг шуҳрати бизни у ишлаётган қисмга бошлаб келганида биз уни кўра олмадик. Низомиддин «ов»да эди.

— Кутишга тўғри келади, кечгача келиб қолар,— деди взвод командири.— Операция кўпинча бир кеча-кундузга, кечдан кечгача чўзилади.

Биз кутдик.

Бу вақтда Низомиддин кичикроқ бир чакалакзордан ҳар бир дарахт панасига яшириниб, ҳар бир товушга қулоқ солиб аста оралаб кетди. Худди ҳақиқий изқувардек Низомиддин синган шох, этик топтаган ўт, чекиб ташланган папирос қолдигидан душман борлигини пайқади. У энгашиб изни эски-янгилигини синчиклаб кўздан кечирди, яна чарчамай йўлида давом этди.

Низомиддиннинг қулоғи ўткир эди. Агар теварак-атроф тишчилик бўлса, ниҳоятда эҳтиёт бўлиб, бутун вужудини қулоқ қилиб эшитарди. Сукунат. Одатда хавфдан дарак беради. Агар қарғалар галаси ёки безовта қилинган ўрмон қуши Низомиддин томон учиб келаверса, у одам борлигини беҳато топар эди.

Чўчитилган қушлар жимиб, ўз инларини ташлаб қочдилар.

Сукунат ичида снайпернинг қулоғига аллақандай овоз, қумда босилган қадам товуши эшитилди. У теваракка аланглаб, катта тўнка орқасига яширинди.

Бу жойдан ўқдан қўрқмай кузатиш мумкин эди.

Младший лейтенант Сергисенко пастликдан кетаётиб Худойбердиевни кўриб қолди, дарров ётиб олди.

Ўзини билдириб снайпернинг диққатини чалғитмаслиги керак эди, душман эса эҳтиёт чорасини кўриб қўйган бўлиши мумкин.

— Ётибман,— деб ҳикоя қилди кейин бизга Сергиенко,— ўйлайман: Низомиддин чакалакзорда нимани кўрди экан, қаёққа қараяпти? Ўт-ўлан қалин ва баланд бўлганидан тепалик ортидан менга ҳеч нарса кўринмасди. Орадан ярим соат ўтди. Теварак-атроф сув қуйгандек жимжит, душман борлигидан ҳеч қандай нишона йўқ. Андак кўтарилиб, назар ташладим. Худойбердиев ҳамон ўша тўнка орқасида яшириниб жим ётибди. Бардошингга қойил, дедим! Менинг эса, ноқулай ётганимдан бутун вужудим зирқирайди, ёнбошимга тош ботяпти, уни олиб ташлашнинг иложи йўқ, ҳар товуш снайперни чалғитиши, ишни бузиши мумкин. Яна ярим соат ўтди. Дармоним қурий бошлади. Кафтимни ерга тираб, гавдамни секин ўнгга — очиқ томонга бурдим, кейин чакалакзор томонга қарай бошладим. Дарахт кам бўлса-да, лекин қуюқ, серсоя, чангалзор қалин бўлганидан одам бор-йўқлигини билиб бўлмайди. Низомиддин эса милтигини тахт қилиб ҳамон чўзилиб ётибди. Атрофга аланглаб, тошдек қотиб қолдим. Чакалакзор ичида, йўғон қарағай остида тўртта немис ўтирибди. Қўлларида автомат. Секин-секин гаплашишяпти. Афтидан, бировни кутаётган ёки яшириниб дам олаётган бўлсалар керак.

Сергиенко, чакалакзорда вужудга келган мураккаб вазиятни тушунаёппизми-йўқми, билмоқчи бўлиб бизга назар ташлади. Кейин бир оз сукут сақлаб, тушунтира кетди.

— Бир киши тўрттасига қарши! Тағин қанақа денг? Агар иккитасини йўқотсаям, қолганлари шундай тала-тўпор кўтарадики, асти қўявер. Умуман олганда, Низомиддинимиз мураккаб вазиятга тушиб қолибди. Албатта, қорин билан сирғалиб орқага, ўзимизникилар томонга кетишнинг мумкин эди. Аммо снайпернинг вазифаси — душмани учратдингми, нишонга олиб, жанговар ҳисобни оширавериш. Тупрогимизни фашист босиб юрар экан, у билаб бўладиган гап битта, у ҳам бўлса ўқ. Мен нафасимни ичга ютиб кутяпман. Худойбердиев бу вазиятдан қандай чиқиб олар экан? Ҳатто ҳоли нима кечар экан, деб қўрқдим ҳам. Қўриб турибман, милтиқ тепкиси устида бармоқларини айлантириб ўйга толади. Немислар эса бу вақт суҳбатларини тамомлаб, ўринларидан



1. Ёзувчи Назир Сафаров космонавтлар диёри Юлдуз шаҳар-
да. Унгдан чапга: ёзувчи, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Владимир
рлов, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, космонавт учувчи Герман Ти-
и, ҳарбий ёзувчи Надежда Мелагина ва Назир Сафаров. 1972.

туришиб, автоматларини кўздан кечириб қолишди. Сўнгги дамлар эса айниқса жуда даҳшатли эди.

Бизлар Сергиенконинг ҳикоясини тинглар эканмиз, шу ерда ўтирмап ёш снайперга назар ташладик. У чордана қуриб ўтириб милтигининг қўндоғини силар экан, негандр жилмайиб қўяр эди. Ўзи гапиришни истамас, «ўлжалар» сонини санаш билангина чекланди. Ҳозир суҳбат ўзининг жанговар ишларига дахлдор бўлгани учун индамай ўтирарди. Ўз фикрича, шундай бир оддий операция ҳақида младший лейтенантнинг мароқланиб ҳикоя қилиши унга қизиқ туюлаётганга ўхшади.

Аммо бу унчалик оддий операция эмасди. Ўша кеча шу тўғрида фақат штаб ертўласидагина гап-сўз бўлмади. Ёш снайпернинг жанговар муваффақияти ҳақидаги хушxabар бутун бўлимларга тарқалди.

Унинг шаънига мақтов сўзлари ёгилди, унга ҳаваслари келди.

Сергиенко ҳикоясини тугатишдан олдин сигара олиб взвод командиридан тутатиб чекди-да, фронтчиларга хос равишда қуюқ тутун чиқариб, ўйга толган ҳолда, деди:

— Буни гапирган билан бўлмайди, ўз кўзинг билан кўришинг керак. Солдатнинг бутун санъати гўё йўққа чиққандек бўлади. Мен кўз юмиб очгунча бараварига ўн ўқ узилди. Кейин товуш тинди. Чакалакзор эса ҳеч қачон немис қадам босмагандек, сув қуйгандек жимжит бўлиб қолди.

МАРДЛИК ЧАШМАСИ

— Улуғ Ватан уруши йилларида фашистлардан ҳадсиз жафо чекиб, ҳисобсиз қурбонлар берган белорус халқи, мана шу кунларда ғалабанинг йигирма беш йиллигини байрам қилмоқда. Бу байрам Иттифоқимиздаги барча халқлар сингари ўзбек халқининг ҳам байрамидир. Улуғ Ватан уруши йилларида Белоруссия республикасини озод қилиш учун олиб борилган жангларда қатнашганлардан ўзбекистонлик солдат ва офицерларга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилиши билан ҳам фахрланамиз.

Узоқ йили, Белоруссия республикаси бўйлаб ўтказилган ўзбек адабиёти, санъати ўн кунлиги чоқларида бу узилмас дўстлик риштасини яна қам чуқурроқ ҳис қил-

дик. Бу ўн кунликда биз фақат адабиёт ва санъатимизни намоиш қилиш билан чегараланмадик, белорус халқининг ўтмиши ва ҳозир гуллаб яшнаётган турмушига ҳам қизиқдик. Беларус халқи гитлерчилардан беҳад жафо чекди. Шаҳар, қишлоқлари ер билан яксон қилинганди. Лекин республика бўйлаб қилган саёҳатимизда урушдан мерос бўлиб қолган вайроналикни кўрмадик. Қаҳрамон белорус халқи урушнинг оғир оқибатларини тугатибгина қолмай, жаннатсимон диёр: муҳташам бинолар қад кўтарган гўзал шаҳарлар, обод ва бадавлат хўжаликлар бунёд этганликларини кўрдик. Таҳсин, офаринлар айтдик.

Одатда, йиллар ўтган сари ҳамма парса ўзгара боради. Лекин тарих айни тарихлигича қолаверади. Биз шаҳарларда эмас, ҳатто қишлоқларда ҳам музейларга дуч келдик. Экспонатларда белорус халқининг ўтмишини кўрдик. Беларус адабиётининг сўнмас юлдузлари — инқилобчи шоирлар Янка Купала, Якуб Коласнинг Минск шаҳридаги музейларида бўлдик. Якуб Колас туғилиб ўсган қишлоқда музей филиали тантанали вазиятда очилиб, шоир Уйғун оташин сўз айтди ва музей лентасини кесди. Бу ўзбек халқига, унинг адабиётига кўрсатилган катта ҳурмат эди.

Столбци шаҳридаги учрашув айниқса унутилмас бўлди. Беларус адабиётининг машҳур арбоблари — Кондрат Крапива, Петрус Бровкалар бизни Ватан уруши қурбонлари майдонига бошлаб бордилар. Брест — Москва катта йўли юзасидаги баҳаво тепаликда ёдгорлик ўрнатилган. Қурбонлар майдони гул-чечаклар чамани билан гулгун. Ватан уруши қурбонларининг номлари мармартош деворига ўйилиб, зарҳал билан битилган. Академик шоир Петрус Бровка тошга битилган номларга синчиклаб қарар экан, ҳаяжон билан бизни чақиради:

— Дўстларим, бу ёққа келинглар! Мана ўзбек жангчилари.

Кекса шоир ўзбек жангчиларининг номларини баланд овоз билан ўқийди: Р. Нораулов, З. Мухторов, Т. Акбаров, А. М. Мирқосимов, Рустамов, Собиров... Ҳа, қурбонларимиз оз эмас! Биз ана шу қаҳрамонларимиз тўғрисида ўлмас асарлар ёзишимиз керак, дейди куйинчаклик билан белорус адабиётининг ветерани Кондрат Кондратович Крапов.

Биз Брест қалъаси зиёратида бўлганимизда урушга-

ча қалъа гарнизонида хизмат қилган ўзбек аскарлари билан қизиқдик. Муқаддас қалъада партия аъзолигига номзод Раҳим Эшнӣёзов, Муса Сирикбоев, гарнизон снайпери Узоқбой Хўжаев, Фафур Қаримов, Ҳасан Бобоев, Эсон Сулаймонов, Сулаймон Ҳакимов, Мирзақулов, Норматов, Ҳамроев, Аҳмедов, Субҳонқулов, Т. Хидиров, Халиловлар хизмат қилганидан хабар топдик. Бироқ бу ўртоқларнинг ҳозирча бизга фамилиялари маълум бўлса-да, туғилган ерлари, оилалари, тақдирлари ҳамон муаммо бўлиб келиши ачинарли эди. Адабиёт, санъат ўн кунлиги сабаб бўлиб, Белоруссияга отланар эканман, Улуғ Ватан уруши иштирокчиси ҳамюртларимнинг изларини қидиришга аҳд қилгандим. Белорус республикасининг Биховский районида бўлган ҳал қилувчи жангда кўрсатган мардлик ва жасорати учун Ғуломжон Ёқубовга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилган. Бироқ унинг қаҳрамонлик тафсилоти шу кунгача етарли даражада ёритилгани йўқ. Унинг қабри қаерда эканлиги ҳам номаълум эди. Ана шу номаълумликларни аниқлаш мақсадида Биховский районида бордим. Биховский район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Маслаков, район ижроия комитетининг раиси Комар, ҳарбий комиссар Титов ва бошқа ўртоқлар қаҳрамонимиз қабрини қидиришда менга ҳамроҳ бўлдилар.

— Ёлғиз биргина бизнинг районимизда 44 ерда ўртоқлар мазори бор,— деб ҳикоя қилади Маслаков. У мазорларга 6 мингдан зиёдроқ совет кишилари дафн қилинган.

Биз жанг майдони, ўртоқлар мазори томон йўл олдик.

— Бу ўрмонзорга Могучая номи берилишининг ҳикмати нимада?— сўрадим ҳамроҳларимдан.

Ҳамроҳларим «жавоб қиласизми» деган маънода бир-бирларига қарашдилар. Ҳеч кимдан садо чиқавермагач, Биховский район партия комитетининг биринчи секретари Анатолий Васильевич Маслаков деди:

— «Могучая» деб номланишининг сабаби, бу ўрмоннинг «поёнсиз»лиги бўлса керак. Ёлғиз бизнинг райондаги ўрмон 140000 гектарни ташкил қилади. Гап бунда ҳам эмас. Сизнинг ҳамшаҳарингиз — Ғуломжон Ёқубов «Белоруссия» ҳамда «Дзержинский» колхоз ерлари туташган мана шу тепалик учун бўлган жангга бошчилик қилиб, қаҳрамонона ҳалок бўлган.

Мен папкамни очдим. Белоруссия республикаси пойтахти Минскдаги архивдан қидириб топганим, капитан Ғулом Ёқубовнинг «Мукофот варақа»сини олиб кўз югуртирдим. Ҳа, бу тарихий ҳужжатда «150,9 тепалик» деган сўз бор. Тепаликда туриб атрофга назар ташладим. Тевараги ўрмон билан қуршалган кўм-кўк кенг сайхон ер. Катта ва сўқмоқ йўллари ҳисобга олмаганда бирон қарич қақраб ётган ер йўқ бу водийда. Арпа-буғдойпоялар, картошказор, «поёнсиз» қалин ўрмон... Ям-яшил ўтлоқларда ранго-ранг чечаклар. Хушбўй қарагайлар ҳиди анқийди. Лоласимон алвон гуллар гўё озодлик қурбонлари қонидан ранг олгандек қип-қизил.

Тепалик тупрогидан бир чимдим олиб кўзимга суртаганим, ҳамроҳларим ҳам буни такрорладилар.

— Сиз анави лайлак уясига эътибор беринг-а,— деди район ҳарбий комиссари подполковник Николай Михайлович Титов.

— Ҳа, бизда ҳам ҳар йили баҳордан кузгача лайлаклар меҳмон бўлиб, сўнг психик иқлим ўлкаларга учиб кетадилар,— дедим мен.

Ҳамроҳларим, бу лайлакда бошқа сир бор, сиз бу сирни Могучаяга бориб биласиз, дейишди. Аммо хаёлим «тил-жағсиз, соқов» ичимдан топ тепаликда. У тепа гўё ҳеч нарса кўрмаган, ҳеч нарса билмайди... Яхшиямки кўлимда «ўтда ёпмас, сувда чўкмас» ҳужжат бор. Бу атиги бир варақ қоғоз. Аммо мазмунига келганда... Бу жанг варақасини тилга кирита олган ёзувчиға ҳар бир сатри улкан жангнома учун бир боб бўлаверади.

Рогачевск номли 169-ўқчи дивизия, 556-ўқчи полkning автоматчилар ротаси командири капитан Ғулом Ёқубов, ўз қуролдош дўсти старший лейтенант Владимир Мартинов командирлик қилган автоматчилар ротаси билан ҳамкорликда худди шу тепалик учун жанг қилган. Днепрнинг ўнг қирғоғи бир вақтлар немислар учун плацдармга айланганди. Ёқубов — Мартинов роталари минг тўққиз юз қирқ тўртинчи йилнинг март-июнь ойларида бу плацдарм учун жанг қилдилар. Ўша йили 20 июнь кўни қўшинларимиз бутун Белоруссия fronti бўйлаб ҳужум бошладилар. Айни шу вақт Ёқубов хизмат қилаётган 556-ўқчи полк Днепрнинг гарб-жанубидаги Лудинца қишлоғи чегарасида мудофаада турарди. Нима қилиб бўлса-да, тепаликни қўлга киритиш, ўнг қирғоқдаги немис плацдармини тугатиш керак эди. Бу оғир вазифа

Ёқубов — Мартиновлар ротаси зиммасига юкланди. Буйруқни бажариш керак. Ўзларига нисбатан бир печабаробар ортиқ бўлган душманга қарши кўра-била туриб жангга киришдилар. Бошқа илож йўқ эди. Хужум тўхтовсиз йигирма соат давом этди. Яшин тезлигида ҳаракат қилиб душманни тепаликдан суриб чиқардилар ва тепаликка ўрнашиб ҳам олдилар. Аммо Гитлер қўмондонлиги бу ғалабага тан бермади. Қанча қимматга тушса ҳам тепаликни қайтариб олишга аҳд қилди. Уч батальонга яқин кучни артиллерия ва миномётлар ёрдамида қарши атакага солди. «Мукофот варақаси»да қайд қилинишига қараганда, Ёқубов ротаси немисларнинг қирқдан ортиқ қарши атакасини қайтарган. Бу қарши атакалар душманга арзон тушмади. 450 дан зиёд солдат ва офицери ер тишлади. 23 июндан 24 июнга ўтар кечаси немислар яна янги куч билан қарши атакага кўтарилади ва ҳар иккала ротани қуршай бошлайди. Роталар эса эгалланган марраларидан бир қарич ҳам чекинмай охириги ўқ, сўнгги нафасгача жанг қилади, мардлик, жасорат кўрсатади. Ғалабани таъмин қилиб, тенгсиз жангда Ёқубов мардларча ҳалок бўлади.

Биз ўртоқлар мозори томон йўл олдик. Лудчица қишлоғи. Днепр соҳилига туташ Могучая ўрмонзори. «Могучая» қудратли демакдир. Ҳа, не-не воқеа ва қонли фожияларга гувоҳ бўлмаган бу қудратли ўрмон... Қучоғида дунё-дунё сир тўла бу ўрмон негадир оғир сукунатда, катта-кичик дарахтлар бош эгиб, сукут сақлаб, гўё бизнинг қалбимизга қулоқ солаётгандек... Бизнинг истиқболимизга чиққан Лудчица қишлоқ аҳолиси, колхозчи аёл-эркакларнинг бошлари эгилган, чеҳраларида алам. Ўртоқлар мозорига юзланганимизда «сири» менга поматлум бўлган яна бир лайлак уяси кўринди. Жанг қилиб қонлари тўкилган майдондаги сингари, абадий уйқуга бош қўйган қабристон тепасидаги дарахтга лайлак уя қўйибди. Одатда, лайлак баҳор билан бирга келади. Улар уяларига қўнар экан, гўё юрт эгаларига тишчилик саломни келтиргандек какирлашиб сайрашади, қанот қоқиб, таъзим қилишади. Шунда болалар кўчаши бошларига кўтариб:

Лайлак келди ёз бўлди,
Қаноти қоғоз бўлди.
Болалар чиллакбоз бўлди,
Қизлар каштаўз бўлди.—

дейишиб қувона-қувона қўшиқ тўқишадилар. Элларда лайлак пайдо бўлиши катта-кичикка бир дунё қувонч, баҳор кирганидан, тинчликдан хабар келтиради, дейдилар. Чунки урушда қурбон бўлган ҳар бир совет кишиси, тинчликсевар одам тирикларга тинчлик бағишлаб жон фидо қилган.

Ўртоқлар мазорига оҳиста қадам ташлаб боряпмиз. Забардаст ясенъ, клён дарахлари қабрларга қуюқ соя солиб, гўё қоматларини эгиб тургандек. Биховский район Днепр соҳилидаги Могучая ўрмонида ажиб доимий шабада эсаркан. Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари — Мартинов, Искалиев, Ғулом Ёқубовлар билан мингларча ватан қурбонлари мангу уйқуда. Қаҳрамонлар қабрига гулдасталар қўйдик. Шундан сўнг Биховский район партия комитети билан район ижроия комитетининг қўшма мажлиси бўлди. Мажлис:

1. Лудчицадаги ўрта мактабни Совет Иттифоқи Қаҳрамони Ғулом Ёқубов номига қўйиш;

2. Ёқубовни Биховский районининг фахрий граждани қилиб рўйхатга олиш;

3. Яқин орада Ғ. Ёқубовнинг қабрини тиклаш;

4. Қаҳрамонлар қони тўкилган «150,9 тепалик»ка ёдгорлик ўрнатиш тўғрисида қарор қабул қилишди. Белорус ўртоқлар бу тадбирлари билан Ёқубовнинг ҳамюртларини беҳад хурсанд қилдилар.

Қардош белорус халқи Ватани озод қилинган куннинг XXV йиллигини байрам қилаётган шу хушнуд дамларда, фашизм устидан қозонилган ғалабасидан, куйган, вайрон қилинган шаҳар-қишлоқларини тиклаб, озод ҳаёт қуриб яшнашидан ғоят хурсандмиз. Ватан учун, социалистик ҳаёт ва бахтиёр келажак учун жон фидо қилганларни шарафлаймиз. Меҳнатсевар, истеъдодли белорус дўстларимизнинг шоп-шуҳрат тўйларини қутлаймиз, муборакбод қиламиз.

1969 йил, 30 июнь.

* * *

Сиз ўқиб турган лавҳа Белоруссияга қилган сафаримнинг биринчи меваси эди. Бу лавҳа отахон газетамиз «Совет Ўзбекистони» саҳифасида эълон қилиниши билан газетхонлардан кўплаб мактублар ола бошладим. Бу

мактубларнинг ҳар бир сатрида бир дунё орзу-умидлар мавжи бор.

Ўзбекларда «кетган келади, кетмонланган келмайди» деган мақол бор. Дарҳақиқат, Улуғ Ватан уруши фронтларида фашизмга қарши жанг қилиб зафар қучиб қайтган ғолибларимиз миллион-миллион. Аммо Улуғ Ватан уруши фронтларида душманга қарши мардона жанг қилиб ҳалок бўлганлар ҳам бор. Бирон ишончли хат-хабар йўқлигидан йўқолганлар гўё бугун бўлмаса эртага эшикдан кириб келаётгандек... Жигарбандлари йўлида кўзлари нигорон бўлган оналар, отасиз ўқиб ўсган ўғил-қизлар, фарзанд доғида юрак-бағри қон оталар ҳозир ҳам озми?

Минск шаҳридаги Улуғ Ватан уруши музейида бўлганимда, шундай воқеа рўй берганди: музейга киришда шундоққина чап томондаги экспонатга қўйилган комсомол ҳисобот варақасида Ҳамро Эргашев, Қўшмон Ерматовлар номига кўзим тушди-ю, гўё энг яқин жигарбандларим жасорати кўз олдимда намоён бўла бошлади. Ҳа, Ватан учун жондан кечиш бу улуғ жасорат. Музей экспонатларидаги ҳар бир шахсий қурол, кийим-кечак, партия-комсомол билетлари, ҳужжат-варақалар, орден ва медаллар, байроқ ва суратлар ватандошларимиздан қолган нодир ёдгорлик! Бу ёдгорликларнинг ҳар бирида ажойиб саргузашт, қаҳрамонлик, ватанпарварлик намуналари мужассамлашган! Булар муқаддас-нодир мерос сифатида Ватанга садоқат рамзи бўлиб авлоддан-авлодга ўтиб боражак. «Ватанимиз озодлиги, бахт-саодати йўлида қурбон бўлган қаҳрамонларга шон-шарафлар бўлсин! Еки Белоруссия тупроғини фашист босқинчиларидан озод қилишда кўп миллатли Совет Иттифоқи халқларининг фарзандлари қатнашдилар» деб ёзилган плакатлар қаторида, снаряд ўтида ярми ёниб, саргайган комсомол ҳисобот варақада юртдошим ўзбек номига кўзим тушиши билан менда пайдо бўлган ғурур, фахрланишни кўрсатгич эди. Ярми ёниб, қандай бир мўъжиза билан ярми ёнмай қолган бу комсомол ҳисобот варақаларининг соҳиби, уларнинг тақдири мени қизиқтира бошлади. Комсомол аъзолари Ҳамро Эргашев, Ерматовларнинг ўтмиши, жанги-жасорати тўғрисида ҳикоя эшитгим, улар тўғрисида озми-кўпми маълумотга эга бўлгим, борди-ю, ҳаёт бўлсалар топиб суҳбатлашиб жангномаларини ёзгим келарди. Афсуски, Улуғ Ватан уруши «ин-

валиди» шу иккала ярми куйган тилсиз варақадан бўлак ҳеч нарса тополмадим... Лекин изини топиш, қидириш, дарак солиш керак деган фикр бир минут ҳам хаёлимдан нари кетмади.

Гарчи, орадан чорак аср вақт ўтиб кетган бўлса-да, уларнинг изи топилмади керак! Ахир, улар тинчлик йилларида бирга яшаб, ёнма-ён туриб биргалашиб меҳнат қилган ўртоқлари, қавм-қариндошларидан кимлардир ҳаёт бўлишлари керак-ку! Улуғ Ватан уруши фронтларида қуролдошлик билан орттирган, биргалашиб гитлерчиларни савалашган ўртоқларидан кимлардир буларни таниши, жангномаларини ҳикоя қилиб беришлари мумкин-ку, ахир!.. «Совет Ўзбекистони» газетасида эълон қилинган жангномадан кузатилган мақсад ҳам, аслида шу эди. Мақсадим оз бўлса-да, юзага чиқадиغان бўлди.

Мени адресимга юборилган мактублар изидан, олдинма-кетин мактуб муаллифлари ҳам етиб келишарди. Сухбатлашардим, ном-пешонасиз йўқолганларнинг фамилиялари тўғри келса исмлари тўғри келмасди, ёки ҳарбий хизматга чақирилган йиллари, ҳарбий қўшилма ёки қисмлари, жанг қилган районлари тўғри келмасди...

«...Мен ҳам Белоруссияда жанг қилган эдим. Отим Ҳамро, фамилиям Эргашев. Ҳозир Пастдарғом районидаги Карл Маркс колхозида бригада бошлиғи бўлиб хизмат қиламан», деб «Совет Ўзбекистони» газетасига мактуб йўллабди, Самарқанд областидан бир пахтакор. Шу мактуб мени Карл Маркс колхозига етаклаб борди.

Атрофи қалин дарахтлар билан ўралган соя-салқин ҳовуз бўйида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Карл Маркс колхозининг раиси Жониқул Юсупов мени кутиб олар экан:

— Салом. Ўзиниз ҳам келарсиз, деб ўйлаган эдик. Хуш кўрдик. Хайрият, Ҳамробобо баҳона бўлиб бизнинг азиз меҳмонимиз бўлдингиз,— деб ҳазиллашган бўлди ранс...

— Ҳорманглар, энди, пахта ҳам пишиб қолибди-ку,— атрофдаги гўза пайкалларига нигоҳ ташладим.

— Ҳа, пахта пишди. Бу йил бутун республикада ҳосил яхши. Тўрт миллион тонналик қўр бор. Республика тўрт миллион тонна хирмон кўтаради, деган умиддабиз,— дейди мағрурланиб ранс.

Раиснинг мағрурланишига ҳақи бор. Пахта ўзбек халқининг миллий ифтихори, шон-шарафи. Бойлиги, нон,

оши, қолаверса, интернационал бурчи. Пахта чин маъноси билан «оқ олтин». Халқ хўжалигида нахтанинг тутган ўрни бениҳоя муҳим. Шунинг учун ҳам пахтанинг қадр-қиммати олтиндан ортиқ бўлса борки, кам эмас.

Раис билан оёқ устида суҳбатлашиб атрофдаги пахта пайкаларини томоша қилардим. Бундан икки ҳафтала бурун мовий денгизни эслатувчи поёнсиз кўм-кўк пахта далалари, энди юлдузлари чарақлаб турган осмон гум-базини эслатади. Ғўзалар бўйга уради. Унинг шохларида маржондек чизилган бўлиқ семиз кўсақлар гўё чимматларини очиб жамолни кўз-кўз қилаётган гўзал қизга ўхшайди. Сутдек оқ, муштдек-муштдек момик пахталар киши кўзига нур, дилга шодлик багишлайди.

— Бу пайкалар қайси бригадага қарайди?— сўрадим раисдан.

— Қаҳрамонингиз Ҳамробобога қарайди. Ана ўзи ҳам келиб қолди,— дея биз томон келаётган кишини кўрсатди раис.

Мен Ҳамро Эргашевни ҳозирги қиёфада кўраман деб сира ўйламаган эдим. Елкаси кенг. Шербичим. Кўкракдор, кўксига эса қаҳрамонлик Олтин Юлдузи...

Мен изини топганим қаҳрамоним билан эски қадрдошлардек кучоқлашиб кўришдим.

Август ойн, ўзбек диёрининг яна сўлим бир мавсуми. Мевалари гарқ пишган, орадан кўп ўтмай сўрига ёзилган дастурхон турли-туман мевалар билан тўлиб-тошди. «Шакарпалак», «Умрбоқи» қовунлари, «Қўзибой» тарвуз, ҳусайни, чарос узумлар, анжир, шафтоли, қизил-оқ олмалар...

Раис дастурхонга таклиф қилди. Мен узр сўраб, қаҳрамоним билан суҳбат қилиб, сўнг бафуржа чойга ўтиришимни айтдим.

Мана, Эргашев Ҳамронинг ҳикоясига қулоқ беринг. У нима деган бўлса, оқизмай-томизмай қогозга туширдим.

* * *

Минг тўққиз юз қирқ бешинчи йилнинг ноябрь ойи. Мен тушган вагон ҳарбийлар билан лик тўла. Булар оддий солдат, ефрейтор ва сержантлар. Орамизда биронта ҳам офицер йўқ эди. Россиянинг қаҳратон қиши пайтида

ватаннимизга қайтаётган бу собиқ солдатлар тушган поезд илгари жилган сари Урта Осиёнинг юмшоқ иқлимига кириб келарди. «Юмшоқ» сўзи фақат Россия қишига таққос қилингандагина юмшоққа ўхшаб сезиларди. Қалин қор босиб ётган Қозоғистоннинг поёнсиз чўлини поездимиз босиб ўтиб, олга — Жанубга силжиган сари, қорлар юпқалашиб, совуқ дами кесилиб борарди.

Фронтдан қайтаётганлар ичида тўрт мучали бут норғул йигитлар бўлганидек, майиб-мажруҳлар, қўлтиқтаёқ, ҳасса ёрдамида оёқ босадиганлар, бутунлай оёқсиз, ёки қўлсиз, ҳатто кўз нури оқиб тушган ожизлар ҳам бор эди. Айниқса, кўкрагига гвардиячи нишони ва Ленин ордени тақиб олган, иккала кўзи ожиз ўттиз ёшлар чамасидаги забардаст йигит, ҳаммадан ҳам кўра хушчақчақ, «беғам» кўринарди.

Порохдан қуриб қовжираб қолган кўзларида кўкимтир кўзойнак, куйиб буришиб қолган юзида ўсма ранг сепкилсимон доғлари бўлган бу йигит, ҳамсафарларига тасаллои дил, панд-насиҳатлар қилиб ўтириши негадир меига эриш туюларди. Поезд катта стацияларда тўхтаганда, тўрт мучали соғлар вагондан сакраб-сакраб тушишарди-да, биров папирос, биров қайноқ сув, биров газета-журнал олиб чиқар, бор парсаларини ўртада баҳам кўришиб, бир оила фарзандлари сингари иноқлик билан тун-кунимизни ўтказишардик. Гарчи, атиги бешолти кун бир вагонда истиқомат қилсак-да, «офтобда қатиқ ялашиб» катта бўлган дўстлардек сирдош бўлиб кетгандик. Солдатларнинг кўпчилиги Бухоро, Қашқадарё, сурхондарёликлар бўлиб, ҳаммаси ҳам уруш кўрган жангчи, тўпчи, пулемётчи, автоматчи, алоқачи, сапёр, разведкачи, ҳатто танкчилар ҳам бор эди. Ҳар ким ўз саргузашти, қилган жанги, кўрган шаҳар ва қишлоқлари, қурбон бўлган командир ва қуролдош ўртоқлари тўғрисида куйиб-ёниб, сўзлар, романлардагидек тасвирлаб, ҳаяжон билан ҳикоя қилишарди. Урушгача ўзи яшаб турган райондан ўзга ерни кўрмаган, касб-кори деҳқон, чорвадор, тракторчи ёки монтер бўлган бу йигитлар мана бугун тенгги йўқ жаҳонгашта, голиблар қатори элларига қайтаёттирлар.

— Бу Ҳамро ака деганларингиз, ичимдан топ, гап ўғриси чиқиб қолди-ку!— деди ранжиган бир оҳангда кўзи ожиз танкчи йигит.— Ҳой ака, Сиз ҳам бундоқ ёрилсангиз-чи одам бўлиб, бизларнинг китобимиз тугади,

очинг энди Сиз ҳам китобингизни! Кимсиз, зот-зурриётингиз ким?.. Ҳисобингизда тилини тескари тишлаб қолган нечта фриц бор? Билайлик-да бизлар ҳам. Тўғрими, йўқми?— дея ўз сўзидан ўзи завқланиб қаҳ-қаҳ уриб кулди.

Гапнинг тўғриси, ҳамроҳларим ўз китобларини ўқиб эшиттирганларидан сўнг, бир жиҳатдан Ватан мудофааси учун ҳар бирларининг озми-кўпми қилган ишларидан кўнглим тоғдек кўтарилган бўлса-да, уларнинг ғалабага қўшган ҳиссалари олдида мен қилган хизмат «ҳеч»дек бўлгани учунми, жим ўтирдим.

Ўз танки билан душман зотини абжақ қилган, немис мудофаасини ёриб ўтиб, неча юзлаб жангчиларимиз жонига оро кирган, ўз жонини тикиб бўлса-да, ғалабани таъмин этган, «Болатоп» кўли атрофида бўлиб ўтган жангларда ўлимий пвсанд қилмасдан ёниб турган танк ичидан омон чиқиб, душман устига гранаталар отган чоқда иккала кўзидан ажралган бу шердил йигитнинг қаҳрамонлик китоби олдида, менинг китобчамга йўл бўлсин?! Ёки ҳамсуҳбат ҳамроҳларимнинг кўпчилиги Москва остонасида, Корсун Шевченковскда бўлиб ўтган қирғин жангларида қатнашиб, мағрур фашист ғалаларини Берлингача қувлаб бориб, ғолиблар қаторида қайтаётган бу йигитлар кўрсатган хизматлари олдида, кўз-кўз қиладиган арзигулик китобим йўқ эди. Лекин ҳамроҳларим, айниқса, танкчи йигит мени ҳол-жонимга қўймади, «қачон ва қай райондан армияга олиндинг, қаерда, қай шароитда жанг қилдинг, қўлтиқтаёққа «дардисар» эмаслигингни айтиб, бизни ишонтирмасанг вагондан тушмайсан! Хоҳласак Сурхондарёга, хоҳласак Қашқадарёга ўзимиз билан олиб кетамиз»,— деб туриб олишди.

Ҳамма гап ҳам бир бўлди-ю, «қўлтиқтаёққа дардисар бўлдинг!» деган сўз ҳам бир бўлди. Гарчи, бу сўз ҳазил-мutoйиба тариқасида айтилган бўлса-да, тўғриси, иззат-нафсимга теккандек бўлди. Ана шу «таъна» туртки бўлибми, айтсам айта қолай, дедим-да, шерланиб ўз китобчамни вараклай бошладим.

Николай тахдан ҳайдалиб, инқилоб бўлиб Ленин советларга бош бўлган кун олти яшар гўдак эканман. Ун икки ёшга кирган чоғимда онамиз дунёдан ўтдилар. «Ёдимда: Хотам, Туркман исмли укаларим билан ўксиз етим қолдик». Отам шўрлик уч гўдак билан гангиб қолдилар... У вақтларда мен ёш эдим, эндиликда у кунлар-

ни эслаб магзини чақсам, отам бечора онамсиз сарҳи-
собдан ажраб қолган экан. Ҳа, эр киши аёлсиз, аёл
эрсиз қолмасин экан! Инқилоб бўлиб камбағаллар кун
туққан бўлса ҳам, турмуш оғир, халқимиз чиннакам йўқ-
сил эди. Отам эрта кетиб, кеч қайтсалар ҳам, қорнимиз
оч, бурда нонга зор эдик. Қинилоқда очилган «сағирхо-
на»дан ҳар кун бир хурмача атала олиб учала ака-ука
дадамиз билан тамадди қилишардик. Очликдан ишшиб
ўлганлар тўғрисида гапирмасам ҳам бўлади. Шу зайдда
«оҳ-вой» билан ёмон кунлар ўтиб кетди, кўрар кунимиз
бор экан, ўлмай улғайиб қолдик. Бу орада ер-сув ислоҳот
ти деган маърака келиб чиқди. Отампз Ленин: «Бойлар
тасарруфидаги мулклар камбағал-ерсиз деҳқонларга бў-
либ берилсин!»— деб қарор чиқарган экан, кўп қатори
отамизга ҳам бир бўлак ер, бир эшак, бир ҳўкиз тегди.
Отамиз бизни қаватларига олиб деҳқончилик қилдилар.
Отам қўш ҳайдар, мен етаклардим. Бир кун отам туш-
лик қилиб чой ичиб ўтирганимизда:— «Аттанг, Ленин
бобонг барвақт дунёдан ўтдилар, душманимиз мочағар
ёсуман кампир заҳарланган ўқ отди. Ленин бўлганда
турмушимиз балким бундан кўра яхши бўлиб кетарми-
ди!.. Хайр, колхоз изига тушиб кетса, ҳукумат ишчи-кам-
бағалларинки бўлгандан сўнг, яхши бўлмай қаёққа ҳам
борарди. Тома-тома кўл бўлур, ҳеч томмаса чўл бўлур,
кўнчилиكنинг меҳнати кўл бўлиши турган гап. Эндиги
гап ҳамманиннг баб-баравар, сидқидил билан меҳнат қи-
лишида қолди. Сен, ўғлим ҳушёр бўл! Баъзи бир бузуқ
бошлар сўзига қулоқ сола кўрма. Звенога бош бўлибсан,
бу сенга бўлган марҳамат. Ишончини оқласанг, ўз меҳна-
тинг билан қаватингдагиларга ибрат кўрсата борсанг,
мартабанг улуғ бўлаверади. Меҳнат, меҳнатнинг таги
роҳат...»

Отамнинг панд-насиҳатларига қулоқ солдим. Шукур,
ёмон бўлмади. У вақтларда колхозда меҳнат оғир эди.
Шундай бўлса ҳам колхоз кундан-кун мустаҳкамланиб,
меҳнатга яхши ҳақ тўлайдиган бўлди. Бизнинг қистови-
миз билан отам уйландилар, еб-ичиб орттирганимга ме-
ни ҳам уйлантириб қўйдилар. Қаллиғим қўл-оёқликкина
чиқди. Иккинчи онамиз билан ипоқ, топган-тутганимиз-
ни пишпириб дастурхонга қўяр, ўзи ҳам колхозда бир
йилгича меҳнат қиларди. Оғир кунлар йўқолиб, фаровон
турмуш бошланган эди, кўз тегди. Лаънати Гитлер ҳам-
мамизнинг ишрини ошимизга заҳар солди, юртимизга бос-

тириб кирди. Ўзларингдан қолар гап йўқ, қурол ишла-
тишга ярайдиган эркак зотики бор, бири олдин, бири ке-
йин фронтга йўл олди. Уруш бошида иккала укам бир
кунда армияга чақирилди; 1942 йил охирида ҳар
иккаласидан ҳам «қора хат» келди. Отам шўрлик бу
мусибатга бардош беролмади, фарзанд доғи чинор қома-
тини букди, сўнг қулатди... Отам иккинчи онамдан уч
фарзанд кўргандилар. Отам вафот этиб укаларим Ма-
мад, Рустам, Зиёдалар онам қарамоғида отасиз етим
бўлиб қолди...

Мен Ўлуғ Ватан уруши фронтида ҳалок бўлган укам
Хотам, Туркманларни жонимдан ортиқ суярдим. Учала-
миз колхозда ишлаган чоғимизда топганимиз ўртада эди.
Укам Хотам айтарди: «Ака! Онам энди қайтиб келмай-
дилар. Уч оғайни эдик, шукур, мана олти бўлдик. Ол-
ти ўғлон ола бўлса оғзидагини олди-рармиш. Дадам сиз-
нинг бошингизни икки қилдилар. Эндиги навбат
укаларингизга... Ўзимиздан кўпайиб ҳовли тўлдириб
яшаймиз, бир қозондан ошаймиз. Шундай иноқ бўлай-
ликки, бизнинг турмушимизни кўриб ҳамманинг ҳаваси
келсин...»

Укаларим орзуларига етолмади. Аблаҳ фашистлар
не-не йнгитларнинг ёстиғини қуритмади! Укаларим ар-
мони юрагимда чўғ бўлиб ёнди. Ўзимни қўйгани жой
тополмай колхозда ортиқчадек бўлиб қолдим. Гўё ҳар
бир дуч келган одам: «— Ҳамро! Сен ҳам йнгитман деб
юрибсан-да! Шердек икки уканг гитлерчилар қўлида
ўлса-ю, сен хотининг қўйнида ётсанг!» — деб таъна қи-
лаётгандек бўларди. Ҳар купи қуёш кўз очмасдан дала-
га чиқардик. Далага кимлар чиқарди? Мункиллаб қол-
ган чоллар, хотин-халаж, гўдаклар. «Фашистлар усти-
дан ғалаба қилишни истаган ҳар бир киши мен чол, мен
кампир деб ўтирмасдан ишга чиқсин! Аёллар фронтдаги
оталари, акалари, эрлари, фарзандлари ўрнига меҳнат
қилиб, азамат армиямизга кўмаклашишлари керак!»—
деган шиор ҳамма учун муқаддас қасам бўлиб қолганди.

Укаларимда «қора хат» келгач, менга уйқу ҳаром
бўлиб қолди. Тонг отиши назаримда йилдек узайиб кет-
ди. Қаранг, тонг бўзармасдан военкоматга бориб ўтириб
олибман. Биринчи бўлиб муддаомни айтдим, фронтга
юборишларини сўрадим. Военком фронт орқасига ҳам
кераксиз, деб гап бошлаган эди, панд-насиҳатларингиз
фойдасиз, укаларим учун қасос олмасам она сутим ха-

ром деб онт ичиб қўйдим!.. Бошқа гап сизмайди, ўртоқ военком деб туриб олдим.

— Тўғри, арслон изидан, йигит сўзидан!.. Раҳмат, оғайни!— деб Ҳамронинг қарорини маъқуллади кўзи ожиз гвардиячи танкчи.

Орага жимлик чўкди, фақат вагон ғилдирагининг «тақа-тақини» ҳисобга олмаганда, фронтчилар жон қулоғи билан оғзимни пойлашарди.

— Қани, ҳикоя яримта бўлиб қолди, бу ёғини эшитайлик!

— Эшитайлик,— дейишди фронтчилар, танкчи дўстларининг таклифини қувватлашиб.

— Бу ёғи нима бўларди, фронтга бордим. Лекин арзигулик иш қилолмадим. Тез орада сафдан чиқиб, армонда қолдим. Тўғриси, гапиришга уяламан.

— Ҳей!...— деди танкчи чўзиб,— фронтга қўлтиқтаёқ билан борганмидингиз!.. Оёқдан ажраб, қўлтиқтаёққа «дардисар» бўлиб қайтаяпсизу, яна арзигудек иш қилмадим дейсиз-а. Бошқа гапни йиғиштириб, қолган жойидан олаверинг! Қулоғимиз сизда. Қани, бошланг.

...Жомакорни ечиб, формани кийгазишди. Сўнг ҳаммамизни Н деган жойга олиб боришди. Ана аскару, мана аскар. Армияга чақирилган ўзбекларнинг ҳаммаси шу ерга тўпланган экан, дедим. Кечаси ертўлада ётамиз, кундузи далага чиқиб машқ қиламиз. Ким, қандай қуролда отишни хоҳлайди, деб сўраганда, ўйлаб ўтирмадим. Пулемётчи бўлишни хоҳлайман дедим.

Танкчи яна гапни бўлди:

— Нега тўп ёки милтиқ эмас, пулемётни танладингиз?

— Пулемёт фақат ўқ отмасдан ўқ ҳам сочади. Милтиқ билан бирини нишонга олсангиз, пулемёт билан галалаб қирасиз... Шундай қилиб кўп йўл босиб, тўппа-тўғри Н шаҳрига бориб тўхтадик. У ерда ҳам машқ қилдим. Сўнг биргала ўртоқлар билан бошқа полкка ўтдик. Бир тепалик қўлдан-қўлга ўтиб, роса қирғин бозори қизиб турган чоқда, бизнинг полк жангга кирди. Шунда «Максим» пулемётнинг қудратига тан бердим. «Максим»да уч киши эдик, наводчик Коновалов, оқдарёлик Қосим Рўзиев, мен. Ўнг томондан немислар ҳужумини қайтариш бизнинг расчётимизга топширилганди. Ўша куни немислар уч бор қарши атака қилди. Ҳар гал «Максимка»миз очган ўтдан гала-гала фашист-

лар ер тишлаб қолаверди. Ажал етмаса, ҳеч гап эмас экан. Бунн қарангки, душман бизнинг расчётимизни мажақлаш учун бир неча бор тўпдан ўққа тутди. Снаряд нуқул атрофимизга келиб тушди-ю, биз омон қолавердик... Ҳаво лочинларимизга офарин, бомба ёғдириб немис мудофаасини талқон қилиб ташлади, танкчиларимиз олдинда, биз орқада «ура» тортиб, тепаликни эгалладик. Бу биринчи жангга киришим эди. Ана шундан сўнг, бизнинг полк Белоруссия фронти томон йўл олди. Эшелонда бора туриб укам Хотам билан Туркманни ўйлардим. «Қора хат» янглиш чиқиб, тирик бўлса учрашиб қолсангу, учаламиз бир бўлиб фашистларга қирғин солсак, афсоналардагидек воқеа бўларди, деб хаёл суриб борардим. Кечирасизлар, орзуга айб йўқ... «Қора хат» орқасидан ўзи кириб келганлар ҳам бўлди-ку, ахир... Негадир бу гал «Ҳой хаёлпараст!» деб ҳеч ким луқма солмади, ёки «Укангни учратдингми?»— дейишга журъат қилолмади... Бундай савол бериб ярамга туз сепкилари келмади шекилли, мен ҳам ҳеч нарсга сезмаган бўлиб ҳикоямни давом эттиравердим.

Белоруссия. Қаҳратон қиш! Шаҳар ва қишлоқлар дабдала-вайрон. Одам бош суққудек бошпана қолмаган ҳисоб. Белоруссияда Витебск шаҳри учун жанг бўлиб турган вақтда биз етиб бордик. Бизни гвардиячи полкка ўтказдилар. Бир пулемётда Оқдарё район Қўнғирот қишлоқлик Қосим Рўзиев, рус йигити Коновалов ва мен...

Қор бир метрдан баланд бўлса борки, паст эмас. Қалин қор жонимизга ора кирди. Ер музлаб метинга айланган. Окоп қазииш амри маҳол, шу важдан қор уюмлаб окоп ясадик-да, қуроолларимиз билап мустаҳкам ўрнашиб олдик. Душман мудофаада экан. У ҳам ер қазиб каламуш сингари биқнииб ётарди. Бош кўтариб кўр-чи!.. Бизга душман снайперини йўқотиш вазифаси топширилди. Коновалов эпчил, давюрак йигит. У қўғирчоқ ясаб, менга тутқизди, мен уни одам сиёқ ўрмалатдим, бошини кўтариб мўралатдим. Снайпер қўғирчоқни одам фаҳмлаб ўқ узганди, Коновалов бир тепки босиш билан снайпернинг жонини олди... Шунда ротамиз командири Коноваловни мукофотга тақдим қилганини айтиб, бизга раҳмат эълон қилди. Эртасига қисмларимиз ҳужумга ўтди, душман мудофаа маррасидан қувиб чиқарилди. Бизникилар «Урра» тортиб олға бораётганда, Коновалов

билан Қосим Рўзибоев снаряд парчасидан яраланиб йиқилди. Хиёл ўтмай иккала жанговар дўстим кўз олдимда жон берди. Нима қилиш керак? «Максим»ни судрадим. Қор, ҳамма «Урра» солиб олға қараб чопарди... Назаримда орқа томонимга снаряд тушиб ёрилгандек бўлди. Бошқасини билмайман.

— Демак, ўртоқлари сингари снаряд парчасидан яраланган.

— Қаерингиздан яраландингиз?

— Оғир ярами?

— Сўнг нима бўлди?..

— Тез ҳушингизга келдингизми?

— Оғайнимни шошириб қўйдиларинг, бир йўла шунча саволга қандай жавоб беради? «Худо»ни айтиб, «берди»сини айтгунча уриб бошини ёринглар-эй... Одатда ҳар қандай ҳикояни ҳам боши, ўртаси, адоғи бўлади. Энди ўртасига келди, эшитайлик-чи, бу ёғи нима бўлар экан,— деди кўзи ожиз танкчи.

Армия тарбиясини кўрган интизомли кишилар эмасми, ҳинг этмай қолишдилар. Бу жимлик гўё командир буйруғи сингари:— Бошланг гвардиячи оддий қизил аскар Эргашев,— дегандек туюлди менга.

— Бу кишининг ўзи лейтенант, яраланиб госпиталга келганига беш кун бўлди,— дея рус офицерининг сўзини таржима қила бошлади. Йигитнинг гапига қараганда, мен снаряд парчаси билан оёғимдан яраланиб жанг майдонида қолиб кетганман. Қисмларимиз Витебскни озод қилиб илгарилаб кетган. Ҳалок бўлганлар мурдаси йиғиб олинаётган чоқда, лейтенант йигит, танам музлаб рамағда жон, эс-ҳушсиз қор устида ётган менга дуч келади, қапишиб қолган жағимни зўр билан очиб, икки юз граммча ароқни секин оғзимга қуяди. Шундан сўнг томиримда қон юриб, танам илпй бошлайди. Шу аҳволда 13 март кунни мени чанага солиб госпиталга олиб келиб топширади. Орадан саккиз кун ўтгач, ҳушимга келаман, мен «мурда»ни тирилишга, янгидан дунёга қайтишга бош сабабчи бўлган рус лейтенантининг менга қилган олижаноблигини ана шундай вазиятда билиб олгандим. Врачлар айтишига кўра лейтенант ярим соат кечиқиб дуч келгудек бўлганда, мени ҳам жонсиз танам ҳалок бўлган Ватан қурбонлари билан қўшиб дафн қилинган бўлар экан...

Ўртоқ лейтенантга қандай миннатдорчилик билдир-

сам экан, деб ўйлардим. Хаёлимга келган шу сўз бўлди: Ҳаётимни сақлаб қолган командирнинг пешанасидан бўса олишни илтимос қилдим. Ўзбек йигитларига ўхшаб кетадиган қора қош, қора соч, қора кўз рус йигити мулозим жилмайиш билан «пажалиста» деб пешанасини оғзимга тутди. Ўпдим. Ўша вақтда менда рўй берган ҳолатни сўз билан айтиб беришга ожизман. У олижаноб инсонга меҳр-муҳаббатимни, ихтиёримда нимаики неклик бўлса ҳаммасини ҳада қилгандек бўлдим... Ҳа, чуқур, самимий миннатдорчиликдан ўзга давлат йўқ эди у чоқда менда.

— Лейтенантнинг фамилияси нима экан?— сўради танкчи.

Бу ўринли саволга жавоб бера олмаслигимдан ғоят ғамгин эдим. Лейтенант мен билан учрашган куннинг эртасиёқ госпиталдан чиқиб фронтга жўнаган... Лекин у олижаноб офицернинг оти ва фамилиясини билиб қолмаганим учун ҳамон ўзимни қийинчилик билан «Жанг майдонида яраланган ўртоғинга ёрдам қил! Уни хавфсиз ерга олиб чиқ!» деган устав қондасини эслаб, бепарволик қилганман, мени ўлим чангалидан суғуриб олган офицернинг ким эканлигини сўраб билиб олмаганим учун ўзимни кечира олмайман.

Госпитал фронт билан бирга силжиб юраверди. Ақли ҳушим жойида-ю, жароҳатим тузалавермади. Бир эмас, бир неча марта операция қилишдилар, бари бир юриб кетолмадим. Ҳаёл дарёсида сузиб ич-ичимни ердим. Ўйлаб кўринглар-а, ҳаёт-мамот жанги кетиб турган бир пайтда, мен давлатга дардисар бўлиб ётаверсам. Бу ёғини ўйлаб кўрсам, менга ўхшашлар ҳам кам эмасди бу госпиталда.

Бир куни Горький шаҳрига келдик, деган гапни эшитдим... Фронtdан узоқ, тинч, хавф-хатарсиз ер эмиш, бу ер. Шунча хавф-хатарли жанг майдонларидан мен дардисарни олиб келиб, эндиликда оёғимни кесмасалар бўлмас эмиш. Яна гап шундаки, оёғимни кесганларидан кейин ҳам уч ойсиз тузалмас эмиш. Бу, анча обрўли, билимдон докторларнинг сўзи эди. Агар оёғимни кесмасалар, кўрпадан турмай ётаверар эмишман. Икковидан бирини танлашим керакмиш... Бир кўнглим ўладиган касалнинг ўлгани яхши, уйдагиларнинг тингани яхши қабилида қатъий фикрга келиб, ҳўп дейман. Яна ўзимга ўзим, оёғимни кесиб ҳам ташладилар, бир оёқ билан кимга

кераклигим бор?.. Чўлоқ бўлиб юртимга қайтганимдан қайтмаганим берироқ эмасми? Ихтиёр менда бўлса, қарорим шу: оёғимни кесмайсизлар, дедим. Сўзимни ерда қолдиришмади. Ўжар экан, бу солдат деб ташлаб қўймадилар. Кўп қатори ярамни боқдилар, ўзимни ювиб-тарадилар, барака топгурлар. Оқибат мана, қўлтиқтаёққа юк бўлиб элимга қайтйпман. Ҳар қалай, бир оёқ билан эмас, худога шукур, икки оёқ билан. Докоримнинг айтишларига қараганда, узоги билан бир йил ичида қўлтиқтаёқсиз юриб кетсам керак.

— Юриб кетасиз,— дейишди баравар ҳамсафарлар.

— Оғизларингга мой,— дедим жон озиғи яхши ният-лиларга миннатдорчилик билдириб.

Мана, оғайнилар, бизнинг китобимиз шу, гарчи варақлари битилиб қораланган бўлса-да, маъноси у айтадиган ибратли эмас.

— Тўхтанг! Шу ерга пуқта қўйиб туринг-чи, оғайни!— деди жиддий оҳангда танкчи.— Сиз улуг мақсад: яъни фашистларнинг адабини бериш ниятида кўнгилли бўлиб фронтга борган эдингиз, шундайми?

— Шундайку-я, лекин...

— Лекин-бекини йўқ! Сиз жон-жигар укаларингиз қони учуп: қонга қон — жопга жон олдингизми — олдингиз. Қурбон бўлган ўртоқларингиз билан бирликда пулемётни ишга солиб душманни мудофаа маррасидан қувиб чиқишга ҳисса қўшдингизми — қўшдингиз. Шундай бўлгач, сиз ҳам ғалабага ҳисса қўшганлардан бири-сиз. Ғалаба деб қонингиз тўкилди, яраландингиз, яраланганда ҳам оғир яраландингиз, мен иккала кўзимдан ажралган бўлсам, Сиз...

— Мени ўзингизга тенг қилманг!— дедим танкчининг сўзини бўлиб...

— Нима учун?— ҳайрон бўлиб сўради танкчи.

— Чунки, мен бирон йил ичнда юриб кетарман, Сиз бўлсангиз бир умрга...

Танкчи гапимни бўлди, ортиқ сўзлагани қўймади. «Баракалла сизга, баракалла сизга, ҳали тушунчангизда зиғирдек сиёсий ғўрлик борга ўхшайди. Мен кўздан ажралсам ҳам элимга қайтйпман. Ғалаба деб жасади душман тупроғида қолиб кетганларнинг қавм-қариндошлари, бола-чақалари нима дер эканлар. Сиз билан биз бир жиҳатдан ғалабага шерик бўлсак, кўчамизда бўлаётган байрамга қатнашаётирмиз. Бундан кейин ҳам

Сиз билан биз эл-юртга керак бўламиз. Кўз кўр бўлса бўлсин, қалбингиз кўр бўлмасин. Ёмонни кўрмагунча яхшининг қадрини билмайди, деган гап бор. Биз ёмонлик, ёвузлик, хунхўрлик нима эканлигини ўз кўзимиз билан кўрдик, ёвузликка барҳам бериш учун озмунча қурбонлар бермадикми, биз! Унутилмас сабоқ бўлди одамларга бу уруш. Институтни битирганлар ҳам биз олган билимга, тушунчага эга бўла олмайдилар десам, хўп деяверинг. Шундай эмасми, оғайнилар?

— Шундай.

— Отангизга раҳмат,— дейишди ҳамсуҳбатлар.

— Хўш,— деди чўзиб танкчи, у терлаган кўзойнагини олиб рўмолчаси билан артди. Мен секин унга қарадим. Кўзхонаси киприк билан қўшилиб кетган, ғадир-будур кўкимтир тош гўё кўзхонасига ёпишиб қолган... У ойнагини яна кўзига қўндириб, секин гапирди.

— Билишимча, манзилга ҳам етиб келдингиз ҳисоб, Самарқанддан ўтдик, нарёғи Пастдарғом, бу жонивор қора йўрға олдида бир тош деган гап. Китобингизни маза қилиб ўқидик. Сизнинг китобингиз бундан кейин ҳам кўп одамларга сабоқ беради. Бундан сўнг ёзилаётган китобингизни қанақа бўлишини ҳали ўзингиз ҳам билмайсиз. Ҳаёт мавж уриб-тўлқинланиб оқаётган зўр бир дарё. Тириклик мавжуд экан, бу дарёда сузмайдиган одам бўлмас. Борлиқ ҳаракатда. Ҳар кимнинг дилида бир орзу, шунга етиш учун ҳаракат қилади, сузади. Лекин поёни йўқ бу дарё оқимида гирдоблар беҳад... Оқимга қараб маҳорат билан суза билмаган одамнинг ҳолига вой! Гирдобга тушиб қолдими, Жайхун комига тортади-кетди. Биз ана шу гирдобдан эҳтиёт бўлишимиз ва ўртоқларимизни эҳтиёт қилишимиз керак. Ҳаёт дарёсига тушар экансиз, орқа-ўнгингизга қараб қулоч отинг, доим олға-олға интилинг, фақат ўзингизнигина ўйламанг, ҳаёт дарёсида Сиз билан бирга сузиб бораётганлар тақдири тўғрисида ҳам ўйланг. Коммунизмни бир ўзингиз қуролмайсиз-ку, ахир. Коммунизм — меҳнаткаш халқ мақсади. Коммунизм китобини яратиб кетган Маркс билан Ленин кўпчиликка, қўли қадоқ ишчиларга суяниб иш қилгани учун ҳам, ҳаёт дарёсида ҳаммадан кўра яхши, заволсиз суздилар; улуғ дарға Ленин ўзи билан бирга Совет Иттифоқидаги барча халқларни бахтиёрлик қирғоғига олиб чиқа олди. Ҳалига қадар ҳаёт дарёсида бирон одам Ленин сингари

суза олган эмас, эҳтимол бундан сўнг ҳам Лениндақаси... кечирасизлар, балким мен янглишарман... Вақтлар ўтар, табиат Ленин сингари улуғ зотни инсоният оламига ҳадя қилар... Ҳа, айтгандек, Сиз коммунистмисиз?— сўради мендан.

— Йўқ, комсомолман. Насиб бўлса бир оз ишлаб ўзимни кўрсата олсам, партияга ўтиш учун ариза бермоқчиман.

— Иниятингизга етинг,— дедн хушнуд бир оҳангда танкчи,— комсомол ташкилоти ҳам Ленин номи билан иш қилади, ёш ленинчи бу — коммунистларнинг ўринбосари демакдир. Ҳа, Сиз «бир оз ишлаб ўзимни ишда кўрсата олсам», дедингиз. Тўғри айтасиз, партияга аъзо бўлиш кўп масъулиятли вазифа. Партияга аъзо бўлишни истаган ишчими, деҳқонми, зиёлими, ким бўлмасин, у биринчидан ўз ҳаётини партия ишига бағиш-ламоғи шарт. Иш ҳам ҳар хил бўлади, партияга аъзо бўлиб шунчаки ўз кунини ўтказишни мақсад қилиб олганлар ҳам бўлиши мумкин. Бундайлардан ҳақиқий ленинчи коммунист чиқмайди. Ленинчи коммунист одатда партия кўрсатиб берган йўл-йўриққа оғишмай амал қилади, устав — программани ҳар қандай шароитда ҳам бажаради, қўли — дили пок, халқ иши учун жон фидо, биринчи навбатда ҳар жиҳатдан бошқаларга ибрат намунаси бўлади. Биз фронтчи коммунист-комсомоллар ленинча яшаб, ленинча ишлашимиз шарт ва лозим. Айниқса ғалабадан кейинги вазият биздан шуни талаб қилиб турибди...— Гап билан бўлиб, Жума станциясига етганимизни билмай қолибмиз. Ҳамроҳларим менн кузатиш учун ўринларидан туришди. Бафуржа хайрлашиш имкони бўлмай шошилганча вагондан тушдим... Бошқа вагонлардан ҳам одамлар тушди-ю, улар орасида солдат кийимда ҳеч ким кўринмади.

Паровоз пишиллаб, вагонлар жойидан қўзғалди...

— Хайр.

— Соғ бўлинглар.

—

* * *

Поезд жўнаб, йўловчилар тарқалишди. Вокзал хувиллаб қолди. Мен бўлсам қўлтиқтаёғимга суюниб хаёл суриб қолибман. Ўз дардим, ташвишим кўзимга кўрин-

масди, менга боқишиб юрган ҳамшира қиз Валя хаёлимни банд этди. Бунинг муҳим сабаби бор эди: госпиталда даволанишим тамом бўлгач, бошлиқлар менга Ваяни кузатувчи қилиб тайинлашди, йўл учун озиқ-овқат, поезд ҳужжатларини олиб Валя билан йўлга чиқдик. Бу қиз ярим йилдан кўпроқ вақт давомида мени юиб-таради, ётқизиб-турғизди, едирди-ичирди, докторлар кўрсатган дори-дармонлар билан даволаб келди. Оқибатда мана, қўлтиқтаёқда бўлса ҳам оёққа турдим, тетапоя бўлиб юра бошладим. Ҳамширанинг менга кўрсатган меҳрибончиликлари камлик қилгандек, яна энди, у мени уйимгача кузатиб қўйса, инсофдан бўлармикини? Госпитал бошлиғи полковникнинг бу фармонини бош бурмасдан қабул қилган Валя, ҳужжатни олиб озуқаларни елкалаб, мен билан Горький вокзалига чиқди.

Горький. Мен билан госпиталда ётганлар Горький шаҳри ҳақида кўп баҳслашардилар. Илгарилар Нижний Новгород деб аталмиш ҳозирги Горькийда Ленин бир неча бор бўлган экан. Унинг бот-бот бу шаҳарга келиб кетиши ишчилар ҳаракатининг кучайиб, инқилобий руҳ авж ола боришига катта таъсир кўрсатган экан. Волга дарёси ёқалаб вокзал томон борар эканмиз, Валя Ленин қадамжоларини менга кўрсатиб: «Бу муқаддас шаҳарда даволаниб, элингизга қайтишингизнинг ўзи ҳам бир бахт», дегани хаёлимдан кетмасди.

Ваядан хаёл узолмаслигининг яна бир муҳим сабаби бор эди. Валя фронтда жанг қилиб юрган бир йигитни севарди. Агар мўлжалдаги вақтда ундан хат келавермаса ташвиши ортар, донм кулиб турган чехрасига қайгу қўйиб оларди. У мен билан вокзалга йўл олганда, гарчи, ташвишли ҳаяжонини билдирмасликка ҳаракат қилса ҳам, мен уни сезиб борардим. Билишимча, у албатта ўйлар эди: мени олиб бориб қўйиб, яна қайтиб келгунча кам деганда йигирма кун вақт ўтади. Бу вақт ичида севган йигитидан хат келиб қолса-ю, жавоб қайтара олмаса?..

— Валя, синглим! Агар доктор рухсат берганда қўлтиқтаёқсиз қам юраверардим. Йигитингиздан кўнглингиз тўқ бўлганда, кучим етса сизни бошимга кўтариб олиб борардим. Маҳалламнинг энг азият меҳмони Сиз бўлардингиз. Ҳозир, биламай, хаёлингиз ўзингиздамас. Мен бунинг Сизга бир тугишган акангиз бўлиб гапиряп-

ман. Мен ўзим кета оламан. Ёш бола эмасман-ку, ахир. Фақат вагонга миндириб, хайрлашсак бас. Уруш бўлса тугади. Сиз севган йигитингизни топинг, биргалашиб бизнинг юртга марҳамат қилинглар. Менинг азиз меҳмоним бўлинглар. Кўрсатган меҳр-шафқатларингиз учун нима қилсам ҳам кам, сиз қолаверинг,— деб туриб олдим.

Валя олдин кўнмади, сўнг мен кўнсам ҳам бари бир бошлиқ кўнмайди, уринишингиз бефойда, деб таклифимни рад этди. Поезд жўнашга ҳуштак чалди. Мен тархашлик қилиб чиқмадим. Шундан сўнг яна Валя билан шаҳарга қайтдик, бошлиққа арз қилиб, уни унатдим...

Мана, Ваясиз юртимга етиб келдим. Энди, уйимга йўл олишим керак. Аммо юрагим дов бермасди... Секин-аста қадам ташлаб вокзал орқасига ўтдим. Биронта таниш учратмадим. Одатда пахта пункти олдида аравалар кўп бўларди. Зора биронта таниш-билиш чиқиб қолса, деган умидда пункт томон йўл олдим. Бир ҳафта вагонда қимирламай ўтирганим учунми, юриш анча оғир бўлди. Начора, бошга тушганни кўз кўрар экан-да.

Ҳаво очиқ. Изғирин, аччиққина совуқ. Шунга қарамасдан қора терга ботиб хийла чарчадим. Бир оёқ билан гавдани кўтариб юриш анча қийин, қўлтиқтаёқ шунчаки... чопиб етган ерга секин юриб ҳам етиб бўлади, деганларича бор экан, ҳар қанча қийналсам-да, судрала-судрала пахта пунктига етиб олдим. Пункт дарвозаси олдида мен ўйлаганимча арава кам экан. Фақат устига шелуха ортилган, эгасиз ёлғиз арава турарди. Хийла толиққан эдим. Елкамдаги халтамини ерга қўйиб, теримни артдим. Нафасимни ростлаб арава эгасини кутдим. Ким билсин, Пастдарғом районида нима кўп — колхоз-қишлоқ кўп. Бу арава қишлоғим томон ё юради, ё юрмайди. Ноумид шайтон, кутдим. Бир вақт қўлида парча қоғоз тутган одам дарвозадан чиқиб арава томон юрди. Кўзимга иссиқ кўринади... Саидбобога ўхшайди... «Қизил меҳнат» колхозидан. Бобо мени кўриши билан қоғозни чўнтагига солди-да, тикилганча мен томон кела бошлади. Мен индамасдан тик туравердим. Саидбобо суратдек қотиб қолди. Сабрим чидамасдан «Саломалай-кум, Саидбобо» деб юбордим.

— Наузанбилло, Ҳамромисан?— дея ёқасини ушлади Саидбобо.

— Ҳамрога ўхшамайманми?— мулойим кулиб сўрадим мен.

— Ўхшаганда қандай, омон экансан-ку!.. Қани кўришайлик, қучоғингни оч, мард йигит!

Қўлтиқтаёғимга суяниб қучоғимни очдим, қучоқлашиб кўришдик. Саидбобонинг кўзидан ёш оқарди. У шоша-пиша белбоғини ечиб кўз ёшларини артар экан:— «Қора хат» келиб, сени ўлдига чиқаргандик. Ҳозир келишингни?— деди.

— Ҳа.

— Менинг бу ердалигимни бирон киши айтдим сенга?

— Йўқ-а.

— Кетдик бўлмаса, қани аравага чиқ!

Саидбобо халтамини олиб аравага қўйди-да, менга қараб:— Ҳойнаҳой, ўзинг чиқолмассан... Елкамни тута қолай,— деди. Бобо чўкка тушди.— Ўйланиб турма, тирик қопсан, шунисига шукур қил. Сан-ку, майиб бўлсанг ҳам иккала оёғинг бутун қайтибсан. Қурбон шўрлик биласан уни, Орзиқулбойнинг ўғли,— деб таъкидлади бобо.

— Биламан, Қурбон, ҳа, унга нима бўпти?— сўрадим мен.

— Фронтдан бир оёқ бўлиб қайтди шўрлик. Бир оёғи чўп. Чўп бўлса ҳам икки оёғи борлардан тетик. Ғайратли, кела қол, елкамга чиқ,— деди елкасини тутиб бобо.

Бошқа илож қолмаган эди. Узр сўраб бобонинг елкасига оёқ қўйдим. Оёқ қўйдиму, бутун кучимни қўлимга тўплаб аравага ўзимни отдим.

— Ана, шунчалик гап экан... Оёққа ҳам туриб кетарсан. Бу кунларни эслаб кулиб ҳам юрармиз. Совуқ ебсан, сандали ўзидан шўлхо ичига кир, исиб жонипг киради.

— Раҳмат, Саидбобо. Невараларингизнинг орзусини кўринг.

— Айтганинг келсин... қара-я, тушга кирмаган савдо...— деди чўзиб Саидбобо.— Ҳа, чув жонивор... Мана фронтдан яна бир шеримиз қайтди... ўлган одам тирилиб келди. Ҳа, кетган келади, кетмонланган келмайди, деганлари шу-да!.. Айтгандек, уруш тамом бўлганда қарда эдинг, Ҳамро?

— Госпиталда эдим.

— У шаҳарми, кимнинг шаҳри?

— Шаҳар эмас, касалхона.
— Ҳа... касалхонада эдим, дегин... Оёгинг важидан ётибмидинг?

— Ҳа.

— Касалхонада экансан, бирон нарча қоғоз топилмадим, бундоғ қоралаб юборсанг. Шукур, жонинг соғ экан, тавба, нечук тирик одамни ўлдига чиқариб «қора хат» юбордилар экан?

— Бунинг сабаблари кўп, Сандбобо.

— Ҳар қанча сабаби бўлса ҳам, ахир, оёгинг касал, жонинг омонлигини айтиб, тўрт энлик хат ёзганинда, балким...

Бобонинг ана шу «балким»ида бир сир бўлиши керак. У негадир, тили учнда турган гапни ютиб, сир тутди. Бари бир у сир очилиши керак! У айтмаган чоқда ҳам мен айтдирамай, деб аҳд қилдим ичимда.

Хат ёзмаганлигининг сабаби, куну туи ўлим кутиб ётишим бўлганини бобога айтиб бердим-да:— Бизникилардан кимлар омон?.. Укаларимдан бошқа хабар бўлмадимми?— деб сўрадим.

— Балким улар ҳам сенга ўхшаб бир кун эмас, бир кун кириб келурлар. Дуоларини қилиб турибмиз. «Қора хат» билан ўлдига чиққанларининг ҳаммаси ҳам ўлган бўлавермас экан-ку!..

— Бизнинг ҳовлида кимлар бор? — сабрим чидамай сўрадим.

Бобо сўроғимга жавоб бериш ўрнига, отига қамчи урди, нималар деб гиғиллагач, сўнг деди:— Йўл азоби, хўбам чарчагандирсан. Ҳозир тўғри бизникига борамиз... Ўзинг омон экансан, бу ёғи ёмон бўлмас, насиб бўлса... Чув, жоншвор!..

От, гўё гапга қулоқ солиб, юршини сусайтириб қўйганди, қамчи азоби ҳушига келтирди, бошини сарак-сарак қилиб, ёлнин силкий-силкий юриб кетди. Отнинг дупури, араванинг шақир-шуқури билан анча вақтгача жим қолиб, яна сўз бошлади:

— Банданинг боши, оллонинг тоши. Ҳақ гап!— деди ўз сўзини ўзи маъқуллаб бобо,— ҳар қалай, тупроқдан ташқари экансан, шунинг ўзи катта давлат. Сени ондан қайта туғилган деса бўлади... Бу кунгача нима кўрган бўлсанг, ҳаммаси ўтди. Бундан сўнггисин ҳисоб. Шунисига шукур қилавер.

Сандбобо «сир» очишга ботина олмасдан қийналаёт-

ганини билардим. Сўйловчи нодон бўлса, эшитувчи доно бўлсин, деган гап эсимга тушди. Ваҳоланки, сўйловчи нодон эмас, доно киши. Саидбобонинг ҳар бир сўзи тагдор эди. Фаросатинг бўлса тушуниб оларсан маъносида ишоралар билан кўнгил оғритадиган гап қилишдан ўзини тийиб сўзларди. Хотиним вафот этган, укаларим дарбадар... ёки улар ҳам... У ҳолда менинг «тирилиб» келишимдан маъно нима! Ўлиб, ўша томонларда қолиб кетганим яхши эмасиди! Бир печа минутга чўзилган жимлик не-не мудҳиш фикрларни келтирмади бошимга! Энди ортиқ савол беришга юрагим дов бермасди. Қани бораверайин-чи, ҳақиқат ойдинлашиб қолар,— ўзимга-ўзим тасалли берардим.

Ана, қишлоғимнинг боши ҳам кўринди. Менга таниш хонадонлар, девор, томи қулаган уйлар.... қишлоқ файзсиз... Бу урушнинг бадбуруш тамгалари...

Бобо ғамгин хиргойи қиларди:

Бугун бозорга ўхшайди,
Етимлар зор қақшайди.
Етимнинг ҳолини сўрсам,
Отаси йўққа ўхшайди,
Опаси йўққа ўхшайди...

— Э, дариг... чув, жонивор!

— Раҳмат, Саидбобо. Рухсат беринг, энди мен тушай.

— Ҳовлига борамиз. Мен хушхабар етказганимча сап дам олиб турасан. Сўнг бирга борармиз. Шошилма! Қирқига чидаган қирқ бирига чидасанг ҳеч гап бўлмас.

— Раҳмат, бобо. Ҳар қалай, униб-ўсган кулбам... Борганим яхши.

— Эй, ахир мен суяюнчи олмасдан нега кўрсатар экалман, сени!

— Суяюнчингизга қарздормен, илтимос, аравани тўхтатинг, туша қолай. Гап айтмаганимда тушмасам бўларди. Эсон-омон борсам она-отамни кўрган уйим остонасини кўзимга суртаман, деб пият қилгандим. Илтимосимни рад этманг.

Саидбобо отининг жиповини тортди. Арава тўхтади.

— Меҳмоннинг ихтиёри мезмонда бўлгучи эди. Ҳайронман, элнингдан узоқда юриб урф-одатингни ҳам унутиб қўйибсан.

— Бу гал узр...

— Зорим бор, зўрим йўқ,— деди бобо арава гилди-
рагига яқин чўнқайиб.— Пешанангнинг шўри аригани
чин бўлсин, йигит. Бандамиз, тақдирга тан беришдан
ўзга иложимиз йўқ. Қўрқма, бемалол оёғингни қўявер...
Ҳа, баракалла... оёғингни босганингда оғримайдими?

— Оз-моз оғриydi. Зарари йўқ.

— Ҳа, дуруст, тана қўргон, дард меҳмон дейдилар.
Қишлоққача олиб келган оёғинг, уйингга ҳам олиб бо-
ради. Ота-онанг босган остонани тавоб қилишни мақсад
қилибсан, муроднингга ет. Яхши фарзанд ота-она чироғи-
ни ўчирмас. Хайр, юкни топшириб ҳозир етиб келаман.
Қолган гапларни шунда сўзлашамиз. Мапа бу халтанг,
елкангга оласанми?.. Баракалла, худо қувват берсин...

Сандбобога миннатдорчилик билдириб, ҳовлим томон
йўл олдим. Ҳовлим узоғи билан уч юз қадам, холос.



Ҳовлимга қандай ҳолатда етиб борганимни эслол-
майман. Валангир ҳовлига кирдиму бошимдан ҳушим
учди. Танам бўшашиб, оёғим қалтираб, ҳолдан тойиб
гурс етиб йиқилдим. Ҳарчанд ҳаракат қилиб, ўзимни
ўнглаб ололмадим. Чўзилиб бақрайганимча осмонга қа-
раб ётиб қолдим. Ақли ҳушим шу даражада фаромуш
бўлса керак, миям фикр қилиш қобилятини йўқотган-
ди. Угай онам вафотидан сўнг мен фронтга жўнаганим-
да укаларим хотиним қўлида қолганди.

Бутун кучимни тўплаб, қўлимни ерга тираб аранг
кўтарилиб ўтириб олдим. Теварак-атрофга нигоҳ ташла-
дим. Тирик жондан асар йўқ. Қабристон жимлиги. Ҳов-
ли бу яқин орада одам яшаган ерга ўхшамайди. Қов-
жираган шўра, шипирги ўтлар. Уй деворлари шўрхок,
тарнови тушиб кетган томдан оққан ёмғир-қор сувлари
тилимланган тарвуздек деворни юшиб кетган... Ўрнидан
туришга уриниб кўрдим, жароҳатланган оёғим бу ёқда
турсин, ҳатто соғ оёғимда ҳам гўё жон йўқ эди... Нима
қилишимни билмасдан бақира бошладим.

— Ҳой, ким бор!.. Зиёда! Рустам! Мамад!— Чақир-
дим, бақирдим, садо чиқмади... яна бақирдим, ниҳоят,
«Ким у!» деган овоз эшитилди.

— Ҳамроман! Бу ёққа келинг, биродар.

Менга томон бир эркак келаверди, зеҳн солиб қара-

сам, қўшним. Абдуазизжон... Хайрият, деб шундай бақирдимки, ҳовлидан акс садо эшитилди.

Абдуазиз чопганча олдимга келди-да, ёпирай!— деб орқасига тисарилди.— Қўрқманг, қўшнингиз Ҳамро бўламан, дедим, қучоғимни очдим.

Абдуазиз гап-сўзсиз чўкка тушиб мени қучоқлади. У юзини юзимга қўйиб:— вой ғаниматим, қўшнигинам, тушимми, ўнггим,— дер эди.

— Ўнгингиз, ўлган Ҳамронгиз тирилиб келди.

— Қани-қани, ўрнингиздан туроласизми?

— Ердамлашинг-чи,— қўлимни Абдуазизга узатдим.— Йўқ-йўқ, қўлтиқтаёқни менга беринг... ҳа, қўлтиғимдан кўтаринг...

— Ёпирым... ҳа, ҳа хайрият... Бизникига ўтамиз... юролмасангиз опичлаб олай.

— Йўқ-йўқ. Ўзим юраман. Ленин яшаган Горький шаҳридан азиз она тупрогимга олиб келган бу оёқ, эндиликда жон қўшнимникига олиб боролмаса, менга нима керак бу оёқнинг! Боридан йўғи, шартта кесаман ташлайман. Қани юрдикми,— авайлаб қадам ташладим. Билолмадим, бу қандай ҳикмат бўлди экан, қўшним Абдуазизжонни кўришим менга куч, оёғимга жон бағишладими, ҳар қалай, қўлтиқтаёқда аввалгидек юриб кетдим.

* * *

Қўшним Абдуазиз билан бир неча кун бир кўрпада ётдик. Опалари Баҳор ва Хонимларнинг куёвлари ҳам Ватан уруши фронтларида ҳалок бўлган. Иккала ёш жувон ҳам тул қолибди. Айниқса Баҳорой менга парвона эди. У менга тасалли бериб:— Ҳаммаси тақдирнинг иши. Қуриб кетсин бундай шум тақдир... Сиздан «қора хат» келди. Хотинингиз Ойшага ҳам осон тутиб бўлмайди... ёлғизлик қилиб қариндошлариникига кетди...— дер эди.

— Одам ҳам ҳар хил бўлар экан-да, синглим. Бири вафодор, бири бевафо. Мен укаларимни хотинимга қолдириб кетганимда, савдогарчиликка эмас, фашистлар билан жанг қилгани урушга кетган эдим... Ҳар қалай, укаларим кўчада қолмабди, раҳмат сизга Баҳорхон синглим, Зиёдани ўқситмай тарбиянгизга олибсиз. Ана буни бизда одамгарчилик дейдилар. Сир эмас, бусиз ҳам тўйиб нон емагансиз. Бурда нонингизга гўдак синглим

Зиёдани шерик қилиб, оналик қилибсиз. Танамда жоним бор, бу яхшиликларингизни унутмайман, мавриди билан қайтарарман.

— Улпм жойдан омон келдингиз, шунинг ўзи давлат. Мамаджон билан Рустамларни ҳам ўз тарбиямга олай десам...

— Йўқ-йўқ... унда ортиқ қийналиб қолардингиз. Бир товукқа ҳам сув керак, ҳам дон. Уруш шароити, уч бир-дак гўдакни тўйдирish осон гапми?.. Тракторчи корейс Ва-Таннинг одамгарчилигига тан бердим. Укаларим Рустам билан Мамадни ўз фарзандидек тарбияладим. Қуллуқ, ҳаммаларингизга бош эгиб қуллуқ қиламан.

* * *

Келишимнинг эртаси, бирипчи бўлиб Жоникул Юсупов билан Қурбон Орзиқуловлар кириб келишди. Қучоқлашиб кўришдик. Жоникул ҳам, Қурбон ҳам ҳали ҳарбий кийимни ечганича йўқ экан. Сандбобо айтган эди, дарҳақиқат, Қурбоннинг бир оёғи чўн бўлса ҳам руҳи тетик. Гап орасида, оёқ кетса ҳам бош омон қайтди, ютуқ бизники... Гитлер, гитлерчилардан нима қолди?.. Бадномлик қолди. Биз учун қазиган чуқурига ўзи йиқилди. Фашизми билан гўрга тикдик!— деб қўяр эди у.

— Хайр, ўтган ишга салават,— деб гапни бўлди Жоникул Юсупов.— Мен ҳам фронтда бўлдим. Жанубий Воронеж frontiда автоматчи бўлиб урушдим. Қурбонни бўлса кўриб турибсан. Бир оёғи билан икки оёғи борлардан яхшироқ иш берапти. Уруш туфайли колхозимиз анча ўтириб қолган экан, шундай бўлиши ҳам табиий... Мени яна колхозга раис қилиб қўйдилар. Қуш қаноти билан учиб қўйруғи билан қўнар экан. Фронтдан қайтган оғайиллар астойдил меҳнат қиляптилар. Дўстинг Қурбон чўн оёғи билан трактор ҳайдаётгандан кейин, бу ёғини тушуниб олавер. Мен йигитларга айтдим. Ҳовлингги тартибга келтириб берадилар. Озиқ-овқатдан қарашамиз. Қаторда лоринг бор, колхоз бор, юкинг ерда қолмайди. Уканг Мамад билан Рустамни хоҳласанг қаватингга ол, синглинг Зиёда ҳали ёш, Баҳор тарбиясида турса ёмон бўлмас. Яна ўзинг ўйлаб кўрарсан. Қора қозонингдан ташвиш тортма, суяқми-қуюқми бир кунинг ўтар. Доктор бўлса бор, тайинлайман, боқишиб турсин. Иш қочмас. Қачон ишга ярайди-

ган бўлсанг, айтарсан. Хоҳлаган ишингни берамиз. Энди бизга жавоб,— қўзғалди раис,— шудгор кечикди. Ўзингдан қоладиган гап йўқ. Иш бошида кўз-қулоқ бўлиб, ҳа баракалла, қилиб турмасанг, иш кўнгилдагидек боравермайди. Турдикми, Қурбон шер?

— Биз тайёр!— дик этиб Қурбон ўрнидап турди...

* * *

— Кечаларни кўп вақт бедор ўтказдим,— дея ҳикоя қилади Ҳамро Эргашев.— Улуғ Ватан урушининг боши адоғи бўлиб беш йил вақт ўтди. Шу ўтган йиллар ичида берган талафотларимизни ўйлаганимда юрагим орқамга тортиб кетади. Хаёл узоқ-узоқларга олиб қочади. Қисқа вақт ичида икки азамат укам фронтда ҳалок бўлди. Укаларим доғида куйиб отам вафот этди, азадорлик қора кўйлагини устидан тушмай туриб, онам дорулбақога рихлат қилди. Учала норасида етимча укаларимни бошига не кунлар тушмади экан! Мен уларни хотинимга қолдириб фронтга кетдим, мени ҳалок бўлдига чиқариб, «қора хат» келгач, хотиним ҳам қариндошлариникига кетиворибди...

Қасофат уруш қапчадан-қанча хонадонларнинг чирогини ўчириб кетди... Миямга ўрнашиб қолган кўргиликлар алами юрагимни кемираётгандек... кунлар оғир, зерикарли эди. Ёшликдан меҳнатга ўрганиб қолганлигимданми, бекорчилик жонга тега бошлади. Гоҳо-гоҳо кўзи ожиз танкчи дўстимнинг, қўлтиқтаёққа дардисар бўлиб қайтгансан, деган ҳазил-мутуйибаси эсимга тушиб қолганда, унинг гапи ҳазил эмас, ростдек туюларди, тўғриси фақат қўлтиқтаёққа эмас, колхозга дардисар бўлиб қолдим... меҳнатсиз ҳаёт ҳаёт эмаслигини шунда билдим, еган пон-ошим ботмаётгандек... ичимга чироқ ёқса ёримасди ўша кунлари.

Укаларим колхознинг енгил ишларига ярайдиган дастёр бўлиб қолган эди. Доктор назоратида, кунлар ўтган сари жароҳатдаги яллиғланиш қайтиб, оғим ердан снгил кўчадиган бўлиб қолди. Бир куни раисдан иш сўрагандим:— «Ҳозирча енгилроқ иш, отбоқарларга бош бўлиб турсанг қалай бўлар экан»,— деди. Рози бўлдим. Орадан кўп ўтмай ўз касбим пахта кўкартиришни сўрадим. Раисимиз Жониқул Юсупов бригадага бош бўлишни таклиф қилган эди, мен бу йилча звенони сўрадим.

Ўн беш гектар ер олиб, саккиз кишига бошчилик қилдим. Ерни гўнглаб ҳайдадик, чигит тикдик. Ёмон ҳосил кўтармадик. Минг тўққиз юз қирқ саккизинчи йилга ўтиб бригадага бошчилик қилдим.

Киши ўзи ҳақида гапирса мақтангандек бўлади. Лекин ҳақиқатни яшириш ҳам яхши эмас. Ўша йили колхозимиз давлат билан қилган шартномаси юзасидан гектар бошига 12 центнердан пахта бериши керак эди. Биз бригада аъзоларимиз билан маслаҳатлашиб 15 центнердан пахта беришга қарор бердик. Бахтимиз кулганини қарангки, 55 гектар ердан 15 центнер ўрнига 30 центнердан пахта топширсак бўладими! Бу колхозимиз тарихида энг юқори ҳосил эди. Шу тариқа бригадамиз йил сайин ҳосилни ошира бориб, натижада минг тўққиз юз қирқ тўққизинчи йилда ҳосилни ўттиз етти ярим центнерга етказдик. 1956 йилга етиб 45 ярим центнердан пахта кўтардик. Қизил Байроқ орденли звено бошлиғим коммунист Соат ҳар йили муттасил 50 центнерга етказиб пахта топшираверди.

Минг тўққиз юз эллик олтинчи йили кўтарган хирмонимиз «Карл Маркс» колхозига жуда катта шон-шўҳрат келтирди. Бир оёғи чўп, Улуғ Ватан урушининг иштирокчиси тракторчи дўстим Қурбон Орзиқулов, фронтчи дўстим колхоз раиси Жониқул Юсупов ва каминангизни ҳукуматимиз олий мукофотга сазовор қилди, учаламизга ҳам Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди. Етти киши: Хайриниса Юсупова, Файзи Эшназаров, Маман Уразалиев, Ғани Мўминов, Абдулла Умаров, Содиқ Дўстов, Бойтўра Кўмаков ўртоқлар Ленин ордени билан, яна ўнлаб колхоз аъзолари Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медаллар билан мукофотландилар.

Йиллар ўтди. «Карл Маркс» колхозининг донғи райондан областга, областдан республикага тарқалди. У, Самарқанд областидаги энг юқори ҳосилли йирик хўжаликка айланди. Қирқ центнерчилик ҳаракатини бошлаб берган колхоз меҳнаткашлари, бу йил, улуғ Лениннинг муборак тўйига муносиб совға етиштирдилар, гектаридан қирқ центнер пахта кўтариб, давлат хирмонига 7200 тонна «оқ олтин» тўкмоқчимиз.

Ёмон кунлар ўтиб кетди. Инқилобгача хор-зор бўлган меҳнат аҳли, инқилоб шарофати билан, доҳий Ленин бошчилигида яратилган Советлар ҳокимияти шарофати билан, эндиликда ўз қадр-қимматини топди. Меҳнатни

шон-шараф деб билган ҳар бир совет кишиси, ўзига коллективчилик руҳини сингдирган ҳар бир ватанпарвар бизда ўз бахтини ярата олди. Интернационалчилик иттифоқи колхозимиз мисолида ёрқин ифодасини топган. Ун тўққиз миллат фарзандлари бир ёқадан бош чиқариб бир ота-она болалари сингари аҳил оилада меҳнат қилиб бахтнёр яшамоқдалар. Уруш туфайли менинг оилам тугалиб порасида укаларим мураббийсиз қолганда Рустам, Мамадларни ўз иссиқ кучоғига олиб ота бўлган тракторчи корейс Ва-Тан оғам, синглим Баҳоройлар хотамлиги совет кишиси руҳининг сўнмас нури, олижаноб фазилатидир. Оғам Ва-Танга яна бир миннатдорчилигим шуки, иккала укамга ўз ҳунарини ўргатди, иккала укам ҳам колхозимизнинг донгдор тракторчиси. Ва-Тан оға билан бирликда иккала укамни уйлантирдик. Мамад етти фарзанд кўрди, Рустам олти боланинг отаси, синглим Зиёда бўлса уч боланинг онаси.

Уруш туфайли ўчган чироғимиз, тинчлик, эркин меҳнат туфайли яна ёнди. Мен урушга қатнашган ерларда тинч аҳоли ватандошларим бошига тушган чексиз фалокатларни ҳеч қачон унутмаймаман. Урушнинг оти ўчсин!— деди ҳикоясига яқун ясаб Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамро Эргашев.

ХОТИМА

Минскдаги Улуғ Ватан уруши музейида кўрганам комсомол ҳисобот варақасининг эгаси «Қарл Маркс» колхозидан топганим Ҳамро Эргашев эмас экан. Сиз ҳикоясини эшитганингиз Ҳамро Эргашев ҳам Белоруссияни озод қилиш учун олиб борилган жангларда қатнашган. Лекин Брест қалъасида хизмат қилмаган. У, Гомель томондаги жангларда оғир ярадор бўлиб, уруш тугагач, Ватанига қайтган.

Қаҳрамон Брест қалъасида жанг қилган ва бедарак йўқолган комсомол аъзолари Ҳамро Эргашев ва Қўшмон Ерматовлар изланиши, топиллиши, шонли жангномалари ёзилмоғи керак. Ҳар иккала қаҳрамонни билган таниш-билиш ўртоқлар бўлса, бизга хабар қилишларини илтимос қиламиз.

1970 йил, январь.

Қисм командирининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари подполковник Добровольский билан енгил машинада кетмоқдамиз. Кеча ҳаддан ташқари қоронғи. Дарё ёқалаб юриб, қалин ўрмонзор ичига кириб кетдик. Ўрмонзор йўли худди тоғ тагидан кесиб ишланган туннель йўлга ўхшайди. Бу йўлдан узоқ юрдик...

Қисмга етиб борган вақтимизда жангчиларга кино кўрсатилаётган экан. Подполковник мени кинога таклиф қилиб шундай деди:

— Жуда кўнгилдагидек иш бўлди. Ҳамшаҳарлар ҳам шу ерда бўладилар.

Душман маррасига яқин бир жойдаги жанг майдонида кўрсатилаётган «Мардлик» деган фильмни иккинчи марта кўраётганимга қарамасдан жуда завқ билан томоша қилдим.

Томоша тугади. Оқшом салқинидан увишган танасини ҳаракатга келтириш учун керишаётган жангчининг елкасига панжаси билан қоқиб:

— Кетдикми, Деҳқонбой!— деди, ўзбек тилида бир жангчи.

— Бугун бизга қўниб борадилар-да? Қовун пишиб қолди, қовун сайли қиламиз.

— Ҳа, дўстим... Орзуга айб йўқ, Қамолжон ака! Ушандай қушларни яна кўрармикинмиз-а?

— Кўрамиз,— деди узун нафас олиб Қамолжон.— Бу юриш-туришларимизнинг ҳаммаси тушдек бўлиб қолади, дўстим.

— Юрагим бўлинг-қўйинг! Қамол топинг, йигитнинг гули,— деди кулиб Деҳқонбой.

— Ажойиб кино эканми?

— Нимасини айтасиз, ажойиб бўлганда қандай!

— О... уни қарап-а! Ўлим тўшагида ётган, ўзини совет граждани сифатида кўрсатиб, аэропланга миниб олди-я? Оббо зангар. Сал бўлмаса учувчи, душман разведкасининг хизматини қилиб қўйган эди-я!

— Соддадиллик қилиб фириб еди-ю, қаҳрамонлик кўрсатиб ўзини оқлади.

— Душман жосусини тутиб келганни айтмайсизми?..

Қамолжон жавоб бермади. У хиргойи қилиб қўшиқ айтди:



2. Езувчи Назир Сафаров, инқилоб ветерани, машҳур партия ва давлат арбоби Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Бузрукхўжа Усмонхўжаев билан Тошлоқ районидаги янги дорихонанинг очилиш маросимида. Езувчининг 70 йиллик тўйи кунларида. 1975.

Сурма қўймай, мунча ҳам жонон қародир кўзларинг,
Ҳар бири жон қасдига боққан балодир кўзларинг.

Деҳқонбой ҳам қўшилишди, бироқ унинг овози жўр тушмагач:

— Ошноларга ғараз ноошнодир кўзларинг! Тамом!— деб пилоткасини қўлига урди Камолжон.

Кула-кула юришни тезлатдилар.

Йўл-йўлакай Камолжон 1941 йилда Львов шаҳрида рўй берган бир воқеани айтиб берди.

— Биз бундан уч йил олдин, худди мана шундай ёз фаслида Львовда Йўлдошев, Королёв, Ғалиев, Қаримовлар билан бирга худди шу кунгидай кинони томоша қилиб, қизлар билан ўйин тушдик, сайр қилиб қисмга қайтдик. Дарё қирғоғи... Дарахтзор, унинг теварагига оқ чодирлар ўрнатилган. Оқшом ҳавоси шу қадар мусаффо, қайин дарахтларининг гулларида сочилаётган ҳидни ҳаво билан қўшиб ҳар қанча шимирсанг ҳам тўймайсан, киши... Ётдик, бир маҳалгача нимагадир ухлай олмадим. Кўзим уйқуга кетгандай бўлади-ю ўзимни яна уйғоқ ҳис қиламан. Қаёқдандир пулемёт овози эшитилгандек бўлди. Чодирда қатор каравот, жангчилар ширин уйқуда. Мен билан ёнма-ён ётган Йўлдошев додлаб ўрнидан туриб ўтирди, у худди инжиқлик қилаётган ёш бола сингари тебраниб йиғлар эди. Мен: «Йўлдошев, босинқираяпсизми? Тинч ётинг!» деб кулдим ва уни ётқизиб қўйдим. Йўлдошевнинг йиғиси борган сари пасайиб, ниҳоят хўрсина-хўрсина жим қолди...

Деҳқонбой унинг сўзини бўлди:

— Баъзи одам ёмон туш кўрса қўрқади, эҳтимол босинқираган бўлса...

— Қаёқда дейсиз,— деди Камолжон.— Ёнбошим ҳўл бўлиб иссиқ бир нарса билчиллайди. Қайрилиб қарасам, ҳамма ёним қон. Шошиб қолдим. Йўлдошев тинч ётар эди. Унинг чап ёнида ухлаб ётган Қиселев сакраб ўрнидан турди-да, бирдан ерга йиқилди, чурқ этмасдан у ҳам ётиб қолди. Уйқум ўчиб, хаёлим қочиб кетди. Атрофдаги чодирлардан ҳам дод-фарёд овозлари эшитила бошлади. Ташқарига югуриб чиқдим. Немис аэроплани шу қадар паст учмоқда эдики, ҳатто, фашист учувчиси менга муштини кўрсатиб пулемётдан ўқ узди. Бу воқеа 1941 йилнинг 22 июнь кунинда

Львов шаҳрида бўлиб ўтган эди. Бу кунги кино кўп нарсаларни эсга туширди. Мана энди бизнинг ҳам кўчамизда байрам бўлаётир. Бундан уч йил бурун ҳавода ҳоким бўлган, вақтинча қозонган муваффақиятлари билан талтайиб кетган фашистлар энди адабларини емоқдалар!

— Бутун дунёни қойил қилаётган Қизил Армия яшасин!— деди мағрурланиб Деҳқонбой.

Қизил Армиянинг шавкатли қўшинлари ҳозир фашистларни Львовдан анча узоққа, ғарбга томон қувиб кетди.

* * *

Кўпчиликнинг орзуси амалга ошди. Уч йилдан буён ваҳшийларнинг қонли панжалари остида инграб келган львовлик оғаниларнинг қоронғи туни, қуёшли кун билан алмашди.

1-Украина фронтининг шавкатли қўшинлари Украинанинг зўр хўжалик ва снѐсий маркази Львов шаҳрини немис-фашист босқинчилардан озод қилди. Львов Совет шаҳри эди ва Совет шаҳри бўлиб қолди.

1944 йил, 29 июнь.

Жангчи дўстим! Жангчи шоирнинг «Қўлингга қурол ол!» деб қилган қуйидаги хитобидан воқифдирсан:

«Юрса агар томирда қонинг,
Азиз бўлса бир парча нонинг,
Керак бўлса номус-виждонинг,
Бўлсанг йигит, бўлсанг ҳамки чол,
Қўлингга қурол ол!»

Ҳаммадан кўпроқ сени ўзига дўст тутган, ҳар қачон сенинг хаёлинг билан яшаган, сенинг ғалабаларингни яхшироқ ва жўшқинроқ куйлаган, сен ғазаб кўзингни ғарбга тикиб, янги йил қадаҳини кўтарган чоғингда, қўлидаги шароб тўла пиёласини сенга узатиб:

«Ол ичайлик ғойибона бўлса ҳам,
Қанот бўлса узоқ-яқин нима ғам?
Хаёл эса тездир ҳар бир қанотдан,
Орзу эса учқур ҳар қандай отдан.
Ол, ичайлик ботирларнинг номига
Шароб қуйиб бутун дунё жомига.
Ер юзини ифлослардан ювғали,
Немисларни Берлингача қувғали!»

деб қадаҳ уриштириб онт ичгани ёдингдадир.

Ана шу йирик санъаткор ўзбек совет поэзиясининг талантили устаси, олижаноб бир инсон, Ватаннинг бахти саодатини ҳеч тинмай куйлаб келган машҳур етакчи шоир, Муқаннадек халқ лашкарбошичили «тирилтирган» талантили драматург, ўзбек маданиятининг атоқли арбоби, ЎзССР Фанлар Академиясининг корреспондент аъзоси, Ўзбекистон Совет ёзувчилари союзининг секретари, биз жангчиларнинг севиқли ва жонажон

дўсти Ҳамид Олимжоннинг ҳаёт шами кутилмаган бир вақтда сўнди ва унинг олов юраги уришдан бевақт тўхтади.

Жангчи дўстим! Ҳамиднинг шеърий китобларини варақлаб, гўзал ва оташин назмларини руҳланиб ўқиган, қасос қиличини қайраб Дон чўлларида, Украина далаларида, Белоруссия ўрмонларида, Карпат тоғларида, Болтиқ ва Қора денгиз тўлқинларида, ҳужум жангига кириб, мағлуб ва шармисор ёвни эсидан оғунча қувлаган сен эмасмидинг?! Ҳамид Олимжоннинг овози жанг майдонларида жаранглади. Унинг овози, қудратли нидоси зафарларга ундайди. У жангчиларга йўлдош, ҳужумкорга мададкордир. Унинг:

«Бор, ғарбга бор, баҳодир йигит,
Дўстларимиз элдан ажралди.
Сен бормасанг баҳор бўлмайди
Очилмайди бултурги гуллар,
Қарагайлар барг чиқармайди,
Ўрмонларга келмас булбуллар!»

деган нидоси ҳар бир ўзбек жангчисига қанот бўлди.

Ўзбек жангчиларига қанот боғлаб, уларга «Душман устига човт қил!» деб даъват қилган жангчи-шоир ўз жанговар дўстлари, Совет Иттифоқи халқларининг барча миллат жангчилари билан бир қаторда, пўлат сафларга тизилиб ғарбга, яна ғарбга томон силжиди, ўз инини мўлжаллаб қочаётган ярадор йиртқичга дам бермай қувмоқда. Жангчиларимизнинг қадами етган жойларнинг ҳаммасида яна қайтадан баҳор бошла-ниб, гуллар очилмоқда, булбуллар сайрамоқда.

Минг фарёдким, ўзбек поэзия гулистонида хандон урган хушнаво булбул сайрашдан тўхтади.

Биз жангчиларнинг ажойиб традициямиз бор: донг чиқарган жангчи сафдошларимиздан бири сафдан чиққудай бўлса, унинг қуроли шуҳратига шуҳрат қўшиш ва у жангчининг традицияларини ҳаёт сақлаш, давом этдириш учун тантанали онт ичиш. Сафдан чиққан жанговар дўстимиз Ҳамид учун ҳам биз ана шу онтни ичамиз ва уни албатта бажарамиз.

Қадрдон шоир дўстларим: Ғафур Ғулом, Ойбек, Уйғун, Собир, Яшин ўртоқлар! Жангчи шоиримиз традицияларини илгари суриш керак, у камол топиб

тўла умр кўрсин учун, унинг қалбидан сочилган жавҳарларга, янги жавҳарлар қўшилиб, гулистонимизни янгидан-янги шеърӣ жавҳарлар билан безатиш зарур.

Душманнинг муқаррар ҳалокати тўғрисида шоирнинг жуда ростгўйлик билан айтган қуйидаги сўзлари ҳақиқатга айланди:

«Одамзод гувоҳимиз қойил қолсин бу ишга,
Душманни ер бирла яксон қилар чоғ келди!»

Халқлар бошига зулм бўронини ёғдирган ва офатлар келтирган сариқ вабо Гитлер машинасидан зил кетди, ярадор йиртқич ўз инига қочишда давом этмоқда.

«Қани шерлар, олға томон, ғалаба томон!
Душманларни даҳшат билан қувинг беаёв.
Бу дунёга келганига бўлсин пушаймон,
Ўзбекистон мардини ҳам билиб қўйсин ёв!»

Ҳамид Олимжоннинг қалби тинган бўлса-да, унинг қўшиқлари асрлар бўйи куйланади. Демак шоир ҳаёт!

Ленин партияси тарбиялаган, вояга етказган ватанпарвар, оташин нотиқ, жангчи дўстимиз Ҳамид Олимжон бундан кейинги зафарли юришларимизда ҳам бизга ҳамроҳдир!

1944 йил, 23 июль.

«ТИЛСИМЧИЛАР»

Ғарбга қараб ҳужум қилаётган Совет қўшинларининг бир қисми Харьков остонасига етиб келди.

Шаҳар остоналари душман томонидан миналаштирилган. Агар бу жойлар минадан тозаланмаса, ўша ўзбекнинг афсоналаридагидек «тилсимот»нинг бутун сирлари ошкор қилинмаса, на танкларимиз, на тўпларимиз ва на пиёда аскарларимиз бир қарич илгарига сурила оладилар. Майор Сивковнинг сапёрлари душманнинг ўқ бўрони остида «тилсимот» сирларини очишга киришдилар.

Уруш худоси — артиллерия ер-кўкни ларзага келтириб ўт сочмоқда. Бир неча танк шаҳар яқинидаги дарёнинг ўнг қирғоғига қараб чопмоқда. Дарёнинг саёз жойидан кечиб ўтаётган танкимизнинг биттаси сув та-

гига қўйилган душман миначига дуч келиб қолди. Дарё тагини миначадан тозалаш тўғрисида буйруқ олинди.

Кишининг баданини ялаб-юлқиб кетаётган совуқда жангчи Камол Жамолов этик билан сув кечиб, дарёнинг ичида, сувнинг тагида тошларнинг орасига жойлаштирилган душман миначаларини бирин-кетин топиб олиб, сув йўлларини хавф-хатардан тозалади, танкларимизни ўтказиб юборди.

* * *

Совет қўшинлари Днепр қирғоғига жанглар билан етиб келдилар. Майор Сивковнинг инженер-сапёрлик қисми кўп синов жангларидадан ўтди. Сапёрлар ҳужум жанглари давомида ўз ихтисосларини такомиллаштирдилар.

Ҳар бир тўлқини дунё-дунё сир билан тўла Днепр, гўё ошиқнинг васли ҳижронида тоқати тоқ бўлган маъшуканинг хаёли сингари паришон оқмоқда...

Взвод командири Иван Васильевич Клушин Днепр дарёси қақида қисқа гапирди. У, жангчи сапёрларга шундай мурожаат қилди:

— Бутун совет халқининг кўзи бизда. Немислар бизни у томонга ўтказмоқчи эмас!

— Лекин биз ўтамыз!— деди кескин қилиб Жамолов.

Ҳамма Жамоловга қаради. Чунки Жамолов умуман камгап йигит, унинг тартибни «бузиб» командирнинг сўзини бўлиб қўйиши ҳаммани таажжублантирди.

Клушин давом этиб:

— Ўтамыз, сўзсиз ўтамыз! Бутун гап кимнинг биринчи бўлиб ўтишидадир,— деди.

Ўртада ҳукм сурган қисқа бир вақт ичидаги жимжитликни «Мен!» деган овоз бузди. Жангчилар ялт этиб Камол Жамоловга қарадилар. Клушин қизил аскар Жамоловни паром расчётининг бошлиғи қилиб тайинлади.

Октябрь ойининг аёзли кунларидан бири эди. Немислар қоронғи уйга мўлжалсиз кесак отаётган кишидек тўғри келган жойга снаряд ва мина ёғдирмоқдалар. Жамолов расчётидаги сапёрлар қайиқларни дарёга тушириб, паромни ўрнаштираётган вақтда, ўнг томонга

немис снаряди келиб тушиб ёрилди. Жангчилардан кимдир бошини кўтариб, унга қараган эди, Жамолов:

— Ақлни бегона қилманг! Агар чора кўриш лозим бўлиб қолса, мен бор бу ерда,— деб далда берди.

Жамолов зоҳирда жуда тинч ва беғам бўлиб кўришса ҳам, шу минутда унинг хаёли иккига бўлинган эди. У ўйга чўмди: «Наҳотки бутун мамлакатнинг кўзи менда, менинг жанговар дўстларимда бўлса? Гитлер қўлида тутиб турган ерлар халқлар қамоқхонаси бўлиб турганда, шаҳарларимизнинг дарвозасига солинган зулм қулфини парчаловчи қуроли дарёнинг нариги томонига ўтказиб бериш бизга топширилган бир пайтда бу муқаддас вазифани ҳалоллик билан бажаришдан ўзга йўл бўлиши мумкинми?! Йўқ, мумкин эмас!..»

Жамолов озод қилинган шаҳар ва қишлоқларда ўз кўзи билан кўрган жабру-зулм манзараларини яна бир карра кўз ўнгидан ўтказди. Днепрнинг ўнг томонида, немислар зўравонлик қилаётган совет ерларида, нажот қўлларини бизга узатиб турган мўйсафид оталар, кекса оналар, маъсум гўдаклар, барно қизларимизнинг озод этилишлари, Жамолов зиммасига топширилган паром десантнинг нариги қирғоғига ўтказишга боғлиқ эканини хотирлади.

* * *

Десант ортилган паром қўзгалгапда Днепр чайқалди. Паром юз метр силжиган эдики, немислар катта калибрили тўп ва миномётдан ўт очиб паром йўлини тўсди. Паромни бошқариб бораётган Жамолов кўзини дарёнинг ўнг қирғоғига тикиб паромни илгари қараб сура берди.

Десант ўнг қирғоққа яқинлашмоқда. Душман шу қадар даҳшатли ўт очдики, гўё денгизда қўзғалиб кетган бўрон сингари портлаётган снарядлар тўлқини паромни қуршаб олди.

Паром-қайиққа бир снаряд келиб тегди. Паром чўка бошлади.

— Бутун расчёт сувга!

Қамол Жамоловнинг овозида қандайдир бир ғазаб жаранглади. Ҳаммадан олдин у ўзини сувга ташлади. Унинг орқасидан Мусаев, Самигулов, Деҳқон Худойберганов, Клушин ва бошқалар ўзларини сувга отдилар

ва чўкиб бораётган паромга тармашиб, уни ўнг қирғоққа сурган сари, снаряд, миналар янада кучлироқ портлар эди. Днепр гирдоби паромни ҳар қанча комига тортса ҳам ғарқ қила олмади. Малъун фашистлар қўли боғлиқ кишининг бошида қилич ўйнатаётган жаллод сингари қулай маррада ўтириб ҳар қанча ўқ ёғдираётган бўлса ҳам, совет жангчиларининг иродасини сусайтира олмади ва гитлерчиларнинг барча уринишлари пучга чиқди.

Десант ўнг қирғоққа ўтказилди. Даҳшатли совет артиллерияси бутун қаҳри ғазабини душман устига тўкди.

* * *

Ўзбек халқининг баҳодир фарзанди, сапёр старший сержант Қамол Ҷамолов Днепр дарёсини кечиб ўтишда кўрсатган маҳорати ва жасорати учун СССР Олий Совети Президиумининг фармони билан Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига эга бўлди.

1944 йил, 6 август.

Тўравой, акаси Йўлдошдан илгари Қизил Армия сафига чақирилди. Йўлдош укасини узатиш учун вокзалга чиққанда эшелон жўнашга тайёр ҳолда турганини кўрди. Бу аҳвол унинг фавқулодда ҳаяжонланишига сабаб бўлди.

Узундан узун уланган қизил вагонлардан иборат эшелоннинг у бошидан бу бошигача югуриб фақат: «Тўравой, ҳо, Тўравой!» деб қичқирарди Йўлдош. Эшелон аτροφини қуюн сингари қамраб олган ҳаяжон барчага хос бўлганидан, Йўлдошнинг одатдан ташқари ҳаяжонига эътибор қилган киши ҳам бўлмади.

Паровоз гудок берди. У пишқира-пишқира секин илгарига интилди. Паровозга уланган вагонлар сўнгги вагонларни олға қараб тортди. Буферларнинг бир-бирига урилишидан ҳосил бўлган овозлар бирданига тиниб қолди.

Паровоз пишқирар, қизил вагонлар унинг кетидан забт-занам чопиб борар, Йўлдош эса қўлидаги тўрвасини судраганича эшелон орқасидан чопачопа, ҳамон: «Тўравой!» деб қичқирар эди.

Чопа беришнинг беҳуда эканини пайқаб, эшелоннинг думига уланган қизил вагонларга толиққан кўзларини умид билан тикди. Эшелон ҳадемай кўздан ғойиб бўлди.

Орадан кўп вақт ўтмай, Тўравой акаси Йўлдошдан хат олди. Конверт тепасида ёзилган дала почтаси адреси, Йўлдошнинг ҳарбий хизматга чақирилганидан дарак берар эди. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлиб чиқди. Йўлдош укаси Тўравойдан бир ой кейин армия сафига чақирилган эди.

* * *

Энг йирик темир йўл узели — Н. станцияси учун шиддатли жанг давом этмоқда эди. Старший лейтенант

Попарин ротасининг жангчилари ва лейтенат Козаченко командирлик қилаётган пулемёт взводининг пулемётчилари — старшина Бердогин, қизил аскарлар Ворлаков, Исмоилов ва сержант Тўравой Ортиқовлар маҳорат билан жанг қилдилар.

Темир йўл узели душмандан озод қилинди. Душман қолдиқлари қочиб бориб бир тепаликка жойлашиб олди ва у ерда туриб, ҳужум қилиб борувчи қисмларимизни тўхтатишга урина бошлади. Жанг қизиб кетди. Фашистлар тепаликни тутиб қолиш учун бутун воситаларни жангга солдилар.

Сержант Тўравой Ортиқов, ноқулай бир ўринда яранган ўз ёрдамчиси младший сержант Соколовнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун эмаклаб кетди.

Тўравой Соколовнинг ўқ еган оёғини боғлади ва уни хавфсизроқ ерга олиб чиқиб қўйди. Тўравой қайта бошдан ҳаракат қилди. Эмаклаб илгарига силжиб, тепаликка яқинлашди. Шу пайтда немислар қарши атакага ўтиб қолдилар. Қўл жанги бошланиб кетди. Тўравой шердек олишди. Учта немис солдати уни ўртага олди. Тўравой унинг биттасини кўксига найза санчиб, иккинчисининг миясига қўндоқ билан уриб ер тишлатди. Шу вақтда учинчи бир душман орқага тисланиб, Тўравойга ўқ узди. Лекин Тўравой бургутдек чап берди ва бир сакраб унинг бўғзига чангал солди. Уни тагига босди. Шунқорнинг чангалидан қутулиш учун фашист қанча уринмасин эвини қилолмади. Бироқ, фашист снайперининг дайди ўқи Тўравойнинг бошига келиб тегди. У ўз чангалидаги немиснинг устига йиқилди...

Тўравойнинг жанговар дўстлари тепаликни эгалладилар.

* * *

Сержант Воропаев қизил аскар Аҳмад Нўғойбоевни чақирди. У билан бирга Йўлдош Ортиқов ҳам келди.

— Чинакам 'бургутнинг жанги,— деди ғурурланиб Нўғойбоев, унинг кўзидан ёш чиқиб кетди.

— Бургут бошидан ўқ еган,— деди Йўлдош, қизил қонга бўялган Тўравойнинг юзига синчиклаб қараб.

— Қарасанг-чи! Ўқ бошининг ярмини учириб кетибди, шундай бўлса ҳам разил немис бургутнинг чангалидан ўзини қутқариб ололмабди.

— Чинакам соҳиб чангал экан!— деди Шоисломов.— Қани, ҳужжатларини олинг-чи.

Воропаев жангчининг кўкрак чўнтагидан ҳужжатларини олиб ўқий бошлади. Ўзбек, Сайрам районлик, Ленин колхозининг аъзоси.

— Фамилияси-чи!— деб энтикиб савол берди Йўлдош Ортиқов.

— Фамилияси Ортиқов, оти Тўравой,— деди Воропаев.

— Бу менинг укам, Тўравой! Тўравой! Тўравой!— деб бағрига босмоқчи бўлди Йўлдош, укасининг ҳаракатсиз ғавдасини ўзига тортиб, бироқ соҳиб чангал Тўравойнинг пайжасини немиснинг кекирдагидан ажрата олмади.

1944 йил, 13 август.

Мана, яна эски «касалим» қўзғади, замонамиз қаҳрамонлари тўғрисида очерклар ёзгим келиб қолди. Бу ниятимдан хабардор бўлган тенгдош дўстларимдан бири:

— Қўйсанг-чи Назир, шу очерк-почеркларингни! Районма-район, колхозма-колхоз кезиш сендай кишининг иши эмас, очерк ёзиш ёшларнинг иши, журналистларнинг иши!— деб менга раҳмднллик қилди.

Лекин оловли йиллар, унутилмас кишилар иши тўғрисида ёзилган очерклар тарихимиз учун ҳам, ёш авлод-ни тарбиялаш учун ҳам жуда керак. Кераккина эмас, жуда-жуда зарур!

Бу гал йўлим Фарғона водийсига тушади. Самолёт бебаҳо улов. Мана, у парвозга кўтарилди. «Совет Ўзбекистони» газетасини кўздан кечириб ўтирибман. Давлат хирмонига уч ярим миллион тоннадан ошиқроқ «оқ олтин» тўкиб қўйибмиз. Ҳеч қанча вақт ўтмасдан самолётимиз қўнишга бошлади...

Салом, гўзал Фарғона! Салом, Фарғонанинг париваш қизлари, жувонлари! Салом, миришкор пахтакорлар! Салом, олтинга кон, бахтга ёр водийнинг азамат эрлари! Салом, меҳмондўст, ўз пахтасидек кўнгли оппоқ элим! Ҳорманглар энди...

Фарғонада инқилоб учун бел боглаб, унинг хизматида бўлган кекса қаҳрамонларни сўроқлаб, ниҳоят улардан бири бўлмиш Бузрукхўжа ота Усмонхўжаевни топдим. Бу мўътабар отахон билан эски қадрдонлардек суҳбатимиз қизиб кетди. Отахон сабаб, ажойиб мард кишилар билан ҳам танишиб олдим, янги дўстлар ортирдим.

Отахоннинг кабинетида суҳбатлашиб ўтирган эдик, кимдир эшик қоқди, сўнгра хонага ўрта яшар бир киши кирди.

— Эй, Мамадали-ку... Айни муддао бўлди-да,— деб саломлашди отахон ва мени у билан таништира бошлади.

— Уртоқ Топиболдиев билан Белоруссияда танишганмиз,— дедим у билан кўришиб.

— Ўзбек адабиёти ва санъати ўн кунлиги вақтида, янгилишмасам,— изоҳ берди Мамадали.

— Таниш экансизлар, яна яхши,— чеҳраси очилиб гапира кетди ота.— Сиз қидириб юрган одамларнинг бири шу бўлади асли. Қани, Мамадали, саргузаштларингдан гапириб бер энди.

Мамадали қизариб кетди. У нима десин, мақтансинми? Қилган ишларини гапириб беришни мақтанчоқлик деб билади у. Ҳали унга ҳам сўз берамиз, ҳозирча айрим лавҳаларни мен гапириб бера қолай.

Серово станцияси. Одам минди-минди. Кеч куз. Улуғ Ватан уруши фронтларида жанг қилаётган ёки муқаддас урушда ҳалок бўлганларнинг она-оталари, сингил ва қаллиқларининг қўлларида гулдаста ва дастурхонлар. Биров нон, биров олма-анор, биров пистабодом тўла баркаш тутиб қаҳрамон фарзандларини зориқиб кутади. Мамадалини миндириб келаётган поездга тумонат одам кўз тиккан.

Азага борган аёл ўз дардини айтиб йиғлайди. Фироқ ва жудолик ўтида юраклари эзилган мушфиқ оналар ўз жигарпораларини эслаб сўзлашади.

— Менинг ёлғизим Усмонжон ҳам урушда. Келаётган қаҳрамон ўғлимдан суриштириб кўрсам қалай бўлади, эгачи?— башарасини ажин қоплаган кампир оқ яктак ёпиниб олган аёлдан сўрайди.

— Мени Тўхтасинимдан ҳам бир йил бўляпти хат-хабар йўқ,— гапга аралашади бошқа бир она.

— Фашистни ўлдирган савоб дейишяпти, савоб уволга айланмас, иншоолло. Дуо қилиб турайлик, ажаб эмас бизнинг ўғилларимиз ҳам Мамадалига ўхшаб бирон ўрмонда партизанлик қилиб юрган бўлса.

— Тўғри айтасиз, онажон,— дейди аёл тилагини қувватлаб икки ёшлар чамасидаги жажжи қизча кўтарган келинчак,— ҳозир келаётган қаҳрамон акамдан ҳам уч йилдан бери хат-хабар йўқ экан. Мана бугун булут орасига беркинган ойдек ярқираб чиқибдилар. Бошқалар ҳам шу хилда келиб қолишса, ажаб эмас...

— Нафасингдан ўргилай қизим. Сани киминг уруш-да?— сўрайди кампир.

— Отам, иккала акам,— жавоб берди келинчак.

— Куёвинг борми?

— Урушдалар. Тўйимизга уч ой бўлди деганда уруш бўлиб қолди. Ушандан бери...

— Ҳойнаҳой бу ширин қизча дадаларини кўрмагандир?

— Адам ҳо... уёқда... келадилар, адам,— деди онасининг бўйнидан қучиб қизча.

— Фашистни умри қисқа бўла қолса эди, эй худо! Болаларни отага, оталарни болага зор қилди оғзингдан қонгинанг келгур Гитлер!— газаби тошиб кетади кампирнинг.

Тошкент поезди пишқириб станцияга кириб келди. Вагонлар деворига «Немис-фашист босқинчиларига ўлим!..», «Яшасин, енгилмас қизил армия!» шиорлари ёзилган.

Йўловчилар вагонлар эшиги ва деразаларидан қўл силкиб саломлашар, кўзлари аланг-жалаң минг-минг кутувчилар ўз қаҳрамонларини қидиришарди.

— Ана-ана Мамадали,— деб қичқиришди қаҳрамоннинг ёр-дўстлари.

— Ҳо, ана бешинчи вагонда,— қичқирди япа кимдир.

— Кўрдим, кўрдим. Шинель кийган йигит-да.

— Жуда ёш экан-ку!

— Ҳа, кекса деб ўйловдингизми? Кўп бўлса йигарма бешга киргандир-да.

— Қойил! Ёш бошидан шундай қаҳрамонлик кўрсатибди, отасига раҳмат.

Оломон бешинчи вагон томон югурди. Мамадали кулимсираб вагондан тушди. Устида оҳори тўкилмаган шинель, бошида қизил юлдузли қулоқчин телпак, оёғида хром этик, энлик камари шинели устидан сиқиб боғланган. Қўкракдор, кенг яғрин Мамадали энди йигирма тўрт ёшга кирган табиасти оғир йигит.

Даштфанликлар ҳаяжонда. Ҳамқишлоқлари Улуғ Ватан уруши фронтдан ғозий ва ғолиб бўлиб қайтди. Каттадан кичик қаҳрамонни ўз кўзлари билан кўриб, зиёрат қилиш иштиёқида.

Ўғлини кўриб Мели опанинг қадди тикланди. Утириб қолган кампир оёққа туриб меҳмон кута бошлаши ҳаммани ҳайратда қолдирган эди.

Фронтларда ташаббус гитлерчилар қўлида бўлган йилларда жанг майдонларида юз берган кичик бир зафар халқимизга бекиёс мадад бағишлаб, ғалабага ишонч ҳосил қиларди.

Кексалар Мамадали билан кўришиб, омон-соғлиқ сўрашар экан, улар қаҳрамонимиз кўкрагидаги Ленин ордени билан Олтин юлдузни юз-кўзларига суртар, «Фронтда жанг қилаётган фарзандларимиз ҳам Мамадалидек кўкраги тўла орден ва зафар билан ўз уйлари-га қайтсилар!»— деб дуо қилишарди.

— Сўрагани айби йўқ ўғлим,— деди ўйчан кўзини Мамадалига тикиб Сулаймон ака.— Сенинг зиёратингга келган ана шўттаги аёл-эркакки бор, бирининг ўғли, бирининг ука ёки акаси, бирининг куёви фронтда. Улар ё бор, ё ҳалок бўлган. Бирдан хат келса, бошқасидан йўқ. Уруш нима, биз ахир ичига кириб чиққанимиз йўқ-ку! Фақат радио орқали эшитиб биламиз. «Шиддатли жанглардан сўнг фалон шахримизни қолдириб қўшинларимиз чекинишди», деган хабар юракларимизни ўртаб юборади. Шукур, энди қолдириб кетган шахарларимиздан немисни ҳайдаб чиқаряпсизлар. Бу энди, ўғлим, сенга ўхшаган қаҳрамон йигитларимиз зарбининг белгиси. Душманни беланги қилиб қўйдиларинг ҳар тугул. Кўчаларимизда байрам бўлади яқин кунларда. Бунга энди ишончимиз комил. Уруш дўзах бўлмай нима, ахир? Буни биз бу ерда туриб қаёқдан билайлик, дўзах азобини бошидан кечирганлар билади. Сенга ўхшаган ўтда ёнамас, сувга чўкмас йигитларимиз билади. Кўкрагингдаги Ленин нишони билан Олтин Юлдузинг буни яққол кўрсатиб турибди. Ҳар кимга ҳам муяссар бўлавермайди Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган олий ном. Эл-юрт олдида, ўзбек халқи олдида ҳамқишлоқларинг юзини шувит қилмадинг. Баракалла, сенга, ўғлим! Ёмғир билан ер кўкаради, дуо билан эр. Кўкарасан, кам бўлмайсан!

— Иншоолло-иншоолло!— дейишди чоллар.

— Мени ҳам икки ўғлим фронтда,— деб сўзида давом этди Сулаймон ака.

— Аҳмадхўжа, Ҳамзахўжалар-а?— сўради Мамадали.

— Ҳа, мабодо урушда учратмадингми?— шошилиб сўради Сулаймон ака.

Мамадали ўша пайт нима деб жавоб қилишини билмайнми, ҳар қалай ўйланиб жим қолди.

Шу вақт Сулаймон аканинг кампири Қулпинисо ян-
ға гап қўшди:

— Бўйи бастингга онагинанг қоқиндиқ бўлсин, Ма-
мадалижон, манам дунёи боумид Аҳмадхўжам билан
Ҳамзахўжамга бисот йиғиб. тўй анжомини бутлаб қўй-
ганман. Беш ой бўлди на хат бор, на хабар,— деди
йиғламсираб.

— Иккаласидан ҳам хат йўқми?— сўради Мама-
дали.

Кампир ўзини тутолмай йиғларди.

— Йиғламанг, дуосини қилинг, опа,— деди Мамада-
лининг онаси Мелибуви Қулпинисо онага тасалли бе-
риб.— Мана мени Мамадалимдан ҳам икки йилдирки
хат келмасди. Ҳа, худо ҳеч бандасини она қилиб ярат-
масин экан, икки йил, айтарга онсон, мен бу орада бо-
ламни ўйлай-ўйлай неча ўлиб, неча тирилдим. Боши
омон экан, мана Сулаймонхўжа акам айтганларидек,
неча-неча дўзахлардан бутун чиқиб келди. Умри боқий
бўлса бир кун эмас, бир кун бир ердан чиқиб келар-
кан...

Мамадали онасининг фикрини қувватлади. У ўзини
мисолга олиб Белоруссия ўрмонларида немис босқинчи-
лари қуршовида, ташқи дунёдан узилиб яшаганлари,
партизанлар ўз она-оталарига хат-хабар етказиш имко-
ниятидан маҳрум ҳолда фашистларга қарши олиб бор-
ган жанглари тўғрисида ҳикоя қила бошлади.

* * *

— Гитлер Германияси Ватанимизга хоинона бости-
риб кирган пайтда мен Польшанинг Ломжа деган шаҳ-
рида, 130-тўпчи полкида шофер бўлиб хизмат қилардим.
Полкимиз чегарадан атиги ўн икки километр ичкарида
турарди. Тун яримдан оғиб кетган. Полк тун оғушида
ором оларди. Бомбавоз ва қирувчи самолётлар овози,
бомбалар портлаши, артиллерия ўтининг даҳшатли гум-
бурлаши билан уйғондик. Ярим бедор солдатлар ҳатто
кийимларини киймасдан қуроолларига югуришар, ҳам-
ма саросимада, тўсатдан рўй берган бу аҳволни тезда
англаб олиш қийин эди. Тўполонда фашист босқинчилар
билан жанг қилиб чекина бордик. Барановичи шаҳрига
етиб келганимизча полкимиз тумтарақай бўлиб кетди.
Ўқларимиз тугаб автоматларимиз оғир юк бўлиб қолди.

Қандай қилиб бўлса ҳам немисларнинг қўлига тушмасак деб ўйлардик. Иван Захарович Рельков деган қуролдош ўртоғим билан маслаҳатлашиб ўзимизни ўрмонга урдик. Барановичидаги ўрмон четида беш одам ўлиб ётарди. Синчиклаб қарасак, маҳбуслар. Биз ўликларни ечинтириб, кийимини кийиб маҳбус тусига киришга қарор бердик. Мана энди Иван Захарович билан иккимиз «турмадан қочган бандилар». Немиснинг қўлига тушмасдан ўзимизникиларга қўшилиш, душмандан қасос олиш керак. Ана шундай эзгу ният билан ўрмон оралаб, ўзимизникиларни топиб олиш пайига тушдик. Бахтга қарши ўзимизникилардан бу орада ном-нишон топмадик. Немис-фашистлар бўлмаган қишлоқ йўқ. Кўчалар немислар билан тўлиб тошган. Улар қўшиқ айтишиб, маст-аласт шарқ томон борарди.

— Ўзимизникиларга етиб олиш амри-маҳол кўринади, Мамат,— деди ўртоғим.— Бир илож қилиб менинг қишлоғимга етиб олсак, ота-онам, қариндошларим билан бамаслаҳат иш қилардик.

Қуролдош ўртоғимнинг қишлоғини мўлжалга олиб йўлга тушдик. Кундузлари ўрмонда тунаб, кечалари юардик. Ўрмонда бизга ўхшаганлар оз эмасди. Бошдан кечирган уқубатлар айтган билан адо бўлмайди. Ҳаммадан ҳам полкимизнинг тариқдек чочилиб кетгани алам қиларди менга. Босқинчи немис бизни шунча ҳам ғафлатда қолдирмаса деб ўйлардим, ўзим-ўзимга савол бериб жавоб тополмагач, ўртоғимдан сўрардим.

— Мен ҳам шунисига ҳайронман,— деб бошини чайқарди ўртоғим.

Кўп юрдик, кўп юрсак ҳам мўл юрдик. Охир-оқибат ўртоғимнинг қишлоғига етдик. Чеккадаги эгасиз ҳовлининг чордоғига биқиниб қишлоқни кузатдик. Яхшики, қишлоқ катта йўлдан ичкарироқда экан. Немис зоти кўринмасди. Шундай бўлса ҳам кечга томон қишлоққа йўл олдик. Иван Захарович мени тўхтатиб:

— Мамат, сен бизнинг ҳовлига кирасан. Ҳо ана, мўрис кўриниб турган уй бизники бўлади. Онамни секин чақир, мен бир кун сизникида тунасам мумкинми, деб сўра. Хўп деса гапга сол, қишлоқда немислар борми, йўқми билиб ол. Сўнг киши билмас менга хабар қил. Мен сени шу ерда кутаман,— деди.

Юрагимга ваҳима тушди. Шунча азоб тортиб қишлоғига етса-ю, онасини кўришга шошилмаса, мени элчи

қилиб юборса! Йўқ, бунда бир сир бор. Мен ўртоғимга ортиқча юк бўлиб қолмадиммикин? У мени лақиллатиб ўзи кетиб қолмаса эди?— деган андиша юрагимга гул-гула солди. Шундай бўлса ҳам таваккал қилиб мўрини қоралаб йўл олдим. Ҳовлига кирдим, кампир ҳали даладан қайтмаган экан. Нима қилдим энди, деб турсам кампир қизи билан кириб келди. Салом бердим. Кампир менга хўмрайиб қаради-да, ҳовлисига кириб кетди. Мен орқасидан кирдим. «Онажон, бир кун уйингизда тунасам бўладими?»— дедим.

— Кеча бири тунаб эримнинг тўнини ўғирлаб кетди. Шўрлик чолим яланғоч қолди. Йўқ, бошқа ерни изла, болам,— деди асабийлашиб кампир.

— Хайр, онажон, хафа қилган бўлсам кечиринг. Аммо мен ўғри эмасман. Балки кеча тунаб эрингизнинг тўнини олиб кетган солдат ҳам ўғри эмасдир, шароит мажбур қилгандир уни. Балки Иван Захарович ҳам кечаги «ўғри» солдатга ўхшаб ўлик маҳбусларни ечинтиргандир!

— Тўхта! Иван Захарович дедингми?— кўзи қинидан чиқаёзди кампирнинг.

— Ҳа, Иван Захарович Рельков!

— Рельков!.. Мени ўғлим? Сен уни қаёқдан биласан? Ҳой, қаёқдасанлар, бу ёққа келсаларинг-чи!— деб бақирди кампир.

Уйдан бўйга етган қиз, яна бир нечта аёл югуриб чиқишди.

— Нима гап?— ҳовлиқиб сўрашди улар.

— Эшитинглар! Йўқ, қани бу ёққа юр-чи, ўғлим. Уйга кириб гаплашайлик.

— Йўқ, мен уйга кирмайман, Анна Захаровна. Ўғри номини олишга тоқатим йўқ.

— Э худо,— деди чўқиниб кампир,— бу йигит мени отимни қаёқдан билади? Қани-қани уйга кирайлик. Немис ўлгур яна кўз оғриғидек келиб қолмасин.

— Немис борми қишлоқда?— сўрадим мен.

— Ҳозир йўқ-ку-я. Гоҳ-гоҳ келиб турадиган одати бор, қоранг ўчкурни!

Аёллар мени ҳол-жонимга қўймасдан хонага судрашди.

— Овора бўлманглар, ўртоғим Иван Захаровичсиз уйга кирмайман.

— Иван? Қаёқда у?..

Мен кўчага чопиб чиқиб кетдим. Орқамдан аёллар югуришди. Анна Захаровна бўлса:

— Ҳой болам, тўхта! Қаёққа!— деб бақирарди. Мен ўртоғим кутиб турган томонга югурдим. Аёллар ким ўзарга ўйнашгандек бири олдин, бири кетин орқамдан чопиб келишарди.

Иван кўриниш берди. Мен «келавер» деган маънода имладим.

— Анна Захаровна! Чипдан ҳам Иван, ўглингизнинг ўзгисаси,— деб бақирди аёллар. Анна Захаровна ўздан кетиб қолди. Иван Захарович бир ёқда қолиб ҳамма Анна Захаровна билан овора бўлиб кетди.

Бир оздан кейин Анна Захаровна ўзига келиб Иванга ёпишиб олди. Ҳамма хурсанд эди. «Тирик экан, мапа келди. Бизнинг болаларимиз ҳам Ивандек келиб қолсалар эди», деб кўз ёш тўкишарди аёллар.

Иваннинг эпчиллиги синглиси бор экан. У мўрчага ўт ёқди. Биз ҳузур қилиб ювиндик. Анна Захаровна тоза кийим-бош олиб келди, кийиндик. Эртаси куни Иваннинг отаси билан хашак ўриш учун далага чиқдик. Немислар колхозни тарқатиб юборган бўлса ҳам улар аслида тарқалмаган экан. Бироқ, ғалла ҳали ўрилганича йўқ экан. Қишлоқда эркак зоти кам бўлгани учун дала ишлари тўхтаб қолган. Колхозда биргина трактор бўлиб, у ҳам ишламас экан. Қуrolдош ўртоғим Иван мени тракторчи эканимни биларди. Ун олти ёшдалигимда трактор курсини ўқиб битирганимни, колхозда тракторчи бўлиб ишлаб юрганимда армия хизматига чақирилганимни Иванга ҳикоя қилиб берган эдим. Бу ҳунарим Белоруссия қишлоғида ҳўбам асқотди. Колхозчиларнинг илтимоси билан бузилиб ётган тракторни ремонт қилиб юргизганимда аёлларнинг хурсанд бўлганини кўрсаларингиз эди. Улар тўпланишиб даладаги буғдойни ўриб йиғиб олишга қарор қилишди. Аёллар ўришди, мен трактор ёрдамида буғдойни янчиб, донини донга, сомонини сомонга ажрата бошладим. Кўпдан қуён қутулмас деганларича бор, катта-кичик аридек тармашиб, бир ойнинг нари-берисида даладаги буғдойни йиғиб олди. Менга меҳнат ҳақи деб тўқсон пуд ғалла тўлашди. Бир пўстин мукофот ҳам беришди.

Қоллектив меҳнат кишиларни бир-бирларига яқинлаштирар экан. Мен ҳам Иван сингари шу қишлоқнинг фарзанди бўлиб қолган бўлсам-да, еганим татимасди.

Кўнглим қозон қуруми сингари қоп-қора. Ичимга чироқ ёқса ёримайди. Қизил Армия фронтларда қон тўкиб, жон олиб жон бериб юрса-ю, мен гадо топмас қишлоқда биқиниб ётсам. Қишлоқ-шаҳарларимиз ёнмоқда. Фашистлар жонажон Москвага кирмоқчи. Даҳшат! Азиз Ватан хавф остида турган шундай пайтда, қандай сабаб билан бўлмасин ўзини четга олиб юрган солдатга ким деб баҳо берса бўлади?! Ҳарбий қасам менга тинчлик бермасди. Душман билан олишмоқ — сўнгги нафасгача курашмоқ, ё ўлиш, ё қолиш! Иккисидан бири, бошқа йўл йўқ! Кетиш керак! Қизил Армияга бориб қўшилишим керак деб хаёлга чўмардим. Йўл излардим, йўлчи кидирардим.

Кунларнинг бирида Иванларга яқин бир оиланинг тўй маросимига қатнашдим. Уртоғим Иван Захарович мени бир киши билан таништирди-да:— Мамат, ҳуш-ёр бўл, шу одамнинг этагини маҳкам ушла! Иккимиз ҳам муродимизга шу одам орқали ета оламиз, тушундингми?— деди секингина.

Янги ошнам мулойим табиат, ссртабассум одам кўринади. У секин мен томон энгашиб: «Биргалашиб ҳаракат қиламиз, ошна», деб қўйди. Дарҳол тушундим, бу мени айни муддаом эди. Иккипчи кун Иман Захарович мени бир ерга бошлаб борди. Ярим кечадан оғиб кетган пайт. Бутун борлиқ ғафлат оғушида. Қишлоқ жимжит. Қарийб бир ярим километр йўл босиб девори четандан қилинган бир ҳовлига кирдик. Бизни аёл киши кутиб олди-да, қоронғи бир уй орқали иккинчи хонага киритди. Анопченко, Курушев, Афанасенко деган ўртоқлар билан учрашдик. Гапимиз жуда қисқа бўлди, мақсад бир-биримизни синаш экан.

— Жуда соз. Эртага шу вақт Рацев ўрмонида учрашамиз. Ҳозирча хайр. Туя кўрдингми, йўқ,— деди Афанасенко.

Тарқалишдик. Уша кеча назаримда жуда чўзилиб кетгандек эди. Сира уйқум келмади. Кўзимга ёнаётган қишлоқлар, ҳўланаётган ота-оналар, кўча-кўйларда осиб ўлдирилган ватандошларимнинг жасадлари кўринар, қасоскор солдатларимизнинг ғазабнок «урра!» овозлари қулоғимда жарангларди. Ҳа, мунча ҳам чўзилди бу кеча, тезроқ тонг отиб кеч бўлақолса-ю, Рацев ўрмонига қараб юурсам...

Тонг отди. Кеч кириб қоронғи тушди. Иван Захарович мени ўрмонга бошлаб борди. Ўн икки киши бизни кутиб олди. Дарахтзор ичидаги кичик бир чодир тагида ўтириб кенгашидик. Отряд ҳаммаси бўлиб ўн тўрт киши, етти милтиқ, ўн беш чоғлик граната, бир пулемёт бор. Ўқ ҳам у қадар кўп эмас. Тўпланганларнинг ҳар қайсиси ўз таржимаи ҳолини сўзлаб берди. Савол-жавоблар бўлди. Отряд аъзоларидан бири ўртоқ Керпичнийнинг иш фаолияти ҳақида узоқ гапирди. Таржимаи ҳолига кўра ҳар жиҳатдан командирбоп одам экан у. Овозга қўйилди. Бир овоздан ўртоқ Керпичнийни командир қилиб сайладик. Унинг буйруғини икки қилмай бажаришга қасамёд қилдик.

Отряд икки группага бўлинди. Мепп разведка командири қилиб тайинлашди. Группамда ўрмон атрофини яхши биладиган йигитлар бор эди. Кечаси разведкага чиқдик. Зубова қишлоғидаги сут-қатиқ фермаси немислар қўлдалигини аниқладик. Яна шуни ҳам аниқладикки, фермада ўн уч нафар асирлар ҳам хизматда экан.

Биринчи жанговар вазифа — фермадаги ҳарбий асирлардан биронтасини қўлга тушириш. Ишимиз ўнгидан келди. Тонг бўзариб келаётган пайтда бир от қўшилган арава кўриниб қолди. Биз ўрмоннинг кўчага яқин ерида биқиниб ётардик. Синчиклаб қарасак, аравада икки киши бор, бири аравакаш, бири қуролли кўриқчи. Тўрт киши йўл ёқасидаги чуқурга биқиниб олиб, уч киши орқа томондан қарши олишга қарор бергандик. Шундай қилдик ҳам.

— Тўхта!

— Қўтар қўлингни!

— Қимирласанг отиласан!

Соқчини қуролсизлантирдик. Асирни дарҳол сўроққа тутдик. У чекиниш вақтида қуршовда қолган артиллериячилардан бири экан. Немиснинг қўлини боғлаб биримиз штабга олиб жўнадик. Асир қизил аскар бизнинг қўлимизга тушганидан ғоят шод эди. У фермадаги соқчини қуролсизлантиришга ваъда берди. Фермада ким бор, қуролли киши қанча, ҳаммасини очиқ-ойдин айтиб берди. Фурсат жуда оз, тонг отмасдан иш битириш керак. Биз яна фермадаги асирлар ёрдамига ҳам суяндик.

Қўлимизга тушган асир бунга бизни ишонтирди. Ўйчининг ўйи битгунча таваккалчининг иши битади. Мен ҳам таваккал қилиб группам олдиға вазифа қўйдим. Асир, немис соқчисини ўлдириши, бошқалар казармадаги немисларга ҳужум қилиши, соқчини ўлдирган асир дарҳол бошқа асирларни хабардор қилиб қуроллантириши керак. Яшин тезлигида ҳаракат қилмоқ зарур эди.

Операциямиз муваффақиятли чиқди. Асир немис соқчисининг чап биқишига пичоқ санчиб қулатди. Икки донна граната билан казармадагиларни тинчитдик. Ҳарбий асирларни қуроллантириб, етти киши йигирмата бўлиб Тёмний ўрмонига қараб йўл олдик. Етмиш километр йўл босиб, янги қароргоҳда ором олдик.

Биз энди ўзимизни апча-мунча тутиб олдик. Отряд командири Керпичний операциямиздан мамнун бўлди. Биз иккинчи жанговар топшириқ олдик. Демов ва Дубровский ўртасида жойлашган немис гарнизонини разведка қилишга киришдик. Бу ерда ҳам ҳарбий асирлар бор эди. Биз ўз ичимизда бўлган ҳарбий асирлардан бирини разведкага йўлладик. У ҳарбий асир формасида бориб, гарнизон хизматида бўлган ҳарбий асирлардан иккитасини қўлга олди ва улар орқали иш кўрди. Натижа ёмон бўлмади, булар ёрдамида учта пулемёт, ўтгиздан ортпқ автомат, патронлар ўлжа қилдик. Кўп ўтмай ўн тўрт кишилик отряд сони уч юзтадан ошиб кетди.

* * *

Отряд командири Москва билан боғланиб ҳаракат қилишимиз керак, деган масалани кичик командирлар муҳокамасига қўйди. Шу мақсадда Раденин деган партизан йигит билан мен Москвага жўнадик. Биз немис босиб олган қишлоқ ва шаҳарлардан ўтиб борардик. Ҳар қадамда ўлим хавфи. 1942 йил кузида йўлга чиқиб, йигирма саккиз кун деганда Москвадан саксон километр беридаги Терапис деган қишлоққа эсон-омон етиб олдик. Бу ерда партизанлар штаби бор эди. Отряд командири Пономаренко, штаб бошлиғи Калинин ўртоқлар билан учрашдик. Отрядимиз аҳволи ҳақида уларга тўла маълумот бердик, талабларимизни айтдик.

— Раҳмат иккалангизга ҳам,— деди ўртоқ Пономаренко,— биз сизни отрядга қайтармасдан ўқишга юборамиз. Сизларсиз ҳам биз энди отрядингиз билан алоқа

боғлай оламиз. Кўп эмас, жиндак ўқишларингиз лозим. Душман қуршовида иш олиб боришнинг ўзига хос илм-амали бор.

Биз бу таклифни жон деб қабул қилдик. Уч ой қунт билан ўқидик. Қўпоровчилик илми биз учун янги дунё бўлди. Кўзимиз очилди. Душманга чап бериш ва у кутмаган вақтда ҳамда турли шароитларда қандай қилиб зарба бериш йўлларини оз бўлса-да, ўрганиб олдик.

Курсни битирдик. Бизга ўн тўрт киши қўшиб яна ўз отрядимизга жўнатишди. Биз энди радио ва бошқа зарур асбоблар билан қуролланган эдик.

Қаҳратон қиш. Гитлер қўшинлари Москва остонасида мажақланган вақтда биз отрядимизга етиб олдик. Отряд ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан ўсган, фашистларга даҳшат солувчи бир кучга айланган эди.

Отряд командири буйруғи билан саксон партизанга бош бўлдим. Москва остонасидаги жангларда беланги бўлган фашист галалари калавасишнинг учини йўқотиб қўйганди. Темир йўл транспорти аввалгиларга кўра анча серқатнов бўлиб қолди. Биз оз муддат ичида душмanning етти эшелонини қулатдик. Йигирма бир автомашинани портлатдик. Беш мингга яқин асирни озод қилиб кўп қурол-яроғларни қўлга киритдик. Орш шаҳрини озод қилиш операциясида бевосита қатнашдим, кейин шу шаҳарга комендант қилиб тайинландим.

1944 йилда Гомелга бордим, кейин Минскни озод қилиш операциясида қатнашдим. Менга қадрдон бўлиб қолган Белоруссия халқининг бошидан кечган оғир кулфат ва гитлерчилардан кўрган азоб-уқубатларни тасвирлаш жуда оғир. Чунки Белоруссияда фашист жаллодларидан зулм кўрмаган биронта хонадон ва биронта жон йўқ. Шунинг учун ҳам Белоруссия халқининг эркак ва аёли бир тан-бир жон бўлиб қаҳр билан жанг қилдилар. Партизанлар сафи кун сайин ортиб борса бордики, камаймади. Белоруссия ўрмонлари босқинчилар учун бир даҳшат ва азроил ролини ўйнади.

Белоруссия пойтахти озод қилингандан сўнг аҳвол бутунлай ўзгарди. Халқнинг ишончига ишонч, иродасига ирода қўшилди. Партизанлик ҳаракати душманни ақлдан оздириб юборди. Мен Ўзбекистонимни, меҳрибон онам, укам ва қавм-қариндошларимни соғингандим. Лекин иложим қанча, менга ўхшаганлар минг-минг. Уруш. Ёвуз душманни бартараф қилиш керак.

Ҳамма гап шунда! Лекин Ўзбекистондан жуда узоқда, Минск яқинида иккинчи онам ҳам бор. У бахтсиз кунларимда мени бағрига олган меҳрибон Анна Захаровна. Тўғрисини айтсам, уни ҳам соғингандим. Уч кунга ижозат сўраб қўмондонликка мурожаат қилдим. Илтимосим рад қилинмади. Қишлоқ Минскдан жуда ҳам узоқ эмас. У ердан ҳам немислар қувилганди. Иккинчи она-отам Рельковлар онласи мени қувониб қарши олди. Уч кеча-кундуз зиёфат, ўйин-кулгидан бошим чиқмади. Республика пойтахти, сўнгидан олдинма-кетин шаҳар ва қишлоқларнинг озод қилина бошлаши халқ учун байрам ва тўй эди.

Минскка қайтдим. Дуч келган ўртоғим мени олий мукофот билан табриклади. Совет Иттифоқи Қаҳрамони. Наҳотки мен шу қадар улуғ мукофот, олий унвонга муносиб хизмат қилган бўлсам?! Мен қувончимни юрагимга сиғдира олмасдим.

Орадан кўп вақт ўтмай бир группа ўртоқлар билан Москвага жўнадик. Усмон Юсупов бизни оталик меҳри билан кутиб олди. Калининнинг ҳузурида бўлдик. У кўксимизга улуғ Ленин ордени билан Олтин Юлдузни тақиб, қучоқлаб ўпди. Қувончимдан кўзимга ёш келди...

* * *

29 октябрь. Зодиён жамоа совети «Коммунизм» колхозидамиз. Колхоз иши билан танишар эканмиз, бу ерда коммунистларнинг ақл-иродаси, меҳнат фаолияти, авангардлик роли яққол кўзга ташланиб турганини ҳис қилдик. Бир юз бир коммунист «Коммунизм» колхози учун кичкина куч эмас, албатта. Коммунист етакчи бўлмаган бирошта участка йўқ бу колхозда. Бир минг саккиз юз эллик гектар ердаги пахта муддатидан олдин териб олиниб, план бир юз ўн уч процент бажарилган бўлса ҳам, қарталарда ғўза оппоқ бўлиб ётибди.

Очеркимиз қаҳрамони Мамадали Топиболдиев раис бўлиб сайланган. 1954 йилда колхоз бир минг тўрт юз гектар ерга пахта экарди. Ҳосил гектар бошига ўн уч ярим центнердан тушар, шу сабабли колхоз икки ярим миллион сўм қарздор ҳам эди. Минг тўққиз юз эллик бешинчи йили ҳосил ўн тўққиз центнерга кўтарилди. Бир йил мобайнида ҳосилни олти центнерга кўтариш ўз-ўзидан содир бўлган мўъжиза эмас, албатта. Гап ақл

билан иш тутиб, омма билан ишлай билиш, унга суяниш, уларнинг юрагига йўл топа билишда. Мамадали Топиболдиев колхоз коммунистлари ва ветеранлари билан бамаслаҳат иш кўриб, чўкиб қолган колхозни оёққа турғизиб олди.

Қишлоқ хўжалиги халқ хўжалигининг бошқа соҳаларига қараганда хийла мураккаб. Колхозлар, уларнинг иқтисодий қуввати ва колхозчиларнинг турмуш даражаси ҳам бир текисда эмас, бири илгор, бири ўрта, бири эса ҳамон... Ана шу мураккаб шароит раисдан тортиб агрономгача, звено бошлиғидан тортиб, сут соғувчига қадар ўз ишининг омилкори бўлишини талаб қилади. Ўзига хос билим, тажриба, ўзига ишонч ва ирода, ташаббускорлик, принципиаллик ҳар қандай мушкулотнинг олтин калитидир.

«Коммунизм» колхозига бориб мен ана шундай фазилатга эга кишиларни кўрдим ва улар билан ҳамсуҳбат бўлдим.

— Биз,— деди колхоз раиси Мамадали,— беш йил сурункасига қаттиқ ишладик. Қолхозимизнинг моддий томонини яхшилаш учун нима зарур бўлса эринмасдан ўшани қилдик. Олтмишинчи йилга келиб ўрта ҳосилимиз йигирма тўрт центнерга етди, ошган ҳар бир центнер колхоз кассасига озмунча даромад келтирмадимми! Чўнтакда пулинг бўлгандан сўнг қўлинг ҳам, тилинг ҳам узун бўлади. Тўқликдан чиқади шўхлик, деганларидек қишлоқни қайтадан қуриш орузи туғила бошлади. Бу колхозчилар муҳокамасига қўйилди. Партбюро, правление ташаббусини колхозчилар қўллаб-қувватлашди, йил сайин ўз пешана тери билан тўрт минг беш юз етмиш беш тонна оқ олтин етиштиришга қодир бўлган коммунизмчилар ўз маблағи, ўз кучи билан турар жой, мактаб, боқча-ясли, клуб, қироатхона, ошхона ва новвойхона, молхона, гараж қуrolмас эканми! «Четга чиқарадиган бекорчи пулимиз йўқ!» деган шиорни майдонга ташладик. Ёштисиз иморат қуриб бўлмайди. Ёшт заводи қурдик. Эшик, дераза, пол, тўсин керакми? Демак, дурадгорлик устахонаси лозим. Техник, прораб керак, ёштчи, сувоқчи, гулкор, моҳир дурадгорлар керак. Бундай қараганда бу ишларнинг уддасидан чиқиш қийиндек кўринди. Баъзи ўртоқлар бизни хаёлпарастга ҳам чиқариб қўйди. Лекин биз қийинчиликлардан чўчиб ўтирмадик, қурувчи кадрларга комплекс билим беради-

ган курс очиб, малакали кадрлар тайёрладик. Ёш за-
водимиз ҳар йили уч миллион дондан пишиқ гпшт бер-
япти. Оҳақ ҳам ўз заводимизда ишланади. Асосий қийин-
чиликка — ёғоч, тахта масаласига дуч келдик.

* * *

— Белоруссиялик қурош дўстларим мени қўл-
лаб-қувватлашларига ишонардим,— деб ҳикоясини да-
вом эттирди Мамадали.— Шу боисдан ҳам колхозчи-
ларим номидан эркалик қилиб Белоруссия ҳукуматига
нома юбордим. Орадан сал вақт ўтмай ўртоқ Мазуров-
дан «Марҳамат қилиб келинг» деган мазмунда теле-
грамма олдим. Жабборқулда жон борми деганларидек
Минскка учиб етдим. Қурош дўстларим самимий
кутиб олишди. Жанговар йиллар хотираларини эсла-
дик. Ватан уруши йилларида фашистлар Белоруссия
қишлоқ, шаҳарларини бутунлай вайрон қилиб кетган-
ди. Оз вақт ичида у вайронагарчиликдан ном-нишон
қолмади. Ажойиб замонавий шинам қишлоқ ва чиройли
шаҳарлар бино қилинганини кўриб, ҳайратда қолдим.
Бир кун ўртоқ Мазуров ўз ҳузурига министрни чақи-
риб, гапни ўтмишдан бошлаб бундай дедилар:

— Мамадали ҳам Белоруссияни фашистлар зулми-
дан озод қилганлардан бири бўлади. У биз билан хайр-
лашган вақтда шаҳар-қишлоқларимиз култепа бўлиб
ётгани хотирамда. Энди у обод шаҳар-қишлоқларимиз-
ни кўриб, ўзида йўқ хурсанд. Хурсанд бўлиши табиий,
чунки Мамадали Белоруссияни шу кунгидек кўриш
орзусида жанг қилган эди. Мамадали билан бир сафда
туриб жанг қилган қурош дўстларимизнинг кўплари
ҳозир ораимизда йўқ. Улар Ватан озодлиги йўлида азиз
жонларидан ажралдилар, тўкилган қонлар бекор кетма-
ди. У қонлардан халқимиз бахти қайта бошдан кўкарди,
маҳв этилган эркин ҳаёт қайта гуллаб яшнади. Ма-
мадали Топибордичевнинг кўрсатган жанговар хизмат-
лари шу жиҳатдан биз белоруссияликлар учун унутил-
масдир, лекин яна бир нарсани кўнгилм сезиб турибди,
айтавсрайми?— дея мулойим тикилди менга ўртоқ Ма-
зуров.

— Марҳамат қилинг, кўнгил амрига қулоқ солиш
керак,— дедим мен.

— Ҳа, баракалла,— деди ўртоқ Мазуров,— ҳозир кўнглингиз ўрмон гаштини қўмсаётган бўлса керак, дейман.

— Кўнглимдагини топдингиз,— дедим мен.

— Ўрганган кўнгли ўртанса қўймас-да ахир. Ҳар қалай ҳузур қилиб гашт қилса бўладиган ўрмонларимиз оз эмас.

— Қайси ўрмонларни кезмоқчилар, бамаслаҳат маршрут тузармиз,— деб меҳмондўстлик кўрсатди министр.

Шунда ўртоқ Мазуров:

— Агар биз фалакнинг гардиши билан Мамадали Топиболдиевичнинг юрти Ўзбекистонга боргудек бўлсак, ҳамма нарсадан ҳам кўра қадр-қиммати баланд бўлган тоғ-тоғ пахта хирмонларига бизни рўпара қиларди-да, «Кўтарганингизча олинг, биздан сизга совға шу», дер эди. Топган гул, топмаган бир боғ пиёз деганларидек, биз дарахтларга боймиз. Биз ҳам ўрмон маҳсулотидан совға қилсак чакки бўлмасди. Энди сиз меҳмоннинг ўзига қўйиб беринг, ўрмонга борсинлар, ёғочларнинг қайси туридан қанча керак бўлса кўтарганларича олиб кетсинлар,— деб мен йўллаган номани министрға узатдилар.

Министр гапнинг заминига энди тушуниб олган бўлса керак:

— Рацев ўрмони қучоқларига сиғармикин?— деб ҳазиллашиб қўйди.

Рацев ўрмони — бу биринчи партизан группамизнинг ташкил топган жойи. Группадаги ўн тўрт партизан худди шу ўрмонда ватанга қасамёд қилгандек.

Биргина Рацев ўрмонидаги дарахтларнинг ўзи билан бутун Ўзбекистон аҳолисига иморат қурса бўлади. Бизнинг республикамизда гиёҳ унмас саҳро ва баҳорикорлик ер қанча кўп бўлса, Белоруссияда бунинг тескариси, республикада кўкаламзор бўлмаган бўйрадек бўш ер тополмайсиз, қайси бир магистраль йўлдан юрманг, унинг икки қаноти бепоён қалин ўрмонзор, обод қишлоқлар, кўкаламзор яйловлар, кўм-кўк зумрад дала. Гул-чечаклар бўйи анқийди. Белоруссиядаги сигир-бузоқларнинг емиши ёлғиз ўт-ўланларгина эмас, гул-чечаклар ҳамдир. Белоруссиянинг баҳори билан ёзи бирга қўшилиб кетади. Қиш келиб яйлов ва ўрмонлари устига оқ чойшабини ёзганига қадар гул-чечаклар кулиб боқ-

қани-боққан. Белоруссиянинг табиати ана шунақа кўркам ва оромбахшдир.

Масаллиқсиз ош пишмас дейдилар. Иморат ҳам шундай. Белоруссиялик қардошларнинг ҳиммати баланд келди. Қучоғимга икки юз вагондан ортиқ ёғоч сиғдирилмадим. Шунинг ўзи ҳам бошланғич ишимиз учун етиб ортарди. Дурадгорлар ишга тушиб кетди. Янги қишлоқ проекти колхозчилар муҳокамасига қўйилди. Кўпдан кўп ақл чиқади, деганларича бор. Проектга айрим ўзгаришлар ҳам киритилди. Колхозимизда Андижон маҳалла, Лўли маҳалла, Шакар қишлоқ, Қўтарма, Амиробод, Бўтқа сингари нообод ва тарқоқ қишлоқлар бор эди. Буларнинг ўрнига янги қишлоқ қуришга қарор бердик. Ҳозирча колхоз аъзоларининг ярмидан ортиғи уч-тўрт хоналик замонавий уйга кўчиб ўтдилар. Янги клуб, ҳаммом, тўрт ерда болалар яслиси, шифохона, туғруқхона, йигирма тўрт бригадага қулинг ўргулсин дала шийпонлари, минг бош қора мол учун оғилхона, юз тракторга парк ва устахона қуриб олдик. Тўрт юз хонадон газлаштирилди. Қолган хонадонлар ҳам навбат билан таъминланади. Колхоз территориясида йигирма километр йўлга асфальт ётқизилди. Битта ўн бир йиллик, учта бошланғич мактаб биноси қурилиб фойдаланишга топширилди. Йигирма тўртта артезиан қудуғи ишлаб турибди. Уйларга водопровод кирита бошладик.

Аъзоларимиз ўтган йили бир иш кунига тўрт сўм қирқ беш тийиндан ҳақ олгандилар. Бу йил беш сўмданга мўлжаллаб турибмиз. Бу — оиладаги ҳар бир меҳнаткашга ойига юз эллик сўмдан тушади деган сўздир. Колхозда учта, ундан ҳам орттириб меҳнат кун ишлайдиган азаматлар бор. Ҳар бир оилада ишга ярайдиган аёл-эркак колхознинг бирон участкасида ишлайди, давлатга фойда етказиб, ўзи ҳам фойда кўради. Коллектив хўжаликлардаги бу афзалликлар, қайси бир капиталистик мамлакатдаги деҳқоннинг пешанасига битибди ё тушига кирибди? Мен бу ерда якка-ярим хўжаликларни кўзда тутаётганим йўқ, кўпчилик меҳнаткаш деҳқон оилаларини кўзда тутаман. Капиталистик мамлакатлардаги деҳқонлар эртанги кунига ишона олмайдилар. Бизнинг деҳқонларимиз бўлса эртаги кун бугунгисидан кўра яхшироқ бўлишига ишончли комил. Бу ишончли йил сайин равнақ топиб бораётган колхоз тузуми амалда исботлаб берди. Бунинг биз кундалик ҳаётимиз-

да, йиллик планларимизнинг ошириб бажарилишида, халқимиз ҳаёти йил сайин яхшиланиб боришида, маданият, фан, техникамиз тараққиётида кўриб турибмиз. Бу ютуқларимизни ҳатто ашаддий душманларимиз ҳам эътироф қилишяпти энди.

* * *

Улуғ Ватан урушининг соҳибқирони, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, партизан Мамадали Топиболдиевимиз тинч меҳнат frontiда ҳам гвардиячасига курашяпти. Колхозчилар меҳнатини роҳатга айлантириб, халқ ишончини шараф билан оқламоқда. Биз унга ва «Коммунизм»нинг барча меҳнаткашларига саломатлик, ишларига янгидан-янги раванқлар тилаймиз.

1970 йил.

Хут кириб, мушуклар мов бўлиши билан ҳар йили ака-ука Усмонхўжа ва Султонхўжалар дала томон йўл олишади. У замонларда ерга қор тушиши билан деҳқон иши таққа тўхтар, қорлар эриб, ердан буғ кўтарила бошлаши билан деҳқон яна ўзини далага урарди. Болачақанинг қорни қайғусида кечани-кеча, кундузни кундуз демасдан ишлагани-ишлаган эди.

Жаҳонгирлик уруши айни авжига чиққан чоқ. Чор подшоси ўз рақибини енгиш учун қиморбоз сингари ҳеч нарсга қарамай «гардкам» урар, фуқаро ўладими, қоладими — унинг заррача ҳам иши йўқ эди. «Така бўлсину сут берсин» қабилида фуқарога у деб солиқ солар, бу деб солиқ солар, не-не йигитларни урушга ҳайдаб тўпларга ем қиларди. Туркистон халқлари бўлса оқ подшо учун соғим сигирнинг ўзи бўлиб қолганди.

Ана шу ваҳшпёна мустамлакачилик сиёсати натижа-сида ер-сувидан ажрала борган камбағал-деҳқонлар қашшоқлашиб, батраклик қилншга мажбур эди. Дашт-фанлик ака-ука Султонхўжа билан Усмонхўжа ҳам кучидан ўзга бойлиги қолмаган қўли қадоқлардан эди. Булар қўқонлик заминдор Ҳошимбой Қосимбой ўғлининг ўн икки таноб ерига учдан бирини олиш шарти билан ғўза, жўхори, буғдой экиб, бутун оила аъзолари билан эрта баҳордан қор тушганга қадар меҳнат қилишарди. Экканда, тикканда ғойиб Ҳошимбой хирмонда ҳозир бўлар, тарози бошида туриб, ҳосилнинг учдан икки тақсимини ўзига олиб, бир тақсимини ака-укаларга ташлаб кетарди. Туриб еганга тоғ чидамайди. Начора, Усмонхўжа ва Султонхўжалар оиласида «оз бўлса етар, кўп бўлса кетар» мақолига амал қилиб тўйиб-тўйиб эмас, оз-оз ердилар. Йўғон чўзилиб, нигичка узила бошлаган чоққа бир амаллаб етишарди. Ана шундай вақтда фойдага ҳомиладор омборнинг «кўзи ёриб» Ҳошимбой-

ларнинг оғзи оқариб қоларди, улар Усмонхўжа, Султонхўжага ўхшаш бурда нонга зор бўлиб қолган батракларга фойда тўлаш шарт билан бугдой ёки жўхори улашиб, муҳтожларнинг «мушкулини осон» қиларди...

Бузрукхўжа билан Сулаймонхўжалар ёш бўлсалар ҳам дадаларининг дала ишларига кўмаклашишарди. Лекин Усмонхўжа ака ҳар доим бир гапни қайта-қайта такрорлаб:

— Ўғлим! Дала ишига берилиб, мактабингдан кўнглингни совутма, тезроқ ёзув-чизувни ўрганиб ол. Мулло бўлдинг — тилло бўлдинг. Бу гапим қулоғингда бўлсин! — дерди.

— Дадамнинг панд-насиҳатлари доим қулоғимда бўлиб, — деб ҳикоя қилади энди Бузрукхўжа ота. — Хатсавод чиқаришга жиддий берилдим. Тиришиб машқ қилишим орқасида, ҳамсабоқ ўртоқларим орасида иншо ёзишда пешқадам бўлиб олдим.

Бузрукхўжа бир зум узоқларга қараб жим қолади-да, ҳикоясини давом эттиради:

— Маҳалламиз аҳолиси узоқ-яқин қариндошларига мактуб ёздириш учун менга келишарди.

— Одамларнинг ҳожатларини чиқариш савоб, пайсалга солиб юрмасдан «хўп» дегин-да, ёзиб беравер. Машқ қилаверсанг кўзинг пишиб, қўлинг тўгри бўлаверди, болам. Билганинг ўзингга, ёрдаминг бошқаларга фойда, — дер эди дадам.

Даштфан қишлоғида «Майда қарз шеркати» иш қиларди. Шеркат муҳтож деҳқонларга қарз бериб, улардан вексел олар экан. Шеркатдан қарз олиш учун унга ариза ёзиш керак. «Усмонхўжанинг ўғли бинойидек мирза бўлибди, ёзган аризаси ҳар ерда инобатга ўтаётганмиш», деган гап юриб қолди, аҳоли орасида. Ариза ёздирувчи мижозлар кун сайин кўпая борди. Биров қозига, биров аминга, биров шеркат ва ҳоказоларга ариза ёздириб «йўқ» дейишимга қарамасдан беш тийин, ўн тийин қалам ҳақи ҳам беришарди. Мен қалам ҳақини тугиб қўявердим, кейин кийим-кечак олиб «чўпга либос» деганларидек поппа-позандек мирза йиғит бўлиб қолдим. — Бузрукхўжа ота шу ерга келганда жилмайиб қўяди.

— 1916 йилда «Майда қарз шеркати»га котиб бўлиб хизматга кирдим. — Яна ҳикоя қилишга тушди ота. — Маошим олти сўм. У вақтларда олти сўм илонинг оғзи-да эди. Шеркат правлениеси деҳқонлар аризасига бино-

ан, унга қарз бериш ёки бермаслик масаласини муҳокама қилар, деҳқон 20 сўмдан 60 сўмгача фойда тўлаш шарти билан қарз олиш учун шу суммага арзийдиган ер, сигир, от ва бошқа мулк-ашёларини гаровга қўйиши мажбурий эди. Борди-ю, деҳқоннинг қарз муддати туғаб, банкага пул қайтарилмаса гаровга қўйган мулки ким ошдига сотиларди.

Шеркат майда деҳқон хўжаликлари учун ўргимчак уясидек тузоқ, бу тузоққа тушганлардан аксарияти кулфат тортарди. Деҳқон ҳар хил сабаблар билан қарзини тўлолмас, шу йўсинда ери, моли сотилиб, хонавайрон бўлиб қолаверарди.

Назар ака деган камбағал деҳқон уйи тинтув қилиниб, ҳовлиси савдога қўйилганлиги ҳали-ҳали эсимда.

Правление раиси, мингбоши, миршаб, мен туш пайтлари Назар аканинг ҳовлисига кириб бордик. Қиш пайти. Изғирин баданга игнадек қадалади. Назар ака бизни хомуш кутиб олди. Унинг оёғида эски мўкки, бошида арқонга ўхшаб эшилиб қолган увада кўк салла, эғнида ямоқ солинавериб ола-қуроқ бўлиб қолган пахталик тўн, қадди букик, юз-кўзи нурсиз.

Ҳовли унчалик катта эмас. Кўримсизгина бир уй, бир айвон, пастаккина молхона.

— Уйга кирсак бўладими?— шеркат раиси Назар акага мурожаат қилди.

Назар ака мунғайиб хона томон юрди, болаларидан бирининг отини атаб:— Четлан!— деди-да, қўл қовуштириб орқасига тисарилди ва косасига чўкиб қолган кўзини ерга тикиб, бошини маънос эғиб эшик ёнида ҳайкалдек қотди.

Биров зўрлаб орқамдан итаргандек бошқалар билан мен ҳам хонага кирдим. Уй одатда тўққиз, ўн бир, ўн уч болорлик бўлиб, ҳар бир онла ўз имконияти ва онла аъзолари сонига қараб уй қуради. Назар аканинг уйи онла аъзоларига нисбатан кичик, тўққиз болорлик экан. Учоқ боши, ётиш-туриши, обреси (ювинадиган, чўмиладиган ер), тахмон ва сандали шу кичик хонада жамул-жам...

Учоқ устида қора қозон осиглиқ, ичида эса чўян обдаста таппи чўғига кўмиб қўйилган. Ҳар куни ўчоқда ўт ёқилаверганидан уйга тутун ўтириб қолган, хонанинг турқ-таровати қозон орқасидан жуда кам фарқ қилади. Уй ўртасидаги сандал устида исқирт кўрпа, ерда пати

тўзиб кетган эски гилам, кичик бир шолча ва сандал атрофига пўстакчалар тўшалган.

Сандал устида катта тунука баркаш, токчаларнинг бирида бир қутича ва унинг устида кийим-кечаклар тугилган бўхча, иккинчи тоқчада эса жўмракли бир офтоба, бир мис кўза, иккита чинни товоқ, бир нечта сопол ва чинни косалар турипти. Деворга қоқилган қозиқ ва михларда болаларнинг камзул, кўйлаги, дорда паранжи ва аёл мурсаги осибди.

Назар аканинг беш нафар ёш гўдаклари бағрини сандалга беришиб, қўрқибми ёки кутилмаган «меҳмонлар»нинг салобати босибми, ҳар қалай қутлари ўчган бир ҳайронликда бизга термулишиб қолишганди. Устида йўл-йўл қизил кўйлак, узун пахталик камзул кийган яланг оёқ аёл рўмоли билан юз-кўзини бекитиб обрез ёнида дилдираб турарди.

— Янга, уйингизда яна нималарингиз бор?— сўради мингбоши.

— Бор бисотимиз шу кўриб турганингиз, амин почча,— деди мунгли овоз билан аёл.

— Эрингиз шеркатдан олган қарзини тўламади. Шундан хабардормисиз?

— Хабардорман. Қарздорлигимизни ҳатто гўдакларимиз ҳам билишади. Сиз қарзини тўламади дейсиз. Йўқ, қарзни, жонни бандаси бериб қутулади. Қарз билан ўлимдан омон йўқлигини биламиз. Бандасининг омади кетмасин экан. Камбағални ови юрса ҳам дови юрмайди деган биз бўлдик, ўргулай сизлардан. Чигит экдик, айни сув талаб вақтида ғўзамиз сувдан қолди. Ғўзамиз гули билан биз ҳам кўз ёш тўқдик. Айни ишнинг долзарб вақтида пешанамизда бор-йўқ биргина отимизни ҳам урушга деб ўзларингиз олиб кетдиларингиз.

— Бир сизнинг отингиз олинмади. От олиш кўпга келган тўй эди.

— Мана тўйингиз азага айланди!— деди овози қалтираб аёл.— Биз бор бўлдиг-у, тўламадикми қарзимизни... ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ... Ноумид шайтон. Болагиналарни яратган худойимнинг раҳми келар. Худо қарғаган бандасини камбағал қилиб яратар экан, нима қилайик, айтинг амин почча?..

Амин бу кўндаланг саволга бирданига жавоб бер-

мади. Вакиллар бир-бирларига қараб олишди. Бир оз жимликдан сўнг амин шундай деди:

— Нима қил дейсиз деб мендан сўраманг, янгал Нима қилишни биз эмас, эрингизнинг ўзи билади. Мана бунинг отини вексел дейдилар. Вексел нималигини биласизми, ўзингиз?.. Ҳа, нега унингиз чиқмайди? Сиз жим турсангиз ҳам вексел жим туrolмайди. У қичқиради, дунёга доврўқ солади. Аҳд-паймонни бузганлар билан муроса қилолмайди. Орани очиқ қилинглaр деб бизнинг ёқамиздан олиб ҳузурингизга бошлаб келди. Қулоқ солинг мана, векселга эрингиз нима деб ваъда қилган экан! Кечи билан пахтанинг иккинчи терими тугашига олтмиш сўм қарзимни узаман. Агар ваъдамнинг устидан чиқолмасам етса молим, етмаса ҳовли-жойим гаровда. Қим ошди савдосига қўйиб сотишга шеркат ҳақли дейилган. Розилик беришдан ўзга чорангиз йўқ, мен эса ёрдам қилишдан ожизман.

Орага яна жимлик чўкди... Аёл ун чиқазмай йигларди... Назар ака секин қадам босиб хонага кирди. Унинг асаби қақшаганиданми, ташқарида туриб совуқ еганиданми, безгак хуруж қилган кишидек қалт-қалт қилиб энгак қоқар, тиши-тишига тегиб қисирларди.

— Рўзгорда пулга илинадиган нарса йўқ, йиғиб келганда ҳамма нарса ўн сўмдан ошмайди. Уйга харидор топишдан бошқа иложимиз йўқ. Нима дедингиз?— деди шеркат раисига қараб амин.

— Мен нима ҳам дердим. Вексел ҳаммамиздан кучли. Нима қилиб бўлса ҳам қарзни узиш керак. Биз ҳам иш зўрликка ўтишини хоҳламаймиз. Қарзни узмаса бизга ҳам, Назар акага ҳам тинчлик йўқ. Бунга ўзларининг кўзлари етиб турибди,— деди шеркат раиси.

— Сизлар ўз тинчингизни кўзлайсиз. Мен бу ёш гўдаклар билан қайси очиқ мазорга бораман?— деди исёнкор бир оҳангда Назар ака.

— Уй Назар аканики эмас, болаларники. Бу уйдан ўлигим чиқади. Харидор бўладиган пулдорга мени ўлигим товонга тушмасин десаларинг бу ердан кетинглaр! Яхшиликча кетинг!.. Кетмайсизми?!

Аёл жаҳл отига минган, ғазаби тўлиб-тошганидан ҳар қандай кор-қолга тайёр бўлиб қолганди. У сандалга отилиб тунука баркаш, увада кўрпани улоқтирди. Тоқчадаги офтобапи амин оёғи остига думалатди-да:—Олинг, буларсиз ҳам бир кунимиз ўтар. Очкўз пошшо шу билан

тўйса тўяқолсин! Уйдан чиқмайман!— деди йиғлаётган яланғоч болаларини бир-бир сандалдан ўзига тортиб. Болалар қўрқиб чийиллашар, аёл эса она товуқ жўжаларини қаноти остига олганидек, беш боласини бағрига босиб, ҳўнг-ҳўнг йиғларди...

Назар ака ҳовлисига гўё қиёмат қўнди, ер-кўк ларзага келгандек бўлди назаримда. Кўз ўнгимни қоронғилик босиб, бошимни ушлаганимча ташқарига чиқдим. Қўни-қўшнилар қўрқа-қўрқа атрофдан мўралашарди, мен эса орқа-олдимга қарамасдан кўчага йўл олдим. Қўлимдан бундан бошқа иш ҳам келмас эди...

Марямхон тўғрисида ҳам ака-опалари тўғрисида айтилган илиқ гапларни айтсак арзийди. Марямхон Усмонхўжаева таълим-тарбия институтини рус тилида ўқиб битирди, ҳозир Риштон район мактабларининг бирида рус тилидан дарс беради.

Шундай қилиб, пири-бадавлат Бузрукхўжа ота билан Ҳалимахон аянинг йигирма нафар неваралари бор. Уларнинг ўнтаси қиз, ўнтаси ўғил. Невараларингизнинг ҳам орзу-ҳавасларини кўринглар, муҳтарам отахон, онахонимиз...

* * *

Отахонимиз Усмонхўжаевнинг халқ ва партия олдидаги катта хизматлари тақдирланмай қолмади, албатта. Ҳукуматимиз отахонни иккита Ленин ордени, тўртта Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Қизил юлдуз», «Ҳурмат белгиси», «Улуғ Ватан уруши» орденлари, ҳамда беш медаль, Ўзбекистон Олий Советининг бир нечта фахрий ёрлиқлари билан мукофотлади.

Отахонимизга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ирригатор» фахрий унвонининг берилиши, ўзбек халқининг миллий ифтихори бўлган пахтачиликни, ирригация иншоотларини ривожлантиришга қўшган улуғвор хизматларининг нишонасидир.

Омонлик тилаймиз, ҳурматимиз сизга отахон.

1938 йил.

Бузрукхўжа ота олис йиллар хотирасини тўплаш учунми, анчагина жим ўтирди-да, ҳикоясини давом эттирди:

— Инқилоб бўлибди... Керенский ҳайдалибди... Ленин ҳукумат бошига келибди. Уруш тўхтармиш... Ҳукумат ишчи-деҳқонники бўлганмиш... Бойларнинг ери камбағал-батракларга олиб берилармиш, бой-камбағал йўқ бўлиб, ҳамма баробар бўлармиш...

Даштфан қишлоғида ана шу хилда гап-сўз юриб қолди. Орадан кўп ўтмай қишлоқ аҳолисидан бир группа камбағаллар Риштонга чақирилди. Етиб бордик, ҳамманинг қулоғи овда, ҳар ким ўзича фол очарди...

Риштонда катта йиғилиш бўлди. Яхши эслай олмайман, кимдир мажлисни очиб, Қўқондан келган вакил Муртазинга сўз берди. Муртазин татар тилига ўзбек тилини аралаштириб сўзласа ҳам гаплари тушунарли эди.

— Оқ подшоҳ тахтдан қулаганига аллақанча вақт бўлди. Ҳуррият эълон қилинганига саккиз-тўққиз ой ўтиб бораётган бўлса ҳам, меҳнаткаш ёруғликка чиқмади. Ҳуррият, вақтли ҳукумат деҳқонга нима бериши керак эди, ўртоқ камбағаллар?— деб мажлис аҳлига мурожаат қилди Муртазин. Мажлисдан нидо чиқмагач, яна ўзи жавоб қилди:

— Ҳуррият, вақтли ҳукумат Россия халқига тинчлик бериб, урушни тўхтатиши керак эди. Бунга қилмади. Вақтли ҳукумат катта ер эгаларининг қўлидаги ер-сувни меҳнаткаш деҳқонга, капиталист қўлидаги завод-фаб-

рикани ишчига олиб бериши керак эди, бунинг уддасидан чиқолмади. Демак, ҳуррият қоғозда қолаверди. Бунга Ленин рози бўлмади. Керенский партияси билан Ленин бошлиқ коммунист большевиклар партияси орасида қаттиқ кураш бошланиб кетди. Петроград ишчилари, революцион солдатлар, матрослар Ленин йўлини ёқладилар. Қуролли қўзғолон орқали Октябрь инқилоби бўлди. Керенский ҳукумати ағдарилиб, шўролар ҳукумати тузилди. Шўро ҳукумати муборак бўлсин ўртоқлар!

Мажлис оёққа туриб шўро ҳукуматини олқишлади.

— Русияга, бизнинг Туркистонга энди на подшо, на бой-уламолар ва Керенский ҳоким. Ўртоқ Ленин тузган шўро ҳукумати ҳокимиятни ишчи, батрак, меҳнаткаш деҳқонлар ихтиёрига топширди. Биз бугун сизлар билан «Камбағаллар уюшмаси»ни тузишимиз керак. Бу уюшмага раҳбарлик қилувчи ҳайъат сайлашимиз лозим. Ҳайъатга сайланганлар фақат камбағал батракларнинг ҳақ-ҳуқуқини кўзлаб иш юритиши шарт! Бой, эшон, аминларга қитдек бўлса ҳам ён бермасликлари керак. Уюшма ҳайъатига сайланган раҳбар ўртоқларингизнинг ишларини доим назорат қилиб боринглар! Озгина бўлса ҳам тўғри йўлдан эгри йўлга чиқмасин! «Камбағаллар уюшмаси» шўрога суяниб иш қилади. Катта ер эгаларининг ер, мол-мулкни ҳисобга олади. Қонун бўйича ерни ерсиз деҳқонларга бўлиб беради. Камқувват деҳқонлар бундан кейин ёрдамни шўро ҳукуматидан олади. Буни «Камбағаллар уюшмаси» назорат қилади.

Муртазиннинг бу гаплари гўёки ўлик танга жон бағишлади. Эрксиз, ҳуқуқсиз, хўрлана-хўрлана тирик мурда бўлиб қолган одамлар қайта бошдан тирилди. Кўзларига нур кириб, юзларида табассум жилваланди. Бугина эмас, улар севинч ва қувончларини дилларига сиғдира олмасдан:

— Худога шукур, камбағалнинг бахти куладиган кун келар экан. Деҳқоннинг оҳини эшитадиган адолатпарварлар бор экан...

— Инқилоб қутлуг бўлсин, биродар!— дейишиб бирларини табрик қила бошладилар.

— «Камбағаллар уюшмаси» тузилсин деган таклиф бор, фақат камбағал-батраклар қўл кўтаради. Яна

ораларингда ёт унсурлар бўлмасин,— деб қўшиб қўйди Муртазин.

— Ёт унсур деганингиз қанақа бўлади?— қўлини кўтариб савол берди биров.

Одамлар қўлларини соябон қилиб аланг-жалаңг те-варак-атрофларига қарашарди.

— Ёт унсур деганим,— деб изоҳ бера бошлади Муртазин,— ўзи бой бўлса, чоракор, коранда ёллаб ишлаган бўлса, ерини ижарага бериб, фойдасидан кун кўрган заминдор судхўр бўлса, мурид овлаб меҳнатсиз қорин тўйдирган мулла-эшон бўлса, подшо ҳукумати хизматида бўлиб меҳнаткашларни эзган бўлса, камбағалга душман кўзи билан қараб келган бўлса биз уларнинг ҳаммасини ёт унсурлар деб атаймиз. Улар сиз билан бизга, инқилобга, шўролар ҳукуматига, «Камбағаллар уюшмаси»га душман — сизга бегона, ҳаром эт. Тушунар-лими?— Мажлис аҳлига мурожаат қилди Муртазин.

— Тушундик.

— Бу ерга йиғилганларнинг ҳаммаси камбағал-бат-раклар.

— Бой фойда тегадиган ерга боради. Бу ерда нима қилсин у!

— Ҳа-да, бу ерда илдизига болта урилаётганини билгандирки қораси кўринмайди.

— Келиб ҳам кўрсин-чи!— деган овозлар ҳар томондан эшитилиб турди.

Риштонда ўша кун рўй берган ҳаёт тушга ўхшаб кетарди. Сермашаққат, серташвиш ҳаётнинг оғир юки остида эзилиб, меҳнатини арзонга сотиб келган, рўшнолик кўрмай гул умри хазон бўлиб кетаётган ўзбек бугун ўз эзувчисига:— Кунинг битди, кафанинг бичиғлик, деб ошкора болг ура олса, бу тушга ўхшаб кетади-да, ахир.

«Камбағаллар уюшмаси»га сайлов бошланди. Ҳам-ма нуқул батрак чоракорлар номзодини ёқлаб гапирар, саводи бор кишиларга шубҳа билан қарашарди. Мансурқори ака номзоди кўрсатилганда шундай бўлганди.

Мен Мансурқори акани ёқлаб гапирдим. «Сизлар Мансур номига «қори» қўшилиб қолишидан чўчиманг-лар. Мансур ака бир вақтлар қуръон шарифни ёдлаб қори бўлган бўлсалар ҳам, камбағални эзмаганлар, бойларга ҳам хизмат қилмаганлар. «Камбағаллар уюш-маси»га саводи бор, гап-сўз биладиган одам керак.

Мансурқори ака камбағал оиладан бўлгани учун албатта ўз камбағалига қайишади» дедим.

Мажлис Мансурқорига овоз берди. Шундай қилиб камбағаллар уюшмасига Мансурқорини раис, мулла Арслон Абдулла ўғлини саркотиб, мени раис ўринбосари қилиб сайладилар.

Биз мажлисда камбағалларга, инқилобга, шўро ҳукуматига содиқ бўлиб иш тутишга ваъда бердик, эртадан бошлаб камбағаллар рўйхатини олиб бўлгач, катта ер эгаларини ҳисобга олиб, улар масаласини камбағаллар мажлисига қўйишга қарор қабул қилиб тарқалишдик. Бу йўқсиллар учун янги дунё бошланиши эди.

— «Қамбағаллар уюшмаси» деган номни ўйлаб чиқарганга балли!— деб ҳикояни давом эттиради ота.— Бирлашиб, уюшиб ҳаракат қилиш қандай яхши иш. Идорамиз асалари уясига ўхшаб қолиши ҳам бежиз эмасди. Қамбағал батраклар эртаю кеч шу ерда, бири кетса тўрти келиб турарди.

Қарийб тўрт йилга чўзилган биринчи жаҳон уруши деҳқон хўжалигини етти қоқилган кунжут поясидек шипшийда қилиб қўйган. Нарх-наво кун, соат сайин кўтарилиб, қорин ваҳмасида одамларнинг боши гангиб қолганди. Бирида улов бўлса экиш учун дони йўқ, дони борида улов, ер йўқ. Ердан ажралиб батрак бўлиб қолганлар эса оз эмас. Уларнинг кўпчилиги ўн олтинчи йилги мардикор сафарбарлигидан қайтган бўлсалар-да, бирон ишнинг бошини тутолмай, узун кириб, узун чиқиб юрардилар.

Биз қамбағал батраклардан актив тўплаб катта ер эгаларининг ер, мулк ва чорваларини ҳисобга ола бошладик. Мол аччиғи — жон аччиғи деганларидек, ёт унсурлар қимирлашиб қолишди. Руҳонийлар шариатни қурол қилиб, қуръондан ривоятлар ўқиб, авом халқни йўлдан ура бошладилар.

— Бир кунлик ҳайит деб ноқисул ақл бир аёлэридан ажралган экан. Тўрт кунлик тайини йўқ шўро деб дин-охиратларинг қуймасин, ҳой мусулмонлар!

— Бировни бой, бировни қамбағал қилган ҳаллоқнинг ўзи. Қофирлар тузоғига илина кўрманг! Эҳтиёт бўлингиз! Ислом динидан юз ўгирган қофирлар макрига учмангиз!— деб куракда турмайдиган иғво-фасод тарқата бошладилар улар.

Бирликка, синфий курашга путур етказувчи бу ножўя ҳаракатлардан Мансурқори ака ташвишлана бошлади.

— Деҳқоннинг табиаи ана шунақа, оғмачи бўлади. Муғамбирликдан ҳам қитдак-қитдак топилади уларда, сувни кўрмасдан этик ечишмайди. Тарозининг шайинига қараб иш тутишади. Аъзоларимиз феълини билиб шунга қараб иш тутишимиз керак,— деди у.

— Очiqроқ гапиринг, Қори ака, нима қилсак оғмачи камбағалларни ўз томонимизга оғдира оламиз!— савол бердим мен.

— Нима қилиш керак? Бутун гап шунда-да.— Хаёлчан кўзини бир нуқтага тикиб вазмин гапира бошлади қори ака.— Юз сиз-биздан бир жиз-биз яхши деган гапни биласиз-ку. Оғмачи камбағалларимизнинг оғзини мойлашяпти тулки бойлар. Шунақа, мулла Бузрукхўжа... Қўқон вакили ваъда қилган ерлар бўлиниб, моддий ёрдамимиз тезроқ деҳқоннинг қўлига кирса эди. Бусиз унинг кўнгли алағда.

— Шўро ҳукуматига ишонмайди демоқчимисиз ўша кўнгли алағдаларни?

— Ишонади ҳам, ишонмайди ҳам. Чунки ёт унсурлар бизга қарши ташвиқот юритяпти. Бу дунё ёлғон, чин дунёга сен ҳам борасан, мен ҳам, жаннат, дўзахни унутманглар, деб нодон одамларнинг дилига ваҳима солиб, лақиллатяпти мулла-эшонлар...

«Камбағаллар уюшмаси»нинг зиммасига қизил аскарга озиқ-овқат тўплаш вазифаси ҳам юклатилди. Биз бой, ўзига тўқроқ хўжаликлардан озиқ-овқат, отларга ем-хашак тўплаб озиқ-овқат отрядига топшириб ҳам турардик. Бу вазифа жуда ҳам силлиқина бажо келтирилмас эди, албатта. Душман унсурлар босмачи шайкалари туза бошлади. Бу шайкаларнинг бутун ҳаракати Совет ҳукуматига хайрихоҳ бўлганларга азоб бериш, талаш, ўлдиришдан иборат бўлди. Кунларнинг бирида кечаси Худойқулхोजи шайкаси қишлоққа бостириб кириб «Камбағаллар уюшмаси»нинг биринчи раиси Мансурқори акани отиб ўлдириб кетди. Мансурқори ака инқилоб иши учун, Совет ҳукуматини мустаҳкамлаш учун олиб борилган курашда қурбон бўлди. Эртаси куни мотам митинги ўтказилди. Биз Мансурқори ака тобути ёнида туриб, у бошлаган ишни охирига етказиш учун қасамёд қилдик.

Мансурқори ака вафотидан сўнг «Камбағаллар уюшмаси»га раислик қилиш менга юклатилди. Гарчи Мансурқори ака менга юкланган вазифаларни бажаришда

қурбон бўлган бўлса-да, Худойқулхожи шайкаси бизни қўрқита олмади, камбағаллар ташкилотининг иши аввалгидан ҳам кўра уюшқоқлик ва ёт унсурларга қарши қаттиққўллик билан олиб борилди. Совет ҳукумати шайхонига иғво тарқатиб юрган унсурлар билан юзма-юз гаплашадиган бўлдик ва уларни тўғри юришга даъват қилдик.

Шундай учрашувларнинг бирида Оқ ер қишлоғининг собиқ мингбоши Тўхтасин Вали ўғли билан гапга ботишиб қолдим. У заррача бўлса ҳам ҳайиқмасдан:

— Юзинг қаро, сотилгансан!— деди.

— Кимга сотилган эканман?— ётиғи билан сўрадим ундан.

— Имони йўқнинг амрини бажарган ўзи ҳам имонсиз ўлади.

— Энди биз ўлмаймиз мингбоши,— дедим совуққонлик билан.— Кеча биримизни ўлдирган эдиларинг, камиб қолмадик, бугун мана мен унинг ишнин давом эттиряпман. Камбағалнинг уруғи кўп. Осмондаги юлдуз қанча бўлса ер юзида ундан ҳам кўпроқ сизга ўхшаганлардан жабр қўрган камбағал, батрак, ишчилар бор. Мен бу гапларни сизни қўрқитиш учун айтаётганим йўқ. Шунчаки эсингизга солиб қўяяпман-да, мингбоши. Худойқулхожингизга кўпам ишонаверманг, у босмачининг умри жуда қисқа. Ҳа, кечиктирмай қарзини тўлаши керак. Тушундингизми, амин бува! Мансурқорининг калласи учун ўз калласини узамиз унинг. Сизга холис бир маслаҳатим бор: ўт билан ўйнашманг, тинч юринг!— дедим-да йўлимга қараб кетавердим. Мингбоши мендан бундай жавобни кутмаган бўлса керак, нафаси ичига тушиб кетганди. Лекин Тўхтасин аминнинг «ётиб қолгунча отиб қол!» дейдиганлардан эканини яхши билардим. Шунинг учун ҳам дарҳол бу воқеани керакли жойга маълум қилиб қўйдим.

Орадан кўп вақт ўтмай жамоаларда Ревком-инқилобий қўмиталар ташкил қилинди ва жамоа инқилобий қўмита раиси қилиниб Сотиболди Холиқов тайинланди. Холиқов жуда қаттиққўлли чиқди. Меҳнаткашларга суяниб ёт унсурларнинг таъзирини бера бошлади. Қўнларнинг бирида камбағаллар активи йиғилишини чақирдик. Шу йиғилишда «Озуқа қўмитаси ва активларнинг вазифалари» тўғрисида Сотиболди Холиқов доклад қилди.

— Шўролар ҳукумати ишчи билан деҳқонники,— деб

сўз бошлади Холиқов,— инқилобий қўмита бўлса унинг қўрувчиси. Уткир қиличи. Камбагал батрақлар дўст ким, душман ким, билиб иш қилишлари керак. Дўстга дўст, душманга душман бўлиш лозим. Шўро ҳукумати сиз билан менга ўхшаган яланг оёқлар ҳукумати. Ҳа, яланг оёқлигимиздан уялмаймиз. Яланг оёқмиз. Қорнимиз оч. Эғнимиз юпун. Ана шу ҳолда душманимиз билан қуроли жанг қиляпмиз, граждонлар уруши олиб борапмиз. Ижтимоий жамият — социализм кураммиз. Туркия билан Германия капиталистлари бирлашиб, Закавказиядаги аксилинқилобий гуруҳлар билан иттифоқ тузиб ёш шўролар ҳукуматига қарши қуроли хуруж қилмоқда. Англия, Америка капиталистлари гарб, шимол ва жануб томондан Русия тупроғига бостириб келмоқда. Кўриб турибсизлар, улар бизнинг Туркистонга ҳам қўл чўза бошлади. Бой, руҳонийлар бошлиқ босмачи шайкалари тузиб қишлоқларимизни талай бошладилар. Фирқа аъзоларини, камбагал-батрақлардан чиққан фаолларни ўлдириш билан қўрқитмоқчи улар. Шу йўл билан шўролар ҳукуматини йўқотиб, яна бойлар ҳукуматини тикламоқчилар. Йўқ! Улар бу қора ниятларига ета олмайди, ўртоқлар! Чунки бутун дунё йўқсиллари бизнинг томонимизда. Комиссарлар шўросига, мамлакатимизнинг мудофаа кучларига ўртоқ Ленин раҳбарлик қиляпти, албатта биз енгамиз. Капиталистлар, хорижий интервентлар, ички душманлар албатта енгиледи, ўртоқлар!

Сотиболди Холиқов жуда оташин сўзларди. Мажлис аҳли унинг нутқини жон қулоғи билан тинглади. Мажлис қабул қилган қарорда: Шўролар ҳукуматини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаймиз. Синфий душманларга, босмачиларга қарши курашамиз. Ҳушёр бўламиз. Қизил аскарларга озуқа ва отларига емиш тайёрлаш учун қўлимиздан келган ҳамма чораларни кўраммиз,— дейилган эди.

Мажбурий ва ихтиёрий равишда озуқа (ғалла, гўшт, беда) тўлайдиганларнинг рўйхати мажлисда тасдиқ қилинган, уни ижро қилиш учун активлар қишлоққа тарқатишдилар. Озиқ-овқат тўплаш иши яхши борди. Баъзи бир бой хўжаликлар пайсалга солиб ўзларини у ёқ-бу ёққа ташласалар ҳам, барибир кўрсатилган миқдордаги озуқаларни тўлашардилар.

Сотиболди Холиқовнинг эл орасида обрўи кўтарилиб кетди. У бир ишга қўл урдими, албатта охирига етказар-

ди. Камбағал-батраklar ревком раиси Сотиболди Холиқовни қанчалик яхши кўрса, бой, руҳонийларни кўргани кўзи йўқ эди.

Қунларнинг бирида ярим кечадан оққанда қишлоқни яна босмачилар босди. Тинч қишлоқ тўс-тўполон бўлиб кетди. Хотинлар, болаларнинг дод-фарёдлари оламни тутди. Босмачилар от чопишиб, милтиқ отишиб қишлоқдан чиқиб кетишди. Сўнг билсак, инқилобий қўмита раиси Сотиболди Холиқовни босмачилар ўлдириб кетибди...

Тонг отиб райондан кишилар келишди. Холиқовни отиб кетган Қоровой қўрбоши эканлиги маълум бўлди.

Мотам митинги — жанозага унча кўп одам йиғилмади. Бунинг сабаби бор эди, албатта. Бир томондан душман унсурларнинг аксилинқилобий ташвиқоти бўлса, иккинчи томондан бир қишлоқнинг ўзида ҳукуматнинг икки вакили босмачилар томонидан ўлдирилиши-ю, уларга қарши жазо чорасининг кечикиб бориши эди. Эл орасида «шўро ҳукуматининг томири бўшга ўхшайди» деган гаплар ҳам эшитила бошлади.

Сотиболди Холиқов ўрнига ревком раиси бўлиб кўтарилган Қосим Саримсоқов оддий деҳқон бўлса ҳам, анча тадбиркор инқилобчи одам чиқди. У деҳқонлар орасидаги иккиланиш кайфиятларини сезиб олиб:

— Оғайнилар! Баъзи бир калтафаҳм ўртоқларимиз, дўст бўлиб, душман гапини кўтариб юрибдилар. Шўролар ҳукуматининг томири бўш эмас, лекин ҳали ёш, бешолти баҳорни кўрса томири мустаҳкамланиб қолади. Бутун дунё йўқсиллари, бирлашингиз! Биласизми бу нима деган гап?.. Бирлашингиз! Ким-ким билан бирлашади ва кимга қарши бирлашади? Деҳқон-батрак қўлни-қўлга бериб бир ёқадан бош чиқариб ўз душманига қарши кураш очса, биласизми қандай куч дунёга келади! Ҳа, ўлармон ҳўкиз болтадан тоймас деганларидек, бойлар босмачи шайкалари тузиб ҳукумат вакиллариини ўлдириш билан сизларни қўрқитмоқчи бўляпти. Орамизга парокандалик солмоқчи. Бузоқнинг югургани сомонхонагача! Ҳа, халқимизнинг ажойиб бир мақоли бор, шуни ҳам эсдан чиқармаслигимиз керак. «Минг дўстинг бўлиб, бир душманинг ҳам бўлса, ўша душман сенга кўплик қилади». Ваҳоланки, шўро ҳукуматининг, яъни сиз билан бизнинг душманимиз фақат босмачи шайкалари эмас, дунёдаги барча буржуй ва буржуйлар ҳукумати ҳам бизга душман. Ёш шўролар ҳукумати ҳозир ана шу катта

душманларимиз билан жанг қияпти. Ҳа, сабр қилиб туринглар-чи, одатда болта келгунча кунда дам олади. Ҳукуматимиз нариги томондаги кучли душманларимизни бартараф қилиб олсин, бу ердаги босмачиларнинг бир муштлиқ ҳоли бор!— деб халқни қўрқмасликка, дадил бўлишга, жангга чақирарди.

Ревком Саримсоқов жамоада ўз-ўзини мудофаа қилиш отряди ташкил қилди. Деҳқонлар ҳукуматдан ёрдам олиб экин-тикин ишларини уюшқоқлик билан бошлаб юборишди.

Даштфан қишлоғида камбағаллар мажлисини ўтказиб турганимизда: «Босмачи! Босмачи, қочинглар!» деган овозлар эшитилиб қолди. Одамлар тумтарақай қочишди. Ўз-ўзини мудофаа қилиш отрядида калтак, қилич, пичоқдан бўлак қурол йўқ. Қуролсиз қуролли босмачиларга қарши чиқиш қийин, албатта. Босмачи бизнинг шу бўш томонимиздан фойдаланиб, кундуз кунлари ҳам қишлоққа, хонадонларга бостириб келаверарди. Мусо қўрбоши ўз қора мақсадига эришди, ажойиб инқилобчи деҳқон, ревком раиси Қосим Саримсоқовни отиб кетди. Бу яқин бир йил ичида бир жамоанинг ўзидан берган қурбонимизнинг учинчиси эди.

Инқилобнинг дастлабки йилларида Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш ишида инқилобий қўмита ва унинг ходимларининг аксилинқилобий гуруҳларга қарши қайси даражада ҳал қилувчи аҳамият кашф этганини ана шу фактлардан билиб олиш қийин эмас. Ревком раислари Сотиболди Холиқов, Қосим Саримсоқов, камбағаллар уюшмасининг раиси Мансурқори акаларни жисман йўқотиш билан Совет ҳукумати қулаб кетмади. Албатта, аксинча, меҳнаткаш халқ олдида ваҳший босмачиларнинг синфий башаралари маълум бўлиб, тескари ташвиқотга учиб, иккиланиб юрган баъзи бир ҳамсинфларимизнинг кўзлари очилиб қолди.

Қосим аканинг ўрнини Ортиқбой Ниёзматов эгаллади. У эндигина иш бошлаган эди, Қал ўзбек деб ном чиқарган қўрбоши жамоага олтмиш минг сўм солиқ солди. Ниёзматов босмачиларнинг бу талабини Даштфан жамоа камбағаллари йиғилишининг муҳокамасига қўйди. Камбағаллар йиғилиши юзсиз Қал ўзбекни лаънатлади, талабини рад қилиб: «Ақлли одам эси борида этагини ёпгани маъқул. Ҳали ҳам кеч эмас, яхшиликча йигитларингиз билан таслим бўлинг! Эгилган бошни қилич

кесмайди. Шўро ҳукуматининг қаҳри қаттиқ эмас, сидқи-
дилдан тавба қилганларнинг гуноҳини кечади», деган
мазмунда хат билан жавоб қайтарди.

Шу кечанинг ўзида Қал ўзбек шайкаси билан Ниёз-
матовнинг уйига бостириб кириб уни тутиб олади. Қўл-
оёғини боғлаб, сўроққа тутати:

Қал ўзбек: Ревком раисларини ўлдириб кетиши-
миз сенга сабоқ бўлмадимми?

Ниёзматов: Шўро ҳукумати фақат сизлар ўлдир-
ган ревком раисларидан иборат эмас-да!

Қал ўзбек: Шунинг учун жамоа раислигини қа-
бул қилдингми?

Ниёзматов: Ҳа, шундай.

Қал ўзбек: Биз сенга олтмиш минг сўм солиқ сол-
дик. Мажлисга қўйиб, бизнинг талабни рад этибсан.

Ниёзматов: Мажлис рад этди.

Қал ўзбек: Мажлис қарорига қўл қўйибсан. Ҳозир
шу қарорни бекор қиласанми, йўқми?

Ниёзматов: Бу менинг қўлимдан келмайди.

Қал ўзбек: Жонингдан умидинг борми? Тирик
қолишни истасанг солиқни тўлайсан.

Ниёзматов: Солиқни одатда қонуний ҳукумат со-
лади. Фуқаро тўлайди.

Қал ўзбек: Болшавойлар ҳукумати қонунсиз. Қо-
нуний ҳукумат биз, ислом ҳукумати. Даштфан менга қа-
райди, солиқни менга тўлайсан!

Ниёзматов: У ҳолда сиз менинг қўл-оёғимни бў-
шатинг. Жамоага биргалашиб борайлик, фуқарони
йиғайлик, улар билан гаплашинг.

Қал ўзбек: Вақт келади, гаплашамиз ҳам. Сен
бундан кейин номига шўронинг одами, ҳақиқатда эса
менга хизмат қилишинг керак. Шунга розилик сўрайман
сендан. Хўш, ё ҳа, ё йўқ.

Ниёзматов: Қилолмайман. Бундай ишнинг уdda-
сидан чиқолмайман.

Қал ўзбек: Қулоғига гап кирмас экан! Қулоғини
кес!

Қал ўзбекнинг йигитларидан бири Ниёзматовнинг ик-
кала қулогини кесиб ташлади, қон тизиллаб отилди.
Қўрбоши сўкиниб ўзини орқага олди.

Қал ўзбек: Энди ҳам рози бўлмай кўрсин-чи!

Ниёзматов ўзи билан ўзи овора бўлиб қолганди.

— Бурнини кес!

Жаллод Ниёзматовни тиззалаб босди, бурнини ушлаб шартта кесиб ташлади.

Кал ўзбек: Қўлини чоп! Бошини кес!

Жаллод қилични ишга солди...

— Эшикни оч! Болаларини чиқариб юбор! Тез-тез! Бошқалар отлансин!— деб бақирди Кал ўзбек.

Босмачилар қишлоқдан чиқиб кетди. Ниёзматовнинг хотини, болалари дод-фарёд кўтаришди. Ширин уйқуда ётган қишлоқ уйғонди. Даштфан жамоаси ва ревкомининг раиси Ортиқбой Ниёзматовнинг фожиали ўлими шу хилда рўй берганди. Бутун қишлоқ кечани оёқда туриб ўтказди.

— Даштфан ва атрофдаги қишлоқлар ваҳиманинг уяси бўлиб қолди. Босмачилар Фарғона водийсининг чекка қишлоқ ва районларига қутуриб ҳужум қилар, кўзга кўриниб қолган активларни отиб, чопиб ўлдириб «шўролар ҳукуматига содиқ одамларнинг боши ўлимда, мол-мулки таловда!» деб аҳоли юрагига қўрқув солиб кетишарди.

Маҳаллий халқдан ташкил топган, унча катта бўлмаган кўнгиллилар отрядининг штаби Серово¹ станциясида турарди. Бу отряд сон жиҳатидан кичик бўлгани ва етарли қуролга эга бўлмагани учун ўзига яқин район, қишлоқларни босмачилардан бутунлай ҳимоя қилишга қодир эмасди. 1918 йил охирларида Парамонов ва Абдурахмон Султонов ўртоқлар командирлик қилаётган шу отряд Даштфан қишлоғига келди. У босмачи шайқалари билан жанг қилиб юрарди. Мен ва бир неча йигитлар отрядга кўнгилли бўлиб ёзилдик. Қишлоқда онлани қолдириш мумкин бўлмаганидан рафиқам Ҳалимахонни олиб Серовога кетдим.

Отряд нуқул камбағал-батрак йигитлардан ташкил топганди. Кўнгиллиларнинг ҳаммаси деярли бир отар берданка милтиқ ва қилич билан қуролланган, беш отар милтиқ бир неча мерган йигитлардагина бор эди. Отряд уч вазифани ўтар эди: станцияни (темир йўлни) қўриқлаш, озиқ-овқат тўплаб қизил армияга жўнатиш (вагонга ўзимиз юклаб, ўзимиз жўнатардик) ва босмачи шайқаларига қарши курашиш...

Мен бу отрядда яқин бир ярим йил хизмат қилдим. Шу орада Қўқон вилоят ЧҚсининг ходими ўртоқ Попов билан танишдим. Душман унсурлар, бой-босмачилар, эл

¹ Ҳозирги Фурқат станцияси.

ичидаги уларнинг айғоқчилари тўғрисида иккимиз узоқ суҳбатлашдик...

— Халқ ичига кирмасдан уларнинг юрагини билиб бўлмайди. Чойхона, меҳмонхоналарда тўпланишиб, бекорчи вақтларини ҳар хил сафсата билан ўтказиш одат бўлиб қолган одамларга. Гап гапга улашиб ҳеч ўйламаган ерда шундай гаплар айтилиб қўйиладики... шу кунларда тўртта одам қаерда тўпланмасин, улар албатта шўролар ҳукумати, босмачилик ҳаракати тўғрисида гапиришадилар. Қулоқ солинг! Гапни уқиб олинг!— деди нима ва кимларга аҳамият беришимни уқтириб ўртоқ Попов.

Бегона бир қишлоққа бориб мардикорчилик қилдим. Кимникида ишламайин, ҳалол ишладим, икки кунлик ишни бир кунда қилиб қўярдим. Ўша замонда ҳам меҳнат кишини элга танитар экан. Бир марта мардикор ишлаб оғизга тушиб қолибман. Бир куни кечқурун энди ишни тамомлаб, дастурхонга ўтиргандим, бир киши кириб келди ва бир ҳафталик иши борлигини айтди.

— Биз мардикор одам, ёллаганни қулимиз, ака,— дедим.

— Оббо азамат-эй... биз боп йигит экансиз... мусофир одам, қўнишхонангиз ҳам йўқдир, албатта. Бемалол меникида ётиб ишлайверасиз, ундай бўлса келишдикми?

— Сиз нимани маъқул кўрсангиз, биз тайёр, хўжайин.

Хўжайин жуда улфат, дилкаш одам чиқиб қолди. Мен ишлайман, у бўлса чой қуйиб бериб ўтиради, сергап экан, дунёнинг бу бошидан кириб у бошидан чиқади. Мен бўлсам:

— Ҳа, гапираверинг хўжайин, қулогим сизда. Камбағалнинг қўли қимирлаб турмаса оғзи қимирламайди. Гапираверинг, мен гапга қулоқ солиб ишлашни яхши кўраман. Иш ҳам унсин, гап ҳам қолмасин хўжайин,— дейман.

— Ҳа, шу феълингиз менга ёқиб қолди. Ишқилиб кирои ер чоптирганга яраша, чуқур чопилгани маъқул-да.

— Бундан ҳам чуқур чоп десангиз, майли, уч кетмон бўйи бўлар экан-да, хўжайин.

— Чуқурлиги яхши, йирик кесак қолмасин.

— Сурмадек майин бўлмаса пул берманг, хўжайин. Қани, гап қолмасин, Ҳамраалибой деганингиз қизталоқ-

нинг босмачилар билан алоқасини бирон одам кўрибдими?— гапни асосий мақсадга бурдим яна.

— Эй содда экансиз, иним, бойлар шум келади, шўролар ҳукумати бино бўлиб уларнинг тагларига сув кетди. Чархпалак ажиб томошалар кўрсатяпти. Болаларнинг «Остидаги устига» ўйини бор-ку, шунга ўхшаб нима бўлди-ю, камбағал бойнинг устига чиқиб олди.

Мен қаҳ-қаҳ уриб кулдим.

— Нега куласиз?— ажабланиб қаради хўжайин.

— «Остидаги устига!»... Ўхшатганингизга куламан. Жуда ҳам гапга уста экансиз, хўжайин. Дарҳақиқат бойга қийин бўлди. Ҳамраалибойнинг оёғи куйган товукдек югуриб қолиши ҳам шунданмасмикин, хўжайин.

— Албатта,— дея давом этди у.— Лекин Ҳамраалибойлар бўш келмаяпти. Занғар Николай замонида амалдорлар бойларни қўллаб, қувватларди. Шўро замонида ҳам ўшандай бўляпти.

— Йўғ-е,— дедим кетмон чопишдан тўхтаб.

— Хўп дейверинг. Босмачига бош ким? Бой ёки бойнинг ҳамтовоғи! Шўро ҳукумати бўлди-ю, халқнинг тинчлиги йўқолди. Бугун кўрибсиз, бу қишлоқда бировни отиб, элни талаб кетипти! Эрта кўрибсиз, бошқа қишлоқда ҳам шу хил мотам. Хўш, босмачи бу ўқ-милтиқни қаердан оляпти деб ўйлайсиз?

Мен «билмасам» дегандек елкамни қисиб қўйдим.

— Шўрони ўзи беряпти милтиқ, ўқларни!— куйиниб биров эшитмасин дегандек секин гапирди у.

— Йўғ-е...

— «Йўғ-е»дан бўлак яна қандай гапни биласиз ош-но?— тажанг бўлди хўжайин.

— Шўро ҳукумати ўт бўлса, босмачи сув! Қандай қилиб ўз душманига ўқ, милтиқ берсин?— таажжубланган бўлдим.

— Берар экан. Шўро идорасида золим Николайнинг одамлари йўқ дейсизми?

— Бўлиши мумкин,— тасдиқладим.

— Бор экан, милтиқ, ўқ билан савдо қилишар экан.

— Йўғ-е...

— Яна йўқ дейди-я, бу одам,— тажанг бўлди хўжайин.

— Милтиқ сотиб олган кишини кўрдингизми, ўзингиз?

— Кўрганим йўқ... Лекин шунақа миш-мишлар юрибди.

— Узун қулоқ гап денг?— мазах оҳангида ишонмаган бўлиб гапирдим мен.

— Сиз мени мазах қилмай қўя қолинг!— деди зарда қилиб хўжайин,— афсуски бирон жиҳатдан ҳукуматга дахлдорлигим йўқ-да.

— Бўлганда нима қилардингиз, хўжайин?— гаппи бўлдим унинг.

— Узим билардим.

— Масалан, сизни жамоага раис қилиб қўйса нима қилардингиз?— бепарволик билан сўрадим мен.

— Тўғри темир йўл станциясига борардим. Боғочхонадаги юкларни очиб кўрардим. «Бочкадаги ёғларни бўшат! Ичида милтиқ, ўқ бор!» деярдим.

— Қўйсангизчи, куракда турмайдиган гапни,— дея қўл силтадим жиғига тегиб.

— Сиз куракда турмайдиган гап дейсиз. Одамлар орасида шунақа гап-сўзлар юрибди. Шамол бўлмаса дарахтнинг шохи қимирламасди, шивир-шивир гаплар кўп. Рўйирост айтишга қўрқишади.

— Кимдан қўрқишади?

— Кимдан бўларди, босмачидан-да! Ҳой, мен бу гаппи сизга ишониб айтяпман-а! Яна оғзингиз бўшлиқ қилиб бирон ерда гуллаб қўйманг. Нах иккимиз ҳам,— деди бошини кўрсатиб,— оч қорним, тинч қулогим. Туя кўрдигингизми?

— Йўқ.

Хўжайиннинг яна икки кунлик иши қолганди. Кетишим керак. Ишни чала қолдириб кетсам хўжайин шубҳага тушиши мумкин. Ишни тезлатишга қарор бердим, қурол-яроғ, бочкадаги ёғ тўғрисида гап адрессиз эди. Фарғона водийсида нима кўп, станция кўп. Мен қайси станция боғочхонасида бундай иш рўй бераётганини билишим керак.

Кеча ойдин эди. Ишласа бўлади-ку, деб кўнглимдан ўтказдим. Кечки овқатдан сўнг бир оз дам олдим-да, кетмонни кўтариб яна майдонга тушиб ерни чопа бошладим. Хўжайин хабар топиб югурганча келди-да:

— Ҳой, сизга бир гап бўлдим, мусулмон. Ёв қувла-яптими сизни, дам олиш ўрнига бу нима қилганингиз!

— Мен ўйлаб қўйган баҳонамни хўжайинга айтдим. «Аллақандай тушлар кўриб чиқдим. Ишингизни ташлаб кетишга кўнглим бўлмади. Тонг отганга қадар ғайрат қилсам чопиб қўяман. Сўнг фотиҳангизни олиб йўлга чиқаман»,— дедим.

— Ҷарчаб қолманг яна... Хайр, худо қувват берсин сизга... ундай бўлса чой дамлаб келай,— деди-да, катта чойнакка чой дамлаб чиқди.

Гап гапга улашиб, яна эски мавзуга қайтдик. Хўжайин аниқ адрес айтмади. Лекин Тошкентдан қайси боғочхонага бочкада ёғ келса унда бир сир бўлиши турган гап деган сўзни айтди... Мен кўрган «туям» тўғрисидаги хабарни ўша куни тонг отгач, кечқурун ўртоқ Поповга етказдим. Орадан ярим соатлар вақт ўтар-ўтмас Серово станцияси боғочхонасида Тошкентдан юборилган ёғ бочкалари борлиги аниқланди.

— Қани кетдик бўлмаса,— деди ўртоқ Попов елкамга қўлини ташлаб.

Билсак, богоч эгасини кутиб турар экан. Негадир у юкини олиб кетишга келмайди, бизнинг ҳаракатимиздан хабардор бўлмадимикан шайтонлар, ўзимизча ўйлардик биз. Йўқ, биз ўйлаганимизча бўлиб чиқмади. Ҳар иккала бочканинг эгаси бир вақтда келди. Қаранг, собиқ мингбоши, энди уялмай-суялмай савдогарликка ўтиб олибди. У оғзини тўлдириб ҳукуматни, Ленинни дуо қилади. «Керенский аҳмоқ эди, Ленин тадбиркор, доно раҳбар чиқди. У бўлмаганда фуқаро очликдан қириларди. Қимирлаган жон ҳукуматга ёрдам қилиши керак. Ҳар ким қўлидан келган иши билан янги ҳукуматга фойдаси тегсин. Мени қўлимдан савдогарлик келади. Оз бўлса-да, халққа мой етказиб берсам, савоби тегар-ку»— деб кўринганга вайсар экан. Янги иқтисодий сиёсатни жорий қилган шўролар ҳукуматига миннатдорчилик билдириб, ўзини ҳукуматга, халққа дўст қилиб кўрсатар экан... Эндиликда ўзини шўрога дўст, халққа гамхўр кўрсатиб, амалда аксилинқилобий иш қилиб юрган Тўхтасин амин Вали ўғли, Абдулла Худоёр ўғиллари бочкаларни аравага ортдираётган вақтларида тутилдилар. Бочкаларда қотиб қолган мол ёғи эгалари иштирокида эритилди. Бочкалардаги ёғ ичида 285 дона тўппонча ўқи билан 2900 дона беш отар милтиқ ўқини олганимизда савдогарлар: «— Тухмат! Бу бизга тухмат!»— дейишиб додлаб юборишди. Дод-вой фойда бермасди, чунки булар энди ўз тумшуқларидан илинганди. Худоёр ўғли, Вали ўғиллари Тошкентдаги ҳаммаслак шериклари Степанов билан ҳарбий трибуналга рўпара қилиндилар. Қилмиш қидирмиш. Аксилинқилобчилар ўз бошларини едилар.

— Вақт ўтган сари босмачи шайкалари кучая бошлади. Айниқса Янгиқўрғон район воҳаси босмачининг уяси бўлиб қолди. Гап шундаки, босмачилар қўй териси ёпинган бўри сингари тинч аҳоли ичига кириб олиб иш кўра бошладилар. Улар турли-туман игво ва қўрқитиш йўли билан аҳолини ўз томонларига огдириб олиш усулини қўллай бошладилар. Бундай қараганда тинч аҳоли икки ўт ўртасида ёнарди. Юз берган бу кўнгилсиз аҳвол аксилинқилобий кучларга қарши кескин чоралар кўришни тақозо қилди.

Қўқон уезд инқилобий қўмитасининг йўлланмаси билан Янгиқўрғон волостной Ревкомига раис бўлиб бордим. Мамажон старший номи билан машҳур Аҳмадқулов деган ўртоқ милиция хизматида жонбозлик кўрсатиб халқ орасида ном чиқарган, босмачи шайкаларининг юрагини олиб қўйганлардан эди. Аҳмадқулов бошчилигидаги эллик найзалик милиция отряди, Янгиқўрғон волостной ревкоми ихтиёрида ҳаракат қила бошлади. Ўзини ва халқни мудофаа қилишга қодир бўлиб қолган ревком меҳнаткаш халққа суяниб иш кўра бошлади, омманинг ўз ҳимоячисига ишончи орта борди. Илгарилари бундай қуролли кучлар мавжуд эмаслигидан фойдаланиб босмачи шайкалари ҳайиқмай-нетмай қишлоқ ва хонадонларга бостириб кирар, истаган номаъқулчиликларини қилиб кетарди. Энди бўлса босмачиларга жавоб қиладиган қуролли куч муҳайё...

Ревкомнинг кишилар кўзига кўрсатмай қиладиган иши ўз натижаларини бера бошлади. Қуролларини беркитиб, ўзларини «фақир-фуқаро» кўрсатиб, ниқобланиб юрган бир неча босмачи бандалари фош қилиниб инқи-

лобий чоралар кўрила бошланди. Аксилинқилобий ун-сурларга қарши олиб борилган бундай кураш шўролар ҳукуматининг халқ олдида обрўсини кўтарди, камбағал-батрак йигитлар отрядга кириб босмачи шайкаларига қарши курашиш учун хоҳиш билдира бошлади. Отрядга қабул қилинадиган йигитлар ҳар жиҳатдан текширилиб, синовлардан ўтказилиб, сўнг қабул қилинади.

Бундай отрядлардан бир нечтаси водий бўйлаб ҳаракат қилса-да, ҳали улар марказлашганича йўқ эди. Ҳар бир отряд волост ва уезд ревкоми билан мустаҳкам алоқада ҳаракат қиларди. Ўзича разведка ишлари олиб борар, душман кучларини аниқларди.

Водийда Эргаш қўрбоши бошлиқ Мирза Умарбек, Эшматбойвачча, Мадаминбек, Алиёр, Қорабой сингари сотқинлар шайкаси халққа, шўролар ҳукуматига қарши қурулли ҳаракат қиларди.

1921 — 22 йиллар мобайнида Эргаш қўрбоши бандалари билан кескин жанглар давом этди. 1922 йил охирида Риштон район ревкоми раиси лавозимига кўтарилдим. Райондаги бутун милиция отряди Ревком қарамоғига берилди. Бу отряд оз вақт ичида полкка айлантирилди ва Пронов командирлигида ҳаракат қила бошлади. Фаргона вилоят ҳарбий штаб бошлигининг муовини ўртоқ Қожиллов командасида қизил гвардия, қизил партизанлар отряди ҳаракат қила бошлади. Полкда, қизил гвардия ва партизанлар отрядларида маҳаллий халқ фарзандлари кўпчиликни ташкил қиларди. Абдурахмон Султонов, Исроил Охунов, Соттихон Олим Ҳожиев, Назиржон Халилов ўртоқлардан иборат партия вакиллари полк ва отрядга сиёсий раҳбар эдилар.

Октябрь социалистик инқилобини душманлик билан қарши олган бой, эшон, катта ер эгалари, чор ҳукумати ва хонлик тарафдорлари бўлган унсурлар яқин олти йил мобайнида меҳнаткашга тинчлик бермади. Ички душманларимиз хорижий мамлакат капиталистларидан қурулли ёрдам олиб қанчадан-қанча меҳнаткаш халқнинг қонини тўкиди, шўролар ҳукуматини йўқ қилиб ташлаш учун ҳар қандай игво, ваҳшийликлар қилишдан қайтмади.

Асрлар бўйи орзу қилиб келган озод, адолатли жамиятга эга бўлган ўзбек меҳнаткаши яна қайта қулликка тушишни хоҳламас эди. Қаршисидаги душман қанчалик кучли ва маккор бўлмасин, ўзбек меҳнаткаши ундан

тап тортмади. Қизил гвардия, қизил партизанлар отрядларига уюшиб ўз тақдирларини, келажагини, ёш шўролар ҳокимиятини, миллий мустақиллигини кўкрак тутиб мудофаа қилди. Қўли-оғзи қон душман таслим бўлишни истамади. Ҳақиқат, тенглик, интернационал биродарлик, озод ва эркин ҳаёт учун олиб борилган жанг устун чиқди. 1924 йили Қўқонда умумхалқ байрами ўтказилди. Бу Фарғона водийсида босмачилик ҳаракатининг тугатилишига, тинч ҳаёт ва эркин меҳнат даври бошланганига бағишланган ғолиблар байрами эди.

Халқ қимирлаб қолди. Одамларнинг қулоғи овда. Турли-туман миш-миш гаплар. Одамлар аниқ бир тасаввурга эга бўлмагани учун ҳар ким ўз ҳолича фол очишарди.

Миш-мишларда жон бор эди, албатта. Қамбағал ҳамон ер-сувга муҳтож. Унинг касб-кори, тирикчилиги ер-сув билан. Унинг талабини қондириш инқилобий вазифа. Гарчи инқилобнинг бошида катта ер эгаларининг бойликлари давлат ҳисобига ўтказилган бўлса-да, ҳали ернинг кўп қисми муштумзўрлар қўлида эди. Ер ишлаганники бўлгандан сўнг, ўзи ишламай, ўзгаларни ишлатиб бойлик орттириб келаётган бой хўжаликлар қўлидаги ер-сувни бўлиш, ислоҳот қилиш зарурияти туғилди. Ҳокимият ишчи билан меҳнаткаш деҳқонники бўлса-ю, деҳқон ерни ижарага олиб кун кўрса!

Ер ислоҳоти бошланиб кетди. Ер-сувдан фойдаланиш чегараланди. Кўп ерли бой деҳқонлардан ортиқча ер кесиладиган, ўзи меҳнат қилишни хоҳласа кучига лойиқ ер, ишлаб чиқариш воситалари қолдириладиган бўлди. Ҳукумат комиссиялари ишга тушиб кетди. Риштон районида ўтказиладиган ер ислоҳоти комиссиясига Бузрук-хўжа Усмонхўжаев бошчилик қилди.

Ит ҳура, карвон ўтар... Ҳа, итлар ҳўп ҳуришди, ҳуриб-ҳуриб қолаверди. Карвон бўлса ўз йўлида давом этди. У беҳад оғир машаққатли йўлларни босиб ўтди. Карвон ҳар гал сафарга отланар экан, олис йўл босишини биларди. Бугина эмас, у ўз сафарида қароқчиларга дуч келиши, у қароқчилар билан қонли тўқнашувлар бўлишини ҳам биларди. Эҳ-ҳе, бундай тўқнашувлар, йўлтўсарлар оз бўлдими улуғ карвон йўлида. Лекин ҳар галги тўқнашувларда ҳам интернационализм карвони ғолиб чиқди. Яна шуниси ҳам қувонарли эдики, бу тўқнашувларда унинг кучи камайиб заифлашмасди, аксинча кучига куч, давлатига давлат қўшиларди. Таловчи йўлтўсарларни жиловлаб, одамлар эркин нафас олсин учун уларнинг ҳуқуқларини тиклашга ёрдам қилиб, янги шарт-шароитлар вужудга келтириб, ўз йўлида давом этарди.

Ана шу карвон сафида бўлган миллионларнинг бири, оддий чоракор фарзанди Бузрукхўжа ота Усмонхўжаевнинг ҳаёт йўли ҳам иборатомуздир... У оловли, нотинч йўлларни жанг-жадал билан босиб ўтди.

Нотинч йиллар орқада қолиб кетди. Қишлоқни босмачи босиш, деҳқонни талаш, активларни ўлдириш хатари бартараф қилинди. Лекин турмуш ҳали оғир эди. Бу ҳол қишлоқ хўжалигини кўтариш, ҳосилдорликни оширишни зарбдор вазифа қилиб қўйди. Партия ишчан, уздабурон ходимларини қишлоқ хўжалигининг энг муҳим участкаларига сафарбар қилди. Шундайлардан бири Бузрукхўжа Усмонхўжаев эди.

Бузрукхўжа Усмонхўжаев райижрокомга раис бўлиб иш бошлаган 1932 йили Риштон район колхозлари гектар бошига ўн бир центнердан пахта берган бўлса, 1940 йилга етганда пахта ҳосили ўттиз уч центнерга кўтарилди. Бу тинчлик саодати, халқ орзуси, фаровонлик элчиси

эди. Атиги саккиз йил ичида «оқ олтин» ҳосилининг уч баробар кўтарилиши халқ ғамидан ўзга ғами бўлмаган коммунистлар партияси, жонажон ҳукуматимиз, совет халқи нималарга қодир эканлигини кўрсатувчи далилдир. Фақатгина Риштон районида хос бўлмаган бу муваффақиятлар бутун Ўзбекистонимиз, кўп миллатли Совет Иттифоқи халқлари ҳаётида рўй берган буюк ўзгариш ҳам эди. Социалистик қурилишнинг яловбардорлари — Бузрукхўжа Усмонхўжаевга ўхшаш тиним билмас дарғаларимиз оз эмасди, албатта.

Беш-олти йилда азалий бободоҳқон, «оқ олтин» водийсининг миришкорлари фарғоналикларга чинакамига тер тўкиб ишлаш учун мавжуд ерлар торлик қилиб қолди. Коллектив рўзгор кенг майдон талаб қилар экан. Лекин қани у кенг майдон? Водийда ер кўп. Асрлар мобайнида қақраб ётган марказий Фарғона чўлига сув чиқаришни орзу қила-қила, орзуларига етолмай, армон билан дунёдан ўтиб кетган бобо-бобокалонларимизни тез-тез эслайдиган бўлиб қолишди авлодлар. Аждодлар орзуси авлодларнинг юракларида яшар эди. Аммо уни юзага чиқаришга келганда тарвузлари қўлтиқларидан тушиб кетарди.

Октябрь инқилобигача шундай бир воқеа бўлиб ўтганини ҳаяжонланиб эслашади фарғоналиклар:

...Норин. Шўх дарё, асов дарё. Тутқич бермас телба дарё. Аммо раёйингизга сола олсангиз ҳиммати зўр, очларга нон, дардмандларга шифобахш дарё.

— Эҳ, қани эди каромати зўр бир одам чиқса-ю, элга бош бўлиб Нориннинг қоқ белига камар боғласа. Чўлга ариқ очиб, сув оқизса, Ёзёвон чўллари ёруғ дунёнинг жаннати бўлиб кетармиди-я! Ё мушкул кушод, қаёқдасан!— дейишарди водий қариялари, «оҳ» тортганда ўпкалари кўриниб. Бу халқ овози эди. Аммо бу овозга ким ҳам қулоқ соларди, меҳнаткашга кулиб боқмаган у замонда!

Ўзинг учун ўл етим. Ўтмишда камбағаллар ҳоли шунақа эди. Улар бир умр ер-сувга зор бўлиб келишди. Дарёлар суви беҳуда оқди. Деҳқон истаганча ундан баҳра ололмади. Улар орзу қилишарди, аммо орзудан нарига ўтолмасдилар. Кунларнинг бирида Фарғона деҳқонлари канал қазиб Нориндан чўлга сув олиб чиқиш учун астойдил бел боғлаб, фотиҳа ўқидилар. «Фотиҳа худо ҳукми» деб билишарди мусулмонлар. Умумфоти-

ҳадан сўнг ҳар бир уйдан бир одам белбоғига нон ту-
ғиб, елкасида кетмон билан Учқўрғон томон йўлга
тушди.

Кексалар ишбоши. Инженер ҳам ўшаларнинг ўзи.

— Кўз қўрқоқ, қўл ботир. Ғайратни сусайтирмайсиз,
йигитлар! Кўпдан қуён қутулмас. Бошладикми?— сў-
райди улар.

— Бошладик!— дейди халқ.

— Омин оллоҳу акбар.

Учқўрғон тўзон ичида қолди. Халқ Норин белидан
канал очмоқчи, каламушдек ер қазиб, тупроқни улоқ-
тира бошлади. Канал машҳур Миркомилбой ерини ке-
сиб ўтиши керак. Қазувчилар бойнинг ерига етганда у
деҳқонларнинг йўлини тўсди. Каналчилар ялиниб-ёлбо-
ришди, қариялар орага тушиб «ариқ очмоқ савоб, хайр
ишини тўхтатманг, бой», дейишди. Миркомилбой ўз бил-
ганини қилди. Оломон ғазабга келди. Қўнгилсиз ҳодиса
юз беришини сезган кексалар орага тушиб, оломонни
босишга уринди.

— Ҳай-ҳай йигитлар, қўлингизга эрк берманг! Ку-
чингизни сақланг, канал қазишга керак бўлади, ҳали.
Илло, бойга қўл кўтара кўрманг. У билан ўйнашиб бўл-
майди, ҳоким, ҳатто оқ пошшо бойникини дейди.

Ўт олиб турган оломонга гап уқтириб бўлмасди.
Каналчилар бойни назар-писанд қилмасдан ерни қазиб,
дуч келган дарахтларни қулата бошлашди.

Халқ «бебошлигидан» ғазаби тўлиб-тошган Мирко-
милбой аскар бошлаб келди.

Аскарлар оломон устига от қўйишди. Деҳқонларни
қамчилаб ҳайдай бошлашди. Улар қилични ҳам, милтиқ-
ни ҳам ишга солишди. Ўнларча деҳқон ўлдирилди ва
ярадор қилинди. Канал тупроғи деҳқонлар қонига бе-
ланди.

Октябрь инқилоби ғалабасининг йигирма иккинчи йилига келганда, Фарғона деҳқонларининг асрий орзулари ушаладиган бўлди.

Минг тўққиз юз ўттиз тўққизинчи йил. Август ойи. Пахтакор ғўзасига озгина дам берса бўладиган фурсат. Бу чоқда эркаклар ишини аёллар бажариб турса ҳам бўлади. Партия раҳнамолигида, Усмон ака Юсупов, Йўлдошвой ака Охунбобоев бошчилигида канал иши бошланиб кетди. Бир юз олтмиш минг колхозчи деҳқон кетмон, белкурак, керки, замбил-ғалтак, қоп-қанор билан қуrollаниб, озиқ-овқатларини ғамлаб ёта-қўна канал қазишга чиқишди. Фарғоналикларнинг бу ташаббусларини бутун Ўзбекистон халқи қўллаб-қувватлади. Андижон ва Намангандан, Тошкент ва Самарқанддан, Бухоро ва Қашқадарё областларидан минг-минглаб ҳашарчилар каналга етиб келишди.

Катта Фарғона каналининг еттинчи участкасига Бузрукхўжа Усмонхўжаев бошчилик қиларди. Бу участкада кунига саккиз, тўққиз минг киши канал қазиб, тупроқ таширди.

Кунларнинг бирида каналчиларга концерт берилди. Базм авжида. Халқ ҳофизлари Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқов, ўзбек халқининг булбули Ҳалимаҳонимлар ялласига Мукаррамахоним, Тамараҳонимлар рақсга тушарди. Чилдирма-созлар жаранги етти қат фалакка етгудек. Йигитлар давра олишиб, раққосалар оёғи остига поёндозлар тўшаб, уларнинг бир жилва нигоҳлари учун жон фидо қилгудек ҳолатда эдилар.

Усмон Юсупов, Йўлдошвой Охунбобоевлар билан ёнма-ён ўтирган Бузрукхўжа Усмонхўжаев белбоғ ёзди. Жилвагар раққоса кифт қоқиб, қош ўйнатиб, гир айланниб, шамолдек учиб белбоққа энди чўккан эди, бир одам қелиб Бузрукхўжа Усмонхўжаевнинг қулоғига

шивирлади. Базм энг чўққисига миниб қийқириқ олам-ни тутиб турган шундай нозик пайтда шивир-шивирдан ранжиган Йўлдошвой Охунбобоев Бузрукхўжа ака томон эгилиб:

— Нима гап?— деб сўради.

— Тинчлик,— деди ҳаяжонини босолмай Усмонхўжаев.— Аёлим кўз ёрибди...

— Қутлуғ бўлсин. Қизми, ўғил?

— Қизмиш...

— Қизингиз пойқадамлик келди. Канал битиш олда туғилибди.

Бузрукхўжа, Йўлдошвой ака гап билан бўлиб, базм-ни унутгандилар. Усмон ака булардан ранжиб:

— Нега ўйин бузуқилик қиласизлар! Артистлар ха-фа бўлишди иккалангиздан,— деди.

— Артистлар ҳам эшитса хурсанд бўлишади. Эшон ака (Бузрукхўжани Эшон ака деб аташарди улар) қиз кўрибди, табрик қилинг,— дедн Йўлдошвой ака.

Усмон Юсуповнинг чеҳраси очилиб кетди. У Эшон акани табрик қилар экан, сўради:

— Отини нима қўйдингиз?

— Отини, мана энди ўзларингиз қўясизлар-да,— деди тавозе билан Бузрукхўжа ака.

— Қизалоққа от тайёр. Айтайми?

— Қани-қани?— қизиқсиниб Йўлдошвой аканинг оғзига қаради Усмон ака.

— Унақа-бунақа исм эмас, эҳтимол дунё бино бўлиб ҳалигача ҳеч кимга бундай исм қўйилмагандир.

— Қани, қани, қандақа исм бор экан тутилмаган? Эшитайлик-чи,— деди Усмон ака.

— Айтинглар-чи, канал битгач, ундан нима оқади?

— Саволингиз қизиқ бўлди-ку, Йўлдошвой ака,— деб жилмайди Юсупов.— Сувдан бўлак нима оқарди, капалдан!

— Сув билан бирга бахт оқади. Ёёвон дардига да-во оқади. Дов-дарахтларга малҳами жон оқади. Ис-кандар дунё кезиб ҳам тополмаган оби-ҳаёт оқади ка-налимиздан. Қизалоқнинг оти Каналхон бўлсин дейман.

— Мен Йўлдошвой акамни ёқлайман,— деди унга қўл чўзиб Усмон ака.

Дўстлар Каналхонга узоқ умр тилаб, бахтиёр отани янги меҳмон — қизалоқ Каналхон билан табриклаш-дилар...

Катта Фарғона канали қирқ беш кун деганда, 15 сентябрь куні қазиб тугалланди. Норин сувидан Катта Фарғона канали тўлиб оқа бошлади. Дастлабки йилларда марказий Фарғона чўлидан етмиш минг гектар ер очилиб, ўзлаштирилди. Кўп ўтмай янги Бўз райони вужудга келди. Карл Маркс номли, «Комсомол», «Гулистон», «Оқ олтин» колхозлари, Фрунзе ҳамда Калинин номли совхозлар барпо этилди.

Катта Фарғона канали ҳозирги кунга келиб Андижон, Фарғона областларидан, Тожикистон, Қирғизистон республикасининг ерларидан 360 минг гектар ерга ҳаёт бағишлади. Елғиз Андижон области янги ўзлаштирилган ерлардан 1966 йилда 28 центнерга етказиб «оқ олтин» кўтарди.

* * *

Бузрукхўжа ота ҳозир етмиш икки ёшга кирдилар. 1952 йилдан бошлаб Усмон Юсупов помли Катта Фарғона канали эксплуатация бошқармасининг бошлиғи бўлиб ишлайдилар.

Ота билан унинг умр йўлдоши Ҳалимахон ая Каналхондан бошқа яна талай фарзандларини юрт ишига содиқ қилиб вояга етказдилар. Улардан бири Эркинжон ўспирилик чоқларидапоқ пахтага меҳр қўйди. Унинг бир оёғи мактабда бўлса, бир оёғи далада бўлди. Катта-кичик, хотин-эркак, ким бўлмасин ўз ихлоси, эътиқодидан топади. «Бола ёшдан» деб бекорга айтмаганлар-да, боболаримиз, Эркинжон Усмопхўжаев йиғирма ёшга етганда колхозга раис бўлиб сайланиши ҳам унга берилган яхши тарбиянинг натижаси эмасми!

Эркинжон 1947 йилгача Бағдод район, Пахтабод жамоадаги «Большевик» колхозининг аъзоси, комсомол ташкилотининг секретари ва бригада бошлиғи бўлиб ишлади. Эркинжон бошлиқ бригада аъзолари минг тўққиз юз қирқ олтинчи йили ўттиз икки гектар ернинг ҳар гектаридан ўттиз икки центнердан «оқ олтин» кўтариб халқ оғзига тушиб қолди. Халқ назаридан қолиш бошқа-ю, унинг назар-эътиборида бўлиб, унинг олқишини олиш бошқа. Халқнинг назар-эътибори Эркинжонни раислик лавозимига кўтарди.

Эркин Усмопхўжаев раис бўлиб сайланган 1947 йилда бу колхознинг атиги уч юз олтиш гектар ери бўлиб,

йигирма етти центнердан ҳосил олинарди. Орадан йигирма йил ўтгач, колхоздаги пахта майдони бир минг етти юз саксон гектарга етди. Пахта ҳосили эса гектар бошига ўттиз икки центнерга кўтарилди.

Кимнинг фарзанди қобил чиқиб эл-халққа фойда етказа бошласа, одамлар ундай фарзандни олқишлаб «тарбия берган ота-онангга раҳмат» дейишади. Фарзанднинг ота-онага раҳмат келтиргани қаёқда-ю, лаънат келтиргани қаёқда!.. Раҳмат сизга Бузрукхўжа ота, раҳмат сизга мўътабар Ҳалимахон она!.. Минг раҳмат Эркинжон билан елкама-елка бўлиб, «Большевик» колхозини гуллатаётган ака-ука, опа-сингил, ота-оналарга!

Отанинг яна бир фарзанди Иномжон Усмонхўжаев тўғрисида икки огиз гапирмасдан иложим йўқ. Иномжон энди ўттиз саккиз ёшга қиряпти. Бажариб турган ишига нисбатан уни ҳали ёш десак бўлади. Иномжон Сирдарёдек катта область партия комитетининг секретари бўлиб хизмат қилмоқда. У аслида инженер-архитектор. Ҳали ёш областнинг анча-мунча мураккаб саноатига, қурилиш ишларига раҳбарлик қилиш бевосита Иномжоннинг қўлида. Рафиқаси бўлса институтда дарс беради. Бирч бибидан ширин уч ўғиллари бор.

Боқижон Усмонхўжаев бўлса, ҳамма ака-укаларидан серфарзанд. У етти ўғил-қизнинг отаси.

Хотира дафтарларим орасидан йўқотиб юрган кўк дафтарчам чиқиб қолди. Дафтар муқовасининг устига «Югославия, Вершаца шаҳри. 1944. 9. XI» деб ёзиб қўйган эканман. Эсимда, Югославия тунроғида немис-фашист босқинчиларига қарши жанг қилиб юрган кезларимда бир гуруҳ партизан йигитлар билан суҳбат қилгандим. 26 йиллик дафтаримни варақлай бошладим. Бир дунё тариху, бир дунё тақдир! Мана шу ҳақда телетомошабинлар билан ўртоқлашган эдим. Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон республикаларидан, Ўзбекистонимиз областларидан мени сўроқлаб келаётган Ватан уруши жафокашларининг ҳали ҳам кети узилмаётир. Ҳозиргача почта келтирган хатларнинг сонин 200 дан ошиб кетди. Ана шу хатларнинг бири Зиёнат Ҳусановдан бўлиб, унда бундай сатрлар ёзилган эди:

«Ҳурматли Назир ака! Мен сизнинг 17 февраль кунин Тошкент телевизоридан сўзлаган сўзизини эшитиб, жуда ҳам қувондим. Дўстларимнинг номларини эсга олганингиз учун сизга катта раҳмат. Дарвоқе, бу воқеа 1944 йилда бўлган эди. Бизлар 28 киши эдик...»

Мен дарҳол яна кўк дафтаримни олиб варақлаб, партизанларга қўшилиб гитлерчиларга қарши жанг қилган йигитлар номини кўздан кечири бошладим. Дафтаримнинг 10-саҳифасига шундай сўзлар ёзиб қўйган эканман:

«... 14 та от, иккита рота миномёти, милтиқ, снарядлар ўлжа олдилар. Китоблик ўртоқ ҳалок бўлди. Чимкентлик Зиёнат Ҳусанов ярадор бўлди. Ленинободлик Мирмуҳамедов ҳам ярадор бўлди. Ҳужумга бурганимизда самарқандлик Ҳамид Рашидов, ўшлик пулемётчи Маҳмуджон Қирғизов ярадор бўлди. Унинг пулемётини Ғафуров олиб ҳужумни давом эттирди. Қишлоқда қўл жангги бошланиб кетди...»

Демак, 28 лар ичда Зиёматнинг жанг қилгани рост бўлиб чиқди. Қозоғистон ССР, Чимкент область, Сайрам қишлоғини сўроқлаб боряпман.

Катта чорраҳа йўл. Ватан уруши қаҳрамонига қўйилган салобатли ҳайкал олдида бориб тўхтадим. Йўловчи бир аёлдан:— Зиёмат Ҳусановни танийсизми, опа?— деб сўрадим...

— Ҳа, танийман,— деди аёл,— ҳу ана, йигитлар тўдасида гап бериб турган Зиёмат бўлади.

Жуссаси чоғроқ бир йигит «Назир ака! Салом!»— деб менни кучоғига олди. Мен уни бағримга босиб кўришдим.

Мана, мен Зиёматнинг уйида суҳбатлашиб ўтирибман. Ўзи босиқ, уруш тигида танаси қаттиқ шикастланган, ёши элликка бориб қолган бу одамнинг бошидан кечирган кунлари, жасорати, матонати кўнлар учун ибрат бўларлидир.

Ҳикоя қилишига кўра, Зиёмат Москва остонасида олиб борилган жангларда огир яраланади. 1942 йил ноябрида оёққа туради. Пулемёт «тилини» ўрганиб, Курск ёни жангига кириб боради.

— Мен пулемёт расчётим билан ҳар жиҳатдан қулай тепаликка ўрнашиб олган эдим,— дейди ҳикоясида давом этиб Зиёмат,— расчётим назоратида бўлган текисликда пашша учса сезиларди. Мудофаа уясида уч киши истиқомат қиламиз. Навбатма-навбат куну тун қўлимиз пулемёт қулоғида бўлади. Қачон бўлмасин, кечасими, кундузими ҳар иккала томон учун хатарли бўлган мудҳиш қирғин жангги бошланиши муқаррар. Аммо қачон бошланади, ким бошлайди, бу жангчилар учун бир жумбоқ. Шунинг учун кун эмас, дақиқалар ҳушёр ва огоҳ бўлишни талаб қиларди.

5 август кунини тун ярмидан оққан чоғда ёрдамчи билан навбат алмаша туриб,— Саша бежавотир ухлайвер!— деб унинг дилига тасалли бердим.

Кеча қоронғи, соқини. Гўё олам аҳли ором уйқуда. Фақат аллақерда чигиртка чириллайди. Қамишзорнинг тебранишидан аллақандай сирли, юракка ваҳима соловчи шарпа эшитилиб турарди. Қўлим пулемёт дастасида, қулоғим овда. Истадир, шу кун ёнгинамда запасда турган ўқ ленталарини ушлаб-ушлаб кўриб:— Ҳа маккор фашист! Тумшугинини суқиб кўр-чи, нима кўрар экансан!.. бир-икки... уч...— тўққиз лента! Ҳар бирида

250 тадан. Икки минг икки юз элликта ўқим бор, ўтиб бўпсан,— дейман.

Тонг оқармоқда. Ой ҳали кўринганча йўқ, мижжа қоқмай ҳамон кузатаман: кўзим толади, уйқуга кетгандек бўлиб, чўчиб тушаман. Хиргойи қилгим келади. Муқимий ғазалларидан қўшиқ айтгим келади, овоз чиқариш мумкин эмас.

Тўсатдан дзот титраб кетди. Иккала ёрдамчим «Нима гап?» дея бақариб уйғонди. Бири босинқирабми, ўзига келмасди. Атрофимизда снарядлар портларди. Самолётлар гуриллаши эшитилди. Зенитларимиз какиллаш бошлади. Орқама-орқа бомбалар портлади. Ер тебраниб, ҳаво тўлқини Сашани деворга олиб бориб урди.

— Арт подготовка!— деб бақирди Саша.

— Зиёмат, соғмисизлар?! Фашистлар ҳужумга ўтади, бошлаб кутиб олишга шайлан!

Бу взвод командиримиз Карковнинг овози эди. Арт подготовка узоқ бўлди. Снаряд, бомбалар тепамиздан гўё дўл сингари ёғилиб турди. Портлашлардан қулоғим битиб шанғиллаш бошлади. Мудофаамизнинг ўнг ва чап томонида танклар кўринди. Танкка қарши тўпларимиз «сайрай» бошлади. Икки танк қора тутун чиқариб, аланга олди. Қолганлари олға қараб чопарди. Жанг майдони ўт ичида қолди. Марраларимиз яна тўплардан ўтга тутилди. Самолётлар пайдо бўлиб, бомбалар портлаш бошлади. Душман танки папоҳида сон-саноқсиз немис автоматчилари олға чоппишар, пулемётчиларимиз ўтидан қамишдек ўриларди. Ён бағирда пайдо бўлган танк пулемёт нуқтани нишонга олиб, йўл-йўлакай ўт очиб келарди. Бир замбарак ўқи ертўламининг орқа томонида портлади. Кўз очиб юмгунча ажойиб рус йигитлари — иккала ёрдамчимдап ажралдим. Улар снаряд парчасидан ҳалок бўлдилар. Мен томон келаётган танкни кузатаман. Пайти келса, граната ишлатишни кўнгилдан ўтказиб қўйдим. Лекин танк уч-тўрт юз метр чамаси менга яқинлашганда аланга олди. Шерланиб кетдим. Вазифа оғир, уч жангчининг вазифасини бажарардим... Взвод командиримнинг товуши эшитилмай қолди. Немис ишдалари атрофга сочилиб, ўрмалаб келар эди. Нишонга олмай ўқ узмадим... Немислар куннинг иккинчи ярмига қадар тўрт бор ҳужум қилишди. Тўрт бор ҳам душман ҳужуми барбод бўлди. Бешинчи ҳужум кечга томон бошланди. Дзотим яна тўпга тутилди. Душ-

ман «димовой шашка» тутатиб оралиқни тутун билан тўсиб қўйди. Ҳеч нарса кўринмасди. Охирги лентани пулемётга уладим. 228-гвардиячи полк салобати кўз олдимдан ўтди. Наҳотки бутун полк... чекинган бўлсачи?.. Алоқа узилиб менга буйруқ етмаган бўлсачи? Нима қилишим керак? Душман қўлига тирик тушмаслик учун ўзимни... йўқ, йўқ. Ҳали унга вақт бор, улгурарман. Зиёлатнинг эсига 1943 йил, Ленин партиясига ўтиш пайтида айтган сўзлари тушди:

— Охирги томчи қоним қолгунча душманга қарши жанг қиламан. Улим муқаррар бўлиб қолгудек бўлса, Ватанимга жонимни ҳадя қиламан!.. Менинг қўлимда пулемёт бўлар экан, у ерда душман ўта олмайди!..

Немис автоматчилари дзотни қуршай бошлади. Зиёлат пулемётини ертўланинг орқа томонига, очиққа олиб чиқди. Душман орқа томондан келиб тириклай қўлга тушириб олишидан чўчиб, шундай қилди. Яна пулемёт ўт очди. Фашистларни яқинига йўлатмади. Охир оқибат ўқ тугади. Гранаталарни ишга солди... Ноилож қамишзор томон чекина бошлади. Охирги гранатани узоққа ота олмади. Қиёқзор ичида балчиққа ботиб ҳушидан кетди.

Кўз очиб ўзини ўрмонзор ичида кўрди. Шунда Зиёлат асир тушганини англади. Оғир ярадор ҳолда ҳарбий асирлар лагеридан лагерга кўчиб юрган кунларида 228-гвардиячи ўқчи полк комиссари имзоси билан Зиёлат оиласи қўлидаги мазмунда хат олди:

«Қимматли ота-оналар! Немис босқинчиларига қарши олиб борилган жанглarda баҳодирлик намуналарини кўрсатган ўғлингиз сержант Зиёлат Ҳусанов билан сиз қатори биз ҳам фахрланамиз.

Шу билан бирга фашист босқинчиларига қарши жангда баҳодирларча ҳалок бўлган Зиёлатимиз қайғусига биз ҳам Сиз билан ҳамдardимиз. Биз фашист йиртқичларидан Зиёлатлар қасосини оламиз!»

Усмон ака ва Муҳтарама оналар оиласи мотамга ботиб қолди. Бундан бир неча кун илгари Зиёлатнинг акаси Шоҳмақсуднинг қаҳрамонларча ҳалок бўлгани тўғрисида ҳам қора хат олгандилар.

Совет кишиси учун душманга асир тушишдан хунук иш бўлмаса керак! Ана шундай оғир кулфат Зиёлат Ҳусановнинг ҳам бошига тушди. Душман унга немис легиони формасини кийдириб, қўлига қурол тутқизганда,

у сескапиб кетди... Қурол менинг қўлимда-ку, деб яна ўзига тасалли берди. Зиёмат ёлғиз эмас, унинг ёнида 28 нафар қуролдош ўртоқлари ҳам бор эди.

Югославия билан Болгария чегарасида қуролли ишга солдилар, комендантни ўлдириб, серб партизанларига келиб қўшилдилар. Қарийб саккиз ой мобайнида Югославия, Болгария партизанлари сафида туриб, немис-фашистларнинг адабиби бердилар. Бир неча шахар ва қишлоқларни биргалашиб озод қилдилар. Ана шу жангларда ўзбек, тожик, қирғиз йигитларидан андижонлик Миржалол Қосимов, чимкентлик Раҳмонқул Худойберганов, ўшлик Умарбек Усмонов, қирғиз фарзанди Авиш Алесев, Асқар Усмонов ва бошқалар ҳалок бўлишди.

— Биз капитан Боян Михнев — Чобановнинг интернационал батальонида, — деди сўзида давом этиб Зиёмат.

Немислар тоғлик районда стратегик аҳамиятга молик бир тепаликни эгаллаб келар экан, болгар ва югослав партизанлари билан биргаликда бизга ана шу тепаликни озод қилиш вазифаси юклатилди. Қуролларимиз шай.

СС чилар билан жанг бошланиб кетди. План бўйича қоронғи пайт, ой чиққунга қадар немисларни тепаликдан уриб чиқариш керак эди. Жанг чўзилиб қолди. Немис бўш келмади. Тепаликдаги бир пулемёт нуқтаси бош кўтаргани қўймасди. Олға силжишнинг иложи йўқ... Немис пулемёти дарахт тагида эканлигини пайқаб, ер бағирлаб ўрмалаб бордим-да, бир йўла икки граната иргитдим. Пулемёт товуши ўчди, қарасам, икки немис ўлиб ётибди. Шу орада беҳосдан граната портлади. Бир вақт қоронғилик ёришиб кўзимга нур тушгандек бўлди. Баданим, бошим зирқираб оғирди. Қориним, кўкрагим лахта-лахта қоп. Ҳушёр тортиб қулогим тагини пайпаслаб кўрсам, абжақ бўлган ерига бармоқларим кириб кетди. Шунда иккинчи бор асир тушишдек мудҳиш ваҳима юрагимни тимдалай бошлади. Бу вақт ой тепамда турганини сездим. Эмаклаб кўрайчи деган фикр бошимга келди... Эмакладим... Оғриқ борган сари зўраярди. Тишимни-тишимга қўйиб эмакладим. Тоғдан пастга тушгунимча тонг ёришди. Юрагим ёнарди. Бахтимга йўлимдан кўлмак чиқиб қолди. Ётиб олиб шимирдим: эй... қани тўйсам, оғзим лой, майда-майда тошчаларга

тўлиб қолди. Яна ўрмаладим. Олдимда одам гавдаси чўзилиб ётибди. Қўлидаги соат чиқиллаб юриб турарди. Қарасам Китоб районлик ўзимизнинг Уроқ. Уқ чап қулоғи тагидан кириб, ўнг томонидан чиқиб кетибди. Бош кийими ёнида ётган экан, олиб кўзини беркитдим... Яна ҳушдан кетибман. Бир маҳал ҳушимга келгач, тўрт партизан қиз мени замбилда олиб кетаётганини сездим. Биринчи операция партизанлар штабида бўлганини эс-эс биламан. Италиянинг Таранта деган шаҳрида, партизанлар госпиталида, иккинчи операция тамом бўлгандан сўнг, ҳушимга келдим. Шундан сўнг яна икки марта, ҳаммаси бўлиб тўрт марта операция қилдилар. Тўққиз ой деганда каравотдан туриб, қўлтиқтаёқ билан Италия кўчаларига чиқдим,— дейди чуқур ух тортиб Зиёнат.

...Мен бу ажойиб инсон қиссасини ҳаяжонсиз, тинчгина тинглаб ўтирганим йўқ, албатта. Унинг қиссасини газета очеркига сиғдириш ҳам қийин. Тақдири Зиёнатникига ўхшаброқ кетадиган 27 қуролдош ўртоқларининг қиссаси ҳозиргача на эшитилган ва на ёзилган. Ёзиш учун уларни қидириб топиш, саргузаштларини ҳақиқат, адолат тарозисида тортиб кўрмоқ керак. «Йигирма саккиз ўзбек жангчисининг жасорати»дан озми-кўпми хабардор бўлган ўртоқлар, қариндошлар ёрдамга келишлари керак. Киши ҳақ бўлса, жонини ҳақиқат йўлида фидо қилган бўлса, унинг эзгу иши албатта юзага чиқади. Бунга, охир оқибатда Совет Иттифоқи Қаҳрамони бўлиб қолган Зиёнат Ҳусановнинг жанговар ҳаёти мисол бўла олади. Ҳеч ким унутилмайди.

Сайрам — Тошкент, 1970.

ҲАМИД ОЛИМЖОНГА ҲАЙКАЛ ҚҶЙИШ МАРОСИМИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ

Ҳамид Олимжон ўзбек маданияти ва адабиётининг йирик арбоби. Ўзбек халқининг севган шоири, олими, ростгўй оқил фарзанди эди. Шунинг учун ҳам мана бугун халқ ўзининг таланти фарзанди Ҳамид Олимжонга ҳайкал қўйяпти. Унинг туғилганига 50 йил тўлиш кунини нишонлаш билан Ватан олдида қилган хизматларини тақдирлаб, Ҳамид номини абадийлаштиряпти.

Ҳамид Олимжон ўзбек совет поэзиясига асос солган ва уни яратган шоирларнинг бири ва новатори эди. Ҳамид яратган поэзиядаги жўшқинлик нақадар оташин, нақадар содда, ҳаммабоп ва халқчил эди. Ҳамид Олимжоннинг биронта шеърини ҳам ҳаяжонсиз, тўлқинламасдан ўқиш қийин. Ҳамид шеърятининг ўзига хос мусиқий оҳанги бор. Ҳамид ғазаллари, шеърлари, баллада ва поэмалари ёлғиз ўзига хос мусиқий оҳангларда кишилар қалбига жуда равон кириб боради ва сингиб кетади. Ҳамид шеъриятидаги табиий қувват баъзан кишилар юрагида севги уйғотса, баъзан у мардликка, меҳнатга, жаиғга чақиради. Коммунизм қурувчилар сифини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шоир ўз ижодий фаолиятида янги дунё яратувчи замон кишилари тўғрисида, уларнинг олий идеаллари — улуғ Ленин таълимоти ва унинг шонли партияси давом эттираётган буюк иши — Коммунизм муқаррар ғалаба қозониши тўғрисида комил ишонч билан типмасдан куйлаб келди. Оташин нутқлар сўзлади. Илм-маърифат, янги ҳаёт жарчиси бўлиб ихлос билан хизмат қилди.

Талабчан меҳнаткаш шоир Ҳамид Олимжон қисқа умри ичида жуда катта маданий мерос қолдирди. Шунинг учун ҳам унинг бутун ижодида кишилар образи ёрқиндир. Меҳнаткаш халққа хос олижаноблик, камтарлик, меҳнатни улуғлаш, дўстлик, севги, вафо Ҳамид поэзиясининг мағзи эди.

Шоир бўлиб шодлик ва бахтни куйлаш — Ҳамид учун зўр саодат бўлиб қолган эди.

Улуғ Ватан уруши йилларида шоир зўр эҳтирос билан ижод қилган эди. Унинг Ватан ҳимояси, шафқатсиз душманини аёвсиз уруш ва муқаддас тупроғимизни босқинчилардан тозалаш тўғрисидаги шеърӣй нидолари фронт бўйлаб учар, жангчилар қалбига кириб мадад берар, манфур душманга қаршн ғазаб ўғини ёндирар эди.

«Қўлингга қурол ол!» деб қилган хитобидан хабардор бўлмаган ўзбек жангчиси ва китобхони йўқ эди. Жангчилар автомат, гранаталардан ташқари шоирнинг оташин шеърӣй чақириқлари билан ҳам қуроллангандилар.

«Юрса агар томирда қонинг,
Азн бўлса бир парча нонинг,
Керак бўлса номус-виждонинг,
Бўлсанг йингит, бўлсанг ҳамки чол,
Қўлингга қурол ол!»

Шоирнинг жанговар овози жангчи дўстларимга қапот бўлган эди.

Ҳамиднинг шеърӣй китобларини варақлаб, гўзал ва жўшқин назмлардан руҳланган жангчилар Дон саҳроларида, Украина чўлларида, Белоруссия ўрмонларида, Карпат тоғларида, Болтиқ ва Қора денгиз тўлқинларида разил душманини тор-мор келтиришда рус оғаларининг пўлат сафларида туриб мардлик намуналарини кўрсатгандилар. Ўз иини мўлжаллаб қочаётган ярадор йиртқичга дам бермасдан ҳолдан тойгунча қувлаган эдилар. Биз учун қазиган чуқурларига душман ўзи тикилди. Фалокат даф этилди. Халқимиз партиямиз раҳбарлигида зўр прода билан уруш жароҳатларини тез орада даволай олди. Эндилликда совет кишилари азамат етти йилликнинг бахтиёр эртаси — коммунизмнинг улугвор вазифаларини шараф билан бажармоқдалар.

Совет Иттифоқи республикаларининг бузилмас қардош оилаларида социалистик маданият яшнаб гулламоқда, дўстлик томир ёйиб, ҳамкорлик борган сари мустаҳкамланмоқда. Ўзбек давлати, халқи улуғ Совет Иттифоқининг қардош оиласида ўзига муносиб ўринни мустаҳкам эгаллаб олди. Коммунизм қурилишига қўшаётган ўз хиссалари билан қардошлари ҳурматиға сазовор бўлмоқда.

Ана шу меҳнатсевар халқнинг фарзанди Ҳамид Олимжон барҳаёт вақтида ўзи учун ҳайкал ярата олган шоир эди. Ҳамид минг-минглаб ўз китобхонлари қалбида яшаётган шоирдир. Йиллар ўтаверади, шоирнинг шеърий дурдоналари наслардан наслларга мерос бўлиб қолаверади.

Бугун туғилганига 50 йил тўлган шоиримиз Ҳамиднинг юзга киришини ҳам юз эллик, икки юз, икки юз элликка киришини ҳам унинг меросхўрлари, келажак авлод қайта-қайта нишонлайди. Шоир худди шу кунгидек келажакда ҳам ўз китобхонлари билан мулоқатда бўлаверади. Севимли шоиримиз Ҳамид Олимжон ўз китобхонлари қалбида яшайверади.

1959 йил, декабрь.

Ҳамид Олимжон билан ёнма-ён қишлоқда туғилиб, бир ерда ўсиб, бирга ўқиб, бирга ишлаган бўлганим учун унинг ҳаёти, адабий фаолияти тўғрисида баъзи бир хотираларимни ҳурматли газетхонлар билан ўртоқлашувни лозим кўрдим.

Ҳамид Олимжон ҳам кўн тенгқурлари қаторида бошланғич маълумотини Жиззахда очилган Наримонов номидаги мактабда олган эди. Октябрь революциясига қадар «Оқ уй» деб аталган бу бинода рус-тузем мактаби бўлиб, революция бўлиши биланоқ, бу «Оқ уй» совет мактабига айлантирилган эди.

Рус-тузем мактабда, асосан, Жиззах уездидagi бой, маҳаллий амалдорларнинг болалари ўқир эди. «Озодлик» ҳақини олиб бормаганим учун эски мактабдан қувланиб юрган кезларимда, Жиззахнинг бозор жойига яқин ердаги «Оқ уй»— рус-тузем мактабининг деразасидан қўрқа-ниса мўралаб турганимда бир бола меннинг ёнбошимга келиб мактаб деразасига тирмашар, бўйи наст бўлгани учун, у ҳарчанд тиришса ҳам деразагача кўтарила олмасди.

— Осилмасанг-чи! Кўриб қолиб адабингни бермасин яна!— дедим мен.

— Сен кўрмаянги-ку! Ҳой, «Оқ уй» ичида нима бор экан-а?.. Менга ҳам айтсанг-чи,— деди бола.

— «Оқ уй» ичида туялар бор... ҳов анови баллиқни қара-я, катталиги худди сандиқдек...

— Қани-қани, мепа кўрай-чи,— деди бола, яна «Оқ уй» деворига тармашиб.

Шу вақт «Оқ уй» эшигидан бошига қорақўл терисидан напоқ кийган, қўлида ҳассаси бор бир рус киши чиқиб:

— Ҳой болалар! У ерда ўйнаманглари! Ойгани синдирасизлар!— деб қичқирди. Бола билан мен капнон томон ура қочдик.

Худди ўша йил 1916 йил қўзғолони бошланиб қолди. Орадан бир йил ўтар-ўтмас шу «Оқ уй»да янги мактаб очилди. Бу Октябрь социалистик революцияси ғалаба қилиши билан Жиззахда очилган биринчи совет мактаби эди. Билимга чанқоқ камбағал болалари гулга тармашган асарларлар сингари «Оқ уй»га ёпирилиб кела бошлагандилар.

Мен билан биринчи марта «Оқ уй» деразаси ёнида учрашган ва бугун шу ерга мени бошлаб кирган бола Ҳамид Олимжон эди.

Ўқитувчилар етишмас эди. Орадан икки йил ўтар-ўтмас домла-мулло Хотам Турсунов қаватида мен ҳам ўқитувчилик қила бошладим. Шу йўсинда мен ҳар йили каникул вақтларида ўқитувчилар тайёрлаш такрорий курсида ўқиб, билимимга билим қўшиб ўқитувчилик қилиб юрдим. Ҳамид Олимжон 1923 йилгача «Оқ уй»даги Наримонов мактабида ўқиб, сўнг Самарқанддаги билим юртида ўқиб бошлади.

Мен ленинчи ёшлар союзининг Жиззах шаҳар волостной қўмитасининг котиби бўлиб ишлай бошлаган 1924 — 1925 йилларда ёш Ҳамид Олимжон ўзининг илк ёзган шеърлари билан газетхонлар ва ўқитувчилар орасида анча-мунча шуҳрат қозона бошлаганди.

Ер ислоҳоти, хотин-қизлар озодлиги учун паранжига қарши ҳужум бошланган йилларда, айниқса Ҳамид Олимжон оташин шеърлар ёзди, камбағал батраклар йиғилишида ўз шеърларини ўқиб бериб, уларни бир ёқадан бош чиқаришга, қон тўкиб қўлга киритилган озодлик ва эркин ҳаёт самараларини мустаҳкамлашга, синфий душманлар, олчоқ буржуа миллатчилари макрига учмасдан Октябрь социалистик революцияси ғалабасини мустаҳкамлашга чақирарди.

Ҳамид Олимжон ёшлик чоғидаёқ илғор рус маданиятини катта иштиёқ билан ўрганарди. Унинг ўртоқлари суҳбатида ёки томоша залларида, қаерда бўлмасин учратган киши унинг қўлида китоб, журнал ёки газета кўрган бўларди. Ҳамид Олимжон тинмасдан рус тилини ўрганди, рус, Европа ва Шарқ классик адабиётини қизиқиб мутолаа қилди. Унинг «Ойгул билан Бахтиёр», «Семурғ», «Зайнаб ва Омон» сингари поэмалари, «Муқанна» ва «Жиноят» каби нъесаларини шу илғор адабиёт таъсирининг намуналари деса бўлади.

Ҳамид Олимжон фақат яхши шоиргина эмас, энг ях-

ши ташкилотчи ҳам эди. Ёш ўзбек совет адабиётидан ўз синфий манфаатлари учун фойдаланишни кўзда тутган буржуа миллатчиларига қарши олиб борилган ғоявий курашда Ҳамид Олимжон энг олдинги позицияларда туриб жанг қилган ёзувчилардан бири эди. Унинг «Марксизм ниқобидаги меньшевизм», «Ҳамид адабиётининг классик моҳияти», «Ўзбек адабиётининг биринчи даврлари» сингари машҳур мақола ва илмий-тадқиқот асарлари шулар жумласидан эди.

Ҳамид яратган поэзиядаги жўшқинлик нақадар оташин бўлмасин, у жуда содда, ҳаммабон ва халқчил эди. Ҳамид Олимжоннинг биронта шеърини ҳам ҳаяжонсиз, тўлқинланмасдан ўқиш мумкин эмас. Ҳамид шеърининг ўзига хос мусиқий оҳанги бор. Ҳамиднинг ғазаллари, шеърлари, баллада ва поэмалари кишилар қалбига жуда раво оқиб киради ва сингиб кетади. Ҳамид шеъриятида бўлган табиий қувват баъзан кишилар юрагида севги уйғотса, баъзан у мардликка, меҳнатга, жангга чақиради. Коммунизм қурувчилари сафини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Талабчан, меҳнаткаш шоир Ҳамид Олимжон қисқа умри ичида жуда катта маданий мерос қолдирди. Шунинг учун ҳам унинг бутун ижодида кишилар образи ёрқиндир. Меҳнаткаш халққа хос бўлган олижаноблик, камтарлик, меҳнатни улўғлаш ва дўстлик, севги-вафо Ҳамид поэзиясининг асл мағзи эди.

Улуғ Ватан уруши йилларида, айниқса, шоир зўр эҳтирос билан ижод қилган эди. Унинг Ватан ҳимояси, шафқатсиз душманны аёвсиз уриш ва муқаддас тупроғимизни босқинчилардан тозалаш тўғрисидаги шеърини долларини фронт бўйлаб учар, жангчилар қалбига кириб мадад берар, манфур душманга қарши ғазаб ўттини ёқарди.

Халқимиз Совет Армияси ва Ҳарбий денгиз флоти кунишн яқиндагина байрам қилди. Тўққизинчи май — Ғалаба куни ҳам яқинлашмоқда. Бу йил, биз билан бирликда бутун прогрессив дунё фашизм устидан қозонган тарихий ғалабамиз йиғирма йиллигини нишонлайди. Улуғ Ватан уруши заҳматини бошидан кечирган ҳар бир одам у даҳшатли йилларнинг ҳар бир куни бир дунё тарихга эга эканлигининг жонли шоҳидидир. Эндиликда, бизнинг муддаомиз у ўта қонли, ўта вайронагарчилик, миллион-миллион бегуноҳ одамларнинг ёстигини қуритган урушни биз кўрдик, келажак авлод кўрмасин деймиз. Улуғ Ленин партияси, Совет ҳукуратимиз ҳамда тинчликсевар халқларнинг урушга қарши, тинч-тотув яшаш учун олиб бораётган изчил курашининг маъноси ҳам шунда.

Ватанимиз бошига оғир мусибат тушган ўша куларда, бундан қарийб чорак аср бурун бирмунча қаламқаш биродарларим қаторида Улуғ Ватан уруши фронтида мен ҳам бўлганман. Ҳаёт-мамот учун душманга қарши олиб борилган жаиғларда қатнашганим учун бошқалар қатори мен ҳам фахрланаман. Мен хизмат қилган учинчи Украина фронтининг қўшинлари Австрия тупроғига жаиғ билан кириб борди. Ғалаба байрогини Вена шаҳрига тикди. Ана шу тарихий воқеа қатнашчилари сафида бўлганим учун ҳам, уни хотирлашга ва голиб халқимиз, қизил қўшинимиз хизматларини яна бир бор ёдлаб, унинг оламшумул ғалабасини қутлаш билан бахтиёрман.

Москва остонасидан қувилиб, Она-Волга қирғоқларида ўнғарилмас зарба еган бадбахт, бадқирдор гитлерчиларнинг шум тақдирлари шу хилда шармандалиқ билан тугалланган эди. Озодлик ва адолатли жаиғ соҳибқиронларининг муқаддас иши ниҳоясига етди. Ҳаддидан ошган

ва талтайиб кетган прқчилар бизга атаб ковлаган чу-
курларига ўзлари кўмлдилар!

...Минг тўққиз юз қирқ бешинчи йил баҳори қутлуғ
келди. Учинчи Украина фронтининг жангчилари биринчи
Ғалаба йили маёвкисини Вена ўрмонларида, Дунай со-
ҳилларида ўтказдилар. Бизнинг кўчамизда ҳам байрам
бошланиб кетган эди. Ватанимиз уфқини бурқаб ётган
қора булутлар тарқаб, осмонимизда қора бургутларнинг
шум овози бутунлай ўчган эди. Май қуёшининг чехраси
гул-гул очилган. Гўё у, тўрт йил мобайнида биринчи бор
ер юзига жилмайиб боқаётгандек... Инсонлар кўнглини
ёритиб, ғолиблар бошидан ўз нурини саргардон қила-
ётгандек... Ер-кўк, бутун кoinот шод-хуррам кўринарди.
Кўча-кўйларда ғалаба қўшиғи янгра, ундан осуда дил-
лар дармон олиб, тасалли топарди. Янги орзу, янги
умидлар қанот ёзиб парвоз қиларди. Тарихнинг қора
кучлари устидан қозонилган бу ғалаба бизга, инсоният
дунёсига жуда-жуда қимматга тушган эди. Очофат Гит-
лер бошлаган ва тўрт йилга чўзилган қоили қирғинда
ҳаммадан кўпроқ кулфат тортган совет кишилари экап-
лиги ҳеч кимга сир эмас. Босқинчи ва йиртқич фашист
жаллодларидан кўрган жафоларимиз, берган талафотла-
римизни ёзиб ҳам, айтиб ҳам адо қилиб бўлмайди. Тарих
гувоҳ, унинг ёдидан ҳеч нарсa чиқмайди. Қуйма саҳифа-
ларида муҳим воқеалар ўчмайди. Гитлер ва унинг ше-
риклари, биринчи навбатда, ер юзидан бизнинг Совет
Социалистик давлатимизни маҳв этиб, коммунизм куч-
ларига барҳам бермоқчи эди. Бироқ бу пуч умид у эси
пастлар тўдасининг хом хаёли бўлиб чиқди. Оқибат у
жиннивойлар ўйлаганининг тескариси бўлди. Совет дав-
лати дунёда демократик кучларнинг чинакам посбонн
экаплигини амалда кўрсатди ва оғир синовлардан
муваффақият билан ўтди. Бу тарихий ҳақиқатни комму-
низм душманлари бирор минут бўлса ҳам эсларидан
чиқармасликларн керак. Жумла жаҳонга кундан ҳам
равшани, бу урушдан биз мажруҳ бўлиб чиқмадик,
аксинча, чиникдик. Социалистик тузумнинг сўзсиз аф-
заллиги, совет ватанпарварлигининг ҳаётбахшлиги ер
юзидa таитана қилди.

Хонаси келиб қолди, жанг майдонларида жонбозлик
кўрсатган қуролдош дўстларимдан баъзи бирларини эс-
лагим ва улар ҳақида кўрган-билганларимни ҳикоя қи-
либ бергим келиб қолди. Украина шаҳарларининг бири-

ни озод қилиш учун бўлаётган катта жанг вақтида тошкентлик ўқитувчи — офицер Азим Ғуломов билан унинг қуролдош шерикларини учратиб қолдим.

Волга қирғоқларида уруш кетаётган пайтда Ғуломов оддий жангчи эди. Днепр учун бўлган оғир жангларда душман билан олишиб, уруш олови ичида пўлатдек тобланиб чиқди. Душманга қарши маҳорат билан жанг қилгани учун Ленин партияси сафига қабул қилинди. Шимолний Донецкнинг ўнг қирғоғида бўлиб ўтган жангларда лейтенант Ғуломов, айниқса маҳорат ва жасорат кўрсатди. Азимжон ўз расчётидаги пулемётчи Багдасарян, А. Муродов, Каримов, Олимов, Турғунбоевлар билан ҳужумга кўтарилган душмanning дамини кесди. Унга катта талафот етказди. Оқибатда фашистлар чекинишга мажбур бўлди. Бизнинг қисмларимиз ҳужумга кўтарилдилар. Шаҳардан немислар қувлаб чиқарилди. Шаҳарни тозалаш вақтида эс-эсчилардан тўрттаси Ғуломовга ташланди. Ғуломов ўз ординатори Увальский билан бирликда жанг қилиб, учта фрицни отиб ўлдирди. Бир офицерни асир олди. Қўмондонлик шу шаҳарнинг ўзида бу жасур ҳамшаҳаримизни «Қизил Юлдуз» ордени билан мукофотлаган эди. Мен Ғуломовнинг ана шу жанги тўғрисида фронт газетаси «Совет жангчиси»нинг бир минг тўққиз юз қирқ тўртипчи йил декабрь сонида «Ўзбек фарзандлари» сарлавҳаси билан очерк ёзган эдим.

Мана орадан йигирма йилдан кўпроқ вақт ўтиб кетди. Лекин қадрдон Азимжон Ғуломов шу кунларда қаерда ва нима иш қиляпти, жуда-жуда билгим келади, уни кўргим келади.

1949 йилнинг 6 августида чиққан «Совет жангчиси» газетасида «Тилсимчилар» сарлавҳаси билан ёзилган очерким эълон қилинган. Очеркда Совет Иттифоқи Қаҳрамони — сапёр Камол Жамоловнинг жанговар хизматлари акс эттирилган. Ўртоқ Жамолов хизмат қилиб келган 129-инженер-сапёрлик батальони босиб ўтган йўл ҳақиқатда ҳам тилсимот афсоналарга ўхшаб кетади. Шундай бир манзарани кўз олдингизга келтиринг: у қирғоқ билан бу қирғоғи қўз илғамас жайҳун бир дарё. Дарёнинг бир қирғоғида душман ўзи учун ов — уя қазиб, биқиниб ётибди. Тўп-пулемётлари тинчлиги париги қирғоққа тўғрилаб, ўз овини кутмоқда. Ов бўлса, ўз паромини овчи ўқига нишон қилиб, дарё сатҳида сузиб борарди. У рўпарасидан, ўнг ва сўлидан ўққа тутила бошланди.

Паром шикастланди. Ундаги жангчилардан бир печтаси ҳалок бўлиб, бир печтаси яраланди. Жамолов шикастланган паромни маҳорат билан «овчи» уяси томон олиб борарди. Спаяд бўронида қирғоққа етай деган пайтда паром чўка бошлади. Жамоловнинг ўзи яраланди. Ана шу беҳад оғир вазиятда Жамолов паромни қирғоққа етказа олди. Қисмларимизга йўл очилди. «Овчилар» ўз уяларида мажақланиб ташланди. Ўзбек халқининг жасур фарзанди, бухоролик Қамол Жамоловнинг мардлиги ҳақиқатда ҳам тилсимлардаги афсонавий девлар урушига ўхшаб кетади...

Мен ҳозир тилга олган ва вақт озлигидан тилга ололмаган фронт ва фронт орқасида танишган дўстларимга, уларнинг яқинларига шу шодиёна кунларда салом йўллайман. Уларга соғлиқ, ишларига равнақ тилайман.

Урушнинг оти ўчсин! Тинчлик барқарор бўлсин!!!

3 март, 1965 йил. Тошкент.

Ўзбек адабиёти ва санъати ўн кунлиги қардош белоруслар юртида катта муваффақият билан тугалланди. Мен ўн кунлик иштирокчиси, Улуғ Ватан урушининг собиқ жангчиси, белорус тупроғининг ҳимоячиси бўлишим билан ҳамisha фахрланаман. Гитлерчи галалар қадами етган ерда ҳўрланмаган ва жафо тортмаган совет кишиси бўлмади. Бироқ белорус халқи бошқалардан кўра кўпроқ ҳўрланган ва жафо чекканлардан, босқинчилик урушининг олтинчи кунидеъ Белоруссия пойтахти Минск шаҳри ва республиканинг асосий шаҳар ва районлари босиб олинганди. Кутилмаган бир чоқда қўққисдан рўй берган бу фалокат оқибатларини бир неча сўз билан айтиб бериш амри маҳол. Бироқ республика бўйлаб саёҳат қилганимизда, биз урушдан мерос бўлиб қолган вайроналикни кўрмадик. Атиги ўтган икки ўн йил ичида қаҳрамон белорус халқи урушнинг оғир оқибатларини тугатибгина қолмай, жаннатсимон беқиёс кўркам диёр, муҳташам бинолар қад кўтарган гўзал шаҳарлар, обод ва бой-бадавлат коллектив хўжаликларнинг бунёд этилганини кўриб, бу соҳибкор шинаванда, ҳиммати балаид халққа таҳсин ва офаринлар айтдик.

Маълумки, йиллар ўтган сари ҳамма нарса ўзгара боради. Лекин тарих айни тарихлигича қолаверади. Шу маънода белорус халқининг оламшумул ишларидан яна бири — музейга бўлган ҳафсала ва ҳаваси, дид, фаросати га қойил қолмай бўлмайди. Биз ёлғиз катта шаҳарларда эмас, ҳатто қишлоқларда ҳам музейларга дуч келдик, у ерлардаги экспонатларда белорус халқининг ўтмишини кўрдик ва яқиндан танишдик. Беларус адабиётининг сўнмас юлдузлари улуг шоир ва мутафаккир Янка Купала ва Якуб Колас музейларида бўлдик. Якуб Колас туғилиб ўсган ва ижод қилган Николаевшенг — «Якуб Колас ватани» номли колхозда бўлдик, шоир музейида

бўлди. Шуниси биз учун яна фахрли бўлдики, бу тантананда шоир Уйғун оташин сўз айтиб, музей лентасини кесди, минг-минглаб Якуб ака мухлисларига музей эшигини биринчи бўлиб очиб берди. Кўрсатилган бу иззат-ҳурмат ўзбек халқи ва унинг адабиётига кўрсатилган катта ҳурмат эканлигини қадрлаймиз, авлод-аждодларимиз умрбод хотираларида сақлайдилар. Биз кўп учрашувлар ўтказдик. Бу учрашув ва суҳбатлар икки халқ — ўзбек-белорус халқлари ўртасидаги дўстликни яна ҳам мустаҳкамлашга хизмат қилди. Бунинг биз халқ ҳаяжонида, шеърхонлик ва музика, қўшиқ ҳамда раққосаларимизга бўлган самимий муносабатларида кўрдик. Биз дўстлигимизнинг ибтидоси Октябрь инқилобидан сўнг ички ва ташқи душмаиларга қарши биргаликда олиб борилган кураш йилларидан бошлаб, граждон ва Улуғ Ватан уруши йилларида ягона мақсад ва бир қисмат учун тўкилган қонларимиз, галаба деб оққан нешона терларимиз абадий қардошлигимиз гарови бўлиб қолганига қатъий ишонч ҳосил қилдик. Ленинча миллий сиёсатнинг меваси ўлароқ, қон-қардош, бир ота-онанинг фарзандлари бўлиб қолганимизга қаноат ҳосил қилдик.

Белоруссия ери, ўрмонлари партизанлик ҳаракатининг макони, немис босқинчилари учун эса қопқон ва қабристон бўлиб хизмат қилгани тарихий ҳақиқатдир.

— Ана шу ҳақиқатда бошқа қардош халқлар фарзандлари қатори ўзбек ўғлонларининг салмоқли ҳиссалари бор,— дея ҳаяжонланиб ҳикоя қилади белорус халқ шоири, академик Петрусь Бровка. Улуғ саркарда Феликс Эдмундович Дзержинский ватани Столбцидаги учрашув унутилмас бўлди. Беларус адабиётининг ветеранлари Кондрат Крапива, Петрусь Бровкалар бизни Улуғ Ватан уруши қурбонлари майдонига бошлайди. Брест — Москва катта йўлидаги баҳаво кўркем тепаликда абадий хотира ҳайкали ўрнатилган. Гулзор ичида мармартош девор. Ватан уруши қурбонларининг номлари бу мармартошга ўйиб ёзилган. Столбци шаҳри учун бўлган жангда рус, украин, белорус, қирғиз, латиш, қозоқ ва бошқа кўплаб халқ фарзандлари қатнашган. Петрусь Бровка, Кондрат Крапивалар мармартошдаги номларни синчиклаб кўздан кечираркан:

— Уйғун! Бу ёққа келинлар... Мана ўзбек жангчилари... Норқулов, Р. Мухторов, З. Акбаров, Т. Мирқосимов,

А. М. Рустамов, Собиров... Дўстлигимизни абадийлаш-тирган ўлмас қаҳрамонлар мана шулар!.. Ҳа, булар бекорга қурбон бўлган йигитлар эмас...

— Тўғри,— дея гапга аралашади Столбци район партия комитетининг секретари ўртоқ Лихач,— шаҳар уч марта қўлдан-қўлга ўтди, ҳар гал немис-фашистлар ҳужумга ўтаркан, сон-саноксиз кучларини йўқотиб чекинишга мажбур бўлганди. Мармартошга номлари ўйиб ёзилган сиймоларга донм бошимиз эгик...

Мен Минскдаги Улуғ Ватан уруши музейида бўлдим. Бу ерда белорус халқи ҳамда жасур партизанлар ҳаракати қудратининг кўргазмаларини кўриб ҳайратда қолдим. Чақирилмаган «қўноқ»ни муносиб кутиб олганлар орасида ўзбек халқининг жасур фарзанди, Совет Иттифоқи Қаҳрамони партизан Мамадали Тоғиболдиевнинг ҳам суратини кўрдим. Яна музейда Брест қалъаси мудофаачиларидан комсомол аъзолари Ҳамро Эргашев, Қўшмон Ерматов ўртоқларининг исм-фамилиясини чала куйган комсомол ҳисобот карточка варақаларида кўрдим. Бугина эмас, урушгача Брест гарнизонида хизмат қилган партия аъзоларига номзод Раҳим Эшнӣёзов, Муса Серикбоев, Мирзоҳид Мусаев, гарнизон снайпери Узоқбой Хўжаев, Ғафур Қаримов, Ҳасан Бобоев, Исом Сулаймонов, Сулаймон Ҳакимов, Мирзақулов, Норматов, Ҳамроев, Аҳмедов, Субҳонқулов, Т. Ҳидиров, Халиловлар номи Брест қалъаси мудофаачилари рўйхатида бўлса ҳам, ҳалигача биз буларнинг ким эканликларини, қайси район, қайси оила фарзандлари эканликларини аниқ билганимизча йўқ. Биз, бу қаҳрамонлар изига тушувимиз, уларнинг жангномаларини яратмоғимиз керак.

Худди шу мақсадда мен ҳам Белоруссияни озод қилиш жангида қатнашганлар изига тушдим. Булардан Совет Иттифоқи Қаҳрамони, автоматчилар ротасининг командирин асакалик капитан Ғуломжон Ёқубовнинг изини қидириб Биховский районида бордим. У жанг қилган ерларни айланиб кўрдим, қаҳрамонимиз билан бирга жанг қилган кишиларни топиб, суҳбат қилдим. Ўзбекистонда ўсиб, ўқиб улғайган ва Низомий номидаги пединститутда ўқиб турган вақтида фронтга кетиб, ажойиб қаҳрамонлик кўрсатган белорус қизи Елена Стемповскаянинг жанговар ҳаётидан материаллар тўпладим. Навбати билан шу ўлмас қаҳрамонлар тўғрисида очерклар ёзиш инъиятидаман.

Секин эсиб турган изғирин бирдан кучли бўронга айланиб кетди. Чанарраста ураётган қор кўз очиргани қўймас, лекин укубатин борган сари ошираётган ўзгарининг телба табиати, жангчилар продасини жиндак бўлса ҳам сусайтира олмади. Бутун қуроллардан тартибсиз ҳолда ўқ ёғдираётган душман худди овсар одамнинг пойма-пой алахлаб сўзлашига ўхшар эди. Командир разведкачиларга ўқ чиқармаслик тўғрисида буйруқ берди. Душман окопига 25 метрча масофа қолганида пулемёт уясининг ўнг томонига Редько, чап томонига Сидоренко, рўбарўдан эса Эргаш Баҳромов боришга қарор қилдилар. Уч томондан кетма-кет гранаталар ирғитилди, улар портлади, душман пулемёт уясининг кули кўкка совурилиб кетди.

Шу вақт Эргашнинг ёдига бир нарса тушди. У фронтга жўнаётганида опаси: «Олгин олдирмагин, йўлинг оқ, йўлдошинг ҳақ бўлсин», деб фотиҳа берган эди. Ҳаётмамот устида бораётган «ўйин»нинг шундай таңг дақиқасида Эргашнинг қулоғида меҳрибон онанинг юракдан чиқариб айтган сўзлари жараңлаб кетгандай бўлди. Эргаш ғурурланиб кетди. У тикка кўтарилди. Кули кўкка совурилиб ёнаётган душман пулемёт уясига қараб ташилди...

Пулемёт уяси ёнмоқда, унга қўшилиб немис тутамоқда. Уянинг бурчакларида писиб ётганларнинг учтаси ўлиб, биттаси ярадор бўлган. Уч киши эса ҳали тирик. Ярадор немис хирилламоқда...

Фирибгар немис-фашистларнинг «енгилмас» машинаси, йўлдоши ҳақ бўлган — ҳақ иш учун курашаётган Эргаш, Редько ва Сидоренко ўртоқларининг пўлат продасига тегиб кул-кул бўлди. Бу жангда мардлик кўрсатган уч азаматнинг ҳаммаси «Жанговар хизматлари учун» медали билан мукофотланди.

Жангчиларимиз яна илгари қараб кетдилар.

Батальон ҳужумга тайёрланмоқда. Лекин босиб ўтиши мўлжалланган ерлар душман томонидан миналаштирилган. Мина кўмилган майдонни тозалаш вазифаси бир тўда санёрлар билан бирга яна шу учала йигитга топширилди. Орадан кўп ўтмай, улар жанговар буйруқнинг бажарилгани ҳақида рапорт бердилар. Совет машиналари ҳужумга ўтди. Олдинда бораётган танкларнинг бирида, танк ҳайдовчисининг ёнида, минадан тозаланган майдонни кўрсатиб Баҳромов борар эди.

Совет танклари душман мудофаасини ёриб ўтдилар. Немислар катта талафот кўриб қоча бошлашди. Улар қоча бориб, Н. қишлоғига ўрнашиб олдилар. Бу вақт гвардия сержанти Эргаш Баҳромов взвод командирининг ёрдамчиси бўлиб ишлар эди. Душманга дам бериш мумкин эмас. Қисм ҳужумни давом эттирмоқда. Душман тўхтовсиз ўт ёғдирмоқда. У совет жангчиларининг ҳужум ҳаракатларини тўхтатишга уринаётир. Шу вақт жангчиларимизнинг илгари силжишини ўт билан қувватлаётган пулемётчи сафдан чиқди. Жангда рўй бериши мумкин бўлган ҳар қандай ҳодисага тайёр турган гвардия сержанти Эргаш Баҳромов сафдан чиққан дўстининг ўрнини эгаллади. Станокли пулемёт яна тилга кирди. Фашистлар чидашмади. Улар довдираб қолдилар ва майдонда талай ўлик ва қуроллар қолдириб чекиндилар. Душман мудофааси ёриб ўтилди, Н. қишлоқ аҳолиси немиснинг сиртмогидан қутқазилди.

Гвардия сержанти Эргаш Баҳромов бир дам олгани соатида душман томонини кузатиб туриш тўғрисида буйруқ олди. Кеча аёз, изғири, душман эса маккор. Жангчиларнинг дам олишини душман ҳамласидан зийраклик билан ва мижжа қоқмай кузатиб туриш керак! Толиқиш — иродани ўзига бўйсундирмоқчи. Эргашнинг ўт-кир кўзлари толиқиш туфайли сузила бошлади.

Эргаш ўзини қандайдир ғайри табиий қарахт ҳолда сезмоқда. Изғирин хунук бир овозни унинг қулоғига уради. У сесканиб кўзларини катта очади. Душман томонидан кўзнини узмай пулемётга мурожаат қилади... Сафга тизилган қора соялар унинг кўзига кўринади...

Эргаш ўз онасининг «Йўлинг оқ, йўлдошинг ҳақ бўлсин» деган сўзларини эсига туширди. У шошмади. Нима қилиш керак? Отсинми ёки командирга хабар қилсинми? Жонажон дўстларининг роҳатини бузиш асло мумкин эмас! Афсонадаги Гўрўғли, Алпомишларнинг жангдаги мардона ҳаракатлари унинг кўз ўнгидан яшин тезлигида ўтиб кетди. У пулемётни кўздан кечирди, ўзини ўнглади. Бу вақт соялар яқинлашиб қолган эди. Уртадаги масофа 150 метр қолганида пулемёт сайрай кетди. Соялар кўздан ғойиб бўлди. Унинг ўтқир кўзи бир нуқтадан иккинчи нуқтага яшиндек кўчар ва тангадек қорани ҳам диққат билан кузатар эди.

Бирпасдан кейин чапдан ва ўнгдан югуриб келаётган соялар кўзга ташланди. Станокли пулемёт фронт бўйлаб ўқ соча бошлади. Дўстларнинг ороми бузилиб, улар ҳам жанговар постни эгалладилар. Жанг бошланиб кетди. 83 фриз ер тишлаб қолди. Шу кун батальон Н. қишлоғидан яна 6 километр илгари силжиди. Гвардия сержанти Баҳромов Қизил Юлдуз ордени билан мукофотланди.

Ўзбек халқининг асл фарзанди Баҳромовнинг бу хилдаги жанговар хизматлари Қрим, Керчь, Феодосия, Сталинград учун бўлган жангларда, айниқса каттадир. У немис-фашист босқинчиларга қарши олиб борилган жангларда пинҳон, чиниқди, тобланди ва шухрат қозонди.

Халқлар бошига қайғу ва кулфат бўрони ёғдираётган Гитлернинг машъум булутларини озодлик қўши йиртиб юборажак. Унинг зафарли нурларидан кишилар яна ҳаёт олура.

Шу кунларда Улуғ Ватан уруши қатнашчиларидан кетма-кет хат олиб турибман. Булар турли касб эгалари: бири колхозчи, бири колхоз раисининг муовини, бири фан кандидати, бири ўқитувчи ва ҳоказо... Мақтуб муаллифлари орасида гитлерчи босқинчилардан азиз Украинани озод қилиш учун олиб борилган оғир жангларда қатнашиб, ватандошлик бурчини шараф билан бажарган қуролдош ўртоқларим ҳам кўп. Шулардан бири бўлган наманганлик ўқитувчи Асқар Усмоновдан ҳам хат олдим. Қўрқинч нима билмас, ўлимни писанд қилмас бу баҳодирни мен машҳур Ясси-Кишинёв операцияси бошланиш олдиди, 1944 йилининг август ойида учратган эдим.

Тирасполь яқинида, ўрмон ичида капитан Суфруннинг бир гуруҳи тўпчилари билан суҳбат қилиб ўтирдим. Кун ботиш чоғида ўрмон ичида душман тўпга тута бошлади. Тўп узлуксиз отилар, душман гўё бизнинг позицияларимизни ўтга тутарди. Қизиғи шундаки, тўпчилар бу отишмани парво ҳам қилмас, ўз батареялари ёнида ўтириб олиб, тартибсиз тўп ўқи ёғдираётган душмандан кулишар эди.

Душман тўпининг ўқи кенг ўрмоннинг гоҳ у, гоҳ бу томонига тушиб портлаб турарди. Биздан ўттиз-қирқ метр чамаси нарида алоқачи бир йигит сим тартиб юрарди. Бирдан снаряд портлади-ю, йигит йиқилди.

— Алоқачи яраланди!— қичқариб юборди жангчилардан бири.

Биз билан гуруҳи қилиб ўтирган Асқар Усмонов югуриб бориб алоқачи йигитни даст кўтариб блиндажга олиб келди. Йигит снаряд парчаси тегиб оёғидан яраланган экан. Шу заҳотиёқ унга ҳамшира тиббий ёрдам кўрсатди. Ярасини боғлаб, замбилга солиб кўтариб кетишди.

Душман ўрмонни ҳамон кўр-кўрона тўнга тутмоқда. Жангчиларимиз бу телба-тескари отишмадан гитлерчиларнинг мақсадларини аниқлаш учун ўзаро мунозара қилишар, командир эса, бошқа қисмлар билан телефонда нималар ҳақидадир гоҳо-гоҳо гаплашиб турарди. Мен тўпчиларнинг гап-сўзларини сукут сақлаб тинглардим. Теварак-атрофимизга дам-бадам снаряд тушиб портлаб турар, мен бўлсам, жанговар бу ҳолатни гап-сўз қотмасдан, фақат зимдан кузатиб ўтирардим... Ажабо, ҳаммасининг парвоси фалак... Топамиздан кетма-кет учиб келаётган снарядларни ён-атрофимизда портлаб турган замбарак ўқларини улар, ҳатто, саёқ боланинг тош-парронича ҳам назар-писанд қилмасдилар. Уларнинг чех-раларида осойишталик. Мен эса, аксинча, бу осойишталикдан ўзимча қандайдир ташвишда эдим.

— Бунча снарядни беҳудага нобуд қилишдан аҳмоқ фашистларнинг муддаolari нима бўлса экан?— тўпчиларга савол бердим мен.

— Аҳмоқлик деса ҳам бўлади-ку, ўртоқ капитан, ҳар ҳолда бироқ муддаоси бўлмаса, сиз айтмоқчидай, бунча снарядни бекорга нобуд қилмас эди.

Шу пайт бизнинг орқа томонимиздан учиб ўтган снаряд дарахтга тегиб портлади ва бир неча дарахт шохини узилиб ерга тушди...

— Ўртоқ капитан!— деди менга мурожаат қилиб Усмонов,— батарея командири сизнинг блиндажга кириб дам олишингизни илтимос қиляпти.

— Ҳа, мен сизларга халақит бермаяманми?

— Йўқ, албатта. Сиз ахир бизга меҳмонсиз... Бундан ташқари, командирнинг буйруғи шунақа, илтимос, тура қолниг. Кўриб турибсизки, очиқ ўтиришдан на сизга, на бизга фойда йўқ. Тура қолниг...

Батарея расчётидаги шунча жангчи ўлмининг писанд қилмасдан тўплар ёнида, жанговар ҳолатда турганларида, мен блиндажга кириб қуёндек биқиниб олсам, бошқалар нима дер экан? Бу қўрқоқлик, шармандаликнинг ўзгинаси-ку!— деб аниқлаш қилардим.

Мен эътироз билдирдим. Лекин улар ҳол-жонимга қўймасдан блиндажга етаклаб тушдилар. Ертўлада жинчиноқ лип-лип ёниб турарди. Блиндажнинг жиҳози ҳам «шоҳона». Кенглиги тахминан беш квадрат метрча бўлиб, қоқ ўртасида эни ярим метр, чуқурлиги саксон сантиметр чамаси чуқур қазилиб, икки ёни, тўри одам

бўйи текисланиб, хас тўшалган. Бу уч киши бемалол оёқ узатиб, ухлаб ҳордиқ чиқарадиган ер — каравот, керак вақтида ўтириб овқат қилиш учун скамейка ҳам эди.

— Сиз бемалол ухлайверинг, хавотир қилманг, бирон муҳим воқеа рўй берадиган бўлса, мен ўзим сизни уй-готамаман. Хайр,— деди блиндаждан юқори кўтарилар экан Усмонов.

Мен билан доимо ҳамдам, қадрдон чарм сумкамни бошимга ёстиқ қилиб «шоҳона» каравотга чўзилдим. Ертўла зах, жипчироқ ҳиди димоққа оғир урилар, қисқа-қисқа нафас олиб, шипга, ўрмон ёғочидан кесиб солинган тўсиқларга кўз тикиб, хаёл суриб ётавердим... пачора, меҳмон эканман, нхтиёрим мезбонда. Қандай қилиб кутадн, нима билан сийлайди, инсоф ўзига берсин...

Немис снарядларининг кетма-кет узлуксиз ерга тушиб портлаб туриши ертўлани гўё тегирмон тоши айла-ниб турган хона сингари титратиб, тебратиб туради. Шундай бир даҳшатли ҳолатда қандай уйқу келсину, қандай дам олиш бўлсин?! Ташқарига чиқай десам, меҳмон эканман, одоб сақлашга, мезбон амрини бажаришга мажбурман. Шундай ҳолатда баъзан ўй-хаёлим тушга, баъзан эса тушим худди ўнгимда кўраётган ҳодисаларга ўхшаб, кўзим «уйқуга» кетар, гоҳо чўчиб «уйгонардим».

— Ўртоқ капитан! Туринг, аблаҳ гитлерчилар қочди!— деган овоз қулоғимга чалинди. Худди босинқираган одамдек ирғиб ўрнимдан турдим. Югуриб ташқарига чиқдим. Тонг ёришган, қуёш ўрмон ичига мўралаб нигоҳ ташлаб, одамлар тўлқини ва сайилгоҳни томоша қилаётгандек... Ҳақиқатан ҳам, кеча снаряддан ўзга паниша учмаган ўрмон гўё сайилгоҳга айланган. Тўпчи-ю, автоматчи, пиёда-ю суворий — ҳамма сафарга отланган. Баракалла... Бу қадар сон-саноқсиз қизил аскар, офицер ва генераллар, ҳад-ҳисобсиз тўп, танклар шу пайтга қадар қаерда экан, деб ўйлар эдим мен.

Жангчилар сафар тараддудиди шоша-пиша сўзлашардилар:

— Асқаржон, айтмовдимми, у пес қочмоқчи деб.

— Мен нима деган эдим, кечаси билан узлуксиз тўп отиб, гўё ўзича бизни бош кўтартирмаган бўлди. Ар-

мпяси гарбга қараб думини хода қилиб қолди. Ҳали нима бўпти, шундай кунларни бошига солайлик-ки, қилмишларига минг-минг пушаймон бўлсин.

— Бари бир қочиб қутила олмайди. Биз уларни қувлаб етамиз. Бошлаб таъзирини ҳам берамиз у аблаҳ фашистни!— дейшарди бир-бирларига гал уқдпришиб жангчилар.

Ўрмон ичи олаговур. Танклар ўкириб, автоматчилар минган машиналар бўкириб, ўрмон ичидан очилган янги йўлдан гиз-гиз ўтиб борарди. Пиёда аскарларимиз пўлат сафларга тизилишган. Уларнинг газабнок кўзлари ғарбда. Шахдам қадамлар билан душман изидан бормоқдалар.

Ўрмондан очиқликка чиқиб олдик. Паст-баланд, нотекис кенг майдон. Якка-ярим ёш дарахтлар ўққа учиб ўлган гитлерчиларнинг мурдалари танкларимиз темир панжасига поёндоз бўлиб орқада қоларди... Қирда, сойда, кўчада «Пантер»лар, немис автомашиналари, тўпла-ри куйиб, мажақланиб ётарди...

Биз Молдавия пойтахти — Кишинёв томон борардик. Қўча, йўл, дала, боғ совет жангчилари, танкчилари, тўпчилари, миномётчилари, сапёрлари, автоматчилари билап тўлиб, дарёдек тўлқинланиб Кишинёв томон оқарди. Юзлаб ҳаво лочинларимиз кўз илғамас тезликда гиз-гиз учиб, ғарб уфқини қоплаб олган булутларни ёриб, шўйғиб кетмоқда... Ердан-кўкдан ҳужум бошланиб кетган эди. Бу ўша машҳур Ясси-Кишинёв операцияси эди. Душман жанг билан чекина-р, лекин бирон маррада ҳужумкорларимизни тўхтатиб қолишдан ожиз эди. Биз купи билан жанг қилиб, кечга томон Кишинёв станциясига яқинлашиб қолдик. Вокзал ўт ичида. Кеч кириб, қоронги тушгани билан ёнғин алангаси гўё бутун Кишинёвни қоплаб олгандек кўринарди. Душман ўт қўйиб чекинмоқда. Учинчи Украина фронтининг қўшинлари душмани ҳайдаб чиқарди. Энди уруш Руминия туироғига кўчган эди. Минг тўққиз юз қирқ тўртинчи йилнинг 25 август куни бўлса керак, асир олинган юзга яқин румин солдатларини ўн чоғлик ўзбек йигитлари олдиларига солиб Катовск кўчасидан ҳайдаб, ғолиблар қўшиғини янгратиб ўтиб бораётганларида, Асқар Усмонов ўзида йўқ шодланиб:— Бизнинг кўчада бўладиган байрам яқинлашиб қолди, ўртоқ капитан,— деб қичқиргани ҳамон қулогимда жаранглаётгандек... Ана шу унутилмас

кунларни эслаб ўқитувчи Асқар Усмонов яқинда менга ёзган хатда бундай дейди:

«Қимматли ва қадрдон дўстим, командирим Назир Сафаров!.. 1944—1945 йилларда Украина, Руминия, Венгрия территорияларидаги жанг майдонларида учрашиб, душманга қарши жанг қилганимиз, менинг Ленин комсомолидан улуғ Коммунистлар партияси сафига ўтиш вақтимда ўзингиз иштирок қилганингиз, газета саҳифасида «Будапешт қаҳрамони» сарлавҳали мақола ёзиб, мени руҳлантирганингиз ҳануз хотирамда...»

Ҳа, у кунларни хотирдан чиқариш асло мумкин эмас. Асқар Усмонов Ленин комсомоли сафида турган йилларида ҳам ёш ленинчи номини юксак тутди, у Львовда ҳам, Польшада ҳам душманга қарши аёвсиз жанг қилди. Усмонов жанг майдонида Коммунистик партия аъзолигига қабул қилинди. Қуrolдош ўртоқлари партия мажлисида уни ёқлаб қўл кўтардилар. Усмонов коммунист бўлиб душман тупроғида жанг қилди. У Будапешт учун бўлган оғир жангларда 45 миллиметрли замбарак расчётида командирлик қилди. Усмонов жанговар техниканинг деярли барча турларини эгаллаб олган моҳир жангчи, разведкачи командир. У тўғри келиб қолганда душманга миномётдан ўт очди, пулемётдан ўқ сочди. Дарҳақиқат, Чепель ва Будада разведкага бориб, немис пулемётчисини пулемёти билан қўлга туширди, немис пулемёти билан йигирмадан ортиқроқ немисни ўлдириб, ўз қисмига йўл очиб берди.

Ўқитувчи Усмоновнинг бунга ўхшаш жанговар хизматлари жуда кўп. Венгрия тупроғида жанг тугаб, уруш Австрия ерига ўтди. Гитлерчилар охириги кучини ишга солиб, бу ерда ҳам қаршилиқ кўрсатишга уриниб кўрдилар. Ғалаба кунлари яқинлашиб қолганда Усмонов жанговар топшириқни бажариш учун разведкага борди. Кутилмаган ерда жанг қилишга тўғри келди, жанг вақтида у чап оёғидан оғир яраланди. Оқибатда чап оёғидан ажралди. Ватан уруши ғолиби сифатида «Биринчи даражали Ватан уруши ордени» кавалери бўлиб, яна она шаҳри Наманганга, киндик қони томган Бешкапа қишлоғига қайтди. Усмонов фронтдан қайтиб, қўл қовуштириб ўтирмади. Ўз жонажон касби — ўқитувчиликни давом эттирди. Партия чақириғи билан колхоз партия ташкилотининг секретари бўлиб ишлади, коммунистлар билан биргаликда колхоз хўжалигини кўтаришга, дав-

лат планини бажариб, пахтакорларнинг моддий, маданий ҳаётларини яхшилаш учун астойдил меҳнат қилди.

Улуғ Ватан урушида ғалаба қилган кунимизнинг йигирма йиллиги нишонланган шу ажойиб баҳор фаслида Украина адабиёти ва санъати ўн кунлигининг қуёшли Ўзбекистонимизда ўтиб туриши, айниқса қувончлидир. Ўзбек халқининг содиқ фарзанди, наманганлик ўқитувчи Асқар Усмонов билан бир қаторда тошкентлик ўқитувчи, офицер Азимжон Ғуломов, Самарқанд шаҳридаги ўрта мактаб директори коммунист Раҳмат Турғубоев, урганчлик ўқитувчи Бекжон Қурбонов, Наманган районининг Свердлов колхозидаги ўрта мактаб директори, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, ўқитувчи Файзулла Йўлдошев ва буларга ўхшаш ўнлаб педагоглар Украинани озод қилиш учун курашган эдилар. Кундан-кун гуллаб-яшнаётган Украина адабиёти ва санъатининг ривожига бошқа миллат фарзандлари қаторида ўзбек фарзандлари ҳам ҳисса қўшганликлари билан ғоят фахрланамиз. Берган қурбонларимиз, тўккан қонлар бекор кетмади. Гитлерчи ваҳшийлардан жонажон Украина тозаланди, қардошларимиз ирқчилар асоратидан озод қилиндилар. Социалистик Украина гуллаб-яшنامоқда, қадимий кекса Киев кун сайин ёшариб, ҳуснлатофати ортмоқда.

Пойтахт жамоатчилиги Болгария ўн кунлигини бошлаб берди. Ўн кунлик қуёшли Ўзбекистонимизнинг шаҳар, қишлоқ, колхоз-совхозларида давом этмоқда. Болгар маданияти ўн кунлиги меҳмондўст халқимизнинг тўйига, байрамга айланиб кетди.

Болгар санъат усталари кўрсатаётган концертлар мезбонларни қойил қолдирмоқда. Бизнинг юртимизда кўпгина қардош халқларнинг адабиёт, санъат декадалари ўтказилган. Ҳар бир гулнинг ўз бўйи бор. Болгар халқи санъатининг бўйи ҳам ўзгача тароватга эга. Шаклининг беқиёс гўзаллиги, мазмундорлиги, ўзига хослиги билан болгар санъати, унинг усталари бизни маҳлиё қилди.

Дўстлик, қардошлик, ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашда адабиёт — китоб айниқса муҳим роль ўйнайди. Китоб орқали ўқувчи бошқа халқлар ҳаётини ўрганади, билими, тушунчаси, тасаввури кенгайди. Энг муҳими — китоб бир халқ билан иккинчи халқнинг дилларини пайванд қилади.

Меҳмондўстлик, оғаниш тутишув ўзбекининг расми, одати. Худди ўзбекда бўлган шу олижаноб ғазилатни бундан 22 йил бурун Болгарияда кўрганман. 1944 йилнинг 9 сентябрь куни 3-Украина fronti қўшинлари сафида Болгария тупроғига кириб бордик. Фашизм зулматидан чексиз жафо тортган болгар халқи ўз нажоткорлари бўлмиш Совет Армиясини қучоқ очиб қарши олди. Узоқ асрлар мобайнида эрк-озодликка ташна бўлиб келган жафокан болгар биродарларимиз учун 9 сентябрь унутилмас кундир. Бу кун болгар халқининг инқилобий-миллий байрамидир. Гитлерчи зolimларга қабр тайёрланган, болгар халқининг озодлиги ва мустақиллиги куни бўлиб қолган 9 сентябрь зафарини

келтирганларнинг бири сифатида мен ҳам ўзимни беҳад бахтиёр санайман.

Болгария тупроғида бўлиб ўтган жангларда ўзбек халқининг фарзандлари ҳам қон тўккан. Бизлар шунчаки қардошлар эмасмиз, бизлар қонимиз қўшилган, мақсадларимиз муштарак бўлган қондошлармиз, биродарлармиз. Шунинг учун ҳам дўстларимиз фанда ва маданиятда қўлга киритган ютуқлар бизни ҳам самимий қувонтиради.

Болгария маданияти ва инқилобий ҳаракатининг атоқли намояндалари — Христо Ботев, Иван Вазов, Христо Смирненскийларнинг шонли авлоди — ҳозирги замон болгар ёзувчилари ва шоирлари ижоди ўзбек хонадонига янги, салмоқли маънавий мулк бўлиб кирди. Биз қадрдон болгариялик қаламкаш дўстларимиз ижодига равнақ тилаймиз, уларнинг келгуси ижодий самараларини ташна бўлиб кутамиз.

Хуш кўрдик, хуш келибсиз ўзбек диёрига қадрдон меҳмонларимиз, болгариялик дўстлар!

14 сентябрь, 1966 й.

Ғалаба! Олти ҳарфдан ташкил топган бу сўзда бир дунё қайғу, қувонч ва маъно бор. Ғалаба деб қиз-йигитлар тўйларини шартта тўхтатди, қайлиқларига зафар тилаб, фронтларга узатди. Ғалаба деб шердорларимиз жангга кирди. Ғалаба деб баҳор умри бўстони айни гулгул очилган қизларимиз висол алангасини меҳнат тери билан ўчириб, барча маҳрумликларга бардош беришди. Ғалаба деб фронт орқасида қолганлар фидокорона меҳнат қилиб, қизил қўшинга қурооллар ясаб бердилар.

Совет кишиларининг ғалаба йўлида кўрсатган фидо-корликлари ва фазилатларида социалистик тузумимизнинг маъзи, дўстлик, биродарлик, меҳр-муҳаббатнинг ёрқин тимсоли мужассамланган эди. Бу уюшқоқлик, ҳамжиҳатлик туфайли эришган ғалабамизга йўлчи юлдузимиз — жонажон коммунистлар партияси раҳнамо ва ташкилотчи бўлди.

Миллионлаб совет кишилари қатори мен ҳам Улуғ Ватан уруши фронтларида бўлганим ва умумхалқ душмани гитлеризмга қарши курашганим учун ғалабамиз йигирма бир йиллиги нишонланаётган шу кунларда фахрланаман. Шахсан ўзим кўрган, эшитган ва ўз бошимдан кечирган кунларимни озми-кўпми эслаб ўтгим ва у унутилмас кунларни кўрмаган ёш авлодга ҳикоя қилиб бергим келади.

Уруш кутилмаган бир соатда рўй берган эди. Дастлабки ойларда мен Тошкентда ярадорларни қабул қилиб олиш пунктларида комиссар бўлиб хизмат қилдим. Мактаб биноларини госпиталларга айлантирдик. Тиним, уйқу нима — уни унутиб юборган эдик.

Минг-минг ярадорлар билан бир вақтда немислар босиб олган шаҳарлардан эвакуация қилинган завод-фабрикаларни қабул қилиб, унга бинолар қуриш, жой ҳозирлаш керак эди. Ишчи батальонида комиссар бўлиб,

фронт орқасини мустаҳкамлаш, завод қурнб станоклар ўрнатиш, аини бир соатда қурол-аслаҳа яратишга киришдик.

Ўзим иштирок этган заводда ясалган миномётларни фронтга бориб олдим.

Госпиталь, ҳарбий завод иши йўлга қўйиллиши биланок, дарҳол ўқиш-ўргатиш ҳарбий таълим полкида комиссар бўлиб хизмат қилдим. У ерда 18—20 ёшдаги ўспирин йигитларга ҳарбий-сиёсий таълим бериб, кичик командирлар тайёрлаб, фронтларга узатиб турдик. Ниҳоят фонтда жанг қилиб, гитлерчи газандаларни тавбаларига таянтиришда ҳам иштирок қилдим.

Фронтимизда, гвардиячи капитан Нестеренконинг пулемёт ротасида «Ўқ ўтмас ботир» лақаби билан машҳур бўлган Синдор Ҳасановнинг жапговар биографиясидан баъзи бир эпизодларни ҳикоя қилмоқчиман.

Тим қоронғи тун. Немислар отган мушак дарё қирғоқларни ёрғитиб турарди. Мушак нури сўниши билан бизнинг жангчилар шоша-пиша қайиқларга ўтириб олдилар.

Олдинги қайиқда гвардиячи капитан Нестеренко, батальон командирининг ўринбосари — гвардиячи капитан Беспалов, гвардиячи старшина Синдор Ҳасанов ва унинг расчётидаги гвардиячи қизил аскар Бобоҳон Аҳмедов, Отажонов ва Қушшинлар борарди. Олдинги қайиқ дарё қирғоғига яқинлашган чоғда немислар яна мушак олди. Гитлерчилар баҳодирларимизни кўриб қолиб, ўққа тутди. Шиддатли жанг бошланди. Бизникилар зўр чиқди. Буйруқ бажарилди. Бир неча ўн гитлерчи мурдаси ҳисобга олинмаганда, саккизта қўл пулемёти, бир дала тўпи ўлжа олинди. Бироқ Нестеренко — Ҳасановларнинг бу феъли немис қўмондонлигига ёқмади. Эрталаб немислар яна қарши атакага ўтдилар. Жанг дахшатли тус олди. Ҳасанов расчётининг жангчилари Аҳмедов, Отажоновлар снаряд парчаларидап яраланиб сафдан чиқдилар, рота командири — гвардиячи капитан Нестеренко оғир яраланиб қолди. Ҳасанов яраланган Отажонов, Аҳмедовнинг пулемётига қараб югурди ва ундан ўт ёғдира бошлади. Ҳасанов окопида граната портлади. Пулемёт ишдан чиқиб, Ҳасанов чап қўлидап яраланди. Жасур йигит ўзини йўқотмади. Чаққонлик билан эмаклаб бориб, эгаси ҳалок бўлган пулемётга ёпишди. Қуролдош ўртоғи Қушшин билан қўш пулемётдан ўқ ёғдириб, траншеяга эмаклаб тушаётган фриц-

ларни қириб турди. Ҳаёт-мамот қилда осилиб турган тонг чоғида, бирдан «Ура!» овози янграб кетди. Бу — капитан Беспалов командасидаги мададкор совет автоматчиларининг қудратли овози эди. Траншеяга кириб қолган гитлерчилар мададкорларимиз зарбасидан тумтарақай қилиб юборилганди.

Ҳасановнинг биографияси бундай жанговар эпизодларга бениҳоят бой. Ана шу жангу жадал кунларида Синдор синглисидан олган бир хатга муҳтарам газетхонларимиз диққатини тортмоқчиман. Мана ўша хат:

«Акажон!

Украиналик биродарларимиз юртида немис босқинчиларга қарши мардона урушиб юрган жонажон, меҳрибон акамга бениҳоя соғинчли салом!

Юрагимнинг мадори акажоним, ёзган хатингизни олиб ўқидик. Хатингизда икки марта ярадор бўлдим, ҳозир яна жанг майдонига қайтиб фрицларни қираётirman, дебсиз. Шундай бўлса жуда яхши-я! Огир ярадор бўлиб, ҳали, ҳозиргача госпиталда ётган бўлманг.

Акажон, бизлар қачон дийдор кўришамиз? Менинг жондан азиз акам душманни тезроқ енгиб келса эди, деб сизнинг келишингизга ва тўйингизга атаб қўй-эчки боқиб юрибман.

Жангда сизнинг қаҳрамонлик кўрсатиб, орден олганингиз ҳақида «Қизил Ўзбекистон» газетасида босилиб чиққан хабарни ўқиб жуда хурсанд бўлдик. Акажон, душманга омон берманг! Етти қат осмонда бўлса ҳам, ернинг тагига кириб кетган бўлса ҳам, топиб ер билан яксон қилинг!

Мен ҳозир колхозда секретарь бўлиб ишлаб турибман. Эркак-аёл, ёш-қари колхозчилар меҳнат фронтида жадаллик билан ишлаб, Қизил Армиямизга ёрдам бермоқдалар. Бундан хотиржам бўлинг.

Бахтпимизга соғ-саломат, дунё тўла галабалар билан келинг. Хатни опамнинг уйида ёздим. Бувимлардан, опамлардан, ҳамма қариндошларимиздан сизга кўпдан-кўп салом!

Йўлингизда кўзлари нигорон бўлиб, интизорлик билан кутиб ўтирган синглингиз Шаҳрибону Ҳасанова.

Қорадарё райони, 20 май, 1944 й.»

Уруш тугагач, ғолибларимиз ўз она юртларига, тинч меҳнат қучоғига қайтишгандилар. Ушандан бери мен Синдор Ҳасановни йўқотиб юардим. Яқинда Ҳасановни

топиб олдим. «Ўқ ўтмас» ботирим Синдор Ҳасанов Иштихон районигаги Фрунзе номли колхозда шавкатли меҳнат қучоғида болалари билан бахтиёр турмуш кечираётганидан хабар бериб, мени беҳад қувонтирди. Ҳасанов ғалаба билан қайтиб, Бувиҳолга уйланиб, Бобомурод, Зулҳумор, Ўсар, Ҳабиба, Жаҳонгир, Мақсуда номли қиз-ўғилларга ота бўлишидан беҳад бахтиёр эканлигини ўз мактубида ёзади. Синдорнинг синглиси Шаҳрибонудан ҳам худди шу хилда мактуб олдим. Бу ўтган тинчлик йиллари ичида Шаҳрибону ҳам колхоз қучоғида яйраб Майрам, Норхол, Дилором, Файзулла, Сайдулла, Саъдуллаларнинг онаси бўлиб, нуридийдалари ўз бағрида бахтиёр ўсиб-униб билим олаётганларидан мамнун бўлиб, бизни ғалаба куни билан табриклаб мактуб юборибди.

Мен Синдор Ҳасановлар оиласи мисолида минглаб қуролдош дўстларнинг бахтиёр ҳаёти, гўзал жамолини кўриб турибман. Мен туғилиб ўсган тупроқда, коммунизмнинг моддий бойликларини яратиб турган Жданов колхозида Йўлдош Тошпўлатов деган ажойиб қуролдош ҳамшаҳарим раислик қилиб қелмоқда. Тошпўлатов Днепрдан Австрия пойтахти — Венагача ўз пулемёти ўти билан фашист газандаларни қириб, қувлаб ғалаба байроғимизни душман томига тикканлардап бири бўлади.

Бу пулемёт расчётининг собиқ командири уруш йилларида бутун кучи, билими, юрак ҳароратини ғалабамиз учун сарф қилиб, тинчлик йилларида ҳам коммунист раҳбарга хос ишчаи, жонкуяр, одамларга ғамхўрлик қила билншдек олижаноблик намунасини кўрсатиб, халқ ишончини оқлаб келмоқда.

Ғалабамиз йигирма бир йиллиги нишонланаётган шу дамларда мен билан тапиш ва нотаниш барча қуролдош ўртоқларимнинг қўлларини маҳкам қисиб, фашизм устидан қозонган ғалабангиз муборақ бўлсин, азиз жанговар дўстларим, дейман.

9 май, 1966 йил.

Қон кечиб, жон бериб, жон олган бу излар кимларники? Ҳа, бизни сафарга отлантирган ҳам худди шу муқаддас излар. Мангуликка муқаддас бўлиб қолган бу излар бизни партизанлар макони, қардош Белоруссиянинг пойтахти — Минскка олиб борди. Бу ерда партизан дўстларимизни топдик. Улардан бири область яширин комсомол комитетининг собиқ биринчи секретари, партизан, ҳозир эса республика министрларидан бири Федор Димитрович Ромма, иккинчиси — Киров номидаги партизан отряди партия комитетининг собиқ секретари Александра Ивановна Хромова, учинчиси — шу отряд алоқачиси, ҳозир Белоруссия Темир йўл лойиҳа институтининг инженери партизан Филипп Гришкевич. Улар билан суҳбатлашдик. Жанговар йиллар хотирасини ҳаяжон билан тингладик.

Брест яширин область партия комитетининг биринчи секретари, Брест партизанлари қўшилмасининг қўмондони, ажойиб саркарда, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Сергей Иванович Сикорский қабрини эиёрат қилдик. Белорус халқининг улўғ шоири Янка Купала, Якуб Коласларнинг қабрларига гулчамбарлар қўйдик.

Излар... Бу излар бизни Белоруссия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Партия тарихи институти архивига бошлаб борди. Бу ажойиб тарихий обидалар хазинасида ноёб ҳужжатлар топдик. Ҳамшаҳарларимиз: митонлик партизан Луқмон Уроқов, жиззахлик Бегимқул Қулбоевларнинг Белоруссия ерини фашистлардан озод қилишда кўрсатган қаҳрамопликларини тасдиқловчи ҳужжат-далиллар билан тапишиб чиқдик. Бу ерда шу кунгача тақдирлари ҳеч кимга маълум бўлмаган Пойариқ районлик Шукур Жамақов, Булунғур районлик Аҳмад Муродов сингари Ватан учун қурбон бўлган ҳамюртларимиз изларини топдик.

Биз тушган поезд Брест томон йўл олди. Темир йўлнинг икки томони қалин ўрмонзор. Поезд Тевли ярим станциясига яқинлашмоқда. Ҳамроҳимиз — собиқ партизан Луқмон Уроқовнинг кўзига ёш келди. У ўтмишни, жон олиб, жон берган қуролдошларини эсларди.

...1941 йилнинг кузи. Асир тушган совет солдатлари жойланган поезд ҳапсираб гарб томон интилмоқда. Улар орасида Луқмон Уроқов ҳам бор. Ҳолдан тойган асирлар бир-бирларига суянишпб мудрашарди. Кимдир ишгайди, кимдир босинқирайди. Қоронғи туп. Бунинг устига, ҳамманинг днли хуфтон. Луқмон эса ҳамон ўз иши билан овора. У бош бармоқдек пичоқчаси билан вагон поли тахтасини ўйиб кетмоқда. Поезд ўрмон ичига кириб борарди. Луқмон зўр билан тахтани кўчирганда, филдирак овозлари барала эшитила бошлади. Ҳамма сергакланди.

— Овоз чиқарманглар...

Биринчи бўлиб Луқмон ўзини темир йўл оралиғига ташлади. Худди мана шу ерда Дехлов ўрмонида белорус партизанлари билан топишди. Уч йил партизанлар сафида туриб, гитлерчиларга қарши курашди.

Брест. Қадимий тарихий шаҳар. Буг ва Муховец дарёлари оралиғида жойлашган Брест қалъасининг яранган деворлари кўзга ташланади. Бу жароҳатлар совет солдат-офицерлари продаси тош деворлардан ҳам қаттиқ ва енгилмаслигидан далолат бериб турибди.

— Музейимиз фондида Луқмон Уроқов — «Лукаш»нинг ҳам шахсий буюмлари, суратлари сақланмоқда, — дейишди бизга музей илмий ходимлари.

Сафаримиз давом этмоқда. Кубрин шаҳрига етиб келдик. Бу ерда кекса коммунист, революционер, шахсий пенсионер Прасковья Семёновна Сидорук, партизанка Александра Павловскаяларни учратдик. Кубрин район партия комитети вакили бошчилигида Киров район партизан отряди маркази — Антополь районида бўлдик. Ҳамюртимиз Бегимқул Қулбоев қабрига бордик.

Қаҳратон қиш. Оппоқ қалин қор билап қопланган Антополь ўрмонлари ҳам гўё биз билан бирга мард ўғлон қабрига бош эгаётгандек. Шундоққина шаҳар маркази серқатнов йўл ёқасига дафн этилган юртдошимиз қабри устига гулчамбарлар қўйилган ва устини қалин қор қоплаган.

Чуқур сукунат... Қабр тепасида биз, унинг ҳамшаҳар-

лари — ҳамюртлари, қуролдош дўстлари, партизан П. С. Сидорук, С. Киричук, Александра Киричук, Войтович, Александра Павловская, Луқмон Уроқов (Лукаш) ва бошқалар туришибди. Қулбоевнинг қуролдоши Луқмон Уроқов Ўзбекистондан олиб келинган анвойи гуллардан тузилган гулчамбарни қабр устига қўйди. Баҳодир жангчининг қуролдошлари ўз хотираларини айтиб бердилар:

— Николай Қулбоев билан мен Улуғ Ватап урушининг дастлабки кунларида жанг майдонида учрашган эдим,— деб сўз бошлади собиқ партизан, журналист Александр Михайлович Припотнев.— Бир воқеа ҳамон хотирамдан ўчмайди. Жангларнинг бирида ярадор бўлиб қолдим. Маст уйқуда туш кўраётгандек бир ҳолатда эдим. Ёнгинамда ўтирган ёшгина йигит шинелини ечиб устимга ёпди. Секин-аста ўзимга келдим. Ёнимда ўтирган буғдой ранг, қора қош йигит худди безгак хуруж қилаётгандек титрарди.

— Николай, сенмисан?— дея олдим.

— Ҳозир кетамиз. Ҳеч нарсани кўрмагандек бўлиб қоласиз. Энг муҳими — тирикмиз. Қўп ўртоқларимиздан ажралдик. Лаънати фашист! Кўрсатиб қўямиз, ҳали биз. Шундай эмасми, Алёша,— деган сўзлари ҳамон қулоғимда жаранглайди. Қулбоев ҳам енгил яраланган экан. Иккаламиз бир амаллаб жанг майдонидан чиқдик. Ҳамширалар жонимизга ора киришди...

Бегимқулга биз Николай — Коля деган номни урушгача отлиқ дивизияда хизмат қилиб юрганимизда қўйган эдик. Ўртоқлари уни эркалаб, шундай аташарди. фарзанди Бегимқул Қулбоевни муносиб тақдирлади. У «Максим»идан ўт очганда, ўқи зое кетмасди.

Шароит сабаб бўлиб, Бегимқул Белоруссиянинг фашистлар вақтинча босиб олган территориясида қолиб кетади. Бу тасодифда ҳам у ҳарбий бурчига, қасамига содиқ қолади. Минск ва собиқ Полесье областларида ҳаракат қилган партизан отрядига келиб қўшилади. Тенгсиз жангларда ажойиб қаҳрамонлик намуналарини кўрсатади...

1942 йилнинг январи. Октябрь, Любан, Копаткевич районларида ҳаракат қилаётган партизан отрядлари бирлашиб душманга қарши ҳужумга ташландилар. Бир ҳафта ичида бир неча гарнизон яқсон қилинди. Фашистлар турган қишлоқларга, темир йўл станцияларига биринчилар қаторида бостириб кирган ва душманга даҳ-

шат солганлар орасида ҳамма вақт Бегимқул Қулбоев бўларди. Кунларнинг бирида биз ишғол қилиб турган территориядаги Альбинск қишлоғига гитлерчилар бостириб кириш ҳаракатида эканлигидан хабар топиб қолдик. Душман авиациясини ишга солди. Лекин партизанлар гитлерчилар ҳужумини қайтаришди. Шу жангда алоҳида мардлик кўрсатганлар ва қўмондонлик томонидан тақдирланганлар рўйхатида Қулбоев ҳам борлиги эсимда.

Ёз кун. Тонг пайти эди. Катка ва Хоромци қишлоқларига ўрнашиб олган фашист полициячиларини тор-мор қилиш зарур эди. Қўққисдан бошланган бу ҳужум жангида ҳам Қулбоев алоҳида ўрнак кўрсатди. Худди ўша кун отрядимиз Эски йўл қишлоғи ёнида фашистларнинг йирик гарнизонини тор-мор қилганда, Бегимқул ўз «Максим»и билан фашистларга қирон солиб, ғалабани тезлатгани қуролдошлари тилида дoston бўлганди.

Сталинград остонасида қизғин жанглр бораётган бир пайтда Полесье партизанлари партизан ҳаракати марказий штаби Москвадан Птичь дарёси устидаги темир йўл кўпригини портлатиш тўғрисида буйруқ олди. Бу жуда мураккаб вазифа эди. Катта стратегия аҳамиятига эга бўлган бу темир йўл кўпригини фашистлар полки қўриқларди. Кўприкка олиб борадиган йўллар миналаштирилган ва бир неча қатор тиканли сим билан ўралиб, кўприк атрофига тўплар ўрнатилган эди. Шунга қарамай, халқ қасоскорлари сув остидан бориб, кўприк тагига портлатувчи модда кўмдилар. Бу ерда юз берган фалокат фашистлар учун кутилмаган воқеа бўлди. Натижада фронтга мадад бериб турган поезд 19 кун тўхтаб қолди. Бунинг учун ҳукумат мукофотига тавсия қилинганлар рўйхатида ҳам Бегимқул Қулбоев бор эди.

1943 йилининг январь ойи. Фашистлар артиллерия ва миномётлардан ўт очиб, Грабово қишлоғига бостириб кира бошлади. Биринчи бўлиб душманни кичик бир бўлишма партизанлари қарши олишди. Тенгсиз жанг давом этар, ўқ тугаб қолаётганди. Партизанлар саросимага тушиб турган бир пайтда Арзуманян командирлик қилаётган рота партизанлари ёрдамга етиб келишди. Булар орасида Бегимқул Қулбоев ҳам бор эди. У ўз расчёти билан пулемётини ишга солади. Фашистлар катта талафот кўриб, чекинади.

1943 йилининг баҳорида Сергей Иванович Сякорский

бошчилигидаги масъул партия ходимлари десант группаси Минск областининг Любан қишлоғидан Брест томон йўл олиши керак эди. Уларни кузатиб бориш учун Полесье партизан қўшилмаси жангларида чиниққан ишопчи йигитлар танланганди. С. И. Сикорский Қулбоевни ҳам ўзи билан бирга олиб кетади. Уша йилнинг апрелида Шчорс номидаги партизан отряди Брест партизанлари қўшилмаси тузилди. Сергей Иванович ҳам соқчилар сафида Бегимқул билан бирга сафарга чиқади. Вазифа Кобрин, Антополь ва Брест областининг бошқа районларидаги партизан отрядларини шахсан кўздан кечириб чиқиш эди. Йўл оғир ва хатарли эди. У бу сафарда ҳам қўмондонни хурсанд қилди.— Бегимқул ўзбек ўғлонни бўлса ҳам, унинг қони Белоруссия тупроғига тўкилди. Шу боисдан,— деди Александр Михайлович,— бу қабр, айниқса белоруслар учун муқаддас зиёратгоҳ бўлиб қолади.

Сукунат... Оғир сукунат. Бошлар қуйи. Ҳамманинг нигоҳи жасур ўзбек ўғлонининг қабрига қадалган.

— Белорус халқининг бугунги бахтиёр ҳаётини кўриш жасур партизанга насиб бўлмади,— дея афсусланиб сўз бошлади нуроний она. У Бегимқул ҳақида ёниб, дард билан чин юракдан гапирди. Унинг сўзларидан тўлқинланмай, ҳаяжонланмай илож йўқ. Польша яширин комсомол союзи ва коммунистлар партиясининг аъзоси, ғарбий Белоруссияда поляк панлари ҳукмрон бўлган даврда яширин революцион ҳаракатга актив иштирок этганлар қаторида икки бор судланиб, икки бор қамоққа ташланган бу жасур аёл, фақат Ғарбий Белоруссия СССР составига қўшилгандан сўнг, 1939 йилдагина қамоқдан озод қилинган эди. Улуғ Ватан уруши йилларида Просковье Семёновна Белоруссия партизанлари сафида фашистларга қарши курашди.

— Қулбоев кейинчалик ҳамюрти Уроқов ротасига взвод командири қилиб тайинланди. Баҳодир ўзбек йигитининг жанговар ҳаётида янги саҳифа бошланди.

...Бегимқул Қулбоев ҳаммаси бўлиб 1023 кун партизанлик қилди. Бу давр ичида у 5 марта ярадор бўлди, 17 марта фашистлар билан юзма-юз олишди, 2 та душман эшелонини одами ва техникаси билан яксон қилди, иккита кўприкни портлатди. Она-Ватанимиз жасур ўзбек фарзанди Бегимқул Қулбоевни муносиб тақдирлади. У жанговар «Қизил Байроқ» ва «Биринчи даражали Ва-

тан уруши» орденлари ва партизанлик медали билан мукофотланди.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони С. И. Сикорский уруш тугаганда қуйидагиларни ёзган эди: «1943 йил 15 мартдан 16 мартга ўтар кечаси бир группа ходимлар Белоруссия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг топшириғига биноан, Москвадан Минск партизанлар қўшилмаси жойлашган ерга учдик. Беш кундап кейини Полесье ва Минск қўшилмаларидап ёрдам кучи олиб, душман орқасига — Брест томон 600 километрлик сафарга отландик. Оғир ва машаққатли йўлни босиб ўтиб, фақат апрелнинг охирида белгиланган жойга етиб бордик. Йўлларда бўлган жангларда ўзбек йигити Бегимқул Қулбоев айниқса қаҳрамонлик кўрсатди».

Бу, Бегимқулнинг жасоратига, мардлигига берилган юксак баҳодир.

Бегимқул Брест область партия комитети тавсияси билан фашистлардан озод қилинган Антопольда Совет ҳукуматини мустақкамлаш учун милиция органларида ишлаб юрган пайтида власовчилар билан бўлган тўқнашувда қаҳрамонларча ҳалок бўлади. Уша пайтда мен райком секретари бўлиб ишлардим. Луқмон Ҳроқов (Лукаш) эса районда партизанлардан ташкил топган группанинг командири эди. Бу фожиа ҳақида хабар келиши биланоқ биз райкомга тўпландик. Лукаш ўз кишилариини йиғиб, власовчи каллакесарлар изидан қувиб кетди. Эртасига у ўрмон ичида маст-аласт бўлиб, маишат қилаётган каллакесарларни қуршаб олади ва қириб ташлайди.

Коммунист, партизан командир Бегимқул Қулбоевнинг жанговар хизматлари ҳеч қачон унутилмайди. Она-Ватанни ҳимоя қилиб, халқлар озодлиги йўлида жонини фидо этганлар халқимиз қалбида абадий яшайди. Уларнинг кураши, ҳаёти замондошлар, давримиз ёшлари учун катта мактаб бўлиб қолади.

Излар... Муқаддас излар. Она-Ватан йўлида фидо бўлганлар изи ҳеч қачон йўқолмайди.



Қадрли ўртоқлар!

Ўзбек халқи бугун ўзининг биринчи ва тўнғич президенти Йўлдош ака Охунбобоевга ҳайкал ўрнатиш маросимини ўтказмоқда. Республикамизнинг шаклланиб, камолга етишида ўзбек элимизнинг оқсоқоли Охунбобоевнинг хизматлари бениҳоя катта. Миллий чегараланишдан кейин дунёга келган республикамиз ҳаммадан бурун қуёшдек барқарор Ленин миллий сиёсатининг энг улкап самараларидан бири бўлди.

Йўлдош ака Охунбобоев президент қилиб сайланганда, республикамиз гўё йўргакдаги бир чақалоқ эди. Партиямиз бош йўлини оғишмасдан амалга ошира бориш ишида Йўлдош ака бош бўлган Ўзбекистон ҳукумати бағрида бу «чақалоқ» улғайди, камол топди, бағоятга етди. 14 ини-оғаси билан апоқ-чапоқ, бир ёқадан бош чиқариб ишлаши натижасида ўзбеклар асрлар мероси қолоқлик, саводсизлик, қашшоқлик балосидан абадий қутулди. Иттифоқликда сиз-биз бўлиб яшаш кўп миллатли Ўзбекистонда яшовчи халқларни тарихий ғалабаларга олиб келди. Шаклан миллий, мазмунан социалистик маданият яратилди. Қолоқ, майда деҳқон ва ҳунармандлар мамлакати бўлган ожиз юртимиз энг илгор, қудратли индустриал ва коллектив хўжалик мамлакатига айланди. Ёшларимиз билишлари керакки, Йўлдош ака Охунбобоев ўзбек элининг оқсоқоли бўлиб ишлаган йиллар ҳозирги йилларимиздан тубдан фарқ қилар эди. У йилларда шаҳар, қишлоқлар ҳозиргидек обод, ишчи ва деҳқонлар бу кунгидек билимдон ва фаровон турмушга эга эмасдилар. Саводсизлик ҳам халқ учун бой-муштумзўр синфидек ападдий душман

¹ Тошкентда Чорсу майдонида Йўлдош ака Охунбобоевга ҳайкал қўйиш маросимида сўзланган нутқ.

эди. Ҳар иккала фронтда ҳам мурасисиз кураш олиб борилди. Мамлакатнинг асл эгалари бўлиб олган меҳнаткаш халқ ҳукми билан синф сифатида тугатилишга маҳкум бўлган муштумзўрлар, бойлар, буржуа миллатчилари қутуриб қаршилик кўрсатарди. Буларнинг агентлари оч бўридек изғишиб, актив комсомол, коммунист, батрак ва паранжи ташлаган опа-сингил ва оналарнинг жонларига қасд қилдилар.

Ана шу ҳаёт-мамот учун бораётган жангу жадал йилларида ота-бобоси, ўзи батрак бўлган бизнинг Йўлдош акампз президент бўлиб ишлаган эди. Йўлдош ака Охунбобоев чиннакам халқ орасидан чиққан донишманд давлат арбоби эди. У қайси бир шаҳар ёки қишлоққа давлат иши билан бормасин, кўз очиб-юмгунча халқ ундан хабар топарди. Йўлдош ака минглаб одамлар қуршовида қоларди. Чунки у халқ дардини биладиган ҳамдари арбоб эди. Халқ уни жондан ортиқ севарди ва ҳурмат қиларди. Ўзбек халқи бугун ўз оқсоқолига ҳайкал қўяр экан, бу унинг тарихий катта хизматларини тан олиб, унга абадий барҳаётлик бахш этар, деган сўздир.

Йўлдош ака йўргакда қабул қилган гўдак республика, балогат ёшига етди, азамат йигит бўлди. Бу ақли расо, бағайрат, баҳиммат йигит ўз қардошлари онласида камол топмоқда. Чўлларни гулстон, янги боғ-бўстонлар қилмоқда, янгидан-янги саноат ўчоқлари яратмоқда. Тинчлик вахтасида мустақкам туриб, маданияти, фан ривожланиб Ер билан Ой оралнига кўприк қурди.

Йиллар ўтаверади, президентимиз Йўлдош ака авлодлар кўзига жилмайиб боққанича мағрур тураверди. Унинг сиймоси — ҳайкал ўрнатилган бу майдоннинг тўрт фасли ёз, асло қиши бўлмас. Бизга асрдош бўлган Йўлдош отамизни бизнинг эвара-чевараларимиз доим эсларлар. Унинг ҳайкали атрофни ёшу қари ҳордиқ чиқарадиган гулзор истироҳат боққа ва энсратгоҳга айлантларлар.

ТАШКИЛИЙ ИШЛАРНИ СИЕСИЙ РАЎБАРЛИҚ ДАРАЖАСИГА ҚўТАРАЙЛИК

(Қурултойда сўзланган нутқ)¹

Ўртоқлар! Рўзномадаги асосий докладлар устида сўзлаган нотиқлар кўпроқ ижодий масалалар устида тўхтадилар. Мен эса, ўзимга топширилган масала—ташкилий-оммавий ишлар юзасидан сўзлайман. Ҳаммамизга маълумки, биз Маркс, Энгельс назарияси, Ленин амалиётининг буюк тарихини ифода қилувчи бир даврда яшайпмиз. Бу давр бизга социалистик қурилишнинг жуда ҳам катта ғалабаларини, инсоният тарихида қўрилмаган ғалабаларни ҳар куни, ҳар соат, умуман, ўз иштирокимиз билан кўрсатиб турмоқдadir. Худди мана шу буюк даврда бизнинг адабиётимиз—совет адабиёти, ўзининг маълум мавқеи билан партия, совет ҳукумати, пролетариатнинг ишига ёрдам бермоқда. Докладчилар, чиқиб сўзлаган ўртоқлар, олинган телеграммалар бизнинг ҳозирги қурултойимизни тарихий қурултой деб ифода қилдилар.

Бунинг тарихий қурултой эканлигига далил нима?

Менимча, бу қурултойнинг тарихий эканлигига далил шуки, Ўзбекистонда ҳозиргача давом этиб келган адабий ташкилотлар адабиётда бундай кўтарилишга, катта армияга эга бўла олмаган эмас эдилар. Бу қурултойимиз шунинг учун тарихийким, ҳозир биз партия ва ишчилар синфи томонидан қўйилган вазифаларни бажаришга қобил бўлган армияга эгамиз. Бу қурултой шунинг учун тарихийким, бизнинг совет ёзувчилар ташкилоти атрофига уюшган совет ёзувчилари армияси, ҳар қайсиси ўз савияси эътибори билан маълум адабий ижодиётга эгадирлар.

Бу қурултой шунинг учун тарихийким, совет ёзувчилари ташкилоти, Ўзбекистон совет адабиёти интернационал асосда ривожланмоқда.

¹ Ўзбекистон ёзувчиларининг биринчи қурултойи.

Биз мана шу интернационалчилик асосида социалистик қурилишнинг бошқа фронтларидан кўриниб келган синфий душманларни, аксилинқилобий миллатчи — буржуазия чиқишларини ва бошқаларни тор-мор қилганимиздек, мана шу уюшган армия билан партия раҳбарлигида биз, адабиётимизга суқилган, советларга энд бўлган унсурларни ҳам тор-мор қилдик ва қилмоқдамиз. Ўзбекистон совет ёзувчиларининг бу қурултойи яна шунинг учун тарихий аҳамиятга эгаки, у партияимизнинг 23 апрель қароридан сўнг адабий ҳаракатчиликда шу вақтга қадар ҳеч мисли кўрилмаган даражада катта кўтарилиш билан ўз ишини ташкил этди.

Мен ҳозирги ташкилий-оммавий масалалар устида гапирмоқчи бўлганимда, қисман бўлеа ҳам, совет адабиётимизга, яъни 23 апрель қароригача бўлган мавқеи устида озроқ тўхталиб ўтмоқчиман. Чунки партиянинг XVIII қурултойи ташкилий масалалар устида, бизнинг совет адабиётимизгача бўлган даврдаги «Қизил қалам», ЎзАПП ташкилотчиларига хос бўлган даврни кўрсатиб ўтди. Адабиётимизга раҳбарлик қилувчи ташкилотнинг ташкилий-оммавий ишларини сиёсий раҳбарлик даражасига кўтармасдан, биз олдимизда турган вазифаларни бажара олмаймиз. Шунинг учун биз ўтмишдаги «Қизил қалам» ва ЎзАПП давридаги ташкилий ишларнинг хусусиятига қарасак, сабоқ бўларли аҳволларни кўрамиз. Албатта, бу икки ташкилот ўз даврида маълум даражада кўзга кўринарли хизматлар қилди. У, бирмунча камчилик ва хатоларга қарамасдан, бизнинг адабиётимизни юксалтиришга доир ижобий роль ҳам ўйнади, бирмунча адабиётчи кадрлар етказиб берди. Лекин, шунга қарамасдан, «Қизил қалам»нинг ташкилий қурилиш масалаларига қарасак, ўз-ўзининг бутун иш системаси кичик доира ичида, кичик бир гуруҳ ичида қолиб, завод-фабрика, совхозлар, умуман социалистик қурилишнинг жонли ҳаракати процессидан узилиб яшаганини кўрамиз.

Бу адабий ташкилот оммавий ишларни етарли даражада, яъни партия кўрсатганча ташкил эта билмаганлиги натижасида, кейинги вақтларда «Қизил қалам» жамиятининг раҳбарлигини аксилинқилобий миллатчи зиёлилар ўз қўлига олишгача муваффақ бўлдилар. Албатта биз ўтмиш сабоқларини ўрганишимиз, ундан керакли натижалар чиқаришимиз керак.

Ундан кейин Ўзбекистон пролетар ёзувчилари ташкилоти (ЎзАПП) тузилди. Бу ташкилотнинг хизматлари ҳақида ўртоқ Мажидий, Анқабой ва бошқа ўртоқлар тўхтаб ўтдилар. Албатта ўз даврида у партия томонидан кўрсатилган бирмунча муҳим вазифаларни бажарди. Лекин у пролетар ёзувчилари ташкилоти бўлиш эътибори билан «Қизил қалам»нинг кўп сабоқларидан фойдалана олмади, унинг қилган хатоларини такрорлади. Биричидан, партиямизнинг қарорида кўрсатилганича, у кўп вақт ўз ишини жуда ҳам тор доирада давом эттирди. У ташкилий ишни бутун социалистик қурилишнинг соҳаларигача етказа олмади.

Шу билан бирга, ўзининг атрофида бўлган ёзувчиларга (хоҳ пролетар ёзувчиси, хоҳ попутчиклар бўлсин) нисбатан кўпол муносабатда бўлиб, кўп вақт гуруҳбозлик майлларини иш системасига суқди. Шунинг натижасида ЎзАПП ташкилоти, оммавий-ижодий ишларни заифлашга, унинг армияларини тарқоқ ҳолга тушириб қўйишга сабабчи бўлди. Лекин биз, ундан ташқари ЎзАППнинг адабий-ижодий масаласига келганда, яна бошқачароқ аҳволларни кўра оламиз.

ЎзАПП ўзининг даврида ташкилий ва оммавий ишларни яхши ташкил қилмаслиги натижасида кўп вақт ўз ишини «қайтадан қуриш» масаласини музокара қилар эди. Ўртоқларнинг эсида бўлса керак, ЎзАПП ўз ишини «қайтадан қурмоқчи» бўлар эди. Биз бу тўғрида тугуриқсиз доклад эшитавериб зериккан эдик.

Ўртоқлар, энди мен тўғридан-тўғри 23 апрель қароридан кейин рўй берган, ҳам Ўзбекистон совет ёзувчилар ташкилоти томонидан қилинган ишларнинг ташкилий-оммавий қисми тўғрисида сўзлайман.

Бизнинг ташкилот масаласи юзасидан тушуна турган ва тушунишимиз керак бўлган вазифалар нималардан иборат? Бу тўғрида мендан илгари сўзлаган Мажидий ва Анқабой ўртоқлар бу масалага оид бўлган адабий ижодиёт борасида сўзладилар. Менимча, ҳозир бизнинг вазифамиз социалистик қурилиш даврини яратган, ҳам яратиши керак бўлган қаҳрамонлиқни пафос билан адабиётда ифода қилишдан иборат бўлиши керак. Агар биз биринчи беш йилликнинг ичидагина қўлга киргизилган ютуқларимиз билан биринчи беш йилликкача бўлган Ўзбекистонни бир таққос қилиб қараганимизда, Ўзбекистоннинг юзи тамоманла ўзгарганлигини яққол кўра

оламиз. Агар у илгари (биринчи беш йиллик даврига қадар) майда деҳқон хўжалиги мамлакатни ҳолида бўлган бўлса, биринчи беш йиллик вазифаси тамом тугал ҳал қилингандан кейин коллективлашган катта деҳқон хўжалиги ҳам саноат мамлакатига айланди. Лекин шунга қарамасдан, бизнинг адабиётимизда акс эттирилиши лозим бўлган давримизнинг қаҳрамони, жамиятимизнинг айрим аъзолари керагича ёритилган эмас.

Бутуниттифоқ колхозчилар слётида партиямиз, илгариги майда деҳқон ҳозир коллективлашган деҳқон, лекин унинг онги коллективлашган эмас, деган эди. Бу аҳвол ҳеч шубҳасиз бизнинг адабиёт армиямизга ҳам тааллуқсиз қолмайди. Агар биз ўзимизнинг ташкилий системамизни яхшилаб ташкил қилсак, бутун ёзувчилар оммасини партия ва умуман, ишчилар синфининг йўлбошчилари томонидан жуда очиқ ифода қилинган кўрсатмалар, вазифалар атрофига тўпласак, уларни давримизнинг жонли процесслари билан яхшилаб боғласак, албатта ҳақиқатни ифода қила оладиган, давримизнинг вазифаларини бажара оладиган маҳсулот беришимиз турган гап. Биз 23 апрель қароридан кейин ташкилий масалалар юзасидан бирмунча кўзга кўринарли силжишларга эгамиз. Ҳозир Ўзбекистоннинг асосий шаҳар ва районларида ёзувчилар ташкилотлари бор. Уларнинг ўртасида ўзипинг тузилиши ва бажараётган иши эътибори билан олдида боровчилар ҳам бор, кетда қолувчилар ҳам бор. Биз шу бир ярим-икки йил ичида ҳалиги район, шаҳарларимизда тузилган ташкилотларимиз воситаси билан шу районда мавжуд бўлган адабиётчи, санъатчи талантларни кўзга кўринарли даражада тўплашга эриша олдик.

Улар ҳозир район ва шаҳар ташкилотларига уюшиб ишламоқдалар. Улар колхоз, совхозлар, завод-фабрикалар, ўрта ва олий ўқув юртлари ва бошқа ерларда системали равишда (ташкил этилмаган бўлса ҳам, кичик районларда адабий группа шаклида) давом этиб, адабий маҳсулотларини район, жумҳурият газеталарида, журналларда, деворий газеталарда, кўп нусхали газеталарда бостирмоқдалар.

Бундан ташқари, биз мана шу икки йил ичида бирмунча кўзга кўринган ҳам ўзининг адабий ижодиётида қайтадан қурилишга муҳтож бўлган ёзувчиларнинг, ҳамда бирмунча ёзувчиларнинг адабий ижодини аниқ-

лаш нуқтаи назаридан диспутлар, адабий-иждодий кечалар ўтказдик. Бундан ташқари газета, журналларга уларнинг иждодлари тўғрисида мақола бериш йўли билан ҳам бирмунча ишлар қилинди. Аммо бу нарса Тошкентда бир қадар йўлга қўйилган бўлса ҳам, районларда жуда оқсайди. Масалан, районларда ўтказилган шундай диспутлар, адабий-иждодий кечалар Қўқонда, Андижонда, Самарқандда, шунингдек, Хоразмда бўлиб ўтди. Албатта, буни етарли дейиш ва хотиржам бўлиш мумкин эмас. Бу йўлда ўз ишимизни кенгайтиришимиз лозим. Бусиз адабиётимиз ривожланмайди, бусиз биз ёшларимизга таълим ва ёрдам бера олмаймиз.

Энди тўғарақлар масаласи. Ҳар бир районда 4—5 дан тортиб 15 га яқин адабий тўғарақлар бор. Лекин уларнинг сони шундай бўлса ҳам сифат томонидан жуда оқсайди. Бунга сабаб — ҳалиги ташкилий ишларимизнинг етарли даражада яхши тузилмаганлиги, кўп вақт тўғарақларга раҳбарлик қилиш иши ўзи бўларчилиқ асосидалиги, шунингдек, пастки касаба ташкилотларни адабий ҳаракатчиликда қиладиган хизматлари юзасидан партиянинг директиваси бўлгани ҳолда, бу масалага совуққонлик билан қараганликлари бўлди. Бу соҳада катта бурилиш яшаш, тўғарақларни мўтадил йўлга солиб юборишда қийинчилик бўлди. Мен, умуман, район касаба союз ташкилотлари тўғрисида эмас, ҳар куни алоқада бўлганимиз, Тошкент касаба ташкилотлари тўғрисида гапирмоқчиماп. Биз касаба ташкилотларини кўп марта ёрдамга чақирдик. ВЦСПС Ўрта Осиё бюроси, Ўзсовпроф, қуйи касаба ташкилотларига қарата адабий ҳаракатга ёрдам бериш юзасидан анча қарорлар чиқарилди, ёзувчиларнинг моддий-маиший аҳволларини тузатиш жиҳатидан директивалар, аниқ қарорлар чиқарилди. Буларнинг ҳаммаси қуйи ташкилотларга борганда бузилди. Файзулла Ҳўжаев номидаги «Оёқ кийими» фабрикасига адабий тўғарақ ташкил этиш иши билан раҳбарлар юрган вақтимизда, «бизнинг адабиёт иши билан машғул бўлишга вақтимиз йўқ» деб раҳбарларни ҳайдаб чиқарган вақтлар ҳам бўлди. Шунингдек, Сельмашда бирмунча марталаб тўғарақларни қайта-қайта ташкил қилдик. Ниҳоят, бизнинг бириктирган раҳбарларимиз зеркишди, унинг ўрнига Сельмашнинг ўзидан чиққан адабиётчи раҳбарларни бириктирдик. Булардан Ғиёс Соатий, Солиҳ Собирий

ўртоқлар ҳам 15 кунлаб овора бўлдилар, Сельмаш ташкилотлари етарли ёрдам бермадилар.

Қадрлар масаласига келганда, жуда катта танқислик сезилади. Ўзбекистоннинг маркази бўлган Тошкентда жуда кўп адабий кадрларга эга бўлсак ҳам, ундан етарли даражада фойдалана олмаймиз. Шундай бўлса ҳам, биз аввал адабиёт билан бевосита шуғулланган шоирларимиз, драматургларимизни тўғаракларга, ёш ёзувчиларга боғладик. Ундан кейин ЎзНИКС билан бирга ишлашни қўйдик. Ундан жуда катта натижа олмасак ҳам ҳафтада, ойда 2—3 мартаба тўғарак машғулотини ўтказиб турамиз. Лекин кўп кишилар борким, улар тўғаракларга бориб ишлашга «паст» назар билан қарайдилар. Бундай кишилар катта хато қиладилар, бундай қараган кишилар бизнинг кишимиз эмас. Биркичи қўйган кишиларимиз орасида янгидан етишган талантларни адабиётга тортиш, уларга адабий таълим бериш, ёмон ёзган шеърларини тузатиш, ёшларга ёрдам беришга жиддий назар билан қарамовчи ёзувчиларимиз ҳам йўқ эмас. Шунинг учун биз қурултойда оммавий ишларни шу тарзда қўйиликки, бизнинг жамоатчилик ишларимизга, оммавий ишларимизга, ўсиб келаётган ёшларимизга ёрдам берадиган адабиётчи, шоир, драматургларимиз жиддий ёрдам берсинлар.

Икки оғиз сўз, район ташкилотлари ҳақида. Район ташкилотларининг иши етарли даражада йўлга қўйилмаганлигининг яна бир асосий сабаби—кўп вақт ташкилотнинг раислари фахрий бўлишларидадир.

Кўп вақт ташкилотнинг раислари билан қотиблари ўртасида чиқишмовчиликлар бўлади. Аксар район, шаҳар ташкилотларининг раислари газетанинг муҳаррири, район парткомининг культпроби бўлади. Қотиб бўлиб ишловчи кишилар бизнинг томондан юборилади. Шунга қарамасдан адабий ҳаракатимизнинг етакчи постида ўтирган раисларимизнинг ўзлари ташкилот раиси бўлгани ҳолда, адабиёт ишига етарли диққат қилмайдилар.

Кеча «Қизил Ўзбекистон»да адабий саҳифа берилди. Унда Термиз культпробининг мудир ташкилотнинг ишига, совет ёзувчиларининг ишига қанчалик хиёнат қилганини кўрдигиз. Ҳатто ташкилот бюросига юборган пулларимизни еб, ташкилотнинг ишини иккинчи томонга йиғиштириб қўйиб, «ташкилот билан муносабатимиз

йўқ» деб ўтирганини кўрдик. Ўртоқлар, масала шундай қўйинлар экан, биз райондаги ташкилотларнинг ишhini жонлантиришга район партия, касаба союз, комсомол, умуман жамоат ташкилотларининг бевосита мўътадил раҳбарлигини, ёрдамини таъмин қила олмаймиз.

Марказда совет ёзувчилар ташкилотининг ишига бевосита Марказқўмнинг культроби, Марказқўмнинг исполитбюро аъзолари, Марказқўмнинг масъул котиби ўртоқ Икромов раҳбарлик қилгани ҳолда, ҳатто ўртоқ Икромов ҳар кунги бўлиб турадиган айрим ҳодисаларни ўрганиб, аниқ директива бериб тургани ҳолда, нега районнинг секретарлари вақт топиб ёрдам бериб туришлари мумкин эмас? Масалан, Ўзкомпартия Марказқўмининг V пленумида бутун касаба союз, партия ташкилотларига адабиёт, санъатнинг ривожига оид ёрдам тўғрисида аниқ директива берилгани маълум. Термиздаги муносабат очиқдан-очиқ кўрсатадими, уларда юқори партия ташкилоти томонидан берилган директивани бузиш ҳолатлари йўқ эмас. ЎзКП(б) Марказқўмининг V пленумида ўртоқ Икромов доклади юзасидан қабул қилинган қарор ёлғиз марказга муносабати бўлган қарор эмас. Бу Ўзбекистоннинг қуйи партия ташкилотларига ҳам қаратиб айтилган директива бўлиб, маданий қурилишнинг ривожланишига оид ҳамма соҳаларга доир конкрет кўрсатмадир.

Янги ўсиб келаётган кадрларга ёрдам кўрсатиш, ишчи, колхозчи, ёзувчиларга кўмак бериш, ишчи, колхозчи, ёзувчи кадрларнинг камчиликларини большевикча танқид қилишни уюштириш, адабий ўқишни ташкил қилишга ёрдам бериш энг муҳим вазифалардан ҳисобланади. Ёшлар ўртасида, ёш кадрлар билан ишлаш масаласини Ўзбекистон совет ёзувчилар ташкилоти асосий вазифалардан бири қилиб қўйди. Бу соҳада бирмунча ютуқларга эришдик. Ўртоқ Мажидийнинг докладидан кўрдингизким, умуман, совет ёзувчиларининг кўп қисми кейинги вақтда ўсиб чиққан ёш кадрлардир. Ёш кадрларнинг ижодиётини тўплаганда, уларнинг ичида энг яхши умидли, энг яхши ёзувчилардан қолишмайдиган ёшларнинг бой мазмунли шеър, ҳикоялари, қисман драма асарлари ёза бошлаганликларини кўрдик.

Адабиётга тортилган мана бундай ёш кадрлар ҳозир бевосита адабиёт билан шуғулланиб сафимиздаги кишиларнинг кўпчилигини ташкил этганлигини кўрамиз.

Ёш ёзувчиларнинг асарларидан 25 табоқ миқдорида материал тўпланди. Шундан 13 табоғи ажратиб олинди. У «Бизнинг довруқ» исми билан чиқарилди.

Ўртоқлар, бу бизнинг ютуғимиз. Ҳали районларда адабий тўғаракларда, колхоз-совхозларда, завод-фабрикаларда бўлган кўп талантлар ишга тортилмай ётмоқдалар. Бу дурдоналарни тортиб олишимиз, уларни ташкил қилишимиз керак. Шу қаторда ўқиниш-ўрганлиш соҳасида катта етишмасликлар ҳам бор. Дуруст, биз кейинги вақтларда Тошкентда катта ёзувчилар учун алоҳида, ёш ёзувчилар учун алоҳида семинарлар ташкил қилдик. Лекин бу етишмайди, адабий кадрларга муҳтожлигимиз ҳар кун, ҳар соатда кўриниб турибди. Бизнинг райондаги секретарларимиз районда ўсиб келаётган адабий ҳаракатчиликка раҳбарлик қилишга тамоман иқтидорли кишилар деб ҳали айтолмаймиз. Мана шунинг учун бизга бевосита раҳбарлик қилувчи, адабиётни тушуновчи, йўлбошчилик қилувчи кучлар керак, бу кучларни тарбия қилишимиз, ўқитишимиз керак. Шусиз биз районларда, колхоз, совхозларда ўсиб келаётган адабий юксалишнинг талабига жавоб бера олмаймиз. Бизнинг олдимизда шундай вазифа туради, шунга муваффақ бўлишимиз керакки, ёзувчиларимизни ёлғиз семинарларгагина эмас, адабий факультетларга, институтларга торта олайлик.

Шундай қилиб биз район, округ қўмиталари олдида ташкил этилган семинарларда мавжуд кадрларга адабиётни маълум даражада англатиш нуқтани назаридан бутун ташкилий-тарбиявий тадбирларни тезлатувчимиз керак.

Ўртоқлар, бизнинг орамызда ҳали ўзини ҳар жиҳатдан етук ҳисоб қилувчи ёзувчилар ҳам йўқ эмас. Биринкиси шеър, ҳикоя ёхуд бир драма асар ёзиб, адабиётнинг бутун масаласини тушунаман, деб даъво қилувчи кишилар йўқ эмас. Шунинг учун бўлса керак, катталар учун ташкил қилинган семинарда жуда оз киши иштирок қилади. Махсус адабиёт мутахассисларини ва уларнинг адабиёт соҳасидаги кўрсатмаларини ўрганиш тўғрисида ташкил қилинганда ҳам кўп кишилар келмадилар. Ҳозир тўғарак аъзолари 20 кишига етган эмас. Бу бошланғич иш, бунини мустаҳкамлаш керак. Тошкентнинг ҳозирги тажрибасидан фойдаланиб, маҳаллалардаги район совет ёзувчилар союзи олдида мунтазам равишда иш-

лайдпган семинарлар тузиш керак. Семинар ва тўғаракларнинг программалари бор. Райондаги семинарлар, тўғаракларга нисбатан таянч ҳолга келиши керак. Шунинг учун тўғаракларга бириктириладиганларни совет ёзувчилар союзи орқали бириктириш керак.

Яна энг муҳим соҳа, консалтация ишларини жонлантириш. Консалтация аввал Ўзнашр олдида давом этар эди, кейин ташкилот қўмита ўз олдига кўчирди. У ҳам бирмунча вақтларгача суюқ эди. Жойлардан келган талабларга етарли жавоб беролмади. Консалтацияга келган материаллар кишиларнинг қўлида 4—5 ойлаб ётган вақтлари бўлди. Шунинг натижасида кўп ёзувчилардан шикоятлар олинди. Ташкилот қўмитаси консалтация ишини қисман қайтадан тузган бўлиб, унга бирмунча адабиёт билан бевосита шуғулланаётган катта кишиларни бириктирди. Улар консалтация бюросида ўтириб иш қилади. Мана шундай рақамларни кўз олдимизга келтирсак, ёзувчиларимизнинг консалтация ёрдамига муҳтож эканлигини яққол кўрамыз. Ташкилот қўмитасининг консалтация бюросига келган асарлар сони 447 та, ёзувчиси 300 та. Асарлардан кўпчилиги, албатта, ёш ёзувчиларникидир. Шу рақамлар ўз-ўзидан кўрсатадирким, бизнинг гуриллаб ўсиб келаётган кучларимизнинг кўпчилигини ёш ёзувчилар ташкил қилади. Шу 447 асардан 319 таси шеър, проза 60 та, драма 68 та. Кўрасизким, ўртоқ Мажидийнинг кеча қилган даъвоси жуда ҳам тўғри: кўп катталаримиз ўз ижодий юксалишларини шеърдан бошлагандек, ёш ёзувчиларимиз ҳам шеърдан бошладилар. Шу асарлардан консалтацияга берилганлари 269 та, ҳали буларнинг ичида берилмаган асарлар ҳам 40 процентни ташкил қилади. Яна шу 279 нинг 138 таси консалтация қилиниб, 141 таси бировларнинг қўлида ётади.

Ўртоқлар, бу ачинарли ҳол. Ёш ёзувчилар ёзадилар, ёзган асарларини консалтацияга бериб, то унинг тақдирини билгунча қўллари ишга ҳам бормаиди. Консалтация қилиш учун асар олган бюрократлар эса уларнинг асарларини бир йиллаб сақлайдилар. Бунга чек қўйиш керак. Кекса, танилган ёзувчи ўсиб келмоқда бўлган ёш ёзувчиларга ҳар тарафлама кўмаклашувни ўзларининг фахрли вазифалари деб билувлари керак, ҳақиқатда ҳам бу фахрли вазифадир.

Консалтация ишларини тузатиш юзасидан кўп чо-

ралар кўрилди. Бирмунча тажрибали ёзувчиларни консультация ишига бириктириб қўйилди. Бу вазифани, албатта, улар бажаради. Консультация ишини ёлғиз аппаратда ўтирган кишиларнинггина иши деб тушуниш ярамайди. Бу ерда ўтирган кишиларнинг ичида асарлари 4—5 ойдан, ҳатто бир йилдан бери консультацияда ётган кишилар бор. VI партия қурултойида ўртоқ Икромов уларни қаттиқ савалади. Бундан дарс олишимиз керак эди.

Бундан ташқари биз, ёш ёзувчиларни 20 га яқин катта ёзувчиларга бириктириб қўйдик. Буларнинг ҳам иши чатоқ. Лекин ҳар ҳолда бунинг учун катталар айбли. Шунинг учун айбиларким, бириктирилган ёш ёзувчилар улардан мунтазам ёрдам ола билмайдилар. Уларни қидириб кўп вақт ўтқарадилар. Биз оғзаки консультация бериш ишларида бирмунча яхши натижалар кўрдик. Масалан, ўзбек тилида 20 ёзувчининг 46 асарини ўқиб музокара қилиниб консультацияга берилган. Буларнинг ҳаммаси деярли берилган маслаҳат билан ўз асарларини ишлаб келтириб бердилар. Бу, албатта яхши.

Танқид масаласи. Танқидни яхшилаб ташкил эта олганимиз йўқ, бу бир томондан бўлса, иккинчидан, танқидчиларимизнинг савиясини ҳам етарли даражада юқорига кўтара олмаганлигимизни айтиб ўтиш керак. Бизда танқид бор. Бирмунча асарлар устида танқид ҳам берилди, берилмоқда. Лекин бу танқидлардан танқид қилинувчи ўртоқлар етарли даражада фойдаланмайдилар.

Ижодий кечалар масаласи. Ижодий кечаларда ҳам кейинги вақтда илгари силжишга эгамиз. Кўзга кўринган ёзувчиларимиздан Ғафур Ғулом, Уйғун, Ғайратий, рус ёзувчиларидан Суздальцев, Лаврентьев, маҳаллий яҳудий ёзувчиларидан Бачаев, ёш рабобий ёзувчилардан Зоҳидов, Ғиёс Соатий, Соли Собиров, Исроилов ва бошқаларнинг ижодий кечаларини ўтказдик. Лекин, ҳар ҳолда, бу биринчи тажриба. Биз ижодий кечаларни шундай ўтказайликки, бу кечада ёлғиз ёзувчилар эмас, кенг жамоатчилик ҳам иштирок қилсин. Модомики, бизнинг адабиётимиз давримизнинг тирик, қувноқ кишиларини кўрсатар экан, биз шу тирик кишиларнинг ўзлари билан ҳам учрашувимиз, адабий, ижодий кечаларимизни колхоз, совхоз, ишлаб чиқаришдаги кишиларнинг иштироки билан ўтказишимиз керак. Биз ўқув-

чилар конференцияси тўғрисида бирмунча вақт бош қотирдик, лекин реал натижа чиқариш жуда ҳам қийин бўлди.

Бир-икки киши чиқиб ўз асарини ўқиб беради, лекин бундан айрим асарнинг тили, образи оммага ҳазм бўлиш-бўлмаслиги тўғрисида конкрет фикрлар тўплашга эриша олмадик. Ҳар бир ёзувчи колхозга, фабрика-заводга Гафурдек бориб ўз асарини ўқиб берса, биз уни тақдир қилишимиз ва бу ишни ташкил қилишимиз керак.

Шаҳар ва районларда кўзга кўрина бошлаган ёзувчиларнинг ижодий кечаларини ўтказиш тўғрисида «Қизил Ўзбекистон»нинг кечаги адабий саҳифасида яхши бир таклиф бор эди. Газетанинг таклифи бўйича, бундан кейин шаҳар ва районларда кўзга кўрина бошлаган ёзувчиларнинг ижодларини тўла-тўқис таҳлил қилиш, уларга конкрет йўл-йўриқ кўрсатиш учун Тошкентда ўша ёзувчининг иштироки билан унинг ижодий кечасини ўтказиш керак. Бу жуда ўнғай ва керакли маслаҳат. Эндilikда буни албатта қилишимиз керак. Бу тажриба марказдан узоқда туриб ишлайдиган ёзувчилар учун ҳам кўрик, ҳам унинг ижобий ўсуви учун бир омил бўлар эди.

Икки оғиз сўз жамоат ишлари тўғрисида. Баъзи ўртоқлар жамоатчилик ишига пролетариат жамоатчилиги ва уни ташкил қилиш ғоясини, жамоатни ташкил этиш ўртоқлашиб ишлаш учун бир восита эканини тушунмайдилар. Ўртоқлашиб ишлашни шахсий иш деб қаровчи кишилар, жамоат ичига киришдан, жамоатга кўмаклашувдан тўғридан-тўғри бош тортадилар. Совет ёзувчиси исми билан юрган баъзи ёзувчилар хоҳ билиб, хоҳ билмай кўп вақт совет ёзувчилар ташкилотининг ишини бузадилар. Ёзувчилардан бирмунчалари катта завод, фабрикалардаги адабий тўғаракларга боғланишларда, тўғарак аъзолари йиғилиб, раҳбарни кута-кута тарқалган вақтлари ҳам кўп бўлди. («Сельмаш», «Қизил Шарқ» ва бошқалар.) Катта ҳурматли коллективлар шоир, адибларнинг адабий асарларини ўзларига ўқитиб эшитишни таклифлар қилдилар. Албатта, бу ўзини яхши билган совет ёзувчиси учун фахрли чақириқдир. Аммо баъзи ёзувчилар бунга шундай деб қарамадилар, масалан, қайси бир байрам муносабати билан Ўрта Осиё иқтисодий советининг коллективи томонидан ўтка-

зилаётган тантанали мажлисга шоирлар таклиф қилин- дилар. Биз бир неча ёзувчиларнинг рўйхатларини бер- дик ва шу кун бориш тўғрисида ўртоқларга таклиф қил- дик. Ўртоқлар, «хўп» деган бўлсалар ҳам, афсуски, бор- мадилар.

Мана бундай мисолларни кўнлаб кўрсатиш мумкин. Бу кўриниш совет ёзувчиси исми билан юрган кишилар- га муносиб эмас.

Бундай кишилар вақти билан жамоатчиликдан, жа- моатчилик назаридан узилиб қолишларини англашлари керак. Сизни жамоатчилик ҳурмат қилар экан, сиз бу ҳурматни булғаманг.

Ёзувчилар ўртасида жамоатчиликдан узоқлашган, мешчанлик ҳаракатига бориб етган кишиларни ҳар ҳол- да топа оласиз. Бундайларни тарбиялаш, тузатиш ке- рак. Шунинг учун биз ёзувчилар ўртасида касба-союз ташкилоти билан бўлган муносабатни мўътадил йўлга қўйиб, тарбиявий ишни кучайтиришимиз керак. Ёзув- чиларни қурилишларга, колхоз ва совхозларга юбори- шимиз лозим. Ташкилий масалани сиёсий раҳбарлик даражасига кўтариш тўғрисида партия XVIII қурултойи тарафидан қўйилган масаланинг моҳияти ҳам мана шундадир.

Икки оғиз сўз, районларга раҳбарлик масаласи ус- тида. Эътироф қилиш керакки, районларга бўлган раҳ- барлигимиз қапоатланарли эмас. Ҳатто баъзи районлар- ни кадрлар билан таъмин эта олмаслигимиз натижаси- да улар билан бўлган муносабатни, раҳбарликни ўз вақтида йўлга қўя олмаслик ҳодисалари юз берди. Ма- салан, Термиз масаласи. Бу ҳақиқат нарса. У ерга киши қўйган эдик. У қизил аскарликка чақирилди. Ундан ке- йин ҳеч кимни юбора олмадик. Музокарага чиққан ўр- тоқлар районнинг бутун аҳволини, ютуқларини айтди- лар. Бундан кейин биз билан уларнинг ўртасида бўла- диган муносабат, раҳбарликни қоғозда эмас, жонли раҳбарлик қилиш шаклида олиб бориш керак. Бундан кейин районларга масъул кишиларни бирктиб қўйиш керак. Кўп ўртоқларимиз масъул ўринларда ишлаган- ларни учун уларни районларга юбора олмадик. Бундан кейин буни йўлга қўйишимиз керак.

Ташкилотимизнинг ишини жонлантириш учун пар- тиямизнинг XVIII қурултойи кўрсатган аниқ йўл-йўриқ- лар, албатта, бизнинг программamız бўлиши керак. Биз

партия қурултойи томонидан берилган аниқ йўлдан бошқа йўл топа олмаймиз. Бутун соҳа бўйича қиладиган ишларимиз аниқ кўрсатилган. Бизнинг вазифамиз шуни амалга ошириш, ҳозирги қурултойимиздан қайтиб жойларга бориб ишлайдиган кишиларимизнинг вазифаси мана шулар бўлиши керак.

Ўзбекистон совет ёзувчилари ташкилоти кейинги бир ярим йил ичида бирмунча мустаҳкамланди. Бунинг кадрлари бор. Фақат уни ҳисобга олиш, ўз ўрнига қўйиш, ундан фойдаланиш масаласи туради. Биз бу қурултойдан кейин бу масалага жонли равишда киришиб, буларни амалга оширишимиз керак.

Бундан ташқари биз ҳозир иккинчи беш йилликнинг биринчи йили вазифаларини бажардик. Бизнинг зиммамизга тушадиган бир вазифа бор, у ҳам бўлса иккинчи беш йилликда кишиларнинг онгидаги капиталистик қолдиқларни тамоман тугатишдир. Менимча, бизнинг кейинги иш программamız мана шу масала атрофида бўлиши керак. Бундан ташқари, биз ўзимизни партиянинг шарафли вакиллари ҳис қилиб, буни албатта амалда исбот қилувимиз керак.

Яшасин мазмунан социалистик, шаклан миллий адабиётимиз!

1934 йил.

Адабиёт-санъат ташкилотларини қайтадан тузиш ҳақида ВКП (б) Марказқўмининг 23 апрель тарихий қарорига уч йил бўлди. Бу тарихий қарор муносабати билан Ўзбекистон адабий ҳаракатчилигида янги бир давр бошланди. Ўзбекистон совет ёзувчилар союзининг республика ташкилот бюроси тузилди. Бу ташкилотнинг ташкилий, ижобий иш методи ва янги ташкилотгача давом этиб келган адабий ташкилотларнинг («Қизил қалам», ЎзАПП) ташкилий-ижодий иш методларидан бусбутун ажралиб турар эди.

Янги тузилган адабий ташкилотнинг биринчи ва асосий вазифаси совет платформасида турган социалистик қурилиш фойдасига ишлашни истаган нафис адабиёт ходимларини ташкилотга уюштириш, уларни социалистик қурилишнинг буюк вазифаларига сафарбар қилишдан иборат эди. Ўзбекистон совет ёзувчилар союзининг республика ташкилот бюроси совет ёзувчиларининг иштироки ва Ўзкомпартия Марказқўмининг бевосита раҳбарлиги билан бу вазифаларни асосан муваффақиятли бажара олиши натижасида, совет ёзувчиларининг биринчи республика қурултойини ўтказишга муяссар бўлди.

ВКП(б) Марказқўми апрель қарорининг вужудга келиш пайти биринчи беш йиллик план муваффақият билан бажарилган, қишлоқда эксплуататор — муштур-эўр синф сифатида тугатилган, меҳнаткаш деҳқонларнинг асосий оммаси совет ҳокимиятининг қишлоқдаги таянч кучига айланган, социалистик экономика пойдевори қурилиб тамомланган вақтга тўғри келган эдики, бу

даврда, энди ёзувчи ва санъаткорлардан кенг кўламда социализм ишига иштирок этиш талаб қилинар эди. Шубҳасиз, совет платформасида бўлган совет ёзувчилари ташкилот бюросининг атрофига жипслашдилар. Ўзбекистон халқ хўжалигининг буюк ўзгаришлар йилидаги катта вазифалари, адабиётимизнинг, санъатимизнинг ривожланишини таъмин этди. Социализм ҳаётидаги буюк вазифалар, ўзгаришлар, адабиётнинг, адабиёт ижодкорларининг асосий материаллари бўлиш эътибори билан ҳам адабиёт ва санъат ходимларини ҳақиқат томонига, ростгўйлар томонига чақирар эди.

Ўзбекистон совет адабиётининг асосий темаси ва материали, дунёни қайтадан қура олиш қобилияти билан дунёнинг кўзини ўзига қаратган СССР ишчилар синфининг қудрати ва ғояларининг, шаклан миллий, мазмунан социалистик бўлган адабиётда шакллантиришдан иборат эди. Совет ёзувчилари истиқболи мана шундай катта фронтга сафарбар қилинган эди.

Мана орадан уч йил вақт ўтди. Бу уч йил ўзбек совет адабиётида ҳам катта ўзгаришлар йили бўлди. Уч йил мобайнида вужудга келтирилган ўзбек совет адабиётининг маҳсулоти социалистик қурилиш учун бўлаётган жанговар курашларнинг ранг-баранг воқеалари ва бу курашни етакловчи образларини пролетариатнинг ғолибона кураши нуқтаи назаридан адабиётда акс эттиришдек катта ғоя ишланмоқда ва илгари силжимоқда.

Ёш ўзбек совет адабиёти Ленин миллий сиёсатининг порлоқ самараси ва ифтихори ўлароқ, ўсмоқда, юксалмоқда. Бундан уч йил бурун ўзбек адабиётида совет ғояси билан суғорилган замонавий катта проза асари йўқ ҳисобида эди.

Ҳозир эса бир қатор ҳикоя ва қисса тарзида ёзилган анча дуруст асарлар яратилди. Ўзбекистон ҳукумати томонидан эълон қилинган бадний асарлар конкурси муносабати билан ёзилган ўндаш ортиқ катта бадний асарларга эга бўла олдик.

Ҳозир ҳукумат конкурси комиссиясининг қўлида совет ёзувчиси ўртоқ Садриддин Айнийнинг «Қуллар» романи, ўзбек адабиётининг талантли прозаиги, комсомол аъзоси ўртоқ Абдулла Қаҳҳорнинг «Сароб» романи, ўртоқ Ҳусайн Шамснинг «Ҳуқуқ» романи, ўртоқ Чепруновнинг «Жунаидхон» исмли романи, Абдулла Қодирий

(Жулқунбой)нинг «Обид кетмон» исмли романи ва бошқа асарлар борки, уларнинг кўпчилиги шак-шубҳасиз социалистик қурилишга хизмат қилажак.

Мисолга олинган бу янги воқеалар ўзбек совет адабиётида, совет ёзувчиларининг адабий-ижодий фаолиятида катта кўтарилишнинг намунасидир.

Ўзбек совет адабиётининг партизани Ғайратийнинг бир қатор жиддий катта асарлари, шу жумладан, «Онамга хат» поэмаси, ҳаммабоп серҳосил шоир Ғафур Ғуломнинг бир қатор поэма, шеър, ҳикоялари, комсомол шоирлари Ҳамид Олимжон, Ҳасан Пўлатларнинг бир кўп поэма ва шеърлари, лирик шоир Уйғуннинг, Усмон Носир, Шайхзодаларнинг шеърлари, адиба Ойдиннинг ҳикоя, очерк, шеърлари ва бошқа ёзувчиларнинг турли жанрларда қилаётган ижодлари ўзбек совет адабиётининг порлаб, гуркираб, гуллаб бораётганидан хабар бериб турибди.

Булар вазифанинг ҳаммаси бажарилди, деган гап эмас, албатта. Даврнинг, давр ишининг, давр кишиларининг бутун характери ва анъаналарини умумлаштириб, тўла кўрсатиб бера оладиган даврлар оша ўлмайтурғон бадий асарлар даражасига кўтарилиш вазифаси ҳали олдда. Китобларимизнинг асосий қаҳрамонлари қилиб меҳнатни, яъни меҳнат жараёнлари ташкил қилган ҳозирги техниканинг бутун кучи билан қуролланган одамни, ўз навбатида меҳнатни осонроқ—серҳосил қилиб ташкил этган, унинг санъат даражасига кўтаратурғон одамни танлаб кўрсатмоғимиз керак.

Совет ёзувчисининг асосий режалари, илҳом манбалари ҳеч шубҳасиз меҳнат — меҳнаткашдир. Лекин бу ерда теманинг қаҳрамони қилиб олинган типнинг, меҳнатни санъат даражасига кўтара олган одамнинг характерни бўрттириб бера билиш устида бораяпти. Биз меҳнатни ижод тарзида англашга ўрганишимиз керак,— деди Алексей Максимович Горький,— ижод хотиранинг шу даражадаги иш шиддатики, унинг иш суръати билим таъсирига заҳасидан энг бўртган, энг характерли фактлар, картиналар ва деталларни ажратиб олиб, буларни аниқроқ, равшанроқ ва ҳаммага тушунарли бўлган сўзларга қўшадир. Бизнинг кўп асарларимизнинг асосий темаси меҳнат бўлишига қарамасдан, воқеалар қонсиз ва пассив равишда берилади.

Бизнинг қишлоқ хўжалигимиздаги пахта учун ку-

раш масаласи —одний бир пахта экиш ёки пахта теришдан иборат эмас, албатта. Деҳқоннинг коллектив бўлиб уюшган меҳнатидан унаётган «оқ олтин» коллективлашган меҳнаткаш деҳқонлар оммасининг эксплуататормуштумзўр синфнинг лаънатланган бадбахтлик занжиридан қутқазиб, бахтли ҳаёт, бадавлат турмушга олиб кирди. Бу аҳвол кишиларнинг меҳнатга бўлган муносабатини ўзгартирмоқда. Уларнинг руҳини ёшартирмоқда, меҳнат шарафга айланмоқда. Биз мана бу шароитдаги характерларни, картиналарни, деталларни ажратиб ола билишга одатланмаганимиздан асарларимиз қонсиз чиқади. Алексей Максимович Горький айтганидек, бизнинг бу ўринда таассурот запасларимиз ва билим миқдоримиз саёзлик қилиб қолар. Бу бошқаларга сезилиб турганидек, гарчи ўзимизга ҳаммадан бурун сезилиб тургани ҳолда ҳам ўз ишимизга ортиқ ғамхўрлик қилмаймиз.

Воқеликдаги материалларнинг зукосини танлаб олиш санъаткор учун энг муҳим масаладир. Масалан, буюк Октябрь инқилобигача мустамлака бўлиб яшаган Ўзбекистоннинг қиёфаси таққос қилиб бўлмаслик даражада ўзгарди. Мустамлакачилик ва эксплуатациянинг азоб-уқубатлари натижасида яшашдан кўра ўлимни афзал кўрган ишчи-меҳнаткаш ҳозир эса кураш ва ҳаётнинг ширин лаззати билан бахтли турмушнинг келажаги томон ишонч билан бормоқда.

Буюк Октябрь инқилобигача кишилиكنинг бутун ҳақ-хуқуқидан маҳрум қилиб «мунглиқ» исми билан эксплуатация ва дин занжири билан занжирбанд қилинган ваҳшийларча урф-одатнинг қурбони бўлиб келган ўзбек хотин-қизлари ҳозир завод-фабрикаларда, қишлоқ хўжалигида, ҳукумат идораларида, фан-техника соҳаларида, ҳуллас, социалистик қурилишнинг барча соҳаларида ҳар қандай ақлли, жисмонан кучли эркакдан қолишмасдан ишлаб келмоқдалар. Мана шундай кўркам ва улуғ воқеликдан ҳар тарафлама умумлаштирилган ҳақиқий санъат асари ярата олдикми?

Ўзбекистон партия ташкилотининг раҳбари ўртоқ Акмал Икромовнинг яқиндагина саноат ва ўқув юртларидаги комсомол ёшлар билан бўлиб ўтган суҳбати ҳаммамизнинг хотирамизда. Бу суҳбатда ўртоқ Икромов комсомол аёллардан бир қўплари социалистик қурилишнинг турли участкаларида фаол ишлаб турганини

қайд қилиш билан бир қаторда, булар орасида тарбиявий ишлар дуруст йўлга қўйилмагани натижасида содир бўлаётган аянчли аҳволларни фoš қилиб, комсомол ташкилотининг бу муҳим сиёсий вазифага етарли эътибор қилмоғонини кўрсатиб ўтган эди. Бу аянчли аҳволга комсомол ташкилоти ва совет жамоатчилиги билан бир қаторда биз — ўзбек совет ёзувчилари ҳам тегишли даражада ҳиссадор бўлишимиз керак. Биз ёзувчилар турмушдаги бундай ҳодисаларга кўп вақт етарли эътибор бермаймиз. Ваҳоланки, «Киши руҳининг инженерлари» сифатида тарбиявий аҳамиятга молик бўлган масалалар бизнинг назар-эътибор ва таассуротимиздан четда қолмаслиги керак. Ўзбекистон совет ёзувчиларининг асосий вазифаси партия Марказқўмининг апрель қарорида келиб чиқадиғон вазифаларини, Ўзкомпартия Марказқўмининг пленумидаги ўртоқ Икромовнинг доклади ва бу доклад юзасидан қабул қилинғон қарорда кўрсатилган конкрет вазифаларни бажаришга қаратилди. Бу асосий вазифалардан бири ёш ҳаваскор ёзувчиларнинг тарбия ва ижодий юксалишига доимий ёрдам қилиш эди. Бу вазифа Ўзбекистон ёзувчилар союзи правлениесининг диққат марказидаги вазифа даражасига қўйилиб келди. Ёш талантларни тарбиялашнинг асосий йўли — адабиёт назарияси ва методини ўрганиш ва маданий савиясини кўтаришдан иборатдир. Тошкентда ўтган йили бўлганидек, бу йил ҳам ёш ёзувчилар учун махсус адабиёт курси давом этди. Майда миллат ёзувчилари орасида ишлаш ҳам худди мана шу методда давом этди. Ерли яҳудий, уйғур, қозоқ ёш ёзувчилари учун ўз она тилларида махсус семинар ташкил қилинганки, уларнинг иши муваффақиятли равишда давом этмоқда ва адабиётлари ўсмоқда.

Ёзувчиликка ҳаваскор бўлган ёш талантларнинг асарларини илгаригидек хом-хатала босиб чиқаришга барҳам берилган дейиш мумкин. Буларнинг асарлари алоҳида-алоҳида чиқарилмасдан, ҳозирча альманах ҳолида чиқарилади (энг кейинги альманах «Тўёна» номи билан чиқарилди).

Альманахнинг материалларини махсус редколлегия ишлаб беради. Бу метод ёш ёзувчиларнинг ўсишларида ижобий роль ўйнамоқда. Союзнинг консультация бюроси ёш ҳаваскор ёзувчиларга хизмат қилади. Ўзбекистон ёш ёзувчилари қайси тилда асар ёзмасин, бу консуль-

тация орқали ўз асарларига оғзаки ва ёзма равишда маслаҳат оладилар.

Совет ёзувчилар союзининг Ўзбекистондаги аъзолари 26, аъзоликка номзодлари 19 тадир. Буларнинг аксарияти Тошкентда бўлиб, жойлардагилар эса ҳаваскор ёш ёзувчилардир. Булар билан ишлаш маҳаллий партия, комсомол, касаба союз ташкилотлари, айниқса жойлардаги газета бошқармалари орқали давом этади. Союзнинг Самарқанд, Андижон, Қўқон, Фарғона, Наманган, Бухоро, Хоразм шаҳарларида вакиллари ишлаб турибди.

Маҳаллий ташкилотларнинг раҳбарлиги ва кўмаги билан жойларда тарбияга оид вазифалар бажарилаётган бўлса-да, афсуски, бу иш ҳали айтарли диққат марказида эмас. Ёзувчиликка ҳаваскор бўлган барча ёш талантлар марказдаги семинар орқали ўз билим ва маҳоратларини ошириб борадилар. Бу семинар ёш ёзувчиларнинг ижодий усулларини такомиллаштириш учун мактаб ролини ўйнамоғи керак.

Ишлаб чиқаришдаги адабий тўғаракларга ёрдам бериш, уни ташкил қилиш касаба союз ташкилотларининг кундалик иши қаторидаги зарбдор вазифа бўлишига қарамасдан, шу кунгача касаба союз ташкилотларининг раҳбарларига уқдириш жуда қийин бўлиб келмоқда. Ишчи авторларга ҳар тарафлама ёрдам қилиш мақсадида ташкил қилинган Тошкентдаги ишчи авторлар кабинети ҳали ҳам ўз кабинетидан ташқарига чиқа олганича йўқ. Шунинг натижасида ишлаб чиқаришда ташкил топиб давом этмакда бўлган адабий тўғараклар касаба союз ташкилотларнинг ёрдамидан маҳрум бўлганларидан аксарияти муваффақиятли ишлай олмаётирлар.

Мамлакатимизда социалистик хўжалик тараққиёти билан бир қаторда социалистик маданиятимиз зўр кўтарилиш билан олға босмоқда. Қитобхонларнинг нафис адабиётга, санъатга бўлган талаблари кун сайин ривожланмоқда...

Қитоблар магазинларда жуда тез сотилади деб хотиржам бўлиб қолишимиз мумкинми? Шунинг учун мумкин эмаски, Ўзбекистоннинг ишчи, колхозчи оммасининг кўпчилиги деярли истаган вақтда, ўзи истаган китобини топиб олиб ўқийдиган шароитга эга бўла олган эмаслар. Ўзбекистоннинг асосий шаҳарларини мустасно қил-

ганимизда, умуман, районларда кутубхона ишлари қўш оёқлаб оқсайдилар.

Ўтган йили қизиқ бир аҳволни учратдим. Тошкентда Икромов номидаги босмахона адабий тўғараги иши билан боғлаб ишчиларнинг қандай китоблар ўқишга қизиққанларнинг ва қайси ёзувчининг асарларини кўпроқ севиб ўқишларини сурштирдим. Натижада, ишчилар босмахонада кутубхона йўқлигидан шикоят қилдилар.

Икромов номдаги босмахона, ҳамма ишчилар саводхон бўлган катта ишлаб чиқаришда кутубхона бўлмаслиги мени ортқ даражада таажжублантирди. Партком, завком ходимлари билан гаплашдим. Натижада аниқландики, кутубхона ташкил қилиш учун Ўзбекистон Давлат нашриёти томонидан берилган 8 минг сўм сармоя дирекциянинг чўнтагига тушиб, бошқа ўринларга сарф қилиниб юборилган. Бундай аҳволлар бошқа ерда йўқ дейиш мумкинми?

Кутубхоналар социалистик маданият ўчоғи ва билим тарқатувчи марказ манбаи бўлишига қарамасдан, «кутубхона фонди — совет адабиётининг олтин фонди» («Правда») бўлишига қарамасдан, кутубхона коммунистик тарбиянинг манбаи эканлигига қарамасдан, бундай муҳим ишга ғамхўрлик қилмаслик, ишчи, колхозчилар оммасининг маданий манфаатдорлигига «кўр-кўрона» қараш бўлмайdimи?

Иккинчи беш йилликда кишилар онгидаги капиталистик қолдиқларни тозалашдек сиёсий вазифани бажаришда адабиётнинг роли ниҳоят даражада катта. Ҳар бир саводхон ишчи билан колхозчи, барча совет граждани китобхоналаримиз орқали Маркс — Лениннинг таълимотларини истаган вақтларида олиб ўқиш имкониятига эга бўлмоқлари керак. Ҳар бир ишчи, колхозчи, совет граждани замонамизнинг энг яхши нафис адабиётини системали равишда ўқиб боришга тортилмоқлари керак.

Бу ўз-ўзидан бўлмайди. Буни ташкил қилиш керак. «Бутун иттифоқ касаба союзлари советларидан тортиб қуйи ташкилотларгача, ҳақиқатан ҳам китобхона ишига касаба союз йўли билан раҳбарлик қилмайдилар, унинг айби даставвал маориф халқ комиссарлиги, касаба союзлари ва комсомолнинг гарданига тушади» («Правда») деган конкрет кўрсатмаларни бажариш учун китобхона ишларини большевистик изга солиб юборишлари,

китобхонани омма билан қаттиқ боғлаш йўлидаги бутун чораларни ҳеч кечикмасдан бажаришга кирishмоғлари керак. Адабий ташкилотлар бу ишга қатнашиб, китоб ўқувчилар билан ёзувчилар орасидаги «қайчини» бека-тишга, совет китобхонларининг талаб ва шикоятларига эътибор бериб, адабиётимизда кўплаб учрайдиган тил бузуқлиги, мафкура ва чатоқликлар, халтурачиликка, нашриёт органларидаги масъулиятсизлик, бепарволик билан йўл қўйилган хато ва камчиликларга хотима бе-риш керак.

Ўзбекистон совет ёзувчилар союзи ўз армиялари би-лан катта вазифалар олдида турадилар. Бу вазифа Октябрь инқилобнинг йигирма йиллигига большевик-ларча тайёрланиш, социалистик Ватаннинг шарафга айланган ғалабаларини, Ленин партиясининг миллий сиёсатдаги ва бутун фронтдаги ғалабаларини ада-биёт, санъат орқали бутун жаҳонга кўрсатишдан ибо-ратдир.

Лаъната ўтмишдаги (Октябрь инқилобига) ва бахтдан бахтга, саодатдан саодатга эришаётганимиз, ҳозирги замоннинг қувонч ва севинчларига биз ўзимиз гувоҳ бўлганимиз ҳолда, Октябрнинг тонгини кутаётган дунё пролетариати ва мустамлакачилик уқубатини тор-тиб ётган мазлум халқларга, шунингдек, бизнинг иши-мизни давом этдирувчи ва меросхўрлари бўлатурғон янги авлодга ҳужжат қилиб бермоғимиз ва қолдирмоғи-миз керак-ку, ахир! Бизнинг бературғон, қолдиратурғон ҳужжатларимиз лаънатланган ўтмиш, бахтиёр ҳозирги турмуш ва истиқболнинг бутун материалларини адабий образларда кўрсатиши керак бўлади.

Июнь ойининг бошларида Ўзбекистон совет ёзувчи-лари союзи правлениесининг иккинчи пленуми бўлиб ўтди. Бу пленум Ўзбекистон совет адабиётининг яқин ой ва йилларда бажарилатурғон вазифаларини муҳокама қилди. Пленум рўзномасида ўзбек адабиётида танқид-нинг аҳволи ва вазифалари ҳақида, Ўзбекистон (Ўрта Осиё бундан мустасно бўлмайди, албатта) гражданлар уруши тарихининг адабиётда ёритиш ҳақида, Ўзбекистон совет драматургияси, театрларнинг аҳволи, вазифалари ҳақида, Ўзбекистон фольклори (оғзаки халқ адабиёти) ҳақида ва Ўзбекистон совет ёзувчилари союзи правле-ниесининг иш плани ҳақидаги масалалар кўрилдики, бу-ларнинг ҳаммаси ўзбек совет адабиётининг яқин истиқ-

Белида турган ва бу вазифа буюк Октябрь инқилобининг 20 йиллик юбилейига қаратилиб, бажарилатурғон ишларнинг конкрет тадбирларини кўришдан иборат.

Бу тадбирлар совет ёзувчисининг, совет адабиётининг юксалиши учун бирдан-бир қурол бўлган чинакам Маркс — Ленин таълимоти билан суғорилган большевик танқидни вужудга келтиришдан иборатдир. Шундай танқидчи кадрларни етиштириш керакки, улар адабиётга чинакам раҳбар илмий куч бўлиб хизмат қилсинлар. Цитатабозликдан қутулиб марксизм илмини чуқур ўрганиб, унга суяниб, уни ривожлантирсинлар.

Ўзбекистондаги граждaнлар уруши тарихини адабиётда ёритмоқчимиз. Бу Ленин партиясининг раҳбарлиги, рус пролетариатининг ёрдами, ўзбек ишчи, колхозчи ва камбағал деҳқон оммасининг жонбозлиги билан пролетариат диктатурасига чангаля солган оқ бандаларнинг қўлини синдириш, уларни тор-мор келтирилишини ҳаққоний кўрсатишдан иборат бўлмоғи керак. Бундай қаҳрамонлар бизда кўп. Қаҳрамонликка тарихимиз бой. Биз буларни топишимиз, ўрганиб олиб қунт билан ишлаб ижод қилмоғимиз керак. Бу муҳим ишга бутун Ўзбекистон жамоатчилиги кўмак бермоғи керак. Биз шунга муваффақ бўлайликки ҳам ўзбек адабиётида, ҳам санъатида ўзбек Чапаевини яратайлик.

Биринчи беш йилликда бўлганидек, иккинчи беш йилликнинг учинчи йили вазифаларини ҳам муваффақият билан бажараётимиз. Бу йиллар ичида қилинган ишларимиз мамлакатимизнинг қиёфасини ўзгартирди, янги жамиятнинг янги тип кишилари дунёга келди.

Бу қадар тез суръатлар билан вужудга келган саноат қурилиши, янги дунё яратаётган янги одам, янги қаҳрамонларни ҳам дунёга келишига сабаб бўлди. Эксплуататор-муштумзўр синфининг синдирилиши, деҳқон хўжалигининг коллективлаштирилиши, колхозларнинг ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамлана бориши, колхозчиларни давлатманд хўжаликка айлантириш сингари вазифалар муваффақият билан ҳал қилина борилиши, бу ютуқлар буржуазия ва унинг миллатчи малайларини ўзим ёстиғига бош қўйдиради.

Мана шулар каби катта воқеалар муносабати билан яратилиши лозим бўлган янги қаҳрамонлар образи ҳали проза, поэзия, театр, кино санъатимизда ўз аксини тўла

топганича йўқ. Биз бу улўғ вазифага отланмоғимиз, тез орада мақсадга эришмоғимиз керак.

Ўзкомпартия Марказқўми ва Ўзбекистон ҳукумати-нинг ёрдами ҳам раҳбарлигида ўзбек совет адабиёти гуллаб ривожланмоқда. Ўзбек совет ёзувчилари бундан кейин ҳам адабиётдаги душманлик кўринишларига қарши кураша бориб, адабиётда партиявийлик принципини бўшаштирмасдан, Ленин роҳларига, интернационалчи-ликка ёт бўлган миллатчилик кўринишларга босқинчи-часига зарба бериб, адабиётда коммунист воясининг устунлиги учун қатъий кураш олиб борадилар.

1935 йил, 23 апрель.

Ажойиб замонда яшаётирмиз. Ажойиб инсон ақлининг кашфиётларига ҳамасрмиз. Ернинг учинчи совет сунъий йўлдошининг ер атрофида айланиши ўн минг мартадан ошиб кетди. Йўлдошга ўрнатилган «Маяк» радиопередатчиги ҳозир ҳам пухта ишлаб турмоқда. Ундан олиниб турган маълумотлар совет фани хазинасини бойитмоқда.

Иккинчи совет космик ракетасининг муваффақиятли учиб бориб Ойга қўниши инсоният тарихига шонли саҳифа бўлиб кирди. Ер-Осмон орасидаги бўшликка биринчи бўлиб совет кишилари кўприк ташладилар. Мана 4 октябрь куни Совет Иттифоқи учинчи космик ракетаси учирилди ва автоматик планеталараро станцияни мўлжалдаги орбитага олиб чиқди.

Космик фазога қилаётган парвозимиз бировларнинг тинчлигига қилинаётган таҳдид эмас! Совет фани — техника ютуқларини жаҳонга тантана қилар эканмиз, тинчлик барқарор, ҳамжиҳатлик равнақ топсин деймиз! Фан-техника ўз яратувчиси — инсон саодати учун хизмат қилсин деймиз! Фан-техника соҳасида етишган бу ғалабамиз оламшумулдир. Тинч-тотув яшашни хоҳлаган ҳар бир давлат, унинг халқи ғалабамиздан шоддирлар. Тинчлик юрти элчиларини иззат-икром билан қарши олмақдалар.

Бундан бир неча йиллар бурун коммунизм сўзи бир идеал бўлиб келган бўлса, эндиликда у ҳақиқатга айланиб қолди. Эндиликда коммунизм ёлғиз кишилар онгидагина эмас, уларнинг ҳаётларига ҳам кира бошлади. Коммунизм куртаклари кишиларнинг меҳнатларида, меҳнатга бўлган коммунистик муносабатларида яққол кўрина бошлади. Феодализм усулидаги меҳнат калтак интизомига, капитализм негизда эса оч қолдириш интизомига асослангани бизга аён. Ижтимоий меҳнат-

нинг коммунистик йўсинда ташкил этилиши эркин-онгли интизомни вужудга келтиради. Бунинг оқибати меҳнатни шон-шарафга айлантириб юборди.

Совет Иттифоқида фойдали меҳнат билан шугулланаётган ҳар бир ишчи, колхозчи, зиёлининг меҳнатидан келаётган ва шахсий истеъмолидан ортган даромадларнинг жами шу халқни едириб-кийдираётган социалистик давлат хазинасига келиб қўйилади. Бу шахсий бойликни эмас, давлат, коммуна бойлигини тобора орттиради, Ернинг сунъий йўлдошлари, ойга учирилган ракеталар, учинчи космик ракетанинг автоматик планеталараро станцияси мўлжалдаги орбитага чиқиши, «ТУ»лар, атом музёарлари бу даъволаримизнинг исботи бўла олади. Бу тарихий янги ҳодисалар яратувчи коммунистик оннинг оламшумул самараларидир.

Коммунизм қуришни мақсад қилиб олган ҳар бир оддий совет кишиси қай ерда ишлаб, қайси бир ишга қўл урмасин, у ҳаммадан бурун давлат манфаатини ўйлайди. Бундай кишилар одатда жуда камгап, сермаҳсулот бўладилар. Жамиятимизда вужудга келган ва келаётган янги таяпдаги бу хил одамлар социалистик ишлаб чиқаришнинг асосий принципи бўлган маҳсулот етказиш нормаларини энг юқори босқинчларга кўтариш учун умумхалқ ҳаракатини кенгайтириб бермоқдалар. Оз меҳнат қилиб кўп маҳсулот олиш учун астойдил курашмоқдалар. Мусобақадорлардан бири кўтарилган чўққини эртаси куни бошқа бириси пастда қолдириб, ундан ўзиб бормоқда. Коммунистик меҳнат бригадаларининг вужудга келиши, етти йиллик қаҳрамонларининг сафлари кун сайин ўсиб боришининг ҳикмати ҳам худди мана шундадир.

Улуғ Ватан урушининг энг оғир пайтларида — 1943 йилда Жиззах районидаги ҳозирги «Москва» колхозига Ҳамроқул Носиров раис қилиб сайланади. Ўша пайтда колхоз 190 гектар ерга чигит экиб, 7 центнердан пахта оларди. Колхоз омборида ҳаммаси бўлиб 12 центнер буғдой, 2 центнер арпа, молхонасида эса 8 жуфт ҳўкиз, 10 жуфт қирчанғи оти бор эди. Уруш колхоз хўжалигини қақшатиб қўйганди. Ҳозир шу колхоз 3 минг гектар ерга чигит экади. Гектаридан 7 центнер эмас, 31 — 36 центнердан пахта кўтаради. Эндilikда 10 минг тонна пахта учун курашмоқда. Колхоз даромади қарийб 30 миллион сўмга етди. Худди шундай катта кўтарилиш

ни Жиззах районидаги Будённий, Жданов номли колхозларда ҳам кўриш мумкин.

Колхоз тузуми туфайли халқимиз турмуши беҳад фаровон. Деҳқонлар оиласидан кўплаб зиёлилар етишиб чиқмоқда. Ёлғиз «Москва» колхозида ажойиб пахта усталари ака-ука Рашид ака, Хидир ота Халиловлар, Эшимқул Эгамбердиев, Исоқжон Холматов, Аҳрор Маҳмудов, Қўшоқ Халилов, Фозилжон Содиков, Рашид Ҳамидов, Турсунқул Ашурматов, Пардавой Абдурахмонов, Йўлдош Эрматов сингари пахтадан 40 — 50 центнерга етказиб ҳосил олаб келаётган миришкорлар бор. Бугина эмас, бу колхозда ишлаб, ўқиб тарбия топган юзга яқин ўрта, олий маълумотга эга бўлган ўқитувчи, ўнларча агроном, врач ва инженерлар, бир неча ўнлаб ёзувчи ва жамоат арбоблари ҳам етишиб чиқди.

Республикамизнинг турли районларида, олий ўқув юртлари ва илмий-текшириш институтларида, партия-жамоат ташкилотларида садоқат билан ишлаётган бу собиқ колхозчилардан баъзи бирларининг номларини тилга олиш жуда мароқлидир. Усмонов, Жўраев, Ҳожиматов, Икромов, Муҳаммадқулов, Аҳмедов сингари доцент, фан кандидатлари Ўзбекистон давлат дорилфунунларининг турли факультетларида дарс бермоқдалар. Ҳамид Олимжон, Шароф Рашидов, Ш. Саъдулла, Сарвар Азимов сингари ёзувчи ва давлат арбоблари ҳам шу колхоз боғида етиштирилган ниҳоллардандир.

Яқинда Каттақўрғон районидаги Крупская номли колхозда бўлдим. Бир нобоп раис қўлида беланги бўлиб қолган бу колхозга Раҳимахон Исломова раис қилиниб сайланади. Ленин комсомоли тарбиялаб етиштарган бу тиниб-тинчимаган аёл бутун вужуди билан колхозни оёққа бостириш учун курашади. Икки йил ичида «Крупская» колхозини Каттақўрғондаги илғор колхозлар қаторига кўтаради. Раҳимахон Исломова коммунист раҳбарга хос йўлни изчиллик билан ўтказа боради, давлат манфаати билан колхоз аъзолари манфаатларини маҳкам боғлаб, ҳалол меҳнат қилувчиларни қадрлайди. Жамоат мулкани кўз қорачиғидек сақлайди. Колхознинг бир сўмини ҳам ўринсиз сарфлашга йўл қўймайди. Колхоз раҳбар кадрларини ҳалол, жонкуяр кишилардан танлайди, уларнинг қобилиятларига қараб жойлаштиради. Кассир, омбор мудир, бригадир, агроном, бошқа

раҳбар ходимларнинг аксарияти Раҳимахон раислик қилаётган бу колхозда хотин-қизлардандир.

Бошқа колхозларда бўлганидек бу колхозда ҳам оғирнинг устидан, енгилнинг остидан юриш касали билан оғриган эркаклар бор эди. Раҳимахон бундай «касал»ни даволаш методи ни кашф этди. Ишёқмас эркакларни тўплаб «зарбдор» звено ташкил қилди. Қайси участкадаги меҳнат тури аёллар учун оғирлик қилса, ўша ерга «зарбдор» звеноларни юбориб турди. Табиий, бу ишёқмас «зарбдорлар» биринчи кунларда меҳнатга бўйин бермадилар. Лекин коллективнинг қаттиқ туриб бериши уларнинг йўғон бўйинларини ингичка қилиб қўйди. Номус-орли, меҳнатсевар колхозчи бўлиб олдилар.

Нобоп раис колхозчига ғамхўрлик кўрсатиш ўрнига ўз маишати билан овора бўлиб келган. Натижада ишнинг оғир-енгили фарқ қилинмасдан аёлларни ҳам оғир меҳнатга солаверган. Оқибатда бир неча аёл майиб бўлиб, боладан қолган. Исломова раис бўлиб сайланиши билан касалларга тиббий ёрдам ташкил қилди. Махсус аёллар доктори чақириб хасталарни боқтирди, даволатди. Натижада «туғмас»га чиқиб қолган аёллар фарзанд кўра бошладилар. Жумладан, Турдиой Раҳматова 35 ёшида фарзанд кўрди. Шарафжон номли ўғил, Раёно номли жажжи қизчанинг бахтли онаси бўлиб қолди.

Қишиларга ғамхўрлик колхозчиларни ижодий меҳнатга отлантирди. Ёлғиз аёлларнинг ўзидан Ҳайитова, Ҳасанова, Раҳматова, Ҳамидова, Файзуллаева, Нурхонова, Рашидова, Ғаниева, Ҳаққулова, опа-сингил Жалиловалар ва Розикова сингари коммунист раҳбар, ажойиб ташкилотчи пахта усталари етишиб чиқди.

Совет тузуми киши ижодининг равнақи учун порлоқ йўл очди. Бу тузум меҳнаткаш халқ учун улуғ истиқбол йўли, битмас-туганмас мўъжизаларнинг илҳомбахш манбаи бўлиб қолди. Оғир синовларга бардош берган социалистик тузум якка қаҳрамонлар сафини кенгайтира бориб, умумхалқни қаҳрамонга айлантирмоқда.

Меҳнаткашларни, айниқса, ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш коммунизм қурилиши авж олдирилган ҳозирги вақтда энг муҳим вазифадир. Шонли Коммунистик партиямиз XXI съезди кўрсатган йўлдан оғишмай бориб, коммунизм қуриш ишимизга тўсқин бўлган ғовларни улоқтириб ташлашимиз, кишилар онгидаги капитализм қолдиқларига қарши муросасиз кураш очи-

шимиз ҳозирги пайтнинг муҳим ва асло кечиктириб бўлмайдиган вазифаларидан биридир.

Диний анъаналарга, хурофий одатларга муккасидан кетганлар, бюрократлар, ароқхўр, порахўрлар, иккиюзлама амалпараст тўралар, ишёқмас қаллоб ва олди-сотди билан кун ўтказувчи текинхўрлар, ахлоқсиз безорилар ҳам ҳали бизда йўқ эмас, бор. Ўт билан сув қандай бўлса, коммунистлик жамиятимиз учун юқориди санаб ўтилган иллатлар мутлақо ёғдир.

Қуёшдек порлоқ коммунистлик жамиятимизга соя ташлаб турган бу қора булутларга қарши муросасиз кураш очишимиз, уларни тарбиялашимиз керак.

Яқинда бир колхозчи меникига меҳмон бўлиб келди. У музика ва ашулани жуда яхши кўрар экан. Ўзи яшаган райондаги магазинларни қидириб яхши кўрган пластинкаларини тополмапти. Атайлаб Тошкентга келиб, пластинка сотадиган магазинга борибди. Магазинчи:— Сиз айтган пластинкалар бизда бор эди, тамом бўлди. Эринмасангиз, чайқовга боринг, ўша ердан топасиз,— дебди. Маданий моллар билан савдо қилувчи магазин ходими, ҳатто колхозчи меҳмонга чайқовга қайси трамвай, қайси автобус олиб боришини, чайқовда пластинка сотувчи савдогарнинг афти-турқи, қаерда ўтиришигача тушунтириб берипти.

Меҳмоним магазинчи кўрсатган адресга бориб, ўзи истаган пластинкаларни сотиб олиб, бир вақт оғзи қулоғида уйга кириб келди.

— Қани, Асқаржон, патефонни келтиринг-чи, бир мазза қилиб қўшиқ эшитайлик,— деди кичик ўғлимга мурожаат қилиб меҳмон.

«Дуторим»ни эшитдик. «Бозиргони»ни эшитдик. Яхши қўшиқ, яхши куй.

— Пластинкаларнинг музика қанчадан экан?— сўрадим меҳмонимдан.

— Давлат нархида 7 сўм, чайқов нархида 15 сўм,— мийиғида кулиб жавоб берди меҳмоним.— Ҳар битта пластинкадан саккиз сўм ўмарса, минг пластинкадан саккиз минг, ичи оғрийдими?! Мен қидирган пластинкаларнинг магазинлардан топилмаслигининг сири, мана қаерда экан! Менга адрес берган магазинчи ҳам «хўп гапга тушунадиган» йигит эканми-а?! Фойда икки ўртада арра қилиниши бор гап-у, орада учинчиси ҳам бўлса керак деб ўйлайман. Оббо шоввозлар-ей. Тошкент чай-

ковида оғзингдаги чақичингни олиб қўядиган олгирлар бор деб таъриф қилардилар... Рост экан!

Қолхозчининг таънаси жон-жонимдан ўтиб кетди. Қолхозчи менга таъна эмас, ҳатто суд қилаётгандек туюларди. Мен меҳмонга мумкин қадар шароит-аҳволни тушунтиришга ҳаракат қилсам, у:

— Бунақа гапларни жуда кўп эшитганмиз, Назир-жон ака! Шу муттаҳам чайқовчиликни йўқотиш учун кўп иш қилиш керак деб ўйлайсизми, ахир!— деди бир оз асабийлашиб.

Қолхозчининг даъвоси ўрипти эди. Мен ўзим ҳам Тошкент бозорларида, магазин олдиларида ёлғиз пластинка билан эмас, жуда кўп турли-туман камчил моллар билан савдо қилиб турган эркак-аёл чайқовчиларни ўтган-кетганимда кўриб қоламан. Фожиа шундаки, мен ва менга ўхшаган граждандар «кўриб» ўтиб кетаверадилар. Баъзан:

— Аҳоли актив ёрдам бермагунча жиноятчиларга қарши муваффақиятли кураш олиб бориб бўлмайди,— деган гапни эшитамиз.

Тўғри, жамоатчиликнинг ёрдами керак. Лекин чайқовда, магазинлар олдида куппа-кундуз куни чайқовчиларни жиноят қилиб турганда, баъзи милиция ходимлари кўзини кўр, қулоғини қар қилса жамоатчилик нима ҳам қила олар эди?!

Ҳар бир ходимнинг муқаддас вазифаси — давлат ва жамоат олдида турган вазифани ҳалоллик билан бажаришдир. Жиноятни қидирувчи идораларнинг ходимлари, жамоат тартибини сақлашга кафил қилинган милиционерлар меҳнат фронтининг фидокорларидан, шонли етти йиллигимизнинг илғорлари, коммунистик меҳнат бригадалари ишидан ибрат олишлари керак. Ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни охиригача ҳалоллик билан бажаришлари керак.

Биз, жамоатчилик, меҳнатсиз, енгил кун кечиришнинг орқасидан қувлаётган, инқилобий қонунга бўйин эгмаган паразитларнинг ягона касби одамлар бахтини, моддий бойлигимизни, давлат ва жамоат мўлкини ўғирлаб кун кўришга қаратилганлигини бир минут ҳам эсдан чиқармаслигимиз керак!

15 август, 1959.

Айни баҳор — гул фасли эди. ИЛ-18 ҳаво корабли Тошкент аэропортидан парвоз қилди. Осмон-фалакда, кошоналик муҳташам учқур саройда ўтириб олиб ер юзини томоша қилишнинг нақадар гашти бор... Ўзбек, туркман, озарбайжон ерининг бепоён зумрад далалари, дашт-биёбонлари, сой-қирлари, яйловлари, чўққиси булутлар билан қучоқлашиб ётган тоғлари тепасидан учиб ўтиб, атиги икки ярим соат деганда эт-тирноқ, якдил, ўта аҳил, ўта иттифоқ ўн олти оғайнининг фахри ифтихори, ҳусн-малоҳати ўзига ярашиб тушган гўзал Бокуга етиб бордик.

Тарихий унутилмас кун — қалам аҳллари матбуот кунда қардош Озарбайжонда ўзбек адабиёти, санъати ҳафталиғи бошланиб кетди. 5 май куни табиатнинг ҳам баҳр-дили ҳаддан зиёда очилганди. Мана гўзал Боку чехрасида табассум. Мезбонлар қучоқлари тўла гулдасталар билан меҳмонларини кутмоқдалар. Пойтахт жамоатчилиги, санъат, адабиёт намояналари ўз миллий одатларига кўра меҳмонларини қадаҳлар тўла об-новот шарбатларини тутиб қарши олдилар. Дил-дилга пайванд, қардошлик меҳри, дўстлик муҳаббати, шодлиги ер-кўкка сифмас, ҳамма, ҳамма ёш ҳам, қари ҳам беҳад мамнун шод-хуррам эдилар. Барчага баробар қуёш ҳам шу куни ҳаддан ортиқ очилиб, сахийлиги тутиб, икки қардош халқ вакиллари бошидан заррин нурларини оочар эди.

Биз ўзбек ёзувчилари, санъаткорлари қардош Озарбайжонда атиги саккиз кун меҳмон бўлдиғу умрбод эслаб юрадиган хотиралар билан жонажон Ўзбекистонга мизга қайтдик. Мен кўпгина гўзал шаҳарларни кўрганман. Лекин уларнинг ҳеч бирини Боку гўзаллигига ўхшата олмадим. Каспий соҳилидаги Бокунинг ўзига хос қиёфаси, кўрки бор. Денгиз, соҳилини қамраб олган

хилма-хил кўп қаватли муҳташам бинолари Кавказ революциясининг бешиги бу гўзал шаҳарга нақадар ярашиб тушган. Оқар суви бўлмаган бу шаҳарда сув танқислигини сезмайсан киши; соҳилдаги хиёбонлари, сарв дарахтларига боқар экансан, завқинг ошади, баҳри дилинг очилади, Озарбайжон халқининг меҳнатсеварлиги, миришкорлигига тан бергинг келади, кечки пайтларда денгиз соҳилидаги истироҳат боғида одамлар гавжум. Ишчилар, хизматчилар, студент йигитлар, қора соч, қуралай кўз озар қизлари, қўнғир соч, қайрилма қош арман далбарлари, рус халқи фарзандлари фусункор Каспийнинг сайилгоҳи сайрида жонли одам гулшанига айланган. Меҳнаткаш бокуликлар ҳаётининг ҳар лаҳзаси нақадар дилрабо ва шод-хандон жилвагардир. Боку ўз ёри висолдан беҳад бахтиёр келин-куёвларга ўхшаб кетади. Ўтмишнинг олам изтиробларидан унинг чеҳрасида зарра бўлсин асар кўрмайсиз.

Аврора наърасига жўр овоз бўлган Боку пролетариатининг наъраси ҳамон кишилар қулоғида янграётгандек. Инқилоб қурбонлари қолдириб кетган ўчмас излар, муқаддас ерлар халқ зиёратгоҳига айланиб қолган. Улуғ инқилоб ва халқ озодлиги қурбонлари 26 Боку комиссарларининг ўчмас сиймолари, ҳеч қачон тўхтамайдиган ўт юраклари барҳаёт, уларнинг ҳаракатчан куч ва руҳлари халқнинг қонига, жонига санғиб кетган.

26 Боку комиссарлари номидаги маданият-истироҳат боғидамиз. Бу ерда, уларнинг қонларидан кўкариб чиққан лола ранг қирмизи гуллар гулшанида гуллар орасида инқилобчининг иши, шуҳрати сингари ўчмас бир чироқ — машъал кечаю кундуз ловиллаб ёниб турмоқда. Боғ ичида сунъий тоғ. Тоғ бағрида тошга ўйиб шакллантирилган 26 комиссарнинг ўлимга тик қараб турган жасур сиймолари, ҳеч қачон ўлмайдиган бу мангу ҳаёт эгаларининг оташин юракларини нишонга олган чет эл босқинчи бандалар шайкаси — қотиллар биринкетин милтиқлардан ўқ узмоқда. Халқ эрки ва озодлигининг ашадий душманлари империалист жаллодларга тарихнинг бу қора кучларига қарши кимнинг юрагида нафрат кўзғалмайди дейсиз! Бу зиёратгоҳга ким кирган бўлмасин, қора ўтмиш «қаҳрамонлари» Антанта кампаниясининг ёлланган бу шерикларига лаънатлар айтмасдан чиқиб кета олмайди. Киши қалбида нафрат қайнайди, ўчмас алам юрагингизни тимдалайди.

Инқилоб қурбонсиз бўлмас! Мана шу сўзгина кишиларга тасалли беради холос. Ер юзини ларзага келтирган Улуғ Октябримиз бўлмаганда, ҳаёт-мамонт учун бўлаётган жанг майдонларига коммунистлар халқни бошлаб кирмаганларида, ўз азиз жонларидан кечиб қуллик-зулмат тахтини қулатмаганларида бу бахтиёр ҳаёт қаёқда эди бизларга! Бу кунги эркин меҳнат, фаровон ҳаёт нақадар қимматга тушганини совет кишилари, совет ёшлари жуда яхши тушунадилар, қадрлайдилар, ҳар бир эришган катта-кичик ютуғимизни кўз қорачиқлари сингари эҳтиёт қиладилар, ардоқлайдилар, қўли қон интервентчи жаллодлардан сақланиш учун ўтмишнинг сабоқларини доим назарларидан узоқлаштирмайдилар, Ватан мудофаасига доим шайланган ҳолда, янги ҳаёт қуриш ишидан бир қадам ҳам орқага жилмайдилар, олға, олға қараб бораверадилар! Биз озарбайжон юртида шаҳар, қишлоқ ва далаларнинг эски либосларини борган сари янгилаб, тобора чиройлари ортиб бораётганини кўрдик. Бокунинг ҳусн-латофатига боққан сари боққингиз келади. Боқар экансиз, унинг шайдоси, мафтуни бўласиз-қоласиз. Ҳафталик қатнашчиси азиз биродарим шоир Уйғун бу ҳисснётни, аиниқса, шоирона ифода билан жуда дўндириб айтган эди.

Ишқингни дилларга солиб кетамиз,
Ўлмас хотирангни олиб кетамиз,
Қол десанг, шу ерда қолиб кетамиз,
Ўзбекистонимга ўхшайсан жуда,
Яша Озарбайжон, жон Озарбайжон,
Сенга улуғ шараф-шон Озарбайжон!

* * *

Ўзбекистонимиз ўзининг «оқ олтин»и билан машҳур бўлса, Озарбайжон республикаси «қора олтин»и — нефти билан машҳур эди. Етти йиллик план шарофати билан Ўзбекистонда ҳам жуда катта ер ости бойлиги — Бухоро газ кони топилиб ишга туширилди. Озарбайжон халқининг ғурури шундаки, у дунёда биринчи бўлиб денгиз қаъридан нефть шимириб ола билди. «Нефтош» деб ном берилган ва Каспий денгизинда қирғоқсиз сув

ичида яратилган бу шаҳар эртақларда таъриф қилинадиган афсоналардан ҳам ўзиб кетган.

Ўзбек адабиёти ва санъати ҳафталиги шарофати билан биз Нефтдош шаҳрига катерда сузиб бордик. Бу «тилсимотни очган ижодкор қаҳрамонлар билан топишиб, суҳбат қуришга муяссар бўлдик.

Меҳмондўст қаламкаш биродарларимиз бизни кузатиб борардилар. Озарбайжон ёзувчилари союзининг биринчи секретари машҳур ёзувчи Меҳди Хусайн, машҳур шоир Ўсмон Саривалли, шоир Наби Бобоев, драматург Ислон Сафарли ва Озарбайжоннинг бир қанча санъат арбоблари сафар йўлдошимиз эдилар.

Нефтдош шаҳри сафарига чиққан меҳмонларнинг ҳаммалари деярли енгил ёз кийимида эдилар. Бу ҳол катер командирини ташвишга солиб қўйганди. Соатига 100 километр тезликда сузадиган чорпоч — сўри сингари усти очиқ катерда ёз кийимида денгиз сайрига чиқиш мумкин эмаслигини туш билармидик, дейсиз... Нима қилиш керак? Катер сузиши тезлаша борган сари сокин ҳаво ҳаракатга келиб, бўрондан кучли шамол пайдо бўлди, катер очиқ. Агар катер устида киши тик тургудек бўлса, чирпакак қилиб учириб кетиши турган гап.

Украиналик йигит старшина Трафсичук бошлиқ катер хизматчилари елкаларига пўстинлар юклашиб чиқиб қолашди.

Ҳалигина эрта наҳор чоғида денгизнинг ёқимли, оромбахш майин шамоли эсиб турганда, қуёш нурига чўмилиб ётган Каспий ажиб жилвагар кўринарди. Катер ҳаракатга кириши билан бу сукунат бузилди, гўё бўрон бошланиб кетди. Эркаклар пўстин талаша бошлаганларида, нима учундир, хотин-қизларимиз пўстинга у қадар жазман эмасдилар. Йигитлардан бири ўзларини оқлаш мақсадида сўз қотди: «Қизларнинг жони қирқта. Пўстинсиз ҳам уларнинг юраклари чўғдек».

Пўстинларга ўралиб олган эркаклар орасидаги қиз-жувонлар баҳор кунларининг тошготар чоғида эндигина ғунчаси очилиб нафис япроқчаларига шабнам қўнган гулдек гўзал, латиф ва жозибадор эдилар. Денгизчи йигитларга мўлжаллаб тикилган бу пўстинлар қадди-қомати расо бизнинг Ғафур Ғулом ва Уйғунимизга худди ўлчаб тикилгандек мос эди. Аммо Яшлимиз жуссаси бу пўстинлар учун чоғлик қилиб қолди. Шунда Ғафур:

— Уртоқлар! Дўстим Яшинжон шу пўстиндан сиқилиб юрган экан. Баҳосини сўраб беринглар, муздини ўзим тўлайман,— деб ҳаммани кулдираар эди.

Катер сузиши тезлашаверган сари сокин ҳаво ҳаракатга келиб, бўрондек кучли шамол эса бошлади. Шишарангли кўкиш сокин денгизнинг мовий суви чайқалиб тўлқин кучая борди, катеримиз бўлса, денгиз бағридан худди канал шаклига ўхшаш йўл очиб кумуш ранг шаллодалар ҳосил қилар ва ҳавога сувдан тўзонлар сачратиб олға қараб чопар эди...

Катеримиз қирғоқдан узоқлашиб бормоқда. Юқори Боку деб аталиб келган баланд майдоннинг чўққисига қўйилган революция трибуни Кировнинг салобатли ҳайкали денгиз томон қўл чўзиб бизларни Нефтдош шаҳрига узатиб қолаётгандек...

Ўлмас Кировнинг бу улкан ҳайкали «Дўстлик» номи билан машҳур Озарбайжон ресторанининг муҳташам биноси устига қўйилгандир. Уйғун, Яшин ва озарбайжон драматурги дўстимиз Ислоҳ Сафарли билан куни кеча Жаъфар Жабборли номидаги Озарбайжон Давлат драма театрида «Она юраги» спектаклини завқ-шавқ билан томоша қилиб, сўнг вақт ярим кечадан оққан пайтда бу тепаликка чиқиб, Киров ҳайкали ёнида туриб, Бокунинг сеҳрли оқшомини томоша қилган эдик.

Ажойиб сирли бир кеча. Осмонда, ерда, денгизда сон-саноксиз юлдузлар чарақлаб ётарди. Каспий соҳилига жойлашган Боку шаҳрига шакл ва сайқал бериб турган Ильич чироғлари билан шаҳар ажиб бир гўзаллик кашф этган. Биримиз денгизни осмонга, соҳилда порлаб турган шаҳар шаклини янги туғилган ойга ўхшатсак, биримиз денгизни қизлар юзига, шаҳар шаклини эса уларнинг тилла қошларига ўхшатиб таърифлардик. Ростдан ҳам Бокунинг тунги қиёфасини «Дўстлик» тоmidан туриб томоша қилинг экан. Бу ажойиб шаҳарни бунёд қилган халққа, унинг истеъдодига тан берган дўстим Яшин:

— Қойил қилдинг бизларни жонажон Боку — деса, шоир Уйғун:

— Юрагимизни олиб қоляпсан-ку, мангу,— деб таҳсинлар ўқир эди.

Катеримиз Нефтдош томон сузиб бормоқда. Шамол ҳамроҳларимиздан бирининг шляпасини учуриб, денгизга олиб бориб ташлаганда, катердагилар чувиллашиб

қолишди. Соатига юз километр тезликда сузиб бораётган катер бирдан тўхтади. Ҳозиргача бош кўтаришга имкон бермай турган «бадҳазм» шамол бир зумда ғойиб бўлди. Катернинг шовқин-сурони тинди. Денгиз юзи жимирлаб, зарра кўпикчалар бир-бирларини қувишиб кўздан ғойиб бўлардилар. Катер орқасига тисарила борар, катер яқинлашган сари шляпа қочарди. Лекин эпчил старшина Трафсичукдан қочиб қутула олмади. Унинг узун денгиз найзаси сузиб юрган шляпани кўтариб олиб эгасининг бошига кийгизганда ҳамма қарсак чалиб «қутлуғ бўлсин» қилишди. Биз денгизда фақат осмонни кўрардик, холос. Лекин бора-бора денгизда қора бир нуқта пайдо бўлди. Яқинлаша борган саримиз нуқта улғаяверди.

«Ана, шаҳар ҳам кўрина бошлади» — деди бизга нуқта бўлиб кўринган нарсага ишора қилиб Озарбайжоннинг машҳур ёзувчиси Меҳди Хусайн.

Нефтдош шаҳри менинг тасаввуримдагидан бус-бутун бошқа бўлиб чиқди. Шаҳарни ер билан боғлаб турган ҳеч қандай қирғоқ йўқ. Тўғриси, қирғоқ бор, лекин ер йўқ. Денгизнинг қоқ ўртасида (агар шундай таъриф тўғри бўлса) қават-қават бинолар кўзга ташлана бошлади. Лекин ҳамма бинолар фундаментсиз. «Муаллақ» шаҳар кўчаларида темир йўллар, юк машиналар бўлса у-бу томонларга ғиз-ғиз ўтиб турмоқда. Одамлар билан гавжум кўчалар, осмон-фалакда осилиб турган кранлар, шаҳар ҳаётининг шовқин-суронлари, машиналар овози... одатдагидек бир ҳаёт... фақат фарқи шундаки, бу шаҳарда ер-тупроқдан бошқа ҳамма нарса муҳайё кўринади.

Мана, катеримиз Нефтдош пристанига бориб қадалди. «Гурганнефть» бошқармасининг бошлиғи Бахтиёр Мамад Ризо ўғли бошлиқ шаҳарнинг ишчилари, инженер-техник ходимлар, жамоат ташкилотларининг вакиллари меҳмонларни кутиб олдилар. Нефтдошчилар билан меҳмонларни ёзувчи Меҳди Хусайн таништирарди. Афтидан, «Апшерон» романининг автори, Озарбайжоннинг улкан бу ёзувчиси нефтдошликларнинг ўз оила аъзолари сингари яқиндан таниш-билишдек эди.

Биз денгиз устига қурилган катта кўчадан юриб бориб, кенг майдонда тўхтадик. Мана бизни Бахтиёр Мамад Ризо ўғли бошлаб бормоқда. Урта бўй, буғдой ранг, ўйчан кўзлари доим порлаб, ёқимли чехрасида табача-

сум ўйнаб турган, қора қош, юлдузи иссиқ бу йигитнинг ёши ўттиз бешдан ортиқ эмасди. Бахтиёр Мамад Ризо ўғли Нефтошга оддий ишчи бўлиб келган бўлса, ҳозир у инженер, «Гурганнефть» бошқармасининг бошлиғидир.

— Чинакам бахтиёр йигит экансиз,— деди Комил Яшин.

— Бу афсонавий шаҳарни вужудга келтирганларнинг ҳаммаси бахтиёр кишилар,— деди Мамад Ризо ўғли.

— Мамад Ризо ўғлини ғойибона бўлса-да, бизнинг юртда танимайдиган ким бор?— деди шоир Ғафур Ғулом.— Ҳукуматимиз йўлдош Бахтиёрга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берганини газетада ўқиб хурсанд бўлганларнинг бири мен бўлман,— деди Мамад Ризо ўғлининг қўлини қаттиқ сиқиб. Ҳамманинг кўзи унинг кўкрагида порлаб турган Олтин Юлдузда эди.

Бахтиёр Мамад Ризо ўғлини қуршаб олган меҳмонлар уни чапак чалиб олқишладилар.

— Азиз қўноқларимиз!— деди Мамад Ризо ўғли.— Шаҳримизга хуш келибсиз. Ташрифингиздан беҳад хурсандмиз. Юракларимизни Каспий каби тўлқинлантираётган бўлсаларингиз-да, букуни келиб букуни қайтмоқчи бўлиб туришларингиз, тўғриси айтсам, шаҳар аҳолисини хафа қилиб турибди. Одатимизча, қўноқ ўз ихтиёри билан келиб, мезбон ихтиёр берса кета олади. Афсуски, баъзи бир сабабларга кўра бу қонда бузиладиган кўриняпти! Биз бу ҳақда кўп талашиб-тортишиб кўрдик. Воситачи ўртоқларни кўндира олмадик. Уларнинг ҳам сабаблари ўринлироқ кўринади. Озарбайжон республикасида Нефтоғ каби диққатга сазовор жойлар кўп дейишди. Нима ҳам дер эдик. Нефтошда Кўра дарёси йўқки, Мингачаверлар сингари сунъий денгиз қуриб, электр станция яратсак! Асрлар бўйи об-ҳаёт кутиб қақраб ётган, илон-чаён маконига айланиб қолган чўлларга сув чиқариб боғ-бўстонлар барпо қилсак. Қани эди Нефтош яқинида бирон гектар табиий ер ёки биронта орол бўлса. Начора, шаҳримизнинг хиёбони йўқ. Ёзи жазирама. Айниқса ёз фаслида денгиздан буғ кўтарилиб турган пайтларда ҳаво жуда оғир бўлади. Қишда бўлса узлуксиз пўртаналар. Аммо бу шаҳар менга ҳамма жойдан афзалроқ ва қадрдондир.

— Ўзбекда яхши бир мақол бор,— деди Бахтиёрнинг сўзини бўлиб шоир Уйғун.— Ҳар кимники ўзига, ой кўринур кўзига. Меҳнатингиз сингган-да.

— Яхши мақол экан. Тўғри. Меҳнатимиз енгил эмас, оғир,— деди мулойим жилмайиб Мамад Ризо ўғли.

Ҳақиқатда ҳам шаҳарнинг асосий объектлари билан танишиб чиқиш учун камида 120 километр йўл босишимиз керак экан. Нефть вишкалари, электр станция трубалари, нефть чиқариш ва сақлаш учун қурилган қудратли иншоотлар... Лебедкалар бўлса пўлат труба, тахта, ёғоч, гиштларни баржалардан кўтариб, тортиб олмақда.

Нефтьдош топилганга қадар Боку ўзининг Апшерони билан машҳур эди. Апшерон нефть ишлаб чиқариш саноати ҳам фақат совет ҳокимияти йилларида чинакам конга айланди. Илгари нефтчилар бошларига сон-саноқсиз бахтсизликлар келтириб турган Апшерон эндиликда ёлғиз кон ишчи-хизматчиларгагина эмас, балки Совет Иттифоқидаги барча халқлар учун бахт-саодат ўчоги бўлиб қолди.

Нефтьдош фақат Улуғ Ватан урушидан кейингина ишга туширилди. Бу туганмас хазина чарчаш-толиқишни писанд қилмайдиган денгиз разведкачиси Оға Қурбон Алиев раҳбарлигидаги махсус экспедиция томонидан топилиб, қидириш ва илмий тадқиқот ишлари жуда оғир шароитларда ўтказилган эди. Пўртана ва бўронлар кўтарилиб экспедиция аъзолари ҳаётларига хавф-хатар туғилган пайтларда ҳам қидириш ишларини тўхтатмасдан давом эттирдилар.

Нефть тўпланган ернинг характерини ва разведка мақсадида парма ўрнатиш нуқтасини белгилаш учун денгиз тагида текширишлар ўтказдилар. Геологлар, қурувчилар, пармалаш усталари ва денгизчиларнинг икки йилдан ортиқроқ вақт мобайнида тинимсиз Каспийни штурм қилиш-қидиришлари орқасида бу олий мақсад юзага чиқди. 1949 йилнинг ноябрь ойида биринчи скважинадан нефть олишга муяссар бўлдилар.

Нефть хазинаси топилди. Лекин у қуруқликда эмас, денгиз тагида, ер ости қатламида эди. Мушкул иш, ғоят мушкул муаммо!.. Лекин совет кишилари, олимлари, конструкторлари ақл-иродаси олдида ечилмаган жумбоқ камдан-кам.

Ер қатламида нефть олиш учун денгизда бирор ерга оёқ-қўйиб ишлайдиган жой йўқ. Ана шу муаммо ҳал қилинса, иш юришиб кетар эди. Ўйлашди, охир оқибат бунинг ҳам калитини топишди.

Ишдан чиқиб қолган пароходлардан бирини денгиз тагида тошлик жойни топиб чўктириш керак деган фикр туғилди. Шундай чўктирилган эски пароходнинг биринчиси экспедиция аъзолари учун майдон хизматини ўтади. Бора-бора бу пароход қаватига иккинчи, учинчи, боринги, йигирманчи пароходни олиб келиб чўктирган эдилар. Ишдан чиққан алмисоқий пароходлар яна чш бериб қолди. Экспедиция аъзолари шу пароходларда истиқомат қилиб денгизнинг узоқ-узоқ участкаларига ҳужум бошлаган эди.

Энди бўлса, шаҳарда беш мингдан ортиқ ишчи, инженер-техник ходимлар яшайдилар. Иккi қаватли шинам уйлар, клуб-қироатхона, спорт майдони, ёзги-қишки кинотеатр, ҳаммом, болалар боғчалари, магазин ва умумий овқатланиш ошхоналари — ҳаммаси Нефтдош меҳнаткашларининг хизматида.

Озарбайжон республикасида чиқадиған «қора олтин» нинг 25 процентини Нефтдош беради. Апшерондаги сингари бу ерда вишкалар қурилмасди. Қудуқдан нефтнинг отилиб чиқиш босими пасайиши билан нефть одоғ бўлди дейиш мумкинми, деган бир муаммо Апшерон нефть конида тажриба ўтказиб юрган студент Фарҳод Гамзаевни қизиқтира бошлади. Апшерон қудуқларидаги нефть мотор воситаси билан сўриб олинар эди. Нефтдошда бўлса мутлақо бошқа. Фонтан отилиш кучи пасайиши билан нефть отилиши тўхтади. Студент Фарҳод Гамзаев ўз тажрибасини қуруқликдан денгизга кўчиради. Ўзи проект-схема тузиб ўз ижодини ўзи амалга ошириш учун курашади. Бошқарма Гамзаев яратаётган янгиликни қўллаб-қувватлайди. Сармоя, керакли қурилмаш материалари, машина ва турли-туман техникалар етказиб берилади. Қурилиш участкаси ажратилиб Пласт станцияиши бошлаб юборилади. 1953 йилнинг баҳорида бошланган бу ажойиб Пласт станция битиб ишга туширилди.

Бу қудратли станция денгиз сувини қум ва турли-туман хор-хаслардан тозалайди, денгиз тубидаги ернинг нефть ҳавзасига етказиб қўйилган махсус қувурлар орқали кучли насослар воситаси билан сув юборилади. Ер қатламида чўкиб ётган нефть насос билан юборилаётган кучли сув босими тазйиқида ўрнини сувга бериб, нефть сув бетига чиқа бошлайди. Шу йўсинда умри тугаган қудуқларга янгидан жон киради, нефть фонтанлари қайта отилиб чиқа бошлайди.

— Тажриба шуни кўрсатдики,— деб ҳикоя қилади Бахтиёр Мамад Ризо ўғли,— ер тагига юборилган ҳар беш тонна сув бир тонна нефтни ер юзига ҳайдаб чиқара бошлади. Бу янги агрегат қурилган йилда бир кечакундузда 600 кубометр сувни тозалаб ҳайдаган бўлса, 1954 йилда 855, 1955 йилда эса 13000 кубометр сувни ҳайдай олдики, бу йўл билан денгиздан олинаётган нефтининг миқдори бир кечакундузда 3 минг тоннага ёки йилида бир миллион тоннага етди.

Мана, ниҳоят бизларни муштоқ қилган афсонавий шаҳар яратувчилари билан бўладиган учрашув бошланиб кетди. Қора қош, қора кўз, олтинсимон сарғиш соч, мовий кўз, юзлари Қаспий шамолида қизариб пишган, қалбларида ҳеч қачон сўнмайдиган дўстлик ёниб турган неча минглаб Нефтодош илғорлари: йигит-қизлар, Қаспий пўртаналарини кўкраклари билан қайтара олган бахтиёр ғолиб нефтчилар шаҳар клубида меҳмонларни қизгин кутиб олдилар. Денгизда, сув устидаги «муаллақ» клубда гурунг бошланиб кетди.

Минбарда Нефтодош асосчиларидан бири, қаҳрамон олим, бошқарманинг бош геологи Фуод Самадов.

— Биз Нефтодошда ўзбек пахтакорлари делегацияларини бир неча бор кутганмиз. Бугун эса азиз ўзбек ёзувчиларини кутиш биз учун айниқса қувончли ҳодисадир,— деди ўртоқ Самадов,— сеvimли ёзувчимиз Самад Вурғун, Жаъфар Жабборли сингари Ҳамза, Яшин, Ғафур Ғулом, Уйғунлар ҳам биз учун сеvimлидирлар...

Шеърхонлик бошланиб кетди. Ғафур Ғулом ва Уйғун, Али оға Қурчайли ва Ҳамид Ғуломнинг шеърӣй чиқишлари, Яшин ва Шевердиннинг ҳаяжонли нутқлари, Саодат Қобилова ва Ботир Зокировнинг шўх қўшиқлари, ўзбек раққосаларининг ажойиб жозибадор ўйинлари ҳамманга мафтун қилган эди.

Озарбайжоннинг атоқли шоири Усмон Саривелли ўқиган «Сизни кўзлаб» шеъри бу учрашувда айниқса бошқача жаранглади. Шеърнинг мазмуни меҳмондўст озарбайжон халқининг қалб сўзи, шоирнинг шеърӣй нутқи, мазмун ва малоҳати эса гўзал бир одат — халқнинг дўстликни улуғлаш ва поэтик мадҳи эди.

Шоирнинг жўшқин сатрларида дўстамиз, қардошимиз озарбайжон халқининг бахтиёр қалби жаранглар эди...

Боку — Тошкент, 1960 йил, май.

Театр—санъатнинг халқчил турларидан биридир. У тарбия ўчоғи—ибрат мактабидир. Театр санъатининг тарбиявий кучи драма ёки спектаклда талқин қилинган воқеанинг мазмуни ва унинг ҳаётийлиги билан изоҳланади. Бадий жиҳатдан пишиқ, ғоявий соғлом, халқчил, томошабин қалбига яқин бўлган ҳар бир асар замонавий бўла олади. Жуда узоқ замонлардан бери эскирмай ўйналиб келинаётган Шекспир, Шиллер, Островский, Гоголь, Пушкин, Горький пьесаларини биз ана шундай асарлар деб биламиз. Улар ҳатто коммунизм жамияти даврида ҳам ўз аҳамиятини йўқотмайди. Улар умумсанъат мулки, халқлар мулки бўлиб қолади. Бундай асарларнинг халқлар мулки бўлиб қолишига сабаб шуки, у асарлар маънига сиғдирилган ғоя кишилар дилига, уларнинг истак ва орзуларига яқинлигидир. Уларнинг қаҳрамонлари—ижобий ёки салбий образлар ва улар ўртасидаги тўқнашувлар томошабин учун ибрат бўла олади. Томошабин уларга қараб ўз характеридаги бўлган камчиликларини тузатади, фазилатларини эса камолга етказди.

Халқ озодлиги, эркин ҳаёт учун зулмга қарши адолат тантанаси учун кураш мавзуларига бағишлаб ёзилган совет авторларининг бир қатор асарлари саҳнадан тушмай, томошабинларимизга манзур бўлиб келаётир. Бунинг сабаби шуки, уларда халқимиз ўз курашлари тарихини, идеал орзулари ифодасини кўради.

Партиямиз адабиёт ва санъатнинг турмуш билан чамбарчас боғланишини махсус уқтириб, ёзувчи ва санъаткорларимизни янги вазифа, янги ғалабаларга чорлади.

Биз мана шу чақириққа «лаббай» деб жавоб беришимиз керак. Замоп билан ҳамнафас бўлган санъаткоргина ўз замондошларининг образларини ярата олади.

Ўз замондошининг кураши, ҳаёти билан қизиқмайдиган ёзувчи эса орқада судралиб қолаверади. Шунинг учун ҳам ҳар бир совет ёзувчиси—санъаткори, биринчи навбатда ўз ижодий фаолиятини замондошлари хизматига сафарбар қилиши керак. Ҳа, замондошларимиз ҳаётини тўла акс эттирадиган драматик асарлар яратиш устида ишлашимиз зарур. Ҳозирги куннинг талаби шундай. Биз томошабинга эстетик завқ, маънавий озиқ бера оладиган, давр талабига мос тушадиган ажойиб драматик асарлар ва шулар асосида гўзал спектакллар яратишимиз лозим.

Биз театр билан драматург ҳамкорлиги тўғрисида кўп вақт баландпарвоз гаплар айтамиз. Лекин амалга оширишга келганда парвозимизнинг мазаси қочади. Бу масалада ёлғиз театр раҳбарларини (директор, режиссёр, бадиий советларни) гина айблаб бўлмайди. Бунда қисман драматургларнинг ўзи ҳам, Ёзувчилар союзининг драма секцияси ҳам айблдир. Қарсак икки қўлдан чиқади, албатта. Мен драматургларнинг театр билан ижодий ҳамкорликда ажойиб спектакллар яратганликларини жуда яхши биламан. Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театрининг устоз режиссёрларидан марҳум Уйғур ва Етим Бобожоновлар даври жуда яхши эсимда. Улар ҳамма драматурглар билан апоқ-чапоқ эдилар. Драматургларга доим: «Ҳа, бўл! Нима қилдинг?»—деб туртки бериб турардилар. Сусткашликка йўл қўймай, бошланган ишни охирига етказиш учун жонжаҳдлари билан ишга киришардилар. Хом ашё бўлмаса завод ётиб қолади, ишчиларнинг ҳам ҳафсаласи пир бўлади. Худди шунингдек, пьеса бўлмаса, театр режиссёрлари ҳам, театр коллективи ҳам бекор қолади, дерди улар. Шунинг учун ҳамкорлик масаласига лоқайд қараб бўлмайди. Уйғур, Етим Бобожоновлар драматурглар билан бўладиган ижодий алоқани хизмат вазифалари деб тушунмасдилар, балки санъаткор сифатида ўзларининг ижодий вазифалари ҳам деб билардилар. Ҳозир ҳам ана ўша фойдали тажрибани кенгроқ қўлланилса, ёмон бўлмас эди.

Ҳамза номидаги Академик театримиз ўзбек театр санъатининг отаси, ўзбек халқининг ифтихоридир. Ҳамза театрининг етакчи актёрлари ярим асрга яқин ўзларининг ажойиб таланtlари билан санъат мўъжизалари яратдилар. Улар иштирок этган спектакллар, яратган

образлар ўз жозибадорлиги, хилма-хил ва такрорланмаслиги билан кўз олдимиздан сира нари кетмайди.

Бироқ, нима учундир, ана шу талантлар ўрнини эгаллайдиган ёш актёрлар тарбиясига етарли эътибор берилмаётир. Театрда ҳали Обид Жалилов, Олим Хўжаев, Шукур Бурҳонов, Сора Эшонтўраева, Ҳикмат Латипов, Лутфилла Назруллаев, Саъдихон Табибуллаев, Замира Ҳидоятова, Ҳамид Наримонов, Зайнаб Садриева сингари тўғма талантлари етук санъаткорларимизнинг ўрнини оладиган ёшлар кам. Инкор этмаймиз, кейинги пайтларда театр коллективи орасига баъзи бир ёшлар кириб келаётир. Аммо улар дарёдан бир томчигина бўлиб қолаётир. Шунинг учун ёш талантларни танлаш ва уларни тарбиялаш ишига жиддий эътибор бермоғимиз, театримизнинг истиқболи, унинг шон-шарафи учун астойдил қайғурмоғимиз керак. Чунки, пьесаларимизнинг саҳнада жонланиш тақдири ўшалар қўлида.

Қарангки, ёш талантларни театрларимиз саҳнасига тайёрлаб бериш корхонаси—махсус институтимиз, театр институтимиз ҳам бор. Бироқ, очиқ айтиш керак, бу институтнинг ишида барака кам бўлаётир. Шунинг учун театрларимизни ёш талантларнинг ижодий лабораториясига айлантиришимиз, уларни танлаш ва театр саҳнасига тортиш учун кўпроқ қайғуришимиз керак.

Ҳар бир ҳунарнинг ўз устаси ва устанинг ўз шоғирди бўлади. Шу маънода Ҳамза театридаги санъат усталарининг ҳам ўз шоғирдлари бўлишини истардик. Улар бу шоғирдларига ўзларининг узоқ йиллар давомида сайқалланган санъаткорлик маҳоратларини ўргатишлари, ўтказишлари керак. Токи, ўринбосар шоғирдлар вақти билан устозларидан ҳам ўтиб кетадиган истиқболли талантлар бўлиб етишсинлар.

Бунининг учун ҳам алоҳида таъкидлаб айтмоқчимизки, яқинда биз Ҳамза театрида бўлдик. Унда ёш драматург О. Ёқубовнинг «Олма гуллаганда» пьесаси кўрсатилди. Бу пьесадаги ролларни ижро этган артистларнинг кўпчилиги ёшлар. Лекин уларнинг айримлари ижро этган ролларнинг савияси (кекса артистлар ўйнаган роллар бундан мустасно) Ҳамза номидаги Академик театрнинг шоп-шуҳратига кўп жиҳатдан номуносиб. Улар қаҳрамоннинг руҳий дунёсини очиб бериш, чинакам образга кириш ўрнига кўпроқ бақириб-чақириб шовқин кўтардилар. Бунининг санъат деб бўлмайди, ахир.

Санъат—бу нафосат, гўзаллик демакдир. Шундай экан, тўс-тўполон—сохта драматизмдан қочиш, ҳақиқий санъаткорлик сирларини қидириб топиш керак.

Театр билан драматургни эт билан тирноққа қиёс қилиш мумкин. Улар ўртасида ўзаро ҳамкорлик бўлмаса, спектаклнинг ҳолига вой, уни муваффақиятли чиқариш қийин. Чинакам ҳамкорлик бир-бирига меҳрибон ва жонкуяр бўлишдир. Шундагина биз давримиз талабига мос келадиган ҳақиқий санъат асарлари ярата оламиз.

Ҳа, томошабинларимиз ибрат ва эстетик завқ оладиган юксак асарлар яратиш бизнинг кечиктириб бўлмайдиган муҳим вазифаларимиздир. Ижодий союзларнинг яқинда очиладиган қўшма пленуми жуда ўз вақтида чақириляпти. Биз бу пленумда шу ва шунга ўхшаш етилган масалалар устида рўйирост ва очиқ чеҳра билан гаплашиб олишимиз, умумишимиз, халқимиз манфаатини кўзлаган ҳолда ўз мулоҳазаларимизни ўртага ташлаб, фикрлашмоғимиз зарур. Ана шундагина партия чақириғига амалий иш билан муносиб жавоб бера олган, хато ва камчиликларимизни бартараф қила олган бўламиз. Келинг, дадилроқ минбарга чиқайлик!

1961 йил, июнь.

Барча совет кишилари каби биз ёзувчилар қалбига ҳам қуёш нурларидай йўл топиб қалбимизни парвозга қанотлантираётган партиямизнинг шонли XXII съезди ва бу съездда муҳокама қилинаётган коммунизм қуриш Программаси илҳомимизга илҳом, ғайратимизга. ғайрат қўшди. Ҳа, Программада тантапа билан айтилганидек, совет кишиларининг ҳозирги авлоди коммунизмда яшайди. Мен Коммунистик партия сафига кирган йилим туғилган ёшлар ҳозир 35 га қиялдилар. Ана шу йигит-қизлар менинг ёшимга етганларида коммунизм жамияти, асосан қурилиб, тугалланса ажаб эмас. Бу — ҳавойи гап эмас, илмий асосда таҳлил этиб берилган инсониятнинг бахт қомуси — буюк Программамизда ўзининг ёрқин ифодасини топгандир.

Коммунизм қуриш ишида биз ёзувчилар зиммасига тушадиган вазифа, айниқса мураккаб ва шарафлидир. Биз коммунизм кишиларини тарбиялашга яқиндан ёрдам берадиган ғоявий соғлом, бадний мукамал асарлар яратишимиз ва шу йўл билан партия ва ҳукуратимизга ёрдам беришимиз лозим. Бизнинг қаҳрамонларимиз қийинчиликлардан қўрқмайдиган, мустаҳкам иродали қаҳрамонлар бўлиши, меҳнат уларнинг зарурий эҳтиёжларига айланиши лозим. Чунки фақат меҳнатгина инсонни улуғлай олади. Коммунистик жамиятимизнинг гуллаб-яшнашига асос солади. Меҳнат фақат бизнинг озод жамиятдагина шон-шараф, мардлик ва қаҳрамонлик ишига айланади. Шунинг учун ҳам унга муносибат томомила бошқача бўлиши табиийдир. Капитализм жамиятида меҳнат кишилари хор-зорликка маҳкум этилган бўлса, коммунизм жамиятида у мисли кўрилмаган юксакликларга олиб чиқиб, унинг энг эзгу ниятларининг рўёбга чиқишига имкон беради. Мен унинг дастлабки нишонларини ҳозирданоқ кўриб турибман. Съезд ишларида

қатнашаётган Шарофат Баракаева, Раҳима Исломова, Мелиқўзи Умурзоқов каби минглаб кишилар меҳнатдан бахт топган қаҳрамонлар эмасми, ахир. Шарофат Баракаева бошчилик қилган бригада республикада ҳар йили биринчи бўлиб пахта планини бажаради. Республикамизда бундай бригадалар сони тобора кўпайиб бормоқда. Саноат корхоналаримизда ва бошқа муассасаларда шоншухрат қозонаётган коммунистлар меҳнат бригадаларига нима дейсиз! Яқингинада Турсуной Охунова ташаббуси якка ҳодисалардан эди. Ҳозир эса турсунойчилар сони кундан-кун кўпайиб бормоқда. Маданий турмушимиз учун мўл-кўл моддий асослар яратаётган ана шу кишилар биринчи навбатда биз ёзадиган асарларнинг қаҳрамонлари бўлиши керак. Ахир ёзувчилар, санъаткорлар учун коммунизм бинокорларининг тўлақонли ҳақиқий образларини яратишдан кўра ҳам муқаддасроқ иш борми? Отахон ёзувчимиз Михаил Шолохов айтганидек, бундай кишилар ҳақида совуққонлик билан ёзиб бўлмайди. Қайнаб, ёниб, кулиб ёзиш керак. Афсуски, ёзувчиларимиз орасида мана шу оддий арифметикани ҳам яхшироқ ҳис этолмаган, ўзининг партия ва халқ олдидаги бурч ва вазифасини аниқ тушуниб етмаган ёзувчилар ҳам йўқ эмас, улар кўпинча ўтмишга мурожаат қиладилар. Ўтмиш темаси ҳам керак, албатта. Лекин ҳозирги куннинг муҳим масалалари ёзувчи олдида кўндаланг турган бир пайтда ўтмишга мурожаат қилавериш, шоҳ ва сарой аҳлининг можароларини адабиёт ва санъат сахнасига олиб чиқавериш ўринли бўлармикин?!

Тирик одамлар турганида ўликларга йўл бўлсин. Биз тириклар ҳақида, тириклар учун тирикроқ асарлар яратайлик. Бизнинг қаҳрамонларимиз сарой фитначилари, шоҳлар, вазирлардан кўра турсунойлар, мелиқўзилар, башоратлар бўлиши керак. Чунки уларнинг меҳнатда кўрсатаётган қаҳрамонликлари, Ватан, халқ олдида фидокорона ишлари билан миллионлар қалбига илҳом ва ғайрат бахш этаётганликлари, улар тўғрисида минглаб шеър, дoston, ҳикоя, повесть, сахна асарлари яратишга арзийди. Биз меҳнат кишилари ҳаётини чуқурроқ ўрганиб, улар тўғрисида дид ва савияси юксак ўқувчиларимиз учун муносиброқ асарлар яратишга азм этайлик. Ҳа, асарларимиз замоннафас асарлар бўлсин. Партия — бизнинг олдимизга ана шундай вазифа қўяди.

1961 йил, октябрь.

Серқуёш Ўзбекистонимизнинг пойтахти Тошкентимиз ҳақида биров сўз бошлаб қолса, гапнинг қулфи очилади-кетди. Бунга таажжубланмаса ҳам бўлади.

Сўнгги йилларда Тошкентда ободончилик ишлари ривожланиб кетди. Бундан ўттиз йиллар бурун Тошкентдан чиқиб кетган киши шу кунларда қайтиб келгудек бўлса, албатта, шаҳарнинг бугунги қиёфасини мутлақо танимас эди. Тошкент яшариб, чиройи очилиб кетди, шубҳасиз, сифат ўзгариши бундан кейин ҳам тўхтовсиз давом этаверади.

Ўттизинчи йиллардаги Тошкент менинг хотирамда жуда яхши сақланиб қолган. Пойтахт Самарқанддан Тошкентга кўчириладиган бўлди. Мен у вақтда «Қизил Ўзбекистон» газетасида ишлар эдим. Шу газетанинг бош котиби, «Муштум» журнаlining ўша вақтдаги масъул муҳаррири — устозим, марҳум Зиё Саид ва Бирлашган нашриётнинг директори Ф. Идессис ўртоқлар билан биргаликда Тошкентга командировкага келдик. Ишимизнинг биринчи номадикори шу бўлдики, учаламиз ҳам қўнишга жой топа олмасдан, Дегрез маҳалласидаги Мустақим самоварчининг чойхонасида ётиб юрдик.

Бизнинг зиммамизга: «Қизил Ўзбекистон», «Ишчи», «Қамбағал-деҳқон» (сўнг бу газетага «Қолхоз йўли» номи берилган эди), «Ўзбекистонская правда», «Ёш ленинчи», «Комсомолец Ўзбекистана» газеталари ҳамда бир неча журналлар учун идоралар, ходимлар учун уй-жойлар ва босмахона базасини тайёрлашдек мушкул вазифа юклатилган эди. Ҳукумат комиссиясининг қаттиққўллик билан олиб борган йшидан бошқа идора ва ташкилотлар вакиллари қатори биз ҳам баҳраманд бўлгандик.

Юқорида санаб ўтилган газеталарнинг кўпчилиги ўша вақтдаги Пиёнбозорга туташ «Ўзбекистон» кўчаси-

даги икки қаватли бинонинг биринчи ярмига (биринчи қавати босмахона, иккинчи қаватига газеталар) жойлашган эди. Масалан, «Ишчи» газетаси учун кичик бир хона ажратилди. Бу хонада редактор, редактор ўринбосари, масъул котибдан тортиб бўлим мудирлари, машинистка, таржимон бўлиб, яқин 10 — 12 киши ўтириб ишлардик. Бошқа газета ходимларининг аҳволи «Ишчи» газетаси ходимларидан ёмон бўлса бор, яхши эмас эди. Баъзан идорада газета учун материал тайёрлаш қийин бўлганидан Мустақим аканинг чойхонасида кечалари материал ишлаб, эрталаб ишга келардим. Гапнинг тўғриси айтсам, «Тарих тилга кирди» пьесасини Зиё Саид билан биргаликда шу чойхонада ёзган эдик. Газеталарнинг бошқа ходимлари ҳам мен ва Зиё Саиддан дурустроқ шароитга эга эмас эдилар.

Ўзбекистон Давлат нашриёти жойлашган Самарқанд кўчасидаги пастқам уйчаларда ишлаётган ноширлар аҳволи газета ходимлариникидан ҳам ночорроқ эди. Ҳозирги Навоий кўчаси ўрнида икки от арава сўғадиган қинғир-қийшиқ кўча бўларди. Бир изли трамвай йўлида биргина вагон бекат-бекатда кутиб қатнарди. Ўттизинчи йилларда автобус ва троллейбусни тасаввур қилиш ҳам мумкин эмас эди. Ўша йиллардаги уйлар пастқам, диққинафас гувала уй, сомон томхоналар эди. Ҳозир улардан асар ҳам қолмади. Маданият вазирилик, «Ўзбекистон» нашриёти, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, «Еш гвардия» нашриётлари, бошқа ўнлаб редакция ва идора ташкилотлари жойлашган кўп қаватли бинолар, 60 минг киши сўғадиган «Пахтакор» стадиони, Санъат саройи собиқ «эски шаҳар» қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди. Чилонзор ва бошқа массивларни ободонлаштириш соҳасида қўлга киритилган ҳамда барчага кўз-кўз қилишга арзигулик ютуқларимиз тўлиб-тошиб ётибди. Ютуқларимиз чиндан ҳам кўп. Лекин шаҳримиз ҳуснида айрим доғ — камчиликлардан ҳам кўз юммаслик керак, албатта.

Гапнинг очиғини айтганда, бинокорлар орасида «хў-жакўрсин» га, «мендан кетгунча, эгасига етгунча» қабилида иш тутаетганлар ҳам топилади. Бинони «эгалари»га топширадилар, эшиги очилса ёпилмайди, ёпилса очилмайди. Бир йил ўтар-ўтмай капитал ремонт талаб қилинади. Бу ҳақда матбуотимизда озмунча гап бўлаётгани йўқ. Лекин кўрилатган чораларнинг таъсири кам бўла-

ётир. Уларнинг сиртларига сув юкмаётир. Сондап сифатни устун қўйиб иш қиладиган вақт келиб етмадимикан? Бирон буюмни сифатсиз ишлаб, аъло навга ҳақ олиш ноинсофлик, виждонсизлик, тўғрироғи, ўғрилиқнинг бошқа бир тури-ку!

Халқимизда «мардикор бир танга, ройкорчи ўн танга» деган мақол бор. Бу гапда ҳикмат кўп. Иш бошида қўли ҳалол, виждони пок, ўз ҳунарининг устаси, ишбилармон раҳбарлар турган жойларда қаллоблар нонимизни туя қилолмайдилар. Жонкуяр, устаси фаранглар обрўини кўтаришимиз керак. Яхши тажрибаларни ўзгаларга ибрат қилиб кўрсатишимиз лозим. Бу ишларга ёзувчиларимиз аралашсалар яхши бўларди. Зеро, бинокорлар орасидаги «хуснбузарлар»ни ҳам ўз брак ишлари мисолида фош қилиб бориш, уларни жамоатчилик олдида уялтириш зарур.

Яна бир муҳим гапни айтмасдан ўтолмайман, у ҳам бўлса Тошкентнинг бош плани тўғрисидадир. Бир кўчанинг икки бошидан иш бошланади-ю, ўртасидаги эски уйлар «уруғлик» учун қолдириб кетилаверади. Атлас кўйлакка бундай бўз ямоқларни кўпгина муҳташам бинонинг ёнбоши ёки рўпарасидан топишингиз мумкин. Ёки эски иморатлар бузилаб, янгиси бошлаб қўйиладида, битказилмасдан ҳамма ёқ нивирситиб ташланади.

Тошкентнинг ўзига хос қиёфаси бўлиши, миллий шакли, социалистик мазмуни билан ажралиб туриши керак. Ўзбек халқининг меъморчилик санъати туганмас бойлиқдир. Уста Ширинларнинг меъморчилик санъати ўз гўзаллиги билан ҳайратомуздир. Уста Ширин издошлари бизда кўпми? Агар унинг издошлари бор бўлса, нега пойтахтимизда кенг кўламда авж олдириб юборилган бинокорлик ишларида уларнинг жилоси кўринмапти?

Назаримда, бир хиллийлик, стандартчилик хавф-хатари борган сари кучаймоқда. Бунга эътибор бермаслик сўнгги йўқ пушаймонларга олиб келади.

Кўчалар тўғрисида бир-икки оғиз гап. Бизнинг қурилиш, ободонлаштириш ташкилотларимиз баъзан йўл тузатиш ўрнига уни қайта-қайта бузади, тузатади ва яна бузади. Бугун бири йўл текислаб, тош тўкиб, асфальт ётқизса, бошқа куни яна бири уни бузади. Турли-туман қувурлар ётқизилади, ундан сўнг яна тузатилади, яна бузилади. Бундай нобудгарчиликка, халқ пулининг кўк-

ка совурилишига кўзи тушган меҳнаткашлар бемаза-гарчиликдан қаттиқ ранжиб, «Бели оғримаганлар ана шунақа қилиб нон ейишади!» деб ғазабланганликларини кўп кўрганман. Бели оғримаслар устидан халқ назоратини кучайтириб, давлат ишончини оёқ ости қилувчи шахсларга қарши аёвсиз кураш очмоқ керак.

Шаҳарни кўкаламзорлаштириш, гулларга ўраб ташлаш ҳунарини наманганликлардан ўргансак бўлади.

Тошкент — республикамизнинг чинакам кўрки бўлиши керак. Бу менга, сизга, ҳаммамизга боғлиқ. Ҳар бир киши ҳар йили бир тупдан дарахт ўтқазганда, биласизми, шаҳар, район, қишлоқларимиз қанақа кўкаламзор бўлиб кетади! Дарахт ўтқозишнинг ўзи кифоя қилмайди, албатта, уни парвариш қилиб, ҳар бир туп муқаддас дарахт халқ мулки деган тушунчани катта-кичик онги ва қонига сингдириб юбориш лозим.

Шаҳар бизники. Унинг ободончилиги, тозалиги чиройига чирой қўшиш ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиздир.

1965 йил, декабрь.

I

Ким эдик?.. Тўғридан ҳам қизиқ савол. Бу саволга бериладиган жавоб ҳам қизиқарли бўлиши керак. Бу саволнинг жавоби газетхонларимизни ҳам қизиқтирса керак, деб ўйлайман. Айниқса ёши қирқларнинг нари-берисидаги газетхонлар бўлса, бизнинг ким эканлигимизни кўрган эмаслар. Шунинг учун ҳам тенгқурларим кўрганларини кўрмаган авлод билан ўртоқлашмоқ мақсадида қўлимга қоғоз-қалам олиб ёзишга ўтирдим. Бундай ўйлаб кўрсам, шундай бир гап айтишнинг мавриди келиб қолган кўринади. Ўзбекистон жумҳурияти туғилган кун, ҳамда Ўзбекистон коммунистлар партияси ташкил топганига қирқ йил тўлиши муносабати билан тўй қилмоқчимиз. Хўш, нега қирқ йилликни?.. Ундан олдинлар аҳвол қандақа эди?.. Хуллас, ким эдик ва ким бўлиб олдик, деган саволга жавоб бериш керак. Жавоб қилганда ҳам тўғри, айти ҳақиқатни айтиб бериш керак. Шундай қилиб мен ҳозирча сўзни Жиззах халқининг ўтган кунларидан бошлайман, узоқ ўтмишидан эмас, фақат Октябрь инқилоби арафасида 1916 йил мобайнида рўй берган баъзи бир кўрган-кечирганларимни айтган ҳикоя қилиб бермоқчиман.

1916 йил қўзғолони содир бўлган чоқда, гарчи менинг ёшим ўн-ўн бирларда бўлса-да, қўзғолон тафсилютидан анча-мунча хабардорман. Эшитгандан кўра кўрганнинг гапи рост бўлади, деган гап бор. Ҳа, мен ҳам қўзғолон давомида халқ бошига тушган ҳад-ҳисобсиз уқубатларни ўз кўзим билан кўрганман ва тенгдошларим билан баб-баравар кулфат тортганлардан бўламан.

Хўш, жазоликларнинг исён кўтаришдан муддаолари нима эди? Бир сўз билан айтганда, миллий озодлик ҳаракати номи билан тарих саҳифасига ўчмас бўлиб ёзилган Жиззах халқ исёнининг тўғри чоризмининг адолатсиз тузумга қарши қаратилган эди. Мустақла-

качи чор маъмурлари маҳаллий меҳнаткашларни ўзларига ўғай кўрсалар, маҳаллий феодаллар, бойлар, эшонлар ер-сувсиз батракларни истаганларича эксплуатация қилардилар, уларнинг меҳнатларидан беҳасоб бойликлар орттирардилар. Ёз-қиш меҳнат қилган батрак, чорикорларнинг бири икки бўлмасди. Қашшоқлик, муҳтожлик уларнинг гирибонларидан бўғиб олган эди.

Ер деҳқоннинг жони, сув қони бўлишига қарамасдан катта ер эгалари, эшонлар, амалдорлар ер-сувга чекланмаган ҳуқуққа эга эдилар. Камбағал деҳқоннинг ҳолига маймунлар йиғларди. У минг машаққат, қарз-ҳавола билан экин экиб олган ҳосили харажатини қоплай олмасди. Оқибат, ҳаётининг энг сўнгги манбаи бўлган бир парча ери билан суви ҳам қарзига баримта қилинар, шу хилда камқувват хўжаликлар вайрон бўлиб кетар, бойлиги ёлғиз қўл кучи бўлиб қолган зироатсизлар сон орта борарди. Ана шу хилда кескин табақаланиш, қарама-қарши синфлар ўчогида қўр олиб ётган зиддиятлар пайтида биринчи жаҳон уруши бошланиб кетди. Урушдан фойда кўрадиган бой табақалар бўлса, унинг жабр-жафоси бутунлай фақир-фуқаронинг гарданида эди. Тенгсизлик, ҳақсизлик, адолатсизлик сиёсатининг жабр-жафоси суяк-суякларига бориб қадалган халқнинг сабр-косаси тўлаиб тошди, ўлган устига тепгандек халқ ҳаёти беҳад оғирлашиб кетган шу вазиятда оқ подшо фронт орқасида ишлатиш учун ерли халқдан мардикор олиш тўғрисида фармони олий чиқарди. Бу ерда ҳам ҳалванг ҳоким еб, калтакни етимлар еди. Бойваччалар сафэр-барликдан четда қолди, камбағал, косиб, батраклар мардикор рўйхатига тушдилар, куппа-кундуз кун кўпчилик олдида содир бўлаётган бу тенгсизлик меҳнаткаш халқ оммасининг ғзабини жунбушга келтирди. Халқ адолат талаб қилиб майдонга чиқди, лекин улар адолат ўрнига ҳақорат эшитди, калтакланди, қамоққа олина бошлади.

II

1916 йил июлининг ўн учинчи кун. Айни пишғаччилик, мевалар фарқ пишган чоқ... Рўза ойи. Кун ўта иссиқ бўлишига қарамасдан, айниқса, шу кун бозор жойи одамлар билан гавжум. Кишилар тўда-тўда бўлишиб ниманидир муҳокама қилишарди...

Даминкулол помли бир одам бўларди. Урта бўйли, буғдой ранг, чечак доғларининг қуюқ изи юзини қоплаб олган, мошкичири соқолли бу одам олтмиш ёшларин қоралаб борган бўлса ҳам қомати букилмаган, эрта-кеч лой тепиб тандир қилар, оёғи билан дастгоҳни айлантириб ажойиб сирли коса, товоқ, кўза, обдасталар ясаб кун кўрарди. Кексая боришга қарамасдан баданлари қайроқдек, гавдаси эса қуйиб қўйган кўрғошиндек миқти, камгап, табиати тушдроқ одам эди.

Мирзаёр мингбоши Худоёрхонов Жиззах халқига отнинг қашқасидек маълум, сўзи қўланса, ҳўкизтабиат бетамиз, инсон билан ҳайвон ўртасидаги бир махлуқ эди. Мингбоши маҳкамаси олдида Даминкулол Худоёрхонов билан паст-баланд гап айтишиб хархаша кила бошлади, жанжалга баҳона излаб турган халойиқ маҳкама томон югура бошлади.

Мирзаёр мингбоши билан Даминкулол ўртасидаги даҳанаки жанг ёқама-ёқага ўтди, кулол кўтосдек серсоқол, сержун мингбошини ҳиқилдоғидан гиппа бўғиб, маҳкамадан катта тош йўлга судраб туширди.

Атрофдаги оломон тартибсиз равишда бақирешарди:

— Қон чиқмас ерига сол, қизиталоқни!

— Бўғ!.. Қаттиқроқ бўғ!

— Дорга осилгурни бўғиб ўлдир!

— Сол миясига!

— Жон ерига солсанг-чи, хотин талоқни!

Даминкулол беш-олти мушт солиб енголмагач, чўнтагидан беш қадоқлик тошни олиб Мирзаёрининг миясига туширди... Мингбоши тош йўлга узаласига йиқилди. Халойиқ шуни кутиб турган экан, ҳаш-паш дегунча мингбошини оломон қилиб ўлдирдилар...

Жиззахнинг тарихий кўзғолони шу хилда бошланиб кетган эди. Ҳаял ўтмай ер-кўкни оломон босди. Улар полиция маҳкамасига ҳужум қилиб, стол-стуллари, маҳкама деразаларини синдириб, қоғозларини ўтга ёқиб, қурулларини олиб янги шаҳарга юриш бошладилар. Минг-минглаб исёнчилар эски шаҳарга тушиб келаётган уезд ҳоқами Рукин, пристав штабс-капитани Зотогловов, полициячи Комил Соиббоев, таржимон (тилмоч) Мирзаҳамдамларга дуч келдилар ва уларнинг ялғиниб-ёлвориларига қарамасдан, тошбўрон қилиб ўлдирдилар.

Кўриниб турибдики, бу исёнга бирон жамият ёки сиёсий партия йўлбошлилик қилган эмас. Бутун ҳаракат



3. Ёзувчи Назир Сафаров ўз қаҳрамонлари билан
ишдан чапга, ўтирганлар: Социалистик Меҳнат Қаҳрамон
Исломов ва Эрка Нурхоновалар; тикка турганлар:
Ишидова, Хайринисо Муродова ва Социалистик Меҳнат
Шаҳри Раҳматова. 1972.

стихия билан бошланиб, беқиёс трагедия билан мағлубиятга учрайди. Чор ҳокимияти якка қаҳрамонлардангина эмас, балки умумхалқдан — исёнкор фуқародан шафқатсиз оммавий қасос олади. Қўзғолонни бостириш учун юборилган казак солдатларидан иборат махсус жазо отряди кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган йиртқиқчиликлар қилди. Биринчи кунларда дуч келган аёл-эркак, ёш-қари демасдан отиб, қилич билан чопиб ўлдира бошлади. Халқнинг мулкини батамом талаб, араваларга ортиб, туёқли молларини эса ҳайдаб олиб кетди. Уйларга ўт қўйди, бутун қишлоқлар, шаҳар ичи (янги шаҳардан бўлак) ва бозордаги раста, каппон, дўконлар куйиб култепа бўлиб қолди. Гулистон гўристонга айланди...

Жазо отрядининг сўнгги вазифаси пана-пастқам жойларга қочиб, жонларини сақлаб қолган одамларни топиб қириб ташлаш, шунинг билан гўё исёнкорликка абадий барҳам бериш эди. Худди шу мақсадда пана-пастқамда биқиниб ётган «осий»ларни қидириб топиб, исён содир бўлган ерга: туташ катта каппон майдонига пода-пода қилиб ҳайдаб келди, тўплади. Муддао руҳан енгилмаган барча исёнкорларни жисмонан маҳв этиб, шу майдонда қириб ташлаш эди. Маҳкум исёнкор омма тиғи ўзларига қаратилган тўп, пулемёт, казак солдатлари милтиғига тик қараб, ўлим кутиб турардилар. Подшоҳнинг ўлим жазо ҳукми сарсон Сибирь жазоси билан алмаштириладиган бўпти. Подшоҳнинг Туркистон ўлкасидаги сояси генерал-губернатор Куропаткиннинг бу ҳақдаги буйруғи «хушхабар» тариқасида Мирза Анвар Мирзаҳамдам ўгли томонидан тантанали вазиятда қўзғолончиларга эълон қилинган эди.

Саратон қуёши тафтида куйиб-қовжираб ётган сувсиз, яп-яланғоч бошпанасиз жазирама «Учтепа» ҳамда «Қили» чўлига неча минглаб чол-кампир, эркак-аёл, ва гўдаклар сарсон қилиндилар... Оч, ярим-яланғоч мазлум ва мазлумаларнинг бошларидан ўтган қора кунларни бу қисқа сатрларда тасвирлаб кўрсатиш амри-маҳолдир («Унутилмас кунлар» номли хотира китобимда бу воқеани бир қадар ёритганман).

Ҳаёт шами бутунлай сўнгган Жиззах — култепа, харобазорга айланиб, мазор жимлиги ҳукмрон бўлиб қолганди... туғилиб, униб-ўсган, тер тўкиб, меҳр қўйиб барпо қилган боғ-бўстондан маҳрум бўлган одамлар, эндиликда чўл-биёбонда ёввойи ҳайвонлардан кўра ҳам

аянчлироқ куп кечира бошладилар. Бу ўта даҳшатли, уқубатли ҳаётнинг охири кўринмасди. Очликдан, ташналикдан гўдаклар бўталоқлардек бўзлашарди. Бошга тушганни кўз кўради, тақдирга тан беришдан ўзга чора кўринмасди. Гарчи одамлар бу ваҳшийликка кўника бошлаган бўлсалар-да, сувсиз, озиқ-овқатсиз оч яшаб бўлмас эди, албатта. Одамлар кундуз кунлари тумтарақай бўлиб, бепоян чўлга чумолидек ўрмаланиб ризқ-рўз излаб кетардилар. Узоқ-узоқларга баҳорикор бугдойзор майдонларда бошоқдан тўкилиб қолган донларни митадек теришиб, бир этак-ярим этак машшоқ ғамлаб яна ғурбатхона тўдаларига қайтишардилар. Аёллар бу донлардан қуғурмоч қовурардилар. Бир одамнинг бир кунлик тамаддиси бир каш қуғурмоч бўлиб вақти-вақти билан чайнамасдан шимиб, «қорин тўйдириб» ёмон кунларни не ҳасратда ўтказишардилар. Бир кекса:— Қаноат арзон болаларим,— деса, бошқа бирови:

— Ёмон кунлар яхши бўлади. Зулмнинг умри қисқа, қайси бир подшо адолатдан юз ўгирса, бу унинг куни битиб, паймонаси тўлганидан нишона,— деб оқ подшодан зулм кўрган бир Жиззах халқи эмас, подшога қарши қўзғолон кўтарган руслар тўғрисида анча-мунча гаплар эшитгани тўғрисида сўзлар эди...

Озгичлигидан териси суягига бориб ёпишган угада тўнли одам чолнинг сўзини бўлди:

— Оқ подшонинг ўзи ўрус, ўрус-ўрусга нега мушт кўтарар экан?!

Донишманд чол босиқ жавоб қайтарди.

— Нега бўлмаса, Сиз мусулмон бўла туриб, «ўз» донишингиз Мирза Ҳамдам, Комил йигитни (полицияни йигит деб аташардилар) оломон қилиб ўлдирдиларингиз? Ўруснинг ҳам бойи бор, фақири бечораси бор. Ўрус камбағаллари ҳам бой ерида, фабрикасида ишлаб боласини тўйдира олмагандан сўнг жанжал кўтарар экан, фабрикаларга ўт қўйиб, бойларни тутиб олиб оломон қилишар экан. Ана шундай жанжал вақтларида подшо камбағалларин эмас, бойларнинг тарафини олар экан, қўзғолончиларнинг қўл-оёқларига кишан солиб, Сибирга сургун қилар экан, қамоқхоналарда чиритар экан. Бойлардан, Николай подшодан зулм кўрган ўша ўрусларнинг авлоди тек ёнибди деб ўйлайсизми?..

Донишманд ўзбек кексасининг гапида жон бор эди, дарҳақиқат, жафокаш Россияда шу хилдаги мард, ку-

рашларда чиниққан ишчи синфи мавжуд эди. Турма ва сургулларни писанд қилмай печа ўн йиллар мобайнида Романовлар истибдодига қарши мардонавор курашиб келаётган капитализм гўркови баҳодир қирчиллама рус ишчилар синфи бор эди. Халқни озод қилиш ишига ўз ҳаётини бағишлаган, ўз азиз жонини тиккан жасур рус инқилобчилари на турма, Сибирь ва на ўлим дорларидан зарра бўлса-да чўчидилар. Россияни чоризм зулмидан озод қилишдек муқаддас бурчдан оз бўлса-да чекинмадилар.

Эзилган халқлар бахтига рус ишчилар синфининг илгор отряди улуғ Ленин яратган коммунистлар партияси бу курашга йўлбошчилик қилди. Ниҳоят, 1917 йилнинг 7 ноябрида урилган бонг — Аврора қаҳқаҳаси чор истибдодига абадий хотима берди. Ана ўша кун, ўша соат, ўша минутдан бошлаб кўп миллатли, кўп миллионли Россия халқлари қатори Жиззах исёнчилари ҳам озодликка чиққандилар, улар сарсон Сибирдан она шаҳар, қишлоқларига қайтишдилар. Куйиб култепа бўлган харобазорда ўзларига бошпана тиклай бошладилар.

Мана биз Октябрь инқилобига қадар ким эдик!

III

КИМ БЎЛИБ ОЛДИҚ?

«Совет Иттифоқининг илгари чоризм эзиб келган халқлари социалистик революция натижасида самодержавия зулмидан озод бўлибгина қолмай, шу билан бирга ўз капиталистлари ва помещикларининг зулмидан ҳам озод бўлдилар. Шу орқали мамлакатимиз халқлари миллий озодликка эришиш билан бир вақтнинг ўзига социал озодликка ҳам эришдилар». (А. Н. Микоян)

Улуғ Октябрь инқилобни арафасида содир бўлган 1916 йил Жиззах қўзғолони ўша йил мобайнида Туркистон ўлкасининг турли районларида бўлиб ўтган исёнларнинг энг даҳшатли ҳамда ўта фожналиси эди. Озодлик деб қон тўкилди, сон-саноксиз қурбонлар берилди. Лекин бу қутлуғ қон муқаддас қурбонлар бекорга кетмади. Ниҳоят рус пролетариатининг бонги чоризмни ларзага кел-

тирди, оқибатда зулмат тонгини ёритиб Улуғ Октябрь инқилоби кириб келди, бу инқилоб Россиядаги кўпмиллатли эзилган халқлар қатори исёнкор Жиззах халқига ҳам абадий рўшнолик ва чинакам озодлик, бахт-саодат йўлини очиб берди. Ўз айш-ишратларидан ўзгани билмаган, халқ ғамидан бегона, фаҳш уяси — хонликлар бирин-кетин қулаб, мустамлакачи чоризм салтанати ер билан яксон қилинди. Тўрт томонлама эзилиб келган ўзбек халқи фақат Октябрь социалистик революцияси туфайли улуғ Ленин ва совет ҳокимияти туфайли ҳақиқий мустақилликка эришди. Қирчиллама йигит Ўзбекистон Совет Социалистик жумҳуриятимиз қирқ ёшга тўлаётир. Умри узоқ, ризқи фароғ ёш республикам бу бахтиёр ҳаётга эришгунга қадар озмунча ташвишларни бошидан кечирмадимиз? Барча машаққатларга мардонавор бардош берди, ички-ташқи душманларнинг қуролли ҳамлаларига, бузгунчилик ҳаракатларига ўнғарилмас зарбалар бериб келди. Адолат учун олиб борган жангларимизда ғолиб чиқдик. Шонли Октябрнинг муваффақиятли байроғи ҳилпираб ҳали зулмат қоплаб турган ўлкаларга нур сочиб, мазлум халқлар йўлларини ёритмоқда. Қирқ йил — бу қиз-йигитнинг қирчиллама умри, бу ёшга етган аёл-эркакларнинг ўтган ой-йиллари бир текис осойишталик билан ўтмаган бўлса-да, халқимиз самарали меҳнати, жасорати ижодий тафаккури орқасида Ўзбекистон қиёфаси бутунлай ўзгариб кетди. Жонажон республикамиз шарқда порлаб нур сочиб турган ёрқин машғал юлдузга айланди.

Республикамиз шонли қирқ йиллигини нишонлаш арафасида, унинг катта-кичик, ёш-қари ўта меҳнатсевар ижодкор граждани бу улуғ айёмга муносиб тўёналар тайёрлаш иштиёқи билан жон куйдириб тер тўкиб, фаровон ҳаётнинг асоси бўлган моддий бойликлар яратиш билан бахтиёрдирлар.

Гарчи халқларимиз учун кундан ҳам равшан бўлса-да, воқееларимизда мавжуд ҳаётий ҳақиқатлардан бир неча нисоллар келтирмоқчиман.

Инқилобга қадар тўқсон тўққиз процент халқи саводсиз бўлган Жиззахда биргина Наримонов номидаги мактабда рўй берган маданий ўсишга бир назар ташлаш kifоя. Инқилобимиз билан эгизак бу мактабда ўқиб, билим олиб ўзбек совет адабиётига асос солганлардан бири Ҳамид Олимжон ҳам, ёзувчи, партия ва жамоат

арбоби Шароф Рашидов, Сарвар Азимов ҳам, Шукур Саъдулла, Насрулло Охундий ҳам, медицина фанлари доктори Уктам Орипов, филология, тарих ва бошқа турли-туман фанларнинг кандидатлари Ориф Икромов, Жўра Ҳожиматов, Қ. Маматқулов, Полвон Азизов, Ж. Аҳмаджонов, М. Шарипов, И. Усмонов, Х. Ҳамдамов, Соли Соатов, Ғ. Носиров, доцентлардан А. Рашидов, Р. Аҳмедов, З. Тўрақулов, Имом Хидиров, Норқўзи Носиров, Ш. Носиров ва ниҳоят шу сатрларнинг автори ҳам худди шу мактабнинг мевасидир. Бу мактабда билим олиб республикамизнинг турли шаҳар ва районларига парвоз қилган шунқор ўқитувчилар, агрономлар, врачлар, зоотехниклар, колхоз раислари, бригадирлар, хўжалик ҳамда савдо ходимлари, партия ва совет органларида хизмат қилаётган раҳбарларини тилга олмадим ёки уларнинг ажойиб бой ва хилма-хил таржиман ҳоллари ҳақида қизиқарли тафсилотлар ёзиш имкониятига эга эмасман.

Аввал ҳам, ҳозир ҳам бу мактабда «Москва» колхози аъзоларининг ўғил-қизлари таълим оларди, ҳозирда ҳам таълим олмоқда. Лекин бу колхозда бир эмас, яна бир неча мактаблар ҳам бор.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Носиров раислик қилаётган бу колхоз ҳар жиҳатдан ибратлидир. Уша даҳшатли 1916 йилнинг исёни пайтида куйиб култепа бўлган қишлоқлар ўрнида ҳозир ҳар жиҳатдан мукамал, маданий, аҳолиси ўзига тўқ колхоз қишлоғи барпо қилинди. Наримонов мактабидан бошланиб Етим тоққа бориб туташган кенг асфальт кўчанинг икки биқинидан ўнларча асфальт кўчачалар тармоқ ёзган... Соя-салқин бу кенг марказий кўча ва тор кўчачаларда Ильич чироғи нурига чўмилиб ётган неча юзлаб хонадонлар, шира-шарбат томиб турган томорқа боғ-роғларга тутшиб кетган ям-яшил хиёбонларни оралаб кетар экансиз, ҳаёт мавж уриб ётган гўзал шаҳар қучоғида ҳис қиласиз, ўзингизни.

«Москва» номи билан республикамизга донғи кетган бу колхоз (бу хилдаги донгдор колхоз Жиззахда битта эмас) 1927 йилда ер ислоҳоти туфайли ер-сувга эга бўлган атиги йигирма чоғлик янги батрак хўжаликларининг уюшувидан дунёга келган «Октябрь ўн йиллиги» номли артель эди. (Бу артелга биринчи раис қилиб коммунист батрак Солихўжа Қамолхўжаев сайланган эди.)

Мана, орадан ўттиз етти йил ўтиб кетди. Эндиликда колхоз фақат пахтанинг ўзидан 2150 гектар майдонда гўза ўстираётир. «Московчи» хотамларнинг ҳимматлари жуда баланддир, улар бу йил гектар бошига 32 центнердан оқ олтин етказиб давлатга 6650 тонна пахта сотмоқчилар. Ҳар қачон ўз ваъдаларига содиқ бу колхознинг миришкорлари бу йил ҳам жонажон республикамиз тўйига муносиб совгалар билан борадилар.

Ҳаммадан кўра қувонарли нарсаси, йил сайин колхоз ишлаб чиқаришида қўл меҳнатининг камайиб боришидир. 1964 йил бу ва бошқа хўжаликларда пахтачиликни комплекс механизациялаш йили бўлди. 1963 йилда минг гектар майдондаги пахта машинада терилган эди. Бу йил бу майдон 1700 гектарга етказилди. Тўла механизациялаштирилган бригадаларга бошчилик қилаётган И. Хўжаназаров, А Пардабоев, Ж. Ражабов ўртоқлар ўз майдонларидан 34—45 центнердан ҳосил олишга аҳди паймон қилишганлар. Тўйолди тўёнаси учун ўз зиммаларига олган дон, қоракўл, тери, пилла сотиш мажбуриятларини шараф билан бажардилар. Қолган мажбуриятлар эса бажарилиш олдида.

Ҳаракатда барака. Ҳалол ва фидокорона меҳнат туфайли «Москва» хўжалигининг салмоғи йил сайин ошиб, колхоз маданияти яшнаб, фаровон турмуш барқ урмоқда. Колхоз маблағидан 115 та маданий уй қурилиб, аъзоларга берилди. Колхоз маблағига қурилган 11 йиллик 3 та, 8 йиллик 2 та мактаб биносида болалар, қиз-йигитлар яйраб-яшнаб билим олмоқдалар. Колхоз территориясидаги 4 та болалар богчаси, ясли, туғруқхона, ҳаммом, кино-театр йил ўн икки ой пахтакорлар хизматида.

Колхознинг 1000 кишини таъминлаб турган намунали ошхонаси, дала меҳнаткашларига хилма-хил лаззатли таомлар етказиб туради.

Бу колхозда илғор тажриба мактаби бор. Бу мактабга бош агроном Муҳиддин Эшонқулов бошчилик қилади. Жамоатчилик асосида ишлаётган партия-маориф кабинетига партбюро секретари ўртоқ Асрор Эргашев раҳбарлик қилмоқда. Кабинетнинг икки юзга яқин сср-ҳаракат активи самарали иш олиб бормоқда. Звено бошлиғи ветеран пахтакор Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Хидир ота Халиловнинг шогирди Асад Мўминов бригадаси ўтган йили ҳар бир гектар ердан 45 центнердан «оқ олтин» кўтарди. Яъни 100 гектар майдондан 4500

центнер пахта ундириб давлат хирмонига тўкди. Эндикда жони танасига сиғмаган куйди-пишди бу йигит ўз устози билан беллашмоқда. Ажаб эмаски, устозидан шогирди ўзди сўзи бу ўринда ҳам рост чиқиб колхоз рекорди асаджончиларники бўлиб чиқса!

Комсомол-ёшларни ўз қаватига олиб Жавод Кўчиев изидан бораётган Каримжон Исақулов ташаббуси ҳам ҳар жиҳатдан тақдирга лойиқдир.

Бог. Ўзбек дёғрини бог-роғсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Она меҳридек иссиқ, нурафшон қуёшимиздек барҳаёт она-Ватан тупроғи нақадар сахий ва мушкул-кушоддир. «Москва»ликлар яратган бог энди ўн ёшга кирган бўлса-да, тўкни мевасидан колхоз дастурхони, фаровон даромадидан чўнтаклари баракали. Бог ҳозирданоқ ўз харажатини қоплаб, йигирма минг сўмга етказиб фойда бера бошлади. Дарахтлари улгая борган сари шубҳасиз ҳосил кўпайиб бу фойдага яна фойда қўшила боради.

Ёқимтой, сертабассум богбон Жамолиддин ота мулоҳим жилмайиб бизни тоқзор томон бошлар экан, хилма-хил анвойи узумларнинг таъриф ва тавсифини қила кетди:

— Богдан шивилғонисини емабсиз дунёга келмабсиз,— деди ям-яшил ток барги орасидан тим қора бир бош узумни узиб бизни меҳмон қилар экан богбон. Доналари шарбатга тўлган хуштаъм шивилғони ширинлигидан томоғингизни чанқатиб, тилингизни ёргудек... Биз тоқзор оралаб борамиз, барглар орасида новдаларга чизилиб ётган мўрчамиён ва туя тиш ҳусайинлар қаҳрабодек турланарди. Оқ кишмиш, қора, оқ чиллаки, чарос ва баён ширин, соҳибни ҳамда каттақўрғоний каби ранг-баранг шинғил-шинғил бошлар кўзларни қамаштиргудек серҳосил...

Ток «ҳамсоясиз яшасам» дер экан. Бу гапда ҳикмат бор, дарахтсиз деворсиз осмонш очиқ ер, серқуёш ҳавода ток яйраб ўсади, узум бошлари етилиб, доналари шарбатга тўлади. Қоқ ердан озуқа олиб қуёшдан мириқиб нур эмаётган хилма-хил бу узумлардан тўйиб-тўйибган ҳар қандай одам дард кўрмайди, юрак касалидан бир умрга фориг бўлади, қони тозалана бориб Луқмон умрини кўради.

— «Москва» боғида битган узум етмиш дардга даво,— дейди бог бригадири Фозилжон Содиқов.— Бу га-

пимда асло маҳоват йўқ. Мана, мисол, Маҳкамбой акангиз, юзидан қон томади, соқолини қириб ташласа, олтмиш бешни уриб қўйган бу одамга ҳеч ким қирқ ёшдан ошиқ бермайди.

— Рост-рост, гапнинг онаси ҳам шу-да... оғир меҳнат енгиллашиб, фаровонлик орта борган сари одамларимизнинг умрлари узаймоқда,— дер эди сергак кўзлари порлаб юз-кўзидан нур ёгилиб турган колхоз ветерани Маҳкамбой Қосимов.

— Бу узумзор беш гектар богимизнинг бир қисми, қани энди майдонга бошланг, Жамолиддин ота,— богбонга мурожаат қилди партия бюросининг секретари ўртоқ Эргашев.

Биз майдон оралаб борардик. Шафтоли, олмазорни ўтиб, нок-нашватизорга, ундан анжир-анорзорга йўл олдик. Ранг-баранг, ҳажми, таъми турлича бўлган шафтолилар бошини еб ҳосил қилган, бир хил шафтоли борки, катталиги худди чақалоқнинг бошидек. Қандил, семирченко, бильфлор олмалар серҳосиллигидан кўзингиз қувониб, дилингиз равшан бўлади. Айниқса беҳизор манзараси ўзгача, ёш-ёш, бўйи пакача беҳи дарахтларининг серҳосил шоҳлари қиз кокилдек ҳар томонга ларишон таралиб, ер ўпиб ётмоқда...

Ажойиб манзара, кун уфққа бориб ўтирган пайт. Бог этаги Гандум тош ва Етим тоғ ён бағрини ювиб оқётган Саиғзор суви. Сой тўлиб, чайқалиб оқётган сув манзилга етиш учун шошалаётгандек пишқириб тошларга урилади, шалолалар ҳосил қилиб, сўнг ҳоригандек жимиб, сокин оқади. Ҳа, Зарафшоннинг кичик тармоғи бўлган Туя тортар сувиға қўшилиб бахт яратиш сафарига чиққан Саиғзор суви тоғ оралаб, сой кечиб, йўл-йўлакай минг-минг гектарлаб ерларга жон-қон бериб, деҳқон кишт-корига барака киритиб, ниҳоят сафарининг сўнгги манзили Қили чўли томон югурмоқда... сув ноёб, унинг ҳар бир томчиси ҳисобда. Бир вақтлар Жиззах исёнкорлари учун азоб-уқубат ўчоғи, сарсон-саргардонлик макони бўлиб чоризмга хизмат қилган Қили чўлининг ерлари эндиликда, совет тузуми туфайли худди ўша исёнкор халқ қўлида гулистону бўстонга айлантирган «Москва»ликлар бу чўлдан янги ер очиб, беда экдилар, маккажўхори кўкартириб чорвачилик учун кучли база яратдилар, гўза экиб «оқ олтин»дан мўл ҳосил етштириб абадий бахтиёр ҳаёт яратиш учун жон-дил-

лари билан меҳнат қилиб, унинг самарасидан баҳраманд бўлмоқдалар.

Мен бу ерда Жиззах ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли бир мактаб ва биргина колхоз ҳаёти тўғрисида тўла эмас, юзакигина тўхталиб ўтдим, холос. Жиззахда «Москва» колхозига қарийб тенглашадиган колхозлар йўқ эмас, бор. У колхоз ва колхозчилар ҳақида ҳам «Москва» мисолидагидек ранг-баранг, бири бирига ўхшамас ажойиб ҳаётбахш ютуқлар тўғрисида қанчадан-қанча илиқ сўз айтиш мумкин эди. Лекин мен ҳозирги «Москва» колхози мисолидаги ҳаёт ҳақиқатларини ҳикоя қилиш билан чегараландим. Октябрь революцияси туфайли озодликка эришган, ленинча миллий сиёсат натижасида тарихда машғал бўлиб қолган Ўзбекистон республикасининг кичик зарраси Жиззахнинг ўтмиши ва ҳозирдан кўриб олса бўлади. Социалистик тузумнинг йиртқич капитализмдан, шармандаси чиққан мустамлакачиликдан нақадар устун, нақадар улугвор, нақадар барқарор ва ҳаётбахш эканлигини ана шу биргина совет мактаби, ана шу биргина «Москва» колхози мисолида кўриб олса бўлади.

Мана, биз Улуг Октябргача ким эдик. Октябрь шарофати билан азиз Ватандошларим, ким бўлиб олдик!

ХОТИМА

Ўзбекистон республикаси ва Ўзбекистон коммунистик партиясининг қирқ йиллигини яқинда тўй қиламиз. 1966 йил июль ойида эса унутилмас Жиззах қўзғолонига 50 йил тўлади. Ишонамизки, тарихга кириб қолган бу миллий-озодлик ҳаракатининг ярим асрлик куни жамоатчилик эътиборидан четда қолмас. Баъзан мен 1916 йил қўзғолони иштирокчилари ёки жаззахлик ҳамшаҳарларим билан учрашиб қолгудек бўлсам:— Мулланазирқул, Жиззах қўзғолони хотирасини абадийлаштириш тўғрисида ҳеч нарса ўйлайсизларми?— деб менга савол беришадилар-да, жавоб кутмасданоқ, «Шу қўргон ичи гулбоғ қилинганда, қўзғолон қурбонларига хўб биной ёдгорлик бўларди-да»,— деб, гўё ҳаммалари тил бириктиргандек ўз таклифларини кўндаланг қилиб қўядилар.

Дарҳақиқат, буларнинг талаблари ўринли. Жиззахликлар қўргон ичини роҳат боғига айлантиришни кўпдан

орзу қилиб келадилар. Етмиш уч гектар майдонга жойланган бу ердаги хонадонларда 14 ариқдан сув ичиб келган эл ёз фаслида боғларида яшаб, кеч куздан шу қўрғон ичидаги ҳовлиларда қишлардилар. 1916 йил қўзғолонида ўт қўйиб куйдириб юборилган шу катта майдон ҳозир ҳам култепа ҳолича ётмоқда.

— Бир хароб бўлган ер яна қайта обод бўлади деган гап бор,— дейди Жиззах қўзғолонининг актив иштирокчиси, кекса коммунист Шарифбобо Ҳусайинов,— агар бирор шоввоз ташаббус кўтарса, бу култепани халқнинг ўзи гулбоққа айлантириб юборар эди.

— Шу боғ ичида, гуллар атрофида невараларимиз:

Шафалакжоп ҳай мунча,
Севганингиз гул гунча.
Эрта-ю кеч учасиз,
Чарчамайсизми мунча...—

дейишиб, чойқиллашиб каналак қувласалар, биз соясалқинда чойхўрлик қилиб, невараларимизга бахт тилаб ҳордиқ чиқарсак, бунга пима етарди,— деди Шарифбобонинг истагини қувватлаб қўзғолон қатнашчиси Аҳрорқулбобо.

Биз бу кексаларнинг орзу-истакларини қизғин қувватлаймиз. «Москва», «Навоий», «Жданов», «Зарафшон» колхозлари гулшани ўртасидаги бу култепа ўрнида роҳат боғи «Қўзғолон майдони» барпо қилинса, 1916 йил исёнчиларига ёдгор, Жиззах меҳнаткашлари учун эса энг сўлим ҳордиқ чиқарадиган роҳат боғи бўлиб қолар эди.

1964 йил, 23 октябрь.

Пахта ўзбек халқининг миллий ифтихори, дейдилар. Бу гапда зўр ҳикмат бор. Ўзбек диёрида яшовчи касб-кори турлича бўлган ҳар бир киши — ишчи ва зиёли, студент ва мактаб ўқувчиси пахта тўғрисида ўйлайди. Ўйлайдикина эмас, пахтакорлар ишига бевосита қарашади, ёрдам беради. Бу ҳамжиҳат-ҳамкорлик туфайли йил сайини янгидан-янги марралар эгаллади, тарих билмаган чўққилар забт этилди. Бу на баландпарвоз гап ва на муболаға, рост гапнинг худди ўзгинаси. Олиҳиммат кишиларимиз фақат ўз манфаати ва истиқболларини ўйлаб иш қилаётирлар, деб ўйласак, хато бўларди. Улар улуг Ватанимиз келажаги, порлоқ истиқболнинг кўзлаб ижод ва меҳнат қилмоқдалар. Булар кўп миллатли совет халқларининг эртаси ва келажакнинг кўзда тутиб, давлатимизнинг сиёсий, иқтисодий қудратини яна ва яна мустаҳкамлаш, ҳамманинг бахт-саодатини ўйлида астойдил тер тўкиб меҳнат қилмоқдалар.

Ўзбек пахтакори нималарга қодир эканлигини билмоқ истаганлар мана бу гапларга қулоқ берсинлар: Биргина Тошкент тўқимачилик комбинатида бир йилда тўқиб чиқариладиган газлама ер юзидаги барча аёлларга уч сидрадан кўйлак тикиб беришга етар экан. Бу фақат биргина Тошкент фабрикасида, холос. Совет Иттифоқидаги мавжуд газлама тўқув фабрика ва комбинатлардаги дастгоҳлар, асосан, ўзбек деҳқонининг «оқ олтин»исиз айланмайди.

Иттифоқимизда етиштириладиган пахтанинг уч миллион олти юз минг тоннаси Ўзбекистон тупроғида ундирилади. Бир йилда 3.600.000 тонна «оқ олтин» — бу ҳазилакам хазина эмас. Ер, қуёш, сув — одамзод азм-га бўйсундирилган мамлакатимизда инсоннинг ақл-заковати, мўъжизакор меҳнати туфайли ҳар йили бу бебаҳо гавҳар етиштирилаверади. Ҳозирда халқимиз қу-

раётган коммунистик жамиятни тўхтовсиз ривожланиб бораётган фан ва техникасиз, маданият, адабиёт ва санъатсиз, дастурхон тўла ноз-неъматсиз, барчасидан ҳам муҳими — коллектив ва коммунистик меҳнатсиз ҳаёл қилиш қуруқ гап бўлар эди. Ана шу эзгу мақсадга амал қилиб ўзбек халқи улуғ Ленин кўрсатган йўлдан дадил ва ишонч билан бормоқда.

Мўл-кўл моддий бойлик ва ноз-неъматларни қаердан олаётирмиз? Албатта, ердан. Биз инсонларга фойдаси тегмай ётган қанчадан-қанча саҳроларга жон киритиб, моддий бойликлар етиштирмоқдамиз. Ота-боболаримиз Мирзачўл ерларини «оч дала» деб атаб келдилар. Дарҳақиқат, ўзи оч бу дала ўзгалар қоршини тўйдиришга қодир эмас, ожиз эди. Бу бепоён чўлда қанотли куйишдан қўрқиб қуш учмасди, оёғи куйишдан қўрқиб одам юрмасди. Хуллас, бу оч дала назардан тушиб қолган бебаҳра саҳро эди. Доҳий Лениннинг ақл-заковатини кўрингки, бу бебаҳра ҳисобланиб келган, чўл, унинг диққат-этиборини ўзига тортди. Октябрь социалистик революциямиз энди икки ёшга қадам босган, ички-ташқи душманларимиз қутуриб, ёш совет давлатимизни ғажиб ташлаш учун тўрт томондан ҳуриб турган бир вазиятда, Халқ Комиссарлари Советининг раиси Владимир Ильич Ленин Мирзачўл ерларини ўзлаштириш тўғрисидаги декретга имзо чекди. Улуғ Ленин башорати ва декрети туфайли оч дала мана бугун бахт водийси, бахтиёрлар диёри, боғ-бўстонга айланди.

Тарихий бир ҳақиқатни эслатиб ўтмоқчиман. Бундан ўн беш йиллар бурун Мирзачўлда биринчи бўлиб ташкил топган «Коммунизм» колхози территориясида янгидан ўтқазилган бир туп дарахт бор эди. Ҳозир эса ёлғиз Янгйер бошқармаси территориясида икки миллиард тупдан ортиқ дов-дарахтлар янги ернинг ҳуснига ҳусн, малоҳатига малоҳат қўшиб турибди.

Бугина эмас, Янгйерда йил сайин ирригация иншоотлари ҳам тўхтовсиз тармоқ ёймоқда, чўлқуварлар қадами етган ўлик чўлга жон кириб, ҳаёт мавж урмоқда. 1956 йилгача ёлғиз Мирзачўлнинг ўзида 200 минг гектардан зиёдроқ ер ўзлаштирилди. 1935 йилгача бу ерларда гектар бошига 13,8 центнердан пахта етиштирилган бўлса, 1955 йилга келиб ҳосил гектар бошига 24,7 центнерга етди. Партия ва ҳукуватимиз қабул қилган қарорга кўра, яқин йиллар ичида Мирзачўл ерлари тўла

ўзлаштирилгач, ҳосил миқдори 1 миллион тоннага етади.

Партиямиз инсон меҳнатини енгиллаштириш учун муттасил ғамхўрлик қилмоқда. Қишлоқ хўжалигида пахтани териш оғир ва серташвиш меҳнатдир. Бунинг ҳам давоси топилди: «зангори кема»лар пахтакорнинг жонига аро кирмоқда, оғирини енгил қилмоқда.

Пахтани машинада теришдан кўра қўлда теришни маъқул кўрган консерваторлар яқинларда ҳам топилиб турарди. Менинг «Узоқни кўзлаган қиз»им Турсуной у вақтларда ёшгина қизча эди. Жасур, мард ва матонатли қизимиз Турсуной Охунова «зангори кема» кушандалари билан озмунча жанг қилдими? Шонли комсомол қизимиз Турсуной бошлаган кураш пахтакорлар ишида инқилоб эди, десак хато бўлмас деб ўйлайман. Уч-тўрт йил бурун турсунойчиларни бармоқ билан санаса бўларди. Турсуной билан кетма-кет мардлар майдонига Мелиқўзи Умрзоқов кириб келди. Эндиликда бу иккала шунқорнинг неча минглаб издошлари — «зангори кема» суворийлари пахта далаларида жавлон урмоқдалар.

Қолоқ бригадага ўтиб, уни илғорлар сафига кўтариш ишининг ташаббускори бўлган Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутаты, механик-ҳайдовчи Турсуной Охунова бошлиқ бригада бу йил ҳам ўз майдонида катта ҳосил етиштирди. Турсуной шу кунларда ўз «зангори кема»си билан ҳар кунни ўн-ўн бир тоннага етказиб пахта термоқда. Республикамиз ва Ўзбекистон Коммунистик партиясининг шонли қирқ йиллик тўйигача Турсуной ўз бункеридан 250 тонна «оқ олтин» тўкиб социалистик мажбуриятини бажариш учун ўз бригадасининг аъзолари билан фидокорона меҳнат қилмоқда.

Комсомол чақириги билан Янгйерга келиб, биринчилар қаторида ер очиб, чигит эккан Инобат Охунова опаси Турсуной изидан бориб, механик-ҳайдовчи бўлиб олди. Инобат пахтага комплекс ишлов бериш методини ўз бригадасида амалга ошириш орқасида икки йил ичида бутун мамлакатга донг чиқарди.

Мирзачўл шунқорларининг яна бир вакили, комсомол аъзоси Қувондиқ Абдураззоқовнинг жўшқин ҳаёти ҳар бир совет ёши учун ибратлидир. Қувондиқ техникага меҳр қўйди ва ўтган йили машина билан 180

тонна пахта териб, ҳаммаши қўйиб қолдирди. Меҳнатда эришган бу зафари Қувондиқни улкан мақсадга етаклади. Қувондиқ тенгқурларидан учта бўз йигитни қаватига олиб, 74 гектар ерга чигит экди. Фидокорона меҳнат қилиб, тўрттала шунқор бу майдонда кагга ҳосил етиштирдилар. Мўлжалларни гектар бошига қирқ центнердан кам эмас. Қувондиқ ўз машинасида 250 тонна пахта теришга бел боғлаган. Ниятининг йўлдошининг бўлсан, шер йигит!

Янгиерда, сўлим Фарғонаниннг Ёзёвон чўлларида, серқуёш Қарши саҳроларида, гуллаб-яшнаётган жонажон Ўзбекистоннинг бошқа жойларида жавлон ураётган турсуночилар, Жавод Қўчиев ва гюпкочилар, Мамажон Дадажонов ва уларга ўхшаган минглаб механик-ҳайдовчилар, пахта усталари, шира-шарбат тўла боғ-роғларининг соҳибкорлари она-Ватан бахт-саодатини йўлида меҳнат қилиб, коммунизм қурилишига ўз ҳиссаларинини қўшмоқдалар.

«Оқ олтин»имиз истиқболи ўзбек халқи тақдири каби порлоқдир. Совет давлатининг беқиёс ёрдами, ишлаб чиқаришда техникадан унумли фойдаланиш шарофатидан пахтакорларимизнинг оғир меҳнатлари тубдан енгиллашмоқда, юртимиз бойлигига бойлик қўшилиб, янги турмуш, маданий ҳаёт гуллаб яшнамоқда.

Шу кунларда ҳамманиннг фикри-зикри шонли республикаимиз ва Ўзбекистон Коммунистик партиясининг қирқ йиллик тўйига муносиб тўёналар ҳозирлашда. Тўйга муносиб тўёнамиз тайёр. Ўзбек халқи бу тарихий, шонли тўйга турли-туман тўёналар билан бир қаторда, ёз бўйи тер тўкиб етиштирган уч миллион олти юз минг тонна «оқ олтин»ини ҳам тўёна қилгани билан бахтиёрдир.

1964 йил, октябр.

Ўтган йил билан ҳам хайрлашдик. Янги йилнинг кутлуғ бўсағасига қадам ташладик. Минг тўққиз юз олтмиш бешинчи йил қайтмас бўлиб кетди. Бироқ у донг таратиб кетди. Унинг бизга қолдириб кетган моддий бойликлари беқиёс мўл-кўл бўлди. Ўзидан олдин ўтган йилларга таққосланилганда у, зуваласи улуг, миришкор, сирбарақа донишманд келди. Шуниси таҳсин ва офаринларга сазоворки, олтмиш бешинчи йил учун белгиланган марралар хийла орқада қолиб кетди. Ҳатто баъзи бир соҳаларда бўлса янги йил зиммасига тушган вазифаларнинг бир қисмини бажариб ҳам кетди.

Меҳнатсевар халқимизнинг тўккан тери, сарфлаган меҳнати зарра бўлса ҳам зое кетмади. Халқ бойлиги ортди. Коммунизм кошонасининг бинокорлари бўлган ижодкор совет кишилари ҳар қандай мўъжизакор ишга қодир. Буни у сўзда эмас, амалда исбот этиб келмоқда.

Ютуқлар олдида эсанкирани, шубҳасиз бизга ёт нарсас. Бироқ, ўтган йилномаларимизни булдоқ варақлаб қарагудек бўлсак, аерий қолоқликларни нақадар тез суръатлар билан мардонавор босиб ўтганимизни кўриб баъзан ўйланиб, ҳайратда қоласан киши.

Келнинг, бевосита ўзимизга тааллуқли масалалардан сўзлаша қолайлик. Ўзимизга, деганимда маъно бор. Мен ҳам бундан қирқ йиллар бурун тўрт-беш мавсум ўқитувчилик қилган эдим. Қуш тилини қуш билади деганларидек, биз ҳам ўз касб-коримиз, ўтмишимиз тўғрисида бир оз сўзлашсак, ортиқча бўлмас, деб ўйлайман.

Илқилоб инига бевосита, билвосита қатнашган ҳар бир кишининг ўз биографияси бор. Олайлик ўзбекни: ўзбек элининг ўтмиши-ю, ҳозирги Ўзбекистонимизни, авлоддан авлодга, отадан ўғилга мерос бўлиб келган қашшоқликда кун кечирган қисмати шўр, толеи кулма-

ган ўзбекнинг асрлар оша бир умр саводсиз бўлиб келиши, унинг бедаво дарди устига чипқон эди. Россиядан чиққан қуёшнинг қудратли нури бошқалар қатори ўзбекнинг бедаво дардига ҳам даво-малҳам бўлди. Бургут тамға тож емирилди. Миллий зулм воситалари тилка-пора қилинди. Ҳокимият қўли қадоқларники бўлиб қолди. Ер-сув, завод-фабрика, ер ости, усти бойликлари — ҳамма-ҳаммаси қадоқ қўллар ихтиёрига ўтди. Бироқ бу бойликлар меҳнаткаш халқ манфаатига хизмат қилсин учун илмли, билимли кишилар керак эди. Олим сўзи бор бўлса ҳам, ўзи у вақтларда анқонинг уруғи эди! Юздан тўқсон еттиси ғирт саводсиз бўлган мамлакатда социализм қуриш мумкин эмас!— деган сўз пайдо бўлиб қолди.

Саводсизлик бизнинг иккинчи душманимиз эди. Ўзбекистонда ҳамма саводхон бўлиши керак!— деган шиор ташланган чоқда «Шеркат», «Батрачком», «Союз қўшчи» деган янги гаплар ҳам эшитиларди. Бу уюшмаларга мардикор, чоракор, камбағал деҳқонлар аъзо қилиб олинарди. Бу уюшмаларнинг ҳам ўзига хос низоми — темир қондаси бўларди. Бўлажак аъзонинг ижтимоий чиқиши, ижтимоий аҳволи синчиклаб текширилар, ёт унсурни уюшма бўсағасига ҳам яқин келтирмасдилар. Ана шу хилдаги оммавий уюшмалар қишлоқда совет ҳокимиятининг асосий таянчи бўлиб қолган эди.

Қизиги шундаки, бу уюшмаларнинг биронтасига янги аъзо қабул қилинар экан, саводсизликни битириш биринчи шарт қилиб қўйилган эди. Ҳар бир саводсиз аъзо бир йил ичида саводхон бўлишга мажбур эди. Еши ўттиз, қирқ, ҳатто элликдан ошган кишилар ҳам саводхон бўлиб олишни юрак-юракдан хоҳлардилар. Аммо буларга савод ўргатадиган саводли ўқитувчилар йўқ даражада кам эди. Мен бу вақтда бошланғич мактабнинг 3-синфида ўқирдим. Ҳар қалай, менга ўхшаганлар ўз замонасининг саводхониға эмас, муаллимлари ҳам эди. Марҳум ўқитувчим — мулла Хотам Турсунов мени саводсизликни битириш курсига ўқитувчи қилиб олган эди. Худди менга ўхшаган 3-синф ўқувчилари — Бозор Қосимов, Оқил Салимов, Эрмат Йўлдошев ва бошқа ўртоқларим олдин саводсизликни битириш курсига кириб, сўнгра эса бошланғич мактаб ўқитувчиси бўлиб қолганлар.

Мен келтирган мисол ёлғиз Жиззахда эмас, респуб-

ликамизнинг барча шаҳар, қишлоқларида рўй берган маданий инқилобнинг бошланғич босқичи, минг тўққиз юз йигирманчи йиллар эди. Бу гаплар, балки шу кунларда бизнинг ёшларга афсонадек туюлар. Шундай туюлиши ҳам табиий. Чунки ҳозир республикамизда бошланғич, ўрта мактаблар бўлмаган биронта қишлоқ топилмайди. У мактаблардаги ўқитувчилар менга ўхшаган 3-синф маълумотига эмас, олий ва махсус ўрта маълумотга эгалар.

Инқилобга қадар аҳолисининг юздан тўқсон тўққизи саводсиз бўлган Жиззахдаги бир мактабда рўй берган сон ўзгаришлар билан бирга сифат ўзгариш тўғрисида ҳам бир мисол келтирмоқчиман. Инқилобимиз билан эғизак Наримонов номли ўрта мактабда ўқиб, билим олиб ўзбек совет адабиётига асос солганлардан бири — шоир Ҳамид Олимжон, ёзувчи Шароф Рашидов, адабиётшунос Сарвар Азимов, шоир Шукур Саъдулла, Насрулла Охундий, медицина фанлари доктори Уктам Орипов ва бошқа бир қанча атоқли кишилар шу мактабнинг собиқ талабаларидир. Шу биргина мактабнинг ўзида билим олиб, республикамизнинг турли шаҳар ва районларига парвоз қилган ўқитувчилар, агрономлар, врачлар, зоотехниклар, колхоз раислари, бригадир, хўжалик ҳамда савдо ходимлари партия ташкилоти ва совет муассасаларида хизмат қилаётган юзларча раҳбар ходимларни номма ном айтиш имконига, афсуски эга эмасман. Бундай ютуқлар республикамизнинг ҳар бир жойида мавжуд.

Гап одамларнинг номида эмас, албатта. Гап республикамизга ярим аср мобайнида зиё тарқатиб келаётган муҳтарам ўқитувчиларимиз, уларнинг беминнат, лекин машаққатли меҳнатларидадир. Улар меҳнатининг самараси ва зиёсида. Пахтакор пахта етиштиради. Богбон мева, конструктор машиналар ихтиро қилади, рассом расм чизади, врач даволайди. Агар сиз менинг қўлимга тарози тутқазиб, бир палласига барча касб эгалари ишини, иккинчи палласига ўқитувчи ишини солиб, «қайси томони оғир?» деб савол бергудек бўлсангиз, иккинчи палласини кўрсатган бўлардим.

Ўқитувчи ёлғиз билим бермайди, у гўдакни одам қилади. Ҳар бир гўдакнинг характери ўқитувчи кўзи олдида шакллана боради. У синфдаги бир нечта ўн боланинг хулқи, билим ўзлаштиришидан мамнун бўлса-ю, бирор

бола интизомсизлик қилиб снф ёхуд ўқитувчи шаънига доғ текизадиган бўлса, ўша купи муаллимнинг еган-ичгани татимайди, юзидан табассум ўчади. Қалбини ғам-алам қоплаб олади. Ўз касбини муқаддас билиб, бутун куч, билим, ақл-идрокини халқ маорифи ишига бағишлаган бундай ўқитувчилар бизда оз дейсизми? Ўқитувчилар куни муносабати билан ёзган бир мақоламда айтган қуйидаги сўзимни бу ерда ҳам такрорлагим келди... Совет ўқитувчилари коммунистик фан зиёси билан зулматни ёритадилар, хурофот ва бидъат илдизини қуритадилар. Совет ўқитувчиси заковати туфайли янги дунёнинг янги одамлари етиша боради.

Ҳа, сизлардан билим, зиё олган кекса, ўрта ёшдаги авлод ўз қўли билан коммунизм қурмоқда. Меҳри, дили зиёси билан чаманзорларимизга гўзаллик бахш этмоқдалар. Энди эртаги коммунизмнинг соҳибкорлари ёш авлодни давримизга муносиб қилиб тарбиялаш Сиз муҳтарам ўқитувчилардан янги йилда ҳам ғайрат, туганмас куч, метин ирода, оталарча меҳр-муҳаббат талаб қилади.

Янги йилнингиз муборак бўлсин! Ишларингиз ўнгидан келаверсин, касбдошлар!

Тошкент зилзиласи тўғрисида кўпгина гаплар бўлиб ўтди. Бу фожиа ҳақида кейинчалик ҳам гаплар бўлиши шубҳасиз. Бироқ гапдан гапнинг фарқи бор. Зилзила тошкентликлар учун ногаҳоний офат бўлди. Яқин икки ойдирик, ҳамшаҳарларимизнинг ҳузур-ҳаловати бузилган. Зилзиладаки кулфат тортганлар сопи Тошкент аҳолисининг учдап бирини ташкил қилади. Бу оғир кулфат. Минглаб одамлар бошпанасиз қолдилар. Болалар боғчалари, мактаб, кино-театрлар, завод-фабрикалар, жамоат биноларидан бир қанчалари шикастланди. Бахтимизга қурбонлар кам бўлди, улар бармоқ билап санарли.

Тарих Тошкент зилзиласига ўхшаш кўплаб офатларни кўрган. Лекин шуни дадил айта оламани, офатлар оқибатини тугатишда уюшқоқлик, ҳамжиҳатлик, одамлар оғирини енгил қилиш йўлидаги сабот ва матонат намуналари ҳозиргидек ҳеч қачон кўрилмаган. Бунинг учун далил-исбот келтириб ўтиришнинг ҳожати бормикин. Халқимизда дўст кулфатда синалар, деган нақл бор. Кишиларимиз орасида буюк дўстлик ва ҳамжиҳатлик Ватанимиз бошига оғир кунлар тушган йилларда — граждандар ва Улуғ Ватан уруши йилларида ўзининг ёрқин ифодасини топган эди. Ана шу ҳамжиҳатлик ва ҳақиқий биродарликни ҳозирги кунларда пойтахтимизда амалга оширилаётган буюк ишлар тимсолида ҳам кўриб турибмиз. Мамлакатимиздаги барча қардош халқларнинг нигоҳи ҳозирда Тошкентга қаратилган. Архитекторлар, қурувчилар ва инженерлар, қурилиш материаллари шахримизга пайдар-пай келмоқда. Қардош рус, украин, белорус, қозоқ, қирғиз — қўйингчи, бепоён юртимиздаги барча миллату элатлар ўлкамизга ўз материаллари билан келиб, ҳинмат камарини белга маҳкам боғлаган ҳолда, Тошкентимизни қайта қурмоқдалар. Азалдан дўстлик шахри бўлган Тошкентимиз бундан

буён ҳам Шарқда машғал, ёруғ юлдуз бўлиб қолади. Қардошларимиз қалб ҳароратлари билан унинг ҳуснига ҳусн қўшмоқдалар. Яқин кунлар ичида киши қараб тўймайдиган кўплаб муҳташам бинолар ҳад кўтаради. Булар буюк дўстлигимизнинг тимсоли, коммунистик меҳнат кишилари ақлу заковатининг, коллектив куч-қудратининг намунаси бўлиб қолади. Авлодларимиз булардан фахрланиб юражаклар.

Яқин ўтмишда Ўзбекистонда, жумладан, Тошкентда ёз бу қадар иссиқ келмаган эди. Бунақанги иссиқликларга кўнгиб қолган бўлишимиздан қатъий назар, анча нотинчимиз. Ҳарорат қирқ даражадан пастга тушмаяпти. Турли республикалардан келган биродарларимиз бу иссиққа парво қилмай, мардонавор ишлаяптилар. Улар уйлари шикастланганидан кўча-кўйларда тикилган чодирларда, омонат бошпаналарда яшаётган биродарларини тезроқ янги уйларга кўчириш иштиёқида ёнмоқдалар.

Ҳар бир тирик жон зилзила оқибатларини тезроқ туғатишга ҳаракат қиляпти, ўзича жонбозлик кўрсатяпти. Сабот ва матонат кишиларимизнинг асосий фазилати бўлиб қоляпти, бу йўлдаги баъзи тўсиқларга кескин зарба берилляпти.

Зилзиланинг ўн бешинчи кун бўлса керак, кўчадан ўтаётиб кимнингдир дарғазаб сўзларини эшитиб қолдим.

— Эчкига жон қайғуси, қассобга ёғ! Ҳе, ўргилиб кетдим бунақа художўйлардан!

— Ҳа, нега яна хуноб бўляпсан? — иккинчи бир одамнинг овози эшитилди.

— Худойинга пул тўплашяпти. Атаганингиз бўлса кечикманг.

— Ўзлари ҳам атаганимдилар?

— Билмоқчи бўлсалар, яшнрадиган нарсам йўқ. Ушим вайрон бўлиб ётибди. Бешта гўдак билан чодирдамиз. Гапни қараг: зилзила худонинг хоҳиши билан бўлганмиш. Худо йўлига бир нарса атасак, зилзила тўхтармиш. Хўш, бу гапга нима дейсиз?

Шофёр йилит газаби қайнаб, асаби қўзиб гап-рарди.

— Мендан сўрайдиган бўлсанг, бу гапларнинг ортиқча, укам. Ота-бобомиздан қолган расм-русм бор. Жонлиқ олиб қон чиқаришмоқчи бўлишса, ўзларига қўйиб беравер.

— Мен сизга қойил қолмадим, ака,— шофёр йигит баттар тутақди.

— Ихтиёринг.

— Ихтиёрим бўлса, гап шу. Бир эмас, ўнга ҳўкиз олиб сўйганда ҳам зилзила тўхтамайди. Уни тўхтатиш мумкин бўлса, ҳукуматимиз қараб ўтирмасди. У эмас, бу эмас, текинхўр художўйларга баҳона топилди. Уларнинг художўйлиги қоринни ўйлаб, чўнтакни қаппайтиришдан нарига ўтмайди. Агар улар чинакам халқ ғамини ейдиган одамлар бўлишса, чодирларда истиқомат қилаётганларнинг нега ҳолидан хабар олишмайди? Ҳукуматимизга раҳмат. Шартнома бўйича сугурта идорасидан пул олдим. Кеча тегишли комиссия аъзолари маҳалладаги уйларни бирма-бир кўриб чиқишди. Бунинг учун ҳар қанча раҳмат айтса бўлади. Ўрни келганда шуни ҳам айта қолай,— деди шофёр йигит.— Кеча маҳалламизда йиғилиш бўлди. Райижроком раисининг ўринбосари суҳбат ўтказди. Билсак, уйи бутунлай бузилган одамларга хоҳласа уй, бўлмаса ер участкаси берилар экан. Биз учта ака-укамиз. Уйимиз вайрон бўлган, ўзингиздан ўтар гап йўқ, ўн бўйра ўрни бўлса ҳам тўртта дарахт, гул ўтқазиб айшини сурганга нима етсин.

— Участка қурмоқчиман денг?— яқинроқ бориб гап-га аралашдим.

— Ҳа, участка қурмоқчи бўлганларга ҳукуматимиз еб кетарга беш юз сўм пул, ўн икки йил муддат билан 1500 сўм қарз, керакли материаллар берар экан. Бу жуда катта ёрдам. Ҳукуматимиздан ўла-ўлгунча миннатдор бўлсак арзийди. Лекин бир масалада сизнинг маслаҳатингизга муҳтожман.

— Масалан?

— Участкага райижрокомдан план олиш учун уйимни теп-текис қилиб, актини топширишим керак эмиш. Бўлмаса план ҳам, участка ҳам берилмас экан. Менимча, мана шу жойи хомроқ ўйланганга ўхшайди.

— Сабаб?

— Ўзингиз ҳам участка қуриб ташвишини тортган-сиз-ку. Уч-тўрт ой ичида участка қуриб олиш ҳазил иш эмас. Ҳар қалай, уй бузилган бўлса ҳам ҳовли туради-ку. Ремонт қилиб бир йилча амаллаб турса бўлади-ку. Шу орада участкага ҳам уннаб кетамиз. Бу йилча деворини кўтарсак, келгуси йили ёпамиз. Эски ҳовлини бузиб ташлаб, участка битмай очиқда қолсак нима бўлади?

Райондаги ўртоқлар масаланинг бу томонини дурустроқ ўйлашмаганга ўхшайди. Шунга қандай қарайсиз?

— Ўйлаб кўриш зарурга ўхшайди. Зарур бўлган чоқда бузиладиган уй акти бир йилдан кейин ҳам топширилса бўладиган гап. Мабодо эски уйнинг ўрнида янгиси қад кўтарадиган бўлса, бузмай илож йўқ. Ҳар бир кишининг талабини шароитга қараб қондирилса, оқилона иш бўларди.

Ганим маъқул келди шекилли, шофёр йигит мамнун бош ирғади. У елкасидан катта тоғ ағдарилгандай енгил нафас олди.

Зилзила оқибатларини тугатишда ҳали қиладиган анча ишларимиз бор. Бунда қўлимиздан келганча ҳиссамизни қўшиб, шаҳримизни тезроқ тиклашимиз, уни аввалгидан ҳам кўркамлаштиришимиз керак.

Халқ бошига қулфат тушган ҳозирги кунларда ўз нафсини ўйлаган айрим тамағир диндорлар, миш-миш тарқатувчи ғирромлар, бир кунлик ишни беш кунга чўзадиган бюрократларнинг танобини тортиб қўйишни унутмаслик зарур. Эл-юрт манфаати ҳар бир нарсадан устун ва улур.

1966 йил, июнь

Бир минг тўққиз юз ўттиз тўртинчи йил. Август ойининг ўн тўққизинчи куни бўлса керак. Москва ҳавоси ҳар қачонгидан ҳам тишиқ, кўча-кўйда ўз тирикчилиги, ташвишида юрган ёш-қари москваликларнинг юзларида табассум, кўзларида шод-хуррамлик.

Бутуниттифоқ Совет ёзувчиларининг Биринчи съезди очилаётган кун. Мингларча москвалик ва турли шаҳар, қишлоқлардан келган меҳмонлар союзлар уйининг колонна зали биноси олдига тўпланишган. Ҳамма олазарак. Халқ кимнидир кутмоқда.

СССР Ёзувчилари тарихий Биринчи съездининг делегатлари, жумладан, марҳум Зиё Саид, Ҳусайн Шамс, Ойдин Собирова, Фафур Фулом, Ғайратий, Раҳмат Мажидий, мен ва ўнларча бошқа республикалардан келган делегатлар съезд мажлиси очиладиган бинога киролмасдан туриб қолдик. Союзлар уйининг атрофи, кўчалар оломон билан тўлиб-тошган... На отлиқ ва на пиёда милициялар Союзлар уйининг Колонна залига кириш учун йўл очолмас, оломон эгаллаб олган еридан бир қарич ҳам жилолмайди, жилиш учун жой ҳам йўқ. Биз делегатлар ҳам оломонга қўшилиб кетдик, булар орасидан ажралиб чиқиб, залга кириш имкониятидан мутлақо маҳрум эдик.

Оломоннинг кўзи, бутун эътибори катта йўлга қаратилган.

— Келяпти!— деб кимдир қичқирди.

— Худди ана шу машинада келяпти,— деб яна кимдир қичқариб юборди.

Катта йўл оломон билан тўлиб тошганидан, машина

жилолмасдан тўхтаб қолди. Шофёрнинг «Йўл очинглар!» маъносида бераётган сигнали бефойда эди. Отлиқ ва пнёда милиция отряди одамларга бақириб-чақириб машинага йўл очиб беришга ундар эди. Орадан бир неча минут ўтар-ўтмай машинани одамлар ўраб олди.

— Горький!

— Алексей Максимович Горькийга ура!

— Ура!.. Ура! Ура! Севимли ёзувчимизга ура! — садолари янграб, бутун халқ — ёш-қари, аёл-эркак, қиз-йигитлар бир оҳангда қарсак чалишарди.

Машина оломон қуршовида қолди. Ҳамма машинага интиладн. Машина одамлар исканжасига тушиб қолганидан, унинг эшигини ҳам очиб бўлмас эди.

Одамлар машина ичида Алексей Максимович бор-йўқлигига шубҳа қилиб:

— Балким машина ичидаги бошқа одамдир, — деса, машинага яқинроқ турган бир одам баланд овозда жавоб берди:

— Ўртоқлар! Алексей Максимовичнинг ўзгинаси. Ана, ана, мўйловидан тапиб турибман...

Бу ҳақиқатни эшитган оломон тобора машинага яқинлашши учун талпинарди.

Милиция ва оломон ичидаги бақувват, эпчил йигитлар ёрдамида машинанинг олдини тўсиб олган одамлар орқага, ёнга сурилиб оз бўлсада йўл очилди. Машина бино эшиги томон силжиб етди ва ниҳоят, Алексей Максимович Горький узун қоматини базўр икки букиб машина эшигидан чиқди-да, тик туриб олиб, ўз севимли китобхонларига қўшилиб қарсак чала бошлади.

Тинимсиз қарсак ва «Ура!» садолари янграр эди. Улуғ Горький баъзап қарсак чалишдан ўзини тийиб одамларга боқиб жилмаяр, узун хушмўйловини силаб, қуюқ қош тағнда порлаб турган теран кўзини тикиб дунёда энг севган ва қадрлаган нарсаси — одамларга чексиз меҳр-муҳаббатини изҳор қиларди.

Милиция ходимлари одамлар орасини ёриб дарвозага йўл олди. Энди улуғ ёзувчи учун Союзлар уйи Коломна залига йўл очиқ. У ўзи севган китобхонлари билан хайрлашуви, ўз ташаббуси билан таъсис этилган тарихий съезд мажлисини очиши мумкин. Уша дамда бутун дунё жамоатчилигининг кўзи Москвага тикил-

ган. Улар улуғ совет ёзувчиси Горькийнинг совет адабиёти ва совет ёзувчилари зиммасига тарих юклаётган вазифалар тўғрисидаги докладини эшитишга муш-тоқ.

Алексей Максимович Горький ўзига қаратилган мингларча меҳрибон кўзлардан кўз узолмай тик туриб қолди. У гоҳ жилмайиб, гоҳ хушбичим мўйловини силаб, гоҳ қарсак чалиб ўз ҳаяжонини боса олмаётган китобхон ва томошабинларини тинчитмоқчи бўлар эди. Лекин халқ вулқондек қайнаб тўлқинланар, уни сира тинчитиш мумкин бўлмаганди.

Мана шу вулқон оқимида зарра учқун бўлиб мен ҳам қотишгандим. Китобларини ўқиб, қалбимни мафтун қилган улуғ совет ёзувчиси, буюк устоз Алексей Максимович билан биринчи учрашувим шу зайлда бўлган эди.

Союзлар уйининг Колонна зали делегат ва меҳмонлар билан лиқ тўла. Ҳамманинг кўзи саҳнада. Негадир менинг юрагим така-пука. Ҳамманинг нигоҳи, бутун эътибори саҳнага қаратилган. Минг-минг одамларни ўз қучоғига олган Колонна зали жимжит. Бирдан қарсак гуриллади. Бўйдор, озгин, хуш мўйлов Горький ёқимтой табассум билан саҳнада кўринди. Пальто ва шляпасиз, костюмда кўринди. Стол олдига келиб, у ҳам қарсак чала бошлади. Хиёл бошини қийшайтириб залнинг у, бу томонига, болохонага нигоҳ ташлаб қўярди.

Қарсак тинмасди. Алексей Максимович бўлса, бас қила қоллиглар, деган маънода бош қимирлатиб, нутқи ёзилган қоғозга қараб, зал тинчишини кутарди. Аммо зал тинимсиз, ҳар қаер-ҳар қаердан Горький, адабиёт ва партиямиз шаънига шиорлар отилиб турарди.

Зални тинчитиш иложи бўлмаганидан Алексей Максимович қовоғини уюб ўтириб олди. Шунда қарсак бир оз сусайди. Бу Алексей Максимовичга хуш келиб жилмайиб ўрнидан турди.

— Азиз ўртоқлар!..

Қарсак тиниб зал энди жимиган эди, киночилар, фотографлар чаққонлик кўрсатиб ишга киришиб кетдилар. Проекторлар кўз очирмас даражада саҳнага шуъла сочганида Горькийнинг ғаши келди. Олдин мулоимлик билан: «Ишга халақит беряпсизлар, ўртоқлар!»— деб

киночи ва фотографларга путқи орасида гап суқиб қўярди. Лекин киночи ва фотографлар ҳам ишлашлари керак-да. Проекторлар яна ёниб, уларнинг шуъласи Алексей Максимовичга тўғриланди. Бу гал Горький чинакамига хафа бўлиб:

— Ишлашга қўясизларми-йўқми?— деди сўзлашдан тўхтаб.

Киночилар аҳволнинг жиддийлашганини пайқаб, дарҳол доғ-дастгоҳин йиғиштириб, четга чиқинди.

Алексей Максимович совет адабиёти ҳақидаги докладини бошлади. У шошмасдан, салмоқлаб гапирар экан, залда унинг путқи ва ҳар замон-ҳар замонда «уҳу-уҳу» деб йўталишдан бошқа товуш эшитилмасди. Устоз гапларини тушуниб олпш учун бутун вужудим билан тинглардим. Баъзан тушунолмай хунобим ошарди, шунда ёнимда ўтирган Зиё Сандга секин мурожаат қилиб: «Нима дедилар, нима дедилар?»— деб сўрагудек бўлсам, у: «Қулоқ сол! Қулоқ сол!» деб кўзини Горькийдан узмасди.

Алексей Максимович умуминсоний адабиёт тўғрисида, инсон онгини ўзгартиришга қодир чинакам социалистик реализм адабиётини вужудга келтириш, халқ, партия ишига жон-дил билан берилган, замондошлари билан ҳамнафас совет ёзувчилари отрядини тарбиялаш, ёш ёзувчи кадрларга оталарча ғамхўрлик қилиш, ёзувчилик маҳорати тўғрисидаги сўзлари менга тушунарли эди. «Мен совет адабиёти фақат рус тилидаги адабиёт эмас, балки Бутуниттифоқ адабиёти эканлигини уқтиришни зарур деб ҳисоблайман. Чунки қардош республикаларнинг ёзувчилари биздан фақат тиллари жиҳатидан фарқланиб, капитализм томонидан парчаланиб ташланган меҳнаткашлар оламинин бирлаштирган гоялар иури ва уларнинг самарали таъсирида яшаб, ижод этмоқдалар»,— деб уқдирган сўзларни улуғ Горький оғзидан эшитганман.

Устознинг миллий адабиётга ғамхўрлиги, унга берган юксак баҳоси бизлар учун беқиёс маънавий озик ва мадад бўлганди. Биз устознинг 100 йиллигини нишонлаётган кунларимизда, ўзбек совет адабиёти иттифоқимиздан таниқарига қардош эллар ва Европа мамлакатлари китобхоналарига бориб етишш реалист даҳо Горькийимизнинг номи билан бевосита боғлиқ эканини эътироф қиламиз ва фахрланамиз.

ВКП (б) Марказқўмнинг «Адабиёт ва бадний ташкилотларини қайта қуриш» тўғрисида 1932 йил 23 апрелда чиқарган қарори билан Горький аввал Бутуниттифоқ Ёзувчилар союзи ташкилоти комитети раиси, Бутуниттифоқ Ёзувчиларининг биринчи съездидан сўнг Бутуниттифоқ совет Ёзувчилар союзининг раиси сифатида адабий ҳаракатга бевосита раҳбарлик қилди. Айни бир вақтда, миллий республикалар, шу жумладан, Ўзбекистон республикасида ҳам шундай ташкилот тузилди. Ўзбекистон ёзувчилари Бутуниттифоқ съездида қуруқ қўл билан бормадн. Ғ Ғуломнинг «Кўкан батрак» поэмаси, «Ўзбекистон», «Тўй» шеърлари, Ғайратийнинг «Онамга хат», Уйғуннинг «Коммунизм гул боғларида», Ғ. Олимжоннинг «Бахтлар водийси», «Маҳорат», Ғ. Пўлатнинг «Полвон», Ойбекнинг «Дилбар давр қизи» поэмалари, Ойдиннинг «Тингла, кўзим», Садриддин Айнийнинг «Қуллар», А. Қаҳҳорнинг «Сароб», Ғ. Шамснинг «Душман», А. Қодирийнинг «Обид кетмон» романлари, Зиё Саид, Яшин, З. Фатҳуллин, У. Исмоилов, Анқабой ва бошқаларнинг драма асарлари худди шу даврнинг ҳосили эдики, совет ёзувчиларининг Бутуниттифоқ биринчи съездида қўшимча доклад қилган Раҳмат Мажидий, Зиё Саид ўртоқларнинг мисоллари юқорида келтирилган далилларга асосланган эди.

СССР Ёзувчиларининг биринчи съезди совет адабиётининг ривожига асос солди. Горький солган бу асос бугун камолот чўққисига парвоз қилиб бормоқда. Съезд горькийча мазмун кашф этган эди, унинг ташаббуси билан ташкил топган ижодий союз ва унинг отрядлари Горький традицияларига содиқ бўлиб келди ва келажакда ҳам шундай бўлиб қолади.

Мен Горькийдек улуг сиймо билан замондош бўлганим учун бахтиёрман.

Мен бутун адабий фаолиятимда Горький адабий мактабидан баҳраманд бўлиб келаётган кўн мингли шоғирдларининг энг ушуги сифатида Горькийдек ростўй, принципиал, одамларга ғамхўр, совет халқига беминнат дастёр бўлиш учун ҳаракат қилиб келдим. Бундан сўнг ҳам халққа, коммунистик партияга содиқ бўлиб қоламан.

Чинакам ишчилар, меҳнаткаш халқ ва зиёлилар манфаатини ёқлаб, унга истиқбол йўлини равшан кўрсата олган, ўз кўлами, эътибори билан Горькийга тенг

келадиган чинакам ёзувчи дунёда камдан-кам бўлса керак.

Ғам-қайғуда, шод ва хуррамликда халқ билан ҳам-дард бўлиб, халқ ҳаётини куйлаган ёзувчигина халқ юрагига йўл топа олади. Улуғ Горький ўзининг шоҳ асарлари билан халқ қалбини забт эта олган биринчи ва так-рорланмас совет ёзувчиси эди.

Мана, биз совет ёзувчилари ўз адабий фаолиятимизда кимга тақлид қилишимиз ва кимдан кўпроқ ўрганишимиз керак.

Улмас Горькийнинг умри, адабий мероси қуёшдек барқарор. Горький совет ёзувчиларининг байроқдори эди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

1968 йил, март.

Бу йилги ўқиш ленинча ўқиш йили шиори остида ўтиши керак. Бу нима дегани, ленинча ўқишнинг чуқур маъноси нима ўзи? Ленинча ўқишни ўқувчи ёшлар кимдан ўрганадилар? Ленинча ўқитиш учун ўқитувчининг ўзида етарли тайёргарлик бўлиши шарт! Масаланинг олтин қозиғи мана нимада!

Ўрни келиб қолди, ўтмишимиздан бир шингил ҳикоя, Октябрь инқилоби ғалаба қилиб Совет ҳокимияти барпо этилган биринчи йил. Юртимизнинг ҳамма қишлоқ-шаҳарларида бўлганидек, Жиззахда ҳам Шўро мактаблари очилган эди. Кўп эмас, Жиззах эски шаҳрида атиги тўрт-беш мактаб. Шунини айтиш керакки, номига мактаб эди-ю, ўқиш ўқитиш учун лозим бўлган ҳеч қандай шарт-шароит йўқ эди. Дуруст, рус-тузем мактабининг 4 — 5 донадан иборат парта, доска ва ойнавандлик биноти — Оқ уйни эътиборга олмаганда, мактаббоп иморат йўқ эди. Мавжуд иморатларнинг кўпи қўзғолон кунларида жазо отряди қўйган ўтда ёниб кул бўлган.

Эплаб-сеплаб мактаб учун кулбалар ҳам тикланди. Аммо ўқиши керак бўлган ўғил болаларнинг (қиз болалар мактабга тортилмаганди) на оёғида бор ва на бошида, ярим яланғоч, оч-наҳор кун кечиришарди. Ёш советлар ҳокимияти қашшоқ бўлишига қарамай, мактабларда улкан дошқозон қурилиб, ҳар куни болаларга иссиқ овқат берилган, улар бош-оёқ кийинтирилган эди. Яна шунини эслатишим керакки, у пайтда на китоб ва на дафтар, қалам бор эди. Доска сингари кичик тош дафтарга кесак қалам билан ёзиб, сўнг латта билан ўчириб, яна ёзардик.

Бу ҳаёт биз ёшлар учун янгилик эди. Биз ана шу янгилик билан бахтиёр эдик. Чунки ўқитувчимиз мулла Хотам Турсунов: «Ўғилларим! Бу бахтли келажакларингизнинг бошланиши. Ҳали ажойиб, бахтиёр кунларингиз

олдинда. Бундай бахтга сизларни ёр қилган Ленин ота-пи дуо қилинглари! Ленин ота дунё тургунча турсинлар, сиз, бизнинг бахтимизга!»— деганлари ҳали-ҳали ёдимда. Биз болалик соддалиги билан Ленин отамиз дунё тургунча турсинлар дер эдик. Биз чуғурчиқ сингари чуғурлашиб, домламиздан Ленин ота тўғрисида сўзлаб беришни сўрардик. Шунда ҳурматли домламиз: «Владимир Ильич Ульянов Ленин 1870 йилнинг 22 апрелида Симбирск шаҳрида туғилди. Ленин ёшлик чоғиданоқ бойларга, золимларга, подшоҳларга қарши кураш бошлади. Бизнинг шаҳримизни ёндиришга, қўзғолончиларни отиб, осиб ўлдиришга, тирик қолганларини сувсиз чўлга бадарга қилишга фармон берган Николай золимининг пайига тушди. Ишчи-деҳқонларни бирлаштириб, «Иштирокиюн» фирқасини тузди. Шу фирқага ўзи раҳбар бўлиб, Николай золимни тахтдан тобутга тортди. Сиз билан бизга ўхшаган йўқсулларни қулликдан озод қилди. Энди у бошқа мамлакатларда мулкдор бойлар, капиталистлар асоратида эзилиб, қул бўлиб келаётган миллатларни ҳам озод қилмоқчи».

Иккилобнинг биринчи йилларида Ленин ҳақидаги тушунамиз бундан ортиқ эмасди. Лекин биз яшаб келган эркин, ҳуқуқсиз дунёнинг бирдан ўзгариб қолиши, бу ўзгариш бошида Ленин тургани, биз — болалар учун ҳар қандай бахтдан улуг эди. Биз Ленинни жон-дилимиз билан севиб қолган эдик. Унинг ҳар бир айтган сўзини жон қулоқ бўлиб эшитардик, амалга ошириш учун фидоийлик кўрсатардик. Ёш кашшофдан тортиб комсомолгача, оналаримиздан тортиб оталаримизгача Ленинга бўлган эътиқодлари, меҳр-муҳаббатлари кунлар ўтган сари илдиз ёя борарди. Ҳар бир бола ленинчи бўлишдан фахрланарди.

Мана, орадан ярим аср ўтиб кетди. Ленин гоёлари фақат Россияда эмас, бошқа мамлакатларда ҳам галаба қилиш ва қилмоқда.

Менинг ҳикоям ҳозирги ёшлар учун бир эртадек туюлиши табиий. Негаки, ҳозирги ёшлар мутлақо бошқа шароитда яшаб, бошқа шароитда ўқиб, билим олмақдалар. Лекин фарзандларимиз бир ҳақиқатни доим ёдда тутишлари керак. Ленин гоёларининг душманлари синфий кураш сахнасига бугун чиққанлари йўқ. Улар Ленингача ҳам бор эдилар. Ленинизм душманлари ярим аср мобайнида бир соат ҳам тинмай бизни бахтимиз-

дан — Ленин гоёларининг жаҳоншумул ютуқларидан жудо қилмоқ учун жанг қилмоқдалар, турли-туман иғво тарқатиб, фисқи фасод қўзғамоқдалар. Лекин Ленин — ленинизм шундай қудратга эгадирки, бу кунгача бўлганидек, бундан кейин ҳам ҳар қандай душман боши шу қудратга тегиб мажақланаверадн. Яқин тарих бунга жонли гувоҳ.

Ленин гоёларини ёшларимиз миясига яхшилаб қуйиш, сингдириш учун ленинча ўқш йилини ҳар томонлама муваффақиятли ўтказиш керак. Бунинг учун ўқитувчиларимизнинг ўзлари улуг Лениннинг кўп қиррали ҳаёти ва фаолияти билан чуқур танишмоқлари лозим. Ленин асарларини ўқиб ўзлаштиришдан ташқари, унинг ҳақида ёзилган кўп сонли эсдаликларини қунт билан ўрганиб, аввал ўзлари мағзини чақишлари, сўнг ўқувчиларининг мияларига қуйишлари керак. Ҳикоя эсрикарли бўлишидан эҳтиёт бўлмоқ лозим. Уғил-қизларни Ленин ёшлигига тақлид қилишга ундаш билан, ҳар бир ўқитувчининг ўзи ҳам Ленин сингари ростгўй, нуқсонларга мурасасиз, жонкуяр мураббий ва устоз бўлмоғи шарт. Меҳнатсевар бўлишга, катталарни ҳурмат қилишга, одоб-ахлоқда намуна кўрсатишга, Ватанга чексиз муҳаббат қўйишга одатлантириш ва бу мақсадга эришиш учун, аввало, ўқитувчиларнинг ўзлари ҳар қандай зарарли урф-одатлардан пок, ҳақиқий зиё тарқатувчи, дунё воқеаларидан хабардор, ҳозиржавоб бўлишлари керак.

Бола тарбияси оиладан сўнг богчада бошланадн. Қайси бир богча боласи кўчада учраганларга салом бермаса, билингки, у богчада тарбия яхши йўлга қўйилмаган деса бўлади. Богча боласи ва мактаб ўқувчиси мактабга бориш ёки қайтишда кўчадаги дарахтларни синдирса, уй деворларини чизиб ўтса, электр лампочкаларини тош, рогатка отиб чил-чил қилса, билингки, у қатнайдиган богча, у ўқийдиган мактаб, у яшайдиган оилада тарбия яхши йўлга қўйилмаган дейишга асос бор. Агар мен келтирган бу мисолни «майда» деб қаровчилар бўлса хато қиладилар. Давлат жамоат мулкани эҳтиёт қилишга одатлантириш ана шундай «майда-чуйда» дан бошланадн.

Қуш уясида кўрганни қиладн, деган гап бор. Агар биз бу мақолга амал қилиб, бола тарбияси, унинг ахлоқ-одобини фақат онла доирасига боғлаб қўйсак, рўй

берган ҳозирги янги шароитга тўғри келмайди. Масалан, шу кунларда ёшларнинг кийинишини олиб кўринг. Ҳозир қизлар, ёш жувонлар орасида кўйлакни тиззадан юқори чиқариб, йўгон сонини ошкора «бозорга» солиш одатга кириб бормоқда. Жамоат гавжум ерларда ярим яланғоч, фақат кўкракларини, яна бир ерларини шунчаки кўзга яқин бўлсин учун пича ннқоблаган ҳолда намоён қилиб юрувчи ёш аёллар пайдо бўла бошлади. Ҳаммадан бурун қиз бола — аёл киши учун ҳаё, қизлик иффати, назокати, гўзаллик унинг маънавий бойлигидир. Бадий асарларимиздаги ҳақиқий севги, муҳаббат тўғрисидаги олижаноб мулоҳазалар лофчининг лофига ўхшаб қолаётир. Ҳаё бўлмаган ерда гўзаллик нима қилсин! Маънавий гўзаллик бўлмаган ерда севги-муҳаббат нима қилсин! Алҳазар, баъзи ёшларимиздаги бу юқумли касал ривож топиб кетса, унинг оқибати инсонга бир умр кетмас шармандалик — доғ бўлиб қолиши турган гап. Дард яллиғланиб кетмай туриб олди олинса, даво шунча тез таъсир қилади.

Етти мингдан ортиқ умумий таълим мактабларидаги 3 миллион 200 минг ўқувчи ўғил-қизларимиз 160 мингдан ортиқ ўқитувчиларимиз қўлида. Бу кичик армия эмас. Ҳар бир ўқитувчи камида йигирма-ўттиз ўғил-қиз ўқувчининг тақдири учун жавобгар. Бу рақамга ҳали олий ўқув юртлари кирмайди. Ҳамма ерда ҳам комсомол, касаба союз, партия ташкилотлари мавжуд. Агар бизда коммунистик ахлоққа зид кўринишлар, жумладан, беҳаё кийиниш, жамоат орасида ўзини тутат билмаслик, мешчанлик, қўполлик қораланса, оғирнинг устини, енгилнинг остини мўлжалга олиб яшовчиларга яхшилаб дакки берилса, агар ножўя кийиниш, мешчанлик, худбинликни такрор давом эттирган тақдирларида ташкилий чора кўриш назарда тутилса, мен ишонаманки, ҳаёсини йўқота бошлаган ёш ўз хатосига тушунади, кўпчилик даъватига бўйсуниб, ўзини тузатишга мажбур бўлади. Афсуски, кўп ҳолларда биз қуруқ гап билан овора бўлиб, амалий ишга, чораларга ўта олмаёпмиз!

Фурсатдан фойдаланиб, яна бир муҳим масалага тўхтамоқчиман. Мен мисолга олган 7 мингдан ортиқ умумий таълим мактабини ҳар йили неча ўн минглаб ёшлар тугатади. Истисносиз, уларнинг катта кўпчилиги олий ўқув юртларига киришга ҳаракат қилади. Шундай гап ҳам ҳақиқатки, қабул комиссиялари ихтиёридаги



4. Ёзувчи Назир Сафаров ўз китобхоналари орасида. Ёзувчининг 60 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган кўп учрашувлардан бири. Унгдан чапга: Кува районидаги, ёзувчи фахрий аъзо бўлган «Коммунизм» колхозининг раиси М. Шербўтаев ва М. Раҳматов. Ёзувчи Н. Сафаров дастхат ёзиб бермоқда. 1965.

бир ўринга ўттизлаб талабгор бор. Буларнинг ҳаммаси ҳам олий мактабда ўқиш иштиёқи билан ёнишади. Бировларда олий ўқув юрти талабига етарли билим бўлса, бировларда у йўқ. Гап шундаки, ўша йўқлар ҳам бутун қабул даврида ғужғон ўйнаб гирдикапалак бўлиб юрадилар. Кўп ҳолларда болалари орқасидан ота-оналари ёки яқин кишилари эргашиб келишади. Улар болаларининг билимига суяниш ўрнига воситачилар қидиришади. «Бир бало қиласиз», «нима қилсангиз ҳам институтга киритмасангиз бўлмайди» дейишиб, одамларнинг бошини қотирадилар. Бир ўринга 10, 20, 30 бўлажак студент жазман бўлгандан сўнг, ким имтиҳонни камида «4», «5» га топширган бўлса, ўша қабул қилинади, албатта. Мен демоқчиманки, «4», «5» баҳога ўқий оладиган, ўн йил давомида юқори баҳоларда ўқиб келаётган ёки зўр-базўр «3» га илиниб келаётган ўқувчилар мактаб раҳбарларига маълум-ку, ахир! Умумий таълим мактабларида масала шундай қўйилсаки, кимда-ким «4», «5»га ўқий олса, ўн йиллар давомида «яхшичи», «аълочи» бўлиб ўқиса, ўшаларнигина олий ўқув юртларига тавсия қилинади, деган шарт қўйиб, ўқувчиларни яхши ўқишга қизиқтириб борилса, албатта, қобилиятли болалар ажрала борган бўларди, қобилияти етарли бўлмаганлар эса, «эслари борида этакларини ёпиб», саккиз йиллик мактабни тугатиш биланоқ бирон фойдали ҳунарнинг бошини тутиб кетган бўлардилар. Ўқишни эса, ҳунар-техника билим юртларида, кечки (сменалик) мактабларда давом эттириб, ўрта маълумот олишлари, олий ўқув юртларида сиртдан ўқишлари мумкин. Ҳозир бизда шундай қилаётган ёшларимиз оз эмас. Бунинг учун ҳамма шароитлар яратиб қўйилган. Бу тўғрида ўйласак, бош қотирсак арзийди.

Барча ғалабаларимизнинг соҳиби, сабабчиси, улуғ дарға Лениннинг 100 йиллигига тайёргарлик бораётган шу дамларда, ленинча ўқиш йилини улкан муваффақиятлар билан якунлашда маориф ходимларига, кўп минг сонли ўқитувчиларимизга туганмас куч-ғайрат, сиҳат-саломатлик, олижаноб ишларида буюк зафарлар тилаймиз.

1968 йил, сентябрь.

Юрган дарё, ўтирган бўйра дейишади, кексалар. Ҳақ гап. Тошкентдан Хоразмга самолётда учиб бориш учун атиги бир чойнак чойни майдалаб ичиб тугатгунча вақт талаб қилинар экан. Ҳафсаласизликни кўрингки, ёшим олтмиш бешга етганда менга Хоразм ўлкасини зиёрат қилиш насиб бўлса-я! Ёзувчи киши учун бу ҳол катта нуқсон!—деб пушаймон қилсам.—Ҳа, нима бўлибди? Хоразмни кўрмасайиз-кўрмабсиз-да! Шунга шунча куйинишми!—деб менга тасалли берган бўлди бир ўртоғим. Йўқ, кимки Хоразмни кўрмабди, дунёга келмабди! Хоразмни кўриш, уни ўрганиш, ҳали тўла-тўқис ўрганиб етилмаган қадимий Хоразм маданияти, адабиёти, санъати, фанини яратган, ижод қилган боболаримизни, улар қолдириб кетган мерос ва ёдгорликлар билан яқиндан таниш бўлмай туриб, биз кимлигимизни била олмаймиз. Дуруст, қадимий Хоразм маданиятини ўрганиб тўла тушунча ҳосил қилиш учун фақат Хоразмга бориб келишнинг ўзи кифоя қилмайди. Хоразм тарихига оид мавжуд илмий тадқиқот, тарихий китобларни ўқиш, ўқишгина эмас, уқиб олиш ҳам зарур. Аммо Хоразм тўғрисида ҳеч нарса ўқимаган, билмаган киши ҳам ҳатто бир бор у мўъжизакор ўлкага бориб, у ердаги ёдгорликлар билан танишишининг ўзи ҳам, ўз аجدодлари ўтмишидан хабардор бўлиш учун ажойиб «ойинаи жаҳон» бўла олади.

Бошқа ўнлаб ёдгорликларни қўя туриб, фақат Паҳлавон Маҳмуд мақбарасини олайлик. Мақбара 1810 — 1835 йилларда Мадраҳимхон 1 замонида қўли гул ўзбек кошинкор усталари томонидан яратилган.

«Уч юз Қўҳиқопни келида туймоқ,
Дил қопдан бермак фалакка бўёқ.
Ённки юз йил зиндонда ётмоқ,
Нодон суҳбатидан кўра яхшироқ».

Бу олмос сатрлар муаллифи буюк шоир ва мутафаккир Паҳлавон Маҳмудга қўйилган ёдгорлик, қадимий Хоразм усталари қандай мўъжизавор санъат обидаларини яратишга қодир бўлганликларидан гувоҳлик бериб турибди.

Хоразм деганда — дунё маданияти, адабиёти, санъати, фанининг сўнамас юлдузлари эсга олинади, биринчи галда. Бошқаларни қўя туриб икки улуг сиймони тилга олсак:

«...Оралари қарийб икки асрли бир давр билан ажралган икки буюк хоразмлик олим — Беруний ва ундан олдин ўтган Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий ўз илмий образларининг ўхшашлиги билан кишини ҳайратда қолдиради. Хоразмий «араб» математикасига ва у орқали Европа математикасига асос солувчи бўлиши билан бира, Бартольд айтгандек, «араб» жуғрофий фанининг боғловчиси ҳисобланади, ҳар иккала олим ҳам астроном ва математикдирлар... (С. И. Толстов)¹. Бу Хоразм маданияти тарихидан бир шингил мисол холос.

Мени ҳайратда қолдирган яна бир нарсa ўта зулмкор ва дин-шариат ҳукмрон бўлган Хоразм хонликлари замонасида ҳўрланган, ор-номуси оёқ-ости қилиниб, бор-бисоти таланган, ҳақ-ҳуқуқсиз халқнинг беҳад оғир ҳаёти ва кечирган турмушларидан қолдирган излари бўлди.

Бир гуруҳ олимлар: жумладан, тарих фанлари доктори Ҳамид Сулаймонов билан бирликда кекса коммунист, адабиётшунос олим, хоразмлик дўстим Раҳмат Маждидийнинг олтмиш ёшга кириши нишонланиши муносабати билан Хоразмга борганимизда, гилам фабрикасининг тўрт юз чоғлик ишчи аёллари билан бўлган бир учрашувдаги таассурот қалбимда ўчмас из қолдирди.

...Ёш бола эдим. Ҳовли дастёрлиги зиммамда эди. Вақт-вақти билан бозорга қатнаб турардим. Ҳар гал рўзғорга дадам олиб борадиган бирон нарсани олиб келиш учун бозорга борадиган бўлсам, юрагим безилларди. Ҳар гал мен ўтадиган бозор йўлида дорда одам гавдаси осилиб турган бўларди. Баъзан эса кесилган одам боши найзали ёғочга санчилиб қўйилганига дуч келардим. Шундай пайтларда юрагим қинидан чиқиб,

¹ Беруний, Ўрта асрнинг буюк олими китобидан, ЎзССР Фанлар Академияси нашриёти, Тошкент, 1950.

кўзимни чиртта юмиб олиб чошиб ўтардим. Орқамдан биров қувлагандек дод солиб йиғлаб чопардим. Тошга тўқнашиб умбалоқ ошардим... Аёлларни қопга солиб оломон ўртасида калтаклаганларини ҳам ўз кўзим билан кўрганман. Гарчи, бу советлар ҳокимияти замонасида бир эртакка ўхшаб эшитилса-да, менинг бу ҳикоямдан ораларингизда кўзларига ёш олиб йиғлаб ўтирганларни кўриб турибман. Ҳа, меҳнаткаш халқнинг хон ва унинг амалдорлари томонидан кўрган зулм ва азоблари тўғрисида гап борганда, ҳаяжонланмасдан тинч ўтириб тинглаш асло мумкин эмас, албатта. Дорга осилган ва каллалари кесилиб, найзага санчилиб «сазойи» қилинганларнинг гуноҳлари нима эди, дерсиз, албатта. Уларнинг бири адолатсизликдан шикоят қилган бўлса, бошқа бирови ўз қизи — жигарбандининг номусини ҳимоя қилгани, ёнким, шунга ўхшаш зулм, адолатсизликка қарши исёнкорлиги эди.

Зулмкор хон замонаси ваҳшийликларини ўз кўзи билан кўрганлардан бири, жонли гувоҳ — кекса бир тарихчи сифатида ўтмишимизнинг аччиқ ҳақиқатини сўйлаб турибман. Меҳнаткашлар бошига тушган у фожиалар ҳали ёш бола чоғимдаёқ ҳаёт ҳақида ўйлашга мажбур қилган. Бугун сиз билан биз нимаики яхшиликка эришган бўлсак, барчаси улуг доҳиймиз Ленин даҳосидандир. Биз улуг Ленин ва у тузган коммунистлар партиясидан бир умрга миннатдормиз, халқимизга бахш этилган озод-бахтиёр янги замон билан қутлаймиз. Муборакбод қиламан сиз ҳурматли ҳамшаҳарларимни, деган эди ўшанда юбиляримиз Раҳмат Маждий.

Биз Хонқо деб аталиб келган, ҳозирги Янгиариқ райони томон йўл олдик. Биз билан ҳамсафар бўлган Раҳмат оғанинг сафдошлари бўлмиш кекса коммунист Рўзимат Юсупов, Болта Давлатов ўртоқлар Хоразм халқининг инқилобгача бўлган оғир қисмати ва ҳозирги бахтиёр ҳаётлари тўғрисида қувониб, ҳаяжонланиб ҳикоя қилишарди. Зотан, янгидан бунёд этилган кўркам бу чаманзор боғ-роғлар, бири бирига тутшиб кетган яхлит-яхлит пахтазорлар, Хоразм заминига жон бағишлаган каналлар, социалистик маданиятимиз омиллари — мактаб, институтлар, клуб — қироатхоналар, халқ соғлиғини сақлашда муҳим омил — амбулатория, шифохона ва туғруқхоналар, яйловларда яйраб

урчиётган чорва моллари — ҳамма-ҳамма давлат ва жамоат бойликлари шу муҳтарам ота-оналар, ўз тақдирини ўзлари яратаётган, эртанги кунига ишониб, коммунизмга чексиз эътиқод ва эътимод қўйган меҳнаткаш халқнинг ўзи эмасми! Ана шу яратувчи халқ фарзандидан бири, кекса коммунист Раҳмат оға мисолида, унинг актив иштироки билан ташкил топган бир колхоз тарихи тўғрисида ҳикоя қилмоқчимиз.

Минг тўққиз юз йигирма саккизинчи йил. Хоразмда халқ инқилоби ғалаба қилиб, қадимий бу ўлкада Шўролар жумҳурияти ташкил топганига атиги саккиз йил тўлаётган пайт. Гарчи, Хоразм хонлиги тугатилиб ҳокимият меҳнаткаш халқ қўлига ўтган бўлса-да, ҳам хоннинг ҳамтовоқ-ҳаромтомоқ фикрдошлари — руҳоний ва замондошлар, хон амалдорларининг уруғ аймоқлари бой берилган имтиёзларини қайтариш ниятида зимдан қўпоровчилик, ошкора босмачилик ишини олиб борардилар. Бизнинг Раҳмат оғамиз билан бир вақтда Ленин комсомоли сафига кирган, Хоразм ленинчи ёшлар союзининг раҳбар ходимларидан бири, комсомол аъзоси Бибижамол Идрисова билан умр йўлдоши — эрини ўтда ёндириб қийнаб ўлдирган босмачилар ҳам ўша хонлик салтанатидан ажралган, аламзада кимсалар хонлик тузумининг қуроли шайкалари эди. 1924 йилда қизил Москвага ўқишга отланган ўттиз саккиз навқирон Хоразмлик комсомол йигит-қизлардан йигирма икки нафарининг таналарига тош боғлаб Амударёга чўктирган ҳам хоннинг қуроли итваччалари эди. Мана бугун биз, ўша ўттиз саккизларнинг тирик қолганларидан Раҳмат Мажидий билан биргамиз. Бибижамолнинг сафдошлари йигирма икки қаҳрамон ёшлар ўйлаган, орзу қилган янги ҳаёт гулшанида унинг яратувчилари билан ҳамсуҳбат бўлмоқ учун Янгиариқ районидаги «Инқилоб» колхози томон бораётимиз.

Хоразм ўлкасида Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш, комсомол, партия ячейкаларини ташкил қилиш ва уларни мустаҳкамлаш, меҳнатсиз хўжаликларни тугатиб, янги коллектив хўжаликларни вужудга келтиришда, босмачи шайкаларини тор-мор этишда актив иштирок қилган, ниҳоят, Раҳмат оға Мажидий бундан 41 йил бурун район партия комитетининг секретари бўлиб ишлаган, Боғотга—Янгиариқдаги «Инқилоб» колхозига бориб етдик.

— Қадамларингизга ҳасанот,— дея қарши олишди бизларни колхозчилар.

Шу кунгача мотамсаро қуёш бугун кулиб юборса-я.

— Шукурлар бўлсин, қуёш кулиб булут тарқалди, туман кунимиз мунаввар бўлди. Фалакнинг кўз ёши тинди. Боғ-бўстонларимиз, пахта-пайкалларимиз қуёшдан баҳра олиб яна ҳам зумрадланди,— деб шоирона таъриф берди кўзлари ўйнаб турган дўппилик чол.

— Бобожон оға! Офтоб меҳмонлар шарофати,— деб гап қўшган эди ҳамқишлоқларидан бири,— қуёшга зор эдик. Ёшулдилар қадами қутлуғ келди-да, қўйди.

— Марҳамат! Буёна, — дея гир айланаси боғ, турли-туман мева дарахтлари билан ўраб олинган улкан шийпонга бизни таклиф қилди колхоз раиси Каримжон Саъдуллаев.

«Инқилоб»чи ветеранлар билан суҳбатимиз қизиб кетди.

— Отахон ғазал ҳам битсалар керак,— дедим дўппилик чолга шама қилиб.

— Эбе, нечук назарингизда мен ғазал битувчи бўлиб кўриндим?— Мугамбирона жилмайиб қийғир боқиш қилди чол.

«Гап-сўзингиздан шоирга ўхшайсиз, отахон,— десам,— ҳовва, умрингиз узоқ бўлгай, яшагайсиз, бизнинг ёшлик чоғимиз бошқача ўтган. Сизларни бошлаб келган ёшулли,— деди Раҳмат Мажидийни кўрсатиб,— бизларни ғазал битишга қўйибтими. Оқ отини ўйнатиб уззукун эшигимизни қоқарди-да, уйқи бермасди.— Ҳой тухум босдиларингми! Чиқсаларингчи, ер-сув, от-улов, қўш ҳўкиз тайёр. Эгалик қилинглари!— дер эди.— Ҳамма ола-зарак... кимнинг сўзига қулоқ солишни билмай, баъзи одамлар иккиланарди. Даъвогар суст бўлса, қози муттаҳам бўлади. Бизда шундай мақол борда, кўнгилга оғир олмағайлар. Бундоғ ўйлаб қарасак, биз батракларга яхшилик қиламан деб, оқ отлик ёшулли беписанд бўлиб қоладиган. Дўппини ерга қўйиб, ўзимча бундоғ ўйлаб қарасам, баъзи бир батрак ўртоқларим нонтепкилик қияпти. Ўзларимиз-ку, бир парча ерга зор бўлиб, йнл — ўн икки ой бойнинг қули эдик. Замон-замон бўлиб, Лешни бобо йўқсулларга бош бўлиб, ер-сувга бойлар эмас, ер ҳайдаган батрак-деҳқонлар эга бўлди! Ана ер! Ана қўш ҳўкиз. Ишлаш сизлар-

дан, керакли ёрдам биздан!— деб турса-ю, биз тайёр бахтдан юз ўгирсак!..

Эртаси кун ҳовлима-ҳовли юриб, ҳамқишлоқларим-ни мажлисга чақирдим. Менинг қаватимга Ражаб Каримов, Муҳаммадраҳим Матчонов, Қаландар Жалилов, Нури бобо Саидматов, Камол Жалилов, Собир Қурбонов, Қодир Ишчонов, Искандар Жалилов, Мўмин Қулимовлар киришди. Эшикма-эшик юриб батрак, деҳқонларни йиғдик. Утиб кетган ҳангома, эслаш уят бўлса-да, бўлиб ўтган бир воқеани айтиб ўтсам қалай бўлар экан?»

Суҳбатдагилар бир-бирларига қараб қолишди. Ҳеч кимдан садо чиқавермагач, тенгдошларидан бири Ҳожи Болтаев гап қўшди:

— Бобожон ота нима дейишини билиб турибман. Орамизда ер олишга унча раъйи бўлмаган битта-ярим батрақлар ҳам бўлган эди, шундайми?

— Ҳовва, ўлмағайсиз,— деди жиддий қиёфада дўппилик чол.

— Ер-сув ислоҳоти бизнинг районда ҳам силлиққина ўтмаган эди,— дея сўз бошлади Ҳожи Болтаев.— «Инқилоб» колхозига биринчилар қатори мен ҳам аъзо бўлиб киргандим. Кейинчалик колхознинг раис муовини ва 1933 йилда партия ташкилотининг секретари бўлиб ҳам ишладим. «Инқилоб» колхозининг тарихи суҳбатимизда ўтирган кексаларнинг тирноқлари учиди, ҳаммаси кечагидек бизнинг эсимизда. Баъзи бир батрақлар ер олпшдан бош тортган билан кейинчалик бурунларини тортиб келишганди. У вақтларда, айниқса бизнинг районда дин таъсири кучли эди. Домлаэшонлар у дунёда дўзах азоби билан қўрқитиб, баъзи бир беқарор унсурларни ўз тарафларига оғдириб олиш учун қанақа найранглар ишлатганини биз ҳеч қачон унутмаймиз, унутмаслигимиз керак! Очiq кураш майдонида сўзлари ўтмагач, босмачи шайкалар ташкил қилишди, душманларимиз. Кўр ҳассасини бир марта йўқотади. Шунга ўхшаб, қуролли курашда ҳам бўш келмадик.

Дўппилик Бобожон ота ўрнидан ирғиб туриб:

— Тўғри-тўғри,— дея Болтаевнинг сўзини бўлди.— Бир қўлимизда кетмон, бир қўлимизда милтиқ билан кундузлари далада ишлаб, кечалари колхоз чорваси билан омборини қўриқламасмидик?

Бобожон Назаровнинг сўзини колхоз ветеранлари маъқуллашиб «ўлмагайсиз!», «ҳовва-ҳовва», дейишдилар.

— Ҳа, бузоқни югургани сомонхонагача! Босмачи шайкалар узоқ умр кўролмади, кўролмас ҳам. 1936 йил бошида шайкалар қўлга туширилди, аксилинқилобчи халқ душмани сифатида совет суди томонидан жазоланди.

Агар биз Ленин чизигидан чиқиб, шўро вакили Раҳмат ога бошлиқ комиссия орқасидан эргашмаганимизда, балки, на ҳозирги фаровон ҳаёт ва на гектаридан қирқ центнер ҳосил олаётган бизнинг колхозимиз бўларди!

— Кечирасиз, фақат бизнинг колхоз эмас, умуман колхоз бўлмас эди, деса хато бўлмас,— дея гап қўшди колхознинг ҳозирги раиси Қаримжон Саъдуллаев.— Нега десангиз, колхоз қурилиши фақат бизнинг Хоразмда эмас, айтиш мумкинки, ҳамма ерда кескин синфий кураш билан ўтган. Сизлар, албатта, бу кураш ичида бўлгансизлар, менга ўхшаш ёшлар қурилиш даврини фақат китоблардан ўқиб биламиз. Масалан, Михаил Шолохов ўзининг «Очилган қўриқ» ёки Абдулла Қаҳҳорнинг романларида худди сизлар ҳикоя қилаётгандек воқеаларни тасвирлайди. Шунга кўра, мен колхоз ташкил қилиш Хоразмда бўлгандек, Донда, Ўзбекистон, Украина ва бошқа республикаларда ҳам кескин синфий кураш билан ўтган бўлса керак, деб ўйлайман.

Шу пайтгача гап тинглаб жимгина ўтирган Мажидий домла «мумкинми» деб қўлини кўтарди-да, деди:

— Азиз дўстлар! Гурунгингиз дим қизиб кетди. Хаёлдан кўтарилаёзган бир кўп воқеаларни эсга тушириб, тарих қайта тириладиганга ўхшаб қолди. Ўзларингизга маълум, мен ҳам худди шу районда ер-сув ислоҳоти комиссиясининг раиси бўлиб ишлагандим. Шу боисдан бир-икки муҳим воқеани эслатиб ўтсам, фойдадан холи ўлмас, рухсат берсаларингиз агар...

— Гапиринг. Боболаримиз эшитгани гапига эмас, кўрганни гапига ишон дейишганлар!— деб луқма солди шу районда узоқ вақт райком секретари бўлиб ишлаган Болта Давлатов.

— Ўлмагайсиз,— деб маъқуллашди қариялар кекса коммунист сўзини қувватлаб.

— Дарҳақиқат, замон ўтган сари тарихий воқеа-

ларга жонли гувоҳ бўлган шахслар ҳам бирин-кетин дунёдан ўтиб борадилар. Шу тарихий ҳақиқат ижтимоий маъно касб этадиган бўлса, гарчи у қоғозга туширилмаган ҳолда ҳам огзаки ҳикоя тарзида авлоддан-авлодга ўтиб бораверади. Ҳақиқат кўмилиб кетмайди, қирқ йилдан сўнг ҳам юзага чиқади, деган мақоланинг маъноси ҳам шундай бўлса керак? Ер-сув ислоҳоти совет халқлари ҳаётидан ижтимоий маъно касб этган ўзига хос инқилобий ҳодиса эди. Мана, бу гурунг аҳли, кексалар жонли гувоҳлар, гувоҳгина эмас, балки, ер-сув ислоҳотининг актив иштирокчилари ҳам сизлар. Бу кунги гурунгимизда Хоразмда ленинча комсомол-ёшлар союзини ташкил қилганлардан кекса коммунист, ҳурматли Рўзимат Юсупов, Болта Давлатов ўртоқлар ўтирибдилар. Хоразмда комсомол союзини ташкил қилган ва советлар ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун курашда актив иштирок қилганлардан Девонов, Қурбон Беригишлар дунёдан ўтиб кетдилар. Биз уларнинг номларини ҳурмат билан тилга оламиз...

Мана гурунглариингизда ҳурматли Рўзимат Юсупов жимгина ўтирибдилар. Гўё ҳеч нарса «кўрмаганлар, ҳеч нарса билмай»дилар. 1929 йил бошларида бўлса керак, мен вилоятга хизматга кўтарилишим муносабати билан ўрнимга ўртоқ Рўзимат Юсупов шу район партия комитетига секретарь бўлиб қолгандилар. У дамлар ўзига хос тарихий бир давр эди. Ўзига хослиги шундан иборат эдики, Хоразмда шўролар ҳокимияти ҳали у қадар мустаҳкамланиб етмаганди. Айниқса сизларнинг районларингизда аҳвол оғирроқ эди. Хонлик қолдиқлари, ёт-унсурлар, руҳонийлар, босмачилар ҳукумат тадбирларини бузиш учун ҳар қандай жинойтдан тоймасдилар. Ташкилот комитети составида вилоятдан юборилганлардан бири, граждандлар урушининг машҳур қаҳрамони Аҳмаджон Иброҳимов бошлиқ отряд босмачилик ҳаракати қолдиқларини тугатиш билан машғул бўлди. Ана шундай шароитда ер-сув ислоҳоти ўтказилганди. Бобожон ота қилган ҳикояларида ҳам жон бор эди. Мен бўлиб ўтган воқеалардан икки эпизодни ҳикоя қилиб бермоқчиман.

Бу ердаги кексаларнинг аксарияти Авазбой қози воқеасидан хабардор бўлсалар керак, деб ўйлайман.

— Ўлмағайсиз. Сиз миниб юрган ўша оқ тулпор Авазбой қозиники эди-да! — деб луқма ташлади Бобожон ота.

— Ҳовва,— деб тасдиқлади, сўнг ҳикоясини давом эттирди Раҳмат оға,— ўша вақтда Хонқо районида ер-сув ислоҳоти комиссияси ишларди. Маълум миқдорда ер-суви бўлиб, чоракорлар ёллаб бойлик тўплайдиганнинг қонун бўйича ери кесиларди. Навбат Авазбой қозига етганда, у менинг ерим қонунда кўрсатилгандан кам, мол-мулкдан мени маҳрум қилишга ҳақларинг йўқ, деб туриб олди. Комиссиянинг қўлида Авазбой қозининг мулки ҳисобланган ерларнинг картаси бор эди. Ислоҳот комиссия аъзолари Авазбой қози ҳовлисига бориб, қайта бошдан ер, мол-мулкларини ҳисобга ола бошлади. Биз учун ҳайратомуз нарса шу бўлдики, қишлоқда биринчи бор европача уй-рўзгор тутиб кун кўраётган одамга дуч келдик. Бешолти хонадан иборат бўлган пол-потолок, нақшкорлик уйлар, печь ва ванналар — бу хоразмли мусулмон бойлари ҳаётида камдан-кам учрайдиган ҳодиса эди. Авазбой қози жуда бадавлат одам бўлиб, рус тилини ҳам билар экан. Суҳбат давомида шу нарса маълум бўлдики, Авазбой қози Россияда бўлиб турадиган ярмаркаларга ҳам қатнашиб турадиган жаҳонгашта одам экан.

Биз араб алифбосида ёзилиб, нашр қилинган ва ҳукумат томонидан тасдиқланиб қонун кучига кирган ер-сув ислоҳоти тўғрисидаги низомдан бир нусхасини Авазбой қози қўлига тутқаздик. У низомни олиб сипоҳликни қўлдан бермай деди:

— Каминаи камтарингиз,— қози ўнг қўлини кўксига қўйиб бизга таъзим қилди,— озми-кўпми қонундан хабарлари бор. Шу боисдан фуқаропарвар ҳукуматимизнинг бу тадбир-чораларидан ғоят мамнунман. Ери кесилувчиларга бу миқдор ер-мулк кўрсатилиб чегара белгилашдан муддаолари нималигини ҳам тушунаман. Ўрмонга ўт кетса ҳўлу қуруқ баб-баравар ёнади, қабилида иш кўрилмасин учун, эҳтиёт бўлишга даъват қилган оқилона тадбир бу! Мана, менинг ерим низомда кўрсатилганча миқдорда эмас, катта ер эгалари рўйхатига киритилишим ё бирон нобакорнинг хусумати, ёким хато... Адолатли комиссиялар! Диққат-эътиборларингизни яна бир муҳим нарсага тортганимиз кўраман. Хоразм водийсига амиркон пахта экишни

каминаи камтарингиз жорий қилган. Пахта золим амир, золим Николай замонида ҳам олтиндек зарур эди, мана замон ўзгариб шўро даври бошланди. Мен ер-сувни гўримга олиб кетмайман. Пахта экаман, фуқаропарвар ҳукуматимизга ёрдам бераман.

— Пахтани ким экади? Ўзингизми?— савол берди комиссия.

Қози бу кўндаланг саволга бирдан жавоб беролмади, у мош-гуруч соқолини гоҳ ғижимлаб, гоҳ тишлаб бошини кифтига ташлаб елкасини қисиб қўйди-да, сўнг иккиланиброқ деди:

— Пахтани ким экмасин, албатта одам экади... Ил-ло ёлғиз отни чанги чиққанми? Ўн қўшчига бир бошчи керак дейдилар, ҳақ гап.

— Сиз, қозибобо, қўшчиларга бош бўлмоқчисиз, шундайми? Мардикор бир танга, ройкорчи ўн танга. Бекорга айтилган гап эмас бу!

— Беш қўл баробар эмас! Хизр назар қилмаса, эшак бозорига даллол ҳам бўлолмайди, киши. Илгари ҳам чоракорларга бошчи эдим. Рухсат берсаларингиз, яна бош бўлсам, фойдам тегса ёмон бўлмас, иншоолло! Эккан пахта ҳосилини ҳукуматга топширишга ваъда бераман.

— Ер-сув, ҳўкиз, от-улов, омов-бўйинтуруқ, ҳамма-ҳамма ишлаб чиқариш қуролларингизни ҳукуматга топширасиз. Сизнинг ер-мулкларингизни ерсиз батрак-чоракорларга тақсим қиламиз. Агар сиз ҳам қўлингизда кетмон олиб, ўзингиз қўш қўшиб, ғўза суғориб, чопиб, ўтоқ қилиб пахта терадиган бўлсангиз, ўзга батрак ёки чоракор кучидан фойдаланишдан батамом воз кечсангиз, ўйлаб кўрамиз, балким сизга ҳам бир тақсим ер, мол-ҳўкиз берармиз.

Комиссиянинг бу сўзлари Аваз қозига унча пором келмади. У бошини чайқаб-чайқаб бир оҳ урди-да, қалқиб, галдираклаб супага ўтириб қолди. Тирсагини тиззасига тираб, панжаси орасига бошини олиб сукутга кетди...

Ислоҳот комиссияси ҳисобга олинган ер, мол-мулкни тақсимлашга киришган эди, қози бирдан жонланиб: сабр қилсинлар! Мен юқори ҳукумат даргоҳига ариза йўллаганман. Жавоб келмагунча ер эмас, бир қулоч арқонимни ҳам жойидан қўзғатишга ҳақингиз йўқ, деди-да, Москвага юборган аризасининг нусхасини комиссияга тутқазди.

— Аризани тақсиримнинг ўзлари ёздиларми?— сўради комиссия.

— Йўқ. Адвокатга ёздирдим ва аризамни адвокат орқали Москвага йўлладим. Адвокатим қонунни сув қилиб ичиб юборган қонуншунос. У мени ҳимоя қилиш учун бел боғладими, ишонаманки, фуқаропарвар ҳукуматимиз қолақ ўлканинг биз каби деҳқонларининг арзодига қолақ солғай. Ногаҳоний бу адолатсизликдан бизни ҳимоя қилгай.

Комиссия Москвадан жавоб келишини кутиб ўтирмади. Хоразмдан землемерлар чақириб, қозининг ерларини қайта бошдан ўлчов-ҳисобга олдирди, ер картаси туздира бошлади. Аваз қозининг мулк-давлати ҳисобга олиниб тугалланган чоқда Москва—Ўзбекистон ҳукуматининг қўшма комиссияси: Ўзбекистон Марказий Ижроия қўмитасининг раис муовини Жаҳон Обидова, Ер ишлари халқ комиссарлигининг вакили Али Хўжаев, яна уч нафар вакил ўртоқлар етиб келишди. Авазвой қозининг шикояти атрофлича текширилди ва унинг мол-мулки низомда кўрсатилганидан ҳам ортиқ бўлиб чиққани учун шикояти ўринсиз топилиб, қарор қабул қилинди-да, ери кесилиб, мол-мулки мусодара қилинди.

— Қарийб қирқ йил бурунги бу воқеани қайта бошдан эсга олишдан мақсад шуки,— деди Раҳмат оға,— ҳукуматимиз ер-сув ислоҳоти ўтказиш даврида фақат ва фақат меҳнаткаш деҳқон-батрак, чоракорларнинг манфаатларини назарида тутган эди. Бу улуғ маърака даврида ўнг ва «сўл»лик иллатларига мойилликдан эҳтиёт бўлинди, «Ер-сув ишлаганники! Фақат ишлаган тишлайди!» шпорини маҳкам ушлаб иш қилдик, кўплашиб уни амалга оширдик. Мана бугун «Инқилоб» колхози меҳнаткашларининг ноз-неъмат тўла дастурхонларида меҳмон бўлиб ўтирибмиз. «Инқилоб»чилар эришган улкан ютуқлари билан ҳар қанча мақтансалар оз. Мақтанишгина эмас, ҳатто ғурурланишга ҳам ҳақлари бор.

Биз колхознинг ҳозирги раиси Қаримжон Саъдуллаевнинг ҳикоясини мароқ билан эшитдик, гарчи унинг ҳикояси қисқа ва рақамлардан иборат бўлса-да, мазмунни қуюқ ва шарбати лаззатли эди. Колхоздаги беш юз ўттиз хўжалик, беш минг жон жаҳоншумул ишларни қилиб қўйганлар, тўққиз юз уч гектар ерга пахта экиб

хар гектарида 39,1 центнердан оқ олтин ундиришининг заминида не-не машаққатли тун-кунлар ўтмаган деб ким айта олади! Эллик центнерчи бригада бошлиқлари Жуманазар Аниёзов, Қурбонжон Шарипова ва Болта Сафоевлар бир неча йилдирки, «Инқилоб»нинг йўлчи юлдузлари бўлиб келмоқдалар. Йўқ ердан бор қилинган боғча-ясли, туғруқхона, шифохона, ҳаммом, ўн ва саккиз йиллик мактаблар, замонавий уй-жойлар, радио, ойнаи жаҳон ва электр нурида чарогонлаштирилган рўзгор, тўкин дастурхон, фаровон ҳаёт, саводхон маданиятли оила — ҳаммаси ҳам ер-сув, ўз давлатининг эгалари бўлиб қолган қўли қадоқ, меҳнатсевар собиқ батрак, айни замонда тарқоқ майда товар хўжаси бўлган яккаҳол деҳқонлардан вужудга келган қудратли коллектив хўжаликнинг оламшумул самарасидир.

Ўрни келиб қолди, Раҳмат оғонинг яна бир ҳикоясини айтиб беришга зарурият туғилиб қолди.

Раҳмат ого гўдаклик чоғларини эслаганда, дарҳол Матёқуб тоғаси ҳаётини хотирлайди ва болалигида кўрган-кечирганларини ҳикоя қила бошлайди.

Қариндошларим орасида Матёқуб тоғамга меҳрим бошқача эди. Ҳали етти-саккиз яшар чоғлигимдаёқ унга соясидек эргашиб олгандим. Балки менда пайдо бўлган меҳр тоғамнинг болажон бўлганидандир. Тоғам меҳнатга муккасидан кетган одам эди. У кечани кеча, кундузни кундуз демай қишин-ёзин тинмасди. Бунинг сирини кейинчалик фаҳмлаб олдик. Бир кун у чигириқ ёнида ўтириб олиб, шундай йиғладики...

Хонлик замонида Хоразм деҳқонларининг тирикчилик шарт-шароитлари беҳад оғир эди. Тоғам ота-онадан жуда ёш қолган. Унинг бошига тушган кун ҳеч кимнинг бошига тушмаган, деб юрардим. Содда эканман, кейинроқ эсимни таниб билсам, Хоразмда тоғамдан бешбаттарлар ҳам озмунча эмас экан. Хон замонида ўзи буғдой экиб, ҳосил кўтарган деҳқон ўзи буғдой нони еёлмасди. Буғдой унга маккажўхори, тариқ уни қўшиб зоғора нон ёпиб ер эди.

Хоразм йигитларининг бошидаги яна бир мушкул савдо оила қуришининг қийинлиги эди. Бу ўринда ҳам тоғам тақдири мисол бўла олади. Хоразмда эскидан расм бўлиб келган урф-одатга кўра, бирон кишининг оиласида қиз туғилса, ўғли бор оила ўзаро келишиб, «қу-

да-андачилик» шарт-шароитини ростлашардилар. Қиз балоғатга етгунча бўлажак куёв йигит қайнана эшигида хизматкор бўлиб, қулдек ишлаши одат эди...

Деҳқон ерига чиғириқдан сув чиқариш учун навбат етгунча қон ютарди. Мен тоғамнинг деҳқончилик юмушларига боқишиб юрардим. Айниқса чиғириққа қўшилган эшакка миниб айланганим айланган эди. Чиғириқнинг зилдек юкига кўникиб қолган шалпангқулоқ кўк эшак оғир-оғир қадам ташлаб айланар, чиғириқнинг мунгли овози гўё мен билан эшагимни аллаларди. Мудраб кетар, гоҳо қалқиб, эшагим ёлини ушлаб олардим... Ёз вақтлари сув жанжали авжига минарди. Бир куни навбат тоғамга келиб, сув энди экинга бориб етганда, ариқда сув қуриб қолди. Маълум бўлдики, юқорида кимдир сувни боғлаб олган. Кун иссиқ, жони ҳалқумига тикилган тоғам елкасида кетмон билан югуриб кетди. Орадан кўп ўтмай, уни замбилда кўтариб келдилар. Ҳушсиз, инграрди... Тоғам шу-шу ўнганмай, экин-тикин қаровсиз қолиб кетди. «Оғзида қиличи борларга сув йўғу мен аёлга йўл бўлсин!» дер эди тоғамнинг бўлажак қайнанаси кўз ёшларини тиёлмай... Тоғам энди оёққа турган кеч кузда хон амалдорлари келиб, бошқа деҳқонлар қаторида уни ҳам қон қзқшатди. Солиқ тўлашга қурби етмаганларнинг чиғириқда ишлатиб келган от, туя, эшакларини гала-гала қилиб Хивага ҳайдаб кетишди. Қўлларида эмизикли гўдаклари билан болаларини етаклаган ўнларча аёллар додлашиб кўчага чиққанларини ўз кўзим билан кўрганман.

Мана Сизга икки замон, икки замон сиёсати. Сизга икки замон кишиларининг кечмишлари, кўрган-кечирганлари. Мана Сизга Октябрь социалистик революцияси ва улуғ Ленин даҳосининг оламга кўз-кўз қилишга арзигудек бугуни ва порлоқ истиқболи. Ҳар йили тўрт миллион бир юз минг тонна оқ олтин яратиб дунёга донг таратган ўзбекнинг хоразмликлари ҳамма область пахтакорларининг пешқадами ва юқори ҳосил етиштиришда байроқдори бўлиб келаётган бўлса, бизнинг ҳикоямиз қаҳрамонлари «Инқилоб»чилар, пахтадан юқори ҳосил етиштиришда бугунгача тенглари бўлган эмас. Улар ўтган йили ҳар ектар ердан 39 центнердан ҳосил берган бўлсалар, бу йил қирқ центнер учун курашмоқдалар. Бу эса жаҳон рекорди ҳисобланади.

— Етмиш беш коммунистни ўз ичига олган колхоз партия ташкилотининг етакчилигида,— деди партбюро секретари Эгамберди Отажонов қишлоғимиз йилдан-йил яшнамоқда, фаровон турмуш, маданий ҳаёт борган сари илдиз ёйиб, эртанги бахтиёр ҳаёт, порлоқ келажагимиз коммунизмга комил ишонч ва дадил қадамлар билан бормоқдалар. Биз меҳнаткашлар деб ҳузур-ҳаловатдан кечган, таъқиб, сургун, турма азоб-уқубатларини мардонавор енгган, подшоҳ, бойларга қарши ишчи-деҳқон, меҳнаткаш оммани қўзғатиб зулмкорлар аркон-давлатини ер билан яксон қилган, бизга биринчи бўлиб бахт эшигини очган, чароғон йўлга олиб чиққан улуғ Лениндан абадий миннатдормиз. Доҳий ишониб топширган дарға — йўлчи юлдузимиз коммунистлар партияси омон-барқарор, биз олға қараб бораверамиз. Итлар ҳураверади, катта карвон муқаддас манзил томон бораверади. Биз ишонамиз ва аминмизки, халқларимиз ҳамкорлиги барқарор экан, катта карвон бахт соҳилига чиқиб олади, коммуна оиласида бир жон, бир тан, бир қориндан талашиб тушган опа-сингил, ака-ука, меҳр-оқибатли қавм-қариндош бўлиб авлод-аждодларимиз бир умрга бахтиёр бўлиб яшайдилар. Биз улуғ Ленин яратиб кетган шу йўлни танлаганмиз, шу йўлдан чиқмаймиз. Башарият учун муқаддас манзил — коммунизмга етиб борамиз.

1969 йил, сентябрь.

Мамлакатимиз колхозчилари ўзларининг Бутуниттифоқ III съездига кўпдан бери тайёргарлик кўрмоқдалар. Бу съезд колхознинг янги намунавий Устав лойиҳасини тасдиқ қилади. Совет Давлат тузумининг асоси — кенгаш ва кенгашиб иш қилишдир. Колхознинг янги намунавий Устав лойиҳаси кўпдан бери кенг жамоатчилик даврасида муҳокама қилиниб келиши — кенгашиб иш кўришнинг намунасидир. Устав халқчил бўлсин учун, ҳар бир колхозчи, ҳар бир совет кишиси йиғилишларда, вақтли матбуот, радио ва телевидениеда ўз фикрини баён қилмоқда, қўшимчалар киритишни тавсия қилмоқда. Бу совет тузуми асосий қонунидан келиб чиқадиган ҳақиқий демократиядирким, бундай халқчил демократия ҳали бирон капиталистик давлатда жорий қилинган эмас, қилинмайди ҳам.

Мен инқилобгача ва инқилобдан сўнг деҳқонларимиз кечирган ҳаётларининг жонли гувоҳиман. Айниқса, колхоз қурилишининг ўтмиш ва ҳозирги босқичи тўғрисида маълум тасаввурга эгаман. Ер-сув ислоҳоти ва колхоз қурилиши даврида шахсий бойлигидан маҳрум қилинган бойлар ва қулоқлар синфининг мафкурачилари қутуриб қаршилик кўрсатганларини яхши билман. Душманларимиз колхоз тарафдорлари бўлган активларга суиқасд уюштирардилар. Мен ўша даврда «Қизил Ўзбекистон» газетасида қишлоқ хўжалик бўлими мудири бўлиб ишлардим. Бу бўлим иши қишлоқдаги янги инқилобий ҳаракат билан чамбарчас боғлиқ бўлганидан ҳар куни рўй бериб турган воқеалар тўғрисида қишлоқ мухбирларидан кўплаб хат-хабарлар олиб турардик. Ўта ташвишли, ўта жанговар алангали йиллар орқада қолиб кетди. Ерсиз батраklar, майда тарқоқ хўжалик соҳиблари бўлмиш меҳнаткаш деҳқонлар, ишлаб чиқаришнинг умумий воситалари ва биргаликда

меҳнат қилиш асосида коллектив бўлишиб, қишлоқ хўжалик артелига ихтиёрий равишда бирлашдилар ва душман унсурлари устидан ғалаба қозондилар. У ғалабалар осонликча қўлга киритилмади, албатта, қурбонлар бердик. Азоб-уқубатларни бошдан кечирдик, очлик, яланғочлик, жаҳолат ва муҳтожликни мардонавор енгиб, бу кунги бахтиёр ҳаётга етиб келдик. Улуғ Ленин ғоялари узил-кесил ғалаба қилди. Коллектив хўжалик деҳқонлар учун коммунизм мактаби бўлиб қолди.

Қадрли колхозчи дўстларимиз, ёзувчилар сизлар билан, оламшумул ишларингиз билан фахрланади. Сиз миллионларни кийинтирасиз, тўйдирасиз. Сизлар ишчилар синфи билан ҳамкорликда янги маданият, социалистик реализм адабиёти ва санъатини яратишда ёзувчиларга қўмакчи, ҳамдард ва ўз қаҳрамонона меҳнатларингиз билан илҳом манбаи бўлиб қолганларингиз учун ҳам сизлар билан фахрланамиз. Сизга таъзим қиламиз.

Сиз билан бизнинг тарихимиз, тақдиримиз жуда ҳам бир-бирига ўхшаб кетади. Сиз билан биз эгизаклар десак, муболаға бўлмас. Сиз колхозни, биз Совет ёзувчилар союзини айни бир вақтда, янги бир шароитда ташкил қилиб, унга аъзо бўлиб кирган эдик. Қулоқ синфи тугатилиб, ёппасига колхозлаштириш тамомланаётган вақтда — 1932 йилнинг баҳорида Ўзбекистон ёзувчилар союзининг ташкилот комитети таъсис қилинганлигини хотираларингизга солиб ўтмоқчиман. СССР Ёзувчилар Союзининг Устав лойиҳасида:— Совет платформасида туриб социалистик реализм принципида қалам тебратадиган ҳар бир ёзувчи Совет Ёзувчилар Союзига аъзо бўла олади,— деб ёзиб қўйилган эди. «Сиз ким билан бўласиз?» деган савол кўндаланг қўйилган бир пайт. Партиямизнинг донишмандлик сиёсати мафкура майдо-нидаги курашда қатъий бурилиш ясади. Мана, орадан ўттиз етти йил вақт ўтиб кетди. Болакай Ўзбекистон ёзувчилар союзи навқирон йигитлик ёшига етди. Мана бугун биз ҳам дала шунқорларига, заҳматкаш ёзувчилар юмушидан ҳисоб берсак, олтин узукка ёқут кўз бўлиб тушади, деб ўйлайман.

Кўпмиллатли Советлар Иттифоқи оиласида ўзбек халқининг, шу жумладан, ўзбек пахтакорларининг тутган ўрни, шубҳасиз, салмоқлидир. Бошқа бойликларни, жумладан, «қизил», «қора» олтинларни ҳисобга олмаган

тақдирда ҳам, фақат пешана тери билан ҳар йили етиштирилиб келинаётган тўрт миллион тонналик «оқ олтин»нинг ўзи ўзбек халқининг интернационал эътиқод ва бурчига нақадар содиқ эканлигини кўрсатувчи ёрқин далилдир.

Модомики, сиз бу қадар паҳлавон қадам ташлаб, олга томон бораётган экансиз, сизнинг фарзандларингиз — биз ёзувчилар, ўз касбкорларимиз ва маҳсулотимиз билан орқада қолсак, албатта, уят бўлув эди.

Ўзбек совет адабиёти ўттизинчи йилларда жуда ёш эди. Улуғ рус адабиётининг Пушкин, Толстой, Чехов, Горький, Маяковский сингари гигант шоир-адиблари ва уларнинг миллион-миллион саводхон китобхонлари бор эди. Ўзбек совет адабиёти ва санъатининг ифтихори, халқимизнинг инқилобчи фарзанди, шоир, драматурги, педагог, бастакори режиссёр ва жамоат арбоби, бизнинг севиқли устозимиз Ҳамза Ҳакимзода душманларимиз қўлида фожиаи ҳалок бўлди. Ҳамза нима учун, ким учун ҳалок бўлган эди? Ҳамза биринчи бўлиб Шоҳимардонда батракларнинг бошини бошига қовуштириб қишлоқ хўжалик артели ташкил қилди. Табиий, бу инқилобий ҳаракат зулм, зулмат қалъасининг соҳиблари — ҳаромтомоқ шахс, эшон ва йиртқич қулоқларга ёқмас эди. Ўзбек адабиёти ва санъатининг порлоқ юлдузи—Ҳамзамизнинг жонига қасд қилиб, уни оломон қилиб ўлдириш билан, Советлар ҳокимиятидан қасос олмоқчи бўлишди. Улар бу ёвузлик билан батрак-камбағалларни қўрқитиб, колхоздан юз ўгиртмоқчи эдилар. Лекин улар ўз ёвуз ниятларига ета олмадилар. Меҳнаткаш халқ Ҳамза ташкил қилган артелга тўда-тўда бўлиб кирди.

Ўрни келиб қолди, шу ўринда яна бир тарихий ҳақиқатни айтиб ўтмоқчиман. Улуғ драматург Ҳамзанинг шогирди ва издоши Комил Яшин Ҳамза фаолиятини қаламга олиб, «Ўртоқлар» пьесасини ёзган эди. Бу пьеса колхоз қурилиши ҳақида, биринчи колхоз ҳақида Ўзбекистонимизда биринчи ёзилган драматик асар эди. Ҳамза бошлиқ бир тўда батрак, камбағал-деҳқонлар колхоз тузишни, унга қандай ном беришни муҳокама қилар эканлар:

Колхозимиз номи

«Ўртоқлар» бўлсин,

дея қўшиқ куйлаб, Шоҳирмардонда ташкил қилинган биринчи колхозга «Ўртоқлар» номи беришга қарор қилгандилар.

Бу воқеадан бери қирқ йил чамаси вақт ўтди. Мамлакатимизда яккаҳол, ўртаҳол деҳқон, батрак, чоракор, етим, коранда номида тирикчилик қиладиган ночор, ноил-лож ер-сув гадолари қолмади. Улар галлани ўроқ билан эмас, комбайн билан ўриб оладилар. Ерни сўқа, омон эмас, трактор ҳайдайди. Ғўзага машина ишлов бериб, ҳатто пахтани машина териб беряпти. Деҳқон эртага оч, яланғоч қолиш ташвишидан мутлақо қутулди. Эртаси бу кунидан яхши бўлишидан унинг имони комил. «Ўртоқлар» пьесасидаги «Деҳқонлар» қўшиғида куйланганидек, деҳқонларимиз учун янги урф-одат бўлиб қолган ўртоқлик, биргалашиб ишлаш уларга меҳнатни техникага топширилаётган қудратли коллектив — деҳқон хўжалигини яратиб берди.

Улуғ Горький ташаббуси билан таъсис қилинган СССР Ёзувчилар Союзи, унинг жанговар отряди бўлмиш совет ёзувчилари, жумладан, ўзбек қаламкашлари деҳқонларимиз ҳаётидан ажойиб асарлар яратдилар.

Адабиётнинг вазифаси — инсонни тарбиялашдан иборатдир. Санъат инсонга завқ-шавқ беришдан ташқари, тарбия қилишнинг муҳим воситаси ҳамдир. Адабий асар бадий ҳаётий бўлгандагина кишиларни олижаноб ишларга, ижодий меҳнатга даъват эта олади. Социалистик реализм методи асосида ёзилган ҳар қандай жанрдаги адабий асар одамларни тўғрилиқка, ҳалол ва виждонли бўлишга, жасорат ва ботирлиқка, дўстлик, ҳамжиҳатликка, севги ҳамда вафодорликка, ватанпарварликка даъват қилади. Ёмонликка, худбинликка нафрат уйғотиб, яхшилик, одамийлик фазилатларини кишиларнинг онги ва руҳига сингдира олади.

Ўзбек совет адабиётининг пешқадамларидан Ғафур Ғуломнинг «Қўкан батрак», Ҳамид Олимжоннинг «Зайнаб ва Омон», Ойбекнинг «Дилбар давр қизи», Уйғуннинг «Жонтемир» каби шеърӣ асарларида қишлоқ қаҳрамонларининг ёрқин образлари ўз аксини топган.

Абдулла Қодирийнинг «Обид кетмон», П. Турсуннинг «Ўқитувчи», Абдулла Қаҳҳорнинг «Қўшчинор» ва «Син-

чалак», Ойбекнинг «Олтин водийдан шабадалар», Шароф Рашидовнинг «Ғолиблар», «Бўрондан кучли», «Қудратли тўлқин», Саид Аҳмаднинг «Уфқ» каби роман ва қиссалари, Ҳамид Ғулом, Ғайратий, Раҳмат Файзий, Иброҳим Раҳим, Ҳаким Назир, Ўлмас Умарбеков, Андрей Удалов, Рамз Бобожон, Одил Ёқубов, Суннатилла Анорбоев ва бошқа ўнлаб қобилиятли талантларнинг ҳар хил жанрда ёзилган асарлари, Уйғуннинг «Хуррият», «Олтинкўл» драмаси, К. Яшин, З. Фатҳуллин, Шукур Саъдулла ва бошқа ижодкорларимизнинг пьеса, сценарийлари колхозчи деҳқонларимиз ҳаётига бағишланиб, театр ва экранларда намойиш қилиб келинмоқда. Бу асарларнинг кўпи ўзбек совет адабиётининг олтин фонди бўлиб қолди. Улар кенг китобхонлар томонидан севилиб ўқилмоқда. Минг-минглаб ёшларимиз бу асарлар қаҳрамонлари образи мисолида коммунистик тарбия олмоқдалар.

Қўшиқ ва музыка маданиятимизда ҳам катта ўзгаришлар рўй берди. Шоирларимиздан Собир Абдулла, Ҳабибий, Туроб Тўла, Зулфия, Саида Зупнунова, Чархий, Акмал Пўлат, Зоҳиджон Обидов, Рамз Бобожон, Эсон Раҳимов, Эркин Воҳидов, Маъруф Қориев ва бошқа кўпгина шоирларимизнинг ғазалларига куйлар басталанди. Хушовоз хонандаларимиз ижросида эрта-кеч эшиттириб келинаётган қўшиқлар пахтакор, чорвадорларимизга эстетик завқ-шавқ бахш қилмоқда. Янгидан янги куч-қувват, хуррам кайфият бағишламоқда.

Ютуқларимиз қанча кўп бўлмасин, ҳали пахтакор, чорвадорлар олдида қарздор бўлиб қолмоқдамиз. Буни юракдан ҳис қилган ёзувчиларимиз астойдил меҳнат қилмоқдалар. Сизларнинг меҳнатингиз, жасоратингиз, қаҳрамонлигингиз даражасидаги ҳаётий образлар, бой асарлар яратиш устида кунни тунга улаб ижод қилмоқдамиз.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонимизда беқиёс ўзгаришлар содир бўлди ва бўлмоқда. Таққослаш учун бир мисол келтирай: мен туғилиб ўсган Жиззах ҳалигача ёдимда. Бечора онагинам ой нурида кечалари чарх йигирарди. Мен бўз тўқирдим. Ҳатто қора жинчироққа ҳам зор эдик. Энди-чи, Ўзбекистонда барпо этилган каналлар, сув омборлари, сунъий денгизларни бир санаб кўринг-а! «Оч дала» деб номланган Мирзачўл, Ёзёвон саҳроси бўстонга айланиб бормоқда. Қарши, Сурхон чўллари

кенг кўламда ўзлаштирилмоқда. Республикамиз қишлоқлари таниб бўлмас даражада ўзгаряпти. Деҳқонларимиз маданий уйларда, Ильич чироғи нурида кун кечирмоқдалар, мактаб, маориф ишлари борган сари ривож топмоқда. Ўзбекистон ўз тарихида ҳеч қачон сўнги ўн йил ичидагидек катта ўзгариш ва ютуқларга эга бўлмаган эди. Буларнинг ҳаммаси бизнинг ютуқларимиз, лекин ҳали қиладиган ишларимиз беҳад кўп.

Партиямизнинг съезд ва пленумлари қарорларида таъкидланганидек, меҳнат характери ўзгарганлиги, меҳнатнинг техника билан қуролланиш даражаси ўсганлиги, онглилик юсак даражага кўтарилганлиги туфайли, барча жамият аъзоларида жамиятнинг бахт-саодат учун ихтиёрий ва ўз майли билан меҳнат қилишга ички эҳтиёж кўпая боради. Биз ҳозир қисман бўлса-да, бу даражага эришганмиз. Шу сабабдан ишлаб чиқариш муҳотидаги ўзгариш кишиларнинг турмуш шароитларига, ҳаёт кечиришларига гўзаллик бахш этмоғи шарт ва лозим. Меҳнат фақат тирикчилик воситаси бўлмасдан, чинакам ижод қилишга, шодлик манбаига айланмоғи керак. Бизда шундай бўляпти ҳам. Замонавий уйлар, рўзгорни маданий жиҳозлаш, телевизор, радиоприёмник, тўй-томоша, тўкин дастурхон, меҳмон кутиш, турли-туман орзу-ҳаваслар шундан далолат бериб турибди. Яқинда мен Жиззах районидаги «Жданов», «Москва» «Навой» колхозларида бўлдим. Қишлоқлар кейинги йилларда жуда обод бўлибди. Колхозчилар хонадонига водопровод, электр, табиий газ кирган, кўчалар асфальт, дарахтлар ўтқазилган. Бундай фаровон қишлоқлар, шубҳасиз бошқа районларда ҳам кўп.

Аксарият колхозларда яхшигина жиҳозланган болалар боқчалари бор. Оппоқ кўрпа-ёстиқларда кичкинтойлар роҳат қилиб ухлашадилар, хилма-хил ўйинчоқлар билан кун бўйи овуниб ўйнашадилар. Лекин шундай колхозлар ҳам борки, она ва болаларга яхши шароит яратилмаган. Колхозларимиз ҳар жиҳатдан етук, моддий базага эга бўлган ҳозирги шароитда бундай эътиборсизликка қатъиян барҳам бермоқ лозим.

Икки оғиз гап қовун-тарвуз, полиз маҳсулотлари устида. Эл дастурхони колхозчилар маҳсулоти билан тўкин. Илгари оталаримиз тарвуз, қовун тановул қилиб бўлгач, мамнуният билан «экканга раҳмат, тикканга раҳмат» деб дуо қилишар эди. Эндиликда ўғит ва сув-

дан семиртирилган қовун ҳўрандага лаззат бериш ўрнига, оғзини бемаза қилмоқда. Бунини бир ўйлаб кўриш керак.

Кезини келганда шунини ҳам айтиб ўтмоқчиман. Далаларда марвартак ва шоҳтутларни кўпайтириш, мавжудларини қуртга ем қилишдан сақлаш тўғрисида кўп гапириляпти. Лекин айрим колхозчиларимиз бунга амал қилмасдан, тутларни кесиб, ҳазон қилмоқдалар. Ахир тут фақат қорин тўйдирадиган таом бўлмасдан, кишини танига дори-дармон ҳамдир. Нега биз мўъжизакор мева — тутнинг қадрини етмаймиз?

Сўнгги мулоҳазам колхозчиларга ҳам олиш кунини белгилаш тўғрисида. Ҳар биримизнинг ҳам жамоат, давлат ишидан ташқари шахсий юмушларимиз бор. Шунга ўхшаш, деҳқонда ҳам колхоз иши билан бир қаторда томорқа иши, бозор-ўчари, оила-рўзғор ташвиши ҳам бор. Ҳозир ер машинада ҳайдалиб, машинада экилади, унга машинада ишлов берилади. Пахта терими ҳам баътамом машина зиммасига юкланиш олдида. Модомки шундай экан, колхозчиларга ҳам дам олиш кунини белгиланса, ёмон бўлмасди.

Биз ажойиб замонда яшаймиз. Улуғ Ленин бутун ҳаётини, билим ва қобилиятини меҳнаткаш халқни бахтли қилишга, синфсиз тенг ҳуқуқли жамиятда яшаши учун бағишлади. Доҳийнинг башоратлари — мана бизнинг кўз ўнгимизда, онгимизда, кундалик турмушимизда рўёбга чиқаяпти. Биз Ленин васиятларини коммунистлар партияси раҳнамолигида коммунизм сари олган қадам ташлаш ва давлат планларини бажариш билан амалга оширайлик.

1969 йил, 1 октябрь.

Ёзёвон чўли. Бу чўлга ҳужумни Йўлдош ота Охунбобоев бошлаб берган эди. Чўлда бунёд этилган район ҳамда колхозга Охунбобоев номи берилишининг боиси ҳам шунда. Шу кунларда бу колхозга агроном Абдуллажон Латипов раислик қилади. 1880 гектар ерда пахта етиштирилди, ҳосили чакки эмас, гектаридан 28 центнердан.

...Йўлдош ота Охунбобоев «Қўшчи союзига» бош бўлган йилда бир неча камбагал деҳқонни бу ерга бошлаб келганларида уларнинг орасида Камол Сайфиддинов ҳам бор эди. У чоқларда Камол тоғни урса талқон қиладиган даражада кучга тўлган норғул йигит эди. У кетмон билан ер очди, Исфара сойидан сув келтиришда жонбозлик кўрсатди. Қақраб ётган ерга жон киритиб, уни одамзотга фойда етказишга ўргатди. Бригадага бош бўлди, ҳосилотлик қилди. Йиллар ўтган сайин улғая борди. Кетмон-омоч ўрнини машина эгаллади. Камол амаки эса Камол бобо бўлиб қолди. Қиз-ўғиллар ота-оналарининг қўлидан ишни олдилар. Ниҳоят, «Камол бобо, энди кексалик нашъу намосини суринг» дейишди. Камол бобо бу ҳурматга қуллуқ қилди-ю, аммо балиқ сув билан тирик-да, Камол бобо учун меҳнатсиз кун кечириш амри маҳол бўлиб кўринди. Бобо бекорчиликдан на уйга ва на кўчага сиғмай қолди.

Механизаторлар курсини битирган 9 та комсомол қиз бирлашиб, ёшлар бригадаси тузармиш, деган гапни эшитди. Ерни ўзлари ҳайдаб, чигитни ўзлари экармиш...

Бу гапни эшитди-ю, Камол бобонинг юрагига ўт тушди. Илло, менга ўхшаган бир бободеҳқон ҳеч қачон ортиқчалик қилмас деб ўйлади у. Суриштира-суриштира комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиғи Адолат эканлигини билди.

«Адолат ақлли, тадбирли, 8 қизга бош бўлиш ҳазил

гап эмас. Умрларидан барака топсин, бу қизлар. Энди тортиниб ўтиришнинг ўрни йўқ. Бораман, дилбар қизларим, мени ҳам бригадаларингга қўшиб олинглар, дейман»— хаёлидан ўтказди ота.

Адолат Камол бобо илтимосини қизлар муҳокамасига қўйганида, Малоҳатхон:

— Майли, қари билганни пари билмас...— деб ҳамманинг дилидагини айтди. Шу-шу Камол бобо қизлар бригадасининг маслаҳатгўйи бўлиб қолди.

60 гектар майдонда қизлар мўл ҳосил етиштирдилар. Отанинг хомчўтига қараганда, бригада гектаридан 35 центнердан ҳосил кўтаради. Биз бригада даласини айланиб кўрдик. Ҳосил беҳад мўл. Адолатхон Қурбонова, Роқияхон Абдуназаровалар ҳар куни хирмонга барака киритмоқдалар.

Сира-сира ҳормангиз, пахтазор маликалари. Бахтоле ҳамиша ёр бўлсин сизларга. Тасанно сизга, муҳтарам Камол бобо!

Абдураззоқ ота бошлиқ бригада аъзолари билан учрашишимиз айниқса кўнгилли бўлди. 64 баҳорни кўрган бу қария нималарни кўрмаган дейсиз. Аммо пахтазорда жавлон уришини кўрганлар уни шунча ёшга кирган деб ўйламайди. Назаримизда, у кексаликка чап бериб йилсайин кучига куч, ҳимматига ҳиммат қўшиб бораётгандай.

Отаси Икром билан бир вақтда колхозга кирган Абдураззоқ йигитлик умрини коллектив хўжалик равнақига бағишлади. У кетмон чопди, сув тутди, арава минди, звено ва бригадага бошчилик қилди. Хўжаликнинг энг юқори лавозими — раисликка ҳам кўтарилди. Қасрда ва қандай вазифада бўлмасин, ҳамма вақт коллектив манфаатини кўзлаб ишлади, катта-кичик ўртасида ҳурмат қозопди.

Абдураззоқ ака колхозда ҳосилот совети раиси бўлиб ишлаб юрган кезларда бир неча майда хўжалик бирлашадиган бўлиб қолди. Шунда у:— Яхшиси, энди ўз ихтиёримга қўйиб беринглар, ҳукуматимиз Ёзёвон чўлини обод қилишга чақиряпти. Тайёр ошни сузиб ейиш ҳамманинг ҳам қўлидан келади, лекин унга масаллик топиб, пишириб, эл кўнглини олиш жўн эмас. Мен чўлга бораман. Юрагида ўти борлар бўлса, юрсин,— деди.

Аҳмадали Ваҳобов, Маматқул Қулматов, Абдуллажон Холматов, Тўхтасин Саидов, Болтабой Ортиқов,

Рўзимат Бойматовлар унга эргашдилар. Аёллар ҳам ортда қолишмади. Аммо трактор вақтида келавермади. Бундан ташвишланган Абдураззоқ ота:— Оғайнилар, биз чўлга хўжакўрсин учун келганимиз йўқ. Вақтни бой берган ютқизади. Трактор келгунча ҳўкиз, у ҳам бўлма-са кетмон. Ер очилмаса иш битмайди. Қани ишга,— де-ди у...

1959 йилда ертўла ва капаларда яшаб 40 гектар ер очиб, 11 центнердан ҳосил кўтардилар. 1960 йилда очия-ган қўриқ 60 гектарга, ҳосили эса 17 центнерга етди. Лекин бу ҳосил чўлқуварларни қаноатлантирмасди. Чўл ҳукмрони — шамол ҳосилнинг заволи эди. Чигит тики-либ, униб чиқиши билан бошланадиган шамол, каламуш каби тупроқ ковлаб, мурғак ғўзаларга қирон соларди. Бу офатга бирдан-бир чора — ихота дарахтлар ўтқазиш бўлди. 60 гектар ер атрофига тут, жийда, тол дарахтла-ри ўтқазилди. Дарахтлар бўй бериши билан шамолнинг бели синди. Кўчатлар гуркираб мавж урди. 1966 йилга бориб ҳосил 38 центнерга, 1967 йилда 47, 1968 йилда эса 51,7 центнерга етди.

Тожимамаат Мазокиров раислик қилаётган «Искра» колхозида Абдураззоқ ота бригадасининг олдига туша-диган бригадалар бўлмаганидек, айни бир хил шароит-да чигит экса ҳам судралиб келаётган бригада ҳам бор эди. Шундай бригада еридан 30 гектарлик майдон Абду-раззоқ отага олиб берилди.

Мана, бу йил Абдураззоқ ота 18 октябрь куниеқ 80 гектар майдондан 30 центнердан «оқ олтин» ундириб, планни қойил қилиб ортиғи билан бажарди.

Ҳисоб-китоб билан иш кўришни одат қилиб олган Аб-дураззоқ ота:

— Бу йил ҳам ҳосилимиз 50 дан кам бўлмайди,— деб ишонч билдирдилар.

«Искра» колхозининг азаматлари 960 гектар майдон-да мўл ҳосил етиштирдилар. Давлатга 25 центнердан пахта сотишни зиммаларига олган бу марду майдонлар бугун-эрта планни бажаришлари муқаррар.

Фаргона областининг яна қатор районларидаги кол-хоз, совхозларда бўлди. Партия, совет, колхоз ва сов-хозларнинг раҳбарлари, колхозчилар, совхоз ишчилари ва ҳашарчилар билан учрашдик. Ҳамманинг фикри хаё-ли пахтада.

«Октябрь 40 йиллиги» совхоз ишчилари 3700 гектар

майдонга чигит экиб, мўл ҳосил етиштиришди. Бу совхозга Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты Неъматжон Аҳмедов бошчилик қилади. Планда ҳосилнинг 40 процентини машиналарда йиғиб олиш мўлжалланган. 11 йилдан бери бригадага бошчилик қилиб келаётган коммунист Толибжон Мадраҳимов 85 гектар ердан 24 центнердан пахта йиғиб олиб, аллақачон планини тўлдириб қўйибди.

Шу совхоз даласида ҳашарчи студентлар билан учрашув бўлди. Фарғона пединститути биология-химия факультетининг студентлари тер тўкиб ишлаб, мўл-кўл пахта термоқдалар. Совхознинг кўчма Қизил байроғи шу азаматлар қўлида. Теримдаги яхши кўрсаткичлар учун қимматбаҳо мукофот олган қиз ва йигитлар талайгина.

Учрашувимиз мушоирага айланиб кетди.

«Бешариқ» совхозига ўтдик. Совхозда қилинган ва қилинаётган ишлардан беҳад мамнун бўлдик. Қолхоз ва совхозларда 24 йил бригадирлик қилган ветеран Мели Уринбоевнинг фарзанди, шу кунларда «Бешариқ» совхозида директорлик қилаётган Йигитали ҳам бизга жуда маъқул бўлди. Ҳали у ёш бўлишига қарамай, катта хўжаликка оқиллик билан бошчилик қилмоқда.

Ақл ёшда эмас, бошда деб бекор айтмаганлар. Йигитали совхозга директор бўлиб келганда ҳосил ўртача 23,5 центнер эди. Ҳозир эса 27 га етди.

24 баҳорни кўрган механик-ҳайдовчи Ҳикматой Мамажоновна «Ўзбекистон» машинасида 130 тоннадан ошириб пахта терди. Назиржон Низомов бошлиқ бригада ҳам 150 гектар ердан 25 центнердан ҳосил олиб, планини ошириб бажарди. Яна гектар бошига 8 центнердан пахта бериб, ҳосилдорликни 33 центнерга етказмоқчи.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Кўчма Қизил байроғи шулар қўлида. 1968 хўжалик йили кўрсаткичлари учун совхоз 70 минг 250 сўм пул мукофоти олишга сазовор бўлган эди.

Бу йил ҳам об-ҳаво ноқулай келишига қарамасдан, дўстларимиз мўл ҳосил етиштиришди.

Фарғона саёҳатидан катта таассурот билан қайтдик. Ҳали айтмоқчи бўлган гапларимиз, ўртага ташлайдиган фикрларимиз бор.

23 октябрь, 1969 йил.

Улуғ Октябрь инқилоби 52 ёшга тўлаётир. Чинакам озодлик байроқдори бўлмиш Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи барча граждaнларининг хонадонларида, мамлакатимизнинг кўча-хиёбонларида эртага катта байрам — Улуғ Октябрь байрами. Қардош социалистик давлат граждaнлари ҳам, барча прогрессив олам кишилари ҳам еттинчи ноябрни байрам қиладилар. Бизда, қардош социалистик давлатларнинг деярли ҳаммасида, Ленин майдонлари, Ленин кўчалари бор. Улуғвор бу шонли кунни тантанавор байрам қилмоқ учун кўчаларга чиққан коммунист-комсомоллар, пионер ва октябрятлар, қуролли қудратимиз — ҳарбийлар алвон-алвон байроқларни ҳилпиратиб, колонна-колонна бўлишиб, интернационал сафларга тизилишиб, Ленин майдонларидан мағрур ўтиб борадилар.

Ҳа, мағрурланишга ҳақимиз бор, қонуний ҳақимиз бор! Ҳа, биз улуғ Ленинимиз билан фахрланамиз. Шонли Октябримиз билан фахрланамиз. Башарият доҳийси — бизнинг Ленинимиз яратиб берган Коммунистлар партияси ва Советлар ҳокимияти билан фахрланамиз. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг бузилмас оиласида тенг ҳуқуқли граждaн бўлганимиз учун ҳам фахрланамиз, кулиб турган бахт-толеимиздан шодмиз, мамнунмиз.

Нега ҳам мамнун бўлмайлик, нега фахрланмайлик, биз, ахир! Дунё-дунё бўлиб, минг-миллион йиллар ўтиб, бахт қидириб чинакам бахт юзини кўролмаган халқлар орзуси биринчи бўлиб Улуғ Россия мамлакатида, бизнинг Ватанимизда ушалган бўлса нега мағрурланмас эканмиз, азиз ватандошларим!

Улуғ Октябрь революцияси тугилган кунда атиги ўн икки яшар норасида гўдак эдим мен. Ҳа, гарчи ёш бола бўлсам-да, инқилобгача бўлган тузумнинг заҳар-заққу-

мини, азоб-уқубатини татиб кўрганларданман, адолатсиз у тузумнинг ҳамшаҳарларим бошига келтирган чексиз фалокатларини ўз кўзим билан кўрганман.

Ҳаёт кечиришнинг оғирлиги, чоризмнинг мустамлакачилик сиёсати, зулми, ижтимоий тенгсизлик меҳнаткаш-жафокаш ўзбегимнинг жон-жонидан ўтиб, пичоқ суягига тақалганди. Чоризм ҳукмронлик қилган даврда ҳам, машъум хонлик замонларида ҳам меҳнаткаш инсон қадри тупроқ билан тенг эди. У замоннинг эътиборли кишилари хонлик ва чор амалдорлари, давлатманд зодагонлар, уламою эшонлар эди. Қўл кучидан ўзга бойлиги бўлмаган меҳнаткашлар ана шу бир ҳовуч аянч махлуқларга мутеъ бўлиб қолгандилар. Зоҳирда эрки ўзида бўлиб кўринган заҳмат аҳлининг, аслида оёқ-қўлларида оғир кишан, тил-жағлари боғлаб ташланган эди. Биронта меҳнаткаш ўз хўжасидан, адолатсиз тузумдан ёки мустамлакачи золимлар зулмидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга эмасди. Амалдор ҳам, қози ва муфти ҳам иложсиз ҳукмрон синф кишисининг тарафини оларди. Адолат қидирган меҳнаткашнинг боши зулм қалъасининг тош деворларига урилиб, пачоқ-пачоқ бўларди. Ҳуқуқсизлик, миллий тенгсизлик фақат шулар билан чекланмасди: дунёвий илм ва билимнинг пайига тушган, эзилган халқ манфаатини ёқлашга уринган якка-ярим шоир, олим ва зиёлилар кўриниш бериб қолгудек бўлса, дарҳол унинг пайи қирқиларди. Абу Али ибн Сино, Фирдавсий, Торобий, Мирзо Улуғбек, Фурқат, Муқимий ва ўнлаб фанмаданият арбобларининг фожиали тақдирлари шундан далолат бермайдими?!

Дунёни титратиб Улуғ Октябрь кириб келганига мана 52 йил бўлди. Инқилобга доялик қилган, йўргаклаб, тарбиялаб вояга етказган доҳий Ленин барча инқилобий кучларга оталик қилди, уларни хавф-хатарли йўллардан олиб ўтди, енгилмас деб муҳрланган золим Романовлар сулоласига барҳам берди. Кўп миллатли Россия тупроғидаги халқларнинг бошини бошига бириктирди. Қашшоқлик ва муҳтожликка, хўрлик ва ҳуқуқсизликка қарши курашди ва улуғ давлат шовинизми ва миллатчиликни туғдирадиган барча омилларни таг-томири билан қуритди. Ҳамиша барҳаёт интернационал биродарликни жорий қилди. Одам-одамга дўст — ўртоқ бўлиб қолди. Жаҳон тарихида янги давр бошланиб кетди.

Ҳа, Маркс-Энгельс революцион таълимотининг гени-

ал давомчиси, Коммунистик партиянинг асосчиси, жаҳонда биринчи зафарли пролетар инқилобининг раҳбари, социалистик давлатнинг бунёдкори, халқаро ишчилар синфининг йўлбошчиси — Владимир Ильич Ленинга ва унинг енгилмас таълимотига содиқлигимиз билан, у кўрсатган йўлдан чиқмай олға, фақат олға боришимиз билан, биз совет кишилари, мамлакатимизда социализм қурдик. Коммунизм қуриш учун фидокорона меҳнат қилмоқдамиз.

Биз, Ленин васиятларига амал қилиб, қолоқликдан қутулдик. Фан ва маданиятда, иқтисод ва сиёсатда, техника тараққиётида оламшумул ғалабаларга эришдик. Ижодий меҳнат-ла, партиямиз раҳнамолигида, коммунизмнинг моддий базасини яратиб қўйдик. Натижада илғор капиталистик мамлакатларга етиб олдик. Оқибатда жуда кўп соҳаларда улардан ўзиб кетганимиз билан ҳам фахрланамиз.

Октябрь инқилобининг тарихий хизмати — русларни, ўзбек, тожик, туркман, арманларни, белорус ва украинларни, грузин ва озарбайжонларни, қозоқ ва қирғизларни ҳамда бошқа ўнларча миллат халқларини, чин маънодаги ҳуқуқли, одам қаторига киритди. Саводсиз — жоҳил эдик. Қитобхон бўлдик. Маданиятимиз, адабиёт ва санъатимиз юксак даражаларга кўтарилди. Кўпмиллатли, қудратли Советлар Иттифоқи оиласида ҳар бир республика ўз ўрнини топди.

Октябрь инқилобидан илгари ўз қишлоғидан нари чиқолмаган ўзбегимнинг овози Октябрь инқилоби туфайли ер шарининг олис-олис бурчакларига ҳам бориб етди. Кўпмиллатли совет халқлари қаторида ўзбеклар ҳам фанга, маданиятга, санъат-адабиётга қўшган ўзининг салмоқли ҳиссалари билан, ҳар йили етиштирадиган тоғ-тоғ пахтаси, қизил-қора олтинлари, газлама, шойнатласлари, машина-техника асбоблари билан ҳам дунёга машҳур бўлиб қолди.

Ер куррасида биронта одам топилармикин — Россияда туғилиб камолга етган Улуғ Октябрь революцияси номини эшитмаган бўлсин?

Ер куррасида биронта одам топилармикин — Россияда туғилиб-ўсган, ўз ҳаётини инсоният олами ишига бағишлаган бизнинг Ленинимиз номини эшитмаган ва у из қолдириб кетган ишидан хабар топмаган бўлсин?!

Дунё дунё бўлиб, кўп тарихий ҳодисалар рўй бер-

ди-ю, лекин уларнинг биронтаси ҳам дунё тарихида Октябрь инқилоби сингари машҳур бўла олмади.

Дунё дунё бўлиб кўп тарихий сиймолар ўтиб кетдилару, аммо уларнинг биронтаси ҳам Ленин сингари машҳур бўла олмадилар, Ленинчалик дунё аҳамиятига, келажак дунё аҳамиятига молик бўладиган иш қила олмадилар, ёки бошлаган эзгу ишларини охирига етказа олмадилар. Ана шунинг учун ҳам Лениннинг беқиёс улуғлиги ва генийлиги билан фахрланамиз биз.

Бўлажак инқилобларнинг тўнғич акаси — Октябрнинг улуғворлиги ва у яратиб берган дастуриламал — Коммунизм китоби билан ҳам фахрланамиз.

ЯШАСИН, ЛЕНИН ЙЎЛИ ВА УНИНГ ЕНГИЛМАС ТАЪЛИМОТИ!

ЯШАСИН, ХАЛҚЛАР ҚАТОРИ МЕНИНГ ЎЗБЕГИМГА БАХТ ЙЎЛИНИ ОЧИБ БЕРГАН БУЮК ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИ!

1969 йил, ноябрь.

Мана, минг тўққиз юз олтмиш саккизинчи йил ҳам тугади. Минг тўққиз юз олтмиш тўққизинчи йил кириб келди. Одамлар бир-бирларини янги йил билан қутлашадилар, соғ-саломатлик тинч-осойишта турмуш, меҳнатда, ижодда бир-бирларига муваффақиятлар тилашадилар. Мен ҳам таниш-нотаниш дўстларимдан шу кечакундузларда янги йил табрикномалари олаётирман. Дўстларим — китобхонларим мени Ҳамза номли Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти берилиши билан қутлаб хат-телеграммалар йўлламоқдалар. Мен ҳам ўз навбатимда, китобхонларимни янги йил билан қутлайман. Соғлиқ, саломатлик тилаб қоламан.

Ҳа, дарвоқе, ёлғиз менинг ҳаётимда эмас, ўзбек зиёдилари, ўзбек халқи ҳаётида ҳам қувончли ҳодисалар бўй берди. Ўзбек пахтакори тўрт миллион тоннадан ортириб «оқ олтин» яратди. Хўжаликнинг барча турлари бўйича планларини бажариб, ўз ваъдаларининг устидан чиқдилар. Коммунизм қуришни мақсад қилиб олган халқимиз йиллар ўтган сари ўз эзгу тилаклари бўлмиш истиқбол чўққисига тобора яқинлаша бораётганларига ишонч ҳосил қилмоқдалар. Ҳаёт гулбоғини янгидап-янги чечаклар билан безамоқдалар.

Радио ходимлари чет эллардаги радио мухлисларига ўз ижодим тўғрисида сўзлаб беришни илтимос қилдилар. Гарчи киши ўзи ҳақида сўзлаш ноқулай бўлса-да, бундай олижаноб илтимосни рад қилишга журъат қилолмадим.

Ёзувчи ўз асарини китобхонларига манзур қилиш учун юрак қўри, кўз нуруни тўкади. Менинг сўнгги икки китобим муҳтарам китобхонларим томонидан илиқ кутиб олинди, давлатимиз томонидан юксак баҳо берилди. Севинчамни яширмайман, лекин ҳали халқимдан, томошабин ва китобхонларимдан қарздор эканлигимни, бу

мукофот билан қарзим устига яна қарз зиммалаганини ҳам эътироф қилишга мажбурман. Чунки мен аъзо бўлган комсомол ташкилоти, қирқ йил ўз сафида тарбиялаб келаётган шонли коммунистлар партияси, қолаверса она-Ватаним, халқимнинг озмунча меҳри, меҳнат сарф қилинмадими мени бу даражага еткургунча? Мустамлака уқубати зиндон сингари қоронғи катак сингари тор, диққинафас ҳаётдан, Ленин даҳоси билан етишган азм-камолоти сабабли яратган янги ёруғ-порлоқ дунёга олиб чиққан, менга билим, онг, шуур, жасорат берган халқимнинг ҳақи ҳали кўп менинг гарданимда! Бобом Берди темирчининг етти пушти саводсиз ўтган. Фақат саводсиз онам-отам фарзандлари орасида биринчи саводхон фақат мен бўлганман. Бунга ҳам Октябрь инқилобининг шарофати сабаб бўлганди.

Башар қуёши улуғ Лениннинг «Халқи саводсиз бўлган мамлакатда социализм қуриш мумкин эмас» деган қақирғига ўн тўрт ёшдаги Назирқул ҳам «лаббай» жавоби билан маданий юриш фронтига бел боғлаб тушган эди. Неча-неча юзлаб саводсизларга савод ўргатиб «ўнг-сўл» қўлини танитган бармоқ билан санарли ўқитувчилар сафида туриб хизмат қилганимни бу қувончли дамларимда эслаб ўтсам уят бўлмас, деб ўйлайман. Чунки бундан ярим аср бурун халқимнинг 99 фоизи саводсиз, деҳқон қуроли сўқа, хонадонларимизни қора чироқ ёритиб турарди.

Ҳамза номидаги Давлат мукофоти лауреати берилган «Кўрган-кечирганларим» қиссасида худди ўша ҳаёт тасвирланган. Қиссада баён этилган барча воқеа ва эпизодлар тарихий аҳамият кашф этиш билан бирга, реал ҳаётий ҳақиқат ҳамдир. Бу китобда туғилиб ақлимни таний бошлаган кундан, то ўн бир ёшимга қадар кўрган, кечирган, қисман эшитганларимдан энг муҳимларини қоғозга туширганман. Буни таъкидлашимнинг тагида гап бор; гарчи бошқа ёзувчилар сингари менинг ҳам ёзувчилик фаолиятим газетада ишлашдан — журналистикадан бошланган бўлса-да, дастлабки катта асарларимдан «Уйғониш», «Шарқ тонги» сингари пьесаларим тарихий-революцион темага бағишланган эди. «Уйғониш» драмасида тасвирланган аксари эпизодлар минг тўққиз юз ўн олтинчи йилда ўз кўзим олдида бўлиб ўтган миллий озодлик халқ қўзғолони тарихидан биргина шингил эди, холос. Октябрь социалистик революцияси

арафасида чоризм ҳукмрон бўлган мустамлака Туркистоннинг қишлоқ, район, шаҳарларида рўй берган оммавий қўзғолонлар, чорноя тахти қимирлаб турган қонхўр Николай пошшонинг ва асрлар оша рус ишчи-меҳнаткаш халқининг бошида ёнғоқ чақиб келган монархия тузумининг устига чиққон бўлган, тахт-бахтини ларзага келтирганди. Мана шу воқеага бағишланган «Уйғониш» драмат 1938 йилда энг яхши драма асарлари яратиш учун эълон қилинган республика ҳукумат конкурсида иккинчи мукофотни олишга сазовор бўлганди. Ўттиз йилдирки, бу пьеса гоҳо у, гоҳо бу театр саҳнасида қўйилиб келмоқда.

«Шарқ тонги» драмат «Уйғониш»нинг давоми деса бўлади, чунки «Шарқ тонги»даги воқеалар Тошкент шаҳрида 1917 йилда юз берган ва қўш ҳокимият жангу жадаллари, меҳнат билан капитал ўртасидаги қонли тўқнашувлар тасвирланади.

1917 йил февраль инқилоби туфайли эълон қилинган ҳуррият, ишчи-деҳқон тилагини том-маъноси билан рўёбга чиқазмаганди. Шунинг учун ҳам Марказда давом этган «Бутун ҳокимият Советларга» шiori Тошкентда, Туркистоннинг бошқа шаҳарларида давом этди. Эзилган рус, ўзбек бошқа миллат меҳнаткашлари Тошкент бошқарувида бошчилигида ягона фронт тузиб, оқ подшонинг Туркистондаги соясн генерал Куропаткин ҳокимиятига, сўнгра эса Вақтли ҳукумат бошлиғи Керенский томонидан Тошкентни қонга ботириш учун юборилган жаллод генерал Коровиченконинг жазо отряди билан ҳаёт-мамонт жанги бошланиб кетди. Туркистоннинг инқилобий кучлари, реакция ва аксилинқилобий кучлар устидан ғалаба қилдилар ва Тошкентда Советлар ҳокимиятини туздилар. Мен ана шу социал ва тарихий воқеаларни саҳналаштириб, унга «Шарқ тонги» деб ном бергандим. Бу пьеса Ўзбекистон Республикасининг 25 ёшга тўлган кунинда Тошкентдаги Максим Горький номли рус драма театрида биринчи бўлиб, сўнг эса Ҳамза номли, Ленин ордени Ўзбек Давлат академик драма театрида қўйилган эди.

Менинг ижодимнинг дастлабки йиллари, асосан, инқилобий ҳаракат темасига боғланиб қолишга, ош ва ижодий камолотимнинг шаклланишга таъсир кўрсатган тарихий оқишлар, шулар бўлган эди. Қизиги шундаки, менинг тўққиз юз олтинчи саккизинчи йил бўсағасида қа-

лаким яна менинг ҳаётида кучли из қолдирган болалик йилларимдаги «Кўрган-кечирганларим»га бурилиб кетди. Бу китоб дастлаб «Шарқ юлдузи» адабий журналида эълон қилина бошлаган чоқда ўқувчилар мени қутлов сўзлари билан сийлай бошладилар. Китобхонлар мулоҳазалари, танқидчи олимларнинг тақризларига кўра «Кўрган-кечирганларим» ўзбек халқи ҳаётида ҳали қаламга олинб улгурилмаган хилма-хил ҳаётий лавҳа, эпизод ва характерлар, урф-одатлар, ҳамда тарихимиз лавҳалари ҳаққоний равишда ўз аксини топган деган фикрлар баён этила бошлади. «Кўрган-кечирганларим» номли янги қиссам, «Томчи қон» номли замонавий очерклар китобим ўз авторига, қолаверса ўзбек совет адабиётига шуҳрат-қувонч бағишлаган экан, чет элдаги радио ва китоб мухлисларига етказилгудек бўлса, хурсанд бўлурлар, деган умиддаман.

Ҳозир мен иккинчи китоб устида ишламоқдаман. Умидворманки, «Кўрган-кечирганларим»нинг иккинчи китоби ҳам талабчан совет китобхонларини хушнуд қилгусидир.

1970 йил.

Йилномаларимизнинг мазмуни бири-биридан қуюқ. Айниқса 1969 — 1970 йиллар ҳар қачонгидан кўра ҳам сермазмун ўтди. Улуғ Ленин юз йиллигининг нишонла-ниши бунинг боисларида бири бўлди. Ленин даҳоси халқимизга битмас-туганмас ғайрат, куч-қувват, жўш-қин илҳом бағишлади. Конкрет планга асосланган соци-алистик ҳўжалигимизнинг кўпчилик тармоқлари пар-тия — ҳукуматимиз белгилаб берган режалардан алла-қанча оширилиб бажарилди.

Буни биз ўз жонажон республикамиз қиёфасида ҳам кўриб турибмиз. Советлар Иттифоқининг пахта муста-қиллиги учун олиб борилган курашида Ўзбекистон хал-қининг меҳнати, қўлга киритган ютуқлари ҳақиқатан ҳам оламшумулдир. Бугина эмас: пилласи — ипаги-чи! Гази, турлн-туман ер ости бойликлари-чи! Қорақўл бар-раси, қизил-қора олтини-чи! Дунё бозорларига чиқариб турилган хилма-хил машина, шойн, атлас, газламалари-чи! Фаи, маданият, адабиёт ва санъатдаги камолати-миз-чи!

Ҳа, меҳнатимиз, ақлу заковатимиз билан вужудга келган, жаҳон аҳлига кўз-кўз қиладиган ишларимиз, ютуқларимиз оз эмас. Шон-шавкатга айланган меҳнати-миз, тинч-тотув сиёсатимиз, кўмакдошчи, интернационал-чи биродарлиги билан башариятга ибрат бўлаётган ажойиб хушфеъл, бағри кенг халқимиз бор. Кекса дунё ёши-ни, Европа тараққиётини ёки Американинг топилиши сапасини эътиборга олганимизда биз яратган — яшаёт-ган давримизнинг эллик ёши нима деган гап! Бундан ярим аср чамаси аввал ҳам Россия бор эди. Туркистон ўлкаси, Эрон, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон сингари мамлакатлар мавжуд эди. Биз узоққа бормасдан хон-лик ва мустамлакачилик зулми остида қадди букилган, маданият, маърифатдан бенаиб, ер, сув гадоси шўрпе-

шапа ўзбек меҳнаткашининг ярим аср бурунги кечириб келган кунларини бир кўз олдимизга келтириб кўрайлик-а!

Ўз ота-она, бобо-момолари ўтмишини кўрмаган авлод учун вақт-вақти билан музейни эсга олиш ва эсга солиб қўйиш хайрли ишдир. Агар биз ўтмишда кўрган кунларимиздаги бирон нарсани ҳозирги кунимизга таққос қилиб кўрадиган бўлсак, ҳеч қандай ўхшашлик кўролмаймиз. Жамиятимиз, кишиларимиз ҳаётида сон ўзгариши эмас, ер билан осмон қадар фарқ қиладиган сифат ўзгаришларини кўрамиз. Ҳаммадан кўра муҳими қудратли, интернационалчи Советлар Иттифоқининг бузилмас, метиндек мустаҳкам барқарор иноқ оиласидан ўзимизга муносиб ўрни эгаллаб олдик. Ўзбекининг ва бошқа иттифоқчимиз бўлган халқларнинг бахт калити ҳам ана шудир.

Ўзбек халқининг ҳаётида рўй берган бу тарихий ўзгаришлар фақат ва фақат улуғ Леонин даҳоси, Октябрь социалистик революциясининг оламшумул ғалабаси ва мевасидир. Бундан ярим аср бурунги ўзбек халқи ҳаёти кечагидек менинг кўз олдимда. Ўзбек меҳнаткаши инсон сифатида ҳеч қандай сиёсий ҳуқуқ, ижтимоий тенгликка эга эмас эди. Тенг тенги билан, деган мақол беҳудага айтилмас эди-да!..

— Ҳой ялангоёқ! Сан киму, равоглик энон ким!..

— Ҳой эски чонон! Сан киму Қодирқул бой ким! Ўлгинг келянтини сенинг?! Жўжабирдек жон экансан! Тинлингга эҳтиёт бўл! Оёғингни библиб бос! Қарга юриш қиламан деб чатаногни йиртилган чумчуқ ҳолига тушиб қолма, яна!— деб ҳақталаб, ҳақгўй бечоралар яғринига қамчи солган, Сибирга сургун қилиш билан таҳдид қилган элликбоши, мингбоши ва бойлар сўзини кўн маротабалар гувоҳи бўлганман. Арз-доди ҳеч ерга етмай ер тишлаб қолган камбағал, бева-бечораларни кўн кўрганман.

Ўзбек қизлари, аёллари она-сингил, оналаримизнинг қисматлари шўр, тақдирлари, айниқса аянчли эди. Улар уй-рўзғор чўрилигидан, эркакларга қарамликдан бошқа ҳуқуққа эга эмасдилар. Қиз-йигит севгиси поймол, қизлар товар ўрнида сотилиб, палақмон тошидек улоқтирилди.

Ўзбек совет адабиётининг байроқдори устоз Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий:

«Келди очилур чоғинг ўзлигинг намоён қил,
Парчалаб кишанларин, ҳар томон парিশон қил.
Мақтаб-анжуман боргил, унда фикр очиб гоҳи,
Илм-фан тиги бирлап жаҳл бағрини қон қил.
Сояларда сарғайган юзларинг қилиб гулгун,
Сен ҳам аҳли допишлар базмини гулистон қил,
Чўрилиқини муллалар санга қилдилар тақрир,
Кел бугун бу заҳминга маърифатни дармон қил»...—

деб куйлаганда, ўзбек аёлларини ана шу асрий қуллик-дан озод қилган Октябрь инқилобини улуғлаб, ўзбек аёлларини фан-маданият чўққиларини эгаллашга чақирган эди. Шоир орзулари ушалди.

Ер-сув, бошқа моддий бойликлар бир тўда бўри бойлар ҳукмида бўлганидан ҳақиқий деҳқон — чин инсон яйраб-яшнаб кун кўриш, ҳаёт завқини суришдан бенасиб, меҳнат қадрсиз, меҳнаткаш хор-зор эди.

Булар эндиликда ўтмишимиз бўлиб қолди. Утмишни эслаб қўйиш, бу кун кечираётган ҳаётимизни таққослаб кўриш учун, ким эдики, ким бўлиб олганимизни чуқур тушуниб олиш, идрок қилиш учун керак холос.

Ер-сув помешчик — катта ер эгаларидан, завод-фабрикани капиталистлардан тортиб олиб, давлатиники — халқиники деб эълон қилинмаганда ҳозирги бахтиёр ҳаёт қаёқда эди, бизга! Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ Мирзачўлни ўзлаштириш зарурлигини ҳаммадан олдин билган, унга зарур маблағ топиб Совнарком қарорига имзо чеккан улуғ Ленин башорати ҳамон ўзбек халқининг тилида, дилида. Ёзувчиларимиз мадҳида, шоирларимиз ғазалида.

Ўзбек халқининг бахти ва бахтсизлиги ер-сувга боғлиқ эди. Мирзачўлни ўзлаштириш тўғрисида декрет чиқиб, ер-сув ислоҳоти ўтди, қулоқ синф сифатида тугатилди, колхоз ташкил қилинди, ўзбек деҳқонининг азалий орзулари ушалди. Ленин гоёки деҳқон дардига малҳам, белига мадор бўлди. Ўзбек халқи коммунистлар партияси бошлаган йўлдан бориб барака тонди. Ер очиб, каналлар қазиб, сув омборлари қуриб зоғ учмас Ёзёвон чўллари, Мирзачўл саҳроларини бог-бўстонга айлантирди, мана энди Қарши чўлига юриш бошланиб кетди.

Утган йиллар мобайнида халқимиз бир эмас, саккизта беш йиллик планларини муваффақият билан бажарди. Бажарилган ҳар бир беш йиллик ёлғиз диёримиз

қиёфасини, Ғаф-маданиятимизини, турмуш фаровонлигини оширибгиша қўймасдан, янги жамият, янги одам, янги қаҳрамонларни тарбиялаб дунёга келтира борди. Мен бундай илгор кишиларнинг бирмунчалари билан шахсан танишман. Ҳамсуҳбат бўлганман. Очерк — лавҳалар ёзганман. Уларнинг продаси, юрак қўри, коллективчилик меҳнати билан яратилган обод қишлоқ, бой-бадавлат колхоз-совхозларда бўлганман. Қамтар, саховатли, тadbиркор — донишманд бу одамлар халқ вакили, коммунист раҳбар сифатида ижтимоий тараққиёт ишига улкан ҳисса қўшган янги типдаги одамлардир. Партия, Совет ҳокимияти ва халқ хизматида бўлган бу раҳбар ходимлар, ўз коллективларининг куч-қувватини ишга солиб яратаётган моддий-маънавий бойликларни кўрганингда қувончинг ичингга сиғмайди, ҳаяжонингни яшира олмай қоласан киши!

Колхоз қурилиши ветеранларидан Абдуллажон отанинг таърифини орқаваротдан эшитиб қидириб бордим. У бир ерда қўшми йўқ, далама-дала олиб-югуриб иш қиладиган раис экан. Уни қидириб тонгунимча йўл-йўлаккай дала шийнонларида бўлдим. Оддий колхозчилар билан суҳбат қурдим. Дарҳақиқат, бундан қирқ йил бурун «Қизил қўшчи» номи билан ўн етти қўли қадоқ деҳқондан ташкил топган ҳозирги «Фрунзе» колхозининг ўзига хос кўрки, салобати, ибратомуз шон-шухрати бор экан.

— Отани тонганингиз билан ўзи ҳақида сўз олишингиз қийин, мулла ака,— дейишади ҳамсуҳбатлар.— Раиснинг кимлигини билимоқчи бўлсангиз, мана, биз айтийлик, сиз эшитинг!

— Жон деб эшптаман,— дея блокнотини очаман.

— ... Бир одам ниҳол ўтқазади, йиллар ўтиб у вояга етади. Соясида ҳордиқ чиқарганлар чинор эккан одамни суриштириб, дуо қилишади.

«Қизил қўшчи» ҳам бундан қирқ йил бурун энди илдиш ота бошлаган поэтик бир ниҳолча эди. Йиллар ўтиб, ўсиб-улгайди. Азамат чинор бўлди. Буни ўтқазган, кўз қорачиғидек асраб вояга етказган киши ҳозирги раисимиз Абдуллажон ота бўладилар.

Суҳбатдагилар мамнун бўлишиб бош тебратадилар.

— Бизнинг раис, мен сизга айтсам, мулла ака, колхозчининг жони. Колхоз бино бўлгани, бу кишининг гапини икки қилгонмасмиз. Ўзлари камсухан. Гапирадугон бўлса, аммо ўйлаб гапиради. Айтганини қилдиради.

гон, сўзини устидап чиқадиғон, бир сўзлик, чўрткесар одам.

— ... Раисимиз одампарвар киши. Ўзлари ерни яхши кўрадилар. Ерни ишга солиб ийдира билсанг, истаганингни беради... Бекор фойдаланмасдан ётган ерга дуч келиб қолсалар гўё қулоқларни тешгудек унинг дод-фарёди эшитилармиш... «Хой одамзод! Оёғинг остига боқ! Сени кўтариб, ким тўйдириб келаётганини ўйла! Фикр қил! Умрим бекор ўтди! Сув бер! Бағримни бўшат. Истаган уруғингни соч! Сеннинг қулингма!»

Икки гапнинг бирида раис шундай нақл тўқиб, «Ерни эъозланг! Ер бойлигимиз! Ер битмас-туганмас хазина», дер экан.

Суҳбатдошларим мени Марказий Фарғона чўлига обориб «Қир гули»даги «Янги ҳаёт» массивини томоша қилишга қизиқтирдилар. Абдуллажон отанинг қанақа раис эканлигини билиб олмоқ учун, албатта Ёзёвонга боришим шарт эмиш.

Мен Абдуллажон ота раис бўлгандан бери 37 колхознинг бирлашувидан майдонга келган «Фрунзе» колхозни 3170 гектар ерга пахта экса, ҳар йили деярли 8400 тоннага етказиб уруғлик «оқ олтин» хирмони кўтарса, яйловида 9000 қўйи, 1500 қорамоли яйраб юрган бўлса, яна бунга қўшимча ҳар йили давлатга 116 тоннадан ортиқ пилла сотиб турса... Минг гектарлик бог-роғи, олтита Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, 130 азаматнинг кўкрагида Ленин, Меҳнат Қизил Байроқ орденлари порлаб, яна қанчадан-қанча илғорлар кўксини бошқа хил орден ва медаллар бежаб турган бўлса, яна раисингизнинг ўзлари уч Ленин ордени, бешта Меҳнат Қизил Байроқ ордени, иккинчи даражали Ватан уруши орденларининг кавалери бўлсалар... Бундай юсак мукофот бекорга берилмаслиги маълум-ку!— десам, улар: «Тўғри, яхшиси сиз, албатта Фарғонага боринг! Абдуллажон ота бош бўлиб ўзлаштирилган қўриқ ерни, пахта майдонларимизни, барпо қилинган шаҳарчамизни кўринг! Ана ўшанда бизнинг раис қанақа раислардан эканлигини яхши билиб olasиз»,— дейишди.

Биз Марказий Фарғона чўлига қараб йўл олдик. Охунбобоев райони Маргнлон шаҳри билан туташ бўлгани учун кўча тузилиши турар жойлардан тортиб колхозчиларнинг бутун ҳаёти шаҳар қиёфасида кўринарди.

Айниқса, «Фрунзе» колхозининг пахта майдони бог-роғларини мустасно қилинганда колхозчиларнинг турар жойи, маданий-маиший шаронглари шаҳарликларникига ўхшаб кетарди.

Биз машинада йўл-йўлакай суҳбатлашиб борардик. — Бизнинг раисда иш кўп!— деб яна сўз бошлади ҳамроҳим.— У колхозлараро ташкилот маблағи билан Марказий Фарғона чўлида бир вақтлар ташкил топган, боқибегам бир раис қўлида барбод бўлган бир колхоз хўжалиги ҳақида сўзлаб кетди. Колхоз ери яқинидан ўтган канал туфайли ер захланиб, ҳосил битмай, оқибатда давлат етти миллион саккиз юз минг сўм зарар кўрибди. Ношуд раисни янгилаш зарур бўлиб қолганда балогардон бизнинг Абдуллажон отага ёпишиб оладилар. Ҳа, раисимиз ер шайдоси эмасми, захкаш ер, захда ўтириб-чўкиб қолган иморатларни кўриб йиғламоқдан бери бўлади. Колхозчиларни йиғиб ваъз айтади.

Одамни билсин, унинг юрагига йўл тона олиш ҳам зўр санъат. Бундай санъат Абдуллажон отанинг қонинда — жонинда, иш тушини усулида мавжуд эди. Қаловини тонса, қор ёнар. Ҳа, коммунист Абдуллажон ога қорини аланга олдирадиганлардан чиқди. Бир қўли билан «Фрунзе»чиларни, иккинчи қўли билан «Қир гули» одамларини етаклаб «Янги ҳаёт»ни оёққа турғизишга киришди. Биринчи йили «Қир гули»га бориб ётиб олди. Биринчи вазифа зовур қазиб ер захри сизотини қочириш керак. Ҳозир унча мушкул бўлмаган бу иш бундан ўн беш-йигирма йиллар бурун беҳад қийин ва оғир эди. У вақтларда ер қазийдиган, ариқ очадиган машиналар кам. Кетмон билан бундай катта ишни бажарини маҳол эди. Донишманд ранс инмани ўйлаб топдилар деми? Ўзлари чертёж чизиб, зовурлар чизигини белгилادилар. Ер портлатувчилар билан тил топиб, шартнома тузибдилар. Ер портлатиб, суиғий зовурлар очиб олинибди. Қон томири узилган ердан сизот сувлар тизилиб чиқиб, ер секин-аста асли ҳолига қайтади, ҳосил бера бошлайди.

Марказий Фарғона чўлига бориб сайр-саёҳат этдик. Чўл қоптимми!.. «Янги ҳаёт» ёки «Қир гули» деганларича бор экан. Чўл чеккиниб обод қилиш, жажжи шаҳарчалар бунёд этилибди. Ўрта қўлдек асфальт кўчалар, йўл ёқаларида қатор мирзатерак, тут дарахтлари «Янги ҳаёт»ликлар яшаётган маданий уйлар электр билан пурафшон. Водопровод, газ, турмуш учун керак бўлган

ҳамма нарса «Қир гули» да муҳайё... Бешта янги мактаб, бешта болалар боқчаси қурилиб ишга туширилган. Яна янгидан турар жойлар, болалар интернати, пионерлар лагери, молхоналар қурилмоқда. Механик кадрлар тайёрлаш учун 350 кишилик доимий ўқув юрти мунтазам ишлаб турибди. Махсус полкларнинг, 50 каравотлик шифохона турли касалликларни даволашга мослаштирилган...

Абдуллажон отани пахта териб юрганлар орасида учратдим. Ташқи кўринишида ҳеч қандай фарқ кўрмадим, раисда. Урта бўй, тўла қомат, табиятан оғир, ёши етмишга бориб қолган бўлса-да, кексалikka тутқич бермай келаётгани сезилиб турарди, отанинг юриш-туришида.

Мен у киши билан узоқ гаплашолмаган бўлсам-да, лекин отахон тавсифи тўғрисида тўла тасаввурга эга эдим. Бағайрат, хотамҳиммат, коммунист ташкилотчи, инсонпарвар бу мўътабар ота босиб ўтган йўл, унинг жонли образи ҳар қандай бадний асар — роман, драма, дostonга зеб-зийнат бўла олишига қаноат ҳосил қилгандим.

Марказий Фарғонада коммунист Холматжон Марозиқов бошчилигида бунёд этилган Карл Маркс номи колхозда ҳам бўлганман. Маркесчиларнинг диди, бунёдкорлик қудратини кўриб тасанно айтгани келади. Бу колхоз ўн уч ёшга кирипти. Яқинида тап-тақир бўлган чўлда бунёд этилган колхоз қишлоғи маданий-маиший муассасалар, спёсий-ижтимоий тарбия ўчоғига айлантирилган муҳташам маданият саройини, меҳмондўст, меҳнатсевар, дилкаш, одамохун кишилари билан бир бор суҳбат қурган одам умрбод улардан кўнгил уза олмайди. Меҳнат роҳатга айланган бу колхозда ҳамма нарса муҳайё. Мактабларда болаларга ҳар куни икки бор пеник овқат берилади. Колхозлари учун сув, электр, радио бепул. Кино-театр текни. Қишлоқда милиция идораси йўқ. Сўнгги ўн йил мобайнида биронта ўғирлик содир бўлган эмас. Примиға бўлса-да, суд жавобгарлигига тортилган биронта шахс топилмайди. Йил-ўн икки ой иккоҳ тўйлари бўлиб туради. Лекин биронта бўлса ҳам қўйди-чиқди йўқ.

Колхоз чўлдан 2100 гектар ер ўзлаштирган. Минг гектарга яқин ерга пахта экади. Ўн бир бригадага механик ҳайдовчилар бошчилик қилади. Пахта, асосан, маши-

наларда териб олинади. Ун етти хўжалик билан иш бошлаган Карл марксчилар ҳозир уч юз ўттиз беш хўжаликка етди. Уч юз қирқта янги уй қурилди. Бешта дангиллама уй запасда — янги рўзгорларни кутиб турибди.

Республикамизнинг ҳамма область, районларида, совхоз-колхозларида, завод-фабрикаларида, илмий тадқиқот институтларида, коммунистик қурилишнинг барча соҳаларида Абдуллажон Раҳмонов, Холматжон Мароziқовга ўхшаган ватанпарвар, жонкуяр коммунист раҳбарлар, Фрунзе ва Карл Маркс номидаги колхозларга ўхшаган хўжаликлар оз эмас, албатта.

Мен бундай мисолларни янги — Мирзачўлдан, Қашқадарё ва Сурхондарё водийсидан, Хоразм ва Қорақалпоғистондан, Тошкент ва Самарқанд областларидан кўп-кўп келтиришим мумкин эди, албатта.

Ҳоят улкан галабалар билан якунланган саккизинчи беш йиллигимиз ҳам одам меҳнатиини улуглайди. Жамият тараққиёти босқичларининг шаклланишини одамнинг меҳнати, тафаккурисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Зеро, ибтидоий жамиятдан тортиб, ҳозирги жамият босқичига қадар бўлган даврлар одам меҳнати самараси ишлаб чиқариш самараси билан характерлидир. Меҳнат дегаанда биз жисмоний меҳнатни жомакор кийиб мойга, куюга беланиб машина қулоғини тутган, тунроқ-чангга беланиб моддий бойликлар яратувчи кўли қадоқ ишчи-деҳқонини кўз олдидан келтирамиз, дарҳол. Лекин ақлий тафаккур меҳнат-чи? Ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат муштараклиги бўлмаганда, оддий бир мисол: «Луноход» яратиб, ойга қўндириб, ердан туриб берилаётган одам буйруғини, энг мушкул — мураккаб вазифаларини аъло даражада бажартира олармидик!

Борган сари тарихий аҳамият ва ҳаётийлик қасб этаётган бу улуг бунёдкорнинг донишманд муҳандиси, мунажжими бор. У илмий коммунизмнинг фалсафий фикри — ақл-продаси, илҳомбахш ташкилотчиси, етакловчи раҳнамоси, снгилмас кучи, қудратли қуроли, у ҳам бўлса — Ленинизмдир. Ленини яратган гоявий курашларда чиниқиб камол топган, Россияда биринчи бўлиб ҳокими мутлақ ва эксплуататор синфларга барҳам берган, социалистик давлатни барпо қилишда раҳнамалик қилган коммунистлар партиясидир.

Мана, кечагидек бугун ҳам тўққизинчи беш йиллик планни бажаришга киришни биланоқ, шонли партиямиз-

нинг XXIV съезди шарафига умумхалқ мусобақаси бошланган кетди. Бу эса қўпмиллатли халқимизнинг бирдамлиги, коммунизм башкорларининг Ленин партиясига, совет ҳокимиятига бўлган ишонч ва садоқатининг рамзи эди.

Меҳнат ва турмуш. Бу икки сўзда бир дунё мазмун бор. Одам меҳнати билан улуғ. Бизда меҳнат билан шон-шараф топган биринчи рақамли янги авлод мавжуд. Шу ижодкор авлод шонли партиямиз раҳбарлигида меҳнат қилиб социализм қурди. Бундан сўнг ҳам бу авлод коммул ишонч билан партия кўрсатган йўлдан боради, коммунизм қурилиши ишида узи-кеси-галаба қозонади. Келажак авлодга ҳар тарафлама тараққий этган синфсиз жамият, бахтиёр ҳаёт бағишлайди.

Бутун кучимиз, истисод — юрак қўримиз сенга, сенинг хизматиңга жонажон партиямиз!

1970 йил, декабрь.

Юбилей йилмиз зафарларга бой келди. Шундай бўлиши ҳам керак эди. Аслини олганда юбилей йили табиати, ўз хусусиятлари билан кўп жиҳатдан аввалги йиллардан фарқ қилди. Об-ҳаво наст келди. Табиий офат кўп бўлди. СССРнинг кўпгина районларида қур-гоқчилик бўлди. Шундай бўлса ҳам юбилей йили, умуман, бизга кулиб бокди. Кулиб бокмай ҳам кўрсин эди! Яширинга ҳожат йўқ. Юбилей йилининг баҳорида, ёзида вақт-бевақт табиат нижонликлари бўлиб турди. Гоҳо кулиб осмон ҳаммани хурсанд қилса, гоҳо бирдан феълни айланиб, деҳқон дилини сиёҳ қиларди. Қанақа ташвишлар солмади ҳамал ойна билан совур ойна деҳқонларимиз бошига! Неча-неча ҳафталаб кунларни тулларга улаб мишжа қоқмади деҳқонларимиз. Мишжа қоқмай меҳнат қилиб, тер тўкиб, чигит экиб, уни ундириб олди. Ғўзалар шопалаган пайтда бевақт жала қуйиб берди-ми? Берди. Ёқимсиз жаладан заха еган мурғак ғўзаларга парварини бериб соғайтириб, энди асли ҳолига қайтарган чоғларида яна аввалгиларидан кўра даҳшатлироқ табиий офат юз берди.

Табиий-офатлар рўй бериб турган ўша кезларда мен райондан-районга, колхоздан-совхозга ўтиб, «ҳорма, бор бўл» қилиб юрган вақтимда, янглишмасам, худди бешинчи май кунини Сирдарё областининг ғарб-шимолий томонида осмонда тоғдек қора булут пайдо бўлди. Деҳқонлар юрагини чангаллаб, икки қўли ёқасида, кўзлари бадбашара қора булутда!.. Момақалдироқ гулдуридан даралар титрар, чақмоқлар чақнаб учарди.

— Дўл!

— Дўл тушди...

— Ғўзалардан ажралдик,— дер эди деҳқонлар жонини ачиб.

— Ёлпоқдек-ёлпоқдек дўл ерга, дарахтларга қарс-

қарс урилиб футболчилар тўпидек сакраб ўқдек отиларди. Дўл шундай шиддат билан ёғардики, гўё ердан чапг кўтарилиб ҳавони ғубор босди, кундуз қоронгилашди. Дўл тушган ерларда на тиккайган гнёҳ, на эндигина барг ёзган дов-дарахт шоҳлари қолди.

Йигирма минут чамаси давом этган табиий офат баҳор бошидан бери қилинган деҳқон ишини барбод қилди-кетди.

Табиат номардлигидан совет деҳқонининг руҳи тушмади, аксинча, ғазаби қўзғади, шерлашиб кетди. Кучини, ақл-заковатини ишга солди. Ҳамма-ҳамма воситаларни табиат бузғунчилигига қарши сафарбар қилди, қўни-қўшни ҳамкасблар ёрдамга шошилди. Ер ҳайдалиб қайта бошдан чигит экилди...

Кейинроқ билсам, бундай офат ёлғиз Сирдарё области заминидагина юз бермапти, балки Ўзбекистоннинг деярли барча областларида, кўнгини хўжаликларида рўй берибди. Юбилей йили деҳқончилиги ана шундай ноқулай, мушкул ва мураккаб об-ҳаво шаронинда якулланди.

Халқимизнинг «жўжа кузда саналади» деган ҳикмати мақоли бор. Мапа куз келиб, ўтиб ҳам кетди. Хирмонларимиз ҳам кўтарилди. Хирмон бўлганда ҳам қапақа хирмон деми?! 4 миллион 700 минг тоннадан ортқ! Ўзбекистон Ўзбекистон бўлиб юбилей йилидаги сингари бунчалик осмонўпар хирмонни, бунчалик оламшумул зафарни кўрган эмасди.

Юбилей йилида бог-бўстон Ўзбекистонимизнинг Сурхондарёдан бошқа ҳамма областларида бўлдим. Хоразм, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент, Фарғона, Андижон, бог-роғлари гулистон Наманган областида бўлдим. Бири биридан гўзал, бири биридан баркамол, йил сайин ҳуснига-ҳусн қўшилиб, борган сари ёшараётган, гулгун очилиб ободонлашаётган кўркам шаҳар, район, қишлоқларимизни кўриб кўнглим тоғдек кўтарилди. Мен ҳар галги саёҳатимда янги тушган келнчак хонасидек тўрт фасл бирдек безашиб турган Наманганга ҳавасим келарди. Қани энди қўшни Андижоннинг шаҳар, районлари ҳам, колхоз қишлоқлари ҳам шундай кўркам, ораста бўлса, деб орзу қилардим.

Бу гал Андижонда бўлиб уни таниёлмай қолдим. Келг, чароғон, икки томонга барваста чинорлар ўтқазилган асфальт кўчалар, чеккалари гулзорга айланти-

рилган тротуарлар, шинам автобус бекатлари, кўча юзидаги шўрхок қинғир-қийшиқ деворлар ўрнида раиго-ранг панжарагул панел деворлар, сомон сувоғи тупука, шифер билан алмаштирилган томлар, янгида барпо этилаётган завод ва фабрика корпуслари, кўҳлик янги турар-жой бинолари шаҳар ва районлар чиройига яна ҳам ҳусн қўшиб юборибди. Бу жиҳати билан ҳам андижонликлар иши ибратомуздир. Негаки, улар кўп пахта етиштиришда ҳам ҳамон пешқадамдирлар.

Хўжалик тараққиётининг асосий белгиси бўлгани пахтачиликдаги кўрсаткичларга бир назар ташлайлик. Андижонликлар кўтарган улкан хирмон шунчалик каттаки, уни бошқа ҳеч қайси область кўтарган хирмонга тенглаштириб бўлмайди. 600 минг тошпалик хирмон ҳазил гап эмас!

Ҳар сафаргидек бу гал ҳам районлар, колхоз ва совхозларнинг ишлари билан яқиндан танишдим. Партия ходимлари билан, машҳур ва ҳали унча машҳур бўлмаган колхоз раислари, бригада бошлиқлари, механизаторлар билан суҳбат қилдим. Далаларда бўлиб пахтакорларнинг қандай меҳнат қилаётгани ва яшаётгани билан қизиқдим. Ҳар бир кишининг дилидагини билиб, тушуниб олишга ҳаракат қилдим. Ҳамма ерда кўтариш-ки руҳ, аниқ мақсад билан тер тўкиб меҳнат қилаётган ҳиммат-заковати зўр эркак ва аёл замондошларимни кўрдим.

Одам одамга ўхшамаганидек, кўнчилик пахта усталарининг иш тутншлари ҳам бир-бирлариникига ўхшамас экан. Иш шароитлари, майдонларининг катта-кичиклиги, текис-нотекислиги, меҳнатга яроқли кишилар орасида иш ва майдонларни рационал тақсим қилишда эътибор, техникадан оқилона фойдаланиш, меҳнатни илмий асосда уюштириш, таннархнинг арзон тушириш, оз меҳнат қилиб кўп ҳосил кўтариш, мўмай фойда ола билиш сингари энг муҳим масалалар тадбиркор раҳбар бошчилик ва ташкилотчилик қилаётган район ёки айрим колхоз ва совхоз, ҳатто бригадаларда муваффақият билан амалга оширилаётган бир вақтда бошқа бировларда бунинг аксини кўришга тўғри келди.

Илгорлар тажрибасини оммалаштиришдаги сууткан-лигимиз ва кўриб кўрмасликка олишимиз, консерватив қарашларнинг томир олишига сабаб бўлаётган омилларнинг бири, десак янглишмасмиз деб ўйлайман.

Ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қилувчи бир жонкуяр райком секретари билан бўлган суҳбатдан олган таассуротининг ҳикоя қилиб, китобхонлар билан ўртоқлашмоқчиман.

Избоскан райони бундан йиғирма-ўттиз йиллар бурун ҳам пахта етиштиришда илгор ва машҳур эди. Бу йилларда ер ҳайдашдан ташқари гўзани вояга етказиш ва ҳосилга киритиб, йиғиб-териб олишгача ҳамма иш қўл кучи билан бажариларди. Кейинги ўн йиллар ичида пахтачиликка комплекс механизация жорий қилинди ва машина деҳқонга қанот бўлиб, оғирлиги енгил қилдиган беминиат дастёр бўлиб қолди...

Узоқбой Саримсоқов машҳур «Совой» совхозда директор бўлиб ишлаб юрган кезларида, ўн беш йил ичида директорликдан орттирган бой тажрибасини бирон районга ўтиб ишга солиш орзуси билан яшар эди. Лекин Саримсоқовни районга эмас, Андижон область партия комитетига секретарь қилиб кўтардилар. Бу лавозимга Саримсоқов ўзини унча эп кўрмасди, негаки, у кичикроқ миқёсда, бевосита одамлар орасида ишлашни истарди. Ниҳоят, унинг мана шу орзуси ушалди. У Избоскан район партия комитетига биринчи секретарь қилиб сайланди.

Узоқбой Саримсоқов Избоскан район хўжаликларни иши билан чуқур танишди. Бу хўжаликларга раҳбарлик қилиб келаётган кўнчилик раислардан тортиб, бригада бошлиқларигача қўл кучи меҳнатига суяниб гектар бошига ўттиз центнерга етказиб ҳосил кўтарганда, ҳосилнинг бундан юқориси бўлмайди, деган тушунча ўрнашиб қолган эди. Машинада териб ҳам бўлмайди, деб пахтачиликка комплекс механизация жорий қилишга қарши кайфият билан иш тутиб юрадиганлар ҳам бор эди. «Совой» мактабини яратган миришкор пахтакор, жонкуяр раҳбарга бундай кайфият ёқмаслиги турган гап эди. Колхоз раҳбарларига «биз қишлоқ хўжалигидаги партия ишларимизни, айниқса пахтачиликдаги юмушларни механизацияга таяниб ташкил қилишимиз керак» деса, улар «бизда ер шароити бошқача. Биз чигитни даланинг энига қараб экамиз, бўйига қараб эксак, эгаларга сув юрмайдн» деб важ кўрсатишарди. Секретарь Избоскан шароитида ҳам узунасига эгат олиб, гўзани ўқ-ариқлардан суғориш мумкинлигини хўжаликларнинг бошлиқларига тушунтирди. Бир бригаданинг ерига бар-

ча рансларни, бригада бошлиқларни, мутахассисларни тўплаб, мана шу ишни амалда кўрсатиб берди. Шу йўл билан ерларни машина теримига мослаб ишлов бериш мумкинлигига уларда ишонч ҳосил қилдирди.

Шундан кейин анчагина хўжаликлар янги усулда чигит экиб, янги усулда сугоришди. Урганилмаган ишнинг қийин томонлари ҳам бўлди. Аммо охири бахайр бўлиб чиқди. Мана шу янгилик асосида ишланган хўжаликлар пахта теримига ўн бешинчи сентябрда тушиб, илани ўнинчи октябрда бажариб қўйдилар. Янгиликни сингдиролмай қўл кучига таянганлар эса ер чизиб қолишди. Қўлда терилган лахтанинг ҳар тоннасига 47 сўм сарфланган бир пайтда, машинада шунча пахта теришга бор-йўғи 7 сўм 40 тийин харжланди.

Пахтачиликка машинанинг кириб келиши ҳосилдорликни камайтиргани йўқ, аксинча кўпайтирди. Илгарги гектар бошига 30 центнер эди. Машинанинг шарофати билан эса ҳосилдорлик 37 центнерга чиқди. Машинанинг яна бир шарофати шунда бўлдики, пахтачиликдаги харажатлар камайиб, даромадлар кўпайди. Шу йили районнинг умумий даромади 7 миллион сўмга ортди. Бу масаланинг фақат иқтисодий томони. Маънавий томондаги ютуғини олтин сарфлаб ҳам тошиб бўлмайди, ёш-кексанинг қўли теримдан бўшади. Уқувчи ўқишида, қўли бўш колхозчи хўжаликка зарур бўлган бошқа юмушларда...

Избоскан район партия комитетининг секретари Узоқбой Саримсоқов баъзи бир раҳбарларга ўхшаб ўнгидан ҳам, тушида ҳам фақат, фақат иланинггина кўрадиганлар топасидан эмас. У район хўжалиги, истиқбол, кишилар ҳаёти, маданияти, роҳати, эртанги кун, умуман, комплекс тараққиёт тўғрисида ўйлайди. У коммунистга хос камтарлиги, фидойилиги, халқ иши учун жонкуярлиги, талабларга ҳозиржавоблиги, айни вақтда талабчанлиги, ташкилотчилик қobiliяти ва изчил партиявий иш услуби билан омма орасида эътибор, меҳр-муҳаббат қозона олган. У ўзини халққа яқин тутини, халқ орасида кўпроқ бўлиб, кишилар билан дардлашиб, лозим бўлган пайтда дардмандлар дардига малҳам бўлиши билан қисқа вақт ичида районда, халқ ҳаётида сезиларли ўзгаришлар ясашга муваффақ бўлган. Халқ кучи билан пойтахт кишиларига кўз-кўз қилса бўладиган «Роҳат боғи» барпо қилди.

Секретарь колхозда айланиб юриб бир шифохонага кириб қолди. Деразасиз, эшиксиз хонада изғирин совуқ маҳалда врач бир касални яланғоч қилиб кўриб турганини кўрди. Йўлидан қайтиб шифохона шароити билан танишди. Киши тоқат қилиб бўлмайдиган даражадаги бу шаронтга бевосита жавобгар кишилар қандай қилиб кўрмасида тинч ухлаётган экан, деган саволни берди у ўзига-ўзи. Жавобгар кишиларни топтирди. Райондаги барча шифохоналарда текшириш ўтказилди. Алоқадор раҳбарларни чақириб, масалани биргаликда муҳокама қилди. Икки ой муддат белгиланиб район ва барча колхоз-совхозлардаги шифохона, туғруқхоналар яхшилаб ремонт қилдирилди, янгидаи жиҳозлаштирилди. Райондаги врачларнинг составини унинг ўзи шахсан кўриб чиқди, ўз ишига масъулиятсизлик билан қараётган бир неча раҳбарлар ўзгартирилди. Оқибатда, райондаги барча шифохоналарда намунали тартиб ўрнатилди. Шунингдек, болали аёлларнинг унумли меҳнат қилишлари учун яратиладиган шаронтларни ҳам секретарь шахсан кўздан кечирди. Барча ясли, боғчалар киши кўрса ҳавас қиладиган даражада қайта ремонт қилинди ва жиҳозлантирилди. Район пахтакорлари юбилей йилида «оқ олтин»дан улкан хирмон кўтарганликлари Узоқбой Са-римсоқов етакчилиги қилаётган район коммунистларининг жонкуярлиги, ташкилотчилиги ва тонширилган ишга шахсан масъулият ҳис қилишининг, ўзининг шахсий ибрати билан кишиларга намуна бўла олишининг натижасидир, десак хато қилмаган бўламиз.

* * *

Юбилей йилининг улкан хирмонига пахта уюлаётган қизғин паллада Фарғона областидаги бир қатор колхозларда ҳам бўлдим. Булар орасида Фрунзе номли, Карл Маркс номли, «Коммунизм» колхозлари сингари ҳар тарафлама тараққий этган, тўла маънодаги илғор хўжаликларга агротехника билимидан хабардор, тажрибали, маданиятли, ташкилотчи раҳбарлар бошчилиги қилаётганлиги яққол кўзга ташланиб туради.

Афсуски, шу областнинг Ўзбекистон районидаги Гафур Ғулом номли колхозда бўлганимизда том маънодаги илғорлик аломатларини кўрмадик. Сиртдан қараганда бу колхоз ҳар йили планини бажаради ва илғор-

лар рўйхатига тиркалиб келади. Бироқ колхозда ишлаб чиқариш эскича, уй-жой, одамларнинг янаш шароитлари қўшни колхозларга нисбатан анча кўрименсиз, маданиятсиз. Колхоз раҳбарлари машиналар ўришда одамларни кўпроқ ишлатишни хуш кўришади. Шундай бўлмаганда, ўилаб терим машиналари айни терим ажигга чиққан бир паллада қаптариб қўйилмаган бўларди.

Ғафур Гулом номли шу колхоз техникасига раҳбарлик қилувчи ўртоқ иштирокида механик-ҳайдовчилар билан суҳбатлашдик.

— Пахтани нега машинада термайсизлар?— деб сўрадик.

— Бизда пахтани машинада теришга шароит ҳам, қизқиш ҳам йўқ,— деб жавоб қилишди механизаторлар.— Чунки карталаримиз кичик, қўл кучимиз етарли.

— У ҳолда «Ўзбекистон» маркали терим машинасини печа минг сўм сарфлаб сотиб олишнинг нима зарурати бор эди?

— Бу саволи «Сельхозтехника» раҳбарларига бериш керак. Улар наряд юбориб, керак бўлса ҳам оласан, керак бўлмаса ҳам оласан деб қисталанг қилганидан кейин биз нима қилайлик... Ишлар мапа шунақа «хўжақўрсинга» бўляпти,— деган жавобини олдик.

Мапа шу биргина мисолдан кўриниб турибдики, техникадан фойдаланишга лоқайд қаровчилар, консерватив муносабатда бўлишдек ўта зарарли кайфият у ёки бу хўжаликда ҳали ҳам ҳамон ҳукмрон. Агар шундай бўлмаганда республикамиз техника паркларидаги 30 мингдан ортиқроқ қулниг ўргулсин терим машиналари мавжуд бўлгани ҳолда, ҳосилимизнинг атиги 46 процентга яқини машиналар ёрдамида териб олиганини нима деб баҳолаш керак? Тўғри, юбилей йилида механизаторларимиз 2 миллион 100 минг тоннадан ортиқ пахтани териб бердилар. Бу жуда катта иш. Лекин, қуйида мапа шу лекин ҳақида гапирмоқчимиз.

Агар пахтакор хўжаликларнинг ҳамма раҳбарлари ўз вазифаларига масъулият билан қараб, мавжуд пахта териш машиналарини тўла нинга солганларида ва ҳар бир механик-ҳайдовчи бир мавсумда ўртача юз тоннадан пахта териб берганида ҳам мавжуд машиналарнинг ҳаммаси билан камида 3 миллион тонна пахта машиналар бункеридан тўкилган бўлар эди. Бу энг оддий

ҳисоб. Ваҳлаиқи, республикамизда 200, 350, 400, 500, 700, ҳаттоки ундан ҳам ошириб пахта терган Абдусаттор Қурбонов, Ҳафиз Полвонов, Турсунбой Тожибоев, Обиджон Акбаров, Тўлан Дадажонов, Аҳмаджон Валиев, Турсунбой Охунова, Светлана Продан, Саодат Тоштемирова сингари азаматларимиз кўп-ку! Илғор пахта усталари, ватанпарвар механик-ҳайдовчиларимизнинг ақл-заковати, жасорати, меҳнат маданияти юксалтирилган жойда улкан зафарлар қўлга киритилиши мумкинлигидан яққол далолат бериб турибди.

Юбилей йили тажрибаси шуни кўрсатдики, об-ҳаво шароити қанчалик оғир келишига қарамай, республика пахтакорлари мўлжалдагидан ҳам орттириб хирмон кўтаришлари мумкин экан. Бунинг учун бизда ҳамма зарур шароитлар бор. Партиямизнинг XXIII ва XXIV съездлари, КПСС Марказий Комитетининг 1966 йил май пленуми қарорларини амалга ошираётган партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати пахтакорларга кун сайин оталарча ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Ма-на шу ғамхўрликка жавобан республикамиз пахтакорлари юбилей йилида давлатга 4 миллион 700 минг тоннадан ортиқ пахта сотдилар. Ҳосилдорлик 28,1 центнердан ошиб кетди. Ўзбекистон пахтачилигининг тарихи бунчалик юқори ҳосилни ҳали кўрган эмас.

Пахтакор республикалар партия, хўжалик активининг йиғилишида КПСС Марказий Комитетининг Бош Секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежнев пахтакорларимизнинг меҳнатига юксак баҳо бериб, пахтачиликка механизацияни яна ҳам кенгроқ жорий этиш ва шу йўл билан одамларнинг меҳнатини енгллатиш зарурлигини уқтириб ўтган эди. Демак, бундан кейин механизация йўлидан яна ҳам дадилроқ қадам ташлашимиз, фақат ютуқлар ва илғор тажрибаларга таяниб уни тутишимиз керак. Бунинг учун одамларни уюштириш, яъни ташкилотчилик зарур. Ташкилотчиликда гап кўп.

1970 йил.

Замондошларим... Одам билан одамнинг фарқи бўлганидек, замон билан замоннинг ҳам фарқи бор. Масалан, менинг ёшимда бўлган одамлар Октябрь инқилобигача бўлган кишилар билан ҳам замондош эдилар. Илгариги тузумдан Октябрь инқилобни туфайли вужудга келган тузум тубдан фарқ қилади. Шунга ўхшаш инқилобигача бўлган жамият ва унинг ячеёкаси оила, қолаверса, у замоннинг одамлари ҳозирги замон кишиларидан ақли, заковати, дунёни тушуниши, инсоний ҳуқуқ, тенглик, савия, миллий тушунча ва шуларга ўхшаш инсонга хос турлича аломатлари жиҳатидан ҳам ҳозирги замон кишиларидан тубдан фарқ қилар эди.

Бундай қараганингизда ёзувчи, санъаткор ўзи яшаб турган замондан, жамиятдан ташқарида яшай олмайди. У ёки бу ёзувчи, санъаткор ўз дунёқараши билан у ё бу, бошқача айтганда, ёзувчи, эзилувчи синфга хизмат қилади. Биз уни узоқ ва яқин тарихдан ҳам жуда яхши биламиз. Масалан, ҳазрати Навоий яшаган даврни олнинг. Навоий Навоий бўлиб ном чиқаргандан бошлаб ўзи шоҳ саройига, шоҳга яқин тургани ҳолда, меҳнаткаш инсонни улуғлаб, шеърлар, достонлар, илмий асарлар ёзган. Ўзи шоҳ вазири бўла туриб, шоҳ сиёсатига зид сиёсат юритган. Эзилган халқ томонини олган. Адолат қарор топсин учун ноҳақликка, зулмга қарши иш юритган, вақти келганда халқ исёнига бошчилик ҳам қилган.

Ёки, жаҳонгир Темирнинг невараси шоҳ Улугбекни олнинг. Диннинг таъсир кучи халқ учун чиплакам афюн ва даҳшатли бўлган ўша замонда борлиқни моддиончилик асосида тушуниб, дунёвий илмин, фанни улуглади. Коинот ва юлдузлар оламинини ўрганишда плоҳиётга эмас, илмга, фанга асосланган янги мунажжимлик фанига асос солди. Унинг бу кашфиёти шоҳ сифатида

тож-тахтга даҳнатли таҳлика солиб турган, бидъат корони Хўжа Аҳрор бошлиқ дин ҳомийлари унинг жонига қасд қилган чоқларида ҳам ўз сўзидан, прогрессив йўлидан қайтмади. Ўз гоёсини ҳимоя қилиб, мардларча қурбон бўлган. Ёки, яқин замондошимиз ўзбек совет адабиёти ва санъатининг асосчиси, шоир, драматург, бастакор, жамоат арбоби Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий кечирган кунларни кўз олдингизга келтириб кўрнинг. Оташпафас Ҳамза инқилобни «Яша Шўро» қўшиғи билан қарин олди. Шўролар ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун, меҳнаткаш халқни бахтиёр қилиш учун бошланган курашда бошчи, мурасасиз курашчи, инқилоб куйчиси, байроқдори сифатида руҳоний, тескаричи қора гуруҳлар ҳамласидан ҳалок бўлди. Лекин ўша вақтда Шўролар ҳокимияти, ишчи-деҳқон оммаси оғир кунлар кечириб турган вақтда Шўро ҳукуматидан кўра унинг душманларига хайрихоҳ бўлган якка-ярим шоир, ёзувчи, зиёлилар ҳам йўқ эмас эди.

Тузумни ўзгариши билан замон руҳи ҳам ўзгариб кетди. Тарихда турли шакл ва турлича инқилоблар, инқилобчилар бўлган. Лекин Октябрь социалистик революцияси сингари, йўлбошчи улуғ Ленин, коммунистлар партияси сингари инқилоб ишини охиригача етказганлар бўлмаган. Ҳокимият ишчи-деҳқонлар қўлига ўтганига мана эллик етти йил бўляпти. Бу йиллар бир хилда, бир текисда ўтгани йўқ. Очлик, вабо, босқинчилар ҳамласи, иккинчи жаҳон уруши совет халқига, коммунистлар партиясига озмунча ташвиш тугдирмади дейсизми! Лекин биз, совет кишиларининг бахтига Ленин тузган коммунистлар партияси, Советлар ҳокимияти, янги социалистик замон миллий маҳдудликка барҳам берди. Бузилмас миллатлар дўстлиги жорий этилди. Ана шу ҳамдўстлик, ҳамкорлик яхши кунларимизда ҳам, ёмон кунларимизда ҳам бизга доим асқотиб келмоқда. Натижада ютуқларимизни кўролмай ич-ичидан зил кетаётган душманларимиз шармандаю шармисор бўлди ва бўлмоқда! Куч бирликда, иттифоқликда деган эътиқодимиз ҳаёт-мамот жангларида бизга мададкор бўлди. Жиддий синовлардан муваффақиятли ўтиб келмоқдамиз.

Энди менга яқин замондош — қаҳрамонларим тўғри-сида ҳам бир-икки сўз. Ҳа, айтгандек, Октябрь инқилоби юз берган чоқда мен атиги 12 — 13 ёшда эдим. Ёш

бўлсам-да, ўша замон кийинлари орасида яшаб улгайганим учун, уларнинг турмуш шароитларининг кўрганман. Азоб-уқубатда яшаганлар орасида бўлганман. Ўзим ҳам азоб-уқубатларни бошдан кечирганман. Эрк-озодликка ташна, зулм, ҳақорат жой-жонидан ўтиб сабр косаси тўлганлар тўлқинида мен ҳам меҳрибоним Октябр инқилобининг қучоғига кириб қолган эдим. Инқилоб кўплар қатори меннинг ҳам бошимни силади, тўйдирди, кийинтирди, қўлимдан етаклаб янги шўро мактабига олиб борди. Қўлимга китоб, дафтар, қалам тутқазди. Марҳум коммунист муаллимим Муллаҳотам Турсунов 1920 йилда ўз шогирдчаси Назирқулни етаклаб Самарқандга, ўқитувчилар тайёрлаш курсига олиб борган эди. Уч ойда Назирқул чиллаки домла бўлиб Жиззахга қайтганди. У вақтларда муаллим — ўқитувчилик нима эканлигини билсангиз эди?.. Жиззахликлар оч, яланғоч... Менга ўхшаш саводлилар бармоқ билан санарли бўлиб, ёшасига саводсиз халқни ва халқ болаларини саводли қилиш учун маданий фронт жангига кириб кетгандилар. Шундай қилиб, ўқитувчиликдан комсомол ходими, студентликдан журналист, мана энди янги замон тарбиялаб етиштирган совет ёзувчиси, халқининг хизматкори, коммунистлар партиясининг беминнат дастёри бўлди, Назир Сафаров.

Ватаним, халқим менга ўхшашларни шу даражага етказгунча озмунча меҳнат, сармоя, ақл-заковат сарфламади дейсизми?! Куч-қувватимиз бор вақтда халқимизнинг яратувчилик кучини улуғлайдиган, ёш авлоднинг ота-оналаримизга муносиб ўринбосарлар қилиб тарбиялашда таъсир кучи зўр бадий асарлар ёзиб туҳфа қилайлик биз ёзувчилар!

Хоплик, беклик, амирлик ва мустамлакачиликдан азоб тортган, шафқатсиз эксплуатация қилинган жафокаш ўзбегим неёничи мадҳ этувчи «Ўйғонини» номли драма асарини кўрган ёки ўқигандирсиз. Ишчилар синфи ҳаётидан «Қимга тўй, кимга аза» пьесаси билан ҳам танишсиз. Ўрта Осиё халқларини озод қилиш учун сўнгги ҳал қилувчи жангга шайланган ва солдат кийимидаги деҳқонларини, тошкентлик ишчи-хунарманд қосибларини қуролли қўзғолонга бошлаб, жангга олиб кирган, Тошкентда биринчи бор ҳокимиятини советлар қўлига олган Тошкент большевикларининг шонли кураши тўғрисидаги «Шарқ тоғи» пьесамни ҳам кўрган ёки

ўқигандирсиз. Марҳум устозим Зиё Саид билан ҳамкорликда ёзилган «Тарих тилга кирди» миз мафкура майдонидаги кескин курашларимиз ва Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун олиб борилган мurosасиз жангларимизга бағишланган эди. Кекса коммунист ўзбек-совет матбуотиининг отахонларидан бири — журналист, публицист, ҳажвиянавис, драматург Зиё Саид ҳаёт бўлганда, шу кунлари 70 ёшга кирган бўлар эди.

Ҳа, замондошларимиз жанг-жадалини акс эттирувчи нъсалар Ҳамза номидаги Ленин орденли Ўзбек Давлат академик драма театрида, Муқимий номи музикали драма театрида ва бошқа театрларда намоён қилинган эди. Ўзбек томошабинлари ўз замондошлари, қаҳрамонлари Шумилов, Пўлат Қодиров, Баҳром, Ялангтўш, Хосният, Гулнора, Карим, партизан Темур, ўтюрак комсомол Қўрқмас билан Зуҳра, ажойиб она — ўқитувчи Меҳри, партия ходими Зазиванов, Мансур Муродов, батрак Рафиқ, инқилобчи Қудрат, ушнинг ўғли Маҳкам, инқилобчи Алексей, исёнкор Жайноқ, чапани Содиқ, зулм қурбони бокира қиз Иқболой, ветеран ишчи Шариф ва Қазаковлар, ишчи ёшлардан Ҳасан-Ҳусан, Зуҳро, Людмилалар, буларнинг оналари Онахон, Надежда Ивановна ва ўилаб бошқа қаҳрамонлар билан қўларингиз танишсизлар. Бу қаҳрамонлар ўз инсоний фазилатлари, халқ иши учун фидокорлиги билан томошабинлар қалбига яқин кишилардир.

Ўзбек халқининг инқилобгача бўлган ҳаётини акс эттирувчи, таржиман ҳолимга ондроқ роман ёзиб, унга «Кўрган-кечирганларим» деб ном бердим. «Китоб қаҳрамонлари Назирқул билан замондош бўлганлари учун унда акс эттирилган воқеалар ҳаётини чиққан» деб тапқидчи олим ва китобхонларим баҳолашаётган эканлар, демак ишим, ҳунарим халқимга манзур бўлибди. Ёзувчи учун бундан ортнқ бахт бўлиши мумкин эмас.

Замонамиз ажойиб. Меҳнат ва ижод қилиб яшагинг келади. Меҳнатда, фароғатда яшаётган замондошларимиз хушнуд-хушҳол умр ўтказмоқдалар. Ким бўлишдан қатъий назар, ҳалол ва фойдали меҳнат қилган киши социалистик жамиятда ўзига муносиб ўрни эгаллайди. Мамлакатимизда тинчлик, ҳамжиҳатлик барқарор, шаҳар, қишлоқларимизнинг кўрки йил сайини ортиб, гўзаллаша бормоқда. Одамлар тўқ, маданий ҳаёт кечирмоқдалар. Ҳалол меҳнат қилган киши ҳузур-ҳаловат кўриб,

меҳнати роҳатга айланипти. Тўй-томошалар қилишяпти. Меҳнатларни жамият томонидан тақдирланыпти.

Биз ёзувчиларнинг асл муддаомиз коммунизмнинг бинокорлари бўлмиш сиз ҳазрати инсонлар ҳақиқиятда совет давлатининг истиқболига ишонч ва Ленин таълимотиغا садоқатларингиз, меҳнатингиз, севги-муҳаббатингизни акс эттирувчи бадий баркамол асарлар яратишдир. Бунинг учун ёзувчи ҳаёт ва ҳаётни ўзгартирувчи кучлар билан яқиндан таниш бўлмоғи, қаҳрамонларнинг ишлари, турмушлари, руҳий ҳолатларини чуқур сиғичковлик, меҳр ва сабот билан ўрганмоғи шартдир. Жанговар жанрлардан бири бўлган очерkning роли жуда катта. Дарҳақиқат, совет ёзувчиси ижодининг маибаи, уни кўкартирадиган сарчашмаси, яна ва яна шу ҳаётнинг ўзгичаси, унинг бунёдкори бўлмиш меҳнаткаш инсондир. Мен ўз ижодий фаолиятимда ана шу эътиқодга қаттиқ амал қилиб келмоқдаман.

«Совет Ўзбекистони» газетасининг шу йил 26 февраль сонида «Ёш ишчи» сарлавҳаси билан бош мақола эълон қилинди. Мақолада ота касбини улуғлаган икки ёш касбдош ака-ука Ҳасан-Ҳусанларнинг «Ташсельмаш» заводида қилаётган ибратли ишлари мисолга олинган. Шу мақолани ўқиб, яқин тарихда бўлиб ўтган бир воқеа кўз ўнгимдан ўтди.

Улуғ Ватан уруши бошланиши билан «Ташсельмаш» заводи реконструкция қилина бошлади. Уша пайт офицер ўртоқларим Буриашев, Тўраев, Сентурин, Маҳмудовлар билан ишчи батальони командириларининг сийёсий ишлар муовини бўлиб мен ҳам ишлаган эдим. Завод қайтадан қурилиб, ускуналариб миномёт учун снарядлар қуя бошладик. Ясалган снарядлар нешма-неш фронтга жўнатиладди. Завод битиб, тўла ишга тушиб кетиши билан биз ҳам Улуғ Ватан уруши фронтларига йўл олдик. Шахсан меннинг фронтдаги ишим Шимолий Кавказ ерларини озод қилувчи қўшнлар сафида туриб жанг қилишдан бошланди. Сталинград, Украина, Молдавия, Белоруссия, Югославия ерларини озод қилишда иштирок қилдим. Руминия, Болгария, Венгрия, Австриядан гитлерчиларни тозаладик. Австрия пойтахти Вена шаҳрини олиш билан якунланди. Совет кишилари, унинг қуролли кучлари фашизм устидан галаба қозонди. Коммунистлар партияси раҳнамолигида халқимиз уруш жароҳатларини даволаб, халқ хўжалигини оёққа

бостирнига жон-жаҳди билан киришди. Мудҳиш уруш — қон тўкиш тўхтатилди. Тилч меҳнатда тер тўкиш фронти бошланди.

Ана шундай кунларнинг бирида ўзимиз қайта қурпб ускуналаган, миноспарядлар ишлаб чиқара бошлаган «Сельмаш» заводини бориб кўргим келди. Бориб нима-ларини кўрдинг деи? Завод дарвозасидан қатор-қатор пахта терадиган машиналар ўрмалаб чиқиб келаётганини кўриб ҳанг-манг бўлиб қолдим.

Ичкари кирдим. «Ташсельмаш» энди мен кўрганимдан неча баробар кенгайиб кетибди. «Сельмаш»чилар иши, ҳаёти билан танишдим. Ажойиб воқеаларга дуч келдим. Оқибатда «Кимга тўй, кимга аза» номидаги музыкали драма дупёга келди. Пьесанинг асосий қаҳрамонлари кекса ишчи Шариф Шомансуров, Иван Сергеевич Казаков, уларнинг ўғил-қизлари Ҳасан-Ҳусан, Людмила ва ишчи ҳунарманд қиз — Зуҳралар эди.

Бундай ёки бунга ўхшаш, бундан ҳам кўра ибратлироқ воқеалар, замон қаҳрамонлари ҳамма ерда — завод-фабрикаларда, совхоз ва колхозларда, қурувчи-бинокорлар ва чўлқуварлар орасида, ўқув юртлари ва бошқа шунга ўхшаш ерларда ҳар қачон кўп-кўп топилади.

Туғилаётган янгилик билан эскилик ўртасидаги қураш жараёнида илғор фикр устун чиқмоқда. Йиллар ўтган сари поғонадан-поғонага кўтарила бориб, коммунизмнинг нурли чўққиларига тобора яқинлашмоқдамиз. Жаҳоншумул ютуқларимизни қўя туриб, ёлғиз «Ташсельмаш»нинг шу кунларда етиштираётган маҳсулотига бир назар ташласак, ҳар уч ойда 1680 та пахта терадиган машина ишлаб чиқазаётганини кўрамиз. Бу рақам ой ва йил ўта бориб, шубҳасиз, сон-сифат жиҳатидан ўсиб, янгилана боради. Бу машиналар неча ўн минглаб теримчини оғир меҳнатдан озод қилади.

Беш йиллик директивалари лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилишдан муддао — халқ томонидан изҳор қилинаётган истакларни ҳисобга олишдир. Шунинг эътиборга олганда, беш йиллик директивалари лойиҳасида кўрсатилган гигант вазифалар янгидан минг-минглаб мутахассис кадрларни тайёрлаб бориш вазифасини ҳам келтириб чиқаради. Янги беш йилликда 1 миллион 700 минг трактор ишлаб чиқазилар экан. Шунча тракторчи тайёрлаш керакми? Керак! 1 миллиондан ортиқ юк автомобили чиқарилар экан, шунча шофёр

керакми? Керак! Яна қанча бульдозер, комбайнлар чиқарилади. Неча-неча бошқа тур ҳунар мутахассислар талаб қиладиган техникалар чиқарилади. Инсон елкасидаги оғир меҳнатларни техника зиммасига юклаш учун 140 дан ортиқ ҳунар-касб учун ишчи кадрлар керак бўлади.

Жисмоний ва қўл кучи билан бажариладиган меҳнат турларини машина-техника зиммасига юклатилган билан барибир қандай мураккаб вазифа бўлмасин, у одам иштирокисиз поёнига етказилмайдн. Эртага бажарадиган вазифаларимиз бу кунгидан кўра яна ҳам мураккаброқ бўлаверади. Сабаби, янгидан-янги машиналар, машина бўлганда ҳам «ақлли» машиналарга ақл ўргатадиган, у машиналарни ўз измига, раъйига бўйсундира биладиган билимли, илмли, техника тилини, сирини биладиган мутахассис кадрлар керак бўлади.

«Социалистик маданиятни янада ҳар тарафлама ривожлантирилсин... Ёшларнинг майлини ва халқ хўжалигининг малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олиб, ёшларни касб ўрганишга йўллаш кучайтирилсин» дейилади Директивада.

Бизнинг келажакимиз — ёш йигит-қизлар! Ҳа, ёшлар бизнинг келажакимиз, жамиятимизнинг олтин фонди. Биз ёшларимизни кўз қорачиғидек асрамоғимиз, улардан оналарча меҳр-муҳаббатимизни аямаслигимиз, уларни пожўя йўлга кириб кетишдан эҳтиёт қилишимиз, уларга ахлоқ-одоб нормаларини сингдириб коммунистик жамият оиласига муносиб, меҳнатсевар, ҳар томонлама етук, маданиятли авлод қилиб етиштирмоғимиз лозим. Бу ишда комсомол ташкилотлари намуна бўлмоқлари керак.

Эндиликда қишлоқ хўжалиги, айниқса пахтачилигимиз техника ёрдамисиз тараққий этмаслиги ҳақиқат бўлиб қолди. Тракторчилар, механик ҳайдовчилар, электр монтерлар, шофёрлар, токарлар, радио-телевизор усталари, кийим-кечак бичувчи ва тикувчилар, қурувчилар — ёлғиз қишлоқнинг ўзи учун неча хил ҳунарга эга бўлган кадрлар керак бўлади. Бундай кадрларни тайёрлаш фабрикаси, аввало қишлоқ, шаҳар мактаблари бўлмоғи керак. Ўрта мактабни битириб чиқувчи ҳар бир йигит-қиз бирон ҳунарнинг эгаси бўлиб чиқмоғи керак.

Партиямизнинг XXIV съезди муҳокамасига қўйилган

янгин беш йиллик директиваларни лойиҳасида кўрсатилган вазифалар муваффақиятли бажарилмоғи учун биз, совет ёзувчилари ҳам астойдил хизмат қилмоғимиз керак бўлади. Янгин беш йиллик қаҳрамонларини қидириб топиш, уларнинг меҳнатларини улуғлаб, бошқаларни тенглашувга даъват қилмоғимиз керак. Масалан, ўтган беш йилликлар етиштирган қаҳрамонлар ҳақида ёзган очеркларимнинг таъсир кучини ўз тажрибамда синовдан ўтказганман.

Бир вақтлар Турсуной Охунова ҳам оддийгина механик-ҳайдовчи эди. Унинг овозаси ўз колхозидан ташқарига чиққан эмасди. Ҳатто у машинада пахта термоқчи бўлгани учун ўз колхозига «ўғай қиз» бўлиб қолган эди. Мен Турсунойни ўз колхозда чиқиштирмаганларини эшитиб, сабабларини билмоқ учун қидириб бордим. Дарҳақиқат, Турсунойни ўз колхоз даласида эмас, «Ўзбекистон 30 йиллиги» колхозининг даласидан топган эдим. Турсуной «қувғинда» чоғида «Ўзбекистон 30 йиллиги» колхозининг пахта даласида қилинган суҳбат самараси бўлиб «Турсуной» очерки, сўнграқ эса «Ўзоқни кўзлаган қиз» номли воқеий қиссам дунёга келди. Бу очерк ва қиссанинг тарбиявий таъсири, кучи катта бўлди. Турсуной ва мен ҳар куни қанчадан-қанча мактублар олардик. Оқибатда минг-минглаб турсунойчи механик-ҳайдовчи қиз-жувонлар ўсиб-етишиб чиқди.

Мен Ленин номли колхозга борганимда Мелиқўзи Умрзоқов рафиқаси Сотқиншой билан пахта териб юрган эди. Колхоз раиси «бизда ҳам Мелиқўзи Умрзоқов деган механик-ҳайдовчи бор. Лекин уни уинмаяпти. Шу йилгит билан бир сўзлашиб кўрсангиз бўлар эди», деди. Мен пахта майдонига кириб, ўзим ҳам пахта терган киши бўлиб Мелиқўзи билан суҳбат қилдим. Жонли суҳбатда Мелиқўзининг бутун орзу-истакларини билиб олдим. Очерк ёздим. Очерк аввал газета, сўнг радиода эълон қилинди. Кейинроқ бориб «Карвонбоши Мелиқўзи» сарлавҳаси билан яна ҳам мукамалроқ очерк — китобча бўлиб чиқди. Энди Мелиқўзи оддий механик-ҳайдовчи эмас, механик-ҳайдовчиларга сардор — карвонбоши бўлиб қолганлиги тасвирланган эди. Оқибатда минглаб Мелиқўзи издошлари етишиб чиқди. Улар пахта майдонларида жавлон урмоқдалар

Пилла қурти тутиб юрган ўқитувчи Олияхон Султоновани ҳам ҳали республикаимизда ҳеч ким танимас эди.

Наманган командировкасидан қайта туриб, вагонда Олияхон Султонованинг ҳамқишлоғи билан учрашиб қолдим. Айни май ойи, пилла териш пайти. Йўлда поезддан Қўқонга тушиб, колхоз юкни ортиб кетаётган бир юк машинасига ўтириб, қум саҳроси чангига ботиб, не азоблар билан Олияхон қишлоғига етиб бордим. Пилла боқишда орттирган тажрибаларини ўрганиб очерк ёздим. Сўнг, «Олияхон Султонова» номи билан яна бир проблематик бадий рисолача ёзиб, нашр эттирдим. Орадан кўп ўтмай, Ўзбекистонимизда Олияхоннинг издошлари кўпайиб кетди. Олияхон мактабидан баҳраманд бўлган минг-минглаб пилла қурти боқувчилар пилладан юқори ҳосил олиб, давлатимизга беқисс фойда етказмоқдалар. Буларга ўхшаш қаҳрамонларим жуда кўп. Улуғ Ватан уруши йилларида жонбозлик қилган ўнлаб ватандошларим тўғрисида очерклар ёзганман. Ном-нишонсиз йўқолган жангчи-офицерларни излаб топиб, фашистларга қарши қилган жанглариини мадҳ этиш билан уларга янгидан ҳаёт бағишладим.

Давримиз қаҳрамонларга бой, қайси бир соҳани олманг, совет кишилари фидокорона меҳнат қилаётганини кўрасиз. Шунинг учун ҳам ҳар бир кун, ҳар бир ой улуғ воқеаларга бой. Айниқса, 1970 йилга қадар ўтган йил, ой, кунларимиз-чи? Ҳад-ҳисобсиз катта-кичик воқеаларга бой. 1970 йил биз учун ҳам, дунё меҳнаткашлари учун ҳам қутлуғ ва табарруқ йил эди. Шу йил Улуғ Ленин туғилганига юз йил тўлиш нишонланган эди. Халқимиз кўтаришчи руҳ билан меҳнат қилди. Эришган ютуқ ва ғалабаларини Ленин хотирасига бағишлади.

Ўзбекистонимиз эришган ғалабанинг ўзи неча-печатом китобларга материал бўла олади. Уларнинг ҳаммасини санаб ўтиришнинг имкони йўқ. Пахтанинг ўзини олиб кўрайлик. Бу пахтакор ҳаётида бирон марта содир бўлмаган ҳақиқат. Бу улуғ ғалаба ўзбек пахтакорининг, газчиларининг, олтин топарларининг яна қанчадан-қанча касбкор эгаларининг Ленин йилига атаб етиштирган улкан совғаларидир.

Мен адабиёт, санъат соҳасида эришган катта ютуқларимизни пахтакорлар, ишчилар синфи ишига солиштираман-да, ўз-ўзини таъқидга ўтаман. Ҳа, бизнинг касбнинг ўзига хос поэтик, жилов тутқизмас, баъзан асов, баъзан инжиқ томонлари бор. Шу билан ҳам замондошлар билан баб-баробар қадам ташлаб бориш

ҳамма ёзувчи ва санъаткорларга насиб бўлавермайди. Шунга қарамасдан, ўзбек-совет адабиётини кўз-кўз қиладиган яхши роман, қисса, поэма, ҳикоя, ғазал ва қўшиқлари бор. Ҳа, ҳар бир муаллифнинг талабчан китобхоналари бор.

Коммунистик партияимизнинг XXIV съезди очиладиган кун яқинлашмоқда. Миллион-миллион касб эгалари қатори Ўзбекистон ёзувчилари ҳам съездга арзигудек совға тайёрлаш учун ижодий меҳнат қилмоқдалар. Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг тўққизинчи беш йиллик плани Ленинча донишманд-принципларга асосланган, унга амал қилиб тузилган, ҳаракатдаги жонли пландир. Бу планнинг бажарилиши натижасида халқимиз ҳаётида зўр ўзгаришлар рўй беради. Социалистик давлатимиз қудратининг ошиши уни яна ҳам мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини яна ҳам ошириш, чинакамига бахтиёр яшаш йўлларини белгилайди. Мамлакатимиз, халқларимиз ҳаётида улкан тарихий босқич касб этувчи бу улуғ анжуман қабул қиладиган қарор амалга оша бориб, социалистик Ватанимиз ҳам бўйи, ҳам энига яна бир поғона юқорига кўтарилади.

Биз адабиёт, санъат ходимлари қаҳрамон замондошларимиз образларини ҳаққоний акс эттириш учун янги беш йиллик бунёдкорларига яқинроқ борайлик. Уларнинг ҳаётичи, ижодий меҳнатини, характери, интилиш ва психологияларини чуқурроқ ўрганайлик. Ана шунда коммунистик ҳаёт ҳақиқатлари китобларимизда ўз аксини топади. Ҳар жиҳатдан пишиқ, мазмуни қуюқ, бадний гўзал асарлар яратиш билан янги авлодни тарбиясига ёрдам берган бўламиз. Шу йўл билан жонажон партияимиз ва совет халқига кўмаклашган бўламиз.

1971 йил, март.

Уфқларимиз равшан. Ҳа, халқ хўжалигини ривожлантиришнинг тўққизинчи беш йиллик плани ленинча донишмандлик, чуқур илмий коммунизм принципларига асосланган, унга амал қилиб тузилган ҳаракатдаги жонли пландир. Жонли дейишимизнинг маъноси шуки, бу галги беш йил мобайнида халқимиз томонидан бажариладиган конкрет вазифалар бу беш йилликда ҳам ёрқин ифодасини, ўз аксини топган. Ҳаракатдаги план дейишимизнинг маъноси шуки, партиямизнинг XXIV съезди директиваларининг лойиҳаси халқ муҳокамасига қўйилиши биланоқ, ишчи коллективларида, колхоз ва совхозларда, инженер-техник, фан-маданият ходимлари ўртасида музокара-мунозара қилина бошлади ва улар директивалар лойиҳасига ўз муносабатларини билдирдилар, оширилган мажбуриятлар қабул қилиб, ҳатто беш йиллик планни муддатидан олдин бажариш учун конкрет вазифалар миқсолида ўз аҳд-наймонларини изҳор қила бошладилар. Бу партия билан халқ бирлигини, уларнинг мақсадлари муштараклиги, боқийлиги, барқарорлигидан башорат қилувчи яна бир муҳим далилдир.

Шонли партиямизнинг XXIV съезди бу гал баҳор фаслида, баҳор гуркираган чоқда, серҳосил далалар, чорвадор, йилқичилар яйлови — сой-қирлар ям-яшил либосга ўралган, боғ-роғлар, шаҳар ва қишлоқларимиз гул-гул яшнаган чоқда иш бошлайди. Социалистик давлатимиз қудратини ошириш, уни яна ҳам мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини яна ҳам ошириш, коммунизмга тезроқ етиб, чипакамига бахтиёр ҳаёт кечириш йўлларини белгилайди. Янги беш йиллик бинокорлари ижодий меҳнат соҳибларини янги қўлланма-йўлланмалар билан қуроллантиради. Янги лойиҳа энди планга, ҳаракатга айланади. Янги завод-фабрикалар, янги илмий-тадқиқот институтлари бунёд этилади, пўлат, нефть, газ, электр қуввати кў-

паяди, яна печа хил ер ости бойликлари ишга туширилади. Ишчилар, деҳқонлар, фан-техника зиёлилари ҳимматкори билан бел боғлаб, ижодий меҳнатга киришиб кетадилар.

Мамлакатимиз, халқларимиз ҳаётида улкан тарихий босқич касб этувчи бу улуг анжуман қабул қилган қарор амалга оша бориб, социалистик Ватаннимиз ҳам бўйи, ҳам энига яна бир поғона юқорига кўтарилади. Бу кўтарилиш социалистик ишлаб чиқаришни юксак суръатлар билан ривожлантиради, фан-техника тараққиёти негизда халқимиз ҳаётининг моддий, маданий даражасини анча юксалтиришни таъмин этади.

Партиямиз раҳнамолигида халқларимиз КПСС XXIII съезди директиваларини бажара бориб, иқтисодий ва социал кўрсаткичлар бўйича улкан муваффақиятларга эга бўлди. Ҳеч шубҳа йўқки, меҳнатни шон-шухратга айлантира олган совет кишилари партия XXIV съезди директиваларини ҳам шараф билан бажарадилар.

Биз адабиёт, санъат ходимлари, давримиз қаҳрамонлари образини яратиш учун беш йиллик бунёдкорларига яқинроқ боришимиз, уларнинг ҳаётини, ижодий меҳнатни, характери, интилишлари, психологиясини чуқур ўрганиб, шундан сўнг очерк ва ҳикоями, қисса ва романми, поэма, шеър ва пьесами ёзишимиз, ҳар жиҳатдан пишиқ, мазмуни қуюқ ва бадиий гўзал асарлар яратиш билан янги авлодни тарбия қилмоғимиз, шу йўл билан партия ва халқимизга кўмаклашмоғимиз керак.

1971 йил, апрель.

«Очиқ, аммо ачкиқ гаплар...» Шу сарлавҳали мақола билан «Тошкент оқшоми» ўз газетхонларига мурожаат қилганига, мана, беш ярим ой бўлди. Шу ўтган вақт мобайнида редакция ўз газетхонларидан кўплаб хатлар, қарорлар олди. Мақола маҳалла, корхона, мактаб ва бошқа жамоат ташкилотларида муҳокама қилинди. Янгича урф-одат, анъаналарни ёқлаб, янги замон талабларига зид бўлиб қолган урф-одатлар қораланди, қарорлар қабул қилинди. Мақолага билдирилган жамоатчилик фикри ва қарорлар мунтазам равишда газета саҳифаларида эълон қилиб борилди. Бу фикр ва қарорлар нималардан баҳс этарди?

«Кенгашли тўй тарқамас». Шундай сарлавҳа билан Акмал Икромов номидаги маҳалла аҳолиси умумий мажлисининг қарори эълон қилинди. Бу қарорда бундай бир гап бор: «Яқинда қўшни маҳалламиздаги бир ўғил тўйининг эрталабки ошида бўлдик... Дастурхонлар ҳаддан ташқари турли ноз-неъматлар билан безатилган. Бир йигит бизнинг олдимизга саватда катта-катта ёғлиқ патир қўйиб кетди. Унинг кетидан яна бир йигит жиззали нон улашди. Дам ўтмай, яна бир йигитча иссиқ нон тортди. Хуллас, биз қайси нонни синдиришни билмай қолдик. Стол устида синдирилган нон бурдалари тўлиб кетганидан, бу қадар ортиқча қилинган исрофгарчиликдан хафа бўлдик...»

Меҳмонлар тўйга бориб хурсанд бўлишмади. Тўйбошининг орзу-ҳаваси уволга, замон сўзи билан айтсак, гуноҳга айланди. Ҳалол меҳнат билан кун кечирувчи, атрофига назар ташлаб тўй берган андишалик одам учун бу огир иснод.

...Никоҳ тўйи олдидан бўладиган маълум ошн ҳангомасини эслайлик: йигитникидан қизникига энг кам деганда, 16 хил турли озиқ-овқат юборилади. Катта қозонда

30 килограмм гуручининг оши, катта тоғорада норин, бир тоғора хасип, 100 дона нон, 80 дона ёғлиқ патир, бир тоғора чучвара, 3—4 коробка энг тоза конфетлар, қозон сомса, тандир сомса, ҳолва-майиз, қатлама, яна неча хил турли шпринликлар. Шунча олиб борилган ознк-овқат етмагандек, қиз уйида мастава, кабоб, мангил..

Октябрь район Қоратош маҳалла аҳолиси қабул қилган қарорда мана бундай фикрлар баён қилинди:

«Тошкент оқшоми» газетасида эълон қилинган «Очиқ, аммо аччиқ гаплар...» сарлавҳали мақолада баён қилинган фикрларга қўшиламиз. Маҳалламизда бўладиган турли тўй маросимларида исрофгарчиликка йўл қўйиб, маҳалла комитети аъзолари ва отахонлар маслаҳатидан четга чиқадиган шахсларни қоралаймиз ва уларнинг ана шундай маросимларига қатнашмаймиз. Маросимларда спиртли ичимликларни ҳаддан ташқари кўп қўйилишига қаршимиз ва уни қоралаймиз...

...Шаҳримизда никоҳ тўйлари ўтказишда баъзи бир шахслар «мода» ўйлаб топдилар. Бу «мода» ўғил уйлантираётган ёки қиз чиқараётган кишилар уч-тўрт пудлаб гуруч дамлаб, эрталаб наҳорда юртга ош бермоқдалар, ошириб-тошириб дастурхон ясамоқдалар. Бундай ўйлаб қаралса, никоҳ тўйлари тарихда ҳеч қачон бундай бўлган эмас! Бундай ортиқча даҳмазаларни қилаётган кишилар ё давлатлари ошиб-тошиб кетганидан, ё манманликка кетиб, никоҳ тўйларига исрофгарчиликдан иборат «янгилик» киритмоқдалар, деган хулосага келамиз. Биз бундай шахсларни қаттиқ қоралаймиз ва уларга «бундай ноҳўя иш қилманг!» деб хитоб этамиз.

Маҳалла аҳли ўз қарорида урф-одатимизда бўлмаган ёки ўз замонида бўлиб, умрини ўтаган бир қатор расм-русмларни қоралайдилар, янги замонвий одатларини ёқлайдилар.

«Мода»бозларга, тўй маросимларимизга «янгилик» киритаётган баъзи шахслар ҳаракатига «тўқликнинг шўхлиги» деб қарасак бўлармикин? Йўқ, албатта. Бундай номатлуб «янгиликлар»ни урф-одатимизга киритаётган шахслар ўз феъл-атвори, хатти-ҳаракатлари билан совет кишисига эмас, қандайдир танти бойваччаларга ўхшаб кетадилар. Улар бу зарарли «мода»ларини бошқаларга, меҳнаткашларга юқтириш учун атайлаб қилаётганга ўхшайдилар. Бундай кимсалар маълум даражада киши билмас мўмай пул топиш манбаига эгадирлар. Бундай

кимсалар ўзларини меҳнат билан куп кечирувчилардан устун қўйиш учун атайлаб шундай қиладилар. Булар инқилобгача бўлган даврда масжид солиб, шу орқали, аслида икки масжид қуришга етадиган пул йиғиб олган бойваччаларга ўхшаб кетадилар. Ҳа, бундай тўйхонага борадиганлар қуруқ қўл билан эмас, урфиятда бўлганидек, бирор 500 грамм ширинлик билан эмас, катта-катта қимматбаҳо «тўёна»лар билан боришади. Тўй баҳона-ю, шуҳратга шуҳрат қўшиб давлат орттираётган бу хилдаги «мода»бозларни, эътибор бериб қидирилса, ҳар бир райондан «насиба»га лойиғини топиб олиш мумкин бўлади.

Афсуски, бундай «мода»бозлар ҳалигача сўроққа тутилмадилар. Агар даромад-буромадлари ҳисоб-китоб қилингудек бўлса, дони донга, пучаги пучакка айлантирилган бўлар эди!

Бундай шахслар, кунларини тунларга улаб, қиш фаслларида совуқдан шолғомдек қотиб, саратон иссиғида терга чўмилиб ноз-неъмат яратаётган камсуқум, камтар, олиҳиммат деҳқон, богбон, чорвадорларимизнинг машаққатли меҳнатларини оз бўлса-да, билармикинлар?! Агар дон экиб хирмон кўтариш машаққатини, машаққатинигина эмас, дон яратиш хайрли касб, эзгу меҳнат эканлигини оз бўлса-да, қадрлай олганларида эди, нон, гўшт, гуруч ва бошқа озиқ-овқатларни шунчалик исроф қилиб хорлаган бўлмас эдилар. Улар қинғир йўл билан орттирган давлатларига бино қўйишган. Шунинг учун ҳам бир инженер ёки бир халқ ўқитувчисининг бир йилда оладиган маоши баробарига икки-уч соатлик тўйбазм ўтказадилар, бир жуфт саёқ созанда ёллаб, беҳаё «раққоса» хоним бўйнига пулдан маржон тақадилар, отарчи созанда-хонандаларнинг чеккасига 25 — 50 сўмликларни қаторлаштириб қистиришни «мода» қиладилар. Афсуски, бу аччиқ ҳақиқатдан кўз юмиш асло мумкин эмас!

«Тошкент оқшоми»да «Очиқ, аммо аччиқ гаплар...» мақоласи эълон қилингандан бери редакция кўплаб хат-хабар ва маҳалла комитетларининг қарорларини олди, деб айтдик. Шунингдек, урф-одат ва янги анъаналарга бағишланган мақолалар «Совет Ўзбекистони», «Ўзбекистон маданияти» газеталарида ҳамда «Зангори экран», радио тўлқинларида кўрсатилди ва эълон қилинди.

«Янги урф-одат ва маросимларни пропаганда қилиш, уларни меҳнаткашлар турмушига жорий этиш идеология ишининг муҳим соҳаси» деган темада республика семи-

нари ўтказилди. Қўйилган масала икки кун давом этган семинар йиғилишида чуқур, атрофлича муҳокама қилинди.

Бу ва бунга ўхшаш қатор тadbир ва чоралар, шубҳасиз, бу соҳада олиб боришимиз зарур бўлган ишларга аниқлик киритди ва конкрет вазифаларимизни белгилаб берди. Албатта, урф-одат масаласи компания тарзида ҳал бўладиган масала эмас. Буни кундалик ишимиз ва ҳаётимиз мазмунига боғлаб, янги прогрессив анъаналарни ёқлаб, турмушга тadbиқ эта боришимиз, олға боришимиз учун ғов-тўсиқ бўлиб қолган урф-одатлардан воз кечмоқ учун халқ ўртасида изчиллик билан тарбиявий иш ва кураш олиб бормоғимиз керак.

Никоҳ тўйи йигит-қиз ҳаётида содир бўладиган қувончли, айни вақтда, қайта такрорланмайдиган шод-хуррам, бахтиёр онлардан бири ҳисобланади. Кексалар бирон кишига неклик тиламоқчи бўлсалар: «Болаларинг орзусини кўр, топган-тутганинг тўйга, яхшилик кунларингга буюрсин!»— дейишади. Демак, ўзбек халқида тўй-томоша эзгулик рамзидир. Қадим-қадим замонларда ҳам кексалар: «Бошингиз тўйдан чиқмасин» деб тилак тилар эканлару аммо бу тилак ҳамма вақт ҳам амалга оширилавермас экан. Бунинг сабабларидан энг биринчиси, халқимизнинг қашшоқ кун кечириши бўлган. У даврларда қўли қимирлаганнинг оғзи қимирларди. Тоғни урса талқон қиладиган йигитларимиз қишин-ёзин шаҳармашаҳар, қишлоқма-қишлоқ иш қидириб дарбадарликда оғир ташвишлар билан навқирон умрларини ўтказиб юбордилар.

Энди-чи? Узоққа эмас, Улуғ Ватан урушигача бўлган давр билан ҳозирги кунларимизни қиёс қилганимизда ҳам иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётда гигант ўзгаришлар рўй бераётганини кўриб турибмиз. Фан-техника соҳасида қўлга киритаётган ютуқларимиз билан халқимиз коммунизмнинг моддий-техника базасини яратмоқда. Биз бу мўъжизакор ғалабамизни Иттифоқимизда ҳар кун икки миллиард сўм миқдорида жамоат маҳсулоти ишлаб чиқараётганимиздан кўриб турибмиз. Агар биз бу миқдорни ўттизинчи йилларга таққослайдиган бўлсак, ўн баробар ортиб кетганини кўрамиз. Бу демак, нон-ошимиз, кийим-кечагимиз ўн баробар ошиб, турмушимиз ўн баробар яхши бўлди, деган гап. Жамиятимизнинг кичик ячейкаси бўлмиш — оила мустаҳкамлана бориб, маро-

симларимиз маданий, серфайз ўтаётгани ҳам шундан, албатта.

Никоҳ тўйи янги оила қуриш, деган гапдир. Шунинг учун ҳам, ҳукуматимиз, совет жамоатчилиги бу қутлуг, мўътабар маросимга жиддий эътибор бермоқда. Никоҳ тўйи ёлғиз йигит-қизнинг тўйи ёки ота-онанинг орзу-ҳаваси бўлиб қолмасдан, қариндош-уруғ, маҳалла, қишлоқ аҳолиси учун ҳам шодиёна кун бўлмоғи керак. Қиз тўйи — бахт-муҳаббат тўйи бўлгани учун, уни ҳар жиҳатдан мароқли, умрбод эсда қоладиган қилиб ўтказмоғимиз лозим.

Биз янгича, серфайз тўй, маросимлар тарафдоримиз. Ёшини яшаб, умрини тугатган хурофий анъаналарга хайрихоҳлик қила олмаймиз. У қай шакл ва қайси мазмундаги анъана бўлмасин, олға боришимизга, тараққиётимизга тўсқин бўладиган бўлса, ёш авлод тарбиясига салбий таъсир қиладиган бўлса, унга қарши тушунтириш ва кураш олиб бормоғимиз шарт.

Маҳалла! Яхши-ёмон одат маҳалладан тарқалади. Бирон онанинг кўзи ёриб, бола таваллуд топса, дарҳол маҳалланинг қулоғига етади. Бола ҳам тетапоя бўлиб кўчага йўл олганида, биринчи қадами маҳалладан бошлади. Маҳалла ҳам оилага ўхшайди. Оила бошлиғи ҳар жиҳатдан етук, рўзғорнинг икир-чикиридан хабардор, болаларининг хулқ-атвори диққат-эътиборида бўлса, фарзандлари ахлоқ-одобли, меҳнатсевар бўлиб етишади. Акс ҳолда, бола эмас — бало! Бетийиқ бўлади. Оилаларни бирлаштирадиган маҳалла ҳам худди шундай. Ана шу маънода энг олдин маҳалла бошчилари обрўли, тажрибали, ҳатто масъул ходимлар қўлида бўлмоғи, маҳаллада қандай маросим ўтмасин, унга маҳалла комитети бош-қош бўлиши лозим. Тўй ҳам, аза ҳам маҳалла комитетларининг раҳбарлиги, назорати остида ўтмоғи керак.

Урф-одатларга муносабат билдирган газетхонлар ҳар бир маҳалла комитети қошида тўй ва бошқа маросимларни ўтказиш комиссиялари тузишни тавсия қиладилар. Бу фикрни қўллаб-қувватлаш керак. Ҳар қандай тўй шу комиссиялар маслаҳати, бошчилигида ўтмоғи керак.

Кўп маҳаллаларда ёшлар уюшиб ҳордиқ чиқарадиган маданият ўчоғи — клуб йўқ. Шундай маҳаллалар ҳам борки, ўз кучлари — ҳашар йўли билан клуб-қироатхона қуриб олишган. Клубда турли тўғараклар ишлайди. Шанба оқшомлари ўтказилади, кино-концерт кўрсатилади. Бун-

дай маданий шароитлар ҳар бир маҳаллада бўлмоғи керак.

Тўй ўйин-кулгисиз бўлмайди, албатта. Кўплаб газетхонлар отарчплар ёллашни бутунлай қоралаб, ғазабланиб хат-хабар ёзишмоқда. Дарҳақиқат, пул қистириш ўта шармандалик, ўчмас доғ, жирканч одат. Шунинг учун тўй базмига театр, концерт ташкилотлари, маданият уйлари хизматда бўлишлари, Маданият министрлиги томонидан ишланган қоидага амал қилиб хизмат кўрсатмоқлари керак.

Бундан ташқари, ёшларимизнинг ўзлари ҳам ўйинга тушиб, қўшиқ, монологлар айтиб, шеър ўқиб, тўй-базмга файз киритмоқлари, қиз-жувонларимиз ибратли лапарлар айтишдан тортинмасликлари лозим.

Тўйга тўёна керак. Ёш келин-куёвнинг янги рўзғори учун бир сидрадан энг зарур бўлган нарсалар керак, албатта. Ҳозирги пайтда қиз-йигит хизмат қиладиган ташкилот, муассаса, колхоз-совхозлар янгича йўл тутиб, тўғри иш қиляптилар. Улар йигит-қиз ва ота-онасининг имкониятларини ҳисобга олиб, коллектив жамғариш йўли билан рўзғор учун зарур нарсалар совга қилишмоқда. Бу янги анъанани қувватлаш керак.

Тўйга тоғора-дастурхон кўтариб, яна уни қайтариш одати газетхонлар томонидан қаттиқ қораланди. Исрофгарчиликнинг яна бир тури ана шу нонга нон, совгага совга қайтаришдек бемаъни одат сабаб бўлаётгани кундек равшан. Бунга мутлақо барҳам бериш керак!

Баъзи ота-оналар фарзандларига меҳрларини ўта оширган бўлиб, бахтга тахт қўшиб ҳадя қилган бўладилар. Керагидан ортиқ сеп: қўша-қўша кўрпа-кўрпача, ёстиқлар, қўша-қўша гилам, шойи, атлас, духоба кўйлаklar, жемпер, костюм дейсизми, қўш-қўш пойафзал, олтин соат, олтин зеб-зийнатлар, кир ювадиган машина, телевизор, ётоқ ва меҳмонхона учун гарнитур, яна аллақанча ортиқча ҳашам, чинни сервизлар... Бундай шоҳона ҳаёт ёш келин-куёвни эсанкиратиб, танбал қилиб қўяди. Ҳаммадан зарарлиси, ёш совет оиласига бой-зодагонларга хос мешчанлик касални юктиради.

Ҳалол меҳнат билан кун кўраётган оилалар ҳозирча бундай ҳашаматли даҳмазага, шубҳасиз, қодир эмаслар. Лекин ҳамма ёшлар ҳам ота-оналарининг ҳол-аҳволларини ҳисобга олавермайдилар. Шу боисдан ҳашаматбозликка майли бор, давлати ошиб-тошиб кетган баъзи оилалар

ўзгаларнинг моддий-маънавий қийналишларини ҳам мулоҳаза қилиб кўрмоқлари даркор. Бу ҳам маҳалла комитетлари, тўй комиссияларининг диққат-эътиборларида туриши керак бўлган энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланмоғи, ҳолис қараган ҳоримас зайлида иш тутмоқлари лозим. Келин-куёв ўзлари меҳнат қилиб рўзғор мукаммаллашларига нима етсин! Ўз меҳнатлари билан рўзғор яратишса, ҳаётни қадрлайдиган, ота-онанинг қадрига етадиган бўладилар.

Редакцияга келаётган хатларнинг кўпида тўйни бир ерда ўтказиш мақсадга мувофиқ деган фикр олға сурилди. Бу таклифларда ҳам жон бор. Тошкентда ўтказиладиган бир нечта никоҳ тўйига иштирок этдик. Мароқли, серфайз ўтди. Бир куннинг ўзида ҳам келин, ҳам куёвникида ўтаётган тўйлар ортиқча ташвиш, харажат, исрофгарчиликка сабаб бўляпти. Буни ўйлаб, ўлчаб амалга оширса бўладиган иш. Иккала қуда бир бўлиб меҳмон кутишса, олам гулистон. Тўй маълум вақтда бошланиб, маълум вақтда тугалланиши ҳам муҳим гап. Тўй 6 — 7 да бошланиб 11 — 12 да тугаса, яна ҳам яхши.

Тўй ташкилий жиҳатдан чиройли ўтиши учун уни тўй комиссиясининг раиси бошқариши, табрик сўзи билан очиб, ўз ёрдамчилари билан тўй тарқагунча бош-қош бўлиб турмоғи керак. Лекин тўй мажлисга айланмасин, ўйин-кулги бўлсин, тўйда микрофон ўрнатиб, овозни четга тарқатишга мутлақо йўл қўймаслик лозим. Тўй базми фақат тўйхонадагилар учун керак. Шунга ўхшаш, куёвнавкарларни машинага ўтқазиб олиб, маст-аласт қичқаришиб шаҳар айлантиришга ҳам барҳам бериш керак. Куёвнавкарлар келин уйига ўйин-кулги билан, маданий бориб келса қандай яхши. Баъзи куёвнавкарлар билан келган йигитчалар орасида маст-аластлар кўриниб қолади. Маст-аласт тўйхона остонасини босиб ўтишдан уялиши, помус қилиши керак!

Тўйга меҳмонлар фақат қорин тўйдириш, томоша қилиш учунгина эмас, балки ҳаётини-ижтимоий муҳим маросимга иштирок қилиш, куёв-келини бахтига таптана ҳамда шодлигига гувоҳ бўлиш учун боришади.

Тўй дастурхонига балоғатга етмаган, ёш болаларни яқинлаштирмаслик керак. Бола азиз, одобиндан азиз. Ёш болаларни ўз эркига қўйиб бериш уларнинг тарбиясига жиддий шикаст етказди.

Тўйда қозон қурилади. Бунинг ўз зарурияти бор. Энди

тандир қуриб, қоп-қоплаб нон ёпиш одатга кириб кетди. Бу, тўйхона эгасини иқтисодий қақшатади. Исрофгарчиликка кенг йўл очилади. Бу «мода»га ҳам барҳам бермоқ керак. Бу, минг-минглаб хат йўллаган газетхонларнинг тилаги ва талабидир.

Тўй маблағсиз ўтмайди, албатта. Тўйни ҳар ким ўз имкониятига қараб ўтказмоғи лозим. Масала, палончи карнай-сурнай билап тўй қилди, нега мен карнай-сурнайсиз қиз берар эканман, деб оёқ тираб олиш инсофдан эмас. Карнайчилар инсофни еб, бирон соатлик хизмат учун юз эллик сўмдан уч юз сўмгача пул сўраб, чўнтакка маҳтал бўлиб турадилар. Бу ҳам инсофдан эмас.

Беҳуда нарсалар учун қуда қудасини чиқимдор қилавериш кўнгилни қолдирмасмикин? Кўнгил бир чинни пиёла. Дарз кетгач, жаранги йўқолади. Кўнгил қолдиришдан эҳтиёт бўлинг!

Шунга ўхшаш, ЗАГС ҳам маросимга кириб, ортиқча сарф-харажатга сабаб бўлиб қолди. ЗАГСдан ўтиб, гувоҳнома олган куёв-келин «Бахт уйи»дан вино-коньяк ичиб, «саводхон» бўлиб чиқишяпти. Ўзимиз барча жиноят, бахтсизликлар ичкиликдан чиқади, деб жар соламиниз, болаларимизни «Бахт уйи»да ичкилик ичишга ўргатиб юборяпмиз. Бу ҳам етмагандек, ЗАГСдан ширакайф ҳолда чиқиб, ресторанга йўл олиш ҳам одатга айланыпти.

Яқинда шундай бир ҳодисанинг гувоҳи бўлдик. Жиззах билан Ғаллаорол райони йўли ёқасида жойлашган ресторанга гул ва қимматбаҳо матолар билан безалган ўн чоғлик енгил машина йўл олди. Булар — эндигина ЗАГСдан ўтиб келаётган келин-куёв билан ўртоқлари эди. Бу зиёфат уч юз сўмга тушди. Чиллаки чиллакини кўриб чумак уради, одам одамни кўриб худо уради, деган боболаримиз. Бириники мингга, мингники туманга деб шунни айтадилар-да! Мавқега учиб, ақл-идрокидан озган баъзи ота-оналар ёшларимиз тарбиясини бузишяпти. Ҳурматли ота-оналар! Ўз фарзандларингизни бундай ноҳўя ҳаракат, қалтис йўлдан қайтаринг!

Урф-одат ва тўй-ғомошаларимиз тўғрисида айтиладиган муҳим гаплар кўп. Лекин, биз кўпроқ ёшларимиз бахти ёки бахтсизлигига бевосита алоқадор бўлган, баъзи бир омиллар тўғрисидагина сўз юритдик. Тўй қиладиган ёшларимиз ҳеч нарсадан қисилмасин, имкон борича уларни машаққат, қийинчиликларга дучор қилмаслик керак. Улар ўзларини маҳалла, қишлоқда ёлғиз, бегона

ҳис қилмасинлар. Тўй маҳалланики, келин-куёв ҳам маҳалланинг фарзанди.

Ўзбек — ўзбек бўлиб ўз тарихида шу кунлардагидек фаровон турмушни кўрмаган эди. Багри кенг, қўли очиқ меҳмондўст халқимиз аслида ҳам тўйпараст эди. Бизда чамали, ихчам, файзли тўйлар бўлаверсин. Бахтли ёшларимиз ўйнаб-кулишсин. Инсон ўз меҳнати билан улуғ, ҳар қаерда азиз-мўътабар. Ёр-дўстлар гувоҳлигида серфайз тўй-томоша билан қурилган ҳар бир янги оила зиммасига жуда катта масъулият юклатилади. Аввало, янги оила қурган йигит-қиз бир-бирларини ҳурмат қилишлари, ота-оналарини эъзозлаб, вақти-вақти билан уларнинг хизматларини бажо келтириб, оғирларини енгил қилишлари, Ватанга содиқ бўлиб, беминнат меҳнатлари билан жамиятга фойда келтириб туришлари, ҳалол яшамоқлари, ўзларидан яхши ном қолдириш учун гўзал замонамиз билан ҳамнафас, ҳамқадам бўлмоқлари керак.

Йигит-қизнинг бахт тўйи бахт яратиш йўлланмасидир. Бахт фақат меҳнат, ҳалол меҳнат билан яратилади. Меҳнат оилага роҳат, бахтиёрлик бағишлайди.

Бахтнинг калити — меҳнат. Бахт-толе ҳамиша сизларга ёр бўлсин, ўфил-қизларим.

1971 йил, декабрь.

Абдурахим билан 1927—28 йилларда Самарқанд шаҳрида танишгандим. Шундан сўнг матбуотда бирга-бирга ишладик, биргалашиб ижод қилдик. 1934 йилда Москвада бўлиб ўтган Бутуниттифоқ Совет ёзувчилари I-съездида комил ҳуқуқли ёзувчи делегат сифатида ҳам бирга қатнашган эдик. Буюк Алексей Максимович Горький докладини тинглаб, улуғ устознинг суҳбатларида бўлиш шарафига ҳам бирга муяссар бўлгандик. Мана, бугун ўзбек совет адабиётига асос солганлардан бири Ғайратий (Абдурахим Абдулла ўғли) 70 ёшга тўлди. Ярим асрдан бери ҳормай-толмай ижод қилиб келмоқда.

Бинокор Абдулла ўғли Абдурахим Ғайратий 1902 йилда Тошкентдаги Дегрез маҳалласида дунёга келди. У онадан жуда ёшлигида жудо бўлди. Маърифатли аёл Ойимхоп опа унга оналик қилди, ўқитиб саводини чиқарди. Шундан сўнг Абдурахим мадрасада таҳсил кўрди.

Ғайратий ўспиринлигида адабиётга қизиқди. Саъдий, Ҳофиз, Навоий, Муқимий, Фурқат, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий асарларини севиб мутолаа қилди.

Октябрь социалистик инқилоби Ғайратийга жўшқин илҳом, ижодий парвоз бағишлади. У ўқитувчилар тайёрлаш курсида ўқиб замонавий илм олди. Уша давр учун энг зарур касб — ўқитувчилик қилди, замондошларининг саводини чиқарди. Уларга илм-маърифат ўргатди.

Мана, 50 йилдирки, Ғайратий тинимсиз қалам тебратиб келмоқда. Қаламкашлик меҳнатига бўлган ихлос уни тезда халққа танитди. Шеърлари, ғазаллари, достон, ҳикоя ва қиссалари кенг китобхонлар оmmasига манзур бўлди.

Ғайратий ўзбек совет адабиётининг кекса авлодига мансуб совет ёзувчиларидан биридир. Ҳамза Ҳа-

кимзода Ниёзий, Абдулла Авлоний, Зиё Саид, Абдулла Қодирий, Сўфизода, Фитрат, Чўлпонлардан сўнг Боту, Шокир Сулаймон, Олтой, Ғафур Ғулом, Ойбек, Уйғун, Яшин, Миртемир, Ҳамид Олимжон, Ҳусайн Шамс, Ойдин Собировалар билан олдинмакетин адабиёт майдонига кириб келди. Ғайратийнинг «Қизил байроқ» газетасида 1921 йил февраль сонисида эълон қилинган «Болалар ҳафтаси» шеърида шундай сатрлар бор эди:

Йўқсул ўғли ўз билимини топмоқ учун,
Ҳеч қайризмай маърифатга чоғлар ўзин.

Ёшлик чоғларидаёқ ноҳақлик, тенгсизликни, эзилган, ҳўрланган меҳнаткашларни кўрган, уларнинг дарду аламларини дил-дилидан тушунган Абдурахим шу оддий меҳнаткашларнинг ўз куйчиси бўлиб қолди. 20-йиллардаёқ давр иафаси уфурлиб турган шеърлар ёза бошлади. Унинг «Эрк товуши» шеърлар тўплами 1927 йилда босилиб чиққан эди. Ғайратий поэзияда қалам тебратиш билан бирга насрда ҳам баракали ижод қилди. «Қутулиш» ва «Ҳашар» номли ҳикоялар тўпламини нашр эттирди.

Ғайратий ўзига хос анпқ мақсад ва жўшқинлик билан буржуа мафкураси ва эскилик қолдиқларига қарши ўт очди. 1931 йилда «Темн», 1932 йилда «Олов танлар» номли тўпламлари нашр этилди. Сипфий ва ғоявий кураш айна авж олган ўша йилларда ёзилган «Оқин ҳукми» номли қиссаси айниқса алоҳида ўрин тутди. Ғоявий кураш ошкора авж олиб кетган ўша давр, ўша пайтларда ўлимга маҳкум этилган ёт синф — мафкурачилар адабиёт майдонида ўзларича «шовқин-сурон кўтариб» янги тузумга қарши адабиётни қурол қилиб олиб огу тарқатаётганларида, Ғайратий ўзбек совет шоирларининг биринчиларидан бўлиб, ёт мафкура тарғиботчиларига ўз шеърлари билан ўнгаришмас зарбалар берганига жонли гувоҳмиз.

Шу фурсатдан фойдаланиб, Ғайратий ижодининг ўзига хос баъзи бир хусусиятларига тўхталиб ўтмоқчиман. У хусусиятлардан энг муҳими адиб ижодида партиявийликнинг изчил барқарорлиги бўлса, иккинчиси, мафкура майдонида олиб борилган курашларда муросасизлигидир.

Хўш, Файратий ўзининг шеърлари, дostonлари, ҳикоя ва қиссаларида кимларни ёқлаб, кимларни қоралади? Кимларни самимий мадҳ этиб, кимларни шафқатсиз савалади?

Биз бу саволларга Файратий имзоси билан эълон қилинган асарлардан аниқ жавоблар топа оламиз. Адиб ижтимоий тузумни ёқлади. Янги ҳаёт қурувчилари курашини, меҳнатни улуғлади. Янги адабиётга ишчи, батрак, қўшчи, зиёли образини олиб кирди. Меҳнат аҳлига, унинг раҳнамоси ленинчи коммунистлар партиясига онг-шуурини, билим-қобилиятини, юрак ва қалб қўрини бутунлай бағишлади. Шу ҳақиқатни қатъий равишда тушуниб олишимиз керакки, Файратийнинг адабиёт майдонига қадам қўйган даври ниҳоят даражада мураккаб эди. Янгидан шаклланиб келаётган социалистик маданиятимиз, адабиёт ва санъатимиз 20-йилларда ҳали чиниққан, тажрибали кадрларга етарли даражада эга эмас эди. Ваҳоланки, Файратий ва унга ўхшаган жанговар ёш кучлар қарши-сида пихини ёрган мухолифлар ҳали мавжуд эди. Октябр инқилоби туфайли вужудга келган совет тузумини, меҳнаткашлар давр-давронини мухолифларимиз хуш кўрмасдилар. Маданият, адабиёт, санъатни янги тузумга қарши қурол сифатида ишлатмоқ учун турлитуман усуллардан, воситалардан фойдаланишга уринишардилар.

Буржуа миллатчиларининг бундай уринишларини акс эттирувчи тарихий далиллар етарли даражада топилди. Агар инқилобимизга қарши жирканч мақсадларни кўзлаб ҳаракат қилмаганларида, «Бузилган ўлкага», «Қирдан айрилиш», «Сурма» сингари аксилинқилобий ғояларни ташкил қилувчи ўта зарарли, заҳарли символик шеърлар, балладалар матбуотда эълон қилинармиди?! «Чип севиш», «Темур сағанаси» ва шуларга ўхшаш миллатчилик ғояларини ташувчи пьесалар совет театри сахнасида намоиш қилинармиди?!

Ғоявий душманларимизнинг маориф, маданият, санъат ва адабиёт ўчоқларига суқилиб кириб, баъзан ошкора, баъзан ниқобланиб янги тузумга қарши хуруж қилганлари тарихий ҳақиқат. Партиямиз буржуа миллатчилик кўринишларига қақшатгич зарба бериш керак, деб эпёлларни мафкуравий жангга даъват қилиб турган ўша 20-йилларда ҳам бизнинг Файратий биринчилар-

дан бўлиб «лаббай» дея майдонга чиққанлардан. Чўлпон ўзининг «Бузилган ўлкага» сарлавҳали шеърида, Советлар ҳокимияти ўлкамизни вайрон қилди, деб кўз ёши тўккан эди. Унинг Совет ҳокимиятини барпо қилган кишиларимизни қарғаб, қўрбоши, босмачиларни қўмсаб афсус-надоматлар қилгани сир эмас-ку бизга!

Ғайратий «Фарғона», «Мепнинг туйғуларим», «Тузалган ўлкага» сингари оташ сатрли шеърлари билан Чўлпон ва унинг ҳаммаслақларига зарба берган эди. Чўлпон ўз шеърнатида совет ҳокимияти ўрнатилган, эрк-сизлик, зулм, ҳақоратдан озод қилинган Фарғонани вайрон, аҳолисини қул, чўри сифатида тасвирлаган бўлса, Ғайратий:

Тўхтаб қолган, қавжираган булоқлар,
Шарақ-шарақ яна қайнаб чиқмишдур.
Афдарилган, вайрон бўлган қишлоқлар,
Чиндан ортиқ, гўзал тусга кирмишдур.

.

Гўзал қизлар, ёш келинлар меҳнатда,
Эркин яшаш, тузуми-ла роҳатда.
Хўжа, эшон, хасис бойдан зулм кўрган,
Неча йиллар ожиз бўлиб бўй эккан,
Тоғ эгаси сар бургутдай йигитлари,
Мана бугун ҳаққин олиб бус-бутун,
Ишлар тинмай соф ҳавода туну кун.
Нега бундай, бўстон каби бўлишининг кўролмас?
Нега бундай ҳур бўлишининг улар учун ҳеч ёқмас?
Нима учун бузғунликнинг йўқолганин билмаслар?
Нима учун умидларнинг порлашини сезмаслар?
Нима учун у зотларнинг қарамоққа кўзи йўқ?
Нима учун пок кўксингга отмоқ истар оғу-ўқ?

Ғайратий ҳақиқатан ҳам адабиётимизнинг ана шу-нақа жонкуяри, гоёвий душманларига омонсиз, ўз халқни бахтини тинмасдан куйлаб келаётган оташнафас шоир ва ёзувчидир.

Бизнинг Ғайратий 50 йилдан бери қалам тебратиб Октябрь инқилобини улуғлади. Октябрнинг халқлар манфаатига қаратилган муқаддас йўлини эъзозлади. Кўз қорачигидай сақлашга даъват этди. Ғайратий миллатларни дўстлик, ҳамкорликка чорловчи кўплаб ба-

диний баркамол, мазмуни қуюқ, шакли гўзал асарлар яратди.

1933 йилда нашр этилган «Онамга хат» поэмаси Ғайратий ижодида алоҳида ўрин тутди. 1935 йилда «Жинаста», «Маҳкам», «Менинг ёшлигим» шеърӣ тўпламлари, 1937 йилда «Ўқолган бола», 1939 йилда «Севги», 1940 йилда «Олтин ёшлук», «Ўрмоннинг мушуги» номли асарларини яратиб, ўз китобхоналарини ҳушнуд қилган эди. Унинг «Оқин ҳукми», «Онамга хат» асарлари рус, қозоқ, уйғур ва бошқа миллат халқлари тилларига таржима этилди.

Ғайратий ижодида ишчи темаси алоҳида ўрин тутди деганимга асос шуки, унинг «Чўкич», «Нефть булоғи», «Темир билаклар» шеърлари, «Роҳатой», «Цехлар шеъри» номли поэмаларида янгидан туғилган совет ишчисининг ёрқин образлари ўз ифодасини топган.

Ўзбек халқи ҳаётида юз берган барча социал ўзгаришлар Ғайратий ижодида озми-кўпми ўз аксини топди. Гражданлар уруши, халқ хўжалигини тиклаш, ер-сув ислоҳоти, хотин-қизлар озодлиги, индустриалаштириш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, пахта мустақиллиги учун кураш каби муҳим социал воқеалар Ғайратий ижодида бош мавзу бўлди.

Мамлакатимизда социализм узил-кесил ғалаба қилиб, истиқболнинг нурли йўлига чиқиб олган вақтимизда гитлерчи ғалалар Ватанимизга қўққисдан бостириб киришди. Халқимиз ёвуз душманга қарши оёққа турди.

Совет ёзувчилари ҳам қаламларини қуролга айлантириб жанговар сафга тизилишдилар. Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Султон Жўра, Зиннат Фатхуллин, Яшин, Зулфия, Мирзакалон Исмоилий, Адҳам Раҳмат ва бошқа шоир-ёзувчилар қаторида Ғайратий ҳам ўз асарларида совет жангчилари, меҳнатчиларининг қаҳрамонликларини куйлади, ғалабага бўлган ишончларини оширди, мустаҳкамлади.

Урушдан сўнгги йилларда Ғайратий янада қайнаб-тошиб ижод қилди. Революция куйчиси, устози Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийга бағишланган «Ўлмас қўшиқ» ҳамда «Ғурбатда Фурқат», «Оловли йиллар» поэмаларини ёзиб чоп эттирди. Шоир қадимий ва ҳамиша навқирон Бухорога бағишлаб «Лаби ҳовуз тўлқинида нур» шеърӣ асарини ёзди. «Аср садоси» шеърлар тўплами ҳам-

да болалар ҳаётидан ёзилган «Унутилмас кунлар қис-
саси», «Бахмал отин» каби ҳажвий ҳикоялар тўплами
адабий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлди.

«Аср садоси» тўпламидаги «Кўчалар» шеърида шун-
дай сатрлар бор:

Бу кўчалар охири кенг ва сароб эмас,
Тоғлар ошиб, сув кечсанг ҳам, ҳеч азобмас.
Бир замонлар қўшиқ айтиб ол байроқ ушлаб,
Ўтиб кетдим кўчалардан зўр қадам ташлаб.
Сандан ўтдим, узоқ кетдим, толмадим — чопдим,
Ҳаёт йўли етаклади, бахтимни топдим.

Ҳа, азиз дўстим, тенгқурларинг қаторида ўз бахтини
яратган, бахт-иқбол топганлардан бирисан. Хақиқатан
ҳам меҳнат билан ўз бахтини яратаётган олиҳиммат,
олижаноб ўзбек халқининг бахтиёр шоири, она-Ватан
тузини оқлаган қобил фарзандисан. Камтаринсан, бе-
миннатсан. Оқил ва оқила фарзандларнинг падар-буз-
рукворисан. Ақлли, доно, хулқ-атворда мумтоз шоир,
шоирларнинг муҳтарам устозисан.

Минг-минг китобхонларинг, дўст-қадрдонларинг қа-
тори мен ҳам 70 ёшлик тўйингни муборакбод қиламан.
Соғ-саломат бўл. Битмас-туганмас куч-илҳом доим
ҳамроҳинг бўлсин. Ғайратингга ғайрат, ижодингга ижод
қўшилаверсин, хонадонингдан қут-барака, шод-хуррам-
лик аримасин, эй менинг қаламкаш, заҳматкаш дўстим!

1972 йил.

Йўлим тушиб Янгийўл райониға ўтгандим. Раҳбар ўртоқлардан бири: «Коммунизм» колхозида бўлганмисиз?» деб сўраб қолди... У кишининг мақтовлари мени қизиқтириб қўйди. «Коммунизм»га қараб йўл олдик.

Колхоз идораси одамлар билан гавжум. Раис мажлис қилаётган экан. Эрта-индин қаттиқ совуқ бўлар эмиш. Ҳосиллар ўлда-жўлда. Узум, картошка, сабзипиёз дегандек... Сентябрь тамом бўлди ҳисоб. Пахтанинг ярмидан кўпроғи ҳали майдонда.

Вақт зиқ. Долзарб ишлар кўп. Раис ҳам мажлисда экан. Бемаврид келибмиз-да, деб қўйдим.

Мажлис тугади. «Раис ҳозир чиқсалар керак» деди идора олдида турганлардан бири.

Гавдаси миқти, этик кийган, ўрта бўй, эллик ёшлар чамасидаги дўппилик киши ўзига эргашиб келаётган одамларга ниманидир уқдириб, биз томон юриб келарди. Қаватидаги одамларнинг гоҳо унисига, гоҳо бунисига гап ташлаб топшириқни қайта уқдирыпган кўринарди.

Мен «Волга» ёнида туриб, ҳамроҳим билан раисни кузатардим.

— Раис ўша одам, Маҳмуд ака Исматов бўладилар. Улар ҳамроҳим...— Салом! Ҳорманг раис. Меҳмон олиб келдим. Биладан, ишларингиз тиқилинч.

— Хуш кўрдик. Кўнгилдаги иш бўпти-да, колхоз иши битармиди. Ёзувчиларимиз тез-тез келиб турсалар ёмон бўлармиди, биз улардан, улар ҳам колхозчилардан дегандек, одамлар кўрса қувонадиган ишларимиз оз эмас. Шоирларимизнинг китобларини безайдиган одамларимиз ҳам бор. Қани юридикми?— деб бизга йўл кўрсатди «Коммунизм» колхозининг раиси Маҳмуд ака Исматов.

— Айни муддаодаги сўзни айтдилар раис. Биз ҳам

китобни безайдиган замондошларимизни сўроқлаб юриб-миз,— деб жавоб қилдим мен.

— Ўзбекистон Фанлар Академиясининг бир группа олимлари, талай йил бўлди, бизнинг колхоз базасида лаборатория ташкил қилиб, илмий гадқиқот ишлари олиб боришади. Қизиғи шундаки, бу олимлар ўз илмий ишларига мос ер — база танлаганларида вильт касали билан қаттиқ зарарланган ерни қидириб, ниҳоят, шундай ерни бизнинг колхоздан топганлар. Ер қадимдан ишланиб, суғорилиб келган бўлиши ҳам шарт экан...

Биз олимларнинг иши билан таниша бошладик. Деворларда турли-туман диаграммалар. Уларда пахта ҳосилдорлиги ўсиб бориши акс эттирилган. Ойнаванд ромлар ичида бир метрга етказиб кесиб олинган тахта-тахта ерлар турибди. Бир тахта ер бағрида ғўза томири 50 сантиметрга чўзилиб ер тагига кетган бўлса, иккинчи бир тахта ерда ғўза томири бир метрга чўзилиб ер тагига кетган...

Бунинг сирини бизга Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг ўсимликлар биологияси экспериментал институтининг «Коммунизм» колхозида ташкил қилинган бўлим бошлиғининг ўринбосари, биология фанлари кандидати Обил Зокиров шарҳлаб берди.

1961 — 62 йилларда иш бошлаган ўсимликлар биологияси экспериментал бўлимининг лабораторияси «Коммунизм» колхозининг барча участкаларида, Свердлов номи колхозининг 105 гектар ерига эга бўлган 12 бригадасида дастлабки илмий ишларини текширишдан ўтказдилар. Бу ердаги бригадалар бундан саккиз-ўн йил муқаддам гектар бошига 35—38 центнердан ҳосил кўтаргандилар. Сўнгги йилларда вильт касали тараққий этиб кетиши натижасида ҳосилни йиғиб-териб олиш пайтига етганда пайкалнинг 40—50 проценти қаттиқ касалга чалиниб, ҳосил 22—25, айрим участкаларда эса 15—18 центнерга тушиб қолган вақтлар бўлди.

«Коммунизм» колхозида ташкил топган ўсимликлар биологияси экспериментал бўлимининг 33 нафар олим ва илмий-техник ходимлари ўн йилдан бери шу базада илмий-тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар.

Бўлимда илмий-тадқиқот ишлари олиб бораётган кишиларнинг асосий вазифалари пахта ҳосилдорлигини ошириш ва эрта етиштириш проблемаларини ҳал қилиш учун ернинг ҳайдаладиган қатламини чуқурлаш-

тириш, минерал ўғитларнинг ҳосилга таъсирини ошириш, беда ва маккажўхори экинлари мисолида алмашлаб экиш йўли билан тупроқни семиртириб, пахта ҳосилдорлигини ошириш, суғориладиган тупроқларнинг унумдорлигини тубдан яхшилаш ва ниҳоят, деҳқончиликка жорий қилишдан иборатдир.

«Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда!» ...Бу асрлар бўйи бободеҳқонларимизнинг ақидалари бўлиб келган. Аммо ҳозирги замон фан-техника тараққиёти шуни кўрсатдики, эндиликда фақат ерни ҳайдаб қўйишнинг ўзи кифоя қилмай қолди. Йил сайин аҳоли сони ўсиб борапти. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноатни хом ашё билан тўла-тўқис таъминламоқ учун фан ютуқлари ва илғор тажрибаларни кенг жорий қилиш асосида суғориладиган ерлардан тўла фойдаланиш йўллари излаш зарурияти туғилиб қолди.

Тўғри, агротехника тадбирлари жорий қилина бориб, пахта ва бошқа экинлардан мўл ҳосил олишга эришмоқдамиз. Аммо фан-техника революцияси замида булар чегара бўлмай қолди. Кечаги янгилнк бугун, бугунги янгилнк эртага эскириб қолмоқда. Яқин вақтларда ер омов билан ҳайдаларди, юмшатишдан тупроқнинг чуқурлиги нари борса 15—18 сантиметрдан ошмас эди. Замон ўзгарди, фан-техника тараққиёти омовни плуг билан, ҳўкизни трактор билан алмаштирди. Ерни 25—30 сантиметр чуқурликда юмшатиш имконияти туғилди. Ер қанча чуқур ҳайдалса, ўсимлик ривож учун шунча яхши бўлиб, ҳосилдорлик ошар экан, деган масала кун тартибига қўйилди. Бу эса, ўз навбатида, тупроқшунос олимлар ўртасида муҳокама-мунозарага сабаб бўлди. Бир олим: «Ер қанча чуқур ағдариб ҳайдалса, ўсимлик ривож учун шунчалик қўлайлик туғилади» деса, бошқа бир олим «фақат ерни чуқур ҳайдаш ўсимликка ёрдам бермайди, аксинча, ҳосилдорликнинг пасайиб кетишига сабаб бўлади» деб ўз нуқтаи назарини исботлашга киришса, яна бошқа бир олим:

— Ҳосилдорликни кўтаришнинг асосий омилларидан бири, у ҳам бўлса, чуқур ишланган маданий ва унумдор ҳайдалма қатламини вужудга келтириш керак, деган фикрни майдонга ташлади.

Шундан сўнг олимлар институтда ўз нуқтаи назар-

ларини тажрибада исботлашга киришдилар. Ер бир меъёрда ҳайдалавериб, плуг тиги етмаган ернинг қатлами зич-заранглашиб қолиши сабабли ўсимлик илдизлари заранг қатламини ёриб ўтолмайди. Натижада у зич қатлам чиринди (ўсимлик илдизи ҳар йили чириб, чириндига айлана боради) «ўлик тана» сингари фаолиятсиз ётаверади, ҳосил етиштиришга мутлақо иштирок этмайди.

Институтнинг ўсимликлар биологияси экспериментал бўлими ернинг зич қатламидаги чуқур ишланган маданий ва унумдор ҳайдалма қатламни вужудга келтириш йўлини топди. Бу бўлимдаги олимлар ерни 50—60 сантиметр чуқурликка етказиб ағдариб ҳайдаш йўлидан боришмади. Чунки, заранг қатламни кўчириб, ҳосил бериб келаётган қатламнинг устига чиқариб ташлайдиган бўлса, чигитнинг нормал ўсиб чиқиши ҳамда ёш ниҳоллар ривожига салбий таъсир кўрсатади, ҳосил камаяди. Қўсақлар кеч етилади. Йигим-терим орқага суртилиб кетади.

Агар эскидан ишланиб келинаётган ер қатламининг ўзинигина ағдариб ҳайдалса-ю, сўнг зич-заранг қатлам ўз ўрнида юмшатилиб қўя қолинса, заранг қатлам сувни мириқиб шимий бошлайди, микробиологик жараён тезлашади, ғўза илдизлари бемалол оёқ чўзиб, қўшимча озуқа тўплайди, энди «ўлик тана» тирилиб ҳосил етиштиришга актив қатнаша бошлайди.

Пахтакор хўжаликлар учун янги бўлган бу усул қарийб ўн йилдан бери «Коммунизм» колхозининг механизатори Мадаминжон Мадраҳимов бошчилик қилаётган бригаданинг ерида амалга оширилиб келинмоқда.

Тажриба участкаси учун ажратилган 105 гектар ернинг ҳаммаси 50—60 сантиметр чуқурликда ҳайдалади. Лекин бу ердаги ҳайдаш ҳозиргача қўлланиб келинаётган ҳайдашлардан тубдан фарқ қилади. Чуқур юмшатиш ишини бир йўла бажармоқ мақсадида институт ходимлари мослама плуг схемасини чиздилар. Шу схема асосида Одесса шаҳридаги «Қизил Октябрь» заводи уч қаватли плуглар ишлаб берди. Бу плуг тупроқнинг устки қатламини бир йўла 25—30 сантиметр ағдариб, ҳамда остки зич қатламини ҳам 25—30 сантиметр чуқурликда юмшатади ва уч қатламга чиринди ҳамда минерал ўғит солиб боради. Бу хил ишлов беришнинг афзалликларидан бири фақат навбат-

даги йил учун ҳосилни ошириб қолмай, қатор йиллар ҳосилининг ортиб боришини таъминлайди. Масалан, ер 40 сантиметр чуқурликда ишланганда, тўрт йил мобайнида 4,18 центнер, 55 сантиметр чуқурликда 8,41 центнер, 75 сантиметр чуқурликда ишланганда 15,66 центнер қўшимча ҳосил олганлар. Бу хилдаги тажриба Свердлов номли ҳамда «Қизил Ўзбекистон» колхозларида, «Ўзбекистон беш йиллиги», «Оққўргон» совхозларида ўтказилганда кутилгандан ҳам яхшироқ натижалар берган.

Узоққа бормасдан ҳар жиҳатдан илғор «Коммунизм» колхози мисолида худди шу колхоз ерида ўсимликлар биологияси экспериментал бўлим олимлари назоратида деҳқончилик қилаётган Мадаминжон бригадаси етиштириб келаётган ҳосилни таққос қилиб кўра қолсак бўлади.

Вильт касали гузаларга ғарот етказётган ўша 1965—67 йилларда вильтга чидамсиз 152, 108—Ф навларидан чигит эккан коммунист механизатор Мадаминжон 30 центнердан 40,7 центнерга етказиб ҳосил кўтариб келганда, шу хилдаги навлардан экиб, ҳосилни 35,5 центнерга етказган «Коммунизм» колхозининг 1968 йилга келиб ҳосили кескин пасайди, 24,3 центнерга тушиб қолди. 1970 йилда Мадаминжон бригадаси «Тошкент—2» навли чигит экиб, 47 центнердан ҳосил кўтарган бўлса, илғор «Коммунизм» колхози 39 центнердан ҳосил кўтарди. 1971—1972 йилларда Мадаминжон бригадаси 50,5—50,6 центнердан ҳосил кўтарган бўлса, колхоз «Тошкент—2» навли чигит экиб, 832 гектар ердан 43 центнердан ҳосил кўтарди. «Коммунизм» колхози энг юқори ҳосилли хўжаликлардан бири эканлигини назарда тутганимизда ҳам Мадаминжон бригадаси кўтарган хирмоннинг фарқи яққол кўзга ташланиб турибди.

1972 йилда Мадаминжон Мадраҳимовга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилган бўлса, 1973 йилга келиб «Коммунизм» колхозининг раиси Маҳмуджон ака Исмамовга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди.

— Мен, — деб ҳикоя қилади Маҳмуджон ака, — бизнинг ерда деҳқончилик қилаётган олимларимиз ишларини бирмунча вақт кузатиб юрдим. Бир вақтлар ҳовли-жой бўлиб, сўнг бўшаб қолган заранг ер

бор эди. Мадаминжондан плуг сўраб олиб, шу ерни янги усулда мослаб чуқур ҳайдатиб, чигит эктирдим. Натижа бошқа бригадаларникидан яхшироқ бўлди. Яна бир муҳим нарсани айтиб ўтмоқчиман. Кўпчилик пахтакорлар институт олимларининг «Чигит экишдан олдин ерга азот беришнинг илҳол ривожига фойдаси кўп» деган фпкрига унча қўшилмаёттилар. Мен бунга амалда ёмон бўлмади. Пахта барвақт пишди. 112—116 процентга етказиб пахтамининг биринчи сортга топширдик.

«Тошкент» навигача экилиб келинган чигитдан олган пахтаминг колхозга 1 миллион 200 минг сўм даромад келтирган бўлса, худди шу ерга «Тошкент» навини екканимиздан сўнг, даромадимиз 2 миллион 500 минг сўмдан ошиб кетди. Соф фойдамиз 39—42 процентга етди,— деди колхоз раиси Маҳмуджон ака сўзининг охирида.

Ҳа, фанимиз, олимларимиз пахтадан мўл ҳосил етиштириш соҳасида таҳсинга лойиқ ишлар қилдилар, қилмоқдалар. Аммо пахтакорларимизнинг ўзлари ҳам ўз касбларининг академиклари бўлиб олишдилар. Тўғри, пахтанинг ашаддий офати вильт эди. Ҳозирча олимларимиз унинг пайини қирқдилар. Аммо пахтанинг вильтдан бошқа ҳам офатлари кўп: сел, дўл, қатқалоқ, об-ҳаво инжиқликлари дегандек баҳордан кузгача ҳар бир туп ғўза «олтин қўллар» назоратида бўлмагунча кўнгилдаги ҳосилни олиб бўлмаслиги равшан бўлиб қолди.

«Коммунизм» колхозинда илмий-тадқиқот ишлари олиб бораётган ўсимликлар биологияси экспериментал бўлим ходимларининг яна бир муҳим ишларига тўхталмасдан ўтолмайман. Бу алмашлаб экиш масаласидир. «Коммунизм» колхозини базасида иш кўраётган олимларимиз алмашлаб экишга ажратилган майдонга беда экиб, учинчи йилда учинчи йилнинг учинчи ўрмининг йиғиб олиб, июль ойининг бошида бедазорни 40 сантиметр чуқурликда ағдариб ҳайдаб, маккажўхори экадилар. Беданинг уч ўрмидан 127 центнер қуруқ беда олсалар, сентябрь охирига бориб, гектар бошига 500—550 центнер сўталиқ макка ўриб олинади.

Гап шундаки, агар беда йил охиригача қолдирил-

ганда гектаридан 30 центнердан қуруқ беда олинар-ди-ю, бунн озукa моддага айлантнрганимизда 1,5 минг озукa бирлигига тўғри келар эди. 500 центнер макка-нинг озукa моддаси эса 10,5 минг озукa бирлигига тўғри келар экан. Бу эса ёлғиз беданинг ўзига қара-ганда, чорва учун олти марта кўп озукa жамғарнш деган сўзди.

Қайси бири фойдали, ўзларингиздан қоладиган гап йўқ, танлаб олаверинглар!

Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг ўсимлик-лар биологияси экспериментал илмий-текшириш инс-титутн олимларининг Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозида олиб бораётган ишлари ҳар қандай эъти-борга лойиқ. Республикамизда қўриқ-бўз ерларни ўз-лаштириш жадал суръатлар билан бормокда. Йиллар ўтиб, қўриқ ерларни ўзлаштириш ҳам тугайди. Аммо талаб эса ўсиб бораверади. Қўшимча қўриқ ерга эҳ-тиёж ҳозиргидан ҳам кўпроқ туғила бошлайди. Ана ўшанда ўсимликлар биологияси экспериментал ил-мий-текшириш институтн олимлари очаётган 2-қўриқ ер ости қўриғи шундай асқотадики...

Йўқ, баъзи областларимизда ҳозирданоқ «ер танг-лиги» бошланди. Ерни кенгайтиришга талаб-эҳтиёж катта-ю, аммо яқин орада ер йўқ. Ерни кенгайтиришга иштиёқманд колхозлар бизда озми? Худди шундайлар ўзлари экин экиб келаётган ерларидан «иккинчи қў-риқ» очиб, ҳосилдорликни оширсалар бўлмасмикин? Бўлади. Фақат бу ишни бошлаш олдидан бир оз бош огритиш керак бўлади. Ортиқча меҳнат, сармоя, мах-сус плуглар ишлаб чиқиш керак бўлади. Аммо бирин-чи йилнинг ўзидаёқ сарф қилинган харажат, ҳосил-дорлик кўпайишидан келган даромаддап қоплапади.

Деҳқончиликка раҳбарлик қилаётган ташкилотлар бу прогрессив ҳаракатга эътибор берсалар фойдали бўларди.

1973 йил, декабрь.

Рус реалистик театр санъатининг бир қанча улуг сиймолари устоз Островский асарларини саҳналаштириб, у яратган ўлмас образларни ўйнаб камол топдилар. Айни пайтда Островский билан ҳамкорликда рус реалистик мактабини яратдилар. Театр тана бўлса, драматургия унинг жонидир. Улуг рус драматурги А. Н. Островский ҳам ўзи билан бир вақтда яшаб ижод қилган сарой аҳллари — зодагонлар хизматида бўлган театрга ҳаёт ҳақиқати ва замон руҳини олиб кирди. Жафокаш халқнинг дод-фарёди, умид-орзуларини ўз саҳна асарларида дадил акс эттирди, зулмат ва жаҳолат тўсиқларини ёриб ўтиб хўрланган, севги ва номуси таҳқирланиб тубан бўлиб қолган эркисиз, ҳуқуқсиз халқ оммасининг жанговар ҳимоячиси бўлиб майдонга чиқди.

Устоз Островский ўз ҳаётини, жўшқин ижодий фаолиятини жафокаш халқ манфаатларини ҳимоя қилишга, унинг инсоний ҳуқуқларини тиклашга бағишлади. Театр санъати, саҳнаси у кузатган мақсадлар учун жуда қўл келади. Шунинг учун ҳам у шу саҳнага кириб бориш йўлларини қидирди, театрдан ўзига ҳамдардлар топди. Театр саҳнасини суд залига айлантириб, ўзи халқ қораловчиси сифатида минбарга чиқди. Айтгани айтган, дегани деган ҳокими мутлақ зўравонлардан кулди, қонунфуруш, порахўр, фирибгар амалдорларнинг сопи ўзидан чиқарилган юмор-сатира қамчиси билан савалади, шарманда қилди. Островский драматургияси халқ учун ибрат мактаби бўлиб хизмат қилди. Хўрланган халқ ўзининг аянчли ҳаётини театр саҳнасида кўриб кўзлари очилди. Улар саҳнада ор-номуслари, инсоний ҳуқуқлари поймол қилинаётган замондошлари фожиасини кўра бошладилар, гоҳо йиғлаб, гоҳ кулдилар.

Сўз устаси Островский халқ дилидаги дардларни, аялч ҳаёт ҳақиқатларини топиб, саралаб саҳнага олиб

ниқар, театрда у дардлар воқеабанд бўлиб жонли тус олар, таъсирчан, даҳшатли кучга айланарди. Халқнинг кўнглида қайнаб ётган, тили учидан турган дард-аламлар саҳнада қудратли тус олганда боёнлар оёғи куйган товукдек типирчилаб қоларди. Бу манзара ҳоким синф учун нақадар кўнгилсиз бўлса, оддий халққа шу қадар хуш ёқарди. Бу ичак узди кулги комедиялар зодагонлар шикоятига сабабчи бўларди. Шунда драматург йўлида ўтиб бўлмас тўсиқлар пайдо бўлиб, улуғ рус фарзанди Островский полиция назоратига тушиб қоларди. Қуёш нурини этак билан тўсиб бўлмаганидек, Островский тафаккурдан сочилган нур зулматини ёриб ўтар, унинг қудратли овози узоқ-узоқ рус қишлоқларига етиб, зулмат қаърида ётганларни ғафлат уйқусидан уйғотиб юборарди. Улар энди кунлар ўтган сари ҳаёт ҳақиқатини равшанроқ кўра оладиган, дадилроқ курашга отланадиган, биргаллашиб ҳуқуқ талашишга қобил тил-жағлик курашчилар бўлиб қолардилар.

Ҳиллар кетдан йиллар ўтиб орадан бир ярим аср вақт ўтди. Аммо Островский ҳамон яшамоқда. У қолдириб кетган бебаҳо мерос янги жамият, бахтли ҳаёт, дўст бўлиб яшаш учун дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Улуғ драматург ўзи башорат қилганидек у яратиб қолдирган асарлар рус бўлмаган халқларнинг ҳам мулки бўлиб қолди. Драматург яхши ва ёмонликни рус характерида мужассамлаштира олгандир. Бу характер бошқа миллат халқлари учун ҳам ибрат рамзи — мактаби бўлиб қолди. Островский заковати билан қазиб топилган зиё булоқларидан баҳраманд бўлмаган, кўнгли равшан тортмаганлар камдан-кам бўлса керак. Айниқса ўзбек театр санъати, миллий драматургияси устоз Островский яратган мактабнинг шогирдлари бўлиш билан фахрланидилар. Фикие-кабанихалар, Катерина-Тихонлар, Ҳожина, Жамила, Ғофирларнинг ҳаёти, тақдири, севги изтироблари, инсоний, ғайри инсоний табиатлари бир-бирига ўхшаб кетиши билан ҳам Островскийнинг улуғлиги, халқчиллиги, интернационаллиги, умри боқийлиги унинг 150 йиллиги байрам қилинаётган шу бахтиёр кунларимизда ҳам қуёшдек нур сочиб дилларимизни равшан, кўнгилларимизни шодон этмоқда. Драматургия ва театр санъатида ҳали очилмаган қўриқларни очишга йўлланма бермоқда.

1973 йил.

Киши ҳаётида кўп ҳодиса ва воқеалар содир бўлади. Лекин рўй берган воқеаларнинг ҳаммаси ҳам шахс ҳаётида тарихий ва эсдан чиқмас из қолдиравермайди. Ёки унинг истиқболини белгиловчи йўлланма бўлавермайди. Шу нуқтан назардан қараганда «Қизил Ўзбекистон» газетасига ишга келишим менинг учун ҳам тарихий, ҳамда истиқболим йўлида бир маёқ, ҳаётим йўналишининг биринчи олтин саҳифаси бўлиб қолди.

1929 йилининг август ойида Самарқанддаги марказий партия мактабида бирга ўқиб, мактабни бирга татомлаб бир группа ўртоқларим билан Ленинград саёҳатига жўнадик. Бу саёҳатдан муддао ўқишда орттирган назарий билимларимизнинг рус инқилобининг бешиги бўлган Ленинграднинг тарихий жойлари, айниқса Улуғ Лениннинг революцион ҳаёти ва фаолиятига боглиқ бўлган жойларни ўз кўзимиз билан кўриб, ундан ибрат олиш эди.

Ҳа, Ленинград саёҳати фақат кўзимизнигина очмади, рус ишчилар синфига, улуғ Ленин ва унинг шонли Коммунистлар партиясига, «Аврора»нинг революцион матросларига бўлган ҳурмат ва садоқатимизни юз чандон ошириб юборди.

Смольныйдаги Владимир Ильич Ленин, Надежда Константиновна Крупская истиқомат қилган бир хоналик уйни зиёрат қилганим менинг хотирамда умрбод ўчмас бўлиб қолган. Икки дона оддий темир каравотча, унинг устида матрас ва ҳарбий казармаларда тутиладиган оддий сарғиш жуи одеяли солинган жой, юмшоқ кресло, оддий стол устида сиёҳдон, ручка ва ёвуз Каплан отган захарли ўқдан тешилган қора бахмал ёқали ихчам пальтодан ўзга бу хонада ҳеч нарса кўрмадик. Бутун ҳаётини, ақл-иродасини ишчилар синфи ишига бағишлаган улуғ Ленин пролетар инқилоби ғалаба қилиб,

Советлар ҳокимиятни қўлларига олгандан сўнг ҳам, жиндак бўлса-да, ўз шахсий ҳаёти, ҳаловати тўғрисида ўйламаганлиги бизни ҳайратда қолдирган эди. Лекин бизнинг бу «хато» тушунчамизни экскурсовод дарҳол тўғрилади. Бу содда ва оддийлик ҳақиқий коммунистга, биринчи бор Ленинга хослигини англатди. Дарҳақиқат, ҳамма нарса оддий, инсоний, ҳақиқий коммунист шундай бўлиши керак экан деб имон келтирган эдим. Бу соддалик доҳийга бўлган садоқатимизни яна ҳам оширган эди.

Лениннинг муборак қадами етган ерларни зиёрат қилар эканмиз, унинг хоки пойи топпилгудек бўлса, кўзимга тўтиё қилгим келар, қўйиб бергудек бўлса, доҳийнинг қўли теккан ҳар бир буюмни кўзимга суртгудек эдим. Буни мабодо Ильич шахсига сиғиниш деб тушунмасликларингизни илтимос қиламан. Заҳматкаш бахти учун чеккан азоб-қубатлари, пайғамбарона башоратлари, беқиёс ақлу иродаси, даҳоси, заковати, қўллар — очлар дунёси деб сургунларда, изғиринлар ва бўронларда ўтказган тун-кунлари, ниҳоят унинг азми ва йўл-йўриғи билан яратилган янги дунё, янги жамият, енгилмас диктатура қудрати, қолаверса, менинг ўзбегимга ўхшаш забун ва камситиш, хўрланишлардан қадди букилиб қолган мазлум халқларга эрк — ҳуқуқ бериб, қаддини ростлаб қўйишдек оламшумул хизматлари учун мен улуғ Ленинга, унинг ишига содиқ эканлигимни баланд овоз билан бонг уриб ҳаммага эшиттириб айтгим келарди.

Мен ана шундай кайфиятда ҳаммактабларим билан Ленинград экскурсиясидан қайтдим. Ўзбекистон Коммунистлар (большевиклар) партияси Марказий Комитетининг путёвкаси билан «Қизил Ўзбекистон» газетасининг қутли даргоҳига кириб боргандим.

Дўстлари билан дўст, ёви билан ёв бўлиб сўзлашадиган, меҳнаткаш халқ манфаатини қаттиқ туриб ҳимоя қиладиган, уларга коммунистлар партияси, шўролар ҳукуматининг асл мақсадини содда ва ҳаммага тушунарли тил билан гаплаша билган, тиниб-тинчимас, кунларни тунларга уловчи қалам билан қоғозга муккасидан кетиб ақли ҳуши газетхонлар хизматида бўлган иноқ, ижодкор, ақл-иродаси Ленин таълимоти билан қайралган, асаларидек заҳматкаш, ўз касбларининг соҳибкорлари бўлмиш коллективга кириб келганимни дарҳол пайқаб олдим. Уша пайтдаги «Қизил Ўзбекистон» газе-

тасининг секретари марҳум устозим Зиё Саид билан газетанинг редактори Раҳимий ўртоқлар биринчилар бўлиб мен билан суҳбатлашдилар. Редакциянинг оммавий бўлим мудир Абдусалом Ниёзийни чақириб, унинг билан таништирар эканлар:— Ҳозирча ўртоқ Сафаров оммавий бўлимда ишлаб турсин. Мухбирлар билан жонли алоқа ва ишчи-деҳқон мухбирлари хати билан чуқур, ҳар тарафлама танишиб, уларнинг дардларига малҳам бўлиш, бўлажак ёш газетачи учун бир мактабдир,— деди редактор...

Мен оммавий бўлимда инструктор бўлиб ишлай бошладим. Оммавий бўлим ҳар куни мухбирлардан кўп хат-хабар оларди. У хатларни инструктор Ваҳоб Раҳим билан синчиклаб ўқиб, саралаб газетада эълон қилиниши зарур бўлганларини бўлим мудирларига берардик. Бирорта хатни натижасиз қолдирмасдик. Узоғи билан ҳар қандай хатнинг тақдири ўн кун ичида узил-кесил ҳал этиларди.

У вақтларда мухбирларга ҳужум қилиш авжига чиққанди. Синфий кураш энг кескинлашиб, қишлоқларда табақаланиш бошланган ўша йилларда газета ишчи-деҳқон мухбирларига суяниб иш қилар, мухбирлар эса муштумзўр ва унинг таъсирида бўлиб давлат тадбирларини бузишга ҳаракат қилувчи ёт унсурларни фош қилишар, хотин-қизларга суиқасд ва озодлигига тўсқинлик қилувчиларга қарши олиб борилган кураш газета саҳифаларида кенг ёритиларди.

Оммавий бўлим иши республика ҳаётининг барча соҳаларидаги кишилар билан, айниқса қишлоқ хўжалиги, саноат, маданий-маориф ишлари, ёшлар, хотин-қизлар ҳаёти, мухбирлар билан мустаҳкам ҳамкорлик асосий вазифа бўлганидан бу кенг тармоқли жонли соҳа мени ҳаётга жуда-жуда яқинлаштириб, газетачининг омма билан қандай ишлар қилиши лозим эканлигидан яхшигина сабоқ берган эди. Шундай бўлмаганида, кўп ўтмай газетанинг қишлоқ хўжалик бўлимига мудир, масъул секретарь ва адабиёт-санъат бўлими мудир қилиб кўтарилмаган бўлардим. 1930 йилга ўтиш билан ёппасига коллективлаштириш асосида муштумзўр хўжаликларни синф сифатида тугатиш маъракаси бошланиб кетди. Шу даврда газетанинг асосий вазифаларидан энг муҳими қишлоқ хўжалик ҳаётини муттасил ва батафсил ёритиб боришга қаратилганди. «Қизил Ўзбекистон» газетаси

партия, совет, хўжалик ходимларининг, қишлоқ аҳолиси, айниқса, деҳқонлар оммасининг чин маънодаги маслаҳатгўйи ва ёрдамчиси бўлиб олган эди. Кундалик газета учун материаллар ишлаш, таҳрир ва ташкил қилиш менинг ўсишим учун катта ёрдам қилди. Сериялик публицистик мақолалар, очерклар ёза бошладим. Устозим Зиё Саид билан ҳамкорликда яратганимиз «Янги турмуш учун кураш» сарлавҳали серияли публицистик, ҳамда «Қора кунлар кўланкаси» сарлавҳаси билан 1916 йил қўзғолонига бағишлаб ёзилган серияли катта очеркларим «Қизил Ўзбекистон» газетасининг қатор сонларида эълон қилиниб, сўнг алоҳида-алоҳида китобча қилиб нашр қилинганди. Зиё Саид билан ҳамкорликда ёзилган «Тарих тилга кирди» драмаси ҳам шу газетада масъул котиб бўлиб ишлаб юрган чоқларимда ёзилди, Ҳамза номидаги драма театрида саҳналаштирилди. Агар газетада эълон қилиниб борилган қосимовчиларнинг аксилинқилобий иши юзасидан бошланган суд материаллари секретарь сифатида менинг қўлимдан ўтиб наборга туширилмаганида, устозим Зиё Саид шу темада биргалашиб пьеса ёзишга мени даъват этмаганида, балким «Тарих тилга кирди» драмаси ёзилмаган, мен эса драматург бўлмай, фақат журналист бўлиб қолган бўлардим. «Қизил Ўзбекистон» газетасининг ўша вақтдаги етакчи ходимлари Зиё Саид, Комил Алиев, Аъзам Аюб, Абдусалом Ниёзий, Чўрағул, Вали Алломов, Усмон Алиев, Мамат Ҳасан, Раҳмат Мажидий, Собира Холдорова, Анқабой, Воис Раҳимийларнинг коллектив таъсири ва кундалик кўмак ва тажриба алмашишлари бўлмаганда «Қизил Ўзбекистон» газетаси менинг иккинчи онам бўлиб қолмасди. Чунки биринчи бор «она», «дада» дейишга мени туғиб тарбиялаган онам ўргатган бўлса, ёзувчи учун энг зарур бўлган қурол — халқ тилини менга «Қизил Ўзбекистон» ўргатди. Шунинг учун ҳам «Қизил Ўзбекистон» газетаси менга халқ тилини ўргатган иккинчи онам бўлиб қолганди.

Гарчи, мен «Қизил Ўзбекистон» ҳамда «Ишчи» газеталари аппаратида беш йил чамаси ишлаган ва у ердан Ўзбекистон ёзувчилар союзининг раҳбарлик лавозимига кўтарилган бўлсам-да, ҳозиргача иккинчи онам меҳри қуёшида яшаб, ижод қилиб келмоқдаман. Мени тарбиялаган, тил бериб санъат — адабиёт уфқига парвоз эттирган онамга хизмат қилишни ҳозиргача тарк этган

эмасман. Бундан кейин ҳам белни боглаб, унинг хизматларини бажо келтиравераман. Қўлимга тутқазган қаламини халқ саодати йўлида, улар дўстлигини мустаҳкамлаш йўлида, тинчлик иши, Ленин ғояларининг тантанаси йўлида тебратишга зарур бўлиб қолгудек бўлса, бу қаламни яна найзага айлантиришга тайёрман.

Ташвиқотчи, тарғиботчи сифатида уриб келган бонгинг ва коллектив ташкилотчилик ролини коммунизм қуриш ишида таъсири бундан кейин ҳам ортаверишини чин юракдан истайман, бу йўлда қандай топшириқларинг бўлса бажаришга ҳозирман.

Кекса тарих сенинг саҳифаларингни қайта-қайта ва рақлар экан,— юзингда фақат ҳақиқатни, ҳақ жойини топган тарих ҳодисаларини кўради, бундан 50 йил бурун ким эди ўзбек, ким бўлиб қолганига гувоҳ бўлади ва социалистик тузумнинг нақадар ҳаётбахш эканига имон келтиради. Ишонаман, ҳатто душманларинг ҳам тан беришга мажбур бўлади.

Муборак бўлсин шонли 50 йиллик тўйинг. Меҳри қуёш менинг ҳақиқатгўй онам — «Совет Ўзбекистони»!

Яша! Минг яша, ҳақиқат жарчиси «Совет Ўзбекистони»! Сенга қуллуқ қиламан. Бош эгиб таъзим қиламан.

•

Тошкент шаҳридаги 9-матбаачилар ўрта ҳунар-техника билим юрти ташкил топган куннинг қирқ йиллигини кенг нишонламоқда. Газета, журнал, китоб чоп қилувчи мутахассис кадрлар тарбиялаб етказишда бу билим юрти коллективининг хизмати катта. Ўқув юрти ўзининг қирқ йиллик фаолияти давомида беш мингдан ортиқ йигит-қизларга тўлиқ ўрта маълумот ва матбаачилик техника-ҳунарини ўргатиб ҳаётга йўллади. Улар маданий фронтимизнинг муҳим техника ричаги бўлган босмахоналарда тер тўкиб, маданий инқилобимиз ривожига ривож қўшаверади. Заргарона ҳунарлари билан миллион-миллион газета — китобхонларимизнинг маданий савияларини оширадилар, беминнат меҳнатлари билан кўнгилларини чоқ, янги зафарларга қанот бўладилар.

Ҳар кун сиз икки чақонгизга газета харид қиласиз. Унинг саҳифаларига кўз югуртирасиз. Кўнглингизга хуш келган хабар, мақолани бир неча минут ичида ўқиб, маънавий озиқ оласиз. Лекин шу газета ўз ўқувчиси қўлига келиб етгунча сарф қилинган матбаачи меҳнатини ҳаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Газета, журнал, том-том китоб сатрлари алоҳида-алоҳида ҳарф, вергул ва пуқталардан вужудга келишини билсак ҳам, булар «наборшик» деб аталувчи ишчи қўли билан бунёдга келишини бир тасаввур қилиб кўра билсак эди... Наборшиклик меҳнати, корректорлик ихтисоси, редактор маҳорати киприк билан қудуқ қазигандек заҳмат, диққи нафас, лекин шарафли меҳнатдир.

Тўққизинчи сон техника билим юртида таҳсил кўрган минг-минг йигит-қизлар республикамызда мавжуд бўлган барча босмахона ва комбинатларда самарали меҳнат қилмоқдалар. Улар таълим берган устоз ва тарбиячилари, билим берган ўқув юртларининг номини пок тутишга, унинг шуҳратига шуҳрат қўшиш учун

қаерда бўлмасин ҳалол меҳнат қилиб, ўз коллективларида намуна бўлмоқдалар. Ҳарф териб, линотипчи бўлиб, муқова ясаб, газета, журнал, китоблар чоп қилиб маданий фронтнинг мураккаб вазифаларидан бирини шараф билан бажармоқдалар.

Мана бир неча мисол:

Тошкентдаги биринчи сон босмахонада ишлаб донг чиқарганлардан шу босмахона директори Самад Мажидов райсовет депутаты, район партия комитетининг пленум аъзоси, ҳарф терувчи Муборак Холматова Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери, ҳарф терувчи Турсуной Абдураззоқова Тошкент шаҳар партия комитетининг пленум аъзоси; корректор бўлимининг ходими Мурод Мансуров Ленин ордени кавалери, Лидия Симонова план бўлимида экономист, Шамат Якубов печат цехида мастер бўлиб ишлайди.

Шу билим юртида тарбия олганлардан яна бири Умар Аҳроров — Ўзбекистон совет энциклопедиясида бош редакторнинг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари бўлиб хизмат қилмоқда. Ёки Фарғона область «Правда» 50 йиллиги номидаги босмахонада ишловчи ўн саккиз нафар матбаатчиларнинг тарбия ўчоғлари бўлган билим юртларига йўллаган мактубларидан қуйидаги сатрларга эътиборингизни жалб қиламиз:

... Биласизлар, ўқув юртини 1955 йилда тамомлагандим. Ўз қўлларингизда мастер шогирди бўлиб ишладим. Йўлланмаларингиз билан Фарғона область босмахонасига келдим. Печать цехида мастер бўлдим. 1965 йилдан бери шу босмахонада директорман. Бу йил сиртдан ўқиб институтни битираман. Яқинда мени шаҳар партия комитети пленумига аъзо қилиб сайладилар. Мени одам қилган, поғонадан поғонага кўтараётган, аввало, Сизлардан олган тарбиямдир. Умр бўйи миннатдорман устозларимдан! — деди Октябрь Қодиров.

— Ҳозир «Линотип» цехида мастерман. Босмахона партбюросининг секретари қилиб, менга катта ишонч билдирдилар. Агар, — деди Қосимов Ҳакимжон, — борди-ю ҳаётни қайта бошлаш зарур бўлиб қолгудек бўлса, ҳеч иккиланмасдан яна жонажоним тўққизинчи сон билим юртимга, Сиз азиз тарбиячиларим қучоғига ўзимни ташлаган бўлардим...

Мана менинг столимда бир эмас, икки папка мак-

туб. Конвертларни очиб хатларни кўздан кечираман. Бири биридан мазмундор хатлар... «Ўқув юртини 1959 йилда линотипистка бўлиб битиргандим,— дейди Любовь Баришникова,— ишим яхши, маошим етиб ортади. Коммунистик меҳнат зарбдориман. Ҳунаримни севаман. Бу севгига мен жонажон билим юрти етаклаган эди...»

— ...Биримиз олдин, биримиз кейин, турли йилларда она қучоғидек меҳрибон ўқув юртимиз билан хайрлашгандик,— деди «Правда 50 йиллиги» босмахонасининг бир группа ишчилари,— коллективда ҳурматимиз жойида. Бу ҳурмат, аввало, бизга яхши таълим берган Сиз устозларга деб биламиз. Биз матбаачи касбимиз билан фахрланамиз,— деб хатга имзо чекадилар Илларионова, Гасюно ва Жиянбоев, Аляутдинов, Қосимов, Шайхутдинова, Зайнобиддинов, Зирянова, Бурҳонов, Маннонова, Меҳмоновлар.

Сирдарё район босмахона линотипчиси Гулчеҳра Темурова ёзади:— Қаерда бўлмайин ўз касбимсиз ўзимни тасаввур қила олмайман. Меҳнатсиз, муҳаббатсиз маҳорат касб эта олмас экан, ҳунар эгаллашни мақсад қилмоқчи бўлган киши. Билим юртида ўтган умрим зое кетмади. Ҳунаримдан ўкинмайман. Устозим Эда Борисовна Қуликовадан бир умр миннатдорман...

Билим юртини битирганлардан катта бир группаси Тошкент 7-сон босмахонада ҳар хил касбда ишлашмоқда. Шулардан бири — Т. Обидов директорлик лавозимини муваффақиятли бажармоқда. Шу билим юртида тарбия олган Шоислом Шоғуломов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётида директор. Нашриёт коллективи ўртоқ Шоғуломовга катта ҳурмат ва ишонч билдириб, уни XVIII партсъездга делегат қилиб сайлади. ЎзССР «Фан» босмахонасининг директори Шомахмудов ҳам шу билим юртининг меваси. Тошкент полиграф комбинатида ҳам шу билим юртида таълим олган юздан ортиқ қиз-йигитлар ишлашмоқда. Хуллас, республикамызда биронта босмахона йўқки, у ерда 9-сон техника билим юртининг кадрлари ишламаётган бўлсин!

Социалистик мусобақада юқори кўрсаткичларга эришганлиги учун республикадаги 126 техника билим юртидан фақат 9-сон матбаачилар ўрта ҳунар-техника билим юрти Ленин 100 йиллиги муносабати билан ЦК КПСС, СССР Олий Совети, СССР Министрлар Совети,

ВЦСПС томонидан таъсис этилган фахрий ёрлиқ мукофотини олиш шарафига муяссар бўлди.

Билим юртининг таълим-тарбия соҳасида эришган улкан ютуқлари СССР халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг ҳунар-техника павильонида — 1970 йилдан бери намоён қилина бошланди.

Яқинда шу билим юрти меҳмони бўлиб, ўқувчи ва ўқитувчилар билан мулоқатда бўлганимда бир умр эсда қоладиган таассурот билан қайтдим. Келажакимиз бўлган бу пишқ ҳунарманд йигит-қизларнинг ҳаёт, адабиёт тўғрисидаги доно сўзларини эшитиб қойил қолдим. Табиати нозик, диллари баланд, ўзлари дилбар шундай талабчан китобхон етук ёшлар етишиб бораётганидан кўнглим шод бўлиб кетди. Ҳа, сўнг буларнинг тарбиячилари кимлар эканини билишга қизиқдим. Билиб ҳам олдим.

Билим юртининг директори Маҳмуд Иброҳимов, ишлаб чиқариш бўйича инженер Ҳошим Алимов ўртоқлар бундан қирқ йил бурун шу билим юртида таълим-тарбия олиб, ҳунар ўрганиб, яна шу ерда қолиб узлуксиз тарбиячи бўлиб келаётган ажойиб коммунистлардир. Йигирма йилдан бери директор бўлиб келаётган ўртоқ Иброҳимов Низомий номидаги пединститутнинг сиртқи бўлимида таҳсил кўриб, тил-адабиёт факультетини аъло баҳо билан батириб олибди. Икки қиз, тўрт ўғилни тарбиялаб олий маълумотли ҳам қилибди. Ўртоқ Иброҳимовнинг педагоглик хизматларини эътиборга олиб, ҳукуматимиз «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи» фахрий унвонини берди ва эзгу хизматларини Ленин ордени—олий мукофот билан тақдирлади. Қатта мастер Муҳаммаджон Самигов шу билим юртида ўқиб тарбия олди. Шу билим юрти ўқувчиларининг жонкуяр устози бўлиб қолди. Ўртоқ Самигов камтарлиги, тиниб-тинчимас, изчил раҳбар, партия бюросининг секретари сифатида ҳамма ерга қўли етади, улгуради, чала қолган иш кўргудек бўлса уни охирига етказмагунча кўнгли жойига тушмайди.

Директор ўринбосари Ирина Макарова қўшалок институт битирган юксак маданиятли аёл. У инженер-технолог, ҳамда физик-математик. Инсон сифатида одамнинг жони, беш юз қиз-йигитнинг меҳрибон она-хони, жонкуяр, ҳар тарафлама билимдон устоз. Директорнинг иккинчи ўринбосари Матлуба Муҳаммаджонова

тўғрисида ҳам ҳақли равишда шундай мақтов гапларни айтгимиз келади. Буларга ўхшаш жонкуяр ўқитувчи-тарбиячилар билим юртида талайгина.

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилги беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIV съездининг директивларида: «Социалистик маданият янада ҳар тарафлама ривожлантирилсин.... Ёшларнинг майлини ва халқ хўжалигининг малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олиб, ёшларни касб ўрганишга йўллаш кучайтирилсин», дейилади.

Бугун шонли қирқ йиллигини байрам қилаётган 9-сон матбаачилар техника билим юрти ана шундай шарафли вазифани бажариб келди. Бундан кейин ҳам бу ажойиб таълим-тарбия ўчоғи касб-кор ўрганувчи ёшларимизнинг севган мактаби бўлиб қолади.

Қирқ йиллик тўйингиз муборак бўлсин китобхон, газетхонларимизнинг заҳматкаш матбаачи дўстлари!

Мавриди келиб қолиб, яқинда бир гуруҳ ҳамшаҳарларим билан учрашиб қолдим.

Суҳбат қилиб ўтириб тарихий воқеаларни эслашдик. Гурунг аҳллари мен билан тенгдош — олтмишнинг нариберисиди. Ҳар қалай, улар Октябрь инқилобидан ҳозирги кунларимизгача бўлиб ўтган муҳим воқеалардан хабардорлар. Ҳар қайсиси ўз олдида тарихимизнинг бир бўлакчаси. Қамгап, камсуқум одамлар. Бўлар-бўлмагга уларни гапга солиш, гап олиш қийин. Агар кўнгилларига кириб, тил топа олсангиз борми, бу табаррук одамлар жонли тарихнинг ўзгинаси.

Баъзан шундай ноёб воқеаларни гапириб берадиларки, улар на тарих китобларида бор ва на бадий адабиётда, беш-ўн кўйлак зиёд йиртган, кўпни кўрган одамда ҳикмат кўп, дейишадилар. Бу тўғри гап, албатта.

Мен суҳбатдошларимнинг ишлари, таржиман аҳволлари, туғилган йиллари билан қизиқдим. Мендан бирон мучал чамаси ёш бўлган киши қизиқ бир ҳангомани гапириб берди:

— Мен «Ев-ёв» йили туғилганман,— деб сўз бошлади у.

«Ев-ёв» сўзидан бу одам 1916 йилда туғилгани маълум бўлди. 1916 йилда бўлиб ўтган халқ қўзғолонини бостириш учун юборилган жазо отрядини исёнчи халқ «Ев келди!» деб таъбирлаган.

1916 йилда содир бўлган бирон ҳодиса тўғрисида гап очилиб қолгудек бўлса, «Бу ҳодиса «Ев-ёв» йили бўлган эди, фалончининг отаси Муҳаммади бучча қулоқ «Ев-ёв» йили подшо дорига осилган эди» деб эслаш одат бўлиб қолган.

Суҳбатдошим сўзида давом этади.

— Ойим мени чўлда, қудуқда туққан.

Бу гап ҳаммани қизиқтирди.

— Ким ойингни қудуқда туғишга мажбур қилган экан?

— Қудуқда ҳам тўлгоқ тутадими, ойинг шўрликни?— ярим ҳазил, ярим жиддий бир оҳангда гап ташлашарди ҳамшаҳарлар.

Тафсилотини сўрасак, воқеанинг содир бўлиши бундай бўлган экан:

Жазо отряди — ёв келиб қўзғолонни бостиргач, ота ҳомиладор хотинини опичлаб чўлга қочади. Чўлда бошпана тополмай суви қуриб кўмилай деб қолган бир қудуқда истиқомат қила бошлайди ва қудуқда фарзанд кўради.

Биров у деди, биров бу деди, гап гапга уланиб кетди. Ҳар ким ўз бошидан ўтган, кўрган-кечирганлари тўғрисида тўлқинланиб гапирар. Тарих китоби сира адо бўлмас. У шунчалик ранг-баранг ва қизиқарли эдики, ҳатто «Минг бир кеча» қиссаси ҳам буларнинг ҳикоялари олдида рангсиздек кўринарди.

Суҳбатдошлар сўрови билан мен ҳам ўзим тўғримда сўзлаб бердим. Мен 1905 йил 9 январда туғилган эканман деган эдим, кимдир, Қонли якшанба кунин! Россияда «Қонли якшанба» фожиасини билмайдиган ким бор! деб юборди.

Дарвоқе, мен билан тенгдошлар туғилиб дунёга келган йил — кунларда жамият аъзоларини қувонтирадиган, халқ манфаати, Ватан манфаати кўзда тутилиб, давлат томонидан кўрилиб рўёбга чиқазилган биронта оламшумул воқеага гувоҳ бўлиш имконидан холи бўлиб келган. У замонларда оддий одамлар бошида биргина ташвиш, у ҳам бўлса, ёмон куннинг бир кунини ўтказиш, эртага ё обло ё насиб, яъни худо хоҳлагани, насиб қилгани бўлар... Бунинг акси, бир ҳовуч бойлар муллолар, эшонлар, зодагонлар, амалдорлар халқни талаш, шахсий бойлик орттиришдан ўзга нарсаси «ақллари» етмаган!

Улуғ Ленин, у тарбиялаб вояга етказган коммунистлар партияси Октябрь социалистик революциясини тайёрлади. Инқилобчи рус ишчилар синфи чоризмни парчалаб ташлади. Неча асрлардан бери эзилган халқ орзу қилиб келган янги дунёнинг эшиги Русиядан очилди. Ана шу тарихий санадан бери коммунистлар партияси раҳбарлигида янги дунё бинокорлари тинимсиз меҳнат

қилпб ўз бахтларини «подшосиз, ботирсиз» ярата олднлар.

Мен ақлимни таниганимдан бери тенгдошларим мана навбатдаги саккизинчи беш йиллик планни амалга ошириш учун кураш бошладилар. Кечагина янги беш йиллик директиваларини муҳокама қилган ва тасдиқлаган Совет Иттифоқи Коммунистлар партиясининг XXIII съезди ўз ишини тугаллади. Пойтахтимиз Москвада, Кремлдаги съездлар саройида коммунистларнинг тарихий анжумани эртанги янги саодатлар планни муҳокама қилаётган пайтда, яна бир оламшумул воқеа рўй берди. Совет фани, совет техникаси, совет кишининг мўъжизакор янги бир ҳикмати, тарихининг олтин саҳифасига: Советлар мамлакати космосга Ойнинг сунъий йўлдошини учирди,— деб ёзиб қўйди. Ой орбитасида биринчи бор «Интернационал» гимнимиз янгради. Ерда туриб, биз бу қудрат қўшиғини эшитдик. Бу қудратли мўъжизамиз билан чексиз фахрландик.

Қаранг энди, XXIV съезд очилган кун, ёки ойнинг сунъий йўлдоши учирилган пайтда ер шарида неча-неча минг чақалоқ туғилмади дейсиз? Йиллар ўтади. Бу чақалоқлар ҳам вояга етади. Биздек дунё кўриб, ақлнинг кўзи бўлиб қоладилар. Улар ҳам худди бизлардек оталари босиб ўтган машаққати зўр шонли йиллар мазмунини қақиб кўрадилар. Мен ерда кўрган гуруннга ўхшаш гурунни улар балким Ойда кўрарлар. Уларнинг ораларида Ойга сунъий йўлдош учирилган кун туғилган қиз ёки йигит бўлар. Ойга юмшоқ қўндирилган машинамиз ёки Ой орбитасида парвозда бўлган сунъий йўлдош сингари биринчи бўлиб совет аёли Ойда кўзи ёриб, фарзанд кўрар.

Ана ўшанда қудуқда туғилган менинг ҳамшаҳрим билан Ойда туғилган бола ҳикоясини тақрорлаш нақадар завқли-шавқли бўлар. Келажагимиз бундай ишларга қодир. Шу тоғда ҳаёл бўлиб кўринаётган у воқеа эртага ҳақиқатга айланиб кетиши ҳеч гап эмас.

Келажагимиз — коммунизмнинг соҳиблари! Соҳибкорлари! Менинг азиз невараларим! Мен бу гапларни ўйлаб қоғозга туширар эканман, эртанги кунимизнинг олимлари, билимдон донишмандлари Сизнинг ақл-идроқингизга, сабот-матонатингизга, журъат-жасоратингизга, ғайрат ва шижоатингизга, ҳаммадан бурун бугуннинг пионерлари, эртага Ленин ишининг давомчилари —

сизларга, сизларнинг акаларингиз—ленинчи комсомолларга суяндим.

Келажагимизнинг ҳеч қачон сўнамас юлдузларин! Менинг чироғларим. Шу фурсатдан фойдаланиб сизларга яна бир нарсани айтиб ўтмасам бўлмайдиган бўлди. Инқилоб бўлиши билан Ленин ҳамма қишлоқларга мактаб очилсин деб фармон берган эсимда. Жиззахда биринчи марта очилган совет мактаби талабаларидан бири мен бўламан. Ўқишга ҳаваскорлар кўп. Ўқитувчи йўқ. Ним-нимкола ўқитувчи топилса, ўқув китоби, қалам, қоғоз йўқ. Лекин Ленин фармони йўқни бор қилди. Дафтар ўрнига ҳар уч болага биттадан тош дафтар, бўрдан қалам улашилди. Бир варақ дафтар ҳажмидаги тош дафтар доскага ўхшарди. Бўр билан ёзиб, сўнг ёзув ўчирилиб ташланарди. Китобсиз, қалам-дафтарсиз бир ва иккинчи синфни битирганлардан мен.

Ана энди биз босиб ўтган давр, шароитни кўрингу, сизлар учун яратилиб берилган шароитни кўринг! Оч, ярим яланғоч, қоғоқ халқнинг 99 проценти саводсиз бўлган мамлакат ҳозир сиз яшаб, бахтиёр ҳаёт кечирётган қудратли диёрга айланди. Сизларга бахт яратиб бераётган ота-она, боболарингизни ҳурмат қилинг! Партия, совет ҳукуматига содиқ бўлинг! Ватанини, халқини Лениндек қадрланг, севинг! Лениндек фидойи ва жонкуяр бўлинг! Давлатимиз мулкни кўз қорачиғингиздек ардоқланг. Одобли, ахлоқли, меҳнатсевар бўлинг. Яхши ўқинг. Бир кунлик умрингизнинг бир соати ҳам зое кетмасин. Истиқболларинг порлайверсин, кенжатойларим!

Ўсимлик тупроқ, сув қуёшсиз ўсмайди. Ўзувчи ижоди учун жамият ҳаётини ҳам қуёш, ҳам сув, ҳам тупроққа ўхшатса бўлади. Совет кишининг идеали коммунизм қуришдир. Бу мақсаднинг кураш формалари хилма-хил ва ўзига хос қарама-қаршиликларга бойдир. Одамлардаги психологик ўзгаришлар қайси хилда бўлмасин, уларни кузатишсиз ҳис қилиш қийин ва характер яратиш мушкулдир. Меҳнат машаққат, роҳатга меҳнатсиз эришиб бўлмайди. Танқид, ўз-ўзини танқидсиз, ривожланиш йўқлиги ҳақ. Худди шунга ўхшаш мурасасиз курашчи ҳам қарама-қаршиликлар гирдобидан силлиққина чиқа олмаслиги табиий бир ҳолдир. Демак, ўлмас асар яратмоқчи бўлган ҳар бир ўзувчи биринчи навбатда инсоншунос бўлмоғи керак! Шунга кўра, биз ўз маршрутларимизни тузастган вақтда ана шу «икир-чикир»ларни ҳисобга олмасдан иложимиз йўқ. Коммунизм бинокорларининг ўзларини, ишларини ҳар тарафлама ўрганиб бутун диққат-эътиборимизни замондошларимизнинг ўлмас образларини яратишга қаратишимиз лозим бўлиб қолди.

Бир вақтлар Ўзбекистон Жумҳуриятининг пойтахти бўлган, ҳозир эса шонли республикамнинг илмий марказига айланган навқирон Самарқанд областининг «Ленин йўли» газетаси ўтган ҳафта 10 000 сони чиққанини байрам қилди.

Самарқанд шўхрати билан чамбарчас боғланган бу газета Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Садриддин Айний, Ҳамид Олимжон, Абдулҳамид Мажидий, Уйғун, Тошпўлат Саъдий ва бир кўп ўзбек, тожик совет ўзувчилари қаторида меннинг учун ҳам маҳорат мактаби бўлган эди.

Мана шу газетанинг 1928 йилги сонларида «Метан паразитлари» сарлавҳаси остида каминанинг имзоси

билан серияли мақолалар босилиб чиққан эди. Бу мақолаларда ишлаб чиқариш кучлари ва воситалари, ерсувларидан маҳрум бўлган муштумзўр, мулла, эшонларнинг ер ислоҳоти, хотин-қизлар озодлигига қарши аксининкилобий ҳаракатлари фош қилинган чоқда пионер отрядидаги вожатий бўлиб юрган Раҳима отлик жажжи қизча бўларди. Бу ўтирак қиз ўсиб улғайиб, Ленин комсомоли сафига киради ва ниҳоят бу қиз Метан район комсомол комитетига секретарь бўлиб сайланади. Минглаб комсомол ёшларни социализм қурилиш ишига сафарбар қилишда раҳбарлик қилади. Бойлар, барча гуруҳнинг тескаричи қолдиқларига қарши аёвсиз курашиб юрган йилларда бирданига йўқолиб қолади. Кейинчалик билсам, шахсга сизиниш даври туҳмат бўрони бу ўт юрак комсомол қизни ҳам хор-хасдек учириб кетгани маълум бўлиб қолди.

Партия томонидан ҳақиқат қилиниб, туҳматга барҳам берилган кунларни орқада қолдирган Раҳимахон Исломова она юртининг иссиқ бағрига қайтиши биланок, қараб турмади. У чўкиб қолган бир неча колхозни бирлаштириб, уларни кўтаришга раҳбарлик қилди. Мен Раҳимахон тўғрисида очерк ёзар эканман, ана шу воқеаларни ёритдим. Раҳимахон бошчилигида колхоздаги миришкор пахтакорларнинг меҳнатда кўрсатётган фидокорлиги уларга шон-шухрат келтирмоқда. Бу ажойиб коммунист ўзбек аёлининг шухрати бутун республикага ёйилди. Раҳимахоннинг қиссаси жуда узоқ. Унинг мураккаб ва оғир машаққатли саргузаштини китоб қилишга аҳд қилганман.

Мен, асосан драматургман. Лекин сўнгги йилларда очерк жанрида ҳам анчагина машқ қилдим. Менинқ қаноатимча, яхши очерклар янгидан майдонга келадиған катта янги бадий асар учун бой материал ва ёзувчи учун ҳаёт мактаби бўлиб хизмат қилади. «Метан паразитлари» ва бошқа илк ёзган мақола ва очеркларимдаги ҳаётий воқеа ва материаллар ўз навбатида катта формадаги асарларимни майдонга чиқазди. Агар мен «Унутилмас кунлар» номли воқеий хотираларни ёзмаганимда, эҳтимол «Уйғониш» ва «Шарқ тонги» номли тарихий-революцион пьесаларимни ёзаолмаган бўлардим.

Ҳали эл орасида машҳур бўлмаган механизатор Турсуной Охунова тўғрисида «Турсуной» номли очерк

орқасидан «Узоқни кўзлаган қиз» қиссасини ярат-
дим.

Очерк ва қиссанинг таъсир доираси кенгайиб кет-
ди. Эндиликда республикада механик-ҳайдовчи
аёл, аввалгидек, ёлғиз Турсуной эмас, пахта териш
машинасини бошқариб пахтакорнинг энг оғир меҳна-
тини енгил қилаётган ўн минглаб турсунойчи қиз-жу-
вонлар зангор кеманинг капитани бўлиб олдилар.

Иттифоқимизда машҳур механизатор Мелиқўзи
Умурзоқовни ҳам «Қарвон боши Мелиқўзи» очерки
ёзилганга қадар меҳнатдаги шон-шухрати ўз колхоз-
дан четга чиқмаган эди.

Очерк ёрдами билан республикада машҳур бўлиб,
бошқа касбдошлари учун ибрат намунаси бўлиб қол-
ган қаҳрамонларим жуда кўп. Донгдор механизатор
Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, СССР Олий Со-
ветининг депутатлари Мелиқўзи Умурзоқов, Турсу-
ной Охунова ҳамон ўзбек пахтакорлари учун йўлчи
юлдуз бўлиб келмоқда. Ҳар йили ўнлаб, юзлаб янги-
дан-янги механизаторлар отряди бу шонли новаторлар
билан мусобақалашиб беллашмоқдалар. Уч ярим мил-
лион ўзбек «оқ олтин»ига ўзларининг муносиб ҳисса-
ларини қўшмоқдалар.

«Қишлоқ ўқитувчиси» қиссаноманинг қаҳрамони
Давлат мукофоти лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳ-
рамони, новатор пиллачи қишлоқ ўқитувчиси Олияхон
Султонованинг очерк орқали ёйилган шухрати минг-
лаб Олияхон пиллачиларини етиштирди. Бошқалар бир
қути уруғдан 30—40 килограмм пилла олиб келган
вақтларида Олияхон ҳар қути уруғдан 100 килограмм-
га етказиб пилла олди. Бу новатор пиллачининг қўрт-
ин тарбия қилишдаги усуллари очеркда кенг пропаган-
да қилинади. Натижада минг-минглаб Олияхон пил-
лачилари тарбияланиб етишди.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони Бонсжон Эргашевнинг
Улуғ Ватан уруши фронтида кўрсатган жасорати тўғ-
рисида «Қаҳрамоннинг туғилиши» сарлавҳали қисса-
нома очерк Эргашевлар oilасининг шон-шухратини
мамлакатга ёйди. Натижада, ҳозир Ўзбекистон қирқ
йиллигига совға қилиниб, бу ажойиб оила ҳақида маҳ-
сус фильм яратилмоқда.

Қурилишимизнинг соҳаларида коммунизм бинокор-
лари жонбозлик кўрсатмоқдалар. Партия чақириги би-

лан дон хўжалигини кўтариш учун майдонга отилган юзлаб ўзбек ёшлари галладан юқори ҳосил олиб, ўз мажбуриятларини шараф билан бажардилар. Бироқ бу қаҳрамонлар ҳақида ҳали биронта ҳам очерк ёзилганича йўқ.

Қаламкаш биродарларим! Ҳаётга, коммунизм қураётган одамларга яқинроқ борайлик! Одам тақдири, унинг меҳнати, севгиси, эзгу тилаклари, мардлиги, жасорати, новаторлиги ҳақида ихчам, мазмундор, нафосати оҳанграбодек жозибали очерклар яратайлик. Замондошларимизнинг ёрқин образларини яратиш билан коммунизм асри янги кишиларини тарбия қилайлик.

Қадимда бизлар не-не оғир кунларни кўрмадик, бир бурда нон кўзларга тўтиё бўлганини айтсам, баъзи болалар ишонмайди. Очликдан кўчада сулайиб ётганларининг ҳисоби йўқ эди. Бундай фожиа ёлғиз мен туғилиб ўсган Жиззахдагина эмас, балки бутун Туркистон ўлкасида, бутун Русияда шундоқ эди.

Бунинг бош сабабчиси биринчи жаҳон уруши эканлиги ҳаммага маълум. Лекин Улуғ Ватан уруши йиллари қанчалик оғир бўлмасин, халқимиз у қадар қатъчилик, очарчиликни кўрмади. Жонажон Коммунистик партиямиз раҳбарлигида уруш туфайли вужудга келган барча қийинчиликларга бардош бердик, оқибатда ёвуз душманни енгдик. Шундан кейин, уруш харобаларини тугатиш билан бирга, халқнинг турмуш даражасини янада юксалтириш учун кураш бошланди. Севпки партия ва ҳукуратимизнинг доимий ғамхўрлиги натижасида бир-бирига дўст, қон-қардош совет халқларининг фаровон ҳаёти тобора юксалиб бормоқда.

Аммо, семизликни қўй кўтаради, деганидек, бу маъмурчилик, тўқчиликдан ўринсиз шўхликлар пайдо бўляпти. Баъзи жойларда исрофгарчилик одатга айланиб бормоқда, ҳаёт учун энг азиз ва мўътабар бўлган нон қадрлапмай, исроф қилинмоқда. Маълумки, ноннинг увоғи ҳам нон. Шундай бўлишига қарамай ушогн, бурдалари эмас, бутун-бутун нонлар супириндиларга, ювиндиларга қўшилди, ахлат яшикларига тўкиляпти. Бунга ошхона, ресторан, шифохона ва шунга ўхшаш умумий овқатланадиган жойлардаги фаросатсиз ходимларгина эмас, айрим нон заводлари ҳам сабаб бўлмоқдалар. Улар қўлдан кетгунча тарзида тайёрлаб чиқарган барча хом ва куйинди нонлар юқорида айтилганидек, ташландиқ бўлиб қолаётгани сир эмас.

Тўй-маъракалар нонсиз ўтмайди, албатта. Аммо, бу тўй, маракаларда ҳам нон бениҳоят исроф қилинади. Бунини мен бир неча жойда ўз кўзим билан кўрдим. Бир тўйхонада тенгқурлар ҳангома қилиб ўтиргандик. Юз кило гурунч ошига мўлжаллаб ўчоқ қазилди, қозон қурилди. Семизлигидан бўйни яғринига қўшилиб кетган катта бир буқани беш-олти йигит думидан тортиб, зўрға йиқитиб сўйишди. Навбатда яна икки семиз қўй қассоб пичоғини кутмоқда эди. Шу пайт катта юк машина тўла нон олиб келган шофёр:

— Амаки, нонни қаерга туширамыз?— деди тўйбошига.

— Таванхонага-да.

Ёш-яланглар қатор туриб олиб, қўлма-қўл узатиб, хаш-паш дегунча бир машина нонни туширишди.

— Энди, қолгани нима бўлади?— сўради тўйбоши.

— Бир ярим мингта нонни эрталаб олиб келаман,— деди шофёр.

Шунда, давраמידаги бир чол:

— Қуриб кетсин шунақа расм-русмларимиз,— деган эди, бунини эшитган тўйбоши:

— Сиздан яширадиган сир йўқ, мулла Назирқул. Тўйнинг нони менинг чекимга тушган эди, тўрт юз ўттиз сўлкавойга тушиб ўтирибман,— деди. Ҳалиги чол кулиб туриб, яна гап отди.

— Бор экан сарф қилмасиз, савоб иш бу. Худойим берганга берармиш, шукур қилавернинг.

Тўйбоши унга қараб олиб хўрсиниб қўйди.

— Шундайку-я, ортиқча даҳмаза. Ҳаммаси ейилган-да бошқа гап эди, нес-нобуд бўлиб кетади. Мана, дастурхондаги нонларни кўриб турибсиз. Уст-устига ушатиб ташланаверади, бурдаланганича қотиб қолаверади. Бунинг устига, биронтасининг орқаси пишмаган. Юзи қизарар-қизармас узилаверган. Новвойлар билан айтишиб қолдим. Укалар, савобни уволга айлантирманглар, нонни хом узманглар десам, сизга ёқадиган қиладиган бўлсак сурункасига уч кун нон ёпишимиз керак, деб дағдаға қилишди.

Даврадагилар бири олиб, бири қўйиб кўрган-билганларини гапиришаверди. Ҳамманинг фикрини лўнда қилиб айтганда, тўйхоналарда ўзини кўрсатиш учун меъёридан ортиқ қилинган ош-нон ортиб қолиб, нес-нобуд бўлмоқда. Ҳатто тўйдан қолган ош-нондан бўкиб

ўлган сугир-қўйлар сонн қўпая бораётган эмиш. Шунинг учун ҳам тўйдан кейин, сасиб қолган таомларни чуқурга, ахлатга ташлаш каби хунук одат пайдо бўлаётганмиш.

Тўйга келганларнинг, тўйбошининг гаплари шунақа! Пахта бизнинг шону шуҳратимиз, фахримиз, миллий ифтихоримиз. Хўш, буғдой, ун, нон-чи? Пахтанинг бирор килосини исроф қилган шахс қонуний жавобгарликка тортилади. Шундай экан, ҳамма учун азиз бўлган нонни, озиқ-овқатларни исроф қилганлар ҳам жамоатчилик танбеҳига, ғазабига йўлиқишлари керак!

Ҳар бир халқ адабиётнда шундай сиймолар бўладики, у ўз ижоди билан янги бир даврни, янги бир йўлни бошлаб беради. У ўтмишга назар ташлаб, уни янги замон талабларига бўйсундиради, янгини эса ижодий, ўз халқни анъаналари асосида ривожлантиради. Назаримда, ҳаммамизнинг устозимиз бўлган Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ана шундай новатор, бошловчи адиблар қаторига киради.

Ҳамза Ҳакимзода ўзбек совет адабиётнда биринчилардан бўлиб, янги синф — ишчилар синфини қаламга олди. Зулм ва эксплуатацияга асосланган замонга қарши, унинг туб моҳиятини очиб ташлайдиган гоёвий юксак саҳна асарлари яратиб социалистик реализм методига асос солди.

Ҳамза бутун вужуди билан «Яша Шўро!» деганида, «Ҳой ишчилар!» деб хитоб қилганида инқилоб душманларининг нақадар титраб қақшаганини яхши ҳис қиламиз. Унинг содда, аммо ўз замонасининг инқилобий чақириқларини меҳнаткаш халққа етказган бу сўзларида жуда улкан маъно борлигини биламиз. Шоир ана шундай шеърлари билан адабиётимизнинг байроқдор, шеърятимизнинг эса яловбардор бўлиб қолди.

Мен ҳаммадан ҳам бу буюк адибнинг драматургиясига, унинг ҳозиржавоб, замон ва давр олдида турган энг муҳим вазифаларини дарров илғаб олиб саҳнага олиб чиқишига қойил қоламан.

Ҳамзадаги тезкорлик, саҳна асарларига бўлган ўта талабчанлик, унинг масъулиятини чуқур ҳис этиш ҳамниша биз қалам аҳлларига ижод этишнинг энг яхши намунаси бўлиб қолади. Биз эса буюк устознинг шогирдлари қаторида унга таъзим қиламиз.

Дўстим Ғафур Ғулом ўзбек совет адабиётига жахоншумул яна бир шуҳрат келтирди: унга Ленин мукофоти берилди. Ҳа, ўзбек шеъриятининг отахони, бизнинг Ғафуримиз бундай улуг мукофотга энг муносиб номзод эди.

Ғафур Ғулом қирқ йил тинимсиз қалам тебратди, ижод қилди, болари сингари гул излади, ҳаёт чаманидан энг ноёбларини териб, саралаб ранго-ранг, хушбўй гулдасталар ясади.

Ғафур халқ билан бирга яшади. Ленин ғояларини мадҳ этди. Яхши-ёмон кунларда халқ билан бирга бўлди. Қувончига қувонди, қайғусига ҳамдард бўлди. Совет кишиларининг меҳнат машаққати, жангу жадали, яратувчилик қудрати, дўстларга чексиз муҳаббати, душманга қаҳр-газаби, Ватанига бўлган меҳр-муҳаббати оташнафас Ғафурнинг жўшқин шеърларида ўзифодасини топди. Коммунизм қурувчиларининг солномасини яратди. Янги авлодларга ноёб маънавий мерос қолдирди.

Ғафур Ғулом ўзбек совет поэзиясига чақмоқ чақиб кириб келган эди. Оқибатда сўнмас юлдуз бўлиб қолди.

Таъбир жоиз бўлса, Ғафур Ғулом туғма талант, новатор қалам соҳибн эди. Ҳозиржавобликда унга тенг келадигани йўқ эди. Ундаги ҳозиржавоблик фақат Ғафурга хослиги, бошқа қаламкаш дўстлардан ғафурона ажралиб туриши билан ҳам машҳур эди. У яратган шеър, ғазал, поэмалар, ҳикоя ва қиссалар партиявий чуқур мазмун, нафосати, беқиёс юксак фалсафий

мушоҳадаларни, билимдонлиги билан қалам аҳлини ҳайратда қолдирарди. Унинг оташ нафасида юғрилган шеърӣ сатрлар ўз таъсир кучи билан ўқувчисининг дилига малҳам бўларди. Китобхонларга эстетик завқ бағишлар эди.

Туғма талант Ғафуримизнинг ижоди кўп қиррали эди. У севги-муҳаббат тўғрисида оригинал сўз, ифодалар топа олганидек, сатира-юморда ҳам устози — фаранг эди. Агар нафратга лойиқ объект топилгудек бўлса, шундай сўз ва ўхшатишлар билан ҳажв қилардики, ҳатто Насриддин ҳам унинг олдида ип эшолмай қоларди. Шундай фараз қилинг, агар тасодифан Афанди Ғафур Ғулом латифасини тинглаб, «ичак узди»лар даврасига кириб қолгудек бўлса, ҳеч иккиланмасдан Ғафурни пир тутиб унга мурид бўлиб олган бўлур эди. Гапнинг тўғриси, дўстим Ғафур ҳозиржавоб ва ҳажв-нависликда замонамиз Насриддини эди. У йўл-йўлакай гурунг орасида шундай афандиёна латифалар тўқиб ташлар эдики, кулгидан ичакларимиз узилгудек бўларди.

Афсуски... дўстим марҳум.. йўқ. Марҳум дейишга тил бормайди.

Ғафур ўлган эмас, ўлмаган кишига аза ҳам тутилмайди. Бугун дўстим Ғафурнинг тўйи. Ўзбек адабиёти, шеърӣятининг тўйи. Ғафурнинг вафодор дўсти, ҳаммамиз учун ҳурмати Муҳаррамхоннинг тўйи. Ғафур Ғуломнинг қобил фарзанди, Беруний мукофотининг лауреати Улуғбекнинг, унинг ука-сингилларининг тўйи.

Дўстим Ғафур! Сен каромат қилиб жигарпорангга Улуғбек номини берган экансан. Яхши ният йўлдош бўлди, улуғ Ленин таратган зиёдан нур эмган Улуғбекнинг бугун республикамиз ядрочилари бешигини тебратиб ўтирибди. Бу эса бир жиҳатдан сенинг, Муҳаррамхоним орзуларининг рўёбга чиқиши бўлса, аслида бу Ленин заковатининг мевасидир.

Назир!.. Уртоқ!.. Сени соғиндим, деб ўгли Хондамирни етаклаб эшигимдан кириб келишларини эсласам, юрагим эзилади, у ҳар қачонгидек хушчақчақ, яланг-даврон, дўпписи чаккасида. Кайфи тароқ ўзимнинг Ғафурим.

Ленин мукофоти — улуғ мукофот, энг олий мартаба. Шон-шуҳрат тожидир. Ғафур Ғуломга боқий умр

бағишлаган нарса Ленин партиясига, советлар ҳокимиятига, халқига бўлган чексиз садоқатню, ғоявий баркамол, чуқур партиявий ўлмас поэзияси бўлди.

Ўзбек адабиёти ва шеъриятининг мухлислари, муборак бўлсин Ленин мукофотининг лауреати, яшайверсин Ғафур Ғулом шеърияти, кўпаяверсин Ғафур Ғулом шогирдлари!

Азиз ёшлар! Ғафур Ғуломни ўқингиз! Ғафурдан ўрганнгиз.

Яқинда буюк Октябрь инқилобининг 50 йиллигини байрам қиламиз. Бу — умумхалқ тўйи бўлиши билан бирга инқилоб билан эгизак эллик ёшга кирганларнинг ҳам байрамидир.

Абдуллажоннинг ҳам бахти шундаки, унинг 60 йиллик тўйи шу буюк Октябрь юбилеи арафасида ўтяпти. Ўзбек совет адабиётининг асосчиларидан бири, Давлат мукофотининг лауреати, йирик адиб, моҳир драматург, уста ҳажвчи, тил бойлигимизнинг хазиначиларидан бири Абдулла Қаҳҳорнинг қутлуғ 60 ёшини нишонламоқдамиз.

Абдулла Қаҳҳор — бу мўътабар совет ёзувчиси, камёб талант, ростгўй адиб, адабиётимизнинг ёрқин юлдузи, фахримиз ва ифтихоримиздир. Дили билан тили бир, партиявий виждон амрига қулоқ солиб иш тутадиган реалист ёзувчи, туғма талантдир. У ўз ижодини ленинча принципларга асослаб, ҳамиша халқ билан ҳамдард бўлган ёзувчидир.

Муборак 60 ёшингиз қутлуғ бўлсин, азиз биродарим!

Саломатлик, ҳозиргидек кўтаринки руҳ, навқирон ижод бундан сўнг ҳам ажралмас йўлдошингиз бўлсин кадрдон дўстим Абдуллажон!

5 сентябрь, 1967.

Жангчи революционер, ўз ижодида биринчи бўлиб коммунист образини катта санъат билан ярата олган ёзувчи Дмитрий Андреевич Фурмановнинг адабий фаолияти кўп жиҳатдан бизлар учун ибратли ва катта мактабдир.

Ўз табиати билан халқпарвар, ташкилотчи ва сиёсий арбоб бўлгани учун ҳам партия Дмитрий Андреевични Туркистон фронтига юборган эди. Мен гражданлар урушида шахсан иштирок этмаган бўлсам ҳам, лекин у йилларнинг даҳшатли манзаралари — босмачиларнинг ваҳшийлиги ҳали ҳам кўз ўнгимдан кетмайди. Одамлар оч-яланғоч эди. Инқилоб душмани маҳаллий буржуазия, унинг миллатчи малайлари чет эллик империалистлар пинжига кириб олиб, ёш Туркистон жумҳуриятини қулатиш пайида эдилар. Биз, ўзбеклар учун энг оғир ва хавф-хатарли бўлган ўша йилларда Ленин партияси Марказий Комитетни Фрунзе снгари саркарда, Куйбишев каби арбоблар қаторида Фурмановнинг ҳам ўлкамизга Туркфронт сиёсий бошқармасининг бошлиги қилиб юборилиши қувончли воқеа эди.

Улуғ рус халқининг фарзанди Д. Фурманов ёш миллий адабиётимизнинг тараққиётига ҳам катта ижодий таъсир кўрсатди. Фурманов асарларини ўқиб, унинг драмасини театр сахнасида кўрган вақтларимдаёқ, менда тарихий революцион асар яратиш иштиёқи пайдо бўлган эди. Жангчи санъаткорнинг асарларидан руҳланиб, революция темасида асар ёзиш мақсадида архив материалларини ўрганишга киришгандим. Қизиги шундаки, тарихий материалларни ўрганиб, уларни бир схемага соларканман, гўё Фурмановнинг одамларни жонли тилда гапиртиришга даъват қилаётганини ҳис қилгандек бўлардим. «Шарқ тонги» асарини ёзарканман, устоз Фурмановдан кўп нарсаларни ижодий ўргандим.

Д. Фурмановнинг Тошкентга, Туркистон ўлкасига келиши қулоқлар ва интервентлар фитнаси авж олган вақтларга тўғри келган эди. У Фрунзе ва Куйбишев билан бирга ўлкамизни социализм душманларидан тозалашда фаол қатнашган, коммунизм ғояларини ҳормайтолмай пропаганда қилган, революциямизнинг азамат жарчиси, забардаст курашчи эди.

Совет Тожикистони деганда, Помир тоғлари, ҳозирги тожик совет адабиёти деганда, Мирзо Турсунзода кўз ўнгимга келади.

М. Турсунзода асарлари Помирдай кўркем ва басавлат, ичи конга, ранг-баранг хазинага бой. Қандай шаклда бўлмасин, унинг олмос қирралари жиловланиб туради, оҳанрабодай ўзига тортади. Шунинг учун ҳам М. Турсунзода номи фақат тожик ўқувчиларигагина эмас, балки Бутуниттифоқ китобхонлари орасида ҳам ҳурмат ва эъзоз билан тилга олинади, унинг асарлари эса севилиб, қайта-қайта ўқилади.

Дўст дўстдан камол топади. М. Турсунзода ҳам халқлар дўстлигининг оташин куйчисидир. У прогрессив жаҳон адабиёти вакиллари қаторидан ҳам муносиб ўрин эгаллаган, совет адабиёти донғини чет эллик дўстларимизга етказган забардаст шоирларимиздан биридир.

Ҳамкасбимни совет адабиётининг байрами сифатида нишонланаётган қутлуғ 60 ёши билан табриклашдан беҳад бахтиёрман.

Умрингизга умрзоқлик, сиҳат-саломатлик, янада юксак ижодий парвоз тилайман Сизга — дўстим Мирзо Турсунзода!

Ўқитувчилар кунн. Ўқитувчининг ҳар бир кунини бир дунё шодлик, чексиз бахт-саодатга тенглаштиради, асло муболага бўлмайди. Аввало, ўқитувчи ҳалол, беминнат меҳнати билан одамлар орасига зиё таратади, мангу эзгуликнинг тоза уруғини сепади, уни ундиради, урчилади, ҳар бир «ниҳол»ни кўз нуридек ардоқлаб, вояга етказди.

Ўқитувчи меҳнатининг самараси сон-саноксиз, ҳад-ҳисобсиз, у тарозиди ўлчанмайди, чўтда ҳисобланмайди. Ўқитувчи меҳнатини қуёш саховатига ўхшатса бўлади. Бутун кoinотдаги мавжудот саҳий қуёшнинг ҳаётбахш зарраларидан озик олгани каби, жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси ҳам илм, фан, маърифат қомиллари бўлмиш ўқитувчилардан нурланадилар. Совет ўқитувчилари коммунистик фан зиёси билан зулматни ёритадилар, ҳуруфот ва бидъат илдинини қуритадилар. Совет ўқитувчиси заковати, тафаккури туфайли, аввало, ёш авлоднинг билимига билим, ақлига ақл қўша боради. Сабот ва матонат касб этади. Янги дунёнинг янги одамлари етиша боради.

Илмий коммунизм китобининг улуғ муаллифлари Маркс, Энгельс, Лениндек буюк сиймолар ҳам бир вақтлар бирон ўқитувчининг талабалари эдилар. Бошланғич билимни уларга «оддий» ўқитувчи берган.

Биз эгаллаётган кибернетика чўққиларининг биринчи поғонасига шавкатли ўқитувчиларимизнинг ибтидоий меҳнатлари биринчи пиллапоя бўлган эди десак, ким бунн ёлғон дея олади?

Космик фазони забт этаётган, баллистик ракеталар кашф этаётган олимларимиз, илмий-техник ходимларимиз ҳам шу азиз муҳтарам ўқитувчиларимиздан биринчи марта таълим олганлари ҳеч ким учун сир эмас.

Иқтисодин тараққиёт жараёнида ижтимоий жамият

ривожлана боради. Фан, техника такомиллашган сари устоздан шогирдлар ўза боради, бу бир-биридан ўзиш, бир-бирига шогирд, бири бирига устозлик сиёсий ҳокимият, фан, техника, санъат ва маданият халқ мулки бўлиб қолган, фақат, фақат бизнинг коммунистик тузумимизга хос фазилатдир.

Совет ўқитувчилари Партиямизнинг, Совет ҳокимиятининг, омма билан чамбарчас боғланган кўз-қулоғи, маслаҳатгўйи, оилаларга маърифат киритувчи мафкура майдонимизнинг соҳиблари ҳамдирлар. Жамиятнинг ячейкаси ҳисобланган ҳар бир оиланинг маданий ҳаёт кечириши кўп жиҳатдан шу масканда яшаётган ўқитувчиларнинг шахсий ҳаётда ҳар жиҳатдан намуна бўлишларига боғлиқ.

Яқин ярим аср мобайнида узлуксиз ўқитувчилик қилиб келаётган ветеранларимизнинг ҳар қайсиларининг ўнлаб фан докторлари, фан кандидатларидан шогирдлари бор. Бугина эмас, уларнинг кўп сонли шогирдлари орасида партия, совет раҳбарлари, хўжалик ходимлари, врачлар, агроном, инженер, техниклар, қолаверса, моддий бойлик яратаётган ишчилар, колхозчилар, санъатимизнинг юлдузлари, киши руҳининг инженери — ёзувчилар... хуллас, ижодий меҳнат соҳиблари ўз ўқитувчилари — устозларидан чексиз миннатдордирлар. Устоз-ўқитувчилар кунини байрам қилар эканмиз, кўнгилларимиз қувончларга тўлиб:

— Муборак бўлсин улуг аёмингиз, устозлар!— деб бош эгамиз, таъзим қиламиз.

Бугун жамоатчилик республикамизнинг талантли рус ёзувчиси Михаил Иванович Шевердиннинг етмиш ёшга тўлганлигини нишонламоқда.

М. И. Шевердиннинг бутун ҳаёти ўзбек диёри билан чамбарчас боғлиқдир, чунки бу диёр уни тарбиялаб вояга етказган она-Ватандир. М. И. Шевердин йигирманчи аср бошларида Тошкент яқинидаги Телав қишлоғида қишлоқ врачси оиласида дунёга келди. Улуғ Октябрь революцияси ғалаба қозонган дастлабки кунларданоқ Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун курашга актив қатнашди. М. И. Шевердин қишлоқда революцион комитет, ер-сув идораси, профсоюзлар тузишда биринчи ташкилотчилардан бири эди.

Бўлажак ёзувчи кўпгина ҳаётий тажриба орттиради. Бу нарса, оқибатда, унинг ижодий ишига жуда катта ёрдам беради. М. И. Шевердин 1926 йилдан бошлаб республика матбуотида очерклар, фелъетонлар ва ҳикоялар билан қатнаша бошлайди. Илк адабий асарлари унинг катта истеъдод эгаси эканлигидан далолат беради ва тезда китобхонларнинг диққатини ўзига тортади. М. И. Шевердиннинг очерклари республикамиз ҳаётидаги муҳим воқеаларни ёритади. Бизнинг кўз ўнгимиздан социализм қурувчилар — ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар, зиёлиларнинг ёрқин образлари бирма-бир ўтаверади. 1934 — 1943 йиллар ичида унинг «Катта Ўзбекистон йўли» очерклари тўплами, «Эшонбобонинг ҳалокати», «Кўприк», «Дониёрнинг фош бўлган бобоси» қиссалари, «Зарафшон ҳикоялари» тўплами нашр этилади. «Али-

шернинг қўлёзмалари» ҳикоялари тўплами унинг шу даврдаги ажойиб асарларидан бири эди.

Йиллар ўтиши билан унинг таланти тобора ривож топади. Унинг ҳар бир янги китоби ижодий юксалишида олға ташланган янги қадам бўлади. Ёзувчининг «Сан-жар ботир», «Бўри изидан» романлари унинг шуҳратини янада оширди. Бу романларда ўзбек халқининг Шарқий Бухоро ва Зарафшон водийсида босмачиларга қарши олиб борган курашлари моҳирона тасвир этилади. Халқ намояндалари образлари зўр истеъдод билан тасвир этилади. Бу китоблар революцион руҳ, қаҳрамонлар ўз ҳаётини бағишлаган мақсадга ишонч кайфияти билан суғорилгандир.

1957 йил унинг «Бош» номли романи нашр этилади. Ёзувчи бу романида Анвар пошшонинг Туркистондаги контрреволюцион авантюраси билан боғлиқ ҳодисаларни ҳикоя қилади ҳамда ғарб империалистик давлатларнинг унга қўйган умидлари барбод бўлганини қаламга олади.

М. И. Швердин қалами чарчаш нималигини билмайди. Унинг «Саҳродаги соялар», «Етти гуноҳи азим» романлари кетма-кет нашрдан чиқади. Ёзувчи «Саҳродаги соялар» романида Ўзбекистон ва Туркменистонда Совет ҳокимиятининг қарор топа бошлаган йилларини тасвирлайди. Унинг диққат марказида Авазгелди босмачи шайкасини тор-мор этиш масаласи туради. Бу асарда ёзувчининг катта тажриба эгаси эканлиги айниқса ёрқин ҳис этилади. Чунки автор ўша даврдаги бу ҳаяжонли ҳодисаларда бевосита ўзи иштирок этади. Бу тажриба ёзувчига ўз қаҳрамонларини китоб саҳифаларида жонли гавдалантиришга ёрдамлашади. У ўз қаҳрамонлари образини, руҳий ҳолатларини, хусусан, шахсий ҳаётлари ва халқ турмушини чуқур идрок этган ҳолда тасвирлайди.

Ёзувчининг сўнгги «Етти гуноҳи азим» романида гитлерчиларнинг Урта Осиёни Совет Иттифоқидан ажратиб олиш ҳақидаги ниятлари барбод бўлганлиги тасвирланади.

М. И. Швердиннинг ижоди жуда ранг-баранг. У драматургия ва кинодраматургия соҳаларида ҳам иш олиб боради, ўзбек ёзувчиларининг асарларини рус тилига таржима қилишга кўп куч сарфлайди. Коммунист-ёзувчи М. И. Швердин партия ва жамоатчилик ишла-

рида актив қатнашади, ҳукуматнинг анчагина мукофотларини олишга сазовор бўлган.

Республикамиз жамоатчилиги Михаил Иванович Шевердиннинг юбилейини нишонлар экан, унинг ўз ижоди билан рус ва ўзбек халқи ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга кўмаклашганини мароқ билан таъкидлаб ўтади. М. И. Шевердинга чин қалбдан узоқ умр ва ижодий парвозида янги ғалабалар тилашга рухсат этгайсиз.

Жаҳон биринчилиги бу гал ҳам ўзимизда қолди. Башарият нуфусининг ярмидан кўпроғини ташкил қилган хотин-қизлар орасида — совет қизи, меннинг ватандошим Валентина Владимировна Терешкова биринчи бўлиб космосга парвоз қилди.

Инсоният тарихида бу жасорат оламшумулдир. Шунинг учун ҳам баҳодир акаси Биковский пиздан космосга парвоз қилган ботир қизимиз Валентина билан биз беҳад фахрланамиз. Ўртоқ Терешкованинг жасорати коммунистик тузум, совет демократиясининг хотин-қизларга яратиб берган эркинлиги, тенг ҳуқуқлигининг ёрқин ифодасидир.

Шубҳа йўқки, мардлик майдони маликаси космонавт, жасур Валентина жасорати, унинг замондошлари ёзувчи ва санъаткорлар учун яна бир ҳикмат тўла объект эшигини очиб берди. Бу илҳомбахш сиймо барча ижодкорларнинг муштарак бурчлари бўлиб қолади.

Қаҳрамон қизимиз Валентина Владимировнага шон-шарафлар бўлсин!

Чор жазо отрядлари қўйган ўтда ёниб, култепага айланган Жиззахнинг кўри ўчиб, кули энди совуган бўлса-да, исёнчи халқ сурони, тўп овози, ўққа учиб, дорга осиб ўлдирилган қўзғолончилар нидоси ҳали қулоқларимизда чинқириб, очлик, ўлим кишилар гирибонидан бўғиб турган бир шароитда, Октябрь инқилоби ҳали икки ёшга тўлмаган, минг тўққиз юз ўн тўққизинчи йилда зудлик билан мактаблар очилиб халқ болалари ўқишга тортилсин деб Ленин имзо чеккан Декрет ҳамон эсимда.

Мактаблар оз бўлса-да, очилди. Ўқишга талабгор ёшлар сон-саноқсиз. Лекин ўқитувчилар етишмасди. Етишмасди эмас, борини санаганда бармоққа етмасди.

Орадан кўп ўтмай, Самарқанд шаҳрида ўқитувчилар тайёрлаш курси очилиши овоза бўлиб қолди. Ўқитувчилардан Муллаҳатам Турсунов, Абдусаттор Абдураззоқов, Мустафоқул Иброҳимовлар шу курсга бораётганларини билиб қолиб, мактабдош ўртоғим Оқил Салимов билан уларга эргашдик.

Собиқ Абрамов хиёбони. Қизил ёшгидан қурилган икки қаватли гимназия биносиде имтиҳон комиссияси ишлайди. Одам кўп. Аммо улар орасида бизга ўхшаган ёш боладан биронта ҳам йўқ.

— Назирқул! Оқил!— деган овоз эшитилди. Чопқиллаб эшик олдиға бордик.

— Қиринглар! Дадил бўлинглар! Улар ҳам менга ўхшаган домла. Қани, орқамдан...

Тортинмасдан бўладими?! Қирдик. Салом бердик. Беш-олти нафар кишига рўпара бўлдик.

— Отингиз, отангизнинг оти нима?— боши катта, пешанаси кенг, юзи чўзиқроқ, камзулли, ўрта яшар, қора соқол одам савол берди менга. Жавобимни эътибор билан тинглагач, олдидаги қогозларни титкилаб, яна сўради:

— Ёшингиз нечада?

— Ўн тўртда. Ўн бешга кияпман.

Ўтирганлар кулиб юборишди.

— Майли, уялтирманглар йигитчани. Ўн тўртга кирган йигитнинг ўн бешга ҳам қурби келади. Гап ёшда эмас... Хўш,— деди товуши дўриллаган, оғзи-юзини соқол-мўйлов ўраб, қалин сочи орқа бўйнига тушган, ўсиқ қоши чимирилган, икки бети қип-қизил нуроний одам. Ў сўзни дона-дона қилиб айтса-да, талаффуздан ўзбекча ўхшамас эди.

— Қани айтинг-чи, нима мақсадда бу даргоҳга келдингиз? Уқиб ким бўлмоқчисиз?

— Муаллим афанди бўлмоқчиман.

— Майли, қарши эмасмиз, муаллим афанди бўла қолинг!— деди мулоим жилмайиб йигирма беш ёшлар чамасидаги йигит.— Қани доскага бориб бўрни олинг-чи!

— Ҳисобдан нималарни биласиз?

— Юз рақам ичиде тўрт амали.— Зарб, тақсимдан берган вазифаларини тез-тез ишлаб чиқариб бердим.

— Офарин,— дейишди ёнидагилар.

— Ёзишдан қалайсиз?

— Ёзаман,— дедим!

Мен у киши оғзидан чиққан сўзни ёзиб бердим.

— Шўролар ҳукуматининг бошлиғи,— деди чўзиб,— йўқсуллар дунёсининг йўлбошчиси ўртоқ Ленин, бизда, мамлакатимизда ўқиб, саводхон бўлмаган биронта меҳнаткаш ва меҳнаткаш боласи қолмасин, деган. Биз унга амал қиламиз.

— Бўлди, туриш, нуқталарга дориломон экан-да... зарари йўқ. Қолганини ўзимиз ўргатамиз. Ҳозирча етади... Қани, йигитча, сизнинг отингиз Оқилми?

— Ҳа.

Оқил ҳам имтиҳондан силлиқ чиқди.

Шундай қилиб, маърифатга ташланган биринчи қадам минг-минг зиёлилар қатори Самарқанддан бошланган эди. Ҳар йили бошланғич мактаб ўқувчиларига таътил берилган чоқда мен ҳам юзлаб муаллимлар қатори Самарқандга бориб, ўқитувчилар тайёрлаш такрорий курсида таълим олиб, билимимизга билим қўшиб қайтардик.

Имтиҳон комиссиясида савол бериб, мени қўллаб-қувватлаганларнинг бири Афросиёб сирларини кашф этган машҳур археолог-олим В. Л. Вяткин, Абдужаббор

Нарзиқулов домлалар экан. 1919 йилдан 1929 йилга қадар Вяткин домла, Абдужабборов, Саидолим Шарафидинов, Садруллин, марказий фирқа мактабида эса Беги Мустақой, Рауф Бойжонов ва ўнлаб пешқадам ўқитувчиларнинг лекцияларини эшитиб, улар берган таълим ва билим билан халқ хизматини ўтаб келмоқдаман. Мингминг совет талаба ва толиблари, олим ва фозиллари қатори Самарқанд менинг учун ҳам мураббий, муқаддас, муътабар шаҳар ва билим ўчоғидир.

Хушхабар бўлганда қандай?! Бу хабарни Яшин Москвадан олиб қайтди. Қирқ йил. Бу ҳазилакам гап эмас.

СССР Ёзувчилари съездига делегат бўлиб 10 ёзувчи боргандик. Садриддин Айний, Фафур Ғулом, Ҳусайн Шамс, Ойдин Собирова, Зиё Саид, Алексеев... мана шулардан тўрт киши — Ғайратий, Яшин, Раҳмат Мажидий ва мен қолибмиз.

Қирқ йил! Йўқ, қирқ икки йил. ВКП(б) Марказий Комитетининг «Адабиёт ва бадиий ташкилотларни қайтадан қуриш тўғрисида»ги қарори 1932 йил 23 апрелда эълон қилинди. Шунда Москвадаги ВАПП, РАППлар тугатилиб, ўрнига СССР Ёзувчилар союзи ташкилот комитети тузилганди. Ўзбекистонимизда ҳам ЎзАПП тугатилиб, ташкилот комитети тузилган эди. Союзнинг ташкилий даври жуда серташвиш ўтганди.

Яқинда ўртоқлар билан ўша ўтмишни эслаб:— Ғайратий! Сен ҳам ўша ЎзАППнинг арзандасидан эдинг-а,— деб ҳазил қилгандим:

— Ҳа, бир мен эмас, оғайни, Ғиёс Соатий, Солиҳ Собирий, Ҳаким Зоҳидов, Фатҳулла Ғуломовлар ҳам ЎзАППнинг арзандалари эди,— деди кулиб Ғайратий.

— Сапаганда сонларинг бармоққа ҳам етмас экану, вой-вуй бошлиқларинг иш ўрнига чунон гап сотардики...

— Гуруҳбозликларини айтмайсизми?— деб гап қўшди ҳамсуҳбатлардан бири.

23 апрель қароригача аҳвол шунақа эди. ЎзАППга аъзо бўлиш учун Ғайратийнинг ўзи ҳам «Сельмаш» заводига кириб ишчи бўлиб ишлаган эди.

— Тўғри,— деб тасдиқлайди шоир.— Мен-ку, мен-а, 65 ёшни уриб қўйган марҳум шоир Ҳислат ҳам «Сельмаш»га кириб ишлаган эди. ЎзАППнинг маъмуриятчилик сиёсати кўпгина қобилиятли ёзувчиларнинг адабий ҳаракатдан четлашиб кетишига сабаб бўлган эди.

— Ҳа, Ўзбекистон ёзувчилар союзини барпо қилиш осон бўлмаган эди. Совет ҳокимиятига хайрихоҳ бўлган, бирон бадий асарини нашр этиб, китобхонга манзур қила олган ёзувчи учун союз эшигини катта очиб қўйдик. ЎзАППга яқинлаша олмасдан «Қизил Қалам» жамиятига аъзо бўлиб, назм ва насрда ном чиқарган ёзувчилар ҳам ташкилот комитетига келиб рўйхатдан ўта бошладилар.

Гоявий бузуқ шеърлари билан бадном бўлган Чўлпон ташкилот комитетига келиб-кетиб юрса-да, «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» романлари билан кенг китобхонлар орасида шуҳрат қозонган Абдулла Қодирий (Жулқунбой) ўз билгидан союзга келавермагач, Мажидий билан иккимиз Абдулла акани йўқлаб ҳовлисига борган эдик.

Айни май ойи, баҳор чоғи. Абдулла аканинг қўлида гулқайчи, боғида боғбонлик қилиб юрган пайтида учратдик. Шунда Мажидий:

— «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» романларини ўқиб, Абдулла акани таниб олгандим, аммо боғбонлик ҳунаrlари ҳам борлигини билмас эканман,— деган эди, Қодирий ҳозиржавоблик билан:

— Ёзувчилик иш берган даврда ёзувчи эдик, ёзувчилик нон бермай қолувди, боғбонликка ўтиб олдик. Бу ҳам меҳнат, айб эмас,— деб қўйдн.

Қодирийнинг таъна тоши омонсиз эди.

Абдулла аканинг гинаси ўринли эди. Биз йўқлаб келишдан муддаомизни баён этганимизда, ёзувчининг ғамгин чехраси бирдан ёришиб кетди.

— Жуда соз. Партия қароридан хабарим бор. Бугун бўлмаса эрта партиямиз бу гуруҳбоз боши бузуқларнинг кавушларини тўғрилаб қўйса керак, деб юрган эдим. Раҳмат партиямизга! Республикамизда улкан воқеалар юз бeryпти. Қулоқлар синф сифатида тугатилди. Меҳнаткаш деҳқонлар коллектив хўжаликларга уюштирилди. Янглишмасам, бунинг ўзи ҳам бир инқилоб. Тўғриси айти қолай, ана шу инқилоб қаҳрамонлари ҳақида замонавий бир романга «ҳомиладор»ман,— деб юморчилик ҳунарини ишга солди Жулқунбой.

Мен ҳам бўш келмадим:

— Абдулла ака, хавотир бўлманг, доямома ўзимиздан,— Мажидийни кўрсатдим.— «Чақалоқ»ни бир амаллаб ўзим йўргаклаб оламан.

Роса кулишдик. Ноумид қайтмадик. Ижоддак четлашиб қолган устоз ёзувчилардан яна бирини соқсимизга жалб этдик. «Обид кетмон» шундан сўнг туғилган.

Ўзбекистон Коммунистлар партияси ва ҳукумати Ташкилот комитети ва ёзувчиларга ҳар тарафлама шароит яратиб, союз учун янги бино берди. Ўзбек, рус тилида янги журнал чиқа бошлади. Ёзувчилар учун ажойиб ижодий боғ ҳада қилинди.

Қодирийнинг қўлида гулқайчи, боғини ораста кўриб, ҳавасим келди. Гап орасида боғбонсиз қийналаётганимизни айтиб, боғимизга таклиф қилдик.

— Эркак хотинсиз, хотин эрсиз кун кечириши мушкул бўлганидек, боғсиз боғбон, боғбонсиз боғ бўлармишми? Қўли гул бир боғбон бор эди-ю, аттанг, ишкали бўлмаганда эди...

— Ишкали?— шошиб савол бердим мен.

— Маҳалламизда кекса бир боғбон бор,— дея хаёлчан сўз бошлади Абдулла ака,— хусуматдан бой хўжаликлари рўйхатига киритиб юбориптилар. Қайси даргоҳга бош уришни билмай чирқиллаб юрипти боёқиш чол.

— Қулоқ қилинган экан-да.

— Хусуматдан, ноҳақдан,— деди бир оз тажанг бўлиб Қодирий.— Агар оқлаб олишнинг йўли бўлса, нақ боғбонга ёлчиб қолардингиз-да.

— Кўрса бўладими? Оти нима?

— Оти Иноғомжон ота, истасангиз ҳозир олиб борай.

Бордик. Иноғомжон ота энгаги ичига кирган, мошгуруч соқолли, қалин қош, кўзи чақчайган, жуссаси ушоқ, сермулозамат киши экан. Узоқ суҳбат қилдик. Қулоққа тортадиган ҳеч қандай аломати йўқ. Анвойи мевазор боғи, қолаверса, хусумат сабаб бўлиб қулоқлар рўйхатига киритилган экан.

Отага Ўзбекистон ҳукуматига, Йўлдошбой Охунбобоев номига ариза ёзишга маслаҳат бердим. Аризани Абдулла ака ёзиб берадиган бўлди. Бу ишга ўзим ҳам бош қўшдим.

Республикамиз президенти Охунбобоев боғбонни қабул қилдилар. Боғбон бободехқон имтиҳонидан муваффақиятли ўтди.

— Ёзувчи халқининг таъби нозик бўлади. Булбул гул ошиғи бўлганидек, адиб-шоирлар ҳам соя-салқин богда, чаман-чаман гуллар яшнаб турган гулзорда ил-

хомлари жўш уради, яхши китоблар ана ўша ерда илҳом билан ёзилади. Қалай, боғбон ота, ёзувчиларимизга боғбон бўлиш қўлингиздан келадими?

Инсфомжон ота ўрнидан дик этиб турди, одоб билан қўл қовуштириб деди:

— Мартабангиз бундан ҳам улуғ бўлсин, эсимни танибоқ, мева дарахти экиб, гул ўстирганман.

— Биз меҳнатсиз кун кўрувчи, ўзгалар кучидан фойдаланиб бойлик орттирувчи ёт унсурларни қулоқ қил-япмиз.

— Уэр, ёшим олтмишга етиб, одам ишлатганим йўқ.

— Сиз, агар адиб-шоирларимизнинг кўнгилларини ола билсангиз, бой хўжаликлар рўйхатидан ўчирилганингиз шу бўлади. Ҳар қалай, ёзувчиларимиз олдида иккаламиз уялиб қолмаймизми, ахир?— мулоим жилмайди Охунбобоев.

— Танамда жоним борки, ишончингизни оқлайман, — деди кўзига ёш олиб кекса боғбон.

Иноғомжон ота ўз сўзининг устидан чиқди. Боққа тарнов орқали сув келтирди. Ўз боғидан хилма-хил атиргуллар, мевали дарахтлар, тоқлар олиб келиб ўтқазди. Асалари урчишиб, ёзувчиларга асал едирди. Сал вақт ўтмай, боғ яшнаб чинакам ижод боғига айланди. Фафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Шайхзода, Ойдин, Ойбек, Ҳасан Пўлат, Абдулла Қаҳҳор, Абдулла Қодирий, Шамс, Яшин, Михаил Шердин, Зиннат Фатхуллин, Ғайратий, Зиё Саид сингари ёзувчиларнинг илк бор ёзилган машҳур асарлари шу ижод боғининг меваси бўлди.

Партиямиз раҳбарлиги, улуғ Горький ёрдами туфайли бизнинг республикамизда ҳам уюшқоқ, тиришқоқ янги ижодий коллектив вужудга келди. Улар ёт мафкурага қарши курашиб чиниқдилар. Қайта қурилиш даврининг энг огир участкаларига бориб бунёдкорлар ҳаётини қунт билан ўргандилар. Натижада ҳаёт нафаси уфуриб турган шеър, очерк, ҳикоялар сўнггидан поэма, қисса, роман, драма асарлари пайдо бўла бошлади.

Ўзбек адабиётида проза жанри жуда орқада эди. Ўзбекистон ҳукумати эълон қилган конкурс самараси бўлиб, Садриддин Айнийнинг «Қуллар» романи, А. Қаҳҳорнинг «Сароб», Ҳ. Шамснинг «Душман», А. Қодирийнинг «Обид кетмон» романлари дунёга келди.

Ғафур Ғуломнинг «Кўкан батрак» поэмаси, «Ўзбекистон», «Тўй» балладалари, Ғайратийнинг «Онамга хат» поэмаси, Уйғуннинг «Коммунизм гулбоғларида», Ҳ. Олимжоннинг «Бахтлар водийси», Ҳ. Пулатнинг «Полвон» поэмаси, Ойбекнинг «Дилбар — давр қизи», Элбекнинг «Чирчиқ бўйлаб», Ойдиннинг «Тингла, қўзим», Яшиннинг «Ендираминиз», Н. Сафаров ва Зиё Саиднинг «Тарих тилга кирди», З. Фатҳуллиннинг «Истиқбол», У. Исмоиловнинг «Рустам» драматик асарлари адабиётимиз ривожига муҳим босқич бўлди.

Горькийнинг шахсан кўрсатмаси билан Ўзбекистонга Москва ёзувчилари бригадалари келиб-кейтиб туришди. Айниқса, В. Ермилов бошчилигида келган бригаданинг иши ўта самарали бўлганди. Турли жанрда ёзилган ўзбек ёзувчиларининг асарларини қўл билан ўрганиб, асарлар таржима учун талланарди. Москвалик ёзувчи ва шоирлардан И. Катаев, Л. Леонов, Б. Лапин, А. Митрафанов, К. Федин, А. Саргиджан (С. Бородин), И. Новиков, М. Светлов, В. Гусев, П. Антокольский, Н. Ушаков ва бошқа ўртоқлар таржима ва таҳрир ишларига жалб қилиндилар. Натижада, «Литература Ўзбекистана» номидаги каттагина тўпلام тайёрланиб, Москвадаги «Художественная литература» нашриётида чоп этилди. Бу Иттифоқимиздаги кўп миллатли китобхонларнинг ўзбек ёзувчилари асарлари билан биринчи бор танишувига имкон берди. Ёш ўзбек совет адабиётининг бешигини тебратиб вояга етишида мураббийлик қилган қардош қаламкаш дўстларимизга бугун икки қўлимизни кўксимизга қўйиб ўзбекчасига катта раҳмат деймиз.

* * *

1934 йил 18 август. Ниҳоят, орзиқиб кутган кунга етишдик. Москвадаман. Пойтахт осмони мусаффо, қуёш кулиб турганди. Худди шу кун СССР ёзувчиларининг тарихий биринчи таъсис съезди очилади. Советлар уйининг олди шаҳар аҳолиси ва минг-минг меҳмонлар билан тўлиб-тошган. Оломон олазарак, кимнидир кутарди. Съезд делегатлари Советлар уйининг колонна залига кириши керак. Йўл йўқ. Одамлар минди-минди. Оғлиқ, пиеда милиция отряди делегатларга йўл очолмай га-ранг. Бир қадам жилиш учун бўш жой йўқ.

— Келяпти!— деб кимдир қичқириб юборди.
Енгил машина кўринди. Шу заҳотиёқ машина оломон гирдобига тушиб қолди.

— Горький!

— Алексей Максимович Горький! Ура!..

— Ана, ана мўйловидан таниб турибман. Горькийнинг худди ўзи!— деб яна биров тасдиқлади.

Сурон билан сурила-сурила милициялар кўмагида йўл очиб, ниҳоят машина бино эшиги олдига силжиб етди. Бир вақт бўйдор қоматини камалак қилиб машина эшигидан Горький чиқди. Оломон қуршовида унинг боши яққол кўриниб турарди. Горький оломонга қўшилиб, қарсак чалар, жилмайиб узун, хушмўйловини силарди, мен бўлсам унинг қуюқ қоши тагидаги теран кўзига боқиб тўймасдим.

Ўша дамда мен ўзимни беҳад бахтиёр сезардим. Дарҳақиқат, ким эдим, ким бўлиб қолдим? Бир темирчи шогирд бола эдим. Қандай бахтки, бугун совет адабиётининг боғбони, миллион-миллион китобхонларнинг мураббийси, бутун бир ишчи синф авлодини социалистик революцияга тайёрлаган «Она» романининг муаллифи «Бўрон қуши» билан учрашиб, уни олқишлаб миннатдорчилик билдириб турибман.

* * *

Союзлар уйининг колонна зали делегат ва меҳмонлар билан тирбанд. Ҳамманинг кўзи саҳнада, жимжит зал бирдан ларзага келди. Қарсак, «ур-ра!..» овозлари янгради. Бўйдор, озгин, хушмўйлов Горький мулойим жилмайиб, саҳнага кириб, стол ёнида туриб олиб қарсак чаларди. Коммунистлар партияси, улуғ Горький шаънига шиорлар айтишиб, зал тезда тинчимайди. Тинчителининг иложи бўлмагач, Горький қовоғини солиб стулга ўтириб олди. Зал тинчиди. Алексей Максимович жилмайиб яна оёққа турди-да:

— Азиз ўртоқлар!— деб хитоб қилди. У янгидан ташкил топаётган союзнинг аҳамияти, Иттифоқимизда бир бутун, аммо ҳар бир ўзига хос миллий шаклга, пролетарча мазмунга эга бўлиши кўзда тутилган адабиёт яратиш ҳақида сўзлади. Барча республикаларимизнинг тил жиҳатидан турлича бўлган адабиётлари бутун совет

мамлакати пролетариати, барча мамлакатларнинг бизга дўст бўлган революцион пролетарлари ва ёзувчилари олдида бир бутун адабиёт сифатида ўз съездига йиғилишдилар деб уқдирган эди Алексей Максимович. Унинг қалбимга яқин сўзлари қўрғошиндай қулоғимга қуюлиб, юрагимга жо бўлиб қолганди.

Бундан қирқ йил бурун айтилган бу башоратомуз сўзлар фақат съезд аҳли учун дастуриламал бўлмасдан, озодликка ташна, ҳар қандай эксплуатация хилларига қарши, прогрессив дунёга хайрихоҳ бўлган қалам соҳибларининг дилларидаги орзуси бўлиб янграган эди. Совет адабиёти ривожлана бориб, бутун мамлакатларнинг, Горький айтганидек, бизга дўст бўлган демократик кучлар, уларнинг адабиёти озодлик, тинчлик учун, империализмга қарши кураш қуролига айланиб кетди.

Совет адабиёти, фақат рус тилидаги адабиёт эмас, балки Бутуниттифоқ адабиёти эканлигини улур Горький ўша съездда қайта-қайта уқтириб, қардош республикаларнинг ёзувчилари биздан фақат тиллари жиҳатидан фарқланадилар, деган эди. Кўриб турибсизки, меҳнаткашлар оламини бирлаштирган ғоялар нури ва уларнинг самарали таъсирида яшаб ижод этмоқдалар.

У умуминсоний адабиёт тўғрисида, инсон онги, шуурининг ўзгаришига қодир чинакам социалистик реализм адабиётини яратиш: халқ ва партия ишига жон-дил билан берилган, замондошлар билан ҳамнафас совет ёзувчилари отрядини тарбиялаш, ёзувчи кадрларга оталарча ғамхўрлик қилиш, ёзувчилик маҳорати тўғрисида сўзлаган эди.

Ҳа, Горький ҳақ бўлиб чиқди. Совет адабиёти кўп миллатли Совет Иттифоқи халқларининг қудратли кучга эга таъсирчан тарбиявий адабиёти бўлиб қолди. Иттифоқ, ҳатто чет эл китобхонларига манзур бўлган асарлар орасида совет адабиётининг олтин фондига кириб бораётган ўзбек ёзувчиларининг асарлари озми?

Ўтган қирқ йил мобайнида иттифоқчи республикаларимизда ажойиб талантлар етишиб, камолот чўққисини эгалладилар.

Шу қирқ йил ичнда ўзбек совет адабиёти жуда катта муваффақиятларга эришди. Ўзбекистон халқ шоири, Ленин мукофоти лауреати, академик Ғафур Ғулум, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода, академик Яшин, Уйғун, Шароф Рашидов ва Зулфия, Асқад

Мухтор, Раҳмат Файзий, Мирмуҳсиб, Ҳамид Ғулом, Саид Аҳмад, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Улмас Умарбеков, Иброҳим Раҳим, Шукрулло, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ҳусниддин Шарипов, шоирларимиз Саида, Ҳалима ва Гулчеҳралар, мунаққидларимиздан В. Зоҳидов, Л. Қайумов, М. Қўшжонов, Ҳ. Абдусаматов ва Г. Владимировлар иттифоқ китобхонларига таниш.

Биринчи съезддан бери қирқ йўл ўтди. Бу йиллар орасида беш йилликлар муваффақият билан амалга оширилди. Агар бизнинг саноатимиз, қишлоқ хўжалигимиз, фанимиз, маданиятимиз, иқтисодий қувватимиз ўттизинчи йиллар даражасида турганда иккинчи жаҳон урушида ҳолимиз нима кечарди? Ҳарбий техника, жонли кучлари жиҳатидан биздан кучли бўлган душман устидан ғалаба қилишимизнинг боиси нимада? Боиси шундаки, кўп факторлар билан бир қаторда халқимиз маънавий дунёсининг бойлиги, Ватанига бахт-иқбол раҳнамоси бўлган жонажон Коммунистлар партиясига чексиз садоқати, меҳр-муҳаббати иш берган бўлса, совет адабиёти боғбони улуғ Горький тарбиясида камол топган, унинг традицияларини давом эттираётган инсон руҳининг инженерлари бўлмиш совет ёзувчилари ва улар яратган адабиётнинг маънавий таъсир кучи шубҳасиз роль ўйнаган эди ва бундан кейин ҳам ўйнайди. Бундан қирқ йил бурун республикамызда маданият, фан эндигина тетапоя бўлиб, Фанлар Академиямиз эса, йўқ эди. Ҳозир бор.

Республикамыз ярим асрлик юбилейига тайёрланмоқда. Ўзбекистон пахтакорлари XXIV съезд қарорларини амалга ошира бориб, юбилей йилида она-Ватанга беш миллион тонна «оқ олтин» армуғон қилмоқчилар. Албатта, ваъдаларининг устидан чиқадилар. Ўзбек адиблари ҳам республика тўйига тўёна ҳозирламоқдалар. Айни бир вақтда бу тўёна қирқ йиллиги нишонланаётган СССР Ёзувчиларининг биринчи съездига муносиб совға ҳам бўлади.

Иттифоқ Ёзувчилар Союзининг съезди совет адабиётининг ривожига асос солди. Партия ва халқ иродаси билан ташкил топган бу ижодий союз улуғвор йўлни босиб ўтди. Босиб ўтилган 40 йил мобайнида Совет Иттифоқининг ёзувчилари жамиятимиз тараққиётининг ҳал қилувчи участкаларида бўлдилар. Халқимизнинг шодлиги ва ғам-ғуссасига ҳамоҳанг бадий асарлар

яратдилар, уларнинг қудратли овозлари ўз китобхонларини қўлоғига барала эшитилиб турди, коммунизм қурувчи омманинг тарбия мактаби бўлиб қолди.

Беш йилликлар вазифаларини бажариш давларида ҳам, фашизмга қарши ҳаёт-мамот кураши йилларида ҳам совет ёзувчилари партия ва халқ билан бўлди. Уларнинг очерк, шеър, ҳикоя, қисса ва поэмалари жангчиларимизни мардлик ва жасоратга даъват қилди. Ватанпарварлик руҳида тарбиялаб, душман устидан қозонган ғалабамизга муносиб ҳисса қўшдилар.

Совет адабиёти, санъати арбоблари ҳар қачонгидай бундан буён ҳам ленинча партиямиз йўлини, жонажон Ватанимиз қудратини, совет тузуми афзалликлари ва халқимизнинг яратувчилик куч-қудратини асарлари саҳифаларида, жонли образларда ёрқин гавдалантиравердилар.

Улуғ Совет мамлакатининг содиқ граждани ва ижодчи фарзандлари синалган Ленин йўлидан борадилар, улуғ Горький анъанаси ва социалистик реализм адабиётини камолот чўққисига етказиб, унинг энг яхши намуналарини яратиш учун куч-қувватларини аямайдилар, меҳнат ва бахтиёрликни улугловчи бадий баркамол асарлар яратишда ҳормай-толмай меҳнат қиладилар.

Бугун Ҳамза номидаги Ленин орденли Ўзбек Давлат академик драма театрининг эллик ёшга тўлишини байрам қилмоқдамиз.

Отахон театримиз Октябрдан уч ёшгина кичик, холос. Устод Ҳамза, оғамиз Маннон Уйғур асос солган бу театрининг босиб ўтган йилдй йўли ўзига хос бир мактаб; шаклан миллий, мазмунан социалистик санъатнинг ёрқин намунаси, деб айта оламиз.

Самарқандда ўқиб, таълим олиб юрган тенгқурларим қатори мен ҳам ўзбек давлат драм труппасининг (ўша пайтда театр шу ном билан аталарди) беқарор ошиқларидан бири эдим. Маннон Уйғур, Етим Бобожонов, Абдор Ҳидоят, Лутфулла Назруллаев, Турсуной, Сорахонларни, Шариф Қаюмов, Ҳожн Сиддиқларни биринчи маротаба Самарқанд сахнасида кўриб, уларнинг ижрочилик санъатига мафтун бўлган эдим. «Темир сағанаси», «Зоғмуғ», «Ҳалима», «Маликаи турандот», «Икки коммунист», «Икки бойга бир қарол» пьесалари ва томошаларида бўлиб, сеҳрланиб юардим.

Театр бу даврда анча-мунча қадинчи ростлаб, профессионал кадрларга эга бўла бошлаган бўлса-да, ҳоявий етук ўз миллий драматургиясига эга эмас эди. Ана шу бўшлиққа биринчи бўлиб «Икки коммунист» пьессаси билан Яшин кириб келди. Яшиндан сўнг «Пахта шумғиялари» асари билан Умаржон Исмоилов келди. Йил сайин театр репертуари миллий драматургларнинг замонавий асарлари билан қисман бўлса-да, бойиб борди.

30-йиллар ҳар жиҳатдан мураккаб давр эди. Қулсок синфи, буржуа миллатчилари турли соҳаларда бузғунчилик ишларини давом эттирардилар. Яшиннинг «Ёндирэмиз», бизнинг «Тарих тилга кирди», З. Фатҳуллиннинг «Ёиқоб йиртилди» пьесалари худди шу ўт-аланган кўраш йилларида яратилган эди.

Пойтахт эндигина Самарқанддан Тошкентга кўчиб келган йили зиёлиларнинг бир йиғилишида устозим Зиё Саид сўзга чиқади ва «қосимовчилар» воқеаси темасида бир сахна асари ёзиш ниятида эканлигимизни эълон қилади. Бу хабар яшин тезлигида отахон театримизнинг бош режиссёри Маннон Уйғур қулоғига етибди. Эртаси кунiek ўша вақтдаги театр директори Қосимхўжаев Зиё иккаламизни оға Маннон ҳузурига олиб борди.

Биз ёзмоқчи бўлган пьесамиз ҳақидаги материаллар билан таниш бўлсак-да, ҳали мукамал бир сюжетга эга бўлган асар ҳақида сўзлаб беришга қодир эмасдик. Шундай бўлса-да, Уйғур:

— Демак,— сўз бошлади жингалак сочини панжаси билан тараб,— ғоя бор, тема яхши. Театрга шундай асар керак... Қани Етимбой, сиз нима дейсиз?

— Гап битта, маъқул. Шундай эмасми, йигитлар,— дейди актёрларга мурожаат қилиб режиссёр Бобожонов.

Театр гўё бизга қанот бағишлади. Биз ҳар қандай парвозга тайёр бир ҳолатда хайрлашдик.

Республика идоралари, тўққиз газета, журнал, босмахона ходимлари учун Тошкентда турар-жой танқислиги шу даражада эдики, Зиё Саид билан мен Дегрез маҳалласидаги Мустақим ака чойхонасида тунаб, «Тарих тилга кирди»ни ўша ерда ёза бошладик. Маннон Уйғур томонидан берилган муҳлат ичида биз фақат пьесанинг ярмини ёза олдик.

— Ваъда беришга бердигу, натижадан дарак йўқ, деган иснодни кўтаргунча, пьесанинг ёзилган қисмини театрға олиб борайлик,— деди Зиё Саид.

«Тарих тилга кирди» драмаси театр коллективи билан чинакам ижодий ҳамкорликнинг меваси бўлди. Тиниб-тинчимас, ўзгаларга ҳам тинчлик бермайдиган Маннон Уйғур билан Етим Бобожонов кечани кеча, кундузни кундуз демасдан тайёргарлик кўрдилар. Пьесадаги асосий ролларни ижро этган Абдор Ҳидоят, Шукур Бурҳонов, Ғани Аъзамов, Наби Раҳимов, Сайфи Олимов, Саъдихон Табибуллаев, Сорахоним Эшонтўраева, Шариф Қаюмов, Обид Ҳасанов, Шоҳидахоним Маъзумова, Ҳикмат Латипов, марҳум Назруллаев, Обид Жалилов, Исомов, Миршоҳид Мироқилов ва коллективнинг бошқа аъзолари ўз ролларининг тўлақонли бўлиб чиқиши учун иш давомида тинимсиз изландилар...

Отахон театримизнинг шонли эллик йиллиги нишон-

ланаётган шу кунларда саҳна санъатининг заҳматкашлари номларини ҳурмат билан тилга оламиз. Ўзбек санъатининг кошонаси пойдеворига гишт қўйган, бу санъатни яратиб камолот чўққисига етказган, миллион-миллион томошабинлар ҳурматига, олқишига сазовор бўлган атоқли актёрларимиз билан фахрланамиз. Бу қутлуғ тўй, гарчи, отахон театримиз ва унинг ижодий коллективининг тўйи бўлса-да, бу тўй бутун ўзбек халқининг, Советлар Ўзбекистонининг тўйидир.

— Олим Хўжаев, Шукур Бурҳонов, Саъдихон Табибуллаев, Сайфи Қори Олимов, Сора Эшонтўраева, Зайнаб Садриева, Замира Ҳидоятова ва бошқа санъатимиз ветеранлари ҳамда бошқа севикли артист, режиссёр, драматург ва саҳна усталарининг тўйларидир.

Ҳамзачи дўстларим! Муборак бўлсин, меҳнат, машаққат, фидойилик эвазига эришганингиз қутлуғ айём!

Умидвормиз: устод Ҳамза, оғамиз Маннон Уйғур, Етим Бобожоновларнинг синалган традициялари бундан сўнг ҳам ижодий коллектив учун асосий метод ва йўл-йўриқ бўлиб қолади.

Фахр ва ифтихоримиз — отахон театримиз санъати гуллаб-яшнасин, бундан сўнг ҳам коммунистик тарбиянинг энг муҳим синалган ўчоғи бўлиб хизмат қилаверсин.

Ҳозир, шу минут, шу дақиқаларда менинг руҳимда содир бўлаётган ҳис-туйғуларни сиз, азиз дўстларимдан сир тутма олмайман. Ҳа, менинг қадрдон дўстларим, киши ҳаётида шодлик билан бир вақтда ғам-ғуссали кунлар ҳам бўлади. Худди шунга ўхшаш менинг ҳаётимда ҳам шодлик ва ғам-ғуссали кунлар бўлиб ўтган.

Мана шу дам — шу дақиқада менинг етмиш ёшим ва ижодий камолотимни қутлаб турган дўстларимнинг дил сўзларини эшитиб ўтириб, кўз ўнгимдан бир дунё ўтмиш воқеалар саф тортиб ўтди. У — воқеалар нималардан иборат эди? Ҳаётимда упутилмас, бир умрга ибрат намунаси бўлиб қолган ўша дамлардан бир-иккисини айтиб ўтмоқчиман. Ўша ўспиринлик чоғимда ленинчи ёшлар союзи — комсомоллар сафига киришга жазм қилдим. Лекин бу орзуга эришув ўша йилларда унча ҳам осон эмас эди. Ҳа, кимгадир осон, кимгадир мушкул эди. Ленинчи ёшлар союзига етти пушти йўқсул ўтган, ҳалол меҳнат билан кун кўрувчи қиз-йигитларга кириш эшиги ланг очик эди. Кексайиб қолган дадамнинг офтоба самоварда сув қайнатиб сотиши менинг комсомол сафига қабул қилинишимга монелик қилиб қолди. Мен кекса отамга сув ташиб ёрдамлашиш билан бир вақтда, темирчи-мискарга шогирд тушиб ҳалол меҳнатим билан кун кўриб юганимни исботлаш учун справкалар йиғиб топширдим. Шундан кейингина мени ленинчи ёшлар союзига қабул қилдилар. Шундан билиниб турибдики, комсомолга аъзо бўлиш инқилобнинг дастлабки йилларида у қадар ҳам осон бўлмаган. Ҳар бир ёшнинг ижтимоий келиб чиқиши муҳим роль ўйнаган. Ленинчи ком-

сомол ёшлар союзининг таваллуд топиши шу хилда қатъий синфий принцип асосида ривож топиб, мустақамлана борарди.

Комсомол сафида яхши тарбия олдим. Ташкилот мени жамоат ишларига тортди, ўқитди, халққа хизмат қилишни ўргатди. Комсомол топшириқларини бажариб чиникдим. Сўнгроқ ўзим ҳам комсомол ташкилотига раҳбар бўлиб сайландим. Шундан сўнг коммунистлар партияси сафига киришга қатъий бел боғладим. У пайтларда партия аъзоларининг сони бармоқ билан санарли эди. Кафолат берувчилар оз бўлиши билан бирга кафолат олиш бениҳоя қийин эди. Ҳали ўзи эндигина саводсизлигини битирган батрак коммунистга мурожаат қилиб партияга ўтишим учун кафил бўлишга розилигини сўрадим. Мени дастлаб мунаввар дунёга биринчи бўлиб бошлаган, ҳалол, беминнат хизмат қилишнинг йўл-йўригини чизиб берган ўша устозларимнинг нуроний сиймолари шу дамда яна кўз олдимда гавдаландилар. Устозларим менинг ҳозирги бахтиёр онимдан мамнун бўлиб:— Баракалла, Назирқул ўғлим, ишончимизни оқладинг,— деб дуо қилаётгандек ҳис-туйғу менинг юрагимни тўлқинлантираётгандек.

1927 йил, Ленин чақириғи бошланган пайт. Менга кафолат беришга розилик берган коммунистлардан бири, ҳалиги батрак уч шартни кўндаланг қалиб қўйди:

Биринчи шарт: Сенга кафолатнома ёзиб берадиган коммунистнинг ишончини оқлайсанми? Партиянинг кадр-қимматини ҳар қандай қимматбаҳо нарсадан юксак ва муқаддас тутиш қўлингдан келадими?

Иккинчи шарт: Партия манфаатини кўзлаб, азвало, ўзингдан, шахсий манфаатингдан кечиш қўлингдан келадими? Партия мақсадини, пролетариат инқилоби ишини амалга оширмақ учун курашда шахсий манфаатни йиғиштириб, ўз нафсининг тия олиш қўлингдан келадими?

Учинчи шарт: Шу иккала шартни бажараётган чоғингда ёки бирон ишчи, батрак, деҳқоннинг бирон мушкулени осон қилиш зарур бўлб қолган чоғда, шу одамдан қандай манфаат кўрар эканман, деган тушунча, шайтон васвасаси — тамагирлик сингари жирканч пасткашликдан ўзингни тийиб, виждонингни поқ сақлай олиш қўлингдан келадими?

Мен бу саволларга «Қўлимдан келади, кучим етади»

деб жавоб қилган эдим. Чунки мен бу шартларни партиямизнинг устав ва программасидан ўқиб, уқиб олгандим.

Мана шу тарихга қирқ саккиз йил бўлибди. Қирқ саккиз йилдан бери улуғ Ленин партияси сафда туриб шу шартларга амал қилиб келмоқдаман. Ҳамма вақт, ҳар қаерда, ҳар қандай шароитда ҳам партиянинг измидаман, унинг чизиб берган чизигидаман.

Дарҳақиқат, азиз дўстлар, ҳалол қўллик, покиза виждонлик улуғ Ленин таълимотига содиқ ва партия ишига садоқат, халқ хизматида бўлиш сингари олижаноб фазилатларга кимда-ким эга бўлса, сўзи билан ишида тафовут бўлмаса, шундай одам халқ назаридан четда қолмас экан. У одамнинг ўзи кутмаган иззат-аъромни халқни ўзи берар экан. Халқнинг, сизларнинг менга кўрсатаётган иззат-ҳурматларингиз шундан эмасмикан?! Мен фақат шундан деб биламан. Тирикман, халқ хизматида бўламан.

Гоҳо-гоҳо дўстларим мендан қаримаслик сирини сўраб қоладилар. Нега баъзи бир тенгқурларингиз сизга қараганда тез кексая бошляптилар, деб савол берадилар.

Мен уларга бундай деб жавоб қиламан:

Қимки ўз кундалик ишидан ўзи хурсанд бўлса, бошқалар эришган ютуқдан яйраб, шод-хуррам бўлса, ҳақгўй бўлса, кексалик чекинаверади, одамнинг руҳи кўтарилиб енгил тортаверади. Аксинча, фақат ўзим бўлай, ўзга билан ишим йўқ деса ўзга киши муваффақиятидан озор чекган киши ўзини тез олдириб, тез қарийди. Мен буни кундалик ҳаётда кўриб, кузатиб келмоқдаман. Қўлингиздан келса яхшилик қилинг. Ёмонликдан, ичиқораликдан, ҳасаддан, ўзгалар ютуғини кўролмасликдан, бахилликдан ўзингизни тийинг, дўстим деб жавоб қиламан.

Юқорида санаб ўтилган иллатлар ҳаммаси — умрининг эгови — заволидир.

Азиз дўстлар! Улуғ Ленин партиясининг оддий аъзоси менга, ўз мулкингиз бўлган адабиёт — санъат аҳлига кўрсатаётган бу кунги иззат-ҳурматингизнинг боиси, бош омили коммунист учун, совет ёзувчиси учун халқ ишончи — ҳурматида кўра олий мукофот йўқ. Мен бунга яна-яна бир бор имон келтирдим.

Янги дунё одамларини тарбиялашдаги ушбу раҳна-

молик хизматлари учун Коммунистлар партиясига, юбилейнинг бу қадар файзли ўтишига бош-қош бўлган Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қомитетига, унинг ходимларига, журналист ва ёзувчи дўстларимга, сиз азиз китобхон — томошабин қадрдон меҳмонларимга, дунёни қайта қурувчи ҳазрати инсон — Сиз замондошларимга икки қўлим кўксимда бош эгиб таъзим қиламан.

Саломатлик, тинчлик бўлсин. Тўй-томошалардан бошларингиз чиқмасин, азиз дўстлар!¹

¹ 1975 йилда Ҳамза номи театрда етмиш ёшим тантанали нишонланган йилнинг охирида сўзлаган нутқим. (Автор.)

МҲНДАРИЖА

Ҳарбий очерклар

Изларни излаб	7
Қуролдошларимни эслаймаи	13
Табаррук одам	16
Ямоқчи ҳикояси	23
«Ўқ ўтмас ботир»	28
Боис Ботир	35
Оловли излар	63
Ҳамон изларини излайман	87
Томчи қон	96
Тошга битилган хат	117
Спайлер	120
Мардлик чашмаси	129
Львов ҳақида ҳикоя	160
Жангчи шоир	163
«Тилсимчилар»	165
Соҳиб чангал	169
Даштфан лочини	172
Дарға	190
Йўқсиллар куни тугди	196
Минг дўст кам, бир душман ортиқ	200
Туя кўрдингми? Йўқ!	208
Душман таслим бўлгуси йўқ	213
Ер кимники — эҳкашники	216
Улуғ карвон йўлидан	217
Норин қиссаси	219
Орзулар ушайди	221
Ҳеч қачон унутилмайдн	225
Ҳамид Олимжонга ҳайкал қўйиш маросимидаги шутқ	231
Дўстимни хотирлайман	234
Салом ва табрик йўллайман	237
Муқаддас туфроқ	241
Оқ йўл	244
Асқар ботирни билган борми	247
Дилимиз дилларга пайванд	253
Ғалаба деб	255
Муқаддас излар	259

Шўбеишестика

Тўнғич президент	267
Ташкилий ишларни сиёсий раҳбарлик даражасига кўтарай- лик	269

Янги вазифалар сари	282
Сафларимиз шум гиёҳлардан пок бўлсин	292
Озарбайжон хотираларидан	298
Келинг, минбарга дадилроқ чиқайлик	308
Замоннафас асарлар яратамиз	312
Ўзаллик сафдошимиз бўлсин	314
Ким эдик биз?	318
Ифтихоримиз	331
Зиёлилар	335
Матонат	339
Горький йўлидан	343
Биз янгилик билан бахтиёримиз	349
Тарихимиз чироғи	354
Эгизакларимиз	368
Фаргона лавҳалари	375
Нега фахрланмайлик	379
Ҳаёт ҳақиқати	383
Одам меҳнати билан улуг	387
Ташкилотчиликда гап кўп	396
Замондошларим	404
Ленинча тафаккур билан	414
Янги анъаналар, янгича урф-одатлар	416
Ғайратий	425
Иккинчи қўриқ	431
Барҳаёт санъат соҳибни	438
Менинг иккинчи онам	440
Ҳунар — ҳунардан унар	445
Келажакимиз	450
Ўзувчининг маршрути	454
Яна поп ҳақида	458
Таъзим	461
Тугма талант	462
Фахримиз	465
Ҳурматли устоз	466
Қутлаймиз	468
Сизга бош эгамиз, таъзим қиламиз	469
Донм халқ билан бирга	471
Жаҳонда яна биринчи ўзимиз	474
Мураббий	475
Нурли йўл	478
Қутлайман	487
Азиз дўстлар! Ўртоқлар!	490

Назир Сафаров

ОГНЕННЫЕ СЛЕДЫ

Военные очерки,
публицистика

Редактор М. Раҳмон
Рассом Г. Жирнов
Расмлар редактори И. Қирнакиди
Техн. редактор Т. Смирнова
Корректор Ш. Зухриддинов.

Босмахонага берилди 11/III—1976. Босишга рухсат этилди 11/VI—1976. Формати 84×108¹/₃₂. Босма л. 15,5. Шартли босма л. 26,04. Нашр л. 25,21+0,11 вкл. Тиражи 20000. Р—09512. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 148—75.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича давлат комитетининг Тошкент полиграфкомбинатида № 1 қозоғга босилди. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. 1976 йил. Заказ № 338. Баҳоси 1 с. 9 т.